

581.5  
Ф 29

И.И.ФАТОЕВ, И.Ш. САДЫКОВ,  
Б.Х. САЛОМОВ

# САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ



DARSLIK

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA  
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

BUXORO MUHANDISLIK -TEXNOLOGIYA INSTITUTI

И.И.ФАТОЕВ, И.Ш.САДЫКОВ, Б.Х.САЛОМОВ

САНОАТ  
ЭКОЛОГИЯСИ  
ДАРСЛИК

BUXORO – 2020  
«DURDONA» NASHRIYOTI

20.1я7

67:574(075)

Ф 29

И.И.Фатоев, И.Ш.Садыков, Б.Х.Саломов

“Саноат экологияси” номли дарслиги И.И.Фатоев, И.Ш.Садыков, Б.Х.Саломов – Вухоро: “Садриддин Салим Бухорий” Дурлона нашриёти 2020. – 576 б.

ББК 20.1я7

УДК 67:574(075)

**Тақризчилар:**

**Холлиев А.Э.**

Бухоро давлат университети  
“Экология” кафедраси профессори,  
б.ф.д.

**Исабаев И.Б.**

-Бухоро мұхандислик-технология институти “Озиқ-овқат технологияси” кафедраси профессори, т.ф.д.

**Фозилов С.Ф.**

- мұхандислик-технология институти “Газни кимёвий қайта ишлаш технологияси” кафедраси мудири, т.ф.д., профессор.

**Пардаев Ш.С.**

-Бухоро вилояти Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси атроф-мухитни мониторинг қилиш бўлими бошлиги, б.ф.н., доцент.

Дарслік 5321000-Озиқ-овқат технологияси, 5111030-Касб таълими Озиқ-овқат технологияси, 5320400-Кимёвий технология (ишлаб чиқариш бўйича), 5321500-Технология ва жиҳозлар (пойафзал, чарм ва мўйна, чарм ва галантерия), 5321600-Енгил саноат технологиялари ва жиҳозлари мутахассислиги йўналиши бўйича таҳсил олаётган бакалаврлар ва магистрлар учун Ўзбекистон Республикаси Олий ва урта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Саноат экологияси” фанининг намунавий дастури асосида ёзилган.

Дарсликда “Саноат экологияси” фанининг мақсади, вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги, экологик мухит, экологик омиллар,

84316  
ISBN -978-9943-6895-0-3

© И.И.ФАТОЕВ, И.Ш.САДЫКОВ,  
Б.Х.САЛОМОВ

умумбашарий ва минтақавий экологик муаммолар, табиий ресурслар, Ўзбекистон Республикаси минерал хом-ашё ресурслари ва биоресурслари, чиқиндилаштырылган технологияси, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар, атмосфера ҳавоси ва газларни турли заҳарли моддалар ва чанглардан тозалаш усуллари ва қурилмалари, оқова сувлар ва уларни тозалаш усуллари, биогаз ва биогумус олиш технологияси, Ўзбекистон Республикасида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш муаммолари ва шу каби мавзулар муаммоли ўқитиш технологияси асосида баён қилинган.

Дарслек олий ўкув юртлари бакалаврлари, магистрлари ва фан ўқитувчилари учун мұлжалланған бўлиб, ундан касб-хунар колледжларида таҳсил олаётган ўқувчилар ва ўқитувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Учебник 5321000-пищевая технология, 5111030-профессиональное образование пищевая технология, 5320400-Химическая технология (производство), 5321500-технология и оборудование (обувь, кожа и мех, кожа и галантерея), 5321600-для бакалавров и магистров, обучающихся по специальности технологии и оборудование легкой промышленности, написан на основе типовой программы науки "Промышленная экология", утвержденной Министерством высшего и среднего профессионального образования Республики Узбекистан.

В учебном пособии раскрываются цели, функции предмета "промышленная экология", его связь с другими науками, экологическая среда, факторы окружающей среды, антропогенные и региональные экологические проблемы, Природные ресурсы, минеральное сырье и Биоресурсы Республики Узбекистан, технология переработки отходов, технологии без отходов и с малоотходными отходами, методы и устройства очистки атмосферного воздуха и газов от различных токсичных веществ и пыли, сточных вод и их, На основе проблемной технологии обучения объясняются проблемы использования альтернативных источников энергии в Республике Узбекистан и аналогичные темы.

Учебник предназначен для бакалавров, магистров и преподавателей естественных наук высших учебных заведений, а также может быть использован студентами и преподавателями, обучающимися в профессиональных колледжах

## Муқаддима

Инсоннинг табиий атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири (антропоген таъсири) кун-сайин ошиб бораётган ҳозирги даврда “Саноат экологияси” фанига қизиқувчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бориши қувонарли ҳолдир. Табиий воқеликни қузатувчи ва уни таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлган инсонлар, экологик муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, унинг салбий оқибатларини тузатиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун ижобий ёндашадиган, табиат қонунларини инобатга олиб, улар асосида ўз ҳаёт фаолиятини тузатиб оладиган инсонларгина хавфсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши мумкин. Табиий атроф-муҳитнинг экологик ҳолати бузилганлиги (масалан, сув, ҳаво, тупроқнинг турли заарали моддалар билан ифлосланиши, кимёвий таркибининг тубдан ўзгарганлиги, ўсимлик ва ҳайвонларнинг фойдали турларининг камайиб бориши, табиий ландшафтларнинг тез ўзгариши, аҳоли сонининг ошиб бориши, турли ифлосланишларнинг вужудга келиши) инсоннинг яшаш муҳитининг тубдан ўзгаришига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, 1993 йил, 9 декабрда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун **11 бўлим** ва **53 моддалардан** иборат булиб, унда қандай мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашдан қатъи назар, барча ўрта ва олий ўқув юртларида фуқароларнинг ҳаёти учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида экологик ўқувнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилди. Чунки экологик таълим ва тарбия ёшларга экологик онгни шакллантиришда, инсоннинг табиат инъомларига ва биосферага бўлган янгича муносабатларини шакллантиришга муҳим босқич ҳисобланади. Хусусан, юксак экологик маданиятли, ўз Ватанига ва әлига хизмат қиласидаги етук, комил ва баркамол авлоднинг шаклланишида экологик таълимнинг ўрни бекиёсdir.

Ҳозирги пайтда, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларида, техника олий ўқув юртларида ва

университетларда «Саноат экологияси» фанининг ўқитилиши ўзбек тилида дарсликлар, укув қўлланмалар ва ўкув-услубий кўрсатмалар яратишни тақазо этмоқда. Аммо бу мушкил ишнинг ўзига хос қийинчиликлари ва муаммолари мавжуд. Гап шундаки, “Экология” нинг мақсад ва вазифалари, тадқикот усуллари, табиий фанлар қаторида туттган ўрни, унда ишлатиладиган юзлаб таянч атама ва ибораларнинг лугавий маъноси ҳақида керакли маълумотларга эга бўлмай туриб, “Саноат экологияси” фани ҳақида гапириш қийин. Ушбу муаммолардан бири-таянч атама ва иборалар, ҳамда таърифларни аниқ изоҳлаш муаммосидир. Зеро, ҳар бир фаннинг ривожланиш даражаси унда ишлатиладиган таянч атама ва ибораларнинг қанчалик аниқлигига узвий боғлиқдир. Таянч атама ва иборалар, шунингдек, таърифлар, қанчалик аниқроқ изоҳланган бўлса, мавзуни ўзлаштириш шунчалик осон бўлади. Тўти тузилган савол нафақат ўша мавзу ёки муаммодан хабардор эканлигидан дарак беради, балки аниқ жавобни топишга ниҳоятда катта ёрдам беради.

Атмосфера ва унинг қатламлари, гидросфера, литосфера, биосфера ва унинг чегаралари, ноосфера, экосистема, популяциялар, турлар, биоценозлар, биогеоценозлар, экологик омил, биотик омил, абиотик омил, антропоген омил, экологик вазият, экологик инқироз, консументлар инқирози, продуктентлар инқирози, редуцентлар инқирози, экологик хавфсизлик, экологик барқарор ривожланиш, ташқи муҳит, атроф-муҳит, табииий муҳит, сунъий муҳит, яшаш муҳити, экологик муҳит, автотрофлар, гетеротрофлар, аэроб организмлар, анаэроб организмлар, экологик ҳалокат ва шунга ўхшаган яна юзлаб таянч атама ва иборалар борки, уларнинг асл моҳиятини очиб бермасдан туриб, ишлаб чиқариш корхоналардаги экологик муаммоларни ечимини топиш, уларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ёки башорат қилиш ниҳоятда қийин. Зеро, улар нафақат “Экология”, балки “Саноат экологияси” фанининг пойдевори саналади.

Бундан ташқари, «Саноат экологияси» фанидан давра сұхбатлари, кечалар, викториналар ва олимпиадалар үтказиши, рефератлар ёзиш, иқтидорли талабалар билан ишлаш ва уларни илмий анжуманларга тайёрлаш пайтида муаммоли үқитиши технологияси асосида ёзилган үқув адабиётларға бұлған әхтиёж янада ортади. Хусусан, олий таълим муассасалари профессор-үқитувчилари ва талабалари бундай ёрдамға мұхтожлар. Юқоридагиларни инобатта олиб, «Саноат экологияси» фанидан дарсликкни саволлар ва жавоблар тарзидә муаммоли үқитиши технологияси асосида яратышга жазм әтдик.

Дарслик Узбекистон Республикаси Олий ва үрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқданған “Саноат экологияси” фани үқув дастури асосида ёзилған булиб, у мұқаддима, 13 та боб, 98 та мавзуларға тегишли 651 та саволлар ва жавоблардан, шунингдек, тавсия этилған адабиётлар рүйхатидан ибораттады.

Тузилған саволларға жавоб ёзиш пайтида мавзуларнинг кетма-кетлиги инобатта олинди. Мундарижада ҳар бир мавзуга тегишли савол-жавобларнинг рақамлари қавсларда күрсатылды. Масалан, “Кислотали ёмғирлар ва уларнинг ҳосил булиш сабаблари” мавзууда (97-103) рақамлари ёзилған. Бунинг маъноси шуки, 97-103 савол-жавоблар айнан мана шу мавзуга тегишли эканлигини билдиради.

Дарслик муаммоли үқитиши технологияси асосида биринчи маротаба нашр этилаётгани туфайли, албатта, унда айрим хато ва камчиликлар, саҳв-хатолар, баҳсли ўринлар ҳам булиши мүмкін. Дарсликни келгусида нұқсонсиз нашр этилишига күмак берувчи хато ва камчиликларимизни холисона күрсатадиган китобхонларимизга олдиндан миннатдорчилегимизни билдириб, үз фикр ва мулоҳазаларини қуйидаги манзилга ёзіб юборишларини илтимос қиласыз.

**Муалиф**

*Манзилимиз:*

*Бухоро шаҳри. Қ.Муртазоев кучаси, 15-үй.*

*Бухоро мұхандислик-технология институты,  
“Саноат экологияси” кафедрасы.*

## **I-БОБ. «Экология» фани ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий масалалари**

### **1.1.«Экология» фани, унинг таркибий қисмлари, мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги (1-20)**

#### **1. «Экология» атамасининг луғавий маъноси нима?**

“Экология” юонон тилидан олинган сўз бўлиб, «ойкос» - «уй», «рӯзғор», ва «логос» - «фан», «таълимот» деган маъноларни англатади. Бу атамани 1866 йилда немис биолог-дарвинист олими Эрнст Геккел «Организмлар морфологиясининг умумий принциплари» китобида изоҳлаб берган эди. Е.Геккел «Умумий экология»ни тирик организмларнинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқаларини ва таъсирини ўрганадиган фан, деб таърифлаган эди. Академик С.С.Шварц эса, ҳозирги замон экологияси организмларнинг ўзаро ва муҳит билан муносабатларини популяциялар даражасида ўрганадиган фан, деб таърифлайди.

“Экология” - атроф муҳитдаги жонли ва жонсиз обьектларни ўзаро таъсирини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фандир.

“Экология” - табиатнинг тузилиши ва ҳаракати ҳақидаги фандир.

#### **2. «Умумий экология” фани қайси таркибий қисмлардан иборат?**

«Умумий экология» фани 4 қисмдан иборат.

- 1. Аутэкология.**
- 2. Популяциялар экологияси.**
- 3. Синэкология.**
- 4. Биосфера.**

#### **3.Аутэкология нимани ўрганади?**

“Аутэкология” юонон тилидан олинган бўлиб, *auto-*-*зим*, *logos*-фан, таълимот демакдир. Тур вакилларининг

яшаш шароити, бир-бири билан ва уларни ўраб турган атроф-муҳит билан муносабатларини ўрганади.

**Аутэкология** айрим турларнинг яшаб турган муҳити билан ўзаро муносабатини, турларнинг қайси муҳитда күпроқ ва узвий мослашганини ўрганади.

Шунингдек, турнинг турғулигини, турили экологик таъсирларда мослашишини, организмнинг морфологик, физиологик ва хулқий ўзгаришларига муҳитнинг сабабчи бўлишини аниқлайди.

**Аутэкология** экологик таққослаш (солиштириш), эколого-морфологик ва физиологик усусларидан кенг фойдаланади. Организмнинг атроф-муҳит таъсирига нисбатан реакциясига ва ўзгаришига оид илмий материалларни солиштиради. Натижада организмда йиллар ва фасллар давомида бўлиб ўтадиган ўзгаришлар қонуниятини аниқлайди, организмларга таъсир қилувчи табиий ва антропоген (сунъий) омилларнинг салбий ва ижобий моҳиятини ўрганади.

#### **4. Популяция деб нимага айтилади, уларнинг хусусиятлари неча хил бўлади ва популяциялар экологияси нимани ўрганади?**

Популяция («популяцион»-француз тилидан олинган сўз бўлиб, «аҳоли» деган маънони билдиради) деб, маълум жойни эгаллаган, бир-бири билан ирсий ахборотни алмашиб хусусиятига эга бўлган, бир турга ёки бир неча тур вакилларига кирувчи организмлар гурухига айтилади.

Популяциялар экологияси ёки демэкология (юон тилидан олинган бўлиб, *demos*-халқ, аҳоли маъносини билдиради) –тур вакиллари ҳосил қиласиган табиий популяцияларнинг ҳосил бўлиш шартларини, уларнинг гурухлари ички тузилишини, сон ва сифатини, бир-бирлари ва муҳит ўртасидаги муносабатларни ўрганади. Одатда, демэкология популяция экологияси ёки динамикаси маъносида ишлатилади. Биосферани урганиш учун тур вакиллари саналмиш популяциялар экологияси асос бўла олади.

Табиатда катта ареалга эга бўлган турлар турли экологик мұхитларда нотекис тақсимланиши натижасида айрим гуруҳларга ёки популяцияларга бўлинади.

Ареал деб, маълум бир популяция ёки турнинг бутун умри давомида яшайдиган жойига ёки майдонига айтилади. Ареаллар ҳажмига қараб, яхлит ёки бўлакларга бўлинган бўлиши мумкин. Маълум географик тўсиқлар таъсирида муйайн бир тур ривожланмаслиги ҳам мумкин.

Популяциялар 2 хил хусусиятга эга: биологик ва гуруҳлик хусусиятига. Биологик хусусиятларига популяция аъзоларининг ҳаёт шакли, уларнинг ўсиш қобилияtlари, фарқлари, ўзининг яшаш ҳудудида сонсифатини ушлаб туриши ва биологик туғилиш хусусиятлари киради.

Популяциянинг гуруҳлик хусусиятларига эса, уни ташкил қилувчи организмларнинг туғилиши, ўлиши, ёшига қараб тузилиши ва генетик мослашиши киради.

Популяциялар экологияси популяциялар тузилмаси ва динамикаси, маълум шароитда турли организмлар сонининг ўзгариши (биомасса динамикаси) сабабларини ўрганади.

## 5. Популяциялар маконда тарқалишига қараб, неча хил бўлиши мумкин?

Популяциялар маконда тарқалишига қараб, 3 хилга бўлиши мумкин: элементар, экологик ва географик популяциялар.

1. Элементар популяция деганда, кичик ареалдаги бир хил мұхитда учрайдиган тур вакилларининг йиғиндиси тушунилади. Одатда, бир хил шароитда кичик жойда популяциялар сони кам бўлади. Агар биогеоценоз ичидаги яшаш шароити ҳар хил бўлса, популяциялар сони кўпаяди.

2. Экологик популяция содда, элементар популяциялар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Улар маълум бир биогеоценозда тур ичидаги гуруҳларда юзага келади. Масалан, қарағай ўрмонларидаги биоценозда олмахонларни

оддий қарагай, қора қарагай, оқ қарагай ўрмонларида бир-биридан фарқ қилувчи популяциялари аниқланган.

3.Географик популяция деганда, бир географик шароитда ва худудда учрайдиган экологик популяциялар тушунилади. Географик популяциялар бир-биридан етарли даражада чегараланган бўлади. Ҳамда улар бир-биридан катта-кичичклиги, кўпайиши, экологик мосланишлари, физиологик ва хулқий хусусиятлари билан фарқланади.

Географик популяция сифатида Узбекистон худудида дала сичқонлари популяцияларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

## 6. Популяциянинг миқдори (сони) ва зичлиги деб нимага айтилади?

Популяциянинг миқдори деганда, бир жойдаги тур вакилларининг умумий сони тушунилади. Популяцияларнинг умумий сони доимо бир хил эмас. Улар организмларнинг кўпайиши, ўлими, шу популяциянинг ичидаги биологик муносабатларнинг кўплиги ва йил фасллари жараёнида ўзгариб туради.

Популяциянинг зичлиги деганда, уларнинг маълум қуруқлик майдонида ёки сувда учрайдиган биомассаси тушунилади.

Популяция аъзоларининг сонига ва зичлигига бир қатор экологик омиллар таъсир курсатилиши мумкин. Экологик омиллар таъсирида популяциялар миқдори, тузилиши, ўлиши, ёки, аксинча, кўпайиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши (миграцияси) ўзгариши мумкин.

## **7.Популяциянинг миграцияси ва эмиграцияси деб нимага айтилади?**

Популяция аъзоларининг тугилиши жараёнида уларнинг яшаш маконида зичланишига, миграция деб аталади. Турли экологик омиллар таъсирида популяциялар сонининг камайиши ва бир жойдан иккинчи жойга кўчишига, эмиграция дейилади.

## **8. Популяциянинг гомеостази деб нимага айтилади?**

“Гомеостаз” юон тилидан олинган сўз бўлиб, “гомоис” - ўшани ўзи, ўхшаш ва “статос” - ҳолат деган маънони англатади. Биологик системанинг ўзгаришларга қарши туриши ва ўзининг динамик тизими ва хоссаларини сақлаш қобилиятига, унинг гомеостази дейилади. Бошқача қилиб айтганда, популяцияларнинг сон ва зичлиги жиҳатидан сақланиб туришига, уларнинг гомеостази дейилади.

Хўжайрани, организмни, уюшма ва экосистемани мавжудлигининг асосий шарти гомеостазни сақлаш ҳисобланади.

Тирик системаларнинг гомеостази (тургунлиги бўйича) куйидаларга ажратилади:

-чидамилийк (яшовчанлик, толерантлик) - муҳим ўзгаришлар системасининг асосий хоссаларини бузмасдан бошидан ўтказиш қобилияти;

- бикирлик (бардошлиқ, қаршилик кўрсата олиш) - ташқи носоз системага таъсир кўрсатиш натижасида пайдо бўлган тургунмас ҳолатдан системанинг ўз-ўзини турғун ҳолатга тез қайтиш қобилияти.

Экологияда "гомеостаз" атамаси турли системаларнинг турғунлик ҳолатларини ифодалашда кенг қўлланилади.

Популяцияда маълум соннинг сақланиб туришига ва унинг бошқарилишига, популяциянинг гомеостази деб айтилади. Масалан,  $1\text{ m}^2$  ерга экилган беда (медисагосатира)

тоза уругидан күкарған пайтда 1200 та үсімта берган бұлса, 3 ойдан сұнг у 10 баробаргача қисқаради.

### **9. Синэкология деб нимага айтилади ва у нимани ўрганади?**

Синэкология («syn»-юнон тилидан олинган сүз бұлиб, «биргаликда» деган маңынни билдиради) биогеоценознинг тузилиши ва хоссаларини, айрим үсімликтар ва ҳайвонот турларининг үзаро алоқаларини, ҳамда уларнинг ташқи мұхит билан муносабатларини ўрганади.

Синэкология - турли организмлар, микроорганизмлар, үсімликтар ва ҳайвонот уюшмалари (ассоциациялари), биоценозлари, уларнинг ҳосил булиши, ривожланиши, тузилиши, үзгариши ва маҳсулдорлигини ўрганади. Синэкология мураккаб қўп турлардан ташкил топган табииий комплексларни, уларнинг ички тузилишларини, ривожланишини, сон ва сифат үзгаришларини тұлық ҳолда, ичидаги катта ва кичик бирликларини үзаро ҳамда мұхит ўртасидаги муносабатларини ўрганади. Синэкология турли катта ва кичик биологик гурухларни үзгариб туришини, алмашиб туришини, улар ичидаги фарқни, экосистемалар ичидаги озуқавий боғлиқликларни, сонлар пирамидасини ва энергия оқимларини ўрганади.

### **10. Биосфера деб нимага айтилади?**

### **11. Биосфера қайси таркибий қисмлардан таркиб топган?**

### **12. Биосферанинг чегарасини биласизми?**

Сайёрамизда тарқалған тирик организмлар маконига, яғни Ер қобиғидаги барча мавжудотлар тизимиға, биосфера деб аталади.

**Биосфера юонон тилидан олинганд булиб, «биос»-«ҳаёт», «сфера»-«шар» деган маъноларни англатади.**

Биосфера З та таркибий қисмлардан: **атмосфера, гидросфера ва литосферадан** иборатдир. Ҳаётни янги турини яратиб бўлмаганидек, биосферани ҳам сунъий мухит билан алмаштириб бўлмайди. Инсон доимий ишлайдиган двигателни ярата олмайди, аммо биосфера "доимий" двигателдир, чунки унда ҳамма вақт ҳаёт қайнаб туради. Инсон биосферадан нимаики олган бўлса, унга ҳаммасини қайтариши лозим.

Ернинг диаметри 13000 км га teng. Биосфера Ернинг юза қисмининг юпқа пардасидир. Аммо асосий ҳаёт манбаи **биосферанинг янада юпқа қалинлигидан тўпланган**. Асосий ҳаёт қобигини қуруқлик, атмосфера ва океаннинг бир неча ўн метрлик қисми ташкил қилади. Моддаларнинг айланма ҳаракатида кимёвий элементларнинг барчаси қатнашади. Аммо биосфера учун мухим бўлган моддалар-сув, кислород, углерод, азот ва фосфорнинг айланиб туришидир.

### **13. Қайси таянч атама ёки тушунчалар “Экология” ва “Саноат экологияси” фанининг негизи (асоси) ҳисобланади?**

Атмосфера, гидросфера, литосфера, биосфера, экосистема, популяциялар, турлар, биоценозлар, биогеоценозлар, экологик омил, биотик омил, абиотик омил, антропоген омил, экологик вазият, экологик инқироз, консументлар инқирози, продуцентлар инқирози, редуцентлар инқирози, экологик хавфсизлик, экологик барқарор ривожланиш, ташқи мухит, атроф-мухит, табииий мухит, сунъий мухит, яшаш мухити, экологик мухит, автотрофлар, гетеротрофлар, аэроб организмлар, анаэроб организмлар, экологик ҳалокат ва шунга ўхшаган яна юзлаб

таянч атама ва иборалар борки, уларнинг асл моҳиятини очиб бермасдан туриб, ишлаб чиқариш корхоналардаги экологик муаммоларни ечимини топиш, келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш ёки башорат қилиш ниҳоятда қийин. Зеро, улар нафақат “Экология”, балки “Саноат экологияси” фанининг пойдевори саналади.

Булардан ташқари, инглиз олими Чарлз Дарвин (1809-1885) нинг «Тирик организмларнинг яшаш учун кураш» қонуни “Экология” фанининг негизини ташкил этади. Яъни, табиий мухитда тирик организмларнинг иссиққа, совукқа, намликка, босим, ҳарорат ва қурғоқчиликка мосланиши ва турларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатлари асосида вужудга келадиган ўзгаришлар ушбу қонуннинг негизи (асоси) хисобланади.

Иирик организмларнинг ташқи мухит билан ўзаро муносабатларини рус олими К.Ф.Рулье (1814-1858) «табиат қонуни» ёки «муносабат қонуни» деб атаган эди.

#### **14. “Экология” фанида «Иқтисодиёт экологиясиз, экология эса иқтисодиётсиз яшай олмайди!» деган ғоя бор. Мана шу ғояни изоҳлаб бера оласизми?**

«Экология» ва «Экономика» (иқтисодиёт) атамалари бир илдизли юононча сўзлардир. Агар «ойкос» - «уй», «рӯзгор», «хўжалик» маъносини англатса, «номос» - «қоида», «қонун» маъносини англатади. Демак, «Экономика» - уй, рӯзгор, хўжаликни бошқариш санъатидир. Шунинг учун Экология фани Иқтисодиёт фани билан чамбарчас боғлиқ.

1866 йили немис биологи, Йенск университети профессори Эрнст Геккел “Умумий морфолофия” асарида “экология” атамасини киритиб, унга қўйидагича таъриф берган эди: Экология-табиат иқтисодиётини тушуниш, бир вақтнинг ўзида барча тирик мавжудотларнинг органик ва

аинорганик атроф-мухит компонентлари билан ўзаро таъсирини, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг антогонистик (душманона) ва ноантогонистик (дўстона) муносабатларини инобатга олган ҳолда ўрганадиган фандир”.

Экология барча ўзаро муносабатларни ўрганадиган фандир. Бундай муносабатларни Чарлз Дарвин “яшаш учун курашни туғдирадиган шартлар», деб айтган эди.

Ушбу таърифда “табиат иқтисодиётини тушуниш” тушунчаси ишлатилган ва экологиянинг иқтисодиёт билан боғлиқлигига алоҳида ургу берилган. Аммо экологияда иқтисодиёт деганда, тор маъънода жамият иқтисодиётини эмас, балки табиат иқтисодиёти тушунилади.

Табиат иқтисодиёти деганда, табиатдаги тирик организмлар ва уларнинг атроф-мухит билан ўзаро табиий муносабатларига миқдор нуқтаи назардан ёндашиш тушунилади. Бунда тирик организмларнинг ўзаро ва атроф-мухит билан таъсири натижасида хосил бўладиган энергия, масса (биомасса, популяциялар сонининг кўпайиши, камайиши, биомассанинг ўзгариш тезлиги) ва информацион ўзгаришлар инобатта олинади.

**Ҳаётнинг мавжудлиги** - тирик жисмдан модда, энергия ва информация оқимининг ўтиш жараёнидир. Буни Экологияда ҳаётни сақланиш қонуни дейилади. Тирик табиатдаги информация оқимининг миқдори инсон цивилизациясидаги оқимга нисбатан 20 тартиб кўпдир. Бу фантастик даражадаги фарқ инсонни атроф-мухитга курсатадиган ҳар қандай таъсирига мисли курилмаган вариантларда жавоб беришини тақазо қиласи. Шунинг учун инсонга битта йўл мавжуд - ҳамма вақт табиат қонунларини ўрганиб бориш ва унга риоя қилиш!

Ҳозирги пайтда мана шундай ўзгаришлар қонуниятини ўрганиш, жамият иқтисодиётини табиат иқтисодиёти қонулари билан уйғунлаштириш жаҳон

иқтисодоётинининг негизини ташкил этади. Масалани мана шундай тарзда қўйилиши ва унинг долзарблиги сайёрамизда юз бераётган турли экологик инқирозларнинг юзага келаётганлиги билан асосланади.

Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини ягона йўли - табиат иқтисодиётининг қонунлари асосида олиб боришдан иборат. Бошқача ҳар қандай йўл инсон учун ҳалокатли ҳисобланади.

Жамият иқтисодиётини табиат иқтисодиёти билан уйғулаштириш учун, авваламбор, экологик нуқтаи назардан табиий ресурсларни баҳолаш лозим, зеро ҳар қандай иқтисодий йўналиш ва ривожланиш биринчи навбатда табиий ресурсларга таянади.

Жамият иқтисодиётининг шаклланишидан то ҳозиргacha утган даврда иқтисодиёт назарияси асосан **2 та иқтисодий омилга** таяниб келган: **мехнат ва капитал**. Бу ҳолатни иқтисодиёт назариясининг ядроси бўлмиш “ишлаб чиқариш функцияси” яққол ифодалайди: ишлаб чиқарадиган маҳсулот миқдори **Y** капитал **K** га ва меҳнат ресурслари **L** га боғлиқ, яъни  $Y = f(KL)$ .

Ушбу боғлиқликни келтириб чиқаришда табиий ресурслар умуман инобатга олинмаган ва улар битмас-туғанмас деб ҳисобланган. Бундан ташқари, табиий ресурслардан фойдаланиш, уларнинг тугайдиган ва тугамайдиган, тикланадиган ва тикланмайдиган турлари, тикланиш тезлиги ёки даражаси, атроф-муҳитни ифлосланиши, уни олдини олишга сарфланиши керак бўлган харажатлар, инсон ҳаёти сифат кўрсаткичларининг ёмонлашиши мумкинлиги, соғлиқни тиклашга сарфланиши мумкин бўлган харажатлар, уларнинг иқтисодий ривожланишга кучли салбий таъсир кўрсатиш мумкинлиги каби омиллар умуман инобатга олинмаган. Бундай системанинг мақсадга мувофиқлиги XX асрнинг

охирларигача ҳеч қандай шак-шубҳа түгдирмади ва кейинчалик жамият иқтисодиёти фронтал (умумий) иқтисодиёт номини олди.

Экосистемадаги антропоген таъсирларни инобатга олган ҳолда мұхиттіннің ички абиотик ва биотик омылларига бардош бериш қобилиятыға, экологик барқарорлық деб аталади.

Дунёда ахоли сонининг йил-сайин ортиб бориши, ишлаб чиқариш кучларининг мисли күрилмаган даражада ривожланиши ва экосистемаларға күрсатилаёттан салбий таъсир кучларининг ортиб бориши натижасыда табиий атроф-мұхиттіннің барқарорлығы ҳам кучли салбий таъсирлар остида қолди. Натижада табиий атроф-мұхитта кечадиган барча жараёнлар табиатни, уннің ресурсларини ҳақиқий иқтисодий ва экологик баҳолашға мажбур этди.

Охир-оқибатда, ишлаб чиқариш кучларининг мисли күрилмаган даражада ривожланиши, ахоли сонининг муттасил ўсиб бориши (дунёда демографик портлашнинг юз бериши), экосистемаларда босимнинг ортиб бориши туфайли табиий мұхит турғунылғига кучли салбий таъсир етказилди. Бу эса табиий ресурсларнинг ҳақиқий иқтисодий “қийматини” баҳолаш масаласини юзата чиқарди.

Аслида, “баҳо” атамаси фалсафий “қиймат” тушунчаси билан бир маңнода тушунилади. “Қиймат” - объектни мұхимлиги, инсоннинг шу объектге бұлған әхтиёжини ҳам миқдор ва ҳам сифат күрсаткичларини ифодалайды. Демек, ресурснинг миқдори күп ва сифат күрсаткичлари юқори бұлса, рақобатбардош бұлса, ишлаб чиқарылған маҳсулотта бұлған әхтиёж (талаб) юқори бұлса, уннің қиймати ҳам шунча ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мұхтарам Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш

бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида” ги Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг учинчи устувор йўналиши иккинчи бандида “иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш; принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш” вазифаси қўйилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири унинг рақобатбардошлик даражаси ҳисобланади. Рақобатбардошлик эса кўп ўлчамили солиштирма атама бўлиб, унинг обьектлари ниҳоятда кўпдир.

Инсонлар талаблари ва истакларини қондириш ва ижтимоий ҳаётини яхшилаш мақсадида табиий ресурсларни эксплуатация қилиш, инвестициялар киритиш, илмий тадқиқотлар ривожланиши йўналишида тўғри (баланслаштирилган) ўзгаришлар жараёнига, барқарор тараққиёт дейилади. Бунда шахснинг ривожланиши ҳозирги ва келажақдаги потенциали инобатга олинади.

## 15. Экологиянинг мақсади нима?

Экологиянинг мақсади - маълум вақтда ва маълум жойда қанча организм яшайди, уларни қачон ва қаерда, нима учун учратиш, топиш мумкин деган саволга жавоб беришдан иборатdir. Бу эса инсоннинг биологик таянчи бўлиб, у яшаб турган муҳитни сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишига асос бўлади. “Экология” фани табиатдаги барча тирик


организмлар яшаб турған мұхитни сақладб қолиши чоратадбирларини ишлаб қиқишига асосланған. Бу эса экологик билимга әга бўлиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун экологик таълимсиз ва мустаҳкам экологик билимга әга бўлмасдан туриб, атроф-мұхитни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиб бўлмайди. Табиатни муҳофаза қилишнинг назарий асоси эса “Экология” фанидир.

### **16. Экологиянинг асосий вазифаси нималардан иборат?**

Экологиянинг асосий вазифаси популяциялар, турли ценозлар (биоценоз, биогеоценоз) ва экосистемаларнинг ҳосил бўлишини, ривожланиш қонуниятларини аниқлаш, уларни мұхит билан муносабатларини тарихий жараёнда мослашиб бориш йўлларини ёритишдан иборатdir. Бунинг учун бу фанда унинг барча бўлимлари (таркибий қисмлари) бўйича ҳақиқий воқеа ва ҳодисаларга тегишли материаллар тўпланади, улар бир тизимга келтирилади ва таҳлил қилиб чиқилади. Шунингдек, биологик ресурслардан тўғри фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида табиатда содир бўладиган узгаришларни башорат қилиш ва инсоннинг яшаш мұхитини сақлаш – ушбу фаннинг асосий вазифалари ҳисобланади.

### **17. Экология қайси фанлар билан кўпроқ узвий боғланган?**

Экология фани турли биологик (ботаника, зоология, анатомия, физиология, морфология, систематика, генетика, санитария ва гигиена) ва нобиологик фанлар (иқлимшунослик, ландшафтшунослик, тупроқшунослик, метеорология, геоморфология, кимё) билан боғлиқ (1.1-расм).



1.1- расм. Экологиянинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги.

## 18. “Саноат экологияси” фанининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

Ҳозирги пайтда нафақат “Экология”, балки “Саноат экологияси” фани ҳам хусусий биологик фанлар доирасидан чиқиб, инсонни атроф-муҳит билан алоқадорлигини ўрганадиган тармоқлараро фанга айланди.

“Саноат экологияси” иқтисодиёт, сиёсат ва ҳуқуқшунослик билан узвий боғланган фан бўлиб, унинг вазифаси кишилик жамиятини биосферанинг ажралмас қисми сифатида кўриб чиқадиган янгила қарашлар асосида табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабатлари назариясини ҳамда амалиётини ривожлантиришдан иборат.

“Саноат экологияси” инсон фаолиятининг турли соҳаларини қамраб олган фандир. “Саноат экологияси” иқтисодиётнинг экологик мезонларини шакллантиради, табиат ва инсонни ўраб турадиган муҳитга антропоген таъсир механизмини ўрганади, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш меъёрларини белгилаб беради, турли режа ва лойиҳаларнинг экологик мувофиқлиги ёки номувофиқлигини назорат қиласди ва илмий асослаб беради, инсон томонидан бузилган табиий тизимларни қайта тиклаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг техник вазифаларини ишлаб чиқади.

Табиий ресурслардан, шу жумладан, минерал хом-ашё ресурслари ҳамда биологик ресурслардан ўз ўрнида оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш, инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида техносферада содир бўладиган ўзгаришларни башорат қилиш ва инсоннинг яшаш муҳитини сақлаш – ушбу фаннинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Фан ва техника жадал ривожланаётган бугунги кунда “Саноат экологияси” фани сирларини илмий асосда ўрганиш ниҳоятда катта амалий аҳамиятга эга. Янги технологик жараёнларга доир билимларни эгаллаш миллий иқтисодиётимизни ва кимёвий технологияни янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир. Президентимиз муҳтарам Ш.М.Мирзиёвнинг 2017-йил 22-декабрда Республика Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномаларида “Замон шиддат билан ривожланиб

**бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги тояга, инновацияга таянган давлат ютади!” деб, алоҳида таъкидлаб ўтдилар.**

### **19. Экологик вазият, экологик инқироз ва экологик ҳалокат деб нимага айтилади?**

Экологик вазият деганда, инсон учун қулай ёки нокулай экологик шароитлар йигиндиси ёки экологик компонентларнинг маълум ҳудуд ва вақтдаги ҳолати тушунилади. Ташқи муҳит ҳолатининг ёмонлашуви мураккаб экологик вазиятни келтириб чиқаради.

Маълум ҳудуддаги табиий омиллар ёки инсон омили таъсирида, яъни антропоген омил таъсирида экологик вазиятнинг қайта тикиласа бўладиган даражада салбий ўзгаришига, экологик инқироз ҳолати деб аталади.

Инсоният тарихида биринчи антропоген экологик инқироз – йирик ҳайвонларнинг қирилиши (яъни, консументлар инқирози деб аталади), кейинги босқичда ўсимликларнинг ёппасига қирилиши (ўсимлик етишмовчилиги натижасида продуцентлар инқирози юз берган), кейин редуцентлар инқирози кузатилган.

Экологик вазиятнинг асл ҳолатига қайтариб бўлмайдиган даражада бузилишига, экологик ҳалокат деб аталади. Масалан, Чернобил АЭС даги экологик ҳалокат.

### **20. Экологик хавфсизлик ва экологик барқарор ривожланиш деб нимага айтилади?**

Экологик вазиятнинг табиий муҳитга ва инсон соғлигига хавф-хатар етказмайдиган ҳолатига, экологик хавфсизлик деб аталади.

Экологик барқарор ривожланиш деганда, ташқи омиллар таъсирида маълум ҳудуд ёки экотизимнинг тизими ва фаолиятини сақлаб қолиш хусусияти тушунилади.

Экологик вазиятни тушуниш, баҳолаш, бошқариш ва уни башорат қилиш учун ҳаётнинг барча жабҳаларини, шу жумладан, биринчи навбатда, таълим-тарбияни экологиялаштириш зарур!

## 1.2. Экологик муаммолар ва уларнинг таснифи (21-24)

### 21. Экологик муаммо деганда нимани тушуниш керак?

Экологик муаммо деганда, инсоннинг табиатга қўрсатаётган таъсири билан боғлиқ ҳолда унинг инсонга акс таъсири, яъни ҳаётига, иқтисодиётига, хўжалик аҳамиятига молик бўлган жараёнлар, табиий ҳодисалар билан боғлиқ ҳар қандай ҳодиса тушунилади. Масалан, иқлимининг ўзгариши ёки сув тошқини натижасида пайдо бўладиган ҳодисалар, қурғоқчилик, ишлаб чиқариш корхоналарида вужудга келадиган баъзи бир фавқулодда вазиятлар ва ҳодисалар, баъзи-бир ҳайвонот турларининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтиши ва шунга үхшаган ҳодисалар экологик муаммо бўла олади.

### 22. Экологик муаммоларнинг қандай таснифлаш мумкин?

Одатда, экологик муаммоларнинг кўлами ва долзарблигига қараб, улар қўйидаги 3 гурӯхга бўлинади.

**1.Умумбашарий (глобал) экологик муаммолар.** Бу гурӯхга озон қатламининг емирилиши, атмосфера ҳавосининг димиқиши, чучук сув муаммолари, қурғоқчилик, чўлланиш ва бошқа муаммолар киради.

**2.Минтақавий (регионал) экологик муаммолар.** Бу гурӯхга Орол дентизининг қуриб бориши, Арнасой кўллари

атрофидаги экологик муаммолар, Сарез кўли муаммоси, кислотали ёмғирлар каби муаммоларни киритиш мумкин.

**3. Маҳаллий (локал) экологик муаммолар.** Бу гурӯҳга саноат корхоналари ривожланган минтақаларда (масалан, Навоий, Зарафшон, Ангрен, Олмалиқ, Чирчиқ каби шаҳарларда) табиатни муҳофаза қилиш муаммолари, сув танқислиги муаммолари, чиқиндилар, пестицидлар, гербицидлар ва бошқа кимёвий моддалар билан боғлиқ агросаноат экологик муаммоларни киритиш мумкин.

### **23. Экологик муаммоларни ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш учун “Саноат экологияси” да қайси илмий ёндашувлар мавжуд?**

Экологик муаммоларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш мақсадида “Саноат экологияси” да 2 та илмий ёндошув мавжуд.

**1. Техноцентрик ёндашув.** Ушбу ёндашув экологик муаммоларни ҳал қилишнинг технологик чораларини асосий деб билади. Аммо табиат қонунлари ва имкониятлари инобатга олинмайди. Табиий бойликлардан фойдаланишда технологик құдрат ва имконият ҳал қилювчи рол ўйнайды. Техника ва технологиялар ёрдамида биосфера барқарорлигини сақлаш, уни тиклаш ва экологик муаммоларни ҳал қилиш мумкинлиги таъкидланади. Бундай ёндашув күпчилик иқтисодчилар, сиёсатчилар ва хўжалик раҳбарларига хосдир.

**2. Экоцентрик ёндашув.** Ушбу ёндашувда табиат қонунлари инобатга олинади, табиий экосистемаларни асл ҳолида сақлаш ва уларни ривожлантириш устувор вазифа ҳисобланади. Биосферадаги мавжуд бўлган ўзаро боғлиқликларнинг бузилишини техник ечимлар ёрдамида тиклаб бўлмаслиги алоҳида таъкидланади. Инсоният

тараққиёти экологик императив-табиат қонууларига буйсуниш талаби билан чегараланади.

#### **24. “Саноат экологияси” фанида қайси усуллардан құлланилади?**

“Саноат экологияси” фанининг узлуксиз ривожланиб бориши, авваламбор, унинг илмий тадқиқот усулларига чамбарчас боғылқыдир. Ҳар бир экологик мұаммонинг келиб чиқиши сабабларини үрганиш учун ёки уни келиб чиқишини олдиндан башорат қилиш учун нафақат “Экология” фанида, балки “Саноат экологияси” фанида ҳам 3 та илмий тадқиқот усуллардан кенг құлланилади.

**1. Дала усули.** Табиий шароитда олиб бориладиган тадқиқотлар ва үтказиладиган табиий кузатышлар.

**2. Лаборатория (тажриба) усули.** Махсус ажратилған хоналарда турли микроорганизмлар, сувұтлар, умуртқасиз ҳайвонлар, уларнинг турлари (штамлари) кичик-кичик идишларда, аквариумларда махсус озиқа моддалар, ҳарорат, намлиқ, ёруғлик ёрдамида үстирилади ва уларнинг күпайиши, масса ҳосил қилиниши, физиологик ва биокимёвий таркиблари үрганиб чиқилади. Ҳар бир омилининг микроорганизмга күрсатадиган таъсири аниқланади. Мана шу йүл билан микроорганизмларнинг, үсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёт фаолиятининг үзиге хос хүсусиятлари аниқланади.

**3.Математик моделлаштириш усули.** Турли экосистемаларнинг табиий ҳолати, үзгариши ва уларга хос бұлған бошқа экологик томонлари математик моделлар ёрдамида аниқланади. Масалан, махсус блок-схема асосида исталған шағарнинг экологик ҳолатини тақлил қилиб, келажак ҳолатини олдиндан башорат қилиш мүмкін. Бу усул “Саноат экологияси” фанида асосий илмий тадқиқот усули саналади.

### **1.3. Мұхит, мувозанат ва экологик омиллар (25-38)**

#### **25. Мұхит деб нимага айтилади?**

“Мұхит” экологик түшунча бұлиб, у табиий элементлар ва воқеалардан ташкил топған. **Мұхит–организмларни үраб турған табиий экологик омиллар** (ҳаво, намлық, тупрөк, ёруғлик ва бошқалар) нинг йиғиндицидир.

Хар бир организмнің мұхити күплаб органик ва анерганик элементлардан, ҳамда инсон фаолиятидан келиб чиқадиган сунъий элементлардан ташкил топади. Мұхитнинг бир элементи маълум организм учун зарур бұлса, иккінчисининг бор ёки йүқлиги унинг учун аҳамиятли эмас. Масалан, оққуён учун бутазор ва үрмонлар озуқа манбаи ва яшаш мұхитидир. Лекин у яшаётган жойдаги тошлар, ёғочлар ва тункалар йиргіліктен қочища, шамол ва ёғингарчилардан сақланишга керак бўлади, холос.

#### **26. Ташқи мұхит деб нимага айтилади?**

Ташқи мұхит-табиий куч ва воқеликнинг йиғиндиси бўлиб, унинг моддалари, энергияси, тарқалиши инсон фаолиятининг турли объектив ва субъектив қирралариидир. Уларнинг баъзилари бир-бирлари билан алоқада бўлмаслиги ҳам мумкин.

«Атроф-мұхит» ва «ташқи мұхит» атамалари бир хил маънода тушунилади.

#### **27. Атроф-мұхит түшунчасини ким фанга киритган?**

«Атроф-мұхит» түшунчасини инглиз биолог олими Я.Юксоль (1864-1944) “Экология” фанига киритган ва уни қуйидагича таърифлаган: «Ташқи дунё», у тирик организмларни үраб турған, уларнинг сезги органлари, ҳайвонларнинг ҳаракат органлари орқали таъсир қилиб, маҳсус хусусиятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлади. Хар

бир субъект худди ўргимчак тўрининг толалари каби ташқи муҳитни у ёки бу хусусияти билан боғланган мураккаб тўр ҳосил қилиб, ўзининг ҳаётчанилигини таъминлайди».

«Атроф-муҳит» тушунчаси инглиз тилида ўтган асрнинг 60-йилларида қўлланилган бўлса, немис тилида фақат кейинги йиллардагина қўлланила бошланди. Рус эволюционист олими К.Ф.Рулье (1814-1858) «Ташқи элементлар» тушунчасини фанга киритган эди.

### **28. Табиий муҳит деб нимага айтилади?**

Табиий муҳит - бу жонли ва жонсиз табиатнинг, табиий омилларининг йифиндиси бўлиб, инсон фаолияти натижасида ўзгаради ва организмларга ўз таъсирини курсатади.

### **29. Яшаш муҳити деб нимага айтилади ва у неча хил бўлиши мумкин?**

Яшаш муҳити ёки шароити - айрим организм ёки биоценозни абиотик ва биотик омиллар йифиндиси таъсирида организмнинг ўсадиган ва кўпаядиган жойидир.

Яшаш муҳити 4 хил бўлиши мумкин.

- 1. Сув.**
- 2. Тупроқ.**
- 3. Ер-ҳаво.**
- 4. Тирик организмлар танаси.**

Масалан, кана кичик умуртқасиз ҳашарот бўлиб, у фақат ҳайвонлар танасида яшайди. У ҳайвонлар жуни орасидан ўтиб, терига ёпишади ва қонни сўради. Кана тери устини қоплаб турган жунлар орқали тери ва жун ўртасидаги иссиқлик ва қондан олинадиган озуқа орқали атроф-муҳитни қабул қиласи. Бу ерда кананинг атроф-муҳити: 1) ёруғлик-коронгулик; 2) иссиқлик-совуқлик; 3) озуқанинг борлиги ёки йўқлиги билан белгиланади.

### **30. Экологик мұхит деб нимага айтилади ва у неча хил бұлади?**

«Мұхит» түшунчаси турли маңноларни англатади. Масалан, физик мұхит, жүтрофий мұхит, фалсафий мұхит, ижтимоий мұхит ва бошқалар.

Аслида, мұхит 2 хил бұлиши мүмкін.

**1. Табиий мұхит.** Уни абиотик ва биотик омиллар: сув, Қуёш, шамол, ҳаво, Ер, үсімликлар биргаликда табиий ҳолда вужудға келтиради.

**2. Сунъий мұхит.** У инсон томонидан яратылади, яғни бунда инсоннинг меңнат маңсули ётади.

Табиий ва сунъий мұхиттар ұзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, мана шу боғлиқликни «экологик мұхит» түшунчаси ифодалайди.

«Экологик мұхит» табиий ва сунъий атроф-мұхит бўлиб, унда тирик организмлар объектив ва субъектив таъсиrlар сифатида қатанашиб, таъсир турлари эса теварак-атрофни сақлаб қолиш ёки унга хавф солиш шароитини келтириб чиқаради.

### **31. Экологик омил деб нимага айтилади?**

Одатда, омил (фактор) атамаси остида ҳаракатта келтирувчи куч ёки маълум бир жараёндаги ҳолат, шароит, ҳодиса ёки мұхит компоненти тушунилади.

Экологик омил - организмда ва экосистемаларда юз берадиган жараёнлар йұналишини ва тезлигини белгилаб берувчи ташқи ва ички күчdir.

Тирик организмларга ижобий ва салбий таъсир этувчи мұхит унсурлари (харорат, босим, намлик, радиация ва бошқалар) га, экологик омил деб аталади. Экологик омил тирик организмларга тұғридан-тұғри таъсир этувчи мұхиттинг айрим бир таркибий қисмидир. Табиатда

омиллар тирик организмларга алоҳида ёки биргаликда таъсир этиши мумкин. Масалан, маълум жойнинг денгиз сатҳидан мутлақ баландлиги ёки сув ҳавзасининг чуқурулиги тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этмай, бошқа омилларнинг таъсир этиш хусусиятлари (масалан, босим, намлик, радиация) ни ўзгартириб юбориши мумкин.

Тирик организмларни индивидуал ривожланиш жараёнининг бир фазаси даврида тўғридан-тўғри таъсир қиласидиган муҳит элементларига, экологик омиллар дейилади.

Ташқи таъсирнинг моҳиятига кура, тирик организмларда 3 хил жавоб реакциясини ажратиши мумкин.

1.Организм турғун ҳолатини сақлаб қолиши учун ташқи таъсир манбаига нисбатан ўз жойини тарк этиши мумкин.

2.Ташқи таъсир остида организмларда микдорий ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бундай ҳолатда моддалар алмашинуви тезлиги ошибб, организм яшаш жойини ўзгартирмайди, аммо шу жойда (маконда) мослашади.

3.Ташқи таъсир остида организмларда ҳаёт фаолияти характерининг ўзгариши юз бериши мумкин (уйкуга кетиши, кун ва туннинг алмашиниши ва шунга ўхшаш кўпгина ҳаётний циклнинг сифатий ўзгаришлари юз берганда, организм ҳаёт фаолиятида ўзгаришлар юз бериши мумкин). Бундай жавоб реакциялари ташқи таъсир узок давом этганда ва унинг жадаллиги ўзгарганда пайдо булиши мумкин (мавсумий ўзгаришлар ва алмашинувлар, паразитлар таъсири, кимёвий ва токсик моддалар таъсири ва хоказолар). Бундай шароитда организмларнинг яшовчанлиги энергетик балансни сақлаш орқали эмас, балки ҳаёт шароити ўзгаришларига мосланиши билан белгиланади.

**Муҳит омиллари вақт ўтиши билан ўзгариб туради.** Бу ўзгариш доимий-даврий булиб, бир суткада, йил

давомида, океандаги сувнинг қўйилиши ва тошиши ритмига қараб, ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга бўлинади.

1. Доимий-бирламчи экологик омилларга ҳарорат, ёруғлик, денгиз сувининг кўтарилиши ва тушиши ва шунга ухшаган омиллар киради ва улар Ернинг Қўёш атрофида айланишига боғлиқ бўлади. Масалан, ҳавонинг намлиги ҳароратга боғлиқ, ўсимлик озуқасининг мавжудлиги унинг ўсишига боғлиқ, биотик тур ичидаги таъсирлар организмлар, популацияларнинг ўзаро таъсирига боғлиқ бўлади.

2. Нодаврий ва ўзгарувчан экологик омиллар гуруҳига об-ҳавонинг тұсатдан ўзгариши, чанг-тұфон, жала, сув тошқини, вулқонларнинг отилиши, паразитларнинг таъсири ва антропоген таъсирнинг түрли кўринишлари киради. Улар, одатда, тұсатдан юз беради. Бундай омиллар таъсирида организмларда мосланиш кузатилмайди. Шунинг учун зааркуннадаларга қарши курашда, одатда, кимёвий ва биологик усуллардан фойдаланилади.

### **32. Табиий мухитда учрайдиган барча омилларни, яъни экологик омилларни неча гуруҳга бўлиш мумкин?**

Экологик омиллар 3 гурухга бўлинади.

1. Абиотик омиллар.
2. Биотик омиллар.
3. Антропоген омиллар.

### **33. Абиотик омиллар деб нимага айтилади?**

**Абиотик омиллар** - жонсиз (анорганик) мухитнинг тирик организмга таъсир шаклларини ифодалайди. Ушбу омилларга кимёвий (атмосфера, сув, тупроқ, лойқа), физик ёки иқлим (ҳарорат, босим, ёруғлик, намлик, ёнгин, шамол) омиллари мисол бўла олади.

### **34. Биотик омиллар деб нимага айтилади?**

**Биотик омиллар** дейилганда, барча тирик организмларнинг яшаши жараёнида ўзаро бир-бирига нисбатан маълум муносабатда булиши ёки таъсир кўрсатилиши тушунилади. Организмлар ўз ҳаёти давомида нормал яшаши, ҳаёт кечириши, урчиши, ривожланиши ва тарқалиши учун ташки мухит билан ҳам маълум муносабатда бўлади. Натижада организм усади, ривожланади, насл қолдиради ва ҳаётининг сўнгги босқичида ҳалок бўлади.

**Биотик омиллар** тирик организмга ва уни ўраб турган бошқа тирик жонзотларга ҳар хил таъсир қиласди. Бу таъсир турлича булиши мумкин. Масалан, тирик организмлар бир-бирлари учун озуқа манбаи булиши мумкин (ўсимликлар айrim ҳайвонлар учун озуқа манбайдир, ёки аксинча, ҳашаротлар ҳашаротхўр ўсимликлар учун озуқа манбаи булиши мумкин), тирик организм танаси бошқа организм учун яшаш мухити булиши мумкин (хўжайнин-паразит), битта организм иккинчи организмнинг кўпайишига ёки тарқалишига сабабчи булиши мумкин.

### **35. Тирик организмлар ўзлаштириладиган озуқа манбаига қараб неча гуруҳга бўлинади?**

Тирик организмлар ўзлаштириладиган углерод манбаига қараб, қуйидаги 2 гуруҳга бўлинади.

**1. Автотрофлар.**

**2. Гетеротрофлар.**

Углероднинг анорганик манбаларидан ( $\text{CO}_2$  дан) озиқланувчиларга, автотрофлар деб аталади. Автотроф организмлар яшашлари учун анорганик манбалардан озиқланадилар ва бу билан анорганик моддалардан органик модда ҳосил қиласди.

Углероднинг органик манбаларидан озиқланувчиларга, гетеротрофлар деб аталади.

### 36. Продуцентлар, консументлар, редуцентлар ва сапрофаглар деб нимага айтиласди?

Маҳсулот берувчиларга, продуцентлар деб аталади. Продуцентлар ер устидаги барча яшил ўсимликлар, бир хужайрали сув ўтларидан тортиб, то чучук сувларда ўсадиган сув ўлари бўлиб, улар анорганик моддаларни органик моддаларга айлантиради. Барча тирик организмлар продуцентлар билан озиқланади. Продуцент – автотроф организмлар асосан яшил ўсимликлардир.

Истеъмол қилувчиларга, консументлар деб аталади. Консументлар – асосан ҳайвонлар, гетеротрофлар бўлиб, органик моддаларни истеъмол қилувчилардир: ўтхур ҳайвонлар, ёки фақат ҳайвонлар билан озиқланувчи ииртқичлар ёки бошқа ҳайвонлар гуштини истеъмол қилувчи одам, айиқ ва ҳоказолар.

Редуцентлар ўлик организмларни чиритиб, уларни оддий анорганик моддаларга айлантиради ва бу вақтда табиатда моддаларнинг биокимёвий айланиши юзага келади. Редуцентлик функциясини микроорганизмлар ва замбурурглар бажаради. Редуцент ёки сапрофитлар (чириндилар билан озиқланувчилар) – асосан бактерия ва замбурурглардир. Анорганик күринишга айлантирувчиларга, редуцентлар деб аталади.

Ўлик организмлар билан озиқланувчиларга, сапрофаглар деб аталади.

**37. Тирик организмлар эркин кислородга бүлган өхтиёжига қараб, неча гурухга булинади?**

Экотизимда организмлар эркин кислородга бүлган өхтиёжига қараб, **2** гурухга булинади.

1. Аэроб организмлар.
2. Анаэроб организмлар.

**Аэроб организмлар** фақатгина кислород мавжуд бүлган мухитларда яшайды. Масалан, ҳайвонлар, үсүмликлар, айрим бактерия ва замбуруғлар.

**Анаэроб организмлар** эса кислородсиз (ҳавосиз) мухитларда яшайдилар. Масалан, метан ҳосил қилувчи бактериялар.

**38. Антропоген омиллар деб нимага айтилади?**

“Антропоген” – юнон тилидан олинган булиб, *antropos*-одам, *genesis* - туғилиш демақдир. Антропоген омиллар деб, инсон фаолиятининг табиатга ёки мазкур турга кўрсатилидиган таъсирига айтилади. Оламдаги «иккиламчи табиат» (яъни, инсон яратган табиат) антропоген омилларнинг натижасидир. Шаҳарлар, йирик сув омборлари, завод ва фабрикалар, АЭС ва 1РЭСлар ва ҳоказолар-инсон фаолияти туфайли юзага келади. Уларга, «иккиламчи» ёки инсонийлаштирилган табиат дейилади. Орол денгизининг қуриб бориши, Чернобил АЭС даги фожиа-антропоген омилларнинг ёрқин натижасидир.

Сув таркибида туз миқдорининг ошиб бориши, тупроқ таркибининг кимёвий моддалар билан заҳарланиши ва шунга ўхшаган ҳодисалар инсон фаолияти туфайли юзага келмоқда, яъни антропоген омилларнинг сув ва тупроқка курсатаётган салбий таъсирининг натижасидир.

## 1.4. Биосфера, унинг таркибий қисмлари ва чегаралари. Ноосфера ҳақида маълумот (39-49)

### 39. Биосфера деб нимага айтилади? Унинг чегарасини биласизми?

Биосфера юонон тилидан олинган булиб, «биос»-«ҳаёт», «сфера»-«шар» деган маъноларни англатади.

Табиатишунос олим Ж.Б.Ламарк (1744-1829) биринчи маротаба «биосфера» атамасини фанга киритиб, унинг асл маъноси “ҳаёт тарқалган жой” ва у Ер юзасидаги турли жараёнларга тирик организмларнинг таъсиридан иборат эканлигини кўрсатиб утган эди. Австралиялик геолог З.Зюсс 1875 йили «биосфера» атамасини иккинчи маротаба фанга киритди ва уни “Ерда тирикликтининг маҳсус қобиғи” деб таърифланган эди эди.

1926 йили рус олими, акад. В.И.Вернадский «Биосфера» китобини чоп этиб, унда “биосфера-бу сайдёрамизнинг ҳаёт ривожланаётган қисми ва бу қисм доим тирик организмлар таъсиридадир!”, деб биосфера таълимотини яратди.

Биосфера атмосферанинг 10-25 км, гидросферанинг 11 км гача ва литосферанинг 3,5 км гача бўлган қатламини, яъни ҳаёт мавжуд бўлган қатламини ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, биосфера атмосферанинг пастки қисми (тропосфера) ни, Ер юзининг океан, денгиз, кўл ва дарё сувлари билан қопланган қисми (гидросфера) ни, ҳамда Ер қобиғининг устки қисми (литосфера) ни ўз ичига олади.

Биосфера Ернинг ҳаётга макон бўлган ва тирик организмлар тарқалган жойидир. Гидросфера ва литосфера эса, мураккаб биогеокимёвий циклар билан ўзаро боғлангандир. Биосферада моддалар алмашинуви

натижасида энергияни қабул қилиш, тұплаш ва тарқатиш каби жараёнлар кечиб туради.

#### **40. Биогеокимёвий циклар деб нимага айтилади?**

Биосферада кимёвий элементлар (кислород ( $O_2$ ), углерод қүш оксиdi (карбонат ангирид) гази ( $CO_2$ ), сув ( $H_2O$ ), водород ( $H_2$ ), фосфор ( $P$ ), олтингугурт ( $S$ ) ва бошқалар) доимо циркуляцияланиб, ташқи мұхитдан организмга, ундан яна ташқи мұхитта үтиб туради. Бу ҳолатта, биогеокимёвий циклар деб айтилади.

#### **41. Биосфера қайси таркибий қисмдардан иборат?**

Биосферанинг таркибий қисмлари қуидагилардан иборат.

1. Тирик моддалар.
2. Улик моддалар.
3. Оралиқ моддалар.
4. Биоген моддалар.

Биосферанинг бириңчи таркибий қисми **тирик модда** ҳисобланади. Буюк рус олимі, акад. В.И.Вернадский сайёрамиздаги барча тирик организмлар йиғиндинсини, **тирик модда** деб атаган әди. Тирик модданинг әнг мұхим хусусиятлари 3 тадир.

1. Тирик модданинг умумий вазни.
2. Тирик модданинг таркиби.
3. Тирик модданинг энергияси.

Биосферанинг иккинчи таркибий қисми **улик модда** ҳисобланиб, унинг ҳосил булишида биосферадаги барча моддалар, шунингдек, тирик организмлар қатнашади.

Биосферанинг учинчи таркибий қисми **оралиқ моддалар** ҳисобланиб, улар тирик ва улик моддаларнинг биргалиқдаги фаолияти натижасида ҳосил булади. Табиий

сувлар, тупроқ, емирилган тог жинслари оралиқ маддаларга мисол бўла олади.

Биосферанинг тўртингчи таркибий қисми **биоген маддалар** ҳисобланади. Улар тирик организмларниң ҳаёти давомида ҳосил булади ва ўзгаришларга учраб туради. Нихоятда катта потенциал энергияга эга бўлган тошкўмир, битум, нефт, оҳактошлар ва бошқалар **биоген маддаларга мисол бўла олади**.

Ернинг тирик организмлари ва биоген чиқинди тог жинслари тарқалган қисмини рус олимни агад. В.И.Вернадский биосфера деб номлаган. Биосфера сайёрамиздаги “ҳаёт қобиги” ҳисобланиб, тирик организмларниң ўзаро чамбарчас алоқа ва муносабатларидан иборат мураккаб экосистемалар мажмуудир. Биосфера ернинг фаол қобиги булиб, ундаги тирик организмлар фаолияти асосий геокимёвий омил сифатида ҳамда муҳит ҳосил қилувчи омил сифатида хизмат қиласи. Биосфера таркибига тирик организмлар ва уларниң яшаш жойлари киради. Биосферада организмлар уртасида мураккаб ўзаро алоқалар мавжуд булиб, бир бутун органик ҳаракатидаги тизимни ташкил этади. Демак, биосфера мураккаб ҳаракатидаги тизим ҳисобланади.

#### **42. Биогеоценоз нима? Бу атамани фанга ким ва қачон киритган? Фитоценоз ва зооценоз деб нимага айтилади?**

Биосферанинг оддий бирламчи тузилмасининг бирлиги **биогеоценоз** ҳисобланади.

Муайян ташқи муҳит шароитида ўсимликлар, ҳайвонлар, айрим замбуруғлар ва микроорганизмларниң биргаликда яшашига, биогеоценоз дейилади. Ушбу тушунчани биринчи маротаба рус олимни В.Н.Сукачев 1940 йили фанга киритган эди. Биогеоценоз лотин тилидан

олинган сүз булиб, “ биос” –“ҳаёт”, “гео”-“ер” ва “ценоз”-“умумий” демекдир.

Агар бир неча тур ўсимликлар биргаликда яшаса, фитоценоз (**ўсимликлар жамоаси**) дейилади. Агар бир неча тур ҳайвонлар биргаликда яшаса, зооценоз (**ҳайвонлар жамоаси**) дейилади.

**В.Н.Сукачевнинг** фикрича, биогеоценоз - бу Ер устида учрайдиган бир хил табиий воқеликлар (атмосфера, топ жинслари, гидрологик шароит, ўсимлик, ҳайвонлар ва микроорганизмлар дунёси) нинг ийғиндисидан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, популяция тұгрисидаги таълиміт асосида табиатдаги күпгина мұраккаб ва ҳаёттій жараёнларни, яъни биогеоценозларни үрганишга имконият яратылди. Биогеоценозларни үрганишга, **биогеоценология** дейилади.

Табиатдаги биогеоценознинг түрли тирик компонентлари яшаш жараёнида бирлашиб биологик борлық, яъни **биогеоценозни** ташкил этади.

**Биогеоценоз** түрли катталикларда бұлади ва түрли мұраккаблікка эга. Масалан, үрмөн, тундра, дашт, чул биогеоценозлари бир-биридан кескин фарқ қиласы. Тропик минтақалардаги үрмөнларнинг биогеоценозлари анча қашишоқ булган Арктика тундраларында нисбатан аңча маҳсулдордир. Океан түбидеги биогеоценозлар эса, деңгиз ва океанлар соҳиалари яқинидеги саёз жойлар биогеоценозларында қараганда уңчалик сермахсул әмас.

**Биогеоценоз** - бу биоценозлар ва мұхит омылларининг ийғиндиси әмас, балки табиатнинг бир бутунлиги, сифат жиҳатидан мосланған, үз ҳолиша ривожланувчи ва таъсир қилиш қонуниятларында эга булған мұраккаб бирлиқdir.

**43. Биоценоз деб нимага айтилади?** Бу атамани ким ва қачон фанга киритган?

«Биоценоз» лотинча сўз бўлиб, «биос»-«ҳаёт», «ценоз»-«умумий», яъни умумий ҳаёт деган маъноларни англатади. Биоценоз деб, ўсимликлар, ҳайвонлар ва микроорганизмлардан таркиб топган популяциялар мажмуига айтилади. Биоценоз дейилганда, бир хил муҳитда мослашиб олган ва бир жойнинг ўзида бирга яшайдиган барча организмлар тушунилади. Биоценознинг катта-кичкилиги ҳар хил бўлиши мумкин.

Урмон экологиясини ривожлантирган рус олими В.В.Докучаев (1846-1903) ва унинг шогирди Г.Ф.Морозов «биоценоз» атамасидан қуллаганлар.

«Биоценоз» атамасини 1877 йили немис зоолог олими Карл Мёбиус фанга киритиб, уни қуидагича таърифланган эди.

1. Биоценозга маълум жойда учрайдиган микроскопик ва макроскопик формалар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳамма массаси киради.

2. Биоценозни ҳосил қилувчи турлар бир-бирлари билан боғланган ва бир-бирига қарамдир.

3. Биоценоз ташқи муҳит омиллари таъсири остида булади.

4. Биоценоз вақт утиши билан доим турғун ва бир ҳолатда бўладиган гурухлардан иборат бўлади.

5. Биоценозни ҳосил қилувчи вакиллар ўз жойларида, биоценоз ичида кўпайиш хусусиятига эгадир.

Ҳозирги шайтада ҳам К.Мёбиус курсатиб ўтган биоценознинг ушбу белгилари ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Кичик микробиоценозлар қушилиб, катта биоценозларни ҳосил қиласи. Масалан, дараҳт шоҳидаги моҳ, лишайник гурухлари шу катта дараҳтдаги бир бутун биоценознинг бир қисми ҳисобланади. Ҳар бир дараҳтдаги биоценозлар эса, шу

ердаги ёнгоқзорлар, олмазорлар ёки арчазор биоценозларнинг бир қисми ҳисобланади. Ҳар бир урмонзорнинг биоценози, уз навбатида, яна ҳам мураккаб тузилган катта майдондаги биоценозни ҳосил қиласи. Улар асосида минтақалар, табиий минтақалар биоценозлари, уларнинг бирлигидан Ер юзининг ҳаёт қоплами келиб чиқади.

**Биоценоз** барча турдаги организмлар популяциясининг ийғиндиси булиб, маълум бир географик худудда ҳаёт кечиради. Бундай худудлар күшни худудлар ёки жойлардан тупроқ ва сувларнинг кимёвий таркиби, жойнинг паст-баландлиги, қуёш нурлари радиацияси ва бошқа табиий курсаттичлари билан фарқ қиласи. Биоценозда яшайдиган наботот ва ҳайвонот турлари доимо ўзаро муносабатда бўлади. Биоценознинг ривожланиш жараёни, одатда ниҳоят узок давом этади. Инсон ўзининг ҳаётий эҳтиёжларига қараб, биоценозни ўзига маъқул бўлган томонга ўзгартириши мумкин.

Инсоният жамияти ўзининг барча хусусиятлари билан бирга Ер юзидағи ҳаёт ривожланиши (биогеноз)нинг навбатдаги босқичи ҳисобланади. Инсон энг кучли табиий омил сифатида нафақат сайёрамизни, балки коинотни ҳам ўзгартириб юбормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятнинг ривожланиш жараёнларини тұхтатиб бўлмайди. Лекин инсон фаолиятининг биосферага курсатаётган таъсирини чеклаш ёки бошқариш мумкин. Агар биоген ва геологик моддаларни айланиб туриши ва ишлаб чиқариладиган барча Энергия турларини тұғри тақсимлаб билсак, биосферанинг турғулигини таъминлаш мумкин. Яъни, инсон ва биосферанинг ривожланишига таъсир этмаган буламиз.

#### **44. Биотоп деб нимага айтилади?**

Маълумки, табиатда ҳар хил турларнинг популяциялари бирлашиб, юқори тузилишга ва хусусиятларга эга бўлган биологик бирликларни, яъни биологик ценозлар (биоценозлар) ни ҳосил қиласи. **Биоценозлар** - бу үсимлик, ҳайвонот ва микроорганизмлар популяцияларидан иборат булиб, маълум жойда биргаликда яшашга мослашган турларнинг биологик бирликлариdir.

Ҳар қандай биоценоз абиотик муҳитнинг маълум қисмини-биотопни эгаллайди. **Биотоп** - бу маълум даражадаги бир шароит булиб, унда ҳар хил организмларнинг бирликлари тарқалгандир. Ҳар бир биотоп экологик яшаш жойи булиб, шу жойнинг турлар сони, зичлиги ва тузилиши булади

Шуни унутмаслик керакки, биоценозни **биотопдан ажратиб бўлмайди**. Чунки биотопни биоценоз ишғол қиласи, унда тарқалади, яшайди, ривожланади, авлод қолдиради. Улар бир-бирларига таъсир қилиб, маълум даражада турғун экосистема ҳосил қиласи.

#### **45. Биологик бирлик деганда нимани тушунасиз?**

Маълум ҳудудда ёки биотопда тарқалган популяциялар, турлар ҳосил қиласиган катта ёки кичик гурӯхларга, **биологик бирликлар** деб аталади. Бу тирик организмларни ўзига хос ташкилий бирлиги ҳисобланади ва ўз хусусиятларига, ўзгариш, бир-бирлари ва ташқи муҳит билан доимий алоқада бўлиш қобилиятларига эга бўлади

Ҳар қандай биологик бирлик-тирик **биоценоз** (экосистема) нинг бир қисми ҳисобланади. Биологик бирликлар якка-якка, бир-бирига боғланмаган ҳолда учраймайди. Биологик бирлик доимо ўзининг морфологик ташқи қиёфасини ўзgartириб туради (урмон, утлоқзорнинг

баҳор, ёз, куз ва қищдаги ҳолати). Шунинг билан бирга унинг фаолияти, маҳсулоти ва маҳсулдорлиги үзгаради. Биологик бирликларнинг яшаш жойини фарқланиши билан (чул, дашт, атир, тоғ), уларнинг бир-биридан фарқланиши яқол кўринади.

Ҳар бир бирликнинг ичига кирган организмнинг характерли белгилари бўлади.

**Биологик бирликлар** турли катталиқдаги табиий гурухларни ифодалайди. Яъни, битта дараҳт шохидан тортиб, то катта ўрмонзорлар ёки океанини ўз ичига олади. Бирликлар ичидаги турлар вакт ва маконда маълум даражада бир-бирларининг ўрнини босиши мумкин. Бирликларда турлар таркиби ҳар хил бўлади.

Экология фанида тур фаолиятини бошқариш учун унинг ўсиши, ривожланиши ва кўпайиши йўлларини топиш катта аҳамиятга эга. Масалан, тупроқда колорадо қунғизи тухумларининг кўпайиши йўлларини ишлаб чиқиш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга.

#### **46. Экологик ниша деб нимага айтилади ва бу атамани биринчи бўлиб ким ва қачон фанга киритган?**

Турнинг биологик система ичидаги биотик муносабатлари ва унинг абиотик омилларга бўлган талаби, турнинг экологик даражаси, яшаш жойи-нишаси деб айтилади. Бу атамани 1928-йили Жозеф Гриннелл биринчи маротаба фанга киритган эди.

Агар организмнинг яшаш жойи аниқ булса, уни шу ердан топиш мумкин бўлади.

**Экологик ниша ёки жой тушунчаси** анча кенг бўлиб, у ўз ичига организмнинг табиий маконини, биоценоз ичидаги функционал ролини (масалан, трофик ёки топик) ва унинг мухит омиллари (ёруғлик, ҳарорат, намлиқ, минерал ва

органик моддалар) га эҳтиёжи каби ўзига хос хусусиятларини қамраб олади.

Экологик ниша - “Экология” фани биносининг пойдевори ҳисобланади. Олимлар экологик нишага турлича тариф берганлар. Масалан, американлик эколог олим Е.Одум 1959 йилда унга қўйидагича таъриф берган эди: “**экологик ниша тизимий адаптациясидан, физиологик жараёнлардан ва махсус хулқидан келиб чиқсан ҳолда организмнинг уюпимада ва экосистемадаги ўрни ва мавқеидир!**”

1981 йили Е.Пианка экологик нишага қўйидагича таъриф берди: “**экологик ниша организм бирлигини адаптациялари ёки маълум муҳитга уни мосланишини хилма-хил йўлларининг умумий йитиндисидир!**”

Экологик ниша кенг маъноли тушунча бўлиб, у нафақат организмнинг эгаллаб турган физик фазоси, балки унинг уюшмадаги функционал роли (масалан, трофик ўрни) ва ташқи омиллар (ҳарорат, босим, намлик, тупроқнинг водород курсаткичи ва бошқа яшаш шароитлари) градиентларига бўлган нисбий муносабатларни ҳам қамраб олади. Ниша концепцияси турларни бир-биридан (ёки тур ичida ҳар хил жойларда ва турли вақтларда) фарқини бир ёки бир неча аломатлар бўйича миқдорий баҳолашда катта амалий аҳамиятга эга.

#### **47. Экологик система (экосистема) деб нимага айтилади?**

Маълумки, табиатда учрайдиган тирик организмлар ва уларни ўраб турган жонсиз жинслар ўзаро доимий алоқада бўлади. Ҳар қандай катта-кичик биологик система ўзида ҳаракатдаги организмларни қамраб олади, уларнинг бир-бирлари ва ташқи муҳит омиллари муносабатларини бошқариб, шу система ичida биотик тузилишда энергия

оқимини, унинг тирик ва ўлик қисмида моддалар алмашинишини таъминлайди. Бундай бирлик экологик система ёки экосистема деб айтилади.

Экосистема - "Экология" нинг асосий функционал бирлиги булиб, унинг таркибига ўзаро таъсирланувчи тирик организмлар ва мұхит омиллари каби компонентлар киради.

Экосистема икки қисм (икки компонент) лардан ташкил топган булиб, унинг органик қисмини биоценозлардаги тирик организм турлари ташкил этса, анерганик қисми биотоп, яғни шу турларнинг яшаш жойидан иборат булади.

Яъни

### **БИОТОП + БИОЦЕНОЗ = ЭКОСИСТЕМА.**

Экосистема термодинамик жиҳатдан очиқ система булиб, вақт бўйича турғун булади.

«Экосистема» атамасини фанга биринчи маротаба инглиз экологи А.Тенсли 1935 йили киритган эди. Экосистемага Қуёш энергияси, тупроқнинг минерал таркиби, атмосфера газлари ва сувлар киради. Ундан иссиқлик, кислород,  $CO_2$  ва бошқа газлар, чиринди ва сувлар билан бошқа биоген моддалар чиқиб кетади.

Экосистемалар ўз-узини бошқариш ва ташки мұхитнинг ўзгаришларига қарши чидамлилик қобилиятига эга булиб, улар ўзаро бирлашиб, биосферани ҳосил қиласиди.

Биосфера энг катта экосистема булиб, у очиқ система хисобланади. Чумоли уяси, аквариум, боткоқ, космик кема хонаси, деңгиз, унинг қирғоги, ўрмон чети, шохлар, тог, биосфера-уларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида экосистемалардир. Лекин экосистема аниқ ва доимий чизик билан чегараланган эмас, у доимий ҳаракатланувчи реал биологик система булиб, энергия олади ва энергия чиқаради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “экосистема” ва “биогеоценоз” бир-бирига яқин атамалар бўлиб, улар синонимлар эмас. Оддийроқ қилиб айтганда, **экосистема** – бу бир томчи сув ва унинг таркибидағи микроблар, ўрмон, гул ва гултубак, космик кема, оқова сувларни биологик тозалаш инициоти ва ҳоказолар. Экосистема биогеоценоз тушунчасига нисбатан кенгроқ маънога эга, яъни ҳар қандай биогеоценоз экологик система бўла олади, аммо ҳар қандай экосистема биогеоценоз ҳисобланмайди, чунки биогеоценозлар ер устидаги тузилмалар бўлиб, улар аниқ чегаралар билан чекланган бўлади.

#### 48. Тур нима?

Тур - бу табиий биологик бирлиқ бўлиб, унинг ҳамма аъзолари умумий генофонднинг ташкил топишига қатнашади.

Тур – бу тури хусусиятларга ва ирсий ухшашикларга эга бўлган маълум бир груп бўлиб, улар уругланиши туфайли маҳсулдор авлод берувчи, маълум бир ҳудудда яшашга мослашган ва тупрок, иқлим шароитларига мослашган индивидлар гурухига айтилади.

#### 49. Ноосфера деб нимага айтилади ва бу атамани фанга ким киритган?

«Ноосфера» тушунчасини француз математиги ва файласуфи Е.М.Рау фанга киритган эди. «Ноос»-«онг», «сфера» - «шар» демакдир. **Ноосфера-ақл-идрок таъсиридаги макондир.** В.И.Вернадскийнинг фикрича, ноосфера биосферанинг қонуний ривожланиши натижасида келиб чиқадиган босқичдир.

Ноосфера инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро онгли алоқалар ва муносабатларни ўз ичига олади.

## 1.5. Фотосинтез жараёни ва унинг биосферадаги ўрни (50, 51)

### 50. Фотосинтез жараёнининг биосферадаги аҳамияти нимадан иборат?

Фотосинтез жараёнини қуидагича ифодалаш мумкин:



Фотосинтез жараёни Ердаги асосий ҳаёт манбаи ҳисобланади. Ўсимликлар биосферанинг фаол қисми булиб, уларнинг умумий массаси бутун тирик табиатнинг 97% ини ташкил этади.

Ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёни туфайли биосферада  $O_2$  янгиланиб туради. Шунинг учун «ўсимликларга, “Ер шарининг упкаси!” дейилади.

Яшил ўсимликлар иилига 180-250 млрд тонна углерод қўш оксиди ( $\text{CO}_2$ ) ни ютиб, қарийб 156-200 млрд тонна кислород ( $O_2$ ) ишлаб чиқаради ва ўртача 180 млрд тонна сув ( $H_2O$ ) бугланади. Фотосинтез жараёнида қабул қилинган ҳар бир атом ( $\text{CO}_2$ ) учун 2 атом кислород ажратилади.

Бир гектар ўрмондаги дарахт баргларининг умумий майдони (сатхи) 4-6 гектарни ташкил этади. Мана шу япроқлар Қуёш энергиясини ютиб, яширип энергияга айлантиради. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар 1 гектар япроқлар майдони 9 млрд ккал энергия бериши мумкин. Яшил ўсимликлар мана шу энергия ҳисобига 1 гектар майдонда 9-10 тонна соғ органик моддаларни тұплайды.

Фотосинтез жараёни Ер шаридаги сувни 5,8 млн иилда, углерод қўш оксиди газини 7-8 иилда, атмосферадаги кислородни эса 2500 иилда бир маротаба янгилаб туради.

Аниқланипича, 1 гектар майдондаги яхши ҳолдаги дараҳтзор бир йилда 4,6 - 6,5 тонна ис газини юғиб, 3,5-5,0 тонна кислородни ишлаб чиқаради. Бироқ, саноатнинг  $O_2$ , га бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда. Ҳар йили атмосфера ҳавосидан ишлаб чиқариш мақсадлари учун 90 млн тонна кислород олинмоқда. Олимларнинг ҳисобларича, ҳар йили ёкиб юборилаётган  $O_2$  нинг 1 % тикланмай қолаверса 6-7 асрдан сунг Ер атмосфераси  $O_2$ , захирасини 70 % тугаши мумкин экан.

### 51. Биомасса деб нимага айтилади?

**Биомасса** - бу тирик организмнинг маълум майдон бирлигига ( $1\text{ m}^2$  га ёки 1 гектар майдонга) туғри келувчи оғирлиги ёки энергия бирликларида ифодаланган умумий вазнидир. Бошқача қилиб айтганда, тирик организмлар вужудга келтирган массани энергия бирлигига олинса, унга **биомасса** деб айтилади. Масалан,  $1\text{ m}^2$  да ёки 1 гектарда ҳамма организмлар массаси - бу **биомассадир**.

Биологик системалар биомассасининг асосий қисмини яшил ўсимликлар ҳосил қиласди. Биомассада микроорганизмларнинг ҳиссаси кам бўлади. Биосмассага организмнинг ҳамма қисми, ҳаттоқи, ўлик қисмлари, қуруқ шоҳ, илдиз, барг ҳам киради. Улар чириб, гумус ёки торфга айлангандан кейин, биомасса ҳисобидан чиқади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қуруқлиқдаги биомасса (2420 млрд тонна) сувдаги биомасса (3,2 млрд тонна) га нисбатан 800 маротаба кўпдир. Биомассанинг 97% ўсимликлар ҳисобига, атиги 3 % ҳайвонлар ҳисобига тұғри келади. Ердаги биомассанинг умумий миқдори 2408 млрд тоннага тенг. Қуёш нурларининг тушишига ва жойнинг географик үрнига қараб, экватордан қутбларга борган сари, биомасса камайиб боради.

## **1.6.Атмосфера ҳавоси, унинг таркиби ва моҳияти (52-55)**

### **52. Атмосфера деб нимага айтилади?**

Атмосфера экологик омил сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Ер шарини ўраб олган ҳаво қатламига, **атмосфера** дейилади. Атмосфера табиатнинг энг муҳим элементларидан бири бўлиб, тирик организмларнинг яшаш жойидир. Атмосфера бўлмаганда эди, Ер шари кечалари ва қиши пайтида ўз нурлари ҳисобидан совиб кетиб, кундузи ва ёз пайтида Күёш радиацияси таъсирида исиб кетарди. Мана шу ходиса ойда булади, чунки у ерда атмосфера йўқ.

### **53. Атмосфера ҳавоси таркибида қайси моддалар булиши мумкин?**

Атмосфера ҳавосининг таркиби табиий ҳолда 78 % азотдан, 21 %  $O_2$  дан, 0,9% аргон газидан, 0,03 %  $CO_2$  газидан ва қолган қисми инерт газларнинг механик арашмаларидан иборат. Атмосфера ҳавоси таркибида водород, озон, ксенон, олтингугурт оксиди, углерод оксиди, аммиак каби газлар ва улардан ташқари, сув бутлари, ўсимликлардан ажралиб чиқсан эфир мойлари, турли газсимон аралашмалар ва чанг заррачалари учрайди. Уларни асосан завод ва фабрикалар, шунингдек, транспорт воситалари чиқаради.

Атмосфера ҳавоси Ер шарини исиб кетишидан ва совиб кетишидан ҳимоя қиласи, тирик организмлар ҳаётида алоқа воситаси, яъни тулқин тарқатиш вазифасини бажаради.

**Инсон танаси асосан 4 элементлардан** таркиб тоғлан:  $C_2$ ,  $O_2$ ,  $H_2$  ва  $N_2$  (уларнинг умумий миқдори 98% ни ташкил этади). Қолган 3% ни калий, калций, фосфор, олтингугурт Элементлари ва 1% ни эса бошқа элементлар ташкил этади.

**Ўсимликларда 45%** углерод, 42% кислород, 6,5%

водород, 1,5% азот мавжуд булиб, қолган 5% ни бошқа элементлар ташкил этади.

Барча тирик организмлар атмосфера ҳавоси таркибидаги кислород билан нафас олиб,  $\text{CO}_2$  газини ҳавога чиқаради. Үсимликлар эса, фотосинтез жараёнинга  $\text{CO}_2$  гази қабул қилиб,  $\text{O}_2$  газини ҳавога чиқаради.

Ҳаво таркибидаги газ компонентлари орасида энг муҳими **кислород** ҳисобланади. Чунки кислород барча ёниш, ачиш ва оксидланиш жараёнларида фаол қатнашади. Кислород ҳаёт учун энг муҳим воситадир. Кислородсиз жой - **анаэроб** муҳит булиб, у ерда фақат бактерияларгина булиши мумкин, холос. Агар ҳавода кислород **21 %** дан **14 %** гача камайса, кўпчилик сут эмизувчи ҳайвонларнинг нафас олиши оғирлашади. Үсимлик илдизларининг усиши ва уруғлар униб чиқиши учун тупроқда **15-25%** ҳаво, шунинг **1-2%**  $\text{O}_2$  булиши керак, акс ҳолда үсимликнинг экологик ҳолати оғирлашиб, у ривожланмай қолади.

Кислород барча ёниш, ачиш ва оксидланиш жараёнларида иштирок этади. Инсон нафас олганда, қон таркибидаги гемоглобин  $\text{O}_2$  ни бириктириб, қонга сурилган органик моддаларни оқсил ва органик моддаларнинг вужудга келишига иштирок этади.

Кислород атмосферада доимо динамик мувозанатда булади. Наботот оламини фаолияти туфайли атмосферада **йилига 10 тонна кислород** ажратилади. Агар кислороднинг динамик мувозанати бўлмагандан эди, ушбу фаол молекулалар атмосферадан **10 минг йилдаёқ** бутунлай йўқ булиб кетарди.

**54. Битта одам ва битта автомобил бир суткада қанча кислород истеъмол қилиши мумкин?**

Инсон бир соатда 500 л  $O_2$  газини истеъмол қилиб, ўнка орқали қарийб 10 минг литр ҳавони утказади.

Битта автомобил эса бир суткада 20-30 кишига бир йилга этадиган кислородни сарфлайди.

**55. Нима учун ҳавонинг оғирлик кучини сезмай қоламиш ва уни қайси ҳолатларда сезиш мумкин?**

Маълумки, денгиз сатҳида  $0^{\circ}\text{C}$  да  $1 \text{ см}^3$  ҳавонинг массаси  $1293 \text{ г}$  га тенгдир. Ер юзининг ҳар бир  $\text{cm}^2$  да  $1033 \text{ г}$  ҳаво тӯғри келади. Ҳаво заррачалари одам кағтига  $1471 \text{ Н}$  куч билан ва унинг танасига  $1471 \cdot 10^3 \text{ Н}$  куч билан таъсир этади. Аммо биз бу оғирлик кучини сезмайсиз, чунки баданимиз ҳаво билан тулган ва у ташқи босим билан мувозанатдадир. Агар ушбу мувозанат бузилса, ўзимизни ёмон сеза бошлаймиз. Ҳудди мана шу ҳодисани тоққа чиқиш пайтида ёки сувга чукур сузиш пайтида сезиш мумкин. Масалан,  $20 \text{ км}$  баландлиқда  $1 \text{ см}^3$  ҳавонинг массаси  $43 \text{ г}$  га тенг бўлса,  $40 \text{ км}$  баландлиқда унинг массаси  $4 \text{ г}$  га тенг бўлади.

Табиатнинг таркибий қисми (компонентлари) ва мажмуалари орасида узаро барқарор боғлиқлик ва ҳаракатини аввалги ҳолдагидек мавжуд булишига яқинлаштириш – экологик мувозанатни қайта тиклаш демақдир. Одам экологияси табиат экологиясининг ажralmas қисмидир.

## II-БОБ. Ўзбекистон Республикасида атроф- муҳитни муҳофаза қилиш тизими ва қонунчилик асослари

### 2.1. Экология қонунлари (56)

#### 56. Қайси экологик қонунларни биласиз ва улар ким томонидан ва қачон фанга киритилди?

Биосфера компонентлари орасидаги турли хил алоқалар, биогеоценоз элементлари орасидаги ўзаро боғлиқлар, табият тараққиёти ва ўз-ўзини мукаммалаштирилиши "Экология" нинг қуидаги 4-та қонунига ўз аксини топгандир. Биринчи маротаба Экология қонунларини 1974 йили америкалик олим Барри Коммонер фанга киритган эди.

1-қонун. Табиятдаги барча моддалар ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ. Ушбу қонун биосферадаги барча тирик организмлар ва уларни ўраб турган табиий муҳит орасидаги турли хил ва шаклдаги боғлиқликларни ўзига акс эттиради. Табиий муҳитнинг физик-кимёвий ҳолатининг ҳар бир ўзгариши алоқалар орқали биогеоценозларга берилади, натижада уларнинг ривожланишига катта таъсир этади. Масалан, қурилган сунъий сув ҳавзаси маълум ҳудудда намликини опириади ва ёғингарчиликларни тез-тез содир бўлиб туришига олиб келади. Чунки намлик ва ёғингарчиликлар ҳавзадан буғланиб чиқадиган сувнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Бошқа мисол. Тупроқнинг унумдорлиги таркибидаги чириндилар ва минерал ўғитларнинг миқдорига боғлиқ бўлади.

2-қонун. Ҳамма нарсалар қаергадир яшириниши керак. Ҳар бир нарса изсиз йўқолмайди, балки бир жойдан иккинчи жойга кучиши мумкин ёки бир молекуляр ҳолатдан иккincinnисига утиши мумкин.

Бундай ўзгаришлар тирик организмларнинг яшаш жараёнига таъсир этади. Масалан, ёғингарчиликлар купрөк

содир булганда, табиий иқлим ўзгариб, үсимликлар ривожига катта таъсир этиши мумкин. Бошқа мисол. Ер қаъридан қазиб олинадиган маъданлар, нефт ва газлардан янги моддалар ва бирикмалар олинади. Демак, улар биткул йўқолиб кетган эмас, балки бошқа ҳолатга ёки буюм шаклига утганилар. Бошқа мисол. Технологик жараёнлар давомида ажралиб чиқадиган чиқиндиларни тупроққа кўмиш билан улар изсиз йўқолмайди, балки чириндига айланиши мумкин.

**3-қонун. Бирон-бир нарса текинга берилмайди.** Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир нарса учун, шу жумладан, табиатдан фойдаланиш учун ҳам, тұлаш керак.

Глобал экологик системада, яъни биосфера да ҳар қандай фойда қуришлар, албатта, талофатлар билан бирга құлға киради. Ушбу талофат эса бошқа жойда пайдо бұлади. Табиатдан олинган ҳар бир нарсанинг жойи албатта, тұлдирилиши шарт. Масалан, бугдой, арпа, күкатлар ва бошқа маҳсулотлар ердан фосфор, калий ва шунга үхшаган элементларни олади. Агар ерга ушбу керакли элементларни минерал үгит сифатида бермасақ, келгусида ҳосилдорлик пасайиб кетади.

#### **4-қонун. Табиат яхши “билади”.**

Ушбу қонун Ерда ҳаётнинг пайдо булиши ва ривожланишига асосланғандир. Масалан, Орол дентизи минг йиллар давомида яшаб келди, аммо инсон ярим аср давомида уни ҳалокатта учратыб қўйди. Орол дентизи бизга: “сен мени шу куйга солиб қўйдинг, энди сен ҳам менинг таъсиримга чида!” деяпти. Табиатда ҳар бир органик модданинг парчалантирувчи ферменти мавжуд. Табиатда бирон-бир органик моддани синтез қилиш ниҳоятда қийин, агар уни парчалантирувчи воситаси бўлмаса. Ҳозирги пайтда инсон шундай кимёвий бирикмалар яратдики, улар табиий

муҳитда парчаланмайди (масалан, пластмасса ва резина маҳсулотлари), улар йигилиб қолиб, табиий муҳитни сунъий равища ифлослантирумокда. Демак, ушбу қонун бизни табиий системаларни ўзgartириш (зараарли ишлаб чиқаришини яратиш, дарё оқимини ўзgartириш, сунъий сув ҳавзаларини қуриш) дан олдин, унинг салбий оқибатларини ўйлаб иш қилишимизга чақиради.

## 2.2. Экология ва ҳадислар (57)

### 57. Улуғ бобокалонларимиздан бизга мерос бўлиб қолган ҳадис бандларидан “Экология” га оид мисоллар келтира оласизми?

Дарҳақиқат, ҳалқимиз қадим замонлардан «баданинг қуввати-овқат, ақлнинг қуввати-ҳикматли сўздир!», деб бехуда уқтириб келмаган. Ҳадислар ҳам мана шундай ҳикматли сўзлар ва донишмандлик дурдоналари ҳисобланади.

“Ҳадис” араб тилидан олинган сўз булиб, “ҳикоя”, “нақл”, “ривоят” деган маъноларни англатади. “Шариф” араб тилидан олинган сўз булиб, “асл”, “шарофатли”, “азиз” каби маъноларни англатади. Ҳадислар фақатгина шариат қонун-қоидлари ҳақида маълумот бермай, уни Шарқ ҳалқлари ҳаётига маънавий баркамоллик баҳш эттан, одоб-ахлоққа оид ҳикматлар ташкил қиласди.

Буюк бобокалонларимиз Абу Абдулло Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Абу Исо Мұхаммад ат-Термизий (824-892) ва Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ибн Абу ар-Рахмон ад Дарамий ас-Самарқандийлар ҳадис илмининг асрдан-асрга сақланиб қолишига улкан хисса күпиган буюк тарихий шахслар ҳисобланадилар.

Ҳадис бандлари ёшларга экологик таълим ва тарбияни сингдиришига катта ёрдам беради. Уларда айрим ўсимликлар ва ҳайвонот турларининг хоссалари, озуқада тутган ўрни ва

инсон фаолиятидаги аҳамияти ҳақида ниҳоятда қимматли фикрлар баён этилган. Ҳадисларнинг айрим бандлари инсонни табиат бойликларини тежаб-тергашга ва уларни муҳофаза қилишга ўргатади. Масалан, ҳадисларда “**қўй боқ, зеро айни баракадур!**” дейилади. Демак, бу ерда фойдали ҳайвонлар популяциясини кўпайтириш ва улардан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ҳадисларда баъзи бир ёш ҳайвонот турларини қурбонлик қилмаслик, яъни ёш популяциянинг миқдорини сақлаб қолиш, вояга этгандан кейин ундан самарали фойдаланиш, шунингдек, баҳор пайтида уларнинг кўпайишини назарда тутиб, айнан мана шу ойларда қурбонлик қилмасликка алоҳида тұхталиб ўтилган.

Экологияга оид ҳадис бандларидан қуйидаги намуналарни мисол тариқасида келтириш мумкин.

1. Қўй боқ, зеро у айни баракадур. Бу тилсиз ҳайвонлар тұғрисида Оллоҳдан қўрқинглар. Уларни сўйишга яроқли қилиб (яъни, семиртириб) сўйиб енглар.

2. Қўй баракадур, түя аҳлига иззатдир (эгасига азиздир).

3. Отнинг пешонасига қиёматгача яхшилик ёзилгандир. Уни боққан қиши яхшилик куради.

4. Тирик ҳайвондан кесиб олинган эт ҳаром ҳисобланади.

5. Ислом динида ҳайвоннинг бош боласини қурбонлик қилиш билан ирим қилиш йўқдир, ҳамда ражаб ойининг бошида қурбонлик қилиш ҳам йўқдир.

6. Йиртқичларнинг гүшти ҳаромдир.

7. Бешта ёмон ҳайвонот тури борки, улар ҳажда ҳам, ташқарида ҳам ўлдирилади: **илон, олақарға, сичқон, калхат ва қутурган ит.**

8. Кўз олдингда отиб туширганингни егин, қочириб юборганингни (ўлган ҳолда, кейин топиб олсанг) қўй, ема.

9. Дехқончилик билан шуғулланинглар, у муборак касбдур. Унга қўриқчиларни қўпайтиинглар. Экмоқ ниятида қўлингизда қўчат турган пайтда, беҳосдан қиёматқойим булиши аниқ бўлганда ҳам, улгурсангиз уни экиб қўяверинг.

10. Қайси бир мусулмон экин экса ёки бирор дараҳт утқазса, сўнг унинг мевасидан қуш ёки ҳайвонилар эса, унинг экканидан ейилган нарсанинг ҳар биридан унга садақа савоби ёзилади.

11. Соя берувчи дараҳтни кесган киши боши билан дўзахга ташланади.

12. Кимки, сув тошқинини тўхтатса ёки ёнғинни учирса, унга шаҳидлик ажри берилади.

13. Олов душманцир, ундан эҳтиёт булинглар.

14. Сув муқаддас унсурлардан биридир.

15. Биз тирикликни сувда яратдик.

16. Сувга тупурманглар, макруҳ бўлади.

17. Ислом динида ичимлик суви билан экин суғориш ман этилган.

18. Шамолни сўкманглар, чунки у Оллоҳнинг раҳматидандир. У раҳматни ҳам, азобни ҳам, олиб келади, лекин сизлар Оллоҳдан унинг яхшилигини сўранглар, ёмонлигидан паноҳ тиланглар.

19. Енглар, ичинглар, кийининглар, садақа қилинглар, аммо исроф қилманглар, магурланманглар.

20. Тежаб сарфлаган киши камбағал бўлмайди ва ҳоказолар.

Демак, уша замонларда Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва бошқа муқаддас китобларимизда битилган ибратли сузлар қонун кучига эга бўлган ва уларни шариат қонунлари деб атаганлар. Шундай қилиб, Ерга, сувга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига нисбатан тўгри муносабатда булишимиз орқали Она – табиатимизни асраб қолишимиз

мумкин. Бунинг учун Ҳадислар ҳар бир инсон учун дастурамал бўлмоғи лозим!

### **2.3. “Авесто” китобининг экологик аҳамияти (58-61)**

#### **58. “Авесто” китоби қачон яратилган?**

Марказий Осиё ҳудудида шаклланган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” энг қадимги ёзма адабиёт, ахлоқ, одоб қоидаларини узида мужассамлаштирган, 12 минг қора мол терисида тилло билан ёзилган асардир. Минг афсус ва наломатлар бўлсинким, бу асар бизгача тұлалигича етиб келмаган. Ёзма манбаларниң далолат беришіча, дарxaқиқат, “Авесто” мубидлар авлодидан-авлодга, оғиздан-оғизга үтиб, асрларда оша яширин сақланган. Даставвал, I ёки II асрларда Аршакийлар даврида “Авесто” қисмларини тұплаш бошланган. Кейинча Сосонийлар даврида, Ардашер Папакан (227-243) даврида ёзиб олинган. Айниқса, Шопур (243-273) даврида астрология, табобат, риёзиёт ва фалсафага оид қисмлари ёзиб олиниб, ҳамма қисмлари тартибға келтирилган ва кейинчалик ушбу асосий матн тұлдириб борилган. “Авесто” Александр Македонский Эронга қылган юриши вақтида Юнонга олиб кетилган, зарур жойларини таржима эттириб, қолган қисмларини күйдириб юборилган. Ушбу муқаддас китобининг фақаттана бешдан икки қисмигина бизгача етиб келган.

#### **59. Зардуштийлик таълимоти қанақа таълимот?**

#### **60. “Авесто” ким томонидан яратилган?**

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиё ибтидоий даврида мавжуд бўлган табиат кучларини иллоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тұкувчи,

қурбонниклар, ҳарбий түқнашувлар, босқинчилик хужумларини қоралаб, утрок, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, дәхқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга урунишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблаб, хайрли ишни, ахлоқлы, одобли булишни турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун қўйган. Зардустийлик динида таъкидланишича, қўриқ ер очиб, уни боғу-роғга айлантирган одам илоҳият раҳматига учрайди, аксинча, боғлар, экинзорлар, суғориш иншоотларини бузганлар катта гуноҳга қоладилар.

Ҳарбий демократия, "замона зўрники" даврида на самарали меҳнат, на қабила, на оила билан тинч-тотув яшаш, на одамийлик хақида сўз ҳам булиши қийин эди. Ҳеч ким ҳеч қандай қонун-қоидага буйсунмас, талон-тарож, босқинчилик, қон тўкиш билан зўрлар ҳаловатда, заифлар ҳалокатда бўлганлар. Жамият ҳаётида тубдан ўзгариш киритиш, одамларни маълум бир тартибга буйсундириш, осойишта ҳаёт кечиришни таъминлаш вақти келиб қолган эди. Буни яхши тушунган Спитама авлодидан бўлган Поурушаспнинг ўғли Заратуштра (Зардуст) босқинчилик, зўравонлик, бекорга қон тўкишлар, вайроналикларни қўриб, уни олдини олиш, одамларни ҳалол меҳнат билан тинч-тотув яшашга ўргатиш йўлларини ўйлади. Натижада "Авесто" нинг энг қадимги қисмлари, яшtlар юзага келди. Инсоният тарихида биринчи бўлиб Зардуст инсонларнинг бу дунёдаги ҳаётига яраша нариги дунёдаги тақдири ҳал бўлажаги ҳақидаги таълимотни юзага келтирди. Зардуст таълимоти асосида ҳар бир инсон ўлганидан сўнг ўз қилмишиға яраша марҳамат ёки жазо топиши гояси ётади. Бундай таълимот на Миср, на яҳудий ва на юононниклар динига бўлмаган!

Зардуштниинг нариги дунё ҳақидаги таълимоти аввал яхудийлар, сўнгра христиан ва ислом динига ўтади ва бу динлар таълимотига биноан қайта-қайта ишланади. Зардушт динига биноан ҳар бир зардушт кунига 5 марта ювениб, покланиб, Қуёшга қараб, уни олқишилаб, сифиниши шарт бўлган. Бу анъана беш вақт намоз шаклида ислом динига зардустийлик динидан ўтган!

### 61. Зардустийлик таълимотининг инсоннинг ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти нимада?

Зардустийлик таълимотига асосан, худо, Қуёш, олов ва умуман, ер юзидағи инсонга ўта зарур бўлган ҳамма нарсада намоён бўлади. Бу таълимот кейинчалик пантеизм деб ном олган фалсафий таълимотга асос бўлган.

Зардустийлар табиатни, ер, сув, дараҳт, үсимлик, жониворларни эъзозлаши, ерни ишлаб, сугориб, баг-роғ, экинзор қилиши, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга кўйиши, сувни муқаддас тутиши шарт эди. Бу таълимотга Марказий Осиёда, айниқса тожик ва ўзбек халқарида ҳалигача амал қилиб келинади. Инсоннинг ахлоқий тарбиясида зардустийлик динининг аҳамияти бекиёсdir!

Ҳиндларда салласиз, яъни бош яланг намоз уқиш ман этилган. Салла фақат Марказий Осиёда, Эрон, яъни аввал зардустликка мансуб бўлган мусулмонларда одат тусига кирган.

Зардустийлик таълимотига кура, табиат ва жамият жараёнлари икки қарама-қарши куч – Яхшилик (Ахура Мазда ёки Хурмузд) ва Ёвузлик (Ахриман ёки Ангра-Манью) нинг курашидан иборат.

Зардустийлик космогоникаси бўйича, ер гардиш шаклида, у сувда туради, намлик, сув ҳамма нарсанинг асоси, ерни океан қуршаган, у сувдаги тахтадек, ана шу доктринага

биноан зардуштийлар сувни ҳатто оловдан ҳам ортикроқ эъзозлаганлар. Уларнинг фикрича, ерни қуршаган олти модда (олти маъбуда) нинг биринчиси сувдир (Апам-Напат). Унда ҳаёт қучи бор, сувдаги ҳаёт кучини ўсимлик шарбатлари билан бойитиб бориш керак.

Зардуштийлик таълимотига кўра, Яхшилик (Ахура Мазда) яратган 6 модда – олти маъбуд “Мангу авлиёлар” (Амэша Спента) қўйидагилардир.

1. Яхши ният (Воху-Мана).
2. Утаadolатлилик (Аша-Вахишта).
3. Диёнатли авлиёлик (Спента-Армайти).
4. Орзу этилган қудрат, ирода (Хшатра-Ваиря).
5. Яхлитлик (Хаурватаг).
6. Мангулик (Амэрэтаг).

Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар.

Зардуштийлик таълимотига кура, ер муқаддас, улган ҳар бир нарса ҳаром, муқаддас ерни ифлослантирмаслик учун уни ерга кўмиб бўлмайди, ўликлар суюги гўштидан ажратилиб остодонга солиб ерга кўмилган. Ҳозиргача Хиндиистондаги зардуштийлар ўликларни Даҳма-минорага чиқариб қўядилар, қарға ва грифлар еб бўлгач, суюкларни дағи этадилар.

Зардуст таълимотида ахлоқ кодексини биринчи ўринда қўяди: сохталик, ёлғон, бузуқлик ва шу каби ахлоқий тубанликларни қоралайди.

Улуғ бобокалонимиз Абу Райхон Беруний ва умуман форс-тожик ва араб тарихчиларнинг ҳаммаси 12 минг тери ёки 12 минг таҳтага олтин ҳарфлар битилган “Авесто” нинг тўлиқ нусхасини Александр Македонский Эронга қилган юриши вақтида Юононга олиб кетиб, табиат, астрономия, жуғрофия, дехқончилик, табобат, тарих каби илмларга оид қисмларини юнон тилига таржима эттириб,

қолганини куйдиргани ҳақида ёзадилар. Муқаддас китоб куйдирилгани билан асрлар давомида хотираға сингдирилган зардустийлик таълимоти асослари халқ хотирасида сақлангац, одамларнинг дунёқараши шу асосда шаклланган.

Зардустийлик таълимоти, табиий материалистик дунёқарашга биноан борлиқ абадий, аммо у бир ҳолатда қотиб қолган эмас, доимий ўзгариш, ривожланиш жараёнидадир. Буюмлар ва моддаларнинг ҳеч бири мутлақ йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас, улар фақат бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишлари, шаклларини ўзгартиришлари мумкин. Моддасиз шакл бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, ҳамиша модда ва шакл бир-бири билан боғлиқдир. Борлиқ ва ҳаётнинг асоси (негизи) сув, олов, ҳаво ва ер, дунёдаги ҳамма нарса ана шу 4 унсурдан пайдо бўлган, ҳаётни Қуёш таъминлайди, олов эса унинг ердаги заррачасидир. Агар бир ҳафта Қуёш чиқмай зулмат бўлса, ердаги ҳаёт сұна бошлияди. Лекин Қуёшнинг узи бош маъбуд Ахура Мазда эмас, у Қуёш гардиши атрофидаги нурдир, дейилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Авесто” фақат зардустийларнинг диний китобигина эмас, балки уша давр илм-фани, фалсафаси, тарихи, адабиёти, фолклори, миф, афсоналари, айниқса, астронмия, табобат, жуғрофия, қишлоқ ҳўжалигига оид маълумотлар йиғиндиси ҳам эди.

Рус адиби В.С.Стульгинский 1992 иили Ростов на Дону шаҳрида чоп этилган узининг “Космические легенды Востока” китобида ҳақиқатни тан олиб ёзади: “Фарбга нисбатан бир неча асрлар аввал Шарқда ер юзидаги ҳамма жонзорларнинг эволюцияси ҳақидаги таълимот ишлаб чиқилган эди.” Ҳақиқатни тан олиш ҳам мардликка киради!

## **2.4. Марказий Осиё мутафаккирларининг экологик қарашлари (62-66)**

### **62. Имом Ал-Бухорийнинг табиат ва ундан фойдаланиш тұғрисидаги ғоялари нимадан иборат?**

Улуғ бобокалонимиз **Имом Ал-Бухорий** (810-870) «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» асарларыда табиат ҳақида бундай деб ёзган әдилар: «Дунё ям-яшил ва гүзәлdir. Кимки ундан ҳақли равище ҳалоллик билан олса, ундан барака топади. Кимки нағс ҳохиши билан дунёни муккасидан кетиб әгалласа, қиёмат куни дұзахдан бошқага әришмайди!».

Бу ғоялар замирида табиий захиралардан оқилона фойдаланиш, унга қайтариш қонуни ётади.

Шарқ ҳалқлари бошқа ҳалқлар каби яшаш минтақаларини асрәб-авайлаб келгәнлар. Шарқда қадим-қадимдан құмурсықага ҳам озор бермаслик рухида ёшларни тарбиялашған, ҳатто сувга тупуриш катта гуноҳ саналған. Бухорода “тұстовуқ патини уйға олиб келсанғ, баҳтсизлик руй беради!” деган нақл бор. Унинг замирида жониворларни асраш ва уларға озор бермаслик қоидалари ёттан.

**Мұхаммад Наршахий** үзининг “Бухоро таърихи” китобида Бухоро мамлакатининг үша даврдати экологик ҳолатини батағсил тасвиrlаб берған. Бухоро ерларининг серхосиллиги, упымдорлығы, қимматбаҳолиги, дарё сувлари, ҳайвонот ва наботот олами ҳақида ажойиб маълумотлар берған. Масалан, араблар илгари товусини күрмаган эканлар. Товус эса әнг гүзәл күш булиб, биргина думининг үзида 42 хил ранглар жилоланади. Биргина ҳайвонот турининг үзида бунчалик күп рангларнинг мавжудлиғи ва жилоланиши болықа бирон-бир жониворда кузатылмайди! Демак, үша даврларда халқимизнинг экологик онғи юқори булған,

табиат ва жамият ургасидаги мутаносиблик қоидаларига риоя қилинган.

Биринчи қуриқхона ҳам Бухорода ташкил этилган. Унга отлар, кийик ва айиқлар, тулки ва капитарлар сақланган. Отлар учун алоҳида утлоклар, капитарлар учун капитархоналар қурилган.

### 63. Абу Райхон Берунийнинг экологик қарашлари нималардан иборат?

Абу Райхон Беруний (973-1048) «биосферани ўрганишда битта фан эмас, балки барча фанлар зарур!» лигини уқтириб ўтган эди.

У инсон ва муҳит ўргасидаги алоқадорлик ҳақида бундай ёзган эди: «Одамлар тузилишларининг ранг, сурат, табиат ва ахлоқда турлича булиши фақатгина насабларининг турличалигидан эмас, балки тупроқ, сув, ҳаво ва одам яшайдиган муҳитнинг турличалигидан ҳамдир!».

Абу Райхон Беруний фойдали қазилмалар қатламиининг пайдо булиши, жинсларнинг емирилиши, тоғ жинсларининг нураши каби муаммоларни батафсил тушунтириб берган эди. Унинг «Минералогия» ва «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб», («Сайдана») асарлари айниқса экологик маълумотларга бойдир. У Марказий Осиёда ўсадиган доривор ўсимликларнинг ҳар бирига алоҳида маълумот бериб, уларнинг фойдали ва заарарли томонларини алоҳида алоҳида курсатиб берган эди.

Абу Райхон Беруний инсониятни табиат қонунларини ўрганишга чақириб, «табиатда қотиб қолган нарса йўқ, ҳамма нарса маълум вақтдан кейин бир ҳолатдан иккинчисига ўтиб туради!», деб уқтириб ўтган эди.

#### **64. Абу Али Ибн Синонинг экологик қарашлари нималардан иборат?**

Маълумки, инсоният ҳаёти ўсимликлар олами билан узвий боғланган. Наботот олами инсонни тўйдиради, кийинтиради, ҳавони тозалаб беради, сўлим гўшалар яратади, хўжалик қурилиш материали булиб хизмат қиласди, қўзга завқ бағишлайдиган гузал манзаралар яратади, тупроқни емирилиш (эрозия) дан саклаб, намликни ушлаб туради, ҳарорат беради... Хуллас, ўсимликларнинг серхосият томониарини санаб интиҳосига етиш қийин. Уларнинг ажойиб хислатларидан бири-шифобахшлигидир. Дастреб инсон учун озиқ-овқат вазифасини утайдиган нарса ўсимлик мевалари, илдиз, илдизмевалари, шунингдек ҳайвонот маҳсулотлари бўлган. Табиат неъматларидан тановул қилган инсон унинг таъми, маззаси, ҳиди, ранги, тўйимлилиги, сингинши, таъсирини сезган ва унинг хислатларига маълум даражада баҳо бера олган. Олдинлари ўсимликнинг шифобахш хислатлари тасодифан топилиган бўлса ҳам, кейинчалик такрор ва такрор ҳаётий синов ва кузатишлардан ўтгач, ҳалқ табобатида қўлланила бошлаган. Улуғ бобокалонимиз **Ибн Сино** (980-1037) Шарқ донишмандлари «Доривор хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ ва ўсимлик билан даволанмайдиган касаллик ҳам йўқ!» деган ғояларини амалда исботлаган буюк қомусий аллома ҳисобланади. У «Тиб қонунлари» асарида Экология асосларини кенг ёритиб берган эди. Агар эрамиздан олдинги 460-377 йилларда яшаган юонон табиби Гипократ “Кориус Хиппократикум” асарида 236 та гиёҳлар ва доривор ўсимликлар ҳақида маълумот берган бўлса, Ибн Сино ўзининг “Ал-қонун” асарида 900 га яқин ўсимликлар хусусида батафсил маълумотлар бериб, улардан самарали фойдаланиш йулларини баён этган эди. У зути турли ўсимлик ва ҳайвонларни, уларнинг номларини, барг ва гул

шакларини, буттанинг ташқи қиёфасини, ўсадиган жойларини, гуллаш даврларини ва қайси касалликларга даво эканлиги ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ибн Сино 450 дан ортиқ қимматли асарлар яратган, шундан 240 таси бизгача етиб келган, 40 таси тиббиётта оид асарлардир.

Инсон саломатлиги у яшаётган мухитга, нафас олаётган ҳавонинг таркибига, сув ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатига ҳамда иш фаолиятига боғлиқ эканлигини ўқтириб, «агар дунёда чанг ва ғубор бўлмаганда эди, инсон минг йил яшар эди!», деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди.

Ибн Сино сув оқадиган найларга катта аҳамият бериб, «қўрошин қувуридан оққан сув хавфлидир!», деб алоҳида огоҳлантирган эди. Ҳовли сотиб олаётган пайтда, унинг атрофидаги ерлар, сувлар ва яйловларни кўздан кечириш зарурлигини таъкидлаб, «Яйлови хушрўй, ўтларга бой сигирлар сути одам организмига ниҳоятда фойдали булади!» деган ниҳоятда қимматли фикрларни ёзib қолдирган эди.

Намлиги юқори, яхши шамоллайдиган тупроқлар соглом бўлмайди, уларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари ёмон кечади. Бундай тупроқларни Ибн Сино «касал тупроқ», деб атаган эди. Унинг фикрича, бундай тупроқли майдонларда уй-жой (иморат) қуриб бўлмайди. Ибн Синонинг бундай гоялари ҳозирги пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда илмий тиббиётда қўлланилаётган дори-дармонларнинг қарийб 40 % дан кўпроғини ўсимлик маҳсулотлари ташкил этмоқда. Табиат неъматларидан олинадиган дори-дармонлар кимёвий реакциялар туфайли сунъий йўллар билан олинадиган препаратларга нисбатан афзаллиги билан ажралиб туради. Чунки табиат эҳсони бўлмиш

ўсимликлардан таркиб топган дорилар деярли асоратсиз хисобланади.

### 65. Алишер Навоий ижодида меҳнат ва табиат талқини қандай аксини топган?

Табиат Шарқ шеъриятининг бешиги хисобланади. Чунки Шарқ адабиётида шундай бир асар йўқки, унда табиат ҳақида, унинг жилолари ҳақида сўз юритилмаган бўлса. Хусусан, лирикани Шарқ халқлари адабиётида гулу булбулларсиз, боғу бўстонларсиз, сарву шамшодларсиз тасавур қилиши қийин. А. Навоий (1441-1501) ижодида ҳам табиатга қарашиб ғоят чуқур ва гўзал талқин этилган бўлиб, бу улуғ шоир шеъриятининг ҳаётийлигини, умрбоқийлигини таъминлаган муҳим омиллардан биридир. А.Навоий табиатнинг кўп ишларини, ундаги талай воқеа ва ҳодисаларни одамларга ўрнак қилиб кўрсатади, ҳар қадамда табиатдан **урганишга чақиради**. Масалан, “Бадоеъул-бидоя” асари дебочасида шоир лоланинг пиёзи ер остидан ўзича ўсиб чиқади ва одамларнинг кўзини қувонтириб лола очади, ипак қурти эса одамларни яхши, нафис кийимлар билан безаш учун ипакка айланади, **наҳотки одамзодда лоланинг ғайрати, ипак қуртининг ҳиммати бўлмаса!**? Иисон улардан онгли ва юқори-ку, деган маънони илгари суради:

Тухм ерга кириб чечак бўлди,  
Курт жондан кечиб ипак бўлди.  
Лола тухмича ғайратинг йўқму?  
Ипак қуртича ҳимматинг йўқму?

Ўз даври учун анча илфор саналган ана шундай қараашлар ичида Навоийнинг дехқон ва унинг меҳнатига муносабати жуда юқори бўлган. У “Тўхфатул-афкор” қасидасида ерни қоида бўйича ҳайдаб, табиатни гўзал ҳолга

келтирувчи дәхқонни мамлакатни обод этувчи одил поднога киёслайди.

Навоийнинг дәхқон меҳнати, бу меҳнатнинг ўзига хослиги, дәхқоннинг кишилик жамиятида тутган мавқеи билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари унинг "Махбубул-қулуб" асарида тұла акс эттан. "Дәхқон дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йүлин очар!", деб ёзади улуг шоир. А.Навоий "Махбубул-қулуб" асарида таъриф-тавсифи берилған бирон ижтимоий табақа ҳақида батағсил гапириб, унинг яратувчанлик фаолиятидан бу қадар завқланмаган! У дәхқонни унинг құши, ҳұқизисиз тасаввур эта олмайди. Унингча, ҳұқызы дәхқоннинг "ҳамдам ва ҳамқадам", ўзи эса уларни ишта солищ, бўйсундиришида Одам Атони эслатади: "Қуёш ҳам икки зўр паҳлавон, юкуга бўюн сўнуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, дәхқон аларни сурурда андоққи Одам".

Навоийнинг инсон ҳақидаги фикрлари дәхқон тимсолида ўзининг энг ёрқин ифодасини топган. Унинг фикрича, ҳақиқий инсон меҳнат қилиши, имкони борича ҳалол меҳнати билан оламни маъмур ва кишиларни масрур этишга интилмоғи даркор. Шоирнинг фикрича, дәхқон том маънода яратувчи, оламни гузаллаштирувчи, "қурту қуш" лардан тортиб, фуқаро ва амалдорларгача ҳаммасини бокувчи, шоирларнинг шеър, бастакорларнинг күй яратишига имкон тутдирувчи олижаноб бир етук инсон. У буғдой экиб, нон билан таъминламаса, тоат-ибодат қилувчилар аҳволи ҳам танг ва ҳоказо.

Навоийнинг дәхқон ва унинг меҳнати билан боғлиқ қарашлари, дәхқончилик маданияти, дәхқон масъулияти унинг "Ҳайратул-аброр" (Яхши кишиларнинг ҳайратланиши) достонида ҳам ўзининг гузал шеърий ифодасини топган. Ушбу достонда олам ва одам уртасидаги мувозанат мавзуси марказий ўринда туради. Шоирнинг

фикрича, ўз зиммасига жамиятни боқиши, ерни янада кўркамлаштириш, одамларга, турли касб эгаларига яхши ижодий кайфият бағишлиаш вазифасини олган дехқон, боғбон ўз меҳнатининг қадрига етиши, касбини улуғлаши, ғафлатга қолмаслиги, доим сергак ва хушёр бўлиб, ўз ишининг самарадорлигига еришиши керак. Боғбон, дехқон тинмай “туну кун” меҳнат қиласагина, у эккан қучат униб, ўсиб, катта бўлиб, мева бериши, гул бўлиб очилиши мумкин:

Наҳла дехқон чу берур парвариш,

Бўлур анга мева-у гул бермак иш.

Акс ҳолда унинг ўтқазган қучати қуриб, ўтинга айланади. Унга тегишли чаман эса чаманикдан маҳрум бўлади:

Боқмаса дехқон чаманин туну кун,

Наҳли тарин англа куруғон ўтун.

Пахтакорми, ғаллакорми, ким бўлмасин, у ердан яхши ҳосил олиш учун дехқончилик маданиятига қаттиқ риоя қилиши, ерга уруғ сочишдан олдин мола босиши, ерни текислаши, экин сувни тенг ичишига эришиши керак; экин сувни баравар ичмаса, уруғ ҳамма ерга бир хил сепилмаса, ҳосил ҳам ҳар жойда турлича бўлади:

Моласиз ул тухмки, дехқон сочар,

Сувни тенг ичмас-неча яксон сочар.

Шоирнинг фикрича, дехқончилик ҳалол, покиза иш бўлиб, унга ҳаром аралашмаслиги шарт. Дехқончиликнинг табиатиadolatsizlikni kутармайди, зулм билан келиша олмайди:

Экса ғани тухм, қилиб элга зур,

Тухмини торож қилур хайли мўр.

Ҳамиша дехқончиликнинг зарур таркибий қисмларидан бири боғдорчилик бўлган. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва унинг маркази Ҳиротда боғдорчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. “Ҳайратул-

аброр"да Навоий Ҳирот майдонлари ва боғларини таърифлар экан, у ердаги боғбонларнинг маҳоратига таҳсиллар ўқиди. Улар етиштирилган гуллар, мевалар, уларнинг хиллари кўзни қамаштирадиган даражада рангбаранг бўлган. Бу даврда боғдорчилик соҳасида пайвандчилик тараққий этган булиб, бир дарахтга бир неча ниҳол навдаси пайванд қилинган ҳолларда бу ишдан кўп натижаларга эришилганлиги кўзда тутилган.

Шундай қилиб, Навоий ажойиб касб әгасини унинг яратувчаник меҳнатини тараннум этган. У дехқон ва униш меҳнатларига бўлган қарашлари билан ўзининг табиат ва инсон ҳақидаги қарашларини янада мукаммаллаштирилган, бойитган ва уни юксакликка кўтарган.

Соғлиги ёмон одам бошқа ишлар у ёқда турсин лоақал тоат-ибодатга ҳам ярамай қолиши мумкин. Оғзига пахтада сув томизиб турилган одамдан қандай қилиб рӯза тутишини талаб этиш мумкин:

Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хуб,  
Ки сиҳатдур киши жисмида матлуб.

Қаю жасмики, онинг сиҳати йўқ,  
Қилурга тангри амрин қуввати йўқ.  
Бирорким пахта бирла сувни ютқай,  
Ўзинг деким, не янглиғ рӯза тутқай.

Бундан холоса чиқариб, Навоий диний илмлар билан бир қаторда дунёвий илмларни, улар орасида, айниқса, бадан илмини ўрганишни ҳар бир инсон учун, у ким бўлишидан қатъи назар, шарт қилиб қўяди. Шоир табибларга беморни даволашда жисмоний тарбияни ҳам ҳисобга олиши зарурлигига ишора қилган.

"Саъбаи сайёр" достонида Навоий етти иқлим кишиларини, яъни Аврупо, Хиндистон, Миср, Хитой, Эрон, Мовароуннаҳрлик қаҳрамонлар ва сайёҳларни тасвирлар экан, бунда шоир бир мамлакат, бир ҳалқ доирасида эмас,

жаҳон миқёсида фикр юритади, бутун дунё халқлари тақдидири, муаммолари ҳақида бош қотиради. Ушбу достоннинг монументаллиги, улуғворлиги ҳам шунда.

Навоий ҳаётнинг гўзаллиги, ширинлиги ҳақида хulosса чиқаради:

Хуш дуур бояни койнот гули,  
Барчадан яхшироқ ҳаёт гули.

Бундай хulosалар ҳар бир кишига, бир халққа тегишли бўлмай, дунёдаги ҳар бир инсонга, ҳар бир халққа тегишли ва фойдалидир.

Навоий юксак шоирик иқтидорига эга булиши билан бирга катта давлатни бошқариш қобилиятига ҳам эга булиб, Ҳиротда хўжалик ишларини тартибга солди, ривожлантириди, касб ва хунар, савдо-сотик, ободончилик ишларини йўлга қўйди, адолат билан халқ оммасининг шикоятларига муносабатда бўлди. Ҳиротнинг үзида янги савдо расталари, дўконлар, боғ-роғлар барпо этилди. Навоий шаҳарниг шимолий қисмидаги Мусалло деган ерда Ихлосия номи билан мадраса, Ҳалосия деган хонақоҳ, Жомеъ масжиди, табиблар учун маҳсус Доруш-шифо, қорилар учун Дорул-хуффоз деган иморатларни қурдирди. Бундай хайрия бинолари, кўпприк, ариқ, ҳовуз, боғ ва работлар Ҳурросоннинг Машҳад, Марв, Астробод каби шаҳарларида ҳам барпо этилди. Навоийнинг Марвда Султон Санжар мақбарасини таъмир этгани, худди шу ерда яна машҳур “Хусравия” мадрасасини бино этгани, Машҳад аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун маҳсус ариқ қазиб сув келтиргани унинг шуҳратига шуҳрат қўшди.

Хulosса қилиб шуни айтиш мумкинки, А.Навоий ниҳоятда инсонпарвар, адолат билан иш кўрадиган ва ҳақиқат учун курашган инсон булган.

Навоийнинг раҳмдиллиги ва инсонпарварлиги тұгрисида қуйидаги воқеа яққол мисол бўла олади: Навоий

подшо билан бир қиши Марвда турган. Шу фурсат ичидаги бир қашғар гүррак Навоий яшаган чодирга тухм құяды. Ҳиротта қайтиш вақти келганды эса Навоий чодирни бузмасдан, у ерда Ҳожа Ҳасан Бахтиёр деган кишини үша қүш очгунға қадар махсус қолдириб кетади. Унинг кундалик ҳаёт тарзи ҳам ғоят оддий, ҳар қандай ҳашаматлардан холи эди.

Навоийнинг "Лисонут-тайр" достони қушлар ҳақида булиб, мажозий услубда ёзилған. Достонда одамлар үрнила қушлар тасвирланған. Достон сұфиёна мазмунда булиб, унда инсонлар үз умрларини пок ва фойдали ишларға сарф этишлари, олижаноб мақсадларни күзлаб иш тутишлари, яхши фазилатларни әгаллашға интилиб яшашлари зарурлиги ҳикоялар орқали таъкидланған.

Улуг шоир Аллоҳга инсонни Шариф қилиб яраттани учун шукронда айтаркан, үз навбатида, унинг (инсоннинг) олдидә катта масъулият құяды ва уни огоҳликка, мулки борлыққа әхтиёткорона муносабатда булишга چакиради. Шу билан бирга латифлар ичра латиф ва шариф қилиб яратылған инсонни жаңнатмакон оламга нағсина жиловлад, унинг (табиатнинг) күркига күрк қўшиб яшашға даъват қиласиди.

Навоийнинг адабий ва илмий мероси янги авлодни поклик ва ҳалоллик руҳида тарбиялашға хизмат қилмоқда.

## 66. Мұхаммад Бобурнинг экологик қарашлари нималардан иборат?

Захириддин Мұхаммад Бобур (1483-1530) узининг «Бобурнома» асарыда күрган кечирғанларини ёзиб қолдирған эди. Унинг ушбу асари экологик маълумотларға нихоятда бой бўлиб, унда минтақаларнинг табиати, ерлари, бойлиги, одамлари, уларнинг урф-одатлари, үсимлик ва

ҳайвонот дунёси ҳақида ниҳоятда қимматли маълумотлар беради.

Бобур «Бобурнома» да Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Ҳўжанд, Исфара, Ўш, Ҳирот, Ҳиндистон ва бошқа шаҳарлар, уларнинг иқлими, суви, мева-сабзавот турлари, уларнинг ранги, ҳиди, нави, маззаси, таъми, гуллари ҳақида батофсил маълумотлар берган эди. Бобур ёзади:

1. “Андижоннинг меваси фаровон, узуми яхши, унинг нашватисидан яхшироқ нашвати бўлмас!”.

2. “Ўшнинг бинафшаси ғоят латиф бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Ўшнинг Фарғона вилояти ичida энг соғ ҳавоми (ҳавоси!) бўлур!”.

3. “Марғilonда бир нав анор – “дона калон” шу қадар чучук бўлур!”.

4. “Исфарада мусмир дарахти бисёрдир, бодом купдир!”.

5. Ҳўжандда оқ кийик - буги марал, қирғовул кўп бўлур. Бир нав қовун “Мир Темурни” бундай қовун оламда маълум эмасдур!.

6. “Фарғона вилоятининг тоғларида яхши яйловлар бор. Бир гиёҳ бўлур, уни эл “айик ўти” дерлар, меҳригиёҳ хосиятлидир!”.

7. Бир уламо ..... қуш тилини хўп билур эди, етти юз қуши бор эди!”.

8. “Олтиндек бодомлар ва кумушдек писталар бор эди!”.

9. Самарқанднинг узуми, олмаси, қовуни кўп бўлур, икки меваси машҳурдир – “себи Самарқанд, соҳиби Самарқанд!”.

10. Мовароуннахрда Бухоро қовунича кўп ва хўп қовун бўлмас, яна “олуи буҳорий” машҳурдир. Бухоро олусидек ҳеч ерда бўлмас, терисини сўюб, қурутуб, табарруклук била вилоятин вилотқа элтурлар!”.

Бобурнинг экологик қарашлари бугунги кунда ҳам уз аҳамиятини йўқотган эмас.

## **2.5. Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тизими ва қонунчилик асослари (67-75)**

### **67. Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг қайси тизими мавжуд?**

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг қуидаги тизими фаолият кўрсатмоқда.

1. Республика Парламенти (Олий мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенати).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.
4. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
5. Республика макроиқтисодиёт ва статистика давлат қўмитаси.
6. Республика гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш давлат қўмитаси.
7. Республика экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.

### **68. Республика Парламенти (Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенати) ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қайси вазифаларни бажаради?**

Республика Парламенти табиатни муҳофаза қилиши давлат сиёсатини белгилайди, экологик муаммоларни бартараф этиш тұгрисида қонунлар ва қарорлар қабул қиласи. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат

қумитаси ва бошқа давлат муассасаларининг фаолиятини мувофиқлантиради ва йўналтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти эса, вужудга келган барча экологик муаммолар буйича стратегик қарорлар қабул қиласди ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантиришга раҳбарлик қиласди.

### **69. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қайси вазифаларни бажаради?**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси табиатни муҳофаза қилиш, давлат сиёсатини амалга ошириш билан шугулланади, экологик муаммоларни ечиш учун давлат дастурларни ишлаб чиқади, уларни қабул қиласди, бажарилишини назорат қилиб боради, табиий ресурслар хисоб-китобини олиб боради. Унинг ваколатига барча вазирликлар, давлат қўмиталари, корхона, муассаса ва ташкилотларининг фаолияти, экологияга доир ҳукуқий меъёрлар, давлат стандартлари, тармок стандартлари устидан назорат қилиш, давлат экологик экспертизани утказиш, атроф-муҳит сифати меъёрларини ишлаб чиқиш, чиқиндиларни чиқариб ташлаш, уларни зарарсизлантириш чора-тадбирларини белгилаш ва шунга ухшаган кўпгина масалаларни ечиш киради.

### **70. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ваколатига нималар киради?**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги эколого-гигиеник меъёрлар, химоя воситалари ва чора-тадбирларни ишлаб чиқади, атроф-муҳит сифати меъёрларини тасдиқлайди. Аҳоли яшайдиган жойларда атмосфера ҳавосини тупроқ ва ичимлик сувини ифлослантирувчи манбалар ва моддаларни

аниқлаш усулларини ишлаб чиқади, ифлослантирувчи моддалар учун рухсат этилган чегаравий концентрацияларининг мөъёrlарини тасдиқлади. Туар жой ва иш жойларида шовқин ва титрашлар, электромагнит майдон, радиация ва уларнинг рухсат этилган даражаларини белгилайди.

**71. Республика макроиқтисодиёт ва статистика ҳамда гидрометеорология ва табиий муҳитни назорат қилиш давлат қўмитаси ваколатларига нималар киради?**

Республика макроиқтисодиёт ва статистика давлат қўмитаси атроф-муҳит ҳолатини қисқа муддатли ва узоқ муддатли башоратларини тузади, шунингдек, қилинган харажатлар ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари буйича барча ахборотларни умумлаштиради.

Республика гидрометеорология ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини керакли давлат муассасалари билан келишиб олади, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш ва лойиха бўйича атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни чиқаришга рухсатномалар беради, иқлим ўзгаришини башорат қиласи, корхоналардан чиқариладиган зарарли чиқиндилар таркибидаги моддаларни ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқади.

**72. Республика экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ваколатларига нималар киради?**

Табиатни муҳофаза қилиш, табиий захирадардан унумли фойдаланиш, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва уларга қайта ишлов бериш масалалари билан мана шу бошқарма шуғулланади.

Корақалийғистон Автоном Республикасида, Топкент шаҳрида ва барча вилоятларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари мавжуд.

Республика экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат.

1. Атроф-мухит ҳолати ва ундан фойдаланиш устидан назорат қиласди.
2. Табиатни муҳофаза қилиш меъёрларини бузувчи саноат обьектларини қуриш ва ишлатишни ман этади.
3. Вазирликлар ва керакли муассасалар билан келишилган ҳолда табиатдан унумли фойдаланиш соҳасида ягона илмий-техник сиёсатни ишлаб чиқади ва амалга оширади.
4. Экологик меъёрлар, қоидалар ва стандартларни тасдиқлайди.
5. Янги техника ва технологияларни, шунингдек, янги корхоналар қуриш лойиҳаларини ва уларни реконструксияси буйича давлат экологик экспертизасини утказади.
6. Чиқинди ва ташланмаларни заарсизлантириш, сувдан ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш, ер ажратиш учун рухсатномалар беради.
7. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Халқаро ҳамкорлик қилиш режаларини тузади ва уларни амалга оширади.

### 73. Ҳозиргача “Экология” га даҳлдор қайси қонунлар қабул қилинган?

1998 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожлантириш дастури қабул қилинди. Табиий атроф-мухитга нисбатан ҳар бир хатти ҳаракатимизни тартибга солувчи асосий меъёрий хужжат-қонундир. Шуни унумтаслик керакки, қонун-қўз, қонун-сўз, қонун-қалқон, қонун-посбон, унда улугланар инсон деган ном! Ҳозирги

пайтда экологияга даҳлдор қуидаги қонунлар қабул қилинган.

1.Фуқароларнинг экологик хавфсизлиги 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланади. Конституциямизнинг 50, 54, 55 ва 100 моддаларида атроф-мухит масалалари ўз аксини топган. Бундан ташқари, Конституциянинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, үсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликлардир, улардан оқилона фойдаланиш зарурдир ва улар давлат муҳофазасидадир!», - деб таъкидланган.

2.Экологик муносабатларни тартибга солувчи асосий қонунлардан бири-1992 йил 9 декабря қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тұғрисида» ги қонунидир. Ушбу қонун 11 бұлым ва 53 моддалардан иборат булып, у табиий мухит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

3.1992 йил 3 июля “Давлат санитария назорати тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган.

4.1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисида» ги қонунида давлат сув фонди ва унга әгалик қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг сувга доир муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, сувдан фойдаланиш соҳасидаги давлат назоратини олиб бориш, сувдан фойдаланувчи объектлар, сувдан фойдаланишининг турлари, сувдан маҳсус фойдаланиш, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби масалалар ўз аксини топган.

**5. 1993 йил 22 сентябрда** Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик ҳақида" ги Кодекси қабул қилинган.

**6. 1993 йил 28 декабрда** қуидаги З та қонун қабул қилинган:

**7. "Стандартлаштириш тұғрисида"**

ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

**8."Метрология тұғрисида"** ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

**9. "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тұғрисида"** ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

**10. 1994 йил 22 сентябрда** "Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси" қабул қилинган.

**11. 1996 йил 27 декабря** қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш тұғрисида» ги қонуни давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат уюшмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини мухофаза қилиш соҳасидаги фаолиятларини хуқукий тартибга солади. Шунингдек, қонунда атмосфера ҳавосига заарали таъсир күрсатғанлик учун солинадиган жарима, атмосфера ҳавосининг мухофазаси устидан назорат қилиш тартиби, мазкур соҳадаги қонун хужжатларини бузғанлик учун жавобгарлик масалалари ўз аксими топған.

**12. 1997 йил 25 апрелда** Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тұғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Бундан ташқари, табиий атроф-мухитни мухофаза қилиш, табиий бойликлардан фойдаланиш ва ушбу қонунга тұридан-тұгри ёки биљосита дахлдор 100 га яқин мөъерий хужжатлар ҳам қабул қилинган.

**13. 1997 йил 26 декабря** Ўзбекистон Республикасиниг «Үсимлик дунёсини мухофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тұғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунда үсимлик дунёсини мухофаза қилиш ва ундан

фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви, мулкчилик масалалари, ўсимлиқ дунёси объектларидан фойдаланувчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, қонун ҳужжатларини ва талабларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ўз аксини топган.

14. 1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва удан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 4 бўлим ва 41 моддалардан иборат бўлиб, унда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб бориш тартиби, ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари, фойдаланиш хуқуки ва уни бекор қилиш масалаларнинг хукукий томонлари ўз аксини топган.

15. 1998 йил 30 апрелда 14 боб ва 91 моддалардан иборат Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси» қабул қилинди.

16. 1998 йил 28 августда 26 моддалардан иборат Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди.

17. 1999 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикасининг «Ўрмон тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун 43 моддалардан иборат бўлиб, унда ўрмон бойликлари, уларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш билан бодлиқ масалалар ўз аксини топган.

18. 1999 йил 20 августда “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган.

19. 2000 йил 31 августда “Радиацион хавфсизлик тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган. Айнан шу кунда “Кишлоқ ҳўжалик

усимликларини зааркунандалар, касаллик ва бегона утлардан ҳимоя қилиш тұғрисида" ги Үзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган.

20. 2000 йил 23 октябрда "Таркибида симоб бүлгап лампа ва ускуналарни утиллаштириш ва фойдаланиш буйича корхоналар фаолиятини тартибга солиш тұғрисида" Үзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 405-сонли Қарори қабул қилинган.

21. 2002 йил 13 декабрда Үзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тұғрисида» ги қонуни қабул қилинди.

22. 2002 йил 5 апрелда Үзбекистон Республикасининг «Чиққиндилар тұғрисида» ги қонуни қабул қилинди.

23. 2004 йил 3 декабря қабул қилинган Үзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тұғрисида» ги қонуни 10 бүлім ва 49 моддалардан иборатдир. Ушбу қонунда муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг объектлари (құриқхоналар (9 та), буюртмахоналар (9 та), миллий боғлар (2 та), ҳайвонот боғлари, балиқчылык хұжаликлари), уларнинг таърифи ва вазифалари, уларни ташкил этиши ва бошқариш, давлат табиат ёдгорликлари ва уларнинг хуқуқий асослари, шунингдек, мазкур қонун талабларини бузғанлық учун жавобгарлық масалалари үз аксина топған.

Булардан ташқари, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Үзбекистон Республикасининг "Жиноий жавобгарлық Кодекси" да, 1993 йил 22 сентябрда қабул қилинган "Маъмурий жавобгарлық Кодекси" да ва "Мәҳнат Кодекс" ларида табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузғанлық учун айбдор шахсларни маъмурий, моддий, интизомий жазо ва жиноий жавобгарлықкка тортиш тартиблари белгиланған.

#### **74. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий меъёрлари фақатгина қабул қилинган қонунлар билан белгиланадими?**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий меъёрлари фақатгина қабул қилинган қонунлар билан белгиланмайди. Қабул қилинган қонунлардан ташқари, қонун кучига эга бўлган қурилиш меъёрлари ва қоидалари (СНиП), санитария меъёрлари ва қоидалари (Сан и П), давлат стандартлари (ГОСТ), тармоқ стандартлари (ОСТ), техник шартлар (ТУ), электр қурилмаларини ишлатиш қоидалари (ПЭУ) ҳам мавжуд. Улар атроф-муҳитни муҳофаза қилишинг ҳуқуқий меъёрлари ҳисобланадилар. Масалан, ДавСТ 17.2.3.01-86. Атмосфера, Аҳоли яшайдиган пунктларда ҳаво сифатини назорат қилиш қоидалари; ДавСТ 17.0.0.04-90. Саноат корхонасининг экологик паспорти. ДавСТ 17.2.1.04-87. Табиатни муҳофазалаш. Чиқиндиларни таркиби буйича тавсифлаш. ЎзДавСТ 95:2000. Ичимлик суви. ДавСТ 27.61-84. Марказлашган хўжалик ичимлик сув таъминоти манбалари. Танлаш қоидалари ва гигиеник – техник талаблар ва ҳоказолар. Уларнинг ҳар бири қонун кучига эга бўлиб, саноат корхоналари фаолияти мана шу меъёрий хужжатлар асосида йўлга қўйилади.

#### **75. Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлиги учун айбдорларга қандай жазо чораларни қўллаш мумкин?**

Табиатни муҳофаза қилиш қонунларини бузганлиги учун айбдорларга қўйидаги жазо чораларини қўллаш низарда тутилган.

**1. Интизомий жазо.** Ҳайфсан эълон қилиш, ўртacha ойлик иш ҳақидан **20%** ни ушлаб қолиш.

**2. Маъмурий жазо.** Давлат назорат ташкилотлари томонидан жарима солиши.

**3. Моддий жазо.** Мансабдор шахслар ёки алоҳида фуқаролар томонидан етказилган моддий зарарни ундириб олини.

**4. Жиноий жавобгарлик.** Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси асосида **1, 4 ва 8 ойгача** озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган.

## **2.6. Инсон омилиининг табиий муҳитга таъсири (76)**

### **76. Инсон омилиининг табиий муҳитга кўрсатаётган таъсири нималардан иборат?**

“Антропоген” сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, “antropos” – одам ва “genesis” - туғилиш маъносини билдиради. Инсон омилиининг табиий атроф-муҳитга таъсирига, антропоген омил дейилади. Ушбу таъсирнинг асосий шакллари қуидагилардан иборат.

1.Саноат, транспорт, қурилиш ва энергетика тармоқларининг тез суръатлар билан ривожланиши ўзига хос заҳарли ва зарарли чиқиндиларни пайдо булишига олиб келди.

2. Кишлoқ хўжалигини кимёлаштириш (яъни, кимёвий моддалардан кенг фойдаланиш), янги ерларни үзлаштириш, яйловлар ва тўқайзорларни қисқартириш нафақат табиий атроф-муҳитга зарар келтирди, балки табиий ўсимликлар ва баъзи бир ҳайвонот турларини камайиб боришига сабаб булди. Масалан, ерларни жадал ҳайдаш натижасида чириндилар миқдори ҳайдалмаган ерларга нисбатан **42%** га кам тўпланганлиги аниқланган. Ерларни сугорилиши натижасида микроқлим ўзгариб, нисбий намлик **8-10 %** дан **35-50 %** гача ошганлиги маълум бўлди. Бу эса экинлар ҳосилдорлигини камайтиради.

Бундан ташқари, техниканинг ута оғирлиги ва турли заҳарли моддаларнинг таъсирида тупроқ таркибидаги қумурсқалар ва микроорганизмлар зарар кўрмоқда.

Маълумотларга қараганда, тупроқнинг зичлиги 1,20-1,35 г/см<sup>3</sup> атрофида бўлиши керак. Аммо оғир трактор ерни бўйи ва эни томон бир маротаба ўтса, тупроқнинг 20 см чуқуригидаги зичлиги 1,50 г/см<sup>3</sup> ни ташкил этади. Агар ушбу трактор ерга 3 маротаба ишлов берса, тупроқнинг зичлиги 1,60 г/см<sup>3</sup> дан ошиши мумкин. Демак, оғирлик кучи таъсирида тупроқ заррачалари зичлашиб, қумурсқа ва микроорганизмлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, тупроқ унумдорлигини айнан мана шу жонзотлар белгилайди. Тупроқ-тирик, катта бир жонли комбиатга ухшайди, унда ҳамма вақт ҳаёт қайнаб туради.

3. Яйловларда сурункасига бир ерга чорва молларини боқиш чўл ўсимликлари ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади, тупроқ қатламининг эрозияга учрашишига сабабчи бўлади.

4. Ўрмонзорларни ҳаддан ташқари қисқартирилиши нисбий намлиқ даражасини 5-10% га камайтиради, атмосфера ҳавосига чиқариладиган кислород миқдорини камайишига сабабчи бўлади, углерод қўш оксидиниг ошиб кетишига ва иқлиминиг ўзгаришига олиб келади.

5. Дарё сувлари оқимини ўзгартириш ва, хусусан, янги сув омборларини қуриш қуи минтақаларда экологик тангликини келтириб чиқармоқда. Масалан, Арнасой кўллари тизимида вужудга келган экологик муаммолар бунинг ёрқин мисолидир.

6. Янги кимёвий моддалардан кенг кўламда қўлланилиши экологик мувозанатни бўзишига олиб келмоқда. Агар 1960 йилгача 1 млн турдаги кимёвий моддалар ишлатилган бўлса, 1970 йилга келиб, уларнинг турлари 1 млн 200 мингдан ошиб кетди. Уларнинг кўпчилиги моддалар алмашишига қатнашмаса ҳам, аммо вақт ўтиши билан салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Масалан, бир қатор синтетик моддалар ( пластмассалар, резина, парда ва толалар) табиий ҳолда заарали эмас, аммо уларни күйдириб юбориш атроф-муҳитни ифлослантириш демақдир. Шунинг учун пластмасса чиқиндилариға қайта ишлов берилади, ёки улар күмиб ташланади.

7. Табиий ресурслардан жадал ва режасиз фойдаланиш жон бошига истеъмол қилинадиган маҳсулотлар миқдорини ошишига сабабчи бўлди. Масалан, 1960 йилда 14,3 тоннани ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб, 35-40 тоннани ташкил этди.

**Илига 100 млрд тонна** табиий бойликларни қазиб олиш учун **600 млрд тонна** тоғ жинслари бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади. Натижада турли чуқурлик ва ҳандақлар, ташландик тоғ уюмлари ва турли кимёвий таркибга эга бўлган чиқиндилар пайдо бўлмоқда. Улар шамол ва ёғингарчиликлар таъсирида атроф-муҳитга катта салбий таъсир курсатмоқда.

8. Урбанизация жараёни, яъни аҳоли сонининг кўпайиб бориши, янги шаҳарларнинг пайдо булиши ва янги инфратузилмаларнинг вужудга келиши, инсоннинг маданийлашиб боришига, урбанизация жараёни дейилади. Урбанизация жараёни ҳам инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсон цивилизациясининг илк босқичлариданоқ савдо-сотиқ ривожланган, савдогару хунарманд, косиблардан тортиб илму хунар аҳлигача жамланган кичик худудлар шаҳар номи билан юритилган. Шаҳарлар маъмурӣ марказ сифатида мамлакат ҳаётида катта ўрин эгаллаб, бир неча йиллар ўтиб, цивилизациянинг таянч нуқтасига айланган ва атрофидағи қишлоқлардан кўплаб аҳоли шаҳарга кўчиб келган. Эндилиқда эса шаҳар пайдо булиши учун бир неча ўн йиллар эмас, балки **5-10 йил** кифоя.

Яшаш учун қулай шароитларнинг яратилиши, янги инфратузилмаларнинг пайдо булиши, янги шаҳарларнинг

курилиши ва инсоннинг маданийлашиб бориши йил сайин ривожланиб бормоқда.

Урбанизация жараёнининг юксак даражада юксалиб бориши халқ хўжалигининг ривожланиши билан бир қаторда кўпгина экологик муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлаш муаммоси, энергия таъминоти, чиқиндиларни зарарсизлантириш ёки уларни қайта ишлаш муаммолари ҳар қандай шаҳар ёки яшаш худуди учун ўз ечимини кутаётган муаммолар сирасига киради.

Агар тарихга назар ташласак, 1800 йилда Ер юзида фақатгина Лондон шаҳрининг аҳолиси 1 млн нафарга етган биринчи йирик шаҳар саналган. 1900 йилга келиб, яъни юз йилдан кейин, 10 та шаҳар, 1950 йилларда эса 75 та шаҳар миллионлик довонидан утган. 2000 йили эса аҳолиси млн нафардан ошган шаҳарларнинг сони 400 тадан ошган ва бу шаҳарларда Ер юзи аҳолисининг қарийб 45 % истиқомат қиласди.

Статистик маълумотларга қараганда, 2010-2015 йилларда 80 та дунё шаҳарларида аҳоли сони 4 млн нафардан ошган. Бундан келиб чиқадиган хулоса ўшуки, Ер юзи аҳолисининг ҳар бир тўртингчиси мегаполисларда яшайди. Эслатиб ўтиш керакки, аҳолиси млн нафардан ошган шаҳарларга, мегаполис деб аталади.

Ҳозирги пайтда 30 дан ортиқ “супершаҳарлар” нинг ҳар бирида 5 млн нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиласди. Бу шаҳарлар асосан дунёning ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларидағи гуллаб-яшнаётган, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти барқарор, фаровон ҳаёт кечириш учун барча шарт ва шароитлар муҳайё мегаполис пойтахт шаҳарлардир (Пекин, Нью-Йорк, Сеул, Токио, Москва ва бошқа шаҳарлар).

Жаҳон бўйича юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар сирасига Буюк Британия, Швеция, Олмония, Дания, Франция, Нидерландия, АҚШ, Канада, Қатар, Хитой,

Япония, Австралия ва Янги Зеландия киради. Бу мамлакатларда аҳолисининг 80 % шаҳарларда, қолган 20 % гина қишлоқларда истиқомат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳар мақомига эга бўлишда ҳар бир ҳудуд ёки мамлакатнинг ўз хусусиятидан келиб чиқилади. Унда асосан аҳолининг сони ва маъмурӣ аҳамияти инобатга олинади. Масалан, АҚШ да аҳоли сони 2,5 минг нафардан ошса, Ҳиндустонда 5 минг, Голландияда 20 минг, Японияда 30 минг, Швеция, Дания ва Финляндияда 200 минг нафардан кўп аҳоли яшайдиган ҳудудга шаҳар мақоми берилади.

БМТ нинг маълумотларига қараганда, 2 млн йилдан кейин 1830 йилда дунё аҳолиси 1 млрдан зиёдроқ бўлган, 100 йилдан кейин (яъни, 1930 йилга келиб) 2 млрд, 30 йилдан кейин (яъни, 1960 йилга келиб) 3 млрд, 15 йилдан кейин (яъни, 1975 йилга келиб) 4 млрд, 11 йилдан кейин (яъни, 1986 йилга келиб) 5 млрд ва 9 йилдан кейин (яъни, 1995 йилга келиб) 6 млрд ни ташкил этган. Ҳозирги пайтда дунё аҳолиси 7,5 млрд дан ошди. Дунёда аҳоли сонининг ошиб боришига, демографик портлаш дейилади.

Агар 1975 йилда дунё аҳолисининг 40% шаҳарларда яшаган бўлса, ҳозирги пайтда бу 45 % ни ташкил этмоқда. АҚШ ва Японияда умумий аҳолининг 70% и, Францияда 75% и, Буюк Британияда 80% и шаҳарларда яшайди. Республикамиз умумий аҳолисининг 40,3% и шаҳарларда яшаб келмоқда. Республикамизда аҳолиси 100 минг кишидан ортиқ бўлган 110 шаҳарлар мавжуд.

Ҳозирги пайтда шаҳар аҳолисининг одам бошига ўртача чиқарадиган чиқиндилари 100-400 кг ни ташкил этмоқда. Тошкент шаҳридан йилига 600 минг тонна ва Бухоро шаҳридан 100 минг тонна ахлатлар ва чиқиндилар чиқарилади.

## III-БОБ. Умумбашарий экологик муаммолар

### 3.1. Атмосфера қатламлари ва уларниг тавсифномалари (77-82)

77. Маълумки, баландликнинг ортиши билан босим пасаяди. Қайси баландликда атмосфера босими икки марта пасаяди?

Табиий шароитда  $T = 293\text{ K}$  ва  $P_0 = 1,01 \cdot 10^3 \text{ Па}$ , ҳавонинг моляр массаси  $m = 29 \text{ кг/моль}$ , деб қабул қилиб, қайси баландликда атмосфера босими 2 марта камайишини ( $P = P_0 / 2$ ) барометрик формуладан топамиз.

Барометрик формула қуидаги куринишга эга:

$$P = P_0 \exp \left[ -\frac{mgh}{RT} \right] \quad (3.1)$$

бу ердан

$$h = \frac{RT}{mg} \cdot \ln \frac{P_0}{P} = \frac{8,31 \cdot 10^3 \cdot 293}{29 \cdot 9,8} \cdot 0,693 = 6 \text{ км.}$$

бу ерда  $P$ -маълум баландлиқдаги ҳавонинг босими, Па;

$P_0$ -атмосфера босими, Па;

$m=29 \text{ кг/моль}$ -ҳавонинг моляр массаси;

$h$ -баландлик, м.

$g=9,8 \text{ м/с}^2$ -эркин тушиш тезланиши;

$R = 8,31 \cdot 10^3 \text{ Ж/моль. К}$ -газнинг универсал доимиyllиги.

$T$ -мутлақ ҳарорат, К.

Демак, табиий шароитда 6 км баландликда атмосфера босими **2 маротаба** пасаяди.

Худди шунга ўхшаган, баландликнинг ортиши билан ҳаво заррачаларининг концентрацияси ҳам камайиб боради

(яни, ҳаво сийраклашади), ҳарорат ҳам пасайиб боради. Шунинг учун атмосфера қатламларга бўлинади.

### **78. Атмосфера қайси қатламларга бўлинган?**

Баландликнинг ортиши билан нафақат босим ва ҳарорат ўзгариб (пасаяди), балки ҳаво заррачалари ҳам сийраклашиб боради. Шунинг учун баландликни инобатга олиб, атмосфера қуидаги қатламларга бўлинган.

- 1. Тропосфера.**
- 2. Стратосфера.**
- 3. Ионосфера (мезосфера).**
- 4. Термосфеа.**
- 5. Экзосфера.**

### **79. Тропосфера ҳақида маълумот беринг. Нима учун тропосферани «об-ҳавонинг ошхонаси» дейилади?**

Тропосфера атмосферанинг Ерга яқин жойлашган қатлами бўлиб, 8-18 км баландликдаги ҳаво қатламини ўз ичига олади. Ушбу қатламда ҳаво горизонтал ва ҳам вертикал тарзда айланиб туради. Ҳар 1 км баландликда ҳарорат  $6,5^{\circ}\text{C}$  га пасайиб боради. Тропосферада атмосферанинг 75 % массаси (сув буглари, булутлар, аралашма чанг заррачалари) жойлашган бўлиб, улар ёмғир, қор ва бошқа табиий ҳодисаларни вужудга келтиради. Шунинг учун тропосферани «об-ҳавонинг ошхонаси» дейилади.

### **80. Стратосфера деб нимага айтилади?**

Стратосфера – бу 18-60 км баландликдаги қатлам бўлиб, унда ҳаво оқими ва булутлар миқдори кам, 25 км гача баладликда ҳарорат ўзгармас бўлиб, минус  $56^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Баландликни янада ортиши билан ҳар бир 100 м да

харорат ўртача  $0,6^{\circ}\text{C}$  га күтарилиб боради ва 45-54 км баландликда  $0^{\circ}\text{C}$  га тенг бўлади.

Стратосферанинг 20-30 км баладлигида озон ( $O_3$ ) газининг юқори концентрацияси, яъни озон қатлами мавжуд.

### 81. Ионосфера (мезосфера) деб нимага айтилади?

Ионосфера – бу 60-95 км гача бўлган қатлам бўлиб, у ионлашган заррачалардан иборатdir. Бу қатламда баландликни ортиши билан ҳарорат пасайиб кетади ва минус  $85-90^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади. Бу қатлам кумушранг булувлар билан қопланган ва улар муз заррачаларидан иборатdir.

Ионосфера қатлами радиоалоқа соҳасида аҳамиятли бўлган радио тўлқинларни қайтариш қобилиятига эга.

### 82. Термосфера ва экзосфера қатламлари ҳақида нималар дея оласиз?

Термосфера қатлами 90 км дан 450 км гача бўлган юқори қатламни ўзига қамраб олади. Бу қатламда ҳарорат ниҳоят юқори бўлиб, унда метеоритлар куяди ва коинотдан тушадиган Қуёш нурлари ютилади. 300-400 км баландликда Қуёш радиацияси таъсирида кислород ва азот молекулалари орасидаги ўзаро таъсир кучайиб, зарядланган заррачалар (ионлар ва электронлар) нинг юқори концентрацияси пайдо бўлади.

Атмосферанинг энг юқори қатламига, экзосфера дейилади. Бу қатламда ҳавонинг зичлиги ниҳоятда кичик бўлади ва шунинг учун бу қатламда «ҳарорат» тушунчаси ўз физик маъносини йўқотади.

### **3.2. Озон қобиғи, унинг Ерда ҳаётни сақлашдаги урни, емирилиш сабаблари ва асраш йўллари (83-87)**

#### **83. Озон қобиғи (қатлами) ҳақида нималарни биласиз?**

Биосферанинг ҳаёт кўрсаткичларидан бири-бу атмосферадаги озон ( $O_3$ ) газининг миқдоридир. «Озон» юон тилидан олинган бўлиб, «ҳидли» демакдир. Озон ҳидини кучли яшин ва момақалдироқ пайдо бўлганда bemalol сезиш мумкин. Оддин молекуляр кислороднинг фотодиссоциацияси рўй бериб, сунгра атомнинг кислород молекуласи билан бирикиши натижасида озон молекулалари ҳосил бўлади. Озоннинг атомар кислород билан тўқнашиши натижасида  $O_2$  ҳосил бўлади. Бундан ташқари, баъзи-бир органик моддалар (масалан, дараҳт қатрони) нинг чириши жараёнида ҳам озон ажralиб чиқади. Шунинг учун қарагайзор ўрмонларда озон миқдори кўпроқ бўлади.

Атмосферанинг стратосфера қатламидаги озон ва унинг ҳосил бўлиши Күёшнинг ултрабинафша нурлари билан боғлиқ кечадиган кимёвий реакцияларга боғлиқдир.

Озон 10-50 км гача баландлиқдаги ҳаво қатламида жойлашиб, унинг энг кўп миқдори 18-26 км баландликлар оралиғида бўлади. Стратосферада ҳаммаси бўлиб 3,3 триллион тонна озон гази мавжуд бўлиб, 760 мм симоб устуни ва  $20^{\circ}\text{C}$  да тўпланган озон қатламининг қалинлиги 2,5-3,0 мм ни ташкил этади.

Озон қатламининг моҳияти шундан иборатки, бу қатлам об-ҳавога таъсир қилиб қолмай, балки Ер юзидағи барча организмларни Күёшнинг ултрабинафша нурлари таъсиридан ҳимоя қиласи ва Ердаги иссиқликни сақлашда катта рол ўйнайди.

#### **84. Озон қатлами (қобиғи)нинг емирилиши деганда нимани тушуниш керак?**

Страстосферадаги озон доимо янгиланиб туради ва унинг миқдори (концентрацияси) ўзгарувчан мувозанатда бўлади. Озон миқдори бир мавсумда (қиш, ёз, баҳор, куз) ёки бир сутка давомида ўзгариши мумкин. Ушбу ҳодисага, озон қатлами (ёки қобиғи) нинг емирилиши дейилади.

Озоннинг ҳаводаги рухсат этилган чегаравий концентрацияси (РЭЧК)  $100 \text{ мг}/\text{м}^3$  и ташкил этади, ундан ортиғи инсон соғлиғи учун хавфлидир. Аммо инсоният учун озон концентрациясининг ҳаводаги энг қулай миқдори  $15-20 \text{ мг}/\text{м}^3$  бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу концентрация ўрмонзорларда, денгиз қирғоқларида бўлади. Озоннинг ушбу миқдори инсоннинг нафас олишини ва юрак фаолиятини яхшилайди, чарчоқни бартараф этади, кайфиятни яхшилайди, иштаҳани очади ва уйқуни оширади.

#### **85. Озон қатлами (қобиғи) емирилганда биосфера да нима бўлади?**

Фотокимёвий занжирий реакциялар туфайли аччиқ туманларни пайдо бўлиши жараёнида озон концентрацияси энг катта қийматга эга бўлади ( $2000-3000 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этиши мумкин).

Аммо шуни ёдда тутиш керакки, озон концентрациясининг камлиги ( $15-20 \text{ мг}/\text{м}^3$ дан камлиги) ва юқорилиғи ердаги ҳаётни сақлаб қолишга катта салбий таъсир кўрсатади. Озон қобиғининг камроқ емирилиши тери раки касалликларини кўпайишига олиб келади ва унинг бутунлай емирилиши Ерда ҳаётни бутунлай йўқ қилиб юбориши мумкин. Яъни, озон қобиғининг емирилиши (унда тешиклар пайдо бўлиши, қобиқнинг юпқароқ бўлиши ва ҳоказо), иқлим ўзгаришига олиб келади, Ердаги эволюцион йўналишларнинг кечишига, шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот

оламининг иммунитет системасига катта салбий таъсир кўрсатади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нурнинг тўлқин узунлиги қанчалик кичик бўлса, унинг жисмга сингиб бориши шунча осон бўлади. Тўлқин узунлиги 0,290 мкм дан кичик бўлган ултрабинафша нурлари бутун тирик организмларни нобуд қилиб юбориш қобилиятига эга. Ушбу қисқа тўлқинли нурлар стратосфера қатламида жойлашган озон қобигида ушланиб қолиши туфайли сайёрамизда ҳаёт мавжуд. Энг узун (0,300-0,400 мкм) тўлқинли ултрабинафша нурларнинг кичкина оқими Ер юзига етиб келади. Улар юқори кимёвий фаолликка эга бўлиб, маълум дозаси фойдали бўлади, юқори дозаси эса, тирик организмларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, Ерда озоннинг табиий-экологик меъёри сақлангандахина ҳаёт давом этаверади, бу меъёрни бузиш, албатта экологик оғатларга олиб келади.

## 86. Озон қобигининг емирилиш сабаблари нималардан иборат?

1. Маълумки, “Кимё” фанида метилхлорид, тетрахлорметан, хлорфторметан каби газлар фреонлар номи билан юритилади. Фреонлардан музлаттич ва совутгичларда, ранг-бўёқ ишлаб чиқаришда, косметика ва тиббиёт соҳасида, кишлоп хўжалигида, саноатда сунъий кўпиклар ҳосил қилишда, аэрозолли баллончаларда ва бошқа мақсадларда ишлатилади.

Инсон фаолияти туфайли атмосфера ҳавосига фреонлар кўпроқ тўпланиб бормоқда. Ушбу бирикмалар таркибида галоген элементларни сақлайди ва кимёвий жиҳатдан инерт ҳисобланади. Улар тропосферада Қуёш нурлари таъсирида парчаланмайдиган, чўкмайдиган ва оксидланмайдиган барқарор бирикмалар бўлиб, секин-аста тропопаузалар

қатламидан үтиб, стратосферада тұпланадилар. Бу қатlamда күчли нурланишлар таъсирида хлор, фтор ва бошқа әркін элементларга ажralадилар. Ҳозирги вақтда 10-15 км баландлықда бу бирикмаларнинг миқдори рухсат этилган чегаравий концентрациясидан 10 баробар ортиқ тұпланиб қолғанлиги маълум бўлиб қолди. Жаҳон миқёсида эса, йилига 700 минг тонна фреонлар ишлаб чиқарилмоқда ва улар вактнинг үтиши билан, албатта, атмосферага үтади.

Умумбашарий (глобал) экологик муаммо шундан иборатки, фреон бирикмаларининг күплаб атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш натижасида шимолий ярим шарда озон миқдорининг 5% га камайгани маълум бўлиб қолди. Фақат 1991-1992 йиллар давомида Рига, Санкт-Петербург, Архангелск каби шаҳарларда озоннинг миқдори табиий миқдорига нисбатан 45 % га камайган. **Бунинг асосий сабаби-атмосфера ҳавосига фреоннинг ҳаддан ташқари күп миқдорда чиқариб ташлашдир.**

2. Озон қобигининг емирилиши ёки унда тешиклар пайдо булишининг яна бир сабаби-азотли үгитлар, авиация газлари, ракеталарнинг учирилиши, атом бомбаларнинг синовдан үtkазиш учун портлатишлардир. Бундай ҳодисалар атмосферада етарли даражада озон тұпланишига имкон бермаётір. Шунинг учун озон қобигининг емирилишдан сақлаб қолиш умумбашарий (глобал) экологик муаммога айланиб қолмоқда.

### **87. Сизнингча, озон қобигининг емирилишдан сақлаб қолиш учун нималар қилиш керак?**

Озон қобигини емирилишдан сақлаб қолиш фақатгина битта мамлакат аҳолисининг вазифаси эмас, у умумбашарий (глобал) экологик муаммодир.

Шунинг учун 1987 йили Монреал шаҳрида 24 мамлакат вакиллари, шу жумладан Украина ва Белоруссия

ҳам, озон қобиғини емирилишдан сақлаб қолиш қарорига имзо чекдилар. Мана шу қарорда, фреонлар ва азотли бирикмалар, озон қобиғини емирувчи кимёвий бирикмаларни ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириш, ракеталарни учиринша ва атом бомбаларни синовдан ўтказиш ва портлатишларга чек қўйишга келишиб олинди.

2006 йил 7 сентябрда “Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига ўзгартиришлар ратификасияси тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

### **3.3. Иссикхона самараси ва унинг салбий оқибатлари (88-96)**

#### **88. Атмосферанинг димиқиши ёки иссиқхона самараси деб нимага айтилади?**

Тропосферада об-ҳаво билан боғлиқ барча ҳодисалар, сув буғлари, булутлар ва кимёвий элементларнинг айланма ҳаракати (циркуляцияси) содир бўлади. Атмосферанинг димиқиши (ёки иссиқхона самараси) ҳам айнан тропосферада кечадиган жараёнлар билан чамбарчас боғлиқdir. Атмосфера ҳавосининг ўртача ҳарорати нафақат Ер юзига келиб тушадиган Куёш радиацияси, балки Ердан қайтган (инъикос бўлган) радиация миқдори билан аниқланади. Шу билан бирга тропосферада мавжуд бўлган турли моддалар (сув буғлари, булутлар, аралашма чанг заррачалари, турли хил газлар) нинг миқдори иссиқхона самарасини белгилайди.

Атмосферанинг димиқиши ёки иссиқхона самараси умумбашарий экологик муаммодир. Тропосферада  $CO_2$ , метан, озон, хлор шунингдек, углерод, азот оксидларининг мавжудлиги туфайли Ердан қайтган радиациянинг маълум миқдори яна Ерга қайтади. Шунинг учун ҳозирги пайтда

атмосферанинг қуи қисмидаги ҳавонинг ўртача ҳарорати  $15^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этмоқда. Агар иссиқхона самараси булмаганда эди, ҳарорат  $-30^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этарди.

Атмосферанинг юқори қатламларида Ердан қайтган радиация ҳисобига ҳаво маълум даражада исийди ва бу иссиқлик яна Ерга қайтади. Натижада сайёрамиз сатҳи қушимча микдорда исийди. Мана шу ҳодисани **атмосферанинг димиқиши** (ёки **иссиқхона самараси**) дейилади.

### **89. Атмосфера димиқиши экологик муаммоларининг келиб чиқиши сабаблари нималардан иборат?**

Дарҳақиқат, атмосферанинг димиқиши (ёки иссиқхона самараси) умумбашарий (глобал) экологик муаммодир. Чунки иссиқхона самараси туфайли иқлим ўзгариб бормоқда. Иқлимнинг ўзгариши эса, музилкларнинг еришини тезлаштиради, ёғингарчиликлар ва сув тошқинларини вужудга келтирмоқда. Бу эса кўпчилик мамлакатлар учун, хусусан, тогли минтақаларда яшаб келаётган аҳоли учун турли экологик ва иқтисодий-ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари қуйидагилардан иборат.

1. Атмосфера ҳавоси таркибида углерод қуш оксиди ( $\text{CO}_2$ ) нинг микдори **0,032 %** ни ташкил этади. Унинг бир фоизга ошиши биосферада «буғли қобиқ»ни вужудга келтиради. Бу эса нафақат электр ва магнит майдонларига, балки барча тирик организмларнинг ривожланиши ва ҳаёт кечириши учун катта салбий таъсир қурсатади. Масалан, ўтган асрнинг 80-йилларининг бошларида электр энергияси ишлаб чиқариш, пўлат қуйиш ва автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиши туфайли **5 млрд тонна  $\text{CO}_2$** , қарийб **100 млн тонна олтингутурт**

оксиди ундан бир-оз камроқ азот оксиди атмосферага чиқарилган. Ҳозирги пайтда  $CO_2$  нинг атмосферага чиқарилган умумий миқдори 6 млрд тоннага етди.

2. Ўрмонзорларнинг қисқартирилиши ис гази ҳажмини кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 100 млн тонна ис гази, метан ва бошқа моддалар атмосферага чиқарилмоқда. Ўрмонларни йўқ қилиниши натижасида йилига ўртача 1,0-2,6 млрд тонна углерод оксидлари атмосферага қўшилмоқда. Атмосферага чиқарилаётган углерод оксидларининг 40 % и Америкага, 37 % и Осиёга ва 23 % и Африканинг тропик минтақаларига туғри келмоқда. Бундан ташқари, углерод газининг табиятда айланишига ўрмонлар муҳим ўрин тутади. Дараҳтларни кесилганда уларда тупланган ва уларнинг остида тупроқда мавжуд бўлган углерод ачийди. Натижада у ҳавога кўтарилиб, ис гази миқдорини кўпайтиради. Бу жараён ўтиннинг ёқилиши натижасида ҳам тезлашади.

3. Углерод оксидининг атмосферага кўп чиқарилиши асосан кўмир ва дараҳтларни ўтин қилиб ёқилиши билан ҳам боғлиқdir. Нефт ва табиий газлардан углерод оксиди нисбатан кам ажралиб чиқади. 50-йиллардан 70-йилларнинг охирига қадар дунёдати ўрмонларнинг умумий майдони 2 баробар, яъни, 50 млн  $km^2$  дан 25 млн  $km^2$  гача қисқарди. Кейинги 40 йил мобайнида нам тропик ўрмонларнинг майдони 2 баробар қисқарган. Бунинг асосий сабаби ривожланаётган давлатлар аҳолисининг 2/3 қисми уй-рӯзғор ишларида дараҳтни ўтин қилиб ёқиб ишлатишидир. БМТ озиқ-овқат комиссиясининг маълумотларига қараганда, 1980 йилда тахминан 1,2 млрд аҳоли ўтиндан асосий ёқилғи сифатида фойдаланган.

Ҳозирги пайтда ўтиндан ёқилғи сифатида ишлатилаётганларнинг сони ривожланаётган мамлакатларда 2,4 млрд кишига этади. Маълумотларга қараганда,

Африкада: Буркино-Фасо (96 %), Малайзия (93%), Танзания (92 %), Нигерия (82%), Судан (74%), Кения (71%); Осиёда: Непал (94%), Индонезия (50%), Хиндистон (33%), Хитой (25%); Лотин америкасида: Парагвай (64%), Никарагуа (50%), Коста-Рика (33%), Бразилия (20%) давлатлари ўтин ёқилғисидан кенг фойдаланадилар.

### **90. Күпинча Амазонияни «сайёрамизнинг ўпкаси!» деб таърифлайдилар. Нима учун?**

Күпинча Амазонияни «сайёрамизнинг ўпкаси!» деб таърифлайдилар. Чунки халқаро миқёсда Амазонка дарёси ҳавзасидаги ўрмонлар катта экологик аҳамиятга эга. Бу ҳавзада нам тропик ўрмонлар 5 млн км<sup>2</sup> майдонни эгаллади. Амазония улкан биологик ва генетик ҳудуд хисобланади. Бу ерда дунёнинг 80% ўсимлик ва ҳайвонот турлари, 4 минг хил дарахт тури, 1000 хил балиқ турлари мавжуд.

Амазонияни «сайёрамизнинг ўпкаси» деб таърифлашнинг асосий сабаби шуки, ўсимликларга ниҳоятда бой бўлган бу ноёб минтақада инсон учун энг зарур кислород табиий ҳолда ишлаб чиқарилади.

### **91. Ҳозирги пайтда «Амазонияни қутқаринг!» деган шиор кенг тарқалган. Унинг маъносини тушунтириинг.**

Амазонка дарёси ҳавзасидаги ўрмонлар улкан экологик аҳамиятга эгадир. Бразилия ҳукумати янги яйловларни очиш, Атлантика билан Тинч океанларни боғловчи трансамазония темир ва автомобиль йўлларини қуриш, ҳавзадаги йирик темир маъдани конини ишга тушириш ва дарёларда ГРЭС лар қуриш мақсадида ўрмонларни қирқишига ва чет эл фирмаларига сотишга киришди. Факат утган асрнинг 80-йилларнинг ўрталарида Амазонка дарёси ҳавзасида ташкил этилган янги яйловларнинг майдони 10

млн гектарга етди. 1988 йилда Амазонияда 13 млн гектар майдондаги ўрмонлар қирқиши ва ўт қўйиш натижасида йўқ бўлган. Ҳозирги пайтда йилига 16-20 млн гектар ўрмонлар қирқилемоқда ёки минутига 34 гектар ўрмон йўқ қилинмоқда. Натижада ўсимлик ва ҳайвонот турлари йўқ булиб, катта экологик муаммо вужудга келмоқда. Шунинг учун «Амазонияни қутқаринг!» деган шиор ўртага ташланди.

## **92. Иссиқхона самарасини оширувчи сабаблар ва унинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Авваламбор, ўрмонзорларни қисқартирилиши ва дараҳтларни кесиб ташлаш биосферада кислород миқдорини кескин камайтиради.

Иккинчидан, тропосферадаги ис газлари, метан, фтор, хлор, шунингдек, азот ва углерод оксидларининг ошиб бориши Ер шаридаги «буғли қобиқ» ёки иссиқхона самарасини тобора кучайтириб юборади. Ҳусусан, «буғли қобиқ» ёки иссиқхона самарасини вужудга келишига фреонлар фаол қатнашади. Хлор ва фтор газлари, шунингдек, углерод оксиди атмосферада ўтган асрнинг 50-йиллардан бошлаб тўпланиб, йилига 5-10% га ошиб бораяпти. Бунинг асосий сабаби – ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқиндилар ва ташланмаларни атмосферага чиқариб ташлашдир. Маълумотларга қараганда, битта хлор атоми юз минг дона озон молекуласини йўқ қилишга қодир экан. Америкалик олимларнинг фикрича, атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар таркибидаги фреон атомлари Ер юзасидан кутарилаётган иссиқликни ис газларига нисбатан 20 минг маротаба самаралироқ ушлаб қолишга қодир экан. Улар 100 йилдан сўнг ҳам иссиқликни сақлаб қолиш қобилиятига эга эканлар.

Учинчидан, ҳозирги пайтда ис газларининг миқдори 50- йилларнинг охирига нисбатан 2 маротаба ошганлиги

ҳаво ҳароратининг ошиб кетишига олиб келди. Олимларнинг башорат қилишларича, 2030-2050 йилларга бориб ҳавонинг уртacha ҳарорати  $1,5^{\circ}\text{C}$  дан  $4,5^{\circ}\text{C}$  гача ортиши эҳтимоли бор. Агар иссиқхона самарасини оширувчи газлар (ис газлари, метан, фтор, хлор, шунингдек, азот ва углерод оксидлари) нинг ҳозирги миқдори сақланиб қолинса, ҳарорат ҳар 10 йилда  $0,2\text{-}0,5^{\circ}\text{C}$  гача ошиб бориши мумкин.

Марказий Осиё минтақасида ҳарорат қишда  $1^{\circ}\text{C}$  га, ёзда эса,  $0,5\text{-}1,0^{\circ}\text{C}$  гача ўзгариши башорат қилинмоқда. Бундан ташқари, олимларнинг фикрича, ҳароратнинг  $1\text{-}2^{\circ}\text{C}$  га ошиши Аврупода Арктика тундрасининг тұлиқ йүқолиши, Осиёда эса, унинг жанубий чегаралари сезиларли даражада шимол томонға сурилиши күтилмоқда. Бу эса катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

### **93. Океан сувлари сатхининг күтарилишига асосий сабаблар нималардан иборат?**

Дунё океани сатхининг күтарилиши ҳаво ҳароратининг ортиб бориши билан боғлиқdir. Дунё океани сатхининг күтарилишида қуйидаги 2 та омил асосий сабаб була олади.

1. Океан сувининг иссиқлик таъсирида кенгайиши.
2. Иссиқлик таъсирида музликларнинг эриши.

Мутахассисларнинг фикрича, кейинги юз йил давомида океан сувининг сатхи **йилига 1,2 мм** дан күтарилиб берган ва унинг сатхи **уртacha 17,5 см** күтарилган. Унинг ярми музликларнинг эриши ҳисобига, қолган қисми эса океан сувларининг иссиқлик таъсиридан кенгайиши туфайли юз берган. XXII асрнинг ўрталарига бориб, океан сувининг сатхи **яна 30-100 см** га күтарилиши эҳтимоли бор. Америкалик олимларнинг башоратларига қараганда, **2100** йилга бориб, дунё океани сувининг сатхи **1,4-2,2 м** га күтарилиши башорат қилинмоқда.

Океан сув сатҳининг бунчалик кутарилиши қуруқликнинг катта қисмини сув босишига олиб келади. Ҳусусан, океанларга қўйиладиган йирик дарёларнинг атрофида жойлашган мамлакатлар (Бангладеш, Хиндистон, Филиппин, Индонезия), Аврупада Нидерландия, Дания ва дентиз бўйидаги паст текисликларда жойлашган бошқа мамлакатларнинг ҳудудлари сув остида қолиши эҳтимоли бор.

Охирги йилларда Олмония, Венгрия, Руминия, Италия ва хусусан, Россиянинг Ленинск шаҳарчасида юз берган сув тошқинлари катта салбий оқибатларга олиб келди. Ленинск шаҳарчаси бутунлай сув остида қолиб, бошқа хавфсиз жойда қайта янги шаҳар қурилди.

#### **94. Озон қатламини муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини олдини олиш учун нима қилиш керак?**

Озон қатламини муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришини олдини олиш муаммолари умумбашарий (глобал) экологик муаммо ҳисобланади ва уларни самарали ечиш фақат битта малакат аҳолисининг вазифаси эмас. Шунинг учун озон қатламини емирилишини олдини олиш мақсадида Ҳалқаро аҳамиятга молик бўлган қўйидаги қарорлар қабул қилинган.

1. 1987 йили Монреал шаҳрида 24 мамлакат вакиллари йигилиб «Монреал қайдномаси»ни имзоладилар. Қарорда 1999 йилдан бошлаб барча мамлакатларда фреон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 50% га камайтиришга келишиб олинди.

2. 1989 йил 5-6 марта Лондонда «Озон қатламини қутқарайлик!» шиори остида Ҳалқаро конференция ўtkазилди. Унда 120 мамлакат вакиллари иштирок этиб, ушбу муаммони тезроқ ҳал қилиш йўллари ҳақида фикр алмашдилар.

**3. 1989 йил май ойида Хельсинки шаҳрида 81 мамлакат вакиллари ва давлат арбоблари иштирокида «Озон қатламини муҳофаза қилиш Хельсинки деклорацияси» қабул қилинди. Унда 2000 йилга қадар фреон газларидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни босқичма-босқич камайтириш чора-тадбирлари белгилаб берилиди.**

**4. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим узгариши тўғрисидаги Рамкавий конвенция 1992 йили Рио-де-Жанейрода Ҳалқаро конференция ўтказди. Унда 155 мамлакат вакиллари катнашиб, атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича шартнома имзоладилар. Ушбу нуфузли маҳсус шартномани қабул қилишдан асосий мақсад-атмосферадаги иссиқхона газлари миқдорини иқлимга хавфли антропоген аралашувини олдини оладиган даражада барқарорлаштиришдан иборатdir.**

**1993 йили Ўзбекистон Республикаси БМТ нинг иқлим узгариши Рамкавий конвенцияга қўшилди.**

**5. 1998 йил ноябр ойида Ўзбекистон Республикаси Киото (Япония) баённомасини имзолади ва у 1999 йил 20 августда Олий Мажлиснинг 15- сессиясида ратификация қилинди.**

**95. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим узгариши Рамкавий конвенцияга аъзо бўлган мамлакатнинг асосий қабул қилинган мажбуриятлари нималардан иборат?**

Дарҳақиқат, 1993 йили Ўзбекистон Республикаси БМТнинг иқлим узгариши Рамкавий конвенциясига қўшилди. Ушбу конвенцияга қўшилган мамлакат қўйидаги мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олади.

**1. Иссиқхона газлари (метан,  $CO_2$ , азот оксидлари, ва б.) Эмиссияси ва оқимлари тўғрисидаги ахборотларни беришга масъулдир.**

2. Иқлим үзгаришларини ўрганиб боради.
3. Иқлим үзгариши оқибатларини юмшатиш ва мослашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.
4. Табиий муҳит ва иқтисодиёт секторлари заифлигини баҳолаб боради.
5. Иссиқхона газлари эмиссиясини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

#### **96. Республикамизда асосий иссиқхона газлари, уларнинг манбалари ва ҳажмлари ҳақида нималар дея оласиз?**

Республикамизда асосий иссиқхона газлари углерод қўш оксиди (66,3%), метан (27,1%) ва азот оксидлари (6,6%) ҳисобланади. Республикамизда  $CO_2$ нинг асосий манбаи энергетика (95,2%) ҳисобланади, қолган 4,8%  $CO_2$  саноат улушкига тўғри келади. Фақатгина 1990-1994 йиллар давомида атмосферага қўшиладиган ташланмаларнинг миқдори 5,5% га камайган.

#### **3.4. Кислотали ёмғирлар ва уларнинг ҳосил бўлиш сабаблари (97-103)**


#### **97. «Кислотали ёмғирлар» атамасини фанга қачон ва ким киритган?**

«Кислотали ёмғирлар» атамасини биринчи маротаба 1872 йили инглиз муҳандиси Роберт Смит «Ҳаво ва ёмғир: кимёвий климатология ибтидоси» асарида киритган эди. Унинг эътиборини Манчестер шаҳридаги тутунлар, қурум ва куллар, зарарли чанглар, ёнилғи буғлари каби аралашмалардан таркиб топган заҳарланган ҳаво тортган эди. Унинг касбдошлари кислотали ёмғирлар мавжудлиги ҳақидаги Роберт Смитнинг назариясини инкор этгандар. Кейинчалик кислотали ёмғирлар туфайли қадимий

ёдгорликлар, бино ва иншоотлар, юқори кучланиши элеңт энергияни узатиши линиялари, трансформаторлар, элеңт юритмалар, автотранспорт воситалари, вагонлар, үрмон ва қишлоқ хұжалиги, толали материаллар, пластмасса буюмлари, лок ва бүек материалларининг нурсизланиб қолишлари ёки емирилишлари (коррозияга учрашиши) ва тез ишдан чиқиши ва бундан халқ хұжалиги катта талафот күраётгани аниқ бўлди.

### 98. Кислотали ёмғирлар қандай пайдо бўлади?

Органик моддалар (нефт, газ, кўмир, ёғоч (ўтин) ларни ёққанда азот ва олтингугурт оксидлари пайдо бўлади. Кислотали ёмғирларни вужудга келтирувчи газлар (асосан олтингугурт ва азот оксидлари) узоқ масофаларга тарқалиб, тропосферадаги сув буғлари билан реакцияга киришиб, кислотали ёмғир булиб ёғади. Кислотали ёмғирларнинг пайдо булишига асосан корхоналардан атмосфера ҳавосига чиқариладиган газлар сабабчи бўлмоқда. Улар ҳаво таркибидаги сув буғлари билан реакцияга киришиб, кучсиз азот ва сулфат кислоталарни ҳосил қиласи:



Олтингугурт қўш оксили ( $\text{SO}_2$ ) атмосферадаги кислород ( $\text{O}_2$ ) таъсирида олтингугурт ангидрид ( $\text{SO}_3$ ) га айланади ва атмосфера таркибидаги намлик (сув) билан реакцияга киришиб, сулфат кислота ( $\text{H}_2\text{SO}_4$ ) ни ҳосил қиласи:



Олтингугурт ангидрид ( $\text{SO}_3$ ) аммиак билан ўзаро таъсирланиб, аммоний сулфат кристаллчаларни ҳосил қиласи.

Ёғингарчилик сувлари (қор ва ёмғир) кучсиз кислотали ёмғир саналади. Чунки ҳаво таркибидаги карбонат ангирид (CO<sub>2</sub>) гази ёмғир сувлари билан реакцияга киришиб, кучсиз күмир кислотаси (H<sub>2</sub>CO<sub>3</sub>) ни ҳосил қиласи:



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёмғир сувининг водород кўрсаткичи (Ph) 5,6-5,7 га teng бўлиши мумкин. Шаҳарларда ёғиладиган ёмғир ва қорларнинг водород кўрсаткичи қишлоқда ёғиладиган ёмғир ва қорларнинг водород кўрсаткичидан кичик бўлиши мумкин. Чунки шаҳар ҳавоси турли заарли газлар ва буғлар билан кучли ифлосланган бўлади. Ph нинг кучли ўзгариши атмосфера ҳавоси таркибидаги газларнинг кимёвий таркиби (унда азот ва олtingут оксидларининг мавжудлиги) га кучли боғлик бўлади. Атмосфера ҳавоси таркибida азот ва олtingут оксидларининг мавжудлиги ва ёмғир сувлари билан реакцияга киришиши кислотали ёмғирларнинг ҳосил бўлишига сабабчи бўлади. Ушбу газларни эса транспорт воситалари, металлургия саноат корхоналари ва иссиқлик электр станциялари кўпроқ ажратиб чиқаради.

#### 99. Кислотали ёмғирлар экологик муаммоси ва унинг салбий оқибатлари нималардан иборат?

Атмосфера ҳавоси тоза бўлганда, сув буғларининг конденсацияси туфайли пайдо бўладиган ёғингарчилик сувлари кимёвий таркиби жиҳатидан нейтрал бўлади. Уларнинг водород кўрсаткичи (Ph) 7 га teng бўлади. Аммо саноати ривожланган минтақаларда ёғингарчилик сувлари ҳаво таркибидаги CO<sub>2</sub> ёки NO<sub>2</sub> ларни эритиб, бир-мунча ачиди. Натижада ёғингарчилик сувларининг водород кўрсатричи пасайиб, 5,6-5,7 ни ташкил этиши мумкин.

Шуни ёдда тутиш керакки, Ph катталигининг бир қийматга пасайиши мухит кислоталилигини 10 марта, икки қийматга пасайиши эса, 100 марта ошганлигини кўрсатади.

Саноати ривожланган мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция, Олмония, Россия ва бошқа мамлакатлар) да ёғиладиган ёмғирлар ва қор сувларининг Ph қиймати 3-4 га тенгdir. Демак, улар оддий сув эмас, балки кислотали ёмғирлардир. Агар сув ёки бошқа сувли мухитнинг Ph кўрсаткичи кичик бўлса, у шунча хавфлидир.

### 100. Кислотали ёмғирлар қайси салбий оқибатларга олиб келиши мумкин?

Кислотали ёмғирлар таъсирида вужудга келадиган салбий оқибатлар қўйидагилардан иборатdir.

1. Кислотали ёмғирлар сувни ачитиб қўяди.

Кўл сувларининг Ph қиймати ҳар хил булиши мумкин. Турли ифлосланишлар ва кислотали ёмғирлар туфайли сувнинг Ph қиймати пасайиб кетади. Натижада тирик организмлар, шу жумладан, балиқ уруғи (икра), улитка ва молюскалар йўқ бўлиб кетади. Сувнинг Ph қиймати 5-6 атрофида бўлса, сувдаги барча микроорганизмлар, ҳамда форел, шука, лосос каби балиқ турлари ҳалокатга учрайди.

Сувнинг Ph қиймати 4,5 дан ҳам пасайиб кетса, кўллар, дарёлар ва денгизлардаги барча микроорганизмлар ҳалокатга учраб, сувда кислородсиз (анаэробли) жараёнлар ривожланиб, метан ( $CH_4$ ) ва олтингутурт водород( $H_2S$ ) ажралиб чиқади, яъни сув сасийди.

2. Кислотали ёмғирлар таъсирида электр энергиясини узатиш линиялари, трансформаторлар, корхоналардаги асбоб-ускуналар, қувурлар ва дудбуронлар коррозияга учрайди (яъни, емирилади, занглайди). Уларни таъмирлаш ёки янгисига алмаштириш учун катта иқтисодий маблагларни сарфлашга тұғри келади.

3. Кислотали ёмғирлар таъсирида қадимий осору-атиқалар нурсизланиб қолади.

4. Кислотали ёмғирлар таъсирида кийим-кечаклар, толали маҳсулотлар сарғайиб қолади, хусусан

изоляцияловчи материаллар (пластмасса ва резина маҳсулотлари) ўз рангини йўқотиб, тез ишдан чиқади.

5. Кислотали ёмғирлар таъсирида нафақат кўллар, дарё сувлари, улардаги тирик организмлар, балки тупроқ ва ўсимликлар ҳам катта зарап кўради. Хусусан, тоғлардаги музликлар ва қорлар қулранг бўлиб қолади, япроқлар сарғайиб, тўкила бошлиайди.

### 101. Дараҳтзорларнинг спиди деб нимага айтилади?

Саноат чиқиндилиарини атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш натижасида ҳосил бўлаётган кислотали ёмғирлар таъсирида ўрмонзорларнинг қуриб боришига, «дараҳтзорларнинг спиди» дейилади. Гап шундаки, ҳавода ҳосил бўлган кислоталар (сулфат ва азот кислоталари) ёғингарчиликлар туфайли Ер юзига келиб тушиб, ўсимликлар ва дараҳтзорларнинг ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади. Уларнинг барглари кислотали ёмғирлар таъсирида сарғайиб қолади, тешилади ва узилиб тушади.

БМТнинг маълумотларига қараганда, Ер шаридаги барча ўрмонларнинг 35%, Польшадаги ўрмонларнинг 75% и кислотали ёмғирлар таъсирида касалланган, чунки ушбу мамлакат ҳудудидан йилига 3,9 млн тонна олtingугурт оксиди ҳавога кўтарилимоқда.

Кислотали ёмғирлар тупроқ ҳосилдорлигини камайтиради. Кислотали ёмғирлар туфайли оғир металлар тупроқнинг намли қатламларига сингиб боради.

Кислотали ёмғирлар таъсирида тупроқнинг кимёвий таркиби ўзгаради, унинг таркибидан металл бирикмалар ювилиб чиқади, натижада тупроқдаги микроорганизмларнинг ҳаёти хавф остида қолиб, тупроқ унумдорлиги пасаяди. Бундан ташқари, кислотали ёмғирлар таъсирида ингичка томирчалар учун ниҳоятда керакли бўлган алюминийнинг ҳаракатчанлиги ошади. Бу эса, ўсимликларни қуриб кетишига олиб келади.

**102. Кислотали ёмғирлар таъсирида сув ҳавзаларида юз берипши мумкин бўлган ҳодисаларни қандай тушуниш мумкин?**

Кислотали ёмғирлар таъсирида сув ҳавзалари, кўл ва дарёлар, океанлар, кўрфазлар, ўрмонлар кучли зарар кўради. Улар муҳит кислоталилигини шу даражада ошириб юборадики, натижада улардаги флора ва фауна ҳалок бўлади. Ҳозирги пайтда кислотали ёмғирларнинг салбий таъсирида АҚШ, Олмония, Чехия ва Словакия, Голландия, Австралия ва бошқа мамлакатлардаги қадимий ёдгорликлар нурсизланиб қолган, ўрмонлари кучли зарар кўрган.

Кислотали ёмғирларнинг сув ҳавзаларига таъсири 3 босқичга булинади. Биринчи босқич (бошлангич босқич) – сувнинг Ph курсаткичи 7 дан камайиб боради ва натижада сув ўсимликлари нобуд бўла бошлайди. Натижада сувдаги кислороднинг миқдори камаяди, сувдаги микроорганизмлар озуқадан маҳрум бўлади, сув ўтлари (қўнғир-яшил) кучли ривожлана бошлайди. Сувнинг Ph курсаткичи 6 га тенглашганда, сувда яшовчи криветкалар ҳалок бўлади.

Иккинчи босқич – кислоталилик даражаси 5,5 гача ошади, сув тубида яшовчи органик моддалар ва баргларни чиритувчи бактерияларнинг кўпчилити нобуд бўлади, оқибатда сув тубида органик чириндилар тўплана бошлайди. Сунгра, сув ҳавзасидаги озуқа занжирининг негизини ташкил этувчи органик моддаларнинг парчаланиши туфайли ҳосил бўладиган моддалар билан озиқланувчи **митти жонзотлар – планктонлар** ҳалок бўлади.

Учинчи босқич – кислоталилик даражаси 4,5 га етади. Бундай ҳолатда барча балиқлар, балиқ уруги (икра), қурбақа ва ҳашаротларнинг аксарияти ҳалок бўлади.

Ҳавзалар тубида органик моддаларнинг тўпланиб қолиши туфайли симоб, қадимий ва қўрошин каби заҳарли металлар ажралиб чиқа бошлайди. Таркибида қўрошин кўп

сақлаган сувни ёки симобга түйинган балиқларни истеъмол қылган одамлар оғир касалликларга чалиниши мумкин.

Кислотали ёмғирлар қуруқликдаги ұсиммиларга ҳам кучли салбий таъсир құрсатади. Масалан, кислотали ёмғирларнинг АҚШ иқтисодиётига құрсатылған зараги үрмонлардан маҳрум булиш әвазига XX аср охирига бориб, 1 трлн 750 млн долларни ташкил этди. Күпгина олимларнинг фикрича, вазиятни яхшилашнинг ягона йули – атмосферага чиқарыладын заарлы ташланмалар миқдорини кескин камайтиришdir.

Кислотали ёмғирларнинг сайёрамизга етказилаёттан заарининг күлами шунчалик кенгки, ҳозирги пайтда Канадада 4 мингдан ортиқ күллар үлік күл деб эълон қилинганды (чунки, сувнинг водород құрсатқичи нихоятда кичик булиб, унда бирон жонзот яшай олмайди!), яна 12 мингтаси ҳалокат ёқасида турибди.

Швециядаги 18 мингта күлда кислотали ёмғирлар туфайли биологик мувозанат бузилған. Норвегиянинг жанубий қисмидә жойлашған күлларнинг ярмида балиқлар қирилиб битған. Олмонияда эса арчазорларнинг ярмидан күп кислотали ёмғирлар туфайли қуриған.

Фарбий Аврупо ва Шимолий Америкадаги 10 млн км<sup>2</sup> га яқин худудларға ёғилған ёмғирларнинг кислоталилық даражаси 4,5-5,0 га тенг булиб, туманларнинг кислоталилық даражаси ундан ҳам паст (2,5-3,0).

Охирги йилларда Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг саноати ривожланған худудларида тез-тез кислотали ёмғирлар ёғиши кузатылған. 1952 йили Лондонда кислотали туманлар гушиши туфайли 4 мингта үлім қайд этилған. 1972 йилнинг феврал ойида айнан мана

шу сабаб билан 70 мингдан зиёд инсонлар касалланган, уларнинг қўпчилиги вафот этган.

Азот қўш оксиди билан ифлосланган ҳаводан нафас олганда, у қондаги гемоглобин билан ўзаро таъсирашиб, тўқималарга кислород етиб боришини қийинлашириди, юрак-қон ва нафас олиш тизими касалликларини, астмани келтириб чиқаради.

Кислотали ёмғирлар ва турли заҳарли газлар таъсирида ўсимлик ҳужайрасидаги катион ва анионлар орасидаги мувозанат бузилади. Натижада ўсимликдаги физиологик жараёнлар, моддалар ва энергия алмашинуви бузилади, ўсиш ва ривожланиш жадаллиги кескин пасаяди. Тузлар таъсирида чидамли бўлган ўсимликлар ва таркибида эркин калций, калий ва натрий ионларни кўпроқ сақлаган ўсимликлар атмосферадаги кислота ҳосил қилувчи газлар таъсирида кам чидамли ҳисобланади. Шунинг учун шаҳарларни кўкламзорлашириш ва ободонлаширишда яшил ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ҳамда шаҳар ҳавосининг кимёвий таркибини эътиборга олиш зарур.

### **103. Кислотали ёмғирлар миқдорини камайтириш учун нима қилиш керак?**

Ҳозирги пайтда кислотали ёмғирлар миқдорини камайтириш мақсадида саноат чиқиндиларини камайтиришга жазм қилинади. 1994 йилдан бошлаб, атмосфера ҳавосига чиқариладиган азот оксиди ва олтингугарт оксиди миқдорини  $1/3$  қисмини камайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

## **IV-БОБ. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва унинг салбий оқибатлари**

### **4.1. Атмосфера ҳавоси ва уни ифлослантирувчи манбалар (104-106)**

#### **104. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш турларини ва манбаларини биласизми?**

Атмосфера ҳавоси 2 йўл билан ифлосланиши мумкин.

1. Атмосфера ҳавосининг табиий ифлосланиши.
2. Атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланиши.

Табиий муҳитда вужудга келадиган ёгингарчиликлар (қор, дўл, ёмғир, чанг-тўзонлар), шамол, вулқонлар, табиий оғатлар (зилзила, сув тошқинлари) атмосфера ҳавосининг табиий ифлосланиш манбалари ҳисобланади. Бундан ташқари, атмосфера ҳавоси таркибига ўсимликлар, ҳайвонот қолдиқлари, заҳарли газлар ( $CO_2$ ,  $NO_2$ ,  $SO_2$ ), углеводородлар (метан, этан, аммиак, водород олтингугурт ( $H_2S$ ) ва бошқа газлар ҳамда суюқлик буғлари), коинотдаги газлар ва чанг зарачалари табиий ҳолда келиб қўшилади. Атмосфера ҳавосининг бундай ифлосланишига, унинг табиий ёки биологик ифлосланиши дейилади.

Маълумотларга қараганда, коинотдан йилига 1 млрд тоннадан зиёдроқ турли хил газ ва чанг заррачалари атмосфера ҳавосига келиб қўшилади. Бундан ташқари, Ер юзида 500 тадан зиёдроқ доимий отилиб турувчи вулқонлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар биридан йилига 75 млн тоннагача турли хил ифлосликлар ва чанг заррачалари атмосфера ҳавосига қўшилиб туради. Ёки Орол денгизи соҳилларининг чекиниши туфайли вужудга келган 5 млн гектардан зиёдроқ тузли майдонларидан йилига 100 млн тоннадан кўпроқ чанг ва туз заррачалари атмосфера

ҳавосига қүшилмоқда. Бу ҳодисаларнинг барчаси табиий ҳолда вужудга келади.

Аммо шу ерда бир нарсани ёдда тутиш керакки, атмосфера ҳавоси таркибидаги табиий чангларнинг маълум бир миқдори Ерда содир бўладиган барча физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларнинг кечиши учун катта аҳамиятга эга. Атмосфера ҳавоси таркибидаги табиий чанглар сув буғлари учун конденсация ядроси ҳисобланади ва ёғингарчиликларни вужудга келтириб туради. Улар Қўёш нурларини ютиб, тирик организмларни ортиқча нурланишидан сақлайди. Шунинг учун, атмосфера ҳавоси таркибидаги табиий чанглар маълум даражада унинг асосий элементларидан ҳисобланади ва атмосферада кечадиган барча ҳодиса ва жараёнларни тартибга солиб туради.

### **105. Атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланиши деганда нимани тушунасиз?**

**Атмосфера ҳавосининг сунъий (антропоген) ифлосланиши** инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир.

Атмосфера ҳавосининг сунъий ифлослантирувчи манбалари саноат корхоналари, қурилиш ва энергетика тармоқлари, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, майший хизмат кўрсатиш корхоналари, транспорт (авиация ва автомобил) воситалари ҳисобланади. Улардан чиқадиган буғлар, заҳарли газ ва тутунлар, чанглар, бактерия ва микроблар атмосфера ҳавосини сунъий ифлослантиради.

Атмосфера ҳавосига чиқариладиган ташланмаларнинг асосий қисмини заҳарли газлар ( $CO_2$ ,  $NO_2$ ,  $SO_2$ ,  $H_2S$ ), углеводородлар, чанг ва қурумлар, тошқол ва қуйқумлар ҳамда металл бирикмалари ташкил этади. Улар кўпинча органик моддаларни ва ёқилгиларни ёндириш пайтида пайдо бўлади.

Атмосфера ҳавосига йилига 200 млн тонна чанг, 210 млн тонна  $SO_2$ , 300 млн тонна қурум ва қўрошин бирикмалари, 700 млн тонна  $CO_2$  чиқарилади. Қурум

таркибида 1,5-2,0 % бенз(а) пирен ( $C_{20}H_{12}$ ) ва диоксин каби канцероген моддалар мавжуд булиб, улар нафас олиш йўллари орқали инсон организмига кириб, рак касаллигини келтириб чиқаради.

Ёқилғи (кўмир ёки мазут) билан ишлайдиган битта электр станцияси суткасига ўртача 1,2 тонна  $SO_2$ , 1,5 тонна  $NO_2$ , 3-4 тонна  $CO_2$  ва 10 тоннадан зиёдроқ кул, чанг ва қурумни атмосфера ҳавосига чиқаради. Тошкент ГРЭС 60% табиий газ ва 40% суюқ ёқилғи билан ишлаб, суткасида 154 минг  $m^3$  олтингугурт ва 200 минг  $m^3$  азот оксидини ҳавога чиқармоқда. Тошкент «Компрессор» заводи соатиги 400 минг  $m^3$  турли хил газларни атмосфера ҳавосига чиқаради.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишида тоғ-кон саноати, майший-коммунал хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги тармоқларининг улушлари ниҳоятда каттадир. Масалан, Тошкент шаҳридан бир суткада 20 млн  $m^3$  ишланган, ифлос ва таркибида 4%  $CO_2$  бўлган газлар атмосфера ҳавосига чиқарилади.

Чорвачилик тармоқлари атмосфера ҳавосини чанглар, газлар ( $NH_3$ ,  $CO_2$ ,  $SO_2$ ,  $NO_2$ ,  $CH_4$ ,  $H_2S$ ) ва юқумли касалликларни тарқатувчи микроблар ва бактериялар билан ифлослантиради. Масалан, 100 минг бош қора молга мулжалланган битта ферма атмосфера ҳавосига 1 суткада 50-200 кг  $NH_3$ , 10-15 кг  $H_2S$ , 0,3-2,0 тоннагача чанг ва 1,5 млн гача турли бактерияларни чиқаради.

### 106. Ҳозирги пайтда атмосфера ҳавосининг ифлосланишида унинг қайси ифлосланиш тури устунлик қилмоқда?

Дарҳақиқат, атмосфера ҳавоси табиий ҳолда ҳам, сунъий йўллар билан ҳам ифлосланиши мумкин. Аммо саноати тараққий этган, транспорт, қурилиш ва энергетика тармоқлари ривожланган, қишлоқ хўжалиги кимёлаштирилган ва замонавий машиналар билан

таъминланган, аҳоли сонининг кўпайиши билан боғлиқ урбанизация жараёнлари кучаётган бизнинг асримизда атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланиши унинг табиий ифлосланишидан устуник қилмоқда.

#### **4.2. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига автотранспорт воситаларининг улушлари (107-111)**

##### **107. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига қайси соҳа ёки тармоқлар асосий ўринларни эгаллаяптилар?**

Атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланишига биринчи ўринни транспорт воситалари (40%), иккинчи ўринни майший-коммунал хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари (26%), учинчи ўринни энергетика тармоқлари (20%) эгаллаб келмоқда. АҚШ да атмосфера ҳавосининг ифлосланишига автотранспорт воситаларининг қўшган «ҳиссаси» 60% ни, саноат эса, 17% ни ташкил этади. Маълумотларга қараганда, «Шатл» космик кемасини орбитага чиқарадиган ракета 300 тонна алюминий оксидини оқ қуқун шаклида атмосфера ҳавосига чиқарган.

Саноати ривожланган бир қатор шаҳарларда (Нью-Йорк, Лос-Анжелос, Токио, Москва ва бошқа шаҳарларда) атмосфера ҳавосининг ифлосланишига саноат 60%, транспорт воситалари эса, 13% «ҳисса» қўшиб келмоқда.

Бизнинг республикамизда транспорт воситаларидан ажralиб чиқадиган ташланмаларнинг миқдори 50-70% ни ташкил этмоқда.

Ҳозирги пайтда атмосфера ҳавосига чиқариладиган заҳарли моддаларнинг умумий миқдоридан 75-85% ни автотранспорт воситалари «ҳиссасига» тұғри келмоқда.

**108. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига транспорт воситаларининг қўшаётган «ҳиссаси» юқорилигини қандай изоҳлаш мумкин?**

Дарҳақиқат, транспорт воситалари атмосфера ҳавосининг ифлосланишига катта «ҳисса» қўшиб келаяпти. Марказий кўчаларда  $CO_2$  газининг микдори унинг рухсат этилган чегаравий концентрацияси (РЭЧК) дан 5-10 баравар, катта шаҳарларда эса, 30 баравар ошиб кетаяпти. Бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат.

Биринчидан, ҳозирги пайтда Японияда **йилига 9,2 млн дона**, АҚШда **6,8 млн дона**, Жанубий Кореяда эса, **850 минг дона** автомобил ишлаб чиқарилади.

Иккинчидан, Ер шаридаги **400 млн дона**дан зиёдроқ автомобиллар мавжуд бўлиб, улар **йилига 300 млн тоннага** яқин заҳарли моддаларни атмосфера ҳавосига чиқараюпти. Шундан **200 млн тоннасини  $CO_2$** , **50 млн тоннасини** углеводородлар, **30 млн тоннасини** азот оксиди, қолган қисмини эса, газлар, тутунлар, чанг ва қаттиқ чиқиндилар ташкил этмоқда.

Учинчидан, агар дунёда **1 км масофада ўртача 5 та автотранспорт воситалари туғри** келса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда **700-800 тага** тенг бўляпти.

Тўртинчидан, транспорт воситалари (самолёт, вертолёт, тепловоз, космик кема, қишлоқ хўжалик машиналари ва х.) ниҳоятда катта микдорда кислородни сарфлаб, атмосфера ҳавосини ис газлари, азот оксиди, углеводородлар, қўроғшин бирикмалари, чанг ва бошқа канцероген моддалар билан ифлослантиримоқда. Умуман олганда, автотранспорт воситалари атмосфера ҳавосини **200 дан ортиқ** канцероген моддалар билан ифлослантириади. Автотранспорт воситалари ер шарининг аҳолисига нисбатан **3-4 маратоба** кўпроқ кислород сарфлайди.

Бешинчидан, ишлаб чиқариладиган ёқилғи маҳсулотларининг **12-25%** ни автотранспорт воситалари,

ишлиатиладиган ёқилғининг 90% ни бензин, керосин, дизел ёқилғиси ва бошқа мойловчи моддалар ташкил этади.

**109. Қайси ёқилғи тури (дизел ёқилғисими ёки бензинми) атмосфера ҳавосини күпроқ ифлослантиради?**

Ёқилғи маҳсулотлари таркибида учрайдиган  $CO_2$ ,  $CH_4$ ,  $NO_2$  газларининг микдори ёқилғи турига боғлиқ. Масалан, 1 л бензин таркибида 55,5%  $CO_2$ , 12%  $CH_4$  ва 6,8%  $NO_2$  мавжуд. Аммо 1 л дизел ёқилғиси таркибида 15%  $CO_2$ , 6,5%  $CH_4$  ва 8,5%  $NO_2$  мавжуд. Демак, дизел ёқилғисидан фойдаланиш атроф-мухитни ифлосланишига камроқ «хисса» қўшади.

**110. Транспорт воситалариға тегишли чиқинди манбалари ва уларнинг турлари ҳақида нималар дея оласиз?**

Уумуман, транспорт воситаларидан ажралиб чиқадиган чиқиндиларнинг 2 та манбаи бўлиши мумкин.

**1. Кўчмас чиқинди манбалари.** Бу гурухга машина-трактор парклари, автожамланмалар ва шунга ўхшаш бошқа корхоналар киради. Ушбу корхоналардаги ёқилғи сақлаш жойлари, ишлиатилган мойловчи маҳсулотларнинг сақлаш жойлари, ишлиатилган сувларни сақлаш жойлари, резина маҳсулотлари ва уларни ямаш жойлари (вулқонланиш цехлари), тутун, ис газлари ва қаттиқ чиқиндилар ажратиб чиқарадиган таъмирлаш цехлари ҳам айнан мана шу гурухга мансубдир.

**2. Ҳаракатланувчи чиқинди манбалари.** Бу гурухга ҳар бир ҳаракатланувчи транспорт воситаси киради, яъни ҳаракатда бўлган автомобил ёки трактор-ҳаракатланувчи чиқинди манбаи ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда республикамизда кўчмас ва ҳаракатланувчи чиқинди манбаларидан йилига 4 млн

тоннадан зиёдроқ заҳарли моддалар атмосфера ҳавосига чиқарилади. Уларнинг 50% ни  $CO_2$ , 15% ни углеводородлар, 14% ни олтингурут оксиdi, 9% ни азот оксиdi, 8% ни қаттиқ чиқиндилаr ва қолган 4% ни канцероген моддалар ташкил этмоқда.

### 111. Этилланган бензин деб нимага айтилади?

Ёнилги сифатида ишлатиладиган бензин бугларининг миқдори ҳаводаги рухсат этилган чегаравий концентрация (РЭЧК) си  $100 \text{ mg/m}^3$  дан ошмаслиги керак. Эритувчи бензиннинг миқдори ҳаводаги РЭЧК си  $300 \text{ mg/m}^3$  дан ошмаслиги керак.

Ҳозирги пайтда А-80, АИ-91, АИ-95 ва АИ-98 маркали автомобилларга қуйиладиган бензин турлари мавжуд. (ракамлар бензин таркибидаги октанлар сонини кўрсатади). Бундан ташқари, авиацияда ишлатиладиган бензин турлари (Б-100/130, Б-95/130, Б-1/115) ҳам мавжуд. Бу ерда суратдаги рақамлар-октанлар сонини, маҳраждаги рақамлар эса, бензин навини билдиради.

Ҳозирги пайтда, бензин таркибида октанлар сонини кўпайтириш мақсадида, унга тетраэтил кўргошин ( $C_4H_5$ )<sub>4</sub> Рb кўшадилар. Бундай бензинларга, этилланган бензин дейилади.

Бензин ёнганда унинг таркибидаги кўргошин бошқа газлар ( $CO_2, CH_4, NO_2$ ) билан бирга мотордан чиқиб, атмосфера ҳавосини ифлослантиради.  $1 \text{ m}^3$  этилланган бензин ёнганда  $1\text{g}$  кўргошин атмосфера ҳавосига тарқалади. У  $1 \text{ млн } 400 \text{ минг m}^3$  ҳавони РЭЧК даражасида ифлослантириши мумкин. Эслатиб ўтамиш: кўргошиннинг ҳаводаги РЭЧКси  $0,0007 \text{ mg/m}^3$  ташкил этади. Шунинг учун серқатнов йўллар атрофида сабзи, пиёз, кашнич, укроб, помидор, бодринг ва шунга ўхшаган маҳсулотларни этиштириш қатъиян ман этилган.

1978 йилдан бўён Тошкент шаҳрида заҳарли газлар миқдорини камайтириш мақсадида автотранспорт

воситаларида бензин ўрнига қуюқлаштирилган пропан-бутан газ аралашмаси ишлатилиб келинмоқда.

#### **4.3. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси (112-121)**

##### **112. Ифлосланиш деб нимага айтилади?**

Умуман олганда «ифлосланиш» тушунчасига 2 хил таъриф бериш мумкин.

**1. Ифлосланиш деганда,** мазкур муҳитда олдин учрамаган моддаларнинг пайдо бўлиши, сифат жиҳатидан муҳитнинг олдинги табиий ҳолатига teng бўлмаган ҳолати тушунилади.

**2. Буюк экологик олим Ю.Одумнинг образли таъбири билан айтганда, ифлосланиш - бу ўз жойига турмаган табиий ресурсдир!**

##### **113. Заҳарли модда деб нимага айтилади?**

Заҳарли модда деб, меҳнат фаолияти жараёнида инсон соғлигига салбий таъсир этиб, иш қобилиятини пасайтирадиган, юрак-қон, ўпка ва асаб тузилмаларини бузадиган даражада заҳарланишни вужудга келтирувчи моддага айтилади.

Заҳарли моддалар газсимон, суюқ ва қаттиқ агрегат ҳолатларда бўлиши мумкин. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ҳар қандай модданинг микдори организм таркибида ҳаддан ошса, у заҳарли бўлиши мумкин.

## **114. Ҳавода ёки иш жойида заарли моддаларнинг рухсат этилган чегаравий концентрация (РЭЧК) си деганда нимани тушуниш керак?**

Ҳавода ёки иш жойида (яшаш мухитида) заарли моддаларнинг РЭЧК си деб, инсонга меҳнат қилиш ва бутун ҳаёт фаолияти давомида, ундан қоладиган авлоднинг соғлигига ва атроф-мухитга салбий таъсир этмайдиган, унинг сурункали таъсиридан келиб чиқадиган касалликларни чиқармайдиган заарсиз миқдорига айтилади ва  $\text{мг}/\text{м}^3$  бирлигига үлчанади.

Бошқача қилиб айтганда, заарли моддаларнинг ҳаводаги РЭЧК си-бу шундай меъёрки, инсонга хавфсиз ишилаш ва ҳаёт кечириши учун имконият беради. РЭЧК иш жойида ёки ҳавонинг  $1 \text{ м}^3$  ҳажмида заарли модданинг миқдори неча  $\text{мг}$  бўлишини ва ундан ошиб кетмаслигини қатъян талаб қилинадиган меъёрdir.

Ҳозирги пайтда 1926 тадан зиёдроқ кимёвий моддаларнинг ҳаводаги РЭЧК лари аниқланган.

Агар ҳавода ёки иш жойида ўта заарли модданинг миқдори РЭЧК сидан ошиб кетса, етказилган зарарни қоплаш учун ишчига сут берилади ёки маошига қўшимча ҳақ тўланади.

## **115. Бирданига максимал РЭЧК нима?**

Заарли моддаларнинг бирданига максимал рухсат этилган чегаравий концентрацияси технологик жараёнларнинг ишдан чиқиши, шикастланишлар, табиий оғатлар (зилзила, сув тошқини) пайтида атмосфера ҳавосига қўшиладиган ташланмалар миқдорини ифодалайди.

Бирданига максимал РЭЧК<sub>б.мах.</sub> заарли моддаларнинг инсон учун хавфли эканлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, 8-20 дақиқа вақт давомида үлчанади. Демак, РЭЧК<sub>б.мах.</sub> қисқа вақт давомида атмосфера ҳавоси таркибидаги заарли моддалар таъсиридан ҳидни сезиш, нурларни сезиш ва миянинг биологик фаолиятини

үзгаришидан дарак беради. Заарли моддаларнинг энг юқори концентрацияси  $C_{\max}$  Ер сатҳида 20 дақиқа вақт давомида уларнинг РЭЧКб.мах дан кичик бўлиши керак, яъни:

$$C_{\max} \leq \text{РЭЧКб.мах} \quad (4.1)$$

### 116. Ўртача суткалик РЭЧК нима?

Заарли моддаларнинг ҳаводаги ўртача суткалик рухсат этилган чегаравий концентрацияси (РЭЧК ўр.сут) бир сутка вақт давомида ҳаво таркибида мавжуд бўлган заарли моддаларнинг энг кичик концентрациясини ифодалайди. Ўртача суткалик РЭЧК ўр. сут инсон организмига таъсир этадиган заарли моддаларнинг миқдорини ифодалайди.

Шуни ёдда тутиш керакки, заарли моддаларнинг максимал концентрацияси ( $C_{\max}$ ) 20 минут вақт давомида аниқланади. Агар ушбу вақт ошиб кетса, унда заарли моддаларнинг максимал концентрацияси ( $C_{\max}$ ) ўртача суткалик РЭЧКўр. сут дан кичик бўлади, яъни:

$$C_{\max} \leq \text{РЭЧКўр.сут} \quad (4.2)$$

Эслатиб ўтиш керакки, РЭЧКўр. сут ни аниқлаш учун 24 соат (1 сутка) вақт давомида заарли модданинг ҳаводаги концентрацияси бир-нечча маротаба аниқланиб, олинган натижаларнинг ўртача арифметик қиймати ҳисобланади.

Заарли моддаларнинг ҳаводаги РЭЧКб.мах уларнинг РЭЧКўр. сут қийматидан кичик бўлади, яъни:

$$\text{РЭЧКўр. сут} \leq \text{РЭЧКб.мах.} \quad (4.3)$$

Масалан, симоб бирикмаларининг ҳаводаги РЭЧКб.мах ва РЭЧКўр. сут қийматлари мос равишда 0,0005 ва 0,0003 мг/м<sup>3</sup> га tengdir. Азот оксидининг ҳаводаги РЭЧКб.мах ва РЭЧКўр. сут. қийматлари мос равишда 0,085 ва 0,04 мг/м<sup>3</sup> га tengdir ва ҳоказо.

### 117. Реал ҳолатларда атмосфера ҳавоси таркибида битта заарли модда эмас, балки бир-нечта заарли

моддалар бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда заарли моддаларнинг ҳаводаги РЭЧК лари қандай ҳисобланади?

Дарҳақиқат, реал шароитда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир вақтнинг ўзида атмосфера ҳавоси таркибида бир томонлама таъсир этиш, яъни умумий таъсир этиш хусусиятига эга бўлган бир-нечта заарли моддалар мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда заарли моддаларнинг ўлчовсиз концентрациясининг суммаси 1 дан кичик бўлиши керак, яъни

$$\frac{C_1}{РЭЧК_1} + \frac{C_2}{РЭЧК_2} + \dots + \frac{C_n}{РЭЧК_n} \leq 1 \quad (4.4)$$

бу ерда  $C_1, C_2, \dots, C_n$  - заарли моддаларнинг бир жойнинг ўзида (масалан, иш жойида) бир неча маротаба аниқланган концентрациялари,  $\text{мг}/\text{м}^3$ ;  $РЭЧК_1, РЭЧК_2, \dots, РЭЧК_n$  - ўша моддаларнинг ҳаводаги рухсат этилган чегаравий концентрациялари,  $\text{мг}/\text{м}^3$ .

**118. Қайси моддаларнинг ҳаводаги аралашмалари бир томонлама, яъни умумий таъсир этиш хусусиятига эга?**

Олтингугурт қўш оксиди ва азот оксиди;

Олтингугурт қўш оксиди ва олтингугурт водород ( $H_2S$ );

Кучли минерал кислоталар (сулфат, азот, хлорид кислоталари);

Этилен, пропилен, бутилен ва амилен;

Озон ( $O_3$ ), азот оксиди ва формалдегид;

Ацетон ва фенол, ацетилалдегид ва винилацетат;

Олтингугурт водород ва динил;

Фурфурол, метанол ва этанол;

Циклогексан ва бензол;

Уксус кислотаси ва уксус ангидриди;

Ацетон ва ацетофенон ва бошқа бир қатор заарали моддаларнинг аралашмалари умумий таъсири этиш хусусиятига эга.

### 119. Заҳарли моддалар неча синфга бўлинади?

Дарҳақиқат, барча заҳарли ҳисобланган моддалар ДавСТ 12.1007-88 «Заарали моддаларнинг турлари ва уларга нисбатан хавфсизлик талаблари» га асосан, қуйидаги 4 та алоҳида синфларга бўлинади.

1. Ўта заҳарли моддалар. Бу синфга ҳаводаги РЭЧК си  $0,1 \text{ мг}/\text{м}^3$  дан кичик бўлган заҳарли моддалар киради.
2. Юқори даражада хавфли заҳарли моддалар. Бу синфга ҳаводаги РЭЧК си  $0,1\text{--}1,0 \text{ мг}/\text{м}^3$  атрофида бўлган заҳарли моддалар мансуб.
3. Ўртача даражада хавфли заарали моддалар. Бу синфга ҳаводаги РЭЧК си  $1,0\text{--}10,0 \text{ мг}/\text{м}^3$  атрофида бўлган моддалар мансуб.
4. Кам заарали моддалар. Ҳаводаги РЭЧК си  $10 \text{ мг}/\text{м}^3$  дан ортиқ бўлган моддалар эса мана шу гурухга мансуб.

### 120. Заҳарли моддаларнинг хавфлилик даражасини қандай аниқлаш мумкин?

Муҳандислик амалиётида у ёки бу модданинг заҳарли эканлигини бир лаҳзадаёқ сезиши қийин. Масалан, азот оксиди рангсиз, ҳидсиз ва мазасиз газ бўлиб, унинг ҳаводаги РЭЧК сидан катта миқдори юрак фалажига гирифтор қилиши мумкин ёки симоб буғларининг таъсирини бир лаҳзадаёқ сезиб бўлмайди. Лекин у нафас олиш йўллари орқали организмга сингиб бориб, секин-аста жигар касалликларини келтириб чиқаради. Бундай мисолларни кўпроқ келтириш мумкин.

Шунинг учун заҳарли моддаларнинг хавфлилик даражасини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга.

Заҳарли моддаларнинг хавфлилик даражаси тажриба ўтказиш йўли билан аниқланади. Маълум ёпиқ идишга ҳайвонлар (масалан, сичқонлар ёки итлар) сақланиб, идишга ўша заҳарли модданинг концентрацияси киритилади ва ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати кузатила борилади.

**Заҳарли модданинг хавфлилик даражаси (Z)** қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$Z = \frac{C_{150\%}}{C_{\min}} \quad (4.5)$$

бу ерда  $C_{\min}$  - заҳарли модданинг минимал концентрацияси, мг/м<sup>3</sup>.  $C_{150\%}$ - ўша заҳарли модданинг шундай концентрациясики, унинг таъсирида тажриба ўтказиш учун олинган ҳайвонларнинг 50% и ҳалоқатга учраган, мг/м<sup>3</sup>.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики,  $C_{\min}$  қанча катта бўлса, Z шунча кичик бўлади, демак, заҳарли модда хавфли ҳисобланади. Масалан, бенз (а) пирен  $C_{20}H_{12}$ , хром, никел, қўргошин ва симоб бирикмаларининг хавфлилик даражалари Z=1. Демак, улар ниҳоятда хавфли бирикмалар ҳисобланади. Оддий қурум учун Z=3, аммиак ва аммофос учун Z=4, демак улар унча хавфли эмас.

## 121. Рухсат этилган чегаравий ташланма (РЭЧТ) деб нимага айтилади?

Шуни ёдда тутиш керакки, ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси, ундаги цехлар, транспорт воситалари, укоқлар, вентиляция қурилмалари чиқинди манбалари ҳисобланади. Ҳар бир корхона ёки чиқинди манбалари учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан рухсат этилган чегаравий ташланмалар (РЭЧТ) белгиллаб қўйилади.

РЭЧТ-бу чиқинди манбалари (цехдан, корхонадан, иссиқлик манбаидан ва ҳоказо) дан вақт бирлигида чиқарилиб ташланадиган ташланмалар миқдорини

ифодалайди ва т/ийл, т/ой, т/сутка, кг/соат, г/с улчов бирликларда ўлчанади.

Ҳар бир корхона ёки янги лойиҳаланаётган саноат корхонаси учун атмосфера ҳавосига РЭЧТи белгилаб қўйилади. РЭЧТ нинг жорий этилишидан асосий мақсад-захарли моддаларнинг атмосфера ҳавосига чиқаришга уларнинг миқдори ҳаводаги РЭЧК дан ошиб кетмаслигини таъминлашдан иборатdir.

Шуни ёдда тутиш керакки, агар РЭЧТ г/с ларда ўлчанадиган бўлса, ўлчаш давомийлиги 20 дақиқа ошмаслиги керак. Агар атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндилар (буғ, тутун, чанг, оқова сув, қаттиқ моддалар) нинг миқдори РЭЧТ дан юқори бўлса, корхона ёки цех раҳбари амалдаги қонунлар асосида жавобгарликка тортилади.

Саноат корхоналарида РЭЧК ва РЭЧТ ларнинг жорий этилиши иш жойларни тоза-озода тутишда, атмосфера ҳавосининг мусаффолигини сақлашда ва инсон соғлигига зарар этказмаслик йўлида олиб бориладиган ғамхурликларнинг ёрқин намунасидир.

#### **4.4. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг инсонга, үсимликлар ва ҳайвонот оламига таъсири (122-132)**

##### **122. Канцероген моддалар гуруҳига қайси моддалар киради?**

Бир киши бир суткада ўртача 25 кг ҳаво билан нафас олади. Натижада ҳаво таркибида зарарли чанглар, қурум ва газлар организмда тўпланаверади. Бу эса, секин-аста инсон организмининг заифлашувига олиб келади ва оқибатда у турли инфекцияларга етарли даражада қаршилик кўрсатиш қобилиятини йўқотади.

Канцероген моддалар тирик организмда хавфли моддаларнинг ривожланишига катта таъсир этади. Озиқовқат маҳсулотлари ва нафас олиш йўллари орқали организмга ўтган канцероген моддалар ундан чиқа олмайди.

Канцероген моддалар гуруҳига полисиклик ароматик углеводородлар (масалан, бенз(а) пирен  $C_{20}H_{12}$ , бензин буғлари, пентан, гептан, гексан ва бошқалар), эпоксид ва полиэфир қатронлари, тўрт хлорли углерод ( $CCl_4$ ), хлороформ, металл бирикмалари (масалан, бериллий оксиди, хром оксиди, никел сулфиди, қўрғошин бирикмалари) ва бошқа моддалар киради. Хусусан, бенз(а) пирен энг кучли канцероген модда ҳисобланади. У кўмир, нефт маҳсулотлари ва сланецларни ёндирганда ҳосил бўлади. Автомобил йўллари атрофида, иссиқлик электр станцияларида, металлургия заводлари ва цехларда унинг энг юқори концентрацияси ҳосил бўлади. Эслатиб ўтамиш: бенз (а) пиреннинг ҳаводаги РЭЧК си  $0,0000001$  мг/м<sup>3</sup> ни ташкил этади, яъни у ўта заҳарли газдир.

### 123. Олтингугурт оксиди ва унинг бирикмалари ҳақида нималар дея оласиз?

Маълумки, нефт таркибида ўртача ҳисобда 1 % гача олтингугурт бўлиши мумкин. Демак, Ер қаърида нефт таркибида қарийб  $10^9$  тонна олтингугурт ёки  $(4 - 7) \cdot 10^{10}$  тонна турли олтингугурт бирикмалари (меркаптанлар, сулфидлар, дисулфидлар, теофенлар ва бошқа мураккаб бирикмалар) бўлиши мумкин. Нефт қазиб олиш усуллари ёрдамида Ер қаъридан 50 % гача нефт олиш мумкин. Демак, инсон  $4,5 \cdot 10^{11}$  тонна нефт ресурсини олиши мумкин. Нефт билан бирга  $(4 - 7) \cdot 10^9$  тонна атрофида органик олтингугурт бирикмалар олиш мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёда йилига нефт маҳсулотлари билан бирга қарийб  $4 \cdot 10^7$  тонна олтингугурт

ёқилади. Ёниш маҳсулотига нисбатан ҳисоблаб чиқылса, тахминан  $8 \cdot 10^7$  тонна олтингүргүрт қүш оксиди ( $\text{SO}_2$ ) ва  $1,2 \cdot 10^8$  тонна суlfat кислотаси демакдир. Шуни ҳам унугмаслик керакки, олтингүргүрт оксидлари орасыда олтингүргүрт ангирид (олтингүргүрт қүш оксиidi) ( $\text{SO}_2$ ) әңг күп тарқалган газ ҳисобланади. Йилига 110 млн тоннадан 150 млн тоннагача олтингүргүрт оксидлари атмосфера ҳавосига чиқарып ташланади. Башоратларга қараганда, йилига атмосфера ҳавосига 300 млн тоннагача олтингүргүрт оксидлари құшиларкан.

Олтингүргүрт қүш оксиidi ( $\text{SO}_2$ ) рангсиз газ булиб, ҳиди аччик, үткір ва бүгүвчиidir. У сувга әрувчан газ булиб, зичилиgi  $2,93 \text{ г/см}^3$  га тенгdir. Унинг әрувчанлиги мутлақ босимга түрі пропорционалдир. У сув билан кимёвий реакцияга киришиб, суlfid кислота ҳосил қилади.

Ҳисоб-китобларнинг гувоҳлик беришича, тахминан 90%  $\text{SO}_2$  дудбуронларнинг баландлиги 15-35 м га тенг бүлган радиусда ёйилиб, тупроққа келиб тушади.

Олтингүргүрт қүш оксидининг заҳарлилигини инобатта олиб, күпгина ривожланган мамлакатларда олтингүргүрт оксиidi бүйича маҳсус қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қылғанлар. Ушбу меъёрий ҳужжатларда нафақат ҳаводаги газларга ва уларнинг миқдорига, балки уларни ажратиб олиш ёки ушлаб қолишини таъминлаш зарурлигига алоҳида ургу берилади: кичик қувватли қозонларда ушбу газларнинг 60 % га, катта қувватли қозонларда эса 90 % гача ушлаб қолиниши керак. Фақатгина 10 % газлар атмосфера оқимлари таъсирида бошқа ҳудудларга тарқалиб кетиши мумкин.

Олтингүргүрт қүш оксиidi 3 суткагача атмосфера ҳавосида туриши мумкин, сунг үсимликларга, тупроққа, сув ҳавзаларига ва иншоотларга тушади. Олтингүргүрт қүш

оксидининг ҳавода рухсат этилган чегаравий концентрация (РЭЧК) си:

-бир йўла максимал рухсат этилган концентрацияси 0,5 мг/м<sup>3</sup>;

-ўртacha суткалик РЭЧК - 0,05 мг/м<sup>3</sup>;

- ушбу газнинг миқдори иш жойлари ҳавосида 10 мг/м<sup>3</sup> дан ошмаслиги керак.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, олтингугурт қўши оксиди ҳаводаги озон ( $O_3$ ) гази таъсирида оксидланади ва натижада олтингугурт ангидриди ( $SO_3$ ) ҳосил бўлади. Олтингугурт ангидриди эса ҳаводаги намлик билан реакцияга киришиб, сулфат кислота бугларини ҳосил қилиади. Табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг самарали йўлларидан бири - факелли горелкалар конструкцияларини такомиллаштириш ва ҳавода азот ҳамда олтингугурт оксидлари миқдорини камайтиришдан иборат.

Маълумки, жамиятмизнинг технологик тармоқларидан бири энергетика ҳисобланади. Энергетикага доир экологик ва ҳавфсизлик чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширмасак, унинг экосистемаларга кўрсатадиган салбий таъсири кучайиши мумкин. Шунинг учун Аврупо мамлакатларида 2004 йилдан бошлаб, атмосферага чиқариб ташланадиган солиштирма ташланмалар миқдори меъёрланган. Бунинг учун қурилмаларнинг иссиқлик қуввати инобатга олинган. Қуйидаги 4.1-жадвалда Аврупо мамлакатларида 2004 йилдан бошлаб, атмосферага чиқариб ташланадиган солиштирма ташланмалар миқдорининг меъёрлари келтирилган.

**124. Олтингугурт қүш оксиди ва унинг таъсирида заҳарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Эслатиб ўтиш керакки, олтингугурт қүш оксиди ( $SO_2$ ) рангсиз, ўtkир ҳидли газ бўлиб, унинг ҳаводаги рухсат этилган чегаравий концентрацияси (РЭЧКур. сут.)  $0,05 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади. Унинг миқдори  $0,13$ ,  $0,3$  ва  $0,8 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этганда, ахоли ўртасида сурункали астма касаллигига чалингандарнинг миқдори  $13$ ,  $18$  ва  $26\%$  га ошганлиги аниқланган.

Атмосфера ҳавоси таркибида  $SO_2$  нинг миқдори кўпайиб қолганда, бронхит, ўпка яллигланиши, жигар-қон босимининг ошишига ва кўз касалликларига сабаб бўлади. Чунки  $SO_2$  ҳаво таркибидаги сув буғлари билан реакцияга киришиб, кучсиз сульфат кислота ҳосил қиласи ва у кўзлардаги шиллиқ пардаларни куйдиради. Натижада кўз қизил рангли бўлиб қолади.

**125. Углерод оксиди ва унинг таъсирида заҳарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Углерод оксиди ( $CO$ ) рангсиз ва ҳидсиз газ бўлиб, унинг ҳаводаги РЭЧК си  $3 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади. Углерод оксидининг ҳаво таркибида кўпайиши натижасида организмда гемоглобин камаяди, юрак-қон томир тизимлари бузилади, фаромушхотирлик (склероз) касаллиги кўпаяди, бош айланади, юракнинг ишлаши тезлашади, уйқу бузилади, киши тажанг бўлиб қолади.

**4.1-жадвал.**

**Аврупо мамлакатларида 2004 йилдан бошлаб,  
атмосферага чиқариб ташланадиган солиштирма  
ташланмалар миқдорининг меъёrlари**

Иссиқлик	Қурилмаларнинг иссиқлик қуввати, МВт	Ташланмалар меъёри, кг/м <sup>3</sup>
<b>Азот оксидлари</b>		
Газсимон	50-500 300 дан катта	150-300 100-200
Суюқ	50-500 100-300 300 дан ва 500 дан катта	400-450 200 200-400
Қаттиқ	50-500 100-300 300 дан ва 500 дан катта	400-600 200 200-500
<b>Олтингугурт оксиди</b>		
Қаттиқ	50-100 100-500 300 дан ва 500 дан катта	820-2000 200-2000 200-400
Суюқ	50-300 100-500 300-500	850-1700 200-1700 200-400
<b>Қаттиқ заррачалар</b>		
Қаттиқ	50-500 100-500	50 30-100
Суюқ	50-100 100 дан катта	50 30-50

Углерод оксиidi таъсирида заҳарланишнинг биринчи белгиси бош оғригининг пайдо булишидир. Агар ҳаво таркибида  $CO$  дан ташқари азот оксиidi ҳам мавжуд бўлса,  $CO$  нинг заҳарлиги янада ошиб кетади. Бундай ҳолатларда  $CO$  концентрациясини 1,5 маротаба камайтириш керак.

### 126. Углерод қўш оксиidi, унинг пайдо булиш сабаблари ва асосий хоссалари нималардан иборат?

Атмосферанинг қуи қисмида учрайдиган углерод қўш оксиidi ( $CO_2$ ) ўсимликларда кечадиган фотосинтез жараёнида қатнашади. Бу газ яшил ўсимликларнинг органик модда ҳосил қиладиган асосий қисмидир.

Углерод қўш оксиidi вулқонларнинг отилиши, ёқилғиларнинг ёниши, органик моддаларнинг чириши ва тирик организмларнинг нафас олиши натижасида пайдо булади. Агар атмосфера ҳавоси таркибида ( $CO_2$ ) нинг миқдори 0,03% дан 0,07% гача ошиб кетса, ҳайвонот дунёси ва инсоннинг нафас олиши қийинлашади. Бошқа газларга исбатан (масалан, ( $N_2, O_2, H_2$  ва б.),  $CO_2$  оғир бўлгани учун чукурлик, хандақ ва шахталарда кўпроқ йифилиб қолади. Бир литр ҳаво ҳажмида 0,57 г  $CO_2$  мавжуд бўлиб, атмосферада эса унинг миқдори  $2 \cdot 10^{12}$  тоннани ташкил этади. Ўрмонзорларнинг ҳар  $1\text{ м}^2$  майдонида соатига 300-500 мг, ўсимликларда соатига 500-700 мг  $CO_2$  ҳосил булади.

### 127. Азот ва азот қўш оксиidi бир-биридан қандай фарқ қиласди?

Аввало, азот оксиidi ва азот қўш оксидини бир-биридан фарқлаш керак. Азот оксиidi ( $NO$ ) - тиник ва рангсиз газ бўлиб, атмосфера босимида  $-151,7\text{ }^{\circ}\text{C}$  да суюқ ҳолатга ўтади. Унинг зичлиги хона ҳароратида  $1,34\text{ кг}/\text{м}^3$  га тенгdir. У кимёвий унчалик фаол эмас ва сувда эримайди. Ёқилғиларни ёнишида ҳосил бўладиган тутун газларнинг 97-

98 % ни азот оксиidi ташкил этади. Ҳавода азот оксидининг рухсат этилган чегаравий концентрация (РЭЧК) си  $0,5 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, азот оксидидан фарқли ўлароқ, азот қўш оксиidi ( $\text{NO}_2$ ) қизил-қорамтири газ булиб, у кимёвий фаол газ ҳисобланади. У сувда эрийди,  $21,11^\circ\text{C}$  ва атмосфера босимида қизил-қорамтири рангли суюқликка айланади ва  $-10,2^\circ\text{C}$  да рангсиз кристаллар шаклида қотиб қолади. Унинг зичлиги  $20^\circ\text{C}$  да  $2,05 \text{ кг}/\text{м}^3$  га тенгdir. Унинг заҳарлилиги азот оксидига нисбатан бир неча маротаба юқоридир. Ҳавода азот қўш оксидининг рухсат этилган чегаравий концентрацияси  $0,085 \text{ мг}/\text{м}^3$  га тенгdir.

Азот қўш оксиidi инсон соглигига кучли салбий таъсир кўрсатади. Унинг таъсирида нафас олиш йўллари ва ўпка кучли заҳарланади. Ҳавода  $\text{NO}_2$  нинг концентрацияси  $200\text{-}500 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этганда, озгина ушбу ҳаводан нафас олганда, фожиага олиб келиши мумкин. Хусусан, у ёш чақалоқларга ва ўсмиirlарга кучли салбий таъсир кўрсатади. Азот оксидлари иштирокида кечадиган кимёвий реакциялар натижасида тирик организмлар учун хавфли бўлган канцероген моддалар ҳосил бўлади.  $\text{NO}_2$  УБ-нурларни яхши ютиб олиш хусусиятига эга. У ҳавода мавжуд бўлган бошқа ифлослантирувчи моддалар (масалан, углеводородлар) билан кимёвий реакцияга киришиб, таркибида заҳарли моддаларни сақлаган фотокимёвий туман (смог) ларни ҳосил қиласи.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, атмосфера ҳавоси таркибида азот бирикмалари оксидлар  $\text{N}_2\text{O}$ ,  $\text{NO}$ ,  $\text{N}_2\text{O}_3$ ,  $\text{NO}_2$ ,  $\text{N}_2\text{O}_4$ ,  $\text{N}_2\text{O}_5$ ,  $\text{NO}_3$ ,  $\text{N}_2\text{O}_6$  шаклида мавжуд бўлиши мумкин. Уларнинг аксарияти атмосферада диссоциацияланиб,  $\text{NO}$ ,  $\text{N}_2\text{O}$ ,  $\text{N}_2\text{O}_3$  ни ҳосил қилиши мумкин. Ушбу оксидлар атмосферада кечадиган алмашинув реакциялари ва жараёнларида ҳал қилувчи рол уйнайди.

**128. Қайси моддалар таркибида азот оксиди күпроқ бұлади?**

**129. Йилига неча тонна азот бирикмаларни олиш мүмкін?**

Нефт таркибида таҳминан  $2,5 \cdot 10^8$  тонна азот ёки  $5 \cdot 10^9$  тонна органик азот бирикмалари (пиридинлар, хинолинлар, карбозоллар, порфириналар, турли олтингүргүрт ва азот ва кислород сақлаган бирикмалар) мавжуд. Нефт қазиб олишда йилига қарийб  $2 \cdot 10^9$  тонна азот органик бирикмалар олиш мүмкін.

Атмосферанинг қуи қатламларида ёқилғиларнинг ёниши туфайли йилига 50 млн тонна азот оксидлари ( $\text{NO}$  ва  $\text{N}_2\text{O}$ ) ҳосил бұлади. Кимё саноатида эса турли моддаларга ишлов бериш ёки уларни ҳосил қилишда йилига 2,4 млн тонна ушбу оксидлар ҳосил бұлади.

**130. Азот оксиди миқдорини қандай қилиб камайтириш мүмкін?**

Иссиқлик электр станцияларидан ва қозонхоналардан азот оксидларини ажралиб чиқишини (эмиссиясини) камайтириш учун бир бир нечта горелкаларни үчириб қўйиш ва ортиқча ҳаводан тўлиқ фойдаланиш, уларни ярусларга ёки алоҳида горелкаларға тұғри тақсимлаш йўли билан эришилади. Ёниш жараёнини тұғри ташкиллаштириш ва ортиқча ҳавони тұғри тақсимлаш йўли билан  $\text{NO}_x$  ташланмалари миқдорини 10-40 % гача камайтириш мүмкін. Табиий газ ёки тошқұмир билан ишлайдиган йирик қозонлар  $\text{NO}_x$  миқдорини 40 % га камайтириш имконини беради.

Тутун газларни азот оксидларидан тозалаш мақсадида күйидаги 2 та технологиялардан құлланилади.

**1. Селектив каталитик қайта тиклаш технологияси.**

## **2. Селектив нокаталитик қайта тиклаш технологияси.**

Бунда аммиақдан, аммиакли сувдан ва мочевинадан қўлланилади. Ушбу технологияларнинг ишилаш самарадорлиги ниҳоятда катта. Масалан, селектив каталитик қайта тиклаш технологияси  $\text{NO}_x$  ташланмаларини 90 % га камайтириш имконини беради. Ушбу технологияларнинг яна бир афзалиги шундаки, тутун газларни тозалашда йўлакай моддалар ажралиб чиқмайди, чунки  $\text{NO}$  аммиак билан ўзаро таъсирланиб, заарсиз сув буғлари ва тоза азот  $\text{N}_2$  ҳосил қиласди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ажралиб чиқадиган тутун газларнинг миқдори ёқилгининг турига ва сифатига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, ёниш камерасини такомиллаштирасдан туриб, сифатсиз ёқилғидан фойдаланиш экранларни шлакланишига (яъни, қасмоқланишига), коррозияга (емирилишига) ёки ёқилгини тўлиқ ёнмаслиги туфайли исрофининг қўпайишига олиб келиши мумкин.

### **131. Азот оксиди ва унинг таъсирида заҳарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Азот оксиди ( $\text{NO}, \text{NO}_2, \text{NO}_3, \text{N}_2\text{O}_3, \text{N}_2\text{O}_4$ ) олtingутурт ва углерод оксидларига нисбатан анча заҳарлироқдир. Атмосфера ҳавосига асосан азот қўш оксиди ( $\text{NO}_2$ ) чиқарилади. У рангиз ва ҳидсиз заҳарли газ бўлиб, нафас олиш йўлларига кучли таъсир этади. Унинг ҳаводаги РЭЧК си 0,04 мг/м<sup>3</sup>ни ташкил этади.

Ҳаво таркибидаги азот оксидининг углерод оксидига нисбатан фарқли томони шундан иборатки, у чиқинди газлар билан реакцияга киришиб, фотокимёвий туман, яъни смогни вужудга келтиради.

Одатда, турли заарли газлар ва чанглардан таркиб топган қуюқ туманларга, смог дейилади.

Енгил йуталнинг пайдо булиши ҳаво таркибида азот оксидининг меъёридан кўпроқ йиғилиб қолганлигидан далолат беради. Агар ҳаво таркибида азот оксидининг концентрацияси юқори бўлса, унда кучли йутал, бош оғриши ва қусиш пайдо бўлади.

Азот оксида ҳаво таркибидаги сув буғлари билан реакцияга киришиб, азот кислота ( $HNO_3$  ва  $HNO_2$ ) ларни ҳосил қиласди. Улар кўзга ва ўпкага кучли таъсир этади.

Азот оксидининг яна бир фарқли томони шундан иборатки, у аzon ( $O_3$ ) гази билан реакцияга киришиб (тўқнашиб), азот қўш оксидини вужудга келтиради, яъни:



Умуман олганда, азот қўш оксида озон қатламининг эмирилишига кучли салбий таъсир этади. Демак, азот оксидининг ҳаводаги РЭЧК сини сақлаб қолиш катта экологик аҳамиятга эга.

### 132. Углеводородлар ва уларнинг таъсирида заҳарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?

Шуни ёдда тутиш керакки, кимёвий формуласи фақатгина углерод ва водороддан таркиб топган газлар ва суюқликлар, углеводородлар деб аталади.

Углеводородлар турухига бензин, керосин, мазут, нигрол, пентан, бутан, этан, гептан, гексан ва бошқа газлар ва суюқликлар киради. Улар заҳарли моддалар булиб, инсон организмига кучли таъсир этади. Уларнинг ҳаво таркибидаги кичик концентрациялари бош оғриги ва бош айланиши каби касалликларни келтириб чиқаради. Масалан, бензин нафақат ёнилғи сифатида, балки лок ва бўёқларни эритувчи сифатида ҳам қулланилиши мумкин. Агар ҳаво таркибида бензин буғларининг микдори унинг РЭЧК си ( $100 \text{ мг}/\text{м}^3$ ) дан ошиб кетса ва киши 8 соат иш давомида ушбу ҳаводан нафас олса,

унда йутал пайдо булиб, бош оғриғига дучор булиши мүмкін.

#### **4.5. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг сувга ва иқлимга таъсири (133-136)**

##### **133. Водород олтингугурт таъсирида заҳарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Водород олтингугурт ( $H_2S$ ) газидан айнигандан тухум ҳиди келиб туради. Унинг ҳаво таркибидаги микдори ошиб бориши бош айланишига, қусиш ва дармонсизланиш ва ҳидни сезиш қобилиятини пасайишига олиб келади. Водород олтингугурт (сулфид) ( $H_2S$ ) олтингугурт ҳосиласи булиб, биоген моддалар гурухига киради. Атмосфера ҳавоси мана шу газ билан сунъий равишда кимёвий ифлосланмоқда. Инсон фаолияти туфайли йилига қарийб 3 млн тонна водород сулфид ажралиб чиқади. У ўта заҳарли газ булиб, унинг ҳавода рухсат этилган чегаравий концентрацияси 0,008 мг/м<sup>3</sup> га тенг.

##### **134. Фтор бирикмалари таъсирида заҳарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Фтор гази ва фторид кислота (HF) фторли бирикмалар гурухига киради. Уларнинг ҳаво таркибидаги РЭЧК си 0,02 мг/м<sup>3</sup>ни ташкил этади. Бу бирикмаларнинг таъсири натижасида бурундан қон келади, тишлар ва умуман сұяклар емирилиши мүмкін, бұқоқ касаллиги пайдо бұлади, ошқозон-ичак касаллуклари күпаяди.

Хозирги пайтда Тожикистан Республикаси Турсынзода шаҳри ҳудудида жойлашган алюминий заводидан ажралиб чиқаёттан чиқындар (хусусан, фторли бирикмалар) Сурхондарё вилояти Бойсун, Денов, Узун ва Олтинсой

туманларида яшаб келаётган аҳоли учун катта ҳавф түғдирмоқда.

### **135. Құрғошин бирикмалари таъсирида захарланишнинг салбий оқибатлари нималардан иборат?**

Құрғошин ва унинг бирикмалари ниҳоятда захарли моддалар гурухига киради. Улуғ бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино сув оқадиган найларга катта аҳамият берип, «**құрғошин қувурдан оққан сув ҳавфлидир!**» деб, беҳуда айтмаганлар.

Құрғошин бирикмаларининг ҳаво таркибидаги РЭЧК си  $0,0003 \text{ mg/m}^3$  ни ташкил этади. Атмосфера ҳавоси таркибидә құрғошин бирикмалари миқдорининг ортиши асабға, нафас олиш ва пешоб ҳайдаш йүлларига катта салбий таъсир күрсатади. Организмда гемоглобин миқдорини камайтиради. Құрғошин бирикмалари нафас олиш йүллари орқали организмга кириб бориб, унда қарийб **50%** унинг бирикмалари түпланади. Саноати ривожланган шаҳарларда унинг концентрацияси **5-38 mg/m<sup>3</sup>**ни ташкил этмоқда. Хусусан, улар мактаб ёшидаги болалар учун ниҳоятда ҳавфлидир.

### **136. Анорганик чангларнинг атмосфера ҳавоси таркибидаги РЭЧК си неча $\text{mg/m}^3$ ни ташкил этиши керак?**

Атмосфера ҳавоси таркибидә турли кимёвий хоссаларга эга бўлган чанглар мавжуд. Ёқилғиларни тўлиқ ёнмаганилиги туфайли **қоракуя** (сажа) пайдо бўлади. Унинг **90-95%** ни углерод заррачалари ташкил этади. Анорганик чангларнинг атмосфера ҳавоси таркибидаги РЭЧК си **0,05 mg/m<sup>3</sup>**ни ташкил этади. Қоракуя углеводородлар ва бенз (а) пирен каби заҳарли моддаларни **адсорбциялаш** (ютиб олиш) қобилиятига эга.

Захарли чангларнинг ўчамлари кичик (**0,5-10,0 мкм**) бўлганлиги учун, улар нафас олиш йүллари орқали тез организмга сингиб бориш хусусиятига эгадирлар. Шунинг

учун, улуғ Бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино минг йиллар олдин «чанг ва ғубор бўлмаганда, инсон минг йил яшар эди!» деб, бежиз айтмаган.

#### **4.6. Атмосфера ҳавоси ифлосланишининг иқтисодий заарлари (137-141)**

**137. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли турли касалликлар пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Аммо иқтисодий зарари нималардан иборат?**

Ҳар бир мамлакатнинг энг бебаҳо бойлиги-унинг халқидир. Дарҳақиқат, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида турли оғир касалликлар пайдо бўлмоқда. Аччиқ туман ва тутунлар таъсирида кўплаб инсонлар жисмоний ва руҳий касалликларга дучор бўлмоқдалар. Бу ниҳоятда йирик ва тиклаб бўлмайдиган иқтисодий заардир. Чунки, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли одамларга касаллик варақалари берилаяпти, уларнинг даволаниш учун сиҳатгоҳлар қурилайпти, ишга яроқсиз бўлиб қолганлар учун нафақа пуllibар тўланаяпти ва ҳаётдан куз юмгандар учун турли моддий ёрдамлар берилаяпти. Янги дори-дармонлар ва замонавий тиббий ускуналар сотиб олиш, дам олиш уйлари ва касалхоналарни таъмирлаш, уларни жихозлаш катта маблағларни сарфлашни тақозо этади. Бу ишларни амалга ошириш ҳар бир мамлакат учун катта иқтисодий заардир. Демак, йирик маблағларни сарфлашнинг ягона сабабчиси-атмосфера ҳавосининг ифлосланишидир.

**138. Чернобил Атом Электр Станциясида юз берган экологик фалокат тўғрисида нималарни биласиз?**

1986 йил 26 апрелда Чернобил АЭСида кутилмаган экологик фалокат юз берди: атмосфера ҳавоси радиоактив моддалар билан ифлосланди. Ушбу фожеанинг бартараф этишда 400 минг киши қатнашди. Шундан 7 минг киши

ҳаётдан кўз юмиб, 30 минг киши ногирон бўлиб қолди. Ҳозирги пайтда ярим миллион аҳоли фожиа юз берган худудларда яшаб келмоқда. Маълумотларнинг далолат беришича, ҳар бир минг кишидан фақатгина 11 киши соғлом экан. Радиациянинг кичик дозаси таъсирида Киев шаҳрида ва унга яқин жойлашган районларда онкологик касалликларнинг миқдори 20 маротаба ошган. Украинада 1992 йилдан кейин 146 минг 272 носоғлом чақалоқлар дунёга келган. Бу бутун дунё миқёсида мисли кўрилмаган фожиадир!

Бизнинг республикамиздан ҳам ушбу фалокат оқибатларини бартараф қилиш ишларига кўпгина мутахассислар, муҳандислар, шифокор ва кимёгарлар, аскарлар ва оддий ишчилар фаол қатнашдилар. Ҳозирги пайтда уларга нафақа берилади. Бу нафақат Украина, Беларус ва Россия учун, балки бизнинг республикамиз иқтисодиёти учун ниҳоятда катта, тиклаб бўлмайдиган иқтисодий заардир. Шунинг учун 2000 йил 15 декабря Украина радаси (парламенти) Чернобил АЭС ни ёпишга қарор қилди.

### **139. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли қишлоқ хўжалиги кўраётган иқтисодий заарни қандай изоҳлаш мумкин?**

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли қишлоқ хўжалиги катта иқтисодий заар кўрмоқда. Масалан, йирик саноат корхоналари, металлургия, кимё ва тоғ-кончилик корхоналари атрофида (5 км радиусда) экилган қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги 25-30% га, уларнинг сифат кўрсаткичлари эса 40-60 % га пасайиб бормоқда. Ҳусусан, алюминий ишлаб чиқариш заводларидан атмосфера ҳавосига меъёридан ортиқ чиқарилаётган заҳарли фторли бирикмалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари (анжир, анор, олма ва б.) га ва уларнинг сифатига салбий таъсир қиласяпти. Саноати ривожланган шаҳарларда усимликларнинг ривожланиши сусайиб, баъзи

даражтларнинг яшаш муддати кескин қисқармоқда. Маълумотларнинг далолат беришича, қайрооч дарахти табиий шароитда 350-400 йил умр кўрса, шаҳар хиёбонларида 120-220 йил, серқатнов автомагистрал йўллари атрофида эса, ҳаммаси булиб 40-50 йил умр кўрар экан.

Серқатнов автомобил йўллари атрофида этиштириладиган полиз ва сабзавот маҳсулотлари таркибида кўргошин бирималарининг миқдори унинг ҳаводаги РЭЧКидан ( $0,0003 \text{ мг}/\text{м}^3$ дан) 5-20 маротаба кўпроқ тўпланади. Буларнинг барчаси оқибатда катта-катта иқтисодий маблағларни сарфлашни тақозо этаяпти.

#### **140. Смог деганда, нимани тушунасиз ва унинг таъсиридан кўриладиган иқтисодий зарар нималардан иборат?**

Одатда, турли заарали газлар ва чанглардан таркиб топган қуюқ туманларга, смог дейилади.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида пайдо бўладиган тутунлар ва аччиқ туманлар таъсиридан транспорт воситалари (автомобиллар, тракторлар, самолёт ва вертолётлар) коррозияга учраб, уларнинг ҳаракатланиши қийинлашади. Уларнинг таъмирлаш ва янгисига алмаштириш катта маблағларни сарфлашни тақозо этади.

Маълумотларнинг далолат беришича, фақат 1992 йилда АҚШ да атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли 20 маротаба самолётларнинг шикастланиши (аварияси) содир бўлган. 2004 йилда Буюк Британиянинг З та магистрал йўлларида пайдо бўлган смогнинг салбий таъсири туфайли 350 та автомобил ҳалокати содир бўлган.

#### **141. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, саноат корхоналаридаги асбоб-ускуналарга ва қадимий обидаларга қандай салбий таъсир кўрсатиши мумкин?**

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши туфайли саноат корхоналаридаги асбоб-ускуналар, қурилма ва иншоотлар, технологик жараёнлар катта зарар кўрмоқда. Улардан фойдаланиш муддати қарийб 1,5 маротаба қисқармоқда. Материалларнинг тез-тез емирилиши, яъни коррозияга учрашиши ачинарли ҳол бўлиб қолмоқда.

Маълумотларнинг далолат беришича, саноати ривожланган шаҳарларда асбоб-ускуналар ва қурилмаларнинг коррозияга учрашиш тезлиги саноати ривожланмаган шаҳарларга қараганда 3 баробар, қишлоқ жойларга нисбатан 20 баробар, алюминийда эса 100 баробар ошмоқда.

Чанг, қурум, тутун, аччиқ туман ва аралашма газларнинг таъсирида кийим-кечаклар, лок-бўёқ маҳсулотлари, электр асбоб-ускуналарнинг изоляцияси, бино ва иншоотлар ва хусусан, қадимий ёдгорликлар нураб қоляпти. Мармар, гранит, бронза, пишиқ ва хом ғиштлардан бунёд этилган иншоотлар ва қадимий обидалар емирилаяпти. Уларнинг таъмибраш, янгисига алмаштириш ёки янгидан қуриш катта иқтисодий маблағларни сарфлашни тақозо этади.

Бундан ташқари, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши яримутказгичлар асосида ишлаб чиқарилган ниҳоятда сезгир ва аниқ электрон асбоб-ускуналарнинг самарали ишлашига катта салбий таъсир кўрсатмоқда. Тиббиёт соҳаларида ниҳоятда тоза вакцина ва антибиотиклар ишлаб чиқариш ишлари қийинлашиб бормоқда. Шунинг учун атмосфера ҳавоси ифлосланган бир қатор мамлакатлар (АҚШ, Олмония, Япония ва бошқа мамлакатлар) да вакцина ва антибиотиклар, яримутказгичлар ва электрон асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш корхоналари ҳавоси тоза бўлган тоғли минтақаларда қурилмоқда. Бу ишлар, ўз навбатида,

құшымча иқтисодий ҳаражатлар (йүл қуриш, турар жой биноларни қуриш, маҳаллий майший-коммунал қулайликлар яратиш, бөгча, мактаб, тиббий хизмат күрсатиши инфратузилмаларни яратиш) ни талаб этади.

#### **4.7. Атмосфера ҳавосининг табиий тозаланиши ва уни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар (142-144)**

##### **142. Атмосфера ҳавоси ўз-ўзини табиий ҳолда қандай тозалаши мүмкин?**

Дарҳақықат, атмосфера ҳавоси ўз-ўзини табиий тозалаш хусусиятига эга. Шамол, ёғингарчиликлар, яшил үсимликлар, тупроқ таркибидаги микроорганизмлар атмосфера ҳавосининг табиий ҳолда тозаланишига ніхоятда катта рол үйнайды.

Ёғингарчиликлар ҳаво таркибидаги ифлос моддаларни ювіб туради, шамол эса, ифлослантирувчи моддаларни бир жойдан иккінчи жойга күчиради. Сув ва тупроққа тушиб қолған ифлос моддалар маълум вақт ўтгандан сұнг кимёвий реакциялар натижасыда нейтраллашиб қолади. Бұ жараёнларнинг барчаси табиий ҳолда кечади. Агар атмосферада ўз-ўзини тозалаш жараёнлари кечмаганда эди, Ер шарыда ҳаво ніхоятда ифлосланиб, ҳаёт кекириш учун катта хавф вужудға келған бұлар эди.

##### **143. Сизнинг фикрингизча, атмосфера ҳавосининг табиий тозаланишини таъминлаш учун нималар қилиш керак?**

Аввало, шуни таъкидлаш керакки, атмосфера ҳавоси таркибини секін (соатига 2 мм) ёқсан ёмғир 28% га, үсимликлар 70% га, қор эса 80-90% га тозалайды. Аммо

табиий ҳолда ёғингарчиликни вужудга келтириш ниҳоятда қийин ва ҳаддан ташқари тез-тез ёғадиган ёмғир ва қор ҳам, дәхқончилик ишларига катта салбий таъсир құрсатиши мүмкін. Шунинг учун атмосфера ҳавосининг табиий тозаланишининг эңг самарали таъминлаш йўли-бу яшил үсимликлар ва дараҳтзорлар майдонини кенгайтиришdir. Фикримизнинг исботи учун илмий маълумотларга мурожаат этамиз.

Бир қаторли дараҳтзорлар атмосфера ҳавосини 10% га, икки қаторли дараҳтзорлар эса, 65% га тозалайди. Бир гектар майдондаги ўрмон дараҳтларининг барглари атмосфера ҳавосини 2 тонна аммиакдан ва 80 тонна олтингугурт оксидини тозалаш қобилиятига эга.

Атмосфера ҳавосини тозалашда тол дараҳтлари эңг яхши тозалагич ҳисобланади. Бир гектар толзорлар 3-4 гектар қорағай ва арчазорларнинг тозалаш қобилиятига тенг тозалаш қобилиятига эга.

Яшил үсимликлар ифлос ҳавони филтрлайди, барглари чангни ушлаб қолади, ҳаво ҳароратини пасайтиради ва, эңг муҳими, карбонат ангирид ( $CO_2$ ) ни ютиб олиб, фотосинтез жараёнлари туфайли кислород чиқаради. Яшил үсимликлар, шу жумладан, дараҳтзорлар 60% сулфат ангиридини ва 80% чант заррачаларни ушлаб қолиш қобилиятига эга.

**Бўйи 25 метрли 80-100 ёшли битта буқ дараҳти соатига 2 кг  $CO_2$  ни ютиб олиб, 2 кг  $O_2$  чиқаради.**

Бир гектар қарағайзор 687 тонна  $CO_2$  ни ютиб олиб, 18 млн м<sup>3</sup> ифлосланган ҳавони тозалаш қобилиятига эга.

30 туп арча дараҳти 10 кишини, 1 гектар арчазор эса, 300 кишини соғ кислород билан таъминлайди. Бундан ташқари, бир гектар арчазор катта бир шаҳар аҳолиси нафас оладиган ҳавони тозалашга этадиган фитонцид

**моддасини** ишлаб чиқаради. Фитонцид моддаси (ферменти) эса юқумли касалликларни тарқатувчи микроблар ва бактерияларни йўқотиш хусусиятига эга. Агар **1 м<sup>3</sup>** ўрмон ҳавосининг таркибида **100-300** та микроб ва бактериялар мавжуд бўлса, саноат корхоналари атрофидаги ҳавонинг таркибида уларнинг миқдори **10 минг** донадан кўпроқдир.

Арча ўзидан хушбўй ҳид тарқатиш билан бирга, фитонцид ажратиб чиқаради ва ҳаво таркибини тури микроблардан яхши тозалайди. Шунинг учун арчазорларнинг ҳавоси, саноати ривожланган шаҳарларнинг ҳавосига қараганда **200 маротаба** тозароқдир.

Ҳозирги пайтда Бухоро вилоятининг барча туманларида, хусусан Пешкӯ ва Ромитан туманлари марказида арчазорлар барпо этилди. «Универсиада-2000» ёшлиар спорти ўйинларини Бухорода ўтқазилиши муносабати билан 1999-2000 йиллар давомида шаҳарда арчазорларни янада кўпайтиришга киришилган эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дарахтзорлар ва яшил ўсимликлар атмосфера ҳавосини тозалашдан ташқари, инсонга психофизиологик таъсир этиб, унга эстетик завқ ҳам бағишилайди.

Бундан ташқари, тупроқ таркибидаги микроорганизмлар ҳам атмосфера ҳавосини заҳарли чиқиндилардан самарали тозалаш хусусиятига эга. Бир гектар майдонда яшовчи мана шундай микроорганизмлар **8 тоннагача** углерод, азот ва олtingутурт оксидларини зарарлантириш қобилиятига эга.

Шуни унутмаслик керакки, «Атмосфера ҳавоси ўз-узини табиий ҳолда тозаланар экан!», деб хотиржам бўлиш ниҳоятда катта салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, чунки ҳозирги пайтда атмосфера ҳавосининг сунъий

ифлосланиши унинг табиий тозаланишига нисбатан устунык қилмоқда.

#### **144. Атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланишини олдини олиш учун нималар қилиш керак?**

Хозирги пайтда атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланишидан муҳофаза қилиш ва унинг самарали тозалаш усулларини амалга жорий этиш, бугунги куннинг энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган вазифалариданdir.

Атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланишини олдини олиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

**1.** Аввало, саноат корхоналарида чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни жорий этиш, шунингдек, замонавий тозалаш иншоотлари ва қурилмаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Хозирги пайтда республикамиз миёсида мингдан ортиқ катта-кичик саноат корхоналари мавжуд. Аммо улардаги тозалаш қурилмалари (циклонлар, скруберлар, фільтрлар, адсорбентлар ва катализаторлар) эскириб қолганлиги ва тўла қувватлар билан ишламаганлиги туфайли атмосфера ҳавосига қимматбаҳо хом-ашёлар чиқарилиб ташланмоқда. Масалан, кимё саноати ишлаб чиқариш корхоналаридан йилига 20-25 минг тонна азот ва олtingутурт оксидлари, 40-50 минг тонна углерод оксиidi ва 120 минг тонна углеводородлар атмосфера ҳавосига чиқарилади. Маълумотларга қараганда, Олмалиқ ва Бекобод металлургия корхоналаридан йилига атмосфера ҳавосига 220 минг тонна ифлослантирувчи моддалар чиқарилмоқда ва унинг 90% ни олtingутурт оксиidi ташкил этмоқда. Ҳолбуки,

**1 тонна олтингугуртдан 3 тонна** суlfат кислотаси ва бошқа маҳсулотлар олиш мүмкін.

Бухоро ун комбинатидан **йилига 150 тонна** ун чанглари, газ саноати корхоналаридан **100 млн м<sup>3</sup>** табиий газ, пахта тозалаш заводларидан қарийб **500 тонна** чанг ва калта толалар, гипс заводидан эса, **3 минг тонна** гипс чанглари атмосфера ҳавосига чиқарилаяпты. Агар мана шу хомашёлар ушлаб қолинса, нафақат иқтисодий фойда күриш мүмкін, балки атроф-мухит мусаффолиги ҳам зарар күрмаган бўлур эди.

**2.** Металлургия ва иситиш тармоқларидағи ўчоқларда кўмир, мазут ва бошқа ёқилғи турлари ўрнига электр энергияси ва газлардан фойдаланиш атмосфера ҳавосини сунъий ифлосланишини олдини олишга катта кўмак беради.

Агар кўмир билан ишлайдиган корхоналар газга ўтказилса, атмосфера ҳавосига чиқариладиган азот оксидининг миқдори **5 маротаба**, углерод оксиdi **2 минг маротаба**, олтингугурт оксиdi эса **10 минг маротаба** камаяди.

**3.** Саноат корхоналаридағи дудбуронлар (мўрилар) ни баландроқ қуриш ва хусусан, санитария-химоя минтақасини кўкаlamзорлаштириш атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланишини олдини олишга катта ёрдам беради.

Мўридан чиқадиган аралашма газлар, чанглар, аэрозоллар, тутунлар ва буғлар шамол таъсирида ер сатҳига келиб тушади. Агар мўри (кувур) нинг баландлиги юқори бўлса, ундан чиқиб ерга тушадиган ташланмаларнинг миқдори шунча кам бўлади.

**4.** Атмосфера ҳавоси мусаффолигини сақлашда автотранспорт воситаларидан чиқадиган заарли газлар

микдорини камайтириш ва хусусан, бензин ўрнига газдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотларга қараганда, 1990 йилда Тошкент шаҳрида автотранспорт чиқиндилари 90% ни ташкил этган.

5. Саноат корхоналарида чиқиндисиз, кам чиқиндили ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш атмосфера ҳавоси мусаффолигини сақлашда катта ёрдам беради.

6. Саноат корхоналарида амалдаги меъёрий ҳужжатлар (давлат стандартлари, тармоқ стандартлари, санитария-гиена меъёрлари ва қоидалари) ва хусусан, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг амалда бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиб бориш ҳам бу масаланинг ечимини осонлаштиради.

Хозирги пайтда тозалаш қурилмалари ва иншоотларининг эскириб қолганлиги ва тұла қувват билан ишламаслиги туғайли заарали моддаларнинг меъёрий ҳужжатларда күрсатылған микдори даражасида камайтириш анча қийин бұлайпти. Ҳар ҳолда атмосфера ҳавоси мусаффолигини сақлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бұлмоғи лозим!

## V-БОБ. Атмосфера ҳавосини тозалаш усуллари

### 5.1. Ҳавони чангдан тозалашнинг мақсадлари, усуллари воситалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари (145-159)

**145. Чанглар, аэрозоллар, уларнинг турлари ва таснифи ҳақида маълумот беринг. Қайси мақсадлар учун атмосфера ҳавоси тозаланади?**

Ҳаво ёки газ таркибидаги қаттиқ заррачаларга, чанг дейилади. Чанг заррачаларининг үлчами 5-10 мкм атрофида бўлиши мумкин. Уларни келиб чиқиш сабабларига кўра 2 гурухга бўлиш мумкин.

**1. Табиий чанглар**, яъни инсон таъсирисиз ҳосил бўладиган чанглар. Бу гурухга ер устки қатламининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши натижасида пайдо бўладиган чанглар, шамол таъсирида пайдо бўладиган чанглар, ўсимлик ва ҳайвонот оламида пайдо бўладиган чанглар, вулканлар отилиши натижасида пайдо бўладиган чанглар, коинот чанглари ва бошқа табиий чанглар киради.

**2. Сунъий чанглар**, яъни саноат корхоналарида ва қурилишда инсоннинг бевосита таъсири натижасида ҳосил бўладиган чанглар.

Бу гурухга қурилиш саноатида, ер қазиши, бетон қориш ишларида цемент, оҳак ишлаб чиқариш, енгил саноати ва кимё саноатида пахтага ишлов бериш пайтида ажralиб чиқадиган чанглар киради. Бу чангларни ҳавога тарқалиб кетиши атроф-мухитни ифлосланишига ва турли касалликларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлади.

Кимёвий ва минералогик таркибида қараб, чанглар қуийдаги 5 асосий гуруҳларга бўлинади.

**1. Органик чанглар.** Бу гурухга ёғоч, кўмир, торф, ўсимликлар ва ҳайвонот чанглари (масалан, пахта, пилла,

қоғоз ва бошқа хом-ашёларга ишлов бериш пайтида ҳосил бұладиган чанлар) киради.

**2. Анорганик чанглар.** Кварц, сопол, мармар, цемент, оқак, тупроқ, маъданлар ва бошқа материалларга ишлов бериш пайтида ҳосил бұладиган чанглар ушбу гурұхға киради.

**3. Заҳарли чанглар.**

**4. Портловчи чанглар**

**5. Ёнувчи чанглар**

Заррачаларнинг ўлчамига қараб, чанглар 3 гурұхға бүлинади.

**1.Күзга күринувчи чанглар.** Бундай чанг заррачаларнинг ўлчами 10 мкм дан катта бўлиб, улар ўз оғирлиги билан bemalol чўка олади.

**2.Микроскопик чанглар.** Уларнинг ўлчами 0,25 - 10,0 мкм атрофика бўлиб, ерга аста-секинлик билан чўкиши мумкин.

**3. Ултрамикроскопик чанглар.** Ўлчами 0,25 мкм дан кичик бўлган бу чанглар ҳавода муаллақ туради ва уларни электрон микроскоплар ёрдамида кўриш мумкин.

Ўлчами 10 мкм дан кичик дисперс системаларга, аэрозоллар деб аталади. Чанг ва аэрозолларнинг ўлчами қанча кичик бўлса, улар нафас олиш йўллари орқали организмга тез сингиб боради.

Чанг заррачаларининг солиштирма юзалари катталиги туфайли улар тез ёнувчан ва портлаш хусусиятига эга. Агар юзаси  $1 \text{ см}^2$  га teng бўлган қаттиқ жисмни юзалари  $0,1 \text{ мкм}^2$  ни ташкил этадиган кубларга бўлсак, унда кубларнинг умумий ён юзалари  $6 \text{ см}^2$  дан  $60 \text{ м}^2$  гача бўлиши мумкин. Демак, чанг заррачаларининг ҳаракатланишига уларнинг ўлчами, массаси, зичлиги ва солиштирма юзаси катта таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида  $1 \text{ м}^3$  ҳаво таркибида 100 мг ва ҳатто ундан ҳам ортиқ чанг заррачалари бўлиши табиий ҳолдир. Шунинг учун газ, буғ ва чангарнинг ҳавфлигига қараб, иш жойларида уларнинг ҳаводаги рухсат этилган чегаравий концентрация (РЭЧК) лари белгилаб қўйилган бўлади. Чангарнинг кимёвий таркибига қараб, иш жойлари учун  $10/\text{м}^3$  гача ва аҳоли яшайдиган ҳудудлар учун эса  $0,5 \text{ мг}/\text{м}^3$  гаса РЭЧК лари белгиланган.

Агар ҳаво таркибида углерод оксидининг миқдори 50, 100 ва  $200 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этса, унда ишчига мос равища 1 соат, 30 дақиқа ва 15 дақиқа ишлашга ижозат берилади.

Курилиш саноатида ишлатадиган цемент таркибида хром (VI) мавжуд Унинг ҳатто 0,001 % миқдорда мавжудлиги аллергия касаллигини қўзғатади. Хромдан терини ошлашга ҳам кенг қўлланилади. Демак, корхоналарда заарали моддаларнинг РЭЧК ларига аҳамият бериш катта аҳамиятга эга.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, корхоналарда чангли ҳаво ёки газларни тозалаш учун чанг заррачаларининг табиатини ва ўлчамларига қараб, тозалаш усули ва қурилмалари танлаб олинади.

Маълумки, ишлаб чиқариш корхоналарида материалларни янчиш, аралаштириш, узатиш ва қуритиш жараёнларида заррачаларининг ўлчами 3-70 мкм атрофида бўлган чанглар пайдо бўлади. Ёқилғиларни ёқиш пайтида тутунлар, буғларни коденсациялашда эса туманлар пайдо бўлади. Тутун ва туманлар таркибидаги қаттиқ ва суюқ заррачаларнинг ўлчами 0,3 – 5,0 мкм атрофида бўлиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, заарали модданинг инсон организмига сингиб бориши турли касалликларни пайдо бўлишига сабабчи бўлади. Шунинг учун атмосфера ҳавосини тозалаш катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда атмосфера ҳавосининг сунъий ифлосланиши инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг табиий ифлосланишидан устунлик қилмоқда. Бу эса атмосфера ҳавосини тозалаб туришни тақазо этади.

### **Атмосфера ҳавоси 3 та асосий мақсадларда тозаланади.**

1. Атмосфера ҳавосининг ифлосланишини камайтириш, яъни ҳаво таркибидағи заарли модданинг миқдори унинг рухсат этилган чегаравий концентрация (РЭЧК) сидан ошиб кетмаслигини таъминлаш учун.

2. Ҳаво ёки аралашма газлар таркибидан қимматбаҳо маҳсулотларни ажратиб олиш учун.

3. Технологик жараёнларга салбий таъсир этувчи ва асбоб-ускуналар, ҳамда қурилмаларнинг бузулишини тезлаштирувчи моддаларни ҳаво ёки газ аралашмалари таркибидан ажратиб олиш учун.

### **146. Атмосфера ҳавосини қайси усуllар билан тозалаш мумкин?**

Саноат корхоналарида ҳаво ёки газларни бошқа аралашмалардан тозалаш учун қуйидаги усуllардан фойдаланади.

1. Оғирлик кучи таъсирида чангни чўктириш.
2. Марказдан қочма кучлар таъсирида чангни чўктириш.
3. Электр кучлари таъсирида (электр майдонида) чангни чўктириш.
4. Чангли ҳавони фильтраш.
5. Чангли ҳаво ёки аралашма газларни ювиш йўли билан тозалаш.
6. Чангли ҳаво ёки заҳарли газларни адсорбциялаш (адсорбентлар ёрдамида ютиб олиш) йўли билан тозалаш.

## 147. Атмосфера ҳавосини ёки газ аралашмаларини тозалаш учун қандай тозалаш қурилмаларидан фойдаланиш мумкин?

Ҳаво ёки газларни зарарли аралашмаларидан тозалаш учун қуийдаги тозалаш қурилмаларидан фойдаланиш мумкин.

1. Чанг чўктириш камералари.
2. Циклонлар.
3. Скрубберлар (шу жумладан, Вентури скруббери).
4. Уюрмали чанг ушлагичлар.
5. Ротацион қурилмалар.
6. Қаттиқ материаллардан тайёрланган филтрлар.
7. Электр филтрлари ва ҳоказо.

## 148. Тоза ҳаво деб нимага айтилади?

Агар ҳаво таркибидаги зарарли модда (масалан, чанг) нинг миқдори РЭЧК сининг 30% ни ташкил этса, унда ҳаво тоза ҳисобланади. Акс ҳолда ҳаво тоза ҳисобланмайди. Масалан, ҳаво таркибида углерод оксиди мавжуд бўлиб, ҳавони ушбу газдан тозалаш керак бўлади. Маълумки, CO нинг ҳаво таркибидаги РЭЧК си  $5 \text{ мг}/\text{м}^3$  га tengdir. Юқорида келтирилган таърифга асосан пропорция тузамиз:

$$\begin{aligned} 5 \text{ мг}/\text{м}^3 & - 100\% \\ x & - 30\% \end{aligned}$$

$$X = \frac{5 * 30}{100} = 1,5 \text{ мг}/\text{м}^3$$

Ушбу ҳисоб – китобдан хulosha шуки, ҳавони CO дан тозалангандан кейин, унинг таркибида CO нинг концентрацияси  $1,5 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этган бўлса, бу РЭЧК сининг 30% ни ташкил этади, демак ҳаво ушбу газдан

тозаланган ва у инсон ҳаёти, үсимликлар ва ҳайвонот дунёси учун заарсиз ҳисобланади.

#### 149. Тозалаш қурилмасининг ишлаш самарадорлигини қандай ҳисоблаш мумкин?

Тозалаш қурилмасининг ишлаш самарадорлиги деганда, ҳаво таркибидаги чангни қанча миқдори қурилмада ушлаб қолинганилиги тушунилади. Масалан, тозалаш қурилмасига  $m_1$  кг чангли ҳаво кириб, унда  $m_2$  кг чанг заррачалари ушлаб қолинди. Қурилманинг ишлаш самарадорлиги  $\eta$  қуйидаги формула билан % ларда ҳисобланади:

$$\eta = \frac{m_2}{m_1} * 100\% \quad (5.1)$$

Агар ҳаво таркибидаги чангнинг концентрацияси маълум бўлса, унда тозалаш қурилмасининг ишлаш самарадорлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$\eta = \frac{Ck - Co}{Ck} * 100\% \quad (5.2)$$

бу ерда Ск - қурилмага киритаётган чангли ҳаво таркибидаги чанг заррачаларининг концентрацияси,  $\text{мг}/\text{м}^3$ ; Со - тозаланган ҳаво таркибидаги чанг заррачаларининг концентрацияси,  $\text{мг}/\text{м}^3$ .

#### 150. Атмосфера ҳавосини тозалаш қурилмасини қандай танлаш мумкин?

Муҳандислик амалиётидан маълумки, чангли ҳаво таркибидаги кичик заррачаларни битта тозалаш қурилмаси (масалан, циклон ёки скруббер) ёрдамида бутунлай ажратиб олиш ниҳоятда қийин. Шунинг учун тозалаш қурилмасини танлаб олиш учун, аввало, ҳаво таркибидаги чанг заррачаларининг ўлчамларини, чанг турини ва унинг кимёвий таркибини билиш керак. Аммо чангнинг ушбу

күрсаткичларини аниқлаш күп вақтни ва ниҳоятда мураккаб тизимга зәга бұлған физик-кимёвий усуллардан фойдаланишини талаб этади.

Шунинг учун амалда тозалаш жараёнлари босқичма – босқич амалга оширилади. Яғни, аввал чанг چүктириш камералари ёрдамида катта заррачалар چүктириледи, сұнгра кичик заррачалар электр филтрлари ёрдамида ушлаб қолинади (чангли ҳаво филтрланади). Натижада ҳавони тозалаш даражаси 95% дан күпроқ булишига эришиледи.

**151. Агар чангли ҳаво босқичма – босқич тозаланса, унда тозалаш қурилмаларининг умумий ишлеш самарадорлиги қандай ҳисобланади?**

Агар чангли ҳаво босқичма – босқич, яни иккі ва ундан зиёд тозалаш қурилмалари ёрдамида тозаланса, унда ҳар бир құлланилған қурилманинг ишлеш самарадорлиги ҳавони тозалаш даражаси ( $\pi$ ) билан аниқланади.

$$n = \frac{m_1 - m_2}{m_1} 100\% = \frac{V_1 C_1 - V_2 C_2}{V_1 C_1} 100\% \quad (5.3)$$

$m_1$ - тозаланмаган ҳаво таркибіда қаттық заррачаларнинг миқдори, кг;

$m_2$ - тозаланған ҳаво таркибидеги қаттық заррачаларнинг миқдори, кг;

$V_1$ - тозаланмаган ҳавонинг ҳажми,  $m^3$ ;

$V_2$ -тозаланған ҳавонинг ҳажми,  $m^3$ ;

$C_1$ - чангли ҳаво таркибидеги қаттық заррачаларнинг концентрацияси,  $kg/m^3$ ;

$C_2$ - тозаланған ҳаво таркибидеги қаттық заррачаларнинг концентрацияси,  $kg/m^3$ .

Шуни ёдда тутиш керакки, «ҳавони тозалаш даражаси» түшүнчеси ҳавони тозалаш учун құлланилған «қурилманинг

**ишлиш самарадорлиги» тушунчаси билан тенг маънода тушунилади.**

Агар чангли ҳаво иккита тозалаш қурилмаси ёрдамида тозаланса (масалан, аввал чанг чўқтириш камераси ёрдамида иирик заррачалар ушлаб қолинса ва сўнгра, электр филтр ёрдамида кичик заррачалар ушлаб қолинса), унда тозалаш қурилмаларининг умумий ишлиш самарадорлиги  $\eta_{ym}$  қуидаги формула билан % ларда ҳисобланади:

$$\eta_{ym} = [(\eta_1 + \eta_2) - (\eta_1 \eta_2)] * 100\% \quad (5.4)$$

Агар чангли ҳаво босқичма – босқич  $n$  маротаба тозаланса, ёки бир вақтнинг ўзида турли тозалаш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда тозаланса, унда тозалаш қурилмаларининг умумий ишлиш самарадорлиги  $\eta_{ym}$  қуидаги формула билан ҳисобланади:

$$\eta_{ym} = [1 - (1 - \eta_1) \cdots (1 - \eta_n)] * 100\% \quad (5.5)$$

(5.4) ва (5.5) формулаларда  $\eta_1, \eta_2, \dots, \eta_n$  - биринчи, иккинчи ва  $n$  босқичларда қўлланилган тозалаш қурилмасининг ишлиш самарадорликлари.

Масалан, биринчи босқичда чанг чўқтириш қурилмаси ёрдамида чангли ҳаво 60% га тозаланди. Иккинчи босқичда эса электр филтрлари ёрдамида чангли ҳаво 80% тозаланди. Қўлланилган тозалаш қурилмаларининг умумий ишлиш самарадорлиги топилсин.

Берилган:  $\eta_1 = 60\% = 0,60$

$\eta = 80\% = 0,80$

---

$$\eta_{ym} = ?$$

**(5.4) формуладан топамиз:**

$$\eta_{\text{шт}} = [(\eta_1 + \eta_2) - (\eta_1 \cdot \eta_2)] \cdot 100\% = [(0,6 + 0,8) - (0,6 \cdot 0,8)] \cdot 100\% = 92\%$$

(5.5) формула қуйидаги күриништега әга бұлади:

$$\begin{aligned}\eta_{\text{шт}} &= [1 - (1 - \eta_1) \cdot (1 - \eta_2) \cdot (1 - \eta_n)] \cdot 100\% = [1 - (1 - \eta_1) \cdot (1 - \eta_2)] \cdot 100\% = \\ &= [1 - (1 - 0,60) \cdot (1 - 0,80)] \cdot 100\% = 92\%\end{aligned}$$

Ушбу ҳисоб – китоблардан **хулоса** шундан иборатки, чангли ҳавони босқичмас – босқич тозалаш йўли билан юқори тозалаш даражасига эришиш мумкин. Яъни, чангли ҳавони босқичмас – босқич тозалашдан **асосий мақсад** – юқори тозалаш даражасига эришишдир.

### 152. Солиштирма юкланиш деб нимага айтилади?

Тозалаш қурилмасининг маълум вақт давомида (масалан, 1 соатда) чангли ҳавони ўтказиш қобилиятига, унинг солиштирма юкланиши дейилади.

Солиштирма юкланиш тозалаш қурилмаси орқали 1 соат вақт давомида  $1 \text{ m}^2$  филтрловчи материал юзасидан ўтадиган чангли ҳаво миқдорини ифодалайди ва  $\text{m}^3/\text{соат}$  ўлчов бирлиги билан аниқланади.

### 153. Чанг сигими деб нимага айтилади?

Чанг сигими тозалаш қурилмасининг  $1\text{m}^2$  сиртида ушлаб қолинган чанг массасини ифодалайди ва  $\text{kg}/\text{m}^2$  ўлчов бирлиги билан аниқланади.

### 154. Тозалаш қурилмасининг ишлаб чиқариши куввати деб нимага айтилади?

Ушбу кўрсаткич тозалаш қурилмаларининг вақт бирлигига қанча чангли ҳавони тозалаш қувватига эга эканлигини ифодалайди ва қуйидаги формула билан  $\text{m}^3/\text{с}$  ўлчов бирлигига аниқланади:

$$W = V * S \quad (5.6)$$

бу ерда  $V$  – тозалаш қурилмасидан чиқаётган тоза ҳаво оқимининг тезлиги, м/с.

$S$  – тозаланган ҳаво оқими чиқаётган қувурнинг кўндаланг кесим юзаси, м<sup>2</sup>.

### 155. Аэродинамик қаршилик деб нимага айтилади?

Аэродинамик қаршилик- жисмнинг чангли ҳаво ёки газдаги ҳаракатини сусайтирувчи аэродинамик кучdir. У чангли ҳаво ёки газ оқими тезлигининг квадратига, жисмнинг шакли ва кўндаланг кесим юзасига боғлиқ бўлган маҳаллий қаршилик коэффициентига тўғри пропорционалдир. Демак, маҳаллий қаршилик коэффициенти қанчалик катта бўлса, аэродинамик қаршилик ҳам шунча ошади.

Агар тозалаш қурилмасига киритаётган чангли ҳаво оқимининг тезлиги ( $V, \text{м/с}$ ) ва зичлиги ( $Q, \text{кг/м}^3$ ) маълум бўлса, унда аэродинамик қаршилик ( $P, \text{Па}$ ) қуийдаги формула билан хисобланади:

$$P = \kappa \frac{v^2 * \rho}{2} \quad (5.7)$$

бу ерда  $K$  - чанг тозалаш қурилмасининг маҳаллий қаршилик коэффициенти.

Аммо муҳандислик амалиётида кўпинча ушбу кўрсаткич тозалаш қурилмасига кираётган ( $P_{kir}$ ) ва ундан тозаланиб чиқаётган ( $P_{chik}$ ) ҳаво босимларининг айрмаси билан аниқланади:

$$P = P_{kir} - P_{chik}. \quad (5.8)$$

### 156. Тозалаш қурилмасининг солиштирма энергия сарфи деб нимага айтилади?

Тозалаш қурилмасининг солиштирма энергия сарфи бу қурилманинг тежамкорлигини ифодалайдиган асосий кўрсаткичdir. У 1000 м<sup>3</sup> ҳажмдаги чангли ҳавони тозалашда

сарфланган энергия миқдорини ифодалайди. Бу күрсаткиң  $\text{м}^3/\text{кВт}$ . соат үлчов бирлиги билан аниқланади.

**157. Тозаланган газ ёки ҳавонинг нархи қандай баҳоланади?**

Ҳар бир минг  $\text{м}^3$  тозаланган ҳаво ёки газ учун сарфланган маблағни инобатга олиб, тозаланган ҳаво ёки газнинг қиймати (нархи) чақирилади ва  $\text{м}^3/\text{сүм}$  үлчов бирлиги билан аниқланади.

**158. Атмосфера ҳавосини заарали чанг ва газлардан неча усулда тозалаш мумкин?**

Маълумки, атмосфера ҳавосига чиқариладиган барча чиқиндилар (захарли газлар, тутунлар, буғлар, чанглар ва бошқалар) ҳаво таркибини бузиб, кўпгина касалликларни келиб чиқишига сабабчи бўлади. Шунинг учун атмосфера ҳавосининг мусаффолигини сақлаш катта иқтисодий-ижтимоий ва экологик аҳамиятга эга.

Атмосфера ҳавосини заарали чанг ва газлардан тозалаш асосан 2 усул да амалга оширилиши мумкин.

1. Атмосфера ҳавосини қуруқ усулда тозалаш.
2. Атмосфера ҳавосни ҳўл усулда тозалаш.

**159. Атмосфера ҳавосини қуруқ ва ҳўл усулларда тозалаш учун қайси тозалаш қурилмалардан фойдаланиш мумкин?**

Умуман олганда, атмосфера ҳавосига чиқарилган чанг заррачаларининг үлчами ва табиатига қараб, чангли ҳаво қўйидаги тозалаш қурилмалари ёрдамида тозаланиши мумкин.

1. Чанг чўктириш камералари.
2. Циклонлар.
3. Скрубберлар.

#### **4. Филтрлар**

#### **5. Электр филтрлари.**

#### **6. Абсорберлар.**

Аммо мұхандислик амалиётида чангли ҳаво қуруқ ҳолатда ҳам, намланган (хұл) ҳолатда ҳам, бұлиши мүмкін. Шунинг учун атмосфера ҳавосини қуруқ усулда тозалаш учун асосан чанг чүктириш камералари, циклонлар, тұқимали (енгли) филтрлар ва электр филтрлардан кенг құлланилади.


Агар чангли ҳаво нам (хұл) ҳолатида бұлса, унда скрубберлар, абсорберлар ва намланган чангли ҳавони тозалашга мүлжалланган электр филтрлардан құлланилади.

#### **5.2. Чанг чүктириш камералари, уларнинг афзаллiliklари ва камчиликлари (160-166)**

**160. Горизонтал чанг чүктириш камералариниң қандай ишлатиш мүмкін ва улардан қаерларда құллаш мүмкін?**

Оғирлик кучлари таъсирида чангли ҳавони чанг заррачаларидан тозалаш учун даврий ёки ярим узлуксиз ишлайдиган тозалаш қурилмасига, чанг чүктириш камераси ёки чанг қоплари дейилади.

Чанг чүктириш камераларининг ишлаш принципи чанг заррачаларининг оғирлик кучига асосланган. Чангли ҳаво оқими камерада маълум тезлик билан ҳаракат қилиб, чанг заррачалари ўз оғирлик кучлари таъсирида чанг йиггич камераларидан бирига тушади, тозаланган ҳаво эса, тозалаш қурилмасидан чиқиб кетади (5.1- расм).



5.1 – расм. Горизонтал чанг чүктириш камераси.

Чанг чўқтириш камералари чангли ҳавони қуруқ усулда тозалайдиган қурилма бўлиб, ҳавони йирик (кўзга қўринадиган) чанг заррачаларидан тозалашда биринчи босқичда ишлатилади. Чанг чўқтириш камералари пахта тозалаш заводларида, тўқимачилик ва ип йигириув фабрикаларида ҳавони қум, чанг, барг ва калта толалардан тозалашда, ёточни қайта ишлаш корхоналарида ҳавони ёғоч қипикларидан тозалашда, цемент, оҳак, мармара, гранит ва бошқа қурилиш материалари ишлаб чиқариш корхоналарида ҳавони чанглардан тозалашда кенг ишлатилади. Чанг чўқтириш камералари **дағал** тозалаш қурилмалари гурухига киради.

### 161. Чанг чўқтириш камералари ёрдамида чангли ҳавони неча % га тозалаш мумкин?

Аввало, шуни эслатиб ўтиш керакки, чанг чўқтириш камераларининг ишлаш самарадорлиги  $\eta$  ёки чангли ҳавони тозалаш даражаси  $n$  чанг заррачаларининг ўлчамига ва чангли ҳаво оқимининг тезлигига боғлиқ.

Чанг чўқтириш камералари чангли ҳаво таркибидан ўлчамлари **100 мкм** дан юқори бўлган қаттиқ заррачаларни ушлаб қолишга мўлжалланган тозалаш қурилмаси бўлиб, улар чангли ҳавони йирик (кўзга қўринадиган заррчалардан тозалашда биринчи босқичда қўлланилади.

Чанг чўқтириш камерасида чангли ҳаво оқимининг тезлиги **1м/с** бўлганда, чангли ҳавони **60-80%** га тозалаш мумкин.

Чангли ҳаво оқимининг тезлиги **3 м/с** га етганда, тозалаш даражаси **40-50%** дан ошмайди, чунки тезлик ошганда, чанг йиғгич камерага чўккан чанг заррачалари яна ҳаракатга келиб, тозаланган ҳаво билан аралашади ва **иккиламчи ифлосланишни** вужудга келтиради. Шунинг учун чанг


чўқтириш камераларида чангли ҳаво оқимининг тезлиги 3 м/с дан ошмаслиги керак.

### 162. Чанг чўқтириш камераларининг қайси турларини биласиз?

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш корхоналарида чангли ҳавони тозалаш учун қўп полкали, тўсиқли ва сим пардали чанг чўқтириш камералари кенг ишлатилмоқда. Бундай қурилмалар оддий тузилишга эга бўлсалар-да, аммо катта жойни эгаллайди. Чунки чангли ҳаво оқимининг секин ҳаракатланишини таъминлаш учун бундай тозалаш қурилмаларининг ҳажми анча каттароқ қилиб ясалади.

### 163. Қўп полкали чанг чўқтириш камераларининг ишлаш принципини тушунтиринг.

Ишлаб чиқариш корхоналарида қўп полкали чанг чўқтириш камералардан кенг фойдаланилади (5.2 - расм).



5.2 - расм. Қўп полкали чанг чўқтириш камераси.

Тозалаш камераси горизонтал ўрнатилган полкалар ёрдамида қўп қисмларга бўлинган. Шунинг учун камерада чангли ҳаво оғирлик кучлари таъсирида чўкиб қолади.


Тозалаш камерасидан чанг заррачаларини йиғиб олиш учун полкалар маълум бурчаклар остида қия қилиб ўрнатилади ва улар маҳсус силкитувчи қурилмага уланган бўлади. Силкитувчи қурилманинг **асосий вазифаси** –

полкаларни силкитиб, уларнинг сиртида чўккан чанг заррачаларини туширишдан иборат. Чанг чўқтириш камераларининг аэродинамик қаршилиги 100 Па ни ташкил этади. Аммо чангли ҳавони юқори даражада тозалаш учун чангли ҳаво оқимининг тезлиги 0,5-0,8 м/с дан ошмаслиги керак. Акс ҳолда, чанг чўқтириш камерада йигилган чанг заррачалари тоза ҳаво билан аралашиб, тозалаш қурилмасидан чиқиб кетади.

#### 164. Тўсиқли чанг чўқтириш камераларининг ишлаш принципини тушунтиринг.

Тўсиқли чанг чўқтириш камераларида (5.3-расм) чангли ҳаво тўсиқларга урилиб, чанг заррачалари **ўз оғирлик** ва **инерция** **куchlари** таъсирида чанг йигғич камерасига тушади.

Тўсиқли чанг чўқтириш қурилмаси ҳам дағал тозалаш қурилмалари гурухига мансуб бўлиб, улар ёрдамида чангли ҳавони **50-60%** га тозалаш мумкин.




5.3-расм. Тўсиқли чанг чўқтириш камераси.

#### 165. Сим пардали чанг чўқтириш камераларининг ишлаш принципини тушунтиринг.

Чанг чўқтириш камераларининг ишлаш самара-дорлигини ошириш (чангли ҳавонинг тозалаш даражасини ошириш) мақсадида, уларнинг ичида вертикал тўсиқлар

халқа ёки сим пардалар шаклида үрнатилган бўлади (5.4-расм).



5.4-расм. Сим пардали чанг чўқтириш камераси.

Чангли ҳаво оқими тусиқларга инерция кучлари таъсирида урилиб, оғирлик кучлари таъсирида чанг йиггич камераларининг бирига келиб тушади. Ҳалқа ёки сим парда шаклида үрнатилган тусиқларга урилган чангли ҳаво оқими филтрланади, яъни фильтрлаш жараёни юз беради.

#### 166. Чанг чўқтириш камераларининг асосий камчиликлари нималардан иборат?

Чанг чўқтириш камераларининг турларидан қатъий назар (горизонтал чанг чўқтириш камераси, кўп полкали, тусиқли ва сим пардали чанг чўқтириш камералари), улар камчиликлардан холи эмас.

1. Бундай тозалаш қурилмалари оддий тузилишга эга бўлсаларда, корхоналарда үрнатилганда, улар катта жойларни эгаллайди.

2. Улар чангли ҳаво таркибидан ўлчамлари 100 мкм дан юқори бўлган қаттиқ чанг заррачаларини ушлаб қолишига мўлжалланган бўлиб, чангли ҳавони тозалашда биринчи босқичда ишлатилади. Яъни, чанг чўқтириш камералари ёрдамида кичик чанг заррачаларни чангли ҳаво таркибидан ажратиб олиб бўлмайди.

3. Чанг чўқтириш камералари ёрдамида чангли ҳавони 60-80% га тозалаш мумкин, яъни юқори тозалаш даражасига Эришиш қийин.

4. Чанг чўқтириш камераларининг ишлатц самарадорлиги (чангли ҳавони тозалаш даражаси), чанг заррачаларининг ўлчамига ва чангли ҳаво оқимининг тезлигига боғлиқдир.

5. Чанг чўқтириш камералари ёрдамида чангли ҳавони юқори даражада тозалаш учун чангли ҳавонинг тезлиги  $0,5$ - $0,8$  м/с дан ошмаслиги керак.

### 5.3. Циклонлар, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари (167-173)

#### 167. Циклоннинг лугавий маъноси нима ва унинг ихтирочиси ким?

«Циклон» - юон тилидан олинган сўз бўлиб, «айланма ҳаракат» демакдир. Циклон 1886 йилда немис ихтирочиси М.С.Мард томонидан яратилган.

Циклон чангли ҳавони қаттиқ чанг заррачалардан марказдан қочма кучлар таъсирида тозалайдиган курилмадир. Циклон ҳам чанг чўқтириш камераларидек қуруқ чанг ушлагичлар гурухига киради.

#### 168. Циклоннинг қайси турлари бор ва у қандай ишлайди?

Тузилишига қараб, циклонлар 2 хил бўлади.

1. Цилиндрли циклонлар (5.5-расм).
2. Конусли циклонлар (5.6 ва 5.7-расмлар).

Циклонга чангли ҳаво оқими тангенцијал йўналишда  $20-25$  м/с тезлик билан киради (5.5- расм).

Чангли ҳаво оқимидағи қаттиқ чанг заррачалари циклоннинг ички деворига урилиб, пастга қараб спиралсимон айланма ҳаракатини давом эттиради. Чанг заррачалари деворга урилганда, ўз кинетик энергияларининг бир қисмини деворга беради. Натижада уларнинг тезлиги


насайиб, оғирлик күчлари таъсирида пастга тушади (чанг иштегінде чүкади).

Чангли ҳаво оқимининг спиралсимон айланма ҳаракатланиши марказдан қочма күчлар таъсирида пайдо булади.

$$F = \frac{mv^2}{R} \quad (5.9)$$



5.5-расм. Цилиндри циклон.



5.6 – расм. Конусли циклон.



5.7-расм. Конусли циклон.

Бу ерда  $m$ - чанг заррачаларининг массаси, кг.

$V$ - чангли ҳаво оқимининг тезлиги, м/с.

$R$ - циклоннинг радиусы, м.

Мана шу марказдан қочма күчлар таъсирида чангли ҳаво оқимидағи қаттиқ чанг заррачалари ўқдан циклоннинг ички деворига қараб ҳаракат қилади.

Циклоннинг пастки конуссимон қисмидә (5.6-расм) әса, чангдан ажралған ҳаво оқими инерция билан айланма спиралсимон ҳаракатини давом эттириб, юқорига күтарилади. Натижада тозаланған ҳаво марказий қувур орқали циклондан чиқиб кетади.

### 169. Цилиндрли циклонлар конусли циклонлардан қандай фарқ қилади?

Агар циклоннинг радиуси кичик бўлса, унинг иш унумдорлиги пасаяди. Цилиндрли циклонлар (5.5-расм) юқори иш унумдорликка эга, конусли циклонлар (5.6-расм) әса юқори тозалаш даражасига эга.

### 170. Циклонлар ёрдамида чангли ҳавони неча % га тозалаш мумкин?

Аввало, шунни алоҳида таъкидаш керакки, циклонлар ҳавонинг ҳар  $1\text{ m}^3$  ҳажмида **400 г** қаттиқ чанг заррачалари мавжуд бўлгандахина улардан қўллаш мумкин. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарилаётган циклонларнинг диаметри 10 см дан **2 м гача** этади. Циклоннинг диаметри кичик бўлса, чангли ҳавони тозалаш даражаси пасаяди. Шунинг учун циклонларнинг диаметрига қараб, улар ёрдамида чангли ҳавони **30-85%** гача тозалаш мумкин.

Бундан ташқари, чангли ҳаво таркибидаги қаттиқ чанг заррачаларининг ўлчами катталашган сари, тозалаш даражаси ортиб боради. Масалан, чангли ҳаво таркибидаги қаттиқ чанг заррачаларининг ўлчами **5 мкм** дан кичик бўлса, чангли ҳавони тозалаш даражаси **60% дан ошмайди**, ўлчамлари **5-10 мкм** бўлган заррачалар **80 %**, **20-30 мкм** бўлган заррачалар **90 %** ва заррачаларнинг ўлчами **30-40 мкм**

бўлса, чангли ҳавони тозалаш даражаси 95 % ни ташкил этиши мумкин.

### 171. Мултициклон ва батареяли циклонлар деб нимага айтилади?

**Улардан қачон ишлатиш мумкин?**

Кичик диаметрли циклонларга, мултициклонлар деб аталади. Мултицилонларнинг диаметри эса 160-600 мм атрофида бўлиши мумкин. Уларнинг афзаликлари батареяли циклонларда яхши намоён бўлади.

Агар циклоннинг диаметри кичик бўлса, унинг иш унумдорлиги пасаяди. Шунинг учун катта ҳажмдаги чангли ҳавони тезроқ тозалашда кичик диаметрли циклонлар унча кўл келмайди. Катта ҳажмдаги чангли ҳаво таркибидан чанг заррачаларини ажратиш тезлигини ошириш мақсадида параллел ишлайдиган циклонлардан ёки батареяли циклонлардан қўлланилади.

Диаметри 10-30 см бўлган бир неча юз параллел ишлайдиган циклонлардан таркиб топган тозалап курилмасига, батареяли циклон деб аталади. Батареяли циклонларнинг диаметри 400-1600 мм атрофида бўлиши мумкин. Батареяли циклонларда 792 дона элемент бўлиб, улар соатига 650 минг  $\text{м}^3$  чангли ҳавони тозалап қобилиятига эга.

Саноатда қупинча диаметри 1м бўлган циклонлар ишлатилади. Агар катта ҳажмдаги чангли ҳавони тозалаш зарур бўлса, унда циклонлардан (уларнинг диаметри 400-2500 мм бўлиши мумкин) ёки батареяли циклонлардан фойдаланилади.

**172. Параллел ишлайдиган кичик диаметрли циклонларнинг асосий афзалликлари нималардан иборат?**

Кўпинча битта катта циклон ўрнига бир нечта кичик диаметрли циклонлардан параллел фойдаланилади. Параллел ишлайдиган кичик диаметрли циклонлардан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга.

**Биринчидан,** катта диаметрли циклонларнинг баландлиги ниҳоятда юқори бўлганилиги учун уларни корхонада жойлаштириш анча қийин, кичик диаметрли циклонларни жойлаштириш эса анча осон.

**Иккинчидан,** параллел ишлайдиган кичик диаметрли циклонларда битта умумий чанг йигувчи бункер, битта чангли ҳаво киравчи коллектор ва битта тоза ҳаво чиқадиган коллектор булади.

**Учинчидан,** параллел ишлайдиган кичик диаметрли циклонларда чангли ҳаво оқимининг тезлиги ошиб, кучли марказдан қочма кучлар пайдо булади. Натижада чангли ҳавони тозалаш даражаси ниҳоятда юқори булади.

**173. Циклонларнинг асосий афзалликлари ва камчилиги нималардан иборат?**

Аввало, шуни эслатиб ўтиш керакки, циклонлар чанг чўқтириш камералари каби қуруқ тозалаш усулига мансуб бўлган қурилмадир.

Циклонларнинг чанг чўқтириш камераларидан афзалликлари шундан иборатки, уларни юқори босим ва ҳароратларда ишлатиш мумкин. Яъни, циклонлар ёрдамида қиздирилган чангли ҳаво ёки газларни тозалаш мумкин. Бундан ташқари, чангли ҳаво оқимининг тезлигидан қатъий назар, циклонларда чўқтирилган чанг заррачалари қайта ҳаракатланмайди, яъни **иккиламчи ифлосланишлар** юз бермайди.

Циклонларнинг асосий камчилиги шундан иборатки, улар ёрдамида ўлчами 5 мкм дан кичик бўлган чанг заррачаларни чангли ҳаво таркибидан ажратиб олиши кийин. Чанг заррачаларининг ўлчамлари кичиклашган сари, циклон ёрдамида чангли ҳавони тозалаш даражаси пасайиб боради.

#### 5.4. Скрубберлар, уларнинг афзаликлари ва камчиликлари (174-177)

##### 174. Тозалаш қурилмаси сифатида скрубберлардан қачон фойдаланиш мумкин?

Маълумки, ёқилгиларни ёкиш пайтида тутунлар, бугларни конденсациялашда эса туманлар ҳосил бўлади. Улар таркибидаги қаттиқ ва суюқ заррачаларининг ўлчами 0,3 – 5,0 мкм атрофида бўлиши мумкин.


Бундай кичик заррачаларни чанг чўқтириш камералари ва циклонлар ёрдамида ушлаб қолиш анча қийинчиликлар туғдиради.

Агар чангли ҳаво ёки аралашма газлар таркибидаги қаттиқ чанг заррачаларининг ўлчами 5 мкм дан кичик бўлса, унда тозалашнинг хўл усулидан қўлланилади. Яъни, чангли ҳаво ёки газларни намлаш ёки ювиш йули билан чанглардан тозаланади. Бунинг учун скрубберлардан (купинча Вентури скрубберидан) фойдаланилади.

Скруббер чангли ҳаво ёки газларни намлаш ёки ювиш йули билан тозалайдиган қурилмадир.

##### 175. Скрубберни қандай ишлатиш мумкин?

Скрубберларнинг ичи бўш бўлиб, пастки қисмидан чангли ҳаво ёки газ аралашмаси, юқори қисмидан эса форсункалар ёрдамида сув пуркаб берилади (5.8-расм).



5.8-расм. Форсункали скруббер.

Скрубберларнинг ишлаш принципи циклонларнинг ишлаш принципига ўхшайди. Аммо скрубберларда чангли ҳаво ёки газ, сув, ишқор, туз ва кислоталарнинг сувли эритмалари ёрдамида ювилади ва таркибидаги чанг заррачалари ушлаб қолинади. Сув юқоридан пастга, чангли ҳаво эса унга қарама-қарши ҳаракат қиласи. Чанг заррачалари суюқликка ёпишиб олиб, тозалаш қурилмасида қуйқум-чукма ҳосил қиласи. Суюқликни сочиб берадиган чангли ҳаво ёки газни юувучи қурилмаларга, **форсункали скрубберлар** деб аталади (5.8-расм).

Форсункалар 0,3-0,4 МПа босим остида сувни пуркаб беради. Агар чангли ҳаво ёки газ оқимининг тезлиги 5 м/с дан катта бўлса, форсункаларнинг юқори қисмida сув томчилари ёки туман ҳосил булиши мумкин. Уларнинг тоза ҳаво ёки газ билан бирга скруббердан чиқиб кетмаслиги учун томчи ушлагич мослама ўрнатилиади.

Чангли ҳаво оқимининг ювиш йўли билан ўлчами 0,1 мкм дан кичик бўлган чанг заррачаларини ушлаб қолиш мумкин. Скрубберлар ёрдамида **чангли ҳавони 99% гача тозалаш** мумкин.

## **176. Чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмалардан яна қайси мақсадларда фойдаланиш мумкин?**

Дарҳақиқат, чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмалардан нафақат тозалаш қурилмаси сифатида, балки улардан бир вақтнинг ўзида қуидаги муаммоларни ечишда ҳам фойдаланиш мумкин.

1. Чангли ҳаво таркибидаги заррачаларга суюқликни шимдириш (яъни, абсорбциялаш) мумкин.
2. Ҳаво ёки газларни намлаш ёки ювиш йўли билан уларни совутиш мумкин.
3. Чанг заррачалари ёрдамида ниҳоятда тажовузкор (агрессив) суюқлик томчилари ва туманларни ушлаб қолиш мумкин.

## **177. Чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмаларнинг асосий камчиликлари нималардан иборат?**

Дарҳақиқат, чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмалар афзаликлари билан бирга, камчиликлардан ҳам холи эмас.

1. Чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмаларида кўпинча чанг заррачалари ёпишиб қолади ва улардан кейинги тозалаш ишларида қўллаш учун яна тозалаш керак бўлади.
2. Чангли ҳавони, айниқса тажовузкор газларни тозалашда, тозалаш қурилмалари емирилади (занглайди), коррозияга учрайди. Яъни, тозалаш қурилмаларидан самарали фойдаланиш учун уларни коррозиядан ҳимояланиши талаб қилинади.

3. Чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмаларида суюқликнинг (одатда, сувнинг) сарфи анча каттадир. Масалан, форсункали скубберлар ёрдамида ҳар  $1\text{ m}^3$  чангли ҳавони чаиг заррачаларидан тозалаш учун 0,5 л дан 8 л гача сув сарфланиши мумкин.

**4.** Чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмаларда, (хусусан, форсункали скубберларда), **1 тонна суюқликни үлчами 0,001- 0,3 мм** атрофида бўлган томчилар шаклида пуркаб бериш учун **2 – 20 кВт.соат** электр энергияси сарфланиши мумкин.

**5.** Чангли ҳаво ёки газларни юувучи қурилмаларни **0°C** да ва ундан паст ҳароратларда ишлатиб бўлмайди, чунки сув музлаб қолади.

**6.** Агар чангли ҳаво ёки газнинг ҳажми катта бўлса ва уларни катта тезлик билан чанг заррачаларидан тозалаш талаб қилинса, унда форсункали скрубберларда томчи ёки туман ушлагич ўрнатиш талаб қилинади.

## **5.5. Филтрлар ва уларнинг турлари (178-180)**

### **178. Филтр нима? Филтрлаш деб нимага айтилади?**

Суюқлик ёки газни ўтказиб юборадиган ва уларнинг таркибида мавжуд бўлган заррачаларни ушлаб қоладиган материаллар ёки буюмларга, **Филтр деб аталади**.

Турли газламалар, пахта, ипак, жун, кичик тешникли ғовак материаллар, синтетик материаллар (масалан, полимер материаллари ва улардан олинган толалар ва пардалар) сочилиувчан материаллар (кум, күмир, бентонитлар) шиша ва сопол буюмлари филтр бўла олади.

Экологик муаммоларни ечиш ва атроф – муҳитни муҳофазалаш мақсадида турли аралашмалардан у ёки бу моддани ажратиб олишга тўғри келади. Масалан, тутун ёки чангли аралашмалардан газни тозалаш, ёки оқова сувларнинг таркибидан қимматбаҳо элементларни ажратиб олиш каби муаммоларни ечишга тўғри келади. Бунинг учун бир қатор ажратиб олиш усуслари мавжуд бўлиб, уларнинг орасида филтрлаш алоҳида ўринни эгаллайди.

Суюқлик ёки газсимон аралашмаларни ғовак тўсик филтр ёрдамида тозалаш жараёнига, **Филтрлаш деб аталади**.

### **179. Филтрни танлаш шартлари нималардан иборат?**

Филтрни танлаш ва ундан фойдаланиши учун қуидаги шартлар инобатта олиниши керак.

Биринчидан, филтрловчи материал ғовак тузилишига эга бўлиши керак.

Иккинчидан, ғовакларнинг ўлчами шундай бўлиши керакки, бунда чўкма заррачалари тусиқнинг устида (сиртида) қолсин.

Учинчидан, филтрловчи материаллар мухит (суюклик ёки газ) таъсирида кимёвий барқарор бўлиши керак. Яни, филтр ўша суюклик ёки газ билан кимёвий реакцияга кирмаслиги керак.

Тўртингчидан, филтр механик жиҳатдан мустаҳкам ва юқори хароратлар таъсирида чидамли бўлиши керак.

### **180. Қайси филтр турларини биласиз?**

Ҳозирги пайтда халқ хўжалигининг турли тармоқларида, шунингдек, тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида қуидаги филтр турлари кенг қўлланилиб келинмоқда: тўрли ва рамли филтрлар, тўқимали (енгли) филтрлар, электр филтрлари, адсорбентлар (силикагел, цеолитлар ва фаоллантирилган кўмир) ва ҳоказолар.

## **5.6. Тўрли филтрлар (181, 182)**

### **181. Тўрли филтрларининг ишлаш принципини тушунтиринг.**

Тўрли филтрлар чангли ҳаво киравчи (1), тўрли барабанга маҳкамланган ва ҳар  $1\text{ m}^2$  юзасида 100 – 120 та кичик тирқишишлари мавжуд бўлган филтр (2) чангли ҳаво ва калта толалар ҳисобига пайдо бўлган маҳсус филтрловчи қатлам (3), зичлантирувчи валик (4) ва чанг йиғувчи бункер (5) дан иборат бўлган тозаловчи курилмадир (5.9 – расм).

Тұрли барабан ҳар бир 60-300 дақиқада бир маротаба айланиб турады.


Чангли ҳаво әса қувур (2) дан кириб, фильтр (3) дан утиб, унинг сиртида чанг заррачалари ва калта толалар ҳисобига махсус қатlam (1) ни ҳосил қилади ва у чангли ҳавони тозалайди. Ҳаво таркибидаги чанг заррачалари махсус бункер (5) га йиғилади. Тұрли фильтрларнинг аэродинамик қаршилиги 150 Па ни ташкил этади.

**182. Тұрли фильтрлар ёрдамида чангли ҳавони неча %  
га тозалаш мүмкін ва бундай фильтрлар қайси  
корхоналарда ишлатилади?**


Тұрли фильтрлар соатига  $7500 \text{ м}^3$  чангли ҳавони тозалаш имкониятiga әга. Тұрли фильтрлар ёрдамида чангли ҳавони  $75 - 90\%$  га тозалаш мүмкін.

Бундай фильтрлар тұқимачилик ва енгил саноат корхоналарыда, ип йигируд ғабрикаларыда, пахта тозалаш заводларыда ва қурилиш тармоқларыда көнг ишлатилади.

Тұрли фильтрлар ёрдамида чангли ҳавони **биринчи босқичда** тозалаш мүмкін, яғни йирик, күзга қуринаған чантларни ажратыб олиш мүмкін.



5.9-расм. Тұрли фильтрнинг күринини: 1-фильтрловчи қатлам; 2-чангли ҳаво кирудук қувур; 3- фильтр; 4- зичлантирудук валик; 5-чанг йиғувчы бункер.



5.10-расм. Цилиндриким түрли филтрлар.




5.11-расм. Матоли филтрлар.

## 5.7. Тұқимали (енгли) фильтрлар (183,184)

### 183. Тұқимали (енгли) фильтрларнинг ишлеші принципини түшүнтира оласизми?

Енгли ёки еңсімөн фильтрлар ҳавони яхни үтказа оладиган дағал қанои, пахта, жүн ва капрон толаларидан тұқылған матолардан тайёрланады. Ифлосланган ҳавонинің ҳажміга қараб, еңсімөн фильтрлар 1 секциялы үзілдіктерінде 3-4 секциялы булиши мүмкін. Ҳар бир секция 3-4 та енгдан ташкил топған бұлади. Цилиндрсімөн ёки конуссімөн мато (1) енгларининг бир учи силкитувчи мослама (2) га ва пасткін учи чанг үйгігіч бункер (3) нинг қоғоғига маҳкамланған бұлади. Бир секциялы енгли фильтрнинг күриниши 5.12-расмда күрсатылған.



5.12-расм. Бир секциялы енгли фильтрнинг күриниши: 1- тұқимали (енгли) фильтр; 2- енгларни силкитувчи мослама; 3- чанг үйгігіч бункер.

Чангли ҳаво фильтрга кириб, енгларга тақсимланады. Матонинг ички сиртіга үтириб қолған чанг заррачаларнинг миқдори ошған сары енгларнинг чангли ҳавони фильтрлаш қобилияты пасайиб боради. Шунинг учун енгли фильтрлар вақти-вақти билан силкитувчи мослама ёрдамида


тозаланади, яъни, улардаги чанглар силкитиб, чанг йигтич бункерига тушурилади.

Тўқимали (енгли) филтрлар ёрдамида чангли ҳавони 80-90% гача тозалаш мумкин. Бундай филтрлар, одатда, тозалашнинг иккинчи босқичида қўлланилади. Ҳозирги пайтда тўрли филтрлар ва тўқимали филтрлар бирга, яъни бир қурилманинг ўзида бирлашган ҳолда ишлатилади. Чангли ҳаво тўрли барабан (биринчи босқич) дан ўтгандан кейин, тўқимали филтр (иккинчи босқич) га ўтиб чанг заррачаларидан тозаланади. Натижада чангли ҳаво 98% га тозаланади.

#### 184. Рамли филтрлар ёрдамида чангли ҳавони қандай тозалаш мумкин ва улар қаерларда ишлатилади?

Рамли филтрларнинг филтрловчи материаллари сифатида газлама (мато), бўялмаган вегон мовути ва хом фланел қўлланилади. Рамли филтрлар ҳам тўқимали (енгли) филтрлар сингари матоли филтрларнинг бир туридир.

Рамли филтрлар (5.13-расм) ўлчами  $1000 \times 1450$  мм бўлган металл рамаларга маҳкамланган матолардан иборатdir. Улар бўйига 2 қават қилиб, чангли ҳаво оқимиға нисбатан зигзаг тарзида жойлаштирилади. Бундай филтрлар кондиционерларга ва ҳавони мутадил қилувчи қурилмаларда кенг қўлланилади.



5.13- расм. Рамли филтр.

Рамли фильтрлар ёрдамида чангли ҳавони 95-99% га тозалаш мумкин. Рамли фильтрлар түкимачилик ва енгил саноат корхоналарида көнг ишлатиласы.

## 5.8. Электр фильтрлари, уларнинг афзаликлари ва камчиликлари (185-187)

### 185. Электр филтри қачон ва ким томонидан яратилган?

Баъзан лаборатория шароитида ўтказилган тажриба ёки кузатилган ҳодиса ва улар асосида чиқарилаган аниқ хуносалар 100 – 130 йил ўтгандан кейин ҳам ўз амалий тадбиқини топа олмаслиги мумкин. Бунинг ёрқин мисоли – электр фильтрларнинг яратилиш тарихидир.

Электр майдонида чанг заррачаларининг ҳаракатланишини биринчи маротаба италиялик олим Беккер 1771 йилда кузатган эди. Немис олими Холфалд эса 1824 йилда (яъни, 53 йилдан кейин) электролиз усули ўрдамида тутун таркибидаги чанг заррачаларини ажратиб олиш мумкинлигини кўрсатди. Фақат 1903 йилга келиб (яъни, 132 йил ўтгандан кейин) рус олими, академик Лодес электр филтрини яратди.


### 186. Электр филтри билан чангли ҳаво ёки газларни қандай тозалаш мумкин?

Электр фильтрлари ўрдамида чангли ҳаво таркибидаги ўлчами 0,005 мкм дан кичик бўлган чанг заррачаларини ушлаш мумкин. Электр фильтрлари иккита электрод лардан иборат.

1. Манфий зарядланган нурланувчи электрод.

2. Мусбат зарядланган чўқтирувчи электрод.

Электродлар орасидаги масофа 100 – 200 мм атрофида бўлади. Электр фильтрлари юқори кучланишили (35000-70000 В) ўзгармас ток билан ишлайди (5.14-расм).



5.14-расм. Электр филтри.

Электродлар орасидан чангли ҳавони үтқазиб туриб, уларни электр манбаига уланганда, электродлар орасида кучли электр майдони пайдо бўлиб, чангли ҳавода ионланиш жараёни юз беради, яъни электр майдони таъсирида чангли ҳавонинг молекулалари мусбат ва манфий зарядланган заррачаларга ажралади. Бунда тўлиқ ионлашган ҳаво ёки газ қатлами чўғланиб, нур ва чарсилаган овоз чиқаради. Манфий зарядланган чант заррачалари нурланувчи электрод (сим)дан мусбат зарядланган чўқтириш электроди томон ҳаракат қилиб, ўз йўлида учраган қаттиқ заррачаларни зарядлайди. Зарядланган заррачалар чўқтириш электродига яқинлашганда, ўз зарядини электродга бериб, оғирлик кучи таъсирида чант йиггич бункерига чўқади.



5.15-расм. Электр филтрининг кўрининши.

Электр филтрлари электродларнинг ўрнатилишига қараб, горизонтал ва вертикал ҳолатда ҳам ишлани мумкин (5.15-расм). Ҳаво аралашмаси таркибидаги чанг заррачаларининг ҳолатига қараб, қуруқ ва нам электр филтрлари ҳам бўлади. Электр филтрларининг гидравлик қаршилиги 100 – 150 Па атрофида бўлади.

### **187. Электр филтрларнинг асосий афзаликлари ва камчиликлари нималардан иборат?**

Электр филтрларнинг асосий афзаликлари қўйидагилардан иборат.

1. Электр филтрлари ёрдамида чангли ҳаво ёки газлар таркибидаги энг кичик (ўлчами 0,005 мкм дан кичик) субмикронли қаттиқ заррачаларни ушлиш мумкин.

2. Электр филтрлари ёрдамида чангли ҳаво ёки газларни 99,9% га тозалаш мумкин. Эслатиб ўтамиш: чанг чўқтириш камералари, циклонлар ва скрубберлар ёрдамида бу даражада чангли ҳавони тозалаш мумкин эмас.

3. Электр филтрларнинг бошқа филтрлардан афзалиги шундаки, улар ёрдамида ҳарорати  $20^{\circ}\text{C}$  дан  $250^{\circ}\text{C}$  бўлган чангли ҳаво ёки газларни тозалаш мумкин. Ҳолбуки, енгли (тўқимали) филтрларни юқори ҳароратларда ишлатиб бўлмайди.

4. Электр филтрлари ёрдамида чангли газлар таркибидан қимматбаҳо моддаларни (металл, цемент, оҳак, кўмир, тола, чангларни) ажратиб олиш мумкин. Нам электр филтрлари ёрдамида эса, ҳаво таркибидаги кислота томчиларини ажратиб олиш мумкин.

Электр филтрлари камчиликларидан холи эмас.

1. Ҳаво ёки газ таркибида чанг ёки кислота томчиларининг концентрациялари кичик бўлганда, электр филтрлардан фойдаланиши юқори самара бера олади.

2. Улар юқори металл ушлашик қобилятига әга.
3. Электр филтрларнинг ўлчамлари ниҳоятда катта булиб, улар иш режимининг ўзгаришига ниҳоятда таъсирчан.
4. Электр филтрлари юқори тозалаш даражасига әга бўлсалар-да, электр энергиясини ниҳоятда кўп истеъмол қиласдилар.
5. Электр филтрлари билан ишлашда чангларнинг портлаб кетиши ёки ўт олиш хавфсизлигини таъминлаш керак бўлади. Шунинг учун чангли ҳаво ёки газларнинг ҳажми катта бўлган пайтлардагина электр филтрдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни алоҳида таъкидланиш керакки, ҳозирги пайтда шундай электр филтрлари ҳам яратилганки, улар соатига 1 млн м<sup>3</sup> чангли ҳаво ёки газларни тозалашга қодирлар. Бундан ташқари, сулфат кислотаси туманлари таркибидан газ, селен ва маргимуш заррачаларини ажратиб олиш учун ишлатиладиган нам электр филтрлари ҳам мавжуд.

### **5.9. Атмосфера ҳавосини адсорбция усулида тозалаш. Сорбция ҳақида маълумот (188-195)**

#### **188. Сорбция, адсорбция, абсорбция ва десорбция деб нимага айтилади?**

**Сорбция** – бу атроф – мухитдан керакли моддаларни қаттиқ жисм ёки суюқлик ёрдамида ютиб олиш жараёнидир. Агар ҳаво ёки газни қаттиқ жисм ўзига ютиб олса, унда бу жараёнга, **адсорбция** деб аталади ва агар суюқлик ўзига ютиб олса, - **абсорбция** дейилади.

Агар ютиб олинган модда (масалан, газ ёки суюқлик) қаттиқ жисм таркибидан ажралиб чиқса, яъни у «терласа», унда бу жараёнга, **десорбция** деб аталади.

Амалда десорбцияни **2 йүл** билан амалга ошириш мүмкін.

1. Ҳароратни ошириш йүли билан

2. Йотадиган модданинг босимини камайтириш йүли билан.

**189. Адсорбент деб нимага айтилади?**

**190. Адсорбентлар неча хил бұлиши мүмкін?**

**191. Адсорбенттинг “яхши” ёки “ёмон” лигиниң қаердан билиш мүмкін?**


Одатда, газларни турли бирикмалардан тозалаша адсорбентлардан құлланылади. Адсорбентлар ички сиртлари ниҳоятта ривожланған ғовак материаллар булып, улар келиб чикишига қараб, **2 хил бұлади**.

**1. Табиий адсорбентлар.**

**2. Сунъий йүллар билан синтез қилиб олинган адсорбентлар.**

Газларни тозалаша адсорбентлар сифатида ғовак (ички сиртлари юқори даражада ривожланған) материаллардан кең құлланылади. Уларни синтез қилиш йули билан олиш мүмкін ва табиий матарияллар ҳам булишлари мүмкін. Саноат адсорбентлари гурухига фаоллаштирилған күмир, силикагеллар, алюмогеллар (фаол алюминий оксиди), цеолитлар ва ионитлар киради.

Үзіга ютиб олувчи моддаларга, **адсорбент** (ёки **сорбент**) лар деб аталади. Адсорбент сифатида газ ниқоблар (противогазлар) да ишлатылады. Фаоллаштирилған күмир, силикагел, табиий ва синтетик цеолитлар, полимер толалари ва пардалари ва бошқа моддалар ишлатылади.



5.16-расм. Фаоллаштирилган күмир (адсорбент) нинг турли күриниши: цилиндрсімөн ва донадор (гранула).

Адсорбентлар кераклы моддани ютиб олиш қобилияты билан, яғни адсорбция катталиги (а) билан ифодаланади. Адсорбция катталиги 100 г адсорбент неча грамм газни ёки неча мол суюқликни үзиге ютиб олғанлигини күрсатади ва г/100 г ёки моль /100 г үлчов бирлигіда аниқланади.

Адсорбция катталигининг қимати қанча катта бўлса, демак адсорбент сифатида қўлланилган модда шунча яхши адсорбент хисобланади.

## 192. Адсорбция катталиги қайси омилларга боғлиқ?

Адсорбция катталиги (а) адсорбентнинг кимёвий таркибига, хоссаларига ва заҳарли модда (яғни, адсорбат)нинг хоссаларига боғлиқдир. Бундан ташқари, у таркибидаги заҳарли модданинг буғ босими Р га ва ҳарорати Т га боғлиқ бўлади. Адсорбция катталигининг босимга боғлиқлиги кўйидаги адсорбция изотермалари тенгламаси билан ифодаланади:


$$a = \frac{a_{\max} \cdot B \cdot P}{1 + B \cdot P} \quad (5.10)$$

бу ерда  $\alpha$  - маълум ҳолатдаги адсорбция катталиги, г/100 г;

$\alpha_{\max}$  - күлланилган адсорбент учун адсорбция катталигининг максимал қиймати, г/100г.

В- адсорбция коэффициенти,  $^1/\text{Па}$

Р- заҳарли модда буғинининг босими, Па.



5.17 - расм. Фаоллаштирилган күмирга углерод қүш оксидининг адсорбцияланиш изотермалари.

Мисол тариқасида юқоридаги 5.17-расмда фаоллаштирилган күмирга углерод қүш оксиди ( $\text{CO}_2$ ) нинг адсорбцияланиш изотермалари күрсатылған. Расмдан маълумки,  $\text{CO}_2$  газининг парциал босимининг ортиши билан (яъни, Р нинг ортиши билан) адсорбция катталиги (a) ошиб боради. Аммо ҳарорат ошган сари фаоллаштирилган күмирга адсорбция бўлган  $\text{CO}_2$  гази унинг таркибидан ажралиб чиқади, яъни десорбция бўлади. Шунинг учун адсорбция катталиги (a) нинг қиймати камаяди. Ушбу натижанинг моҳияти ниҳоятда катта: агар фаоллаштирилган күмир ёрдамида у ёки бу газ ажратиб олинган бўлса, ишлатилган күмирга юқорироқ ҳароратда ишлов бериб (уни қуритиб ёки иссиқ ҳаво ёрдамида пулаб), таркибидаги қолдик газ заррачаларини тўлиқ четлаштириш мумкин, яъни адсорбентни регенерация қилиш (дастлабки хоссасини қайта

тиклаш) мумкин. Бу эса адсорбентни тежаш имконини беради.

**193. Адсорбция усулидан қайси мақсадларга фойдаланилади ва моддаларни ушбу усул ёрдамида неча % га ажратиб олиш мумкин?**

Саноатда адсорбция усулидан турли заҳарли моддалар таркибидан газларни ажратиб олишга кенг құлланилади. Бундан тапқари, қимматбақо моддаларни ажратиб олишга ва чангли ҳавони тозалаш үчүн адсорбция усулидан фойдаланилади.

Эритувчи моддалар (масалан, газлар, буғлар, суюқликлар) рекуперацион қурилмалар ёрдамида ушлаб қолинади, қолган моддалар эса технологик жараёнға қайтарилади. Бундай ҳолатларда адсорбент сифатида факт фаяллаштирилген күмирдан фойдаланилади.

Рекуперацион қурилмаларнинг ишиш самарадорлиги, яғни эритувчи моддаларни ажратиб олиш даражаси 85-95% ни ташкил этади. Адсорбердан чиқиб кетаёттан газнинг таркибида эритувчи модданинг қолдик мөкдори  $0,5 \text{ г}/\text{м}^3$  ни ташкил этиши мумкин.

**194. Күпинча саноатда адсорбент сифатида фаяллаштирилген күмирдан құлланилади. Бунинг сабаби нимада?**

Фаол күмирлар намлиқ ва сувни шимиб олмайдиган гидрофоб материаллар бўлиб, рекуперация амалиётида улардан нам газларни тозалашда кенг құлланилади.

АГ-2 (Б ва В маркали ) ва АР (АР-А, АР-Б) усулида олинади. СКГ маркали күмир торфдан, СКТ-3 ва АРТ (АРТ-1 ва АРТ-2 маркали, АР-В маркали) күмирлар тошкүмир чантлари ва қатрондан буғ билан фаяллаштириш усулида) эса торф ва

тошкүмір чангларидан кимёвий фаоллаштириш усулында олинади.

АГ-2 маркалы күмирлар газларни адсорбциялашта мұлжалланған булиб, АП, СКИ-3 ва АРТ маркалы күмирлар эса газларни учувчан әритгіч буғларидан тозалашта мұлжалланған.

Гранулаланған фаол күмирларнинг микроғоваклари ҳажми  $0,25\text{-}0,48 \text{ см}^3/\text{г}$ , умумий ғоваклари ҳажми  $0,52\text{-}1,0 \text{ см}^3/\text{г}$ , гравиметрик зичилиги  $0,3\text{-}0,6 \text{ г}/\text{см}^3$  ни ташкил этади. Улар газларни тозалашда көнг құлланилади.

Одатда, фаол күмирлар цилиндирчасимон гранулалар шаклида ишлаб чиқарилади (5.16 - расм). Уларнинг диаметри **1-6 мм**, узунлиги эса диаметридан (күндалант кесимидан) каттароқ бұлади. Улар қатlam қилиб ётқизилади ва ушбұй қатlam орқали тозаланадиган газ оқими үтқазилади.

Дархакиқат, адсорбентлар орасыда фаоллаштирилган күмир бир қатор афзаликкларга эга.

1.Фаоллаштирилган күмир гидрофоб, яъни намликни үзига шимиб олмайдиган материалdir.

2.У суюқлик буғларини юқори даражада ютиб олип қобилиятига эга.

3. Фаоллаштирилган күмир ниҳоятда мустаҳкам булиб, таркибида модда қолдикларини ушлаб қолмайди.

4.Десорбция жараёнлари үтаб бұлғандан кейин, фаоллаштирилган күмирни қуритиш ва атмосфера ҳавосига совутиш мүмкін.

5.Адсорбция рекуперацион қурилмаларida ишлатылған бундай күмирни **10 минг маротабагача** қайта – қайта ишлатиш мүмкін.

Фаол күмирнинг асосий камчилиғи – мустаҳкамлигининг кичиклигі ва ёнувшанлигидір.

**195. Эритувчи моддаларни фаоллаштирилган күмир билан ажратиб олиш учун қанча күмир керак бўлади?**

Концентрацияси  $10 \text{ г}/\text{м}^3$  га тенг бўлган 1 тонна эритувчи модданинг фаоллаштирилган күмир ёрдамида ушилаб қолиш учун босими  $0,3 - 0,5 \text{ МПа}$  га тенг бўлган  $2,0 - 3,5 \text{ тонна}$  бут,  $30 - 50 \text{ м}^3$  совутилаги ( $150^\circ\text{C}$ ) сув,  $100 - 250 \text{ кВт}\cdot\text{соат}$  электр энергияси ва  $0,5 - 1,0 \text{ кг}$  фаоллаштирилган күмир сарфланади.

Ушбу кўрсатилган рақамлардан хулоса шуки, адсорбция рекуперацион қурилмаларда ишлатиладиган күмирининг микдори кичик ( $0,5 - 1,0 \text{ кг}$ ) бўлса-да, аммо бошқа харажатлар нихоятда кўпдир. Шунинг учун ҳозирги пайтда бундай қурилмалар фақат қимматбаҳо моддаларни ва юқори заҳарли моддаларни ютиб олиш ва рекуперация қилиш (яъни, қайта ишлаш) учун ишлатилади.

Адсорбция рекуперацион қурилмалари ёрдамида соатига  $10 \text{ м}^3$  дан  $150 \text{ минг м}^3$  гача газ ёки ҳавони тозалаш мумкин. Адсорбция усули нафақат эритувчи моддаларни (буғларни, газларни, суюқликларни) ажратиб олиш учун, балки ҳаво ёки газ таркибидан заҳарли моддаларни (углерод сулфиди, хлор органик бирикмаларни, олtingутурт қуш оксидини, симоб буғларини ва бошқа моддаларни) ажратиб олишга кенг қўлланилади.

## **5.10. Силикагеллар, уларнинг ғоваклиги, хоссалари, қўлланилиши ва асосий камчилиги (196-201)**

**196. Силикагел деб нимага айтилади?**

**197. Силикагеллар ғоваклик тизимига қараб, неча гурухларга бўлинади?**

**198. Силикагеллар донадорлигига қараб, неча гурухларга бўлинади?**

**199. Шихта деб нимага айтилади?**

## **200. Силикагелларни регенерация қилиш мүмкінми? 201. Силикагелларнинг асосий камчилиги нима?**

Силикагеллар – гидратланган аморф құмтупрокладир ( $\text{SiO}_2 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ ). Улар шарикталар, таблеткасім он ва геометрик шактга зәға бұлмагам доналар шаклида ишлаб чиқарылады. Доналарнинг үлчами 0,1 мм дан 7 мм гача булиши мүмкін.

Силикагеллар ғоваклик тизимиға қараб, 3 гурұхға булинади.

**1. Йирик ғовакли силикагеллар.** Улардаги ғовакларнинг үртача радиуси  $5 \cdot 10^{-9}$  м ни ташкил этиши мүмкін.

**2. Үртача ғовакли силикагеллар.** Улардаги ғовакларнинг үртача радиуси  $(0,5-1,5) \cdot 10^{-9}$  м ни ташкил этиши мүмкін.

**3. Кичик ғовакли силикагеллар.** Улардаги ғовакларнинг үртача радиуси  $(1,5-1,0) \cdot 10^{-9}$  м ни ташкил этиши мүмкін.

Силикагеллар донадорлигінде қараб, 4 маркаларға булинади.

**I-маркали** силикагелларнинг үлчами 7,0 мм дан 2,7 мм гача булиши мүмкін.

**II-маркали** силикагелларнинг үлчами 3,5 мм дан 1,5 мм гача булиши мүмкін.

**III-маркали** силикагелларнинг үлчами 2,0 мм дан 0,25 мм гача булиши мүмкін.

**IV-маркали** силикагелларнинг үлчами 0,5 мм дан 0,2 мм гача булиши мүмкін.

Гранулаланган силикагеллар эса 2 маркага булинади.

**I-маркали** гранулаланган силикагелларнинг үлчами 7,0-2,7 мм ни ташкил этиши мүмкін.

**II-маркали** гранулаланган силикагелларнинг үлчами 3,5-1,0 мм ни ташкил этиши мүмкін.

Шуны унутмаслық керакки, силикагелларни белгилаш учун махсус ҳарфлардан құлланилади. Масалан, КСК – юқори

ғовакли йирик силикагелларни ифодалайди. КСС – ўртача ғовакли йирик силикагелларни ифодалайди. МСМ – кичик ғовакли кичик силикагелларни ифодалайди ва ҳоказо.

Силикагелларнинг ўртача фракциясига, шихта деб аталади ва ШСК, ШСС ва ШСМ билан белгиланади.

Силикагеллардаги ғовакларнинг ҳажми  $0,3\text{-}1,2 \text{ см}^3/\text{г}$ , уларнинг солиштирма юзлари  $300\text{-}750 \text{ м}^2/\text{г}$  ва гравимитрик зичлиги,  $0,4\text{-}0,9 \text{ г}/\text{см}^3$  ни ташкил этиши мумкин.

Силикагеллардан полимер моддаларни ютиб олишга ишлатилади. Кичик ғовакли силикагеллар осон конденсацияланадиган бүг ва газларни адсорбциялашда, йирик ғовакли ва қисман ўртача ғовакли силикагеллар органик бирикмалар буғларини шимиб олишга хизмат қиласи.

Силикагеллар ёнмайдиган ва мустаҳкам материаллар булиб, уларни  $110\text{-}120 {}^\circ\text{C}$  ҳароратлар оралиғида регенерация қилиш (дастлабки хоссаларини қайта тиклаш) мумкин. Уларнинг асосий камчилиги –нам томчилари тасирида парчаланишидир.

## 5.11. Алюмогеллар, цеолитлар ва ионитлар.

### Уларнинг турлари, хоссалари ва қўлланилиши (202-210)

202. Алюмогел қандай олинади?

203. Алюмогеллар силикагеллардан қандай фарқ қиласи?

204. Алюмогелларнинг турлари ва асосий хоссалари ҳақида нималарни биласиз?

205. Алюмогеллардан қачон фойдаланиш мумкин?

206. Цеолитлар деб нимага айтилади?

207. Цеолитлар неча хил бўлиши мумкин?

208. Саноатда цеолитларнинг қайси маркаларидан қўлланилади?

**209. Цеолитдаги тешикчаларнинг катта ёки, аксинча, кичикилигини қаердан билса бўлади?**

**210. Цеолитлардан ва ионитлардан қачон фойдаланиш мумкин?**

Алюмогел (фаол алюминий оксида  $\text{Al}_2\text{O}_3 \cdot n\text{H}_2\text{O}$ , бу ерда  $0 \leq n \leq 0,6$ ) турли алюминий гидроксидларга термик ишлов бериш йўли билан олинади. Дастрабки гидроксидининг турига, унинг таркибидаги ишқорли ва ер-ишқорли металларнинг миқдорига, термик ишлов бериш шарт - шароитига ва қолдик намлик миқдорига қараб, турли тизимларга эга бўлган алюмогеллар олинади.

Саноатда диаметри 2,5-5 мм, узунлиги 3-7 мм ни ташкил этадиган цилиндрическимон гранулалар ҳамда уртacha диаметри 3-4 мм ни ташкил этадиган шариксизмон гранулалар ишлаб чиқарилади. Алюмогелларнинг солиширма юзалари  $170-220 \text{ m}^2/\text{g}$ , ғовакларининг умумий ҳажми  $0,6-1,0 \text{ cm}^3/\text{g}$ , ғовакларининг уртacha радиуси (цилиндрическимон гранулалар учун  $(6-10) \cdot 10^{-9} \text{ m}$ , гравиметрик зичлиги  $500-700 \text{ kg/m}^3$  ), шариксизмон гранулалар учун  $(3-4) \cdot 10^{-9} \text{ m}$  ва  $600-900 \text{ kg/m}^3$  ни ташкил этиши мумкин. Алюмогеллардан қутбланган органик бирикмаларни ушлаб қолишига ва газларни куритишда кенг қўлланилади. Силикагеллардан фарқли ўлароқ алюмогеллар намлик томчилари тасирида чидамли ҳисобланади.

Цеолитлар таркибида ишқорли металлар оксида ва ишқорли -ер металлар сақланган алюмосиликатлардир. Уларнинг умумий кимёвий формуласи



бу ерда Me - ишқорли металларнинг катиони.

n - унинг оксидланиш даражаси.

Цеолитлар 2 хил бўлади.

**1. Сунъий ёки синтетик цеолитлар.** Улар сентез қилиніштің билен олинағы да шунинг учун сунъий ёки синтетик цеолитлар деб аталади.

**2. Табиий цеолитлар.** Улар конлардан қазиб олинағы.

Саноатда умумий ишилатишта мүлжалланған  $\text{NaA}$ ,  $\text{CaA}$ ,  $\text{CaX}$ ,  $\text{NaX}$  каби цеолит турлары ишилаб чиқарылады. Улар кириш тешикчалари үлчамига қараб, бир-биридан фарқ қилады. Масалан,  $\text{NaX}$  маркалы цеолитларнинг кириш тешикчаларининг диаметри  $4 \text{ \AA}^0$ ,  $\text{CaA}$  маркалы цеолитларнинг кириш тешикчаларининг диаметри  $5 \text{ \AA}^0$ ,  $\text{CaX}$  маркалы цеолитларнинг кириш тешикчаларининг диаметри  $8 \text{ \AA}^0$  ва  $\text{NaX}$  маркалы цеолитларнинг кириш тешикчаларининг диаметри  $9 \text{ \AA}^0$  ни ташкил этади.

Цеолит маркасининг бириңчи индекси алмашил кационини ифодалайды. **Иккінчи индекси** ( $A$  ёки  $X$ ) цеолиттің кристалл панжарасининг типини ифодалайды. Цеолиттің  $X$  типидаги панжараси  $A$  типидегігі нисбатан кириш тешігінинг катталигини ифодалайды.

Синтетик цеолитлар цилиндр ва шарласымон гранулалар шаклида ишилаб чиқарылады. Уларнинг диаметри 2-5 мм ни ташкил этиши мүмкін. Қутбланған органик бирикмаларни ва құшалоқ болгари бұлған моддаларни адсорбцияланиша цеолитларнинг ютиб олиш қобиляти ниҳоятда катта бұлади.

$\text{NaX}$  маркалы цеолитлар молекулаларининг критик диаметри  $4 \cdot 10^{-9} \text{ м}$  дан катта бўлмаган саноат газларининг күнгина компонентларини үзига абсорбцияланади. Ушбу газлар қаторига водород сульфид ( $\text{H}_2\text{S}$ ), олтингугурт углерод ( $\text{C}_2\text{S}$ ), аммиак, қуи ацетиленли ва диенли углеводородлар ва бошқалар киради.

$X$  маркалы цеолитлар углеводородларнинг барча турларини, органик олтингугуртли, азотли ва кислародли

бирикмалар, галогенлар билан алмаштирилган углеводородлар ва бошқаларни адсорбциялаб олади.

Табиий цеолитлардан, шу жумладан юқори кремнийли кислоталар тасирида чидамли клиноптиолит, мординит, эрионитлардан құлланилади.

Цеолитлар силикагеллар ва фаол алюминий оксиди каби сув буғарини ютиб олиш қобилятига эга. Аммо бошқа саноат адсорбентларга нисбатан улар нисбатан кичик адсорбцион бүшіліклар ҳажмига эга. Синтетик цеолитларнинг гравимитрик зичлиги  $600\text{-}900 \text{ кг}/\text{м}^3$  ни ташкил этиши мүмкін. Ионитлар юқори молекуляр бирикмалар бұлып, ташланма газларни тозалашда кам құлланилади. Газлар таркибидан нордон компонентлар (азот ва олтингутурт оксидларини, галогенларни ва бошқаларни) анионитларда ва ишқорлы металларни катионитларда ажратып олинади.

## 5.12. Атмосфера ҳавосини абсорбция усулида тозалаш. Хемосорбция ҳақида маълумот (211-213)


### 211. Атмосфера ҳавосини абсорбция усулида қандай тозалаш мүмкін?

Атмосфера ҳавосини абсорбция усулида тозалаш учун абсорберлардан құлланилади. Абсорбер қурилмаси (5.18-расм) сувни пуркаб берувчи форсунка (1) дан, сув қатлами (2) да үтказма (насадка) (3) дан иборатдир.

Таркибіда заһарлы модда тұтған ҳаво ёки газ үтказма (3) дан пұфакчалар шаклида үтиб, суюқлик қатлами (2) да тозаланиб, форсунка (1) орқали қурилмага кираёттан ютувчи суюқликка абсорбцияланади, яғни тозаланади.

Агар таркибіда заһарлы модда туттган ҳаво ёки газнинг парциал босими  $\rho'_{\text{газ}}$  бұлса, қурилмадан чиқаёттан пайтида унинг парциал босими  $\rho''_{\text{газ}}$  бўлади, яни  $\rho'_{\text{газ}} > \rho''_{\text{газ}}$  бўлади.

Ютувчи суюқлик форсунка орқали қурилмага кириб, настки кувур орқали ундан чиқиб кетади.



5.18- расм. Абсорбернинг қуриниши: 1- сувни пуркаб берувчи форсунка; 2- сув қатлами; 3- үтказма.

### 212. Абсорбциянинг ҳаракатлантирувчи кучини қандай ҳисоблаш мүмкін?

Абсорбциянинг ҳаракатлантирувчи кучи - бу үзаро таъсиранувчи компонентлар (яғни, суюқлик билан газ) нинг дастлабки ва мувозанат ҳолатидаги парциал босимларининг фарқидир.

Абсорбциянинг ҳаракатлантирувчи кучини қыйидаги формула билан ҳисоблаш мүмкін.

$$\rho_p = \frac{(\rho'_{\text{газ}} - \rho'c) - (\rho''_{\text{газ}} - \rho''c)}{(\rho'_{\text{газ}} - \rho'c) * (\rho''_{\text{газ}} - \rho''c)} \quad (5.11)$$

бу ерда  $\rho'_{\text{газ}}$ - тозалаш қурилмаси (абсорбер) га кираёттан ютувчи суюқликнинг газ фазасидаги парциал босими, Па;  $\rho''_{\text{газ}}$ - шу компонентнинг қурилмадан чиқаёттан пайтидаги парциал босими, Па;  $\rho'c$ - қурилмага кираёттан ютувчи компонентнинг суюқлик устида мувозанат пайтидаги

парциал босими, Па;  $\rho''c$  - компонентнинг қурилмадан чиқаётган пайтидаги парциал босими, Па.

Агар газ фазасидаги ютувчи аралашманинг парциал босими суюқлик устидаги парциал босимига тенглашса, абсорбция жараёнининг ҳаракатлантирувчи кучи пасаяди.


Шуни алоҳида таъкидалаш керакки, абсорбция ва десорбция жараёнларини биргаликда амалга ошириш ютувчи модданинг бир неча маротаба қайта қўллашига ва ютилган тоза компонент (модда) ни ажратиб олишга имкон беради. Аммо газ ёки ҳавони тозалашда десорбция жараёнини амалга ошириш шарт эмас, чунки ютилган модда кейинчалик зарарсизлантирилади.

### 213. Хемосорбция деб нимага айтилади?

Кўпинча саноатда газлар олтингугурт қўш оксиди ( $SO_2$ ) дан, водород олтингугурт ( $H_2S$ ) дан ва метилмеркаптанлардан тозаланади. Ҳаво ёки газларни ушбу заҳарли моддалардан тозалаш самарадорлигини ошириш мақсадида эритувчи сифатида заҳарли газларни ютувчи кимёвий моддалар (масалан, кислота, ишқор, туз ва уларнинг сувдаги эритмалари) дан қўлланилади. Масалан, газларни олтингугурт қўш оксидидан, водород олтингугурт ва метилмеркаптандан тозалаш учун натрий ишқори ( $NaOH$ ) дан қўлланилади. Яъни,  $SO_2$  гази ишқор ёрдамида нейтралланади ва натижада туз ҳосил бўлади.



Атмосфера ҳавосига чиқарилган  $SO_2$  ни оҳак эритмаси ( $CaO + H_2O$ ) орқали тозалаганда, калций сулфат тузи ҳосил бўлади.



Ушбу реакциялардан **хулоса шуки, хемосорбция** ҳам адсорбцияга ўхшаган сорбциянинг бир қуриниши булиб, ютиладиган модданинг заррачалари ютувчи модданинг

заррачалари билан узаро кимёвий таъсирда бўлади ва натижада янги модда ҳосил бўлади.

### 5.13. Атмосфера ҳавосини назорат қилишнинг ҳуқуқий асослари (214-220)

**214. «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун моддаларини бузганлик учун ушбу қонунда жавобгарликтинг қайси турлари назарда тутилган?**

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуннинг 29- моддаси талабларидан келиб чиқиб, содир этилган ҳуқуқбузарлик (жиноят) нинг характеристи, ҳолати ва оқибатига қараб, интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар қўлланилади. Қонун хужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш оқибатида этказилган заарар ўрнини қонун хужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарар ўрнини қоплаш айбдорларни жавобгарликка тортишдан озод этмайди.

**215. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қоидалари ва бошқа талабларни бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?**

Узбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида» ги кодексининг 85 – моддасига биноан, мансабдор шахсларга энг кам иш ҳаққининг 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорида жарима солишга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлади:

-ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига меъёридан ортиқ даражада чиқариб ташлаш;

-атмосфера ҳавосига рухсат этилган меъёрлардан ортиқ даражада зарарли физик таъсир ўтказиш;

-максус ваколат берилган давлат органларининг рухсатисиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаши;

-қонун хужжатларига мувофиқ зарур бўлган тақдирда масус ваколат берувчи давлат органларининг рухсатини олиш лозим бўлган ҳолларда, бундай рухсатни олмай туриб атмосферанинг ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганилик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддаларни чиқаришини қисқартириш чора – тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганик;

-ифлослантирувчи моддаларни бир йўла чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора – тадбирларини амалга оширмаслик.

## **216. Атмосферага чиқариладиган заарали моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик учун қандай маъмурий жазо белгиланади?**

**«Маъмурий жавобгарлик тұғрисида»ги кодекснинг**

**86-моддасига** асосан атмосферага чиқариладиган заарали моддаларни тозалаш учун үрнатилган иншоотлардан, асбоб-ускуналар ва қурилмалардан фойдаланилмаса, шунингдек, чиқариб ташланадиган заарали моддаларнинг миқдори ва таркибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланилмаса, унда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин худди шундай ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилса, унда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**217. Ҳаракатланувчи воситалар (транспорт  
воситалари) дан фойдаланиш пайтида ифлослантирувчи  
моддаларни чиқариш тартиби бузилганда қандай  
маъмурий жазо чораси қўлланилади?**

Автомобиллар, самолётлар, паравозлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмалардан чиқадиган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори белгиланган меъеридан ортиқ бўлса, унда мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 87 – моддасига асосан, ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 2 бараваригача, мансабдор шахсларга эса, 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорида жарима солинига сабаб бўлади.

**218. Қурилиш соҳасида атмосфера ҳавосини  
муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик учун  
қандай жавобгарлик чоралари мавжуд?**

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 88-моддасига биноан, қурилиш соҳасида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, маҳсус техник қурилмасиз очик аланга олдириб уларни ёкиш, битум эритишида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик-фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1/3 қисмидан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса, 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин худди шундай ҳуқуқбузарлик бир йил давомида такрор содир этилса, унда фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса-уч бараваридан 7 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**219. Табиий атроф-муҳитнинг ифлосланганлиги тўгрисидаги маълумотларни атайин яшириш ёки бузиб кўрсатиш учун қандай жиноий жавобгарлик мавжуд?**

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий жавобгарлик кодекси»нинг 194 – моддасига асосан, маҳсус ваколатга эга бўлган мансабдор шахслар томонидан заарли экологик оқибатларни келтириб чиқарган ҳалокатлар ёки табиий атроф-муҳитининг радиациявий, кимёвий, бактериявий ифлосланганлиги, ёхуд одам ҳаёти ёки соғлиғи, тирик табиат учун хавфли бўлган бошқа тарзда ифлосланганлиги ҳақидаги, ёхуд аҳоли саломатлигининг ҳолатига доир маълумотларнинг қасдан (била-кўра, атайин) яширилиши ёки бузиб тақдим этилиши аҳолининг оммавий касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг қирилиб кетиши ёки бошқа оқибатлар сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорида жарима солиш ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**220. Табиий атроф-муҳитни, жумладан, атмосфера ҳавосини ифлослантирганлик учун қандай жиноий жавобгарлик мавжуд?**

Ўзбекистон Республикаси «Жиноий жавобгарлик кодекси»нинг 196-моддасига асосан, ерларни ифлослантириш, ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш одамларнинг оммавий равища касалланиши, ҳайвонлар, паррандалар ёки балиқларнинг касалланиши, ёки уларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорида жарима солиш ёки 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вужудга келган ҳодисалар одам ўлишига сабаб бўлса, уч ойдан 6 ойгача қамоқ ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

## **VI- БОБ. Литосферани муҳофаза қилиши**

### **6.1. Тупроқнинг муҳит сифатидаги аҳамияти (221-227)**

- 221. Литосфера деб нимага айтилади?**
- 222. Литосфера нимадан пайдо бўлади ва унинг қалинлиги неча км ни ташкил этиши мумкин?**
- 223. Литосферани асосий муҳити нима?**
- 224. "Грунт", "замин" ва "тупрок" атамаларини изоҳлаб бера оласизми?**
- 225. Тупроқнинг табиий ва кимёвий таркибини нималар белгилайди?**

**Литосфера** - ернинг юқори қаттиқ қобиги бўлиб, унинг қалинлиги **50-200** км ни ташкил этиши мумкин. Литосферани ташкил этувчи моддалар қисман организмлар (молюскалар, денгиз ҳайвонлари) нинг фаолияти натижасида ҳосил бўлади. Литосфера нафақат торф, тошқўмир, ёқилғи сланецлардан, балки кенг тарқалган калций карбонатдан иборат. Литосферадаги асосий муҳит литосфера ва атмосфера чегарасида жойлашган тупроқdir.

Аввало, "грунт", "замин" ва "тупрок" атамаларини бир-биридан фарқлай олиш керак.

Бинолар учун замин, баъзи иншоотлар учун эса хом-ашё сифатида фойдаланадиган тоғ жинсларига, грунт леб аталади. Демак, ҳар қандай тоғ жинси грунт бўлиши учун у босим таъсирида ишлаши керак.

Пойдевордан узатиладиган босимни қабул қилувчи грунт қатламига, замин деб аталади. Грунт қаттиқ, суюқ ва газ қисмлардан иборат бўлади. Грунт таркибидағи қаттиқ, ўлчами 20 мм дан катта жисмлар (яъни, шагаллар), ўлчами 2 мм дан 20 мм гача бўлган тошлар, ўлчами 2 мм дан 0,05 мм гача бўлган қумлар, ўлчами 0,05 мм дан 0,005 мм гача бўлган

чантлар ва ўлчами 0,005 мм дан кичик бўлган лой киради. Улар куб, призма, шарча, бисер шаклида бўлиб, сиртлари гадир-будир, ўткир қиррали, текис бўлиши мумкин.

Гурунтни тупроқдан фарқлай билиш лозим: тупроқ ҳамма вақт майдон текисланаётганда замин юзасидан олиб ташланади.

Тупроқ дейилгандага, ернинг говак ва унумдор юза қатлами тушинилади.

Тупроқ сув, ҳаво, турли организмларнинг биргаликда таъсири натижасида тоғ жинсларининг табиий ҳолда ўзгарган ташқи қатламидир.

Тупроқ турли организмлар учун **асосий яшашиб мұхити** ҳисобланади. Унинг табиий ва кимёвий таркибини ундағы моддаларнинг айланиб туриши (газлар, минерал ва органик моддаларнинг ионлар шаклида айланиб туриши) белтилайди. Тупроқда **үсимликлар, замбуруғлар, микроорганизмлар** ва баъзи-бир ҳайвонот турлари яшайди. Үсимликлар, ҳайвонот ва микроорганизмлар ўртасидаги мураккаб муносабатлар туфайли тупроқда гумус (чиринди) ва минерал моддалар тўпланади.

## 226. Тупроқ биомассаси деб нимага айтилади?

Тирик организмларнинг маълум майдон бирлигига тўғри келувчи массаси, ёки энергия бирликларида ифодаланған умумий вазни, биомасса деб аталади. Масалан, ҳар бир гектар тупроқда учрайдиган организмларнинг биомассаси қуйидагилардан иборат:

1. Оддий микроорганизмлар - **5-10 кг.**
2. Сув ўтлари - **10-300 кг.**
3. Микроскопик замбуруғлар - **200-1000 кг.**
4. Ёмғир чувалчантлари - **350-1000 кг.**
5. Буғимоёқлилар - **100 кг.**
6. Бактериялар - **1000-7000 кг.**

## **227. Тупроқнинг муҳит сифатидаги аҳамияти нималардан иборат?**

Тупроқ таркибида яшовчи барча организмлар учун, айниқса, унинг чуқурлиги, заррачаларининг ўлчами, сув сифими ва сув сингдирувчанлиги катта экологик аҳамиятга эга. Тупроқнинг намлик даражаси, ҳароратининг ўзгаришини унда яшовчи организмларнинг ривожланишига, ҳаёт кечиришига ва тарқалишига катта таъсир кўрсатади.

Тупроқ экологик омил сифатида ўсимликларни ўзига бириктиради ва уларни озуқа билан (яъни, намлик, сув, эриган минерал моддалар билан) таъминлайди. Тупроқ таркибида ўсимликлар учун зарур бўлган азот, фосфор, калий, калций, магний, олтингугурт, темир каби элементлар, шунингдек, мис, бор, рух, молибден каби микроэлементлар мавжуд. Улар ўсимликлар учун муҳим экологик аҳамиятга эга. Масалан, беда, қорақайин ва шумтоллар карбонат тузлари кўпроқ бўлган тупроқларда яхши ўсади. Отқулоқ, каштан, чой эса, калций тузларини «ёқтирмайди», улар кислотали муҳитларда яхши ўсади. Чўл минтакаларидағи ва воҳалардаги шўрланган тупроқларда қорашибўра, қорабаркен, оқ жангл, шўр ажриқ, шўр бута каби ўсимликлар яхши ўсади.

Тупроқнинг кимёвий хоссаларини белгиловчи катталиклардан бири-бу унинг кислоталилигидир. Тупроқнинг кислоталилигини водород ионларининг концентрацияси, яъни РН белгилайди.

Тупроқнинг маълум кимёвий элементлар бойлигини кўрсатувчи ўсимлик турлари ҳам мавжуд. Одатда, уларга, индикаторлар деб аталади. Масалан, шувоқ, оддий қорагай ва маккажӯхори олтинга бой тупроқларда яхши ўсади. Тупроқ таркибидаги бактериялар ва замбуруғлардан ташқаричувалчанг ва буғимоёқлилар кенг тарқалган. Масалан, ҳар бир гектар ишлов бериладиган тупроқларда

қарийб 300 кг гача ёмғир чувалчанглари бўлиши мумкин. Ўқори агротехника қоидаларига риоя қилинган ерларда эса, уларнинг миқдори 1 тоннага этиши мумкин. Уларнинг аҳамияти шундаки, улар бир йил давомида ҳар бир гектар тупроқдан 12 тоннадан 100 тоннагача, ёки 7 мм қалинликдаги тупроқни овқат ҳазм қилиш тизимидан ўтказади.

Бундан ташқари, тупроқ заррачаларининг донадорлиги ҳам баъзи-бир ҳайвонот турлари ва микроорганизмлар учун катта экологик аҳамиятга эга. Улар тупроқни ковлаб уя (ин) қурадилар, тупроқ муҳитида яшайдилар, ривожланадилар, кўпаядилар, қишлиб чиқадилар ва душманларидан ҳимояланадилар.

Тупроқ тарихий-табиий келиб чиқкан, ниҳоятда мураккаб ҳолдаги иқлим, ўсимлик, ҳайвонот ва тупроқ ҳосил қилувчи она жинс билан алоқада бўлган жисмдир. Уни табиий ҳолда сақлаб қолиш, турли ифлосланишлардан муҳофаза қилиш, ундан самарали ва оқилона фойдаланиш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга.

## 6.2. Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашиши ва унга қарши курашиш йўллари (228-231)

### 228. “Эрозия” ва “дефляция” деганда нималарни тушуниш керак?

«Эрозия»-лотин тилидан олинган бўлиб, «ейилиш» демакдир. Ер юзаси устки унумдор қисмининг сув таъсирида ювилиши ёки шамол таъсирида учириб олиб кетилишига, эрозия дейилади. Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашишига, баъзан дефляция деб ҳам аталади. «Дефляция»-юнон тилидан олинган бўлиб, «дефло»-«пуфлайман» демакдир.

**Дефляция-ер** юзасидаги тупроқ ва жинслар (қуруқ ва кичик заррачалар) нинг шамол таъсирида учирилиб бошқа жойларга күчишидир.

Шамол таъсирида тупроқнинг чириидили устки унумдор қисми, баъзан эса ҳайдалган қисми бутунлай учирив кетилади. Натижада таркибидаги ўсимликлар учун зарур бўлган микроэлементлар камайиб, тупроқ унумдорлиги кескин пасаяди ва дехқончилик учун яроқсиз бўлиб қолади. Баъзан эса шамол таъсирида тупроқнинг устки қисми учирилиб, экилган ниҳолларнинг илдизи очилиб қолади.

## 229. Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учраши қайси омилларга боғлиқ?

Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учраши, жойнинг табиий географик хусусиятига боғлиқ бўлиб, иқлими қуруқ ва иссик, таркибида намлик кам, қумоқ ва заррачаларининг диаметри 1мм дан **кичик** бўлган тупроқларда пайдо бўлади. Шунинг учун тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашиши ер шарининг иқлими қуруқ ва иссиқ бўлган минтақаларида, хусусан, Марказий Осиё минтақасининг текислик қисмларида кўпроқ вужудга келади. Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учраши йилнинг барча фасллари (баҳор, ёз, куз, қиш) да содир бўлиши мумкин. Аммо баҳор фаслида ернинг устки қисми юмшоқ бўлиб, экинларнинг илдизи яхни ривожланмаган пайтида, айниқса, шамолнинг тезлиги 15-20 м/с **атрофида** бўлганда эрозия туфайли ўсимликлар кўпроқ нобуд бўлади.

Маълум худудларда кучли шамол эсиб турганда, тупроқ таркибида чириндилар миқдори кам бўлганда, ерлар ёппасига ҳайдалганда, яйловлардан режасиз ва самарасиз фойдаланилганда, чорва молларини сурункасига

бир жойда боқиши ҳоллари тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашишини тезлаштиради.

### 230. Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашишини қандай турларини биласиз?

Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашишининг икки хил тури маълум.

1. Маҳаллий ёки ҳар кунлик эрозия.
2. Чанг- бўрон эрозия.

Маҳаллий эрозия, ўз навбатида, 2 қисмга бўлинади.

1. Маҳаллий шамол таъсирида тупроқнинг юқори қатламишининг эрозияга учрашиши.

2. Маҳаллий шамол таъсирида тупроқнинг пастки қатламишининг эрозияга учрашиши.

Хусусан, кучли шамол таъсирида қуюн-уюрма вужудга келиб, нураган заррачалар ниҳоятда юқори баландликларга кутарилади, натижада тупроқнинг юқори қатлами эрозияга учрайди.

Маҳаллий шамол таъсирида нураган жинслар фақат 1,5 м баландликларга кутарилиши мумкин. Натижада тупроқнинг пастки қатлами эрозияга учрайди.

Чанг-бўронлар таъсирида вужудга келадиган эрозия туфайли чанг заррачалари ҳавога кутарилиб, ҳаво таркибини бутунлай ўзгартириши мумкин, натижада атроф-муҳит қоронғилашиб қолади. Бундай ҳодисалар ҳар 2-5 йилда ёки 10-20 йилда бир маротаба шимолий Кавказда кузатилади ва чанг-бўронлар таъсирида 2,5 млн гектар майдондаги экинлар зарар кўрган. Чанг-бўронлар таъсирида пайдо бўладиган эрозия Шимолий Америкада, Осиёда ва Австралияда тез-тез содир бўлади.

### **231. Тупроқнинг шамол таъсиридан эрозияга учрашишининг қандай қилиб олдини олиш мумкин?**

Иҳота дарахтлари шамол кучини пасайтиради, тупроқда намликни сақлайди, ерларни қум босишдан сақлайди. Шунинг учун, Қуий Зарафшон воҳасига Қизилқумнинг қумини бостириб киришини тӯхтатиш мақсадида узунлиги 120 км, эни 2-3 км бўлган Бухоро яшил иҳота дарахтзорлари барпо этилган. Ўзбекистон шароитида баландлиги 6-8 м бўлган иҳота дарахтзорлари 60-80 м дан 200-250 м гача ерларни эрозиядан сақлайди. Мана шу жойлардан терилган пахтанинг ҳосилдорлиги эрозияга учраган ерларнинг ҳосилдорлигига нисбатан 2 мартаба ошган.

Қозогистонда буғдойзорларни, Ўзбекистонда эса, буғдой, шоли ва пахтазорларни эрозиядан ҳимоя қилишида кулис усулидан кенг фойдаланилади.

Кулис-асосий экинлар орасида кенглиги 2-4 м қилиб баланд пояли ўсимликлар (маккажухори, қунгабоқар) ни экиб, шамолни тўсувчи тўсиқлар барпо этишдир.

Алмашлаб экиш туфайли тупроқ таркибида чириндишлар, азот миқдори, қолаверса, ер унумдорлигини ошириш мумкин.

Ўзбекистонда ҳар 3 йилда пахта далалари бедапоя билан алмаштирилиб турилиши тавсия этилган. Бу пахта ҳосилдорлигини 39% га оширишга имкон беради. Эрозияга учраган тупроқларда беда экиб, 3 йилдан кейин чигит экканда, ҳар бир 1 гектар пахтадан 5 центнергача кўпроқ пахта ҳосили олинганилиги тажрибаларда аниқланган. Бироқ, алмашлаб экиш тартибига кўп жойларда эътибор берилмайди.

Қумоқ ва қум тупроқли ерларда эрозияга йўл қўймаслик мақсадида кўп йиллик экинлар экиб, далалар орасида бўз ер қолдириш ёки шамол йўналишига кўндаланг

равиша ерии ағдариб ҳайдаш (шудгорлаш) яхши натижә бермоқда.

Тупроқнинг шамол таъсирида эрозияга учрашишининг олдини олишнинг яна бир самарали усули-тупроқ тизимини яхшилашдир. Тупрокни ўгитлаб, унинг тизимини яхшилаш мумкин.

Тупроқ тизимини яхшилаш учун сувда эрувчан полимерлардан фойдаланилади. Полимер эритмасини кўчма қумлар устига сепилганда, қум заррачалари ўзаро ёпишиб қолади, натижада қум кўчишининг олди олинади. Чул ҳудудидан ўтган темир йўл, катта машина йўллари, каналлар ёқасида қумни сақловчи, саксовул, қандим, черкез каби дараҳтлар ва буталарни экиб, ўстириб, кўчма қумлар оқимини тұхтатиш мумкин.

### **6.3. Тупроқнинг сув таъсирида эрозияга учрашиши ва унга қарши курашиш йўллари (232, 233)**

#### **232. Тупроқнинг сув таъсирида эрозияга учрашишининг қайси шаклларини биласиз?**

Тупроқнинг сув таъсирида эрозияга учрашишининг қуийдаги шакллари мавжуд.

- 1. Юзлама эрозия.**
- 2. Чизиқли ёки жарли эрозия.**
- 3. Сурилиш эрозияси.**
- 4. Қулаш эрозияси.**

Тупроқнинг сув таъсирида ювилишига, юзлама эрозия дейилади. Ёингарчиликлар (ёмғир, жала, дүл ва қор) таъсирида тупроқнинг унумдор устки қатламишининг ювилишига, тупроқнинг сув таъсирида эрозияга учрашиши дейилади. Бунда сув томчилари тупроққа урилиб, унинг доначаларини ивитиб юмшатади, сұнгра вужудга келган оқим тупроқнинг үша чириндили ивиган

устки қисмини ювіб кетади. Натижада ернінг ҳосилдорлігі 2-3 мартаба камайиб кетиши мүмкін. Хусусан, қор сувлари ҳар гектар ердан 25 тоннагача тупроқнинг унумдор катламини ювіб кетиши мүмкін.

Тупроқ әрозиясининг иккінчи тури сув таъсирида қизиқлу ёки жарлы әrozиядир. Нишаб ерларда, водий бүйларидан қор, ёмғир, жала сувлари бирга құшилиб шиддатли оқимлар ҳосил қиласы. Жарликларнинг үртаса үсіш тезлиги тупроқ таркибига боғылған болып, бир йилда 3 м дан 8-26 м гача булиши мүмкін.

Жарликларнинг пайдо булиши туфайли ерлар ишга яроқсиз булиб қолади, әкин майдонлари қисқаради, қишлоқ хұжалик машиналаридан фойдаланып учун нокулайликтар пайдо булади. Энг ачинарлеси, мінтақалар худудидан оқиб үтадиган дарёлар лойқаланиб қолади. Масалан, ҳар йили Орол деңгизінде Амударёдан 100 млн тоннагача турли кимёвий таркибга әга бұлған оқизиқтар келиб тушмоқда.

Тупроқ сел таъсирида ҳам әrozияга учрашиши мүмкін. Сел-бу кучли жала натижасыда вужудға келген оқим булиб, у тупроқни ювишдан ташқари, үз йүлида учраган барча нарсаларни (тошларни, дарахтларни, күм ва лойларни) узоқ масофаларга олиб кетади.

Маълумотларнинг далолат берішича, 1872-1967 йиллар давомида (яғни 95 йил ичида), Марказий Осиёда 2917 маротаба, Үзбекистонда эса, 1969 маротаба сел бұлған. Натижада халқ хұжалиғи ниҳоятда катта иқтисодий-ижтимоий ва экологик зарар күрган. Масалан, 1921 йилда ҳозирги Алмати шаҳри яқинінде кучли сел булиб, унинг тезлиги 5 м/с га teng бұлған, сув оқимининг қалинлиғи иккі қаватли бинога teng бұлған ва 4 соатда шаҳарға 1800 минг м<sup>3</sup> лойқа, тош-шагалларни көлтирган. Натижада фожиали ҳодисалар рүй берган. 1963 йил 7 июлда Талгар водийсіда

бұлиб утған сел натижасида Алмати шаҳридан 60 км узоклиқда жойлашған Йесик құли йүк бұлиб кетган.

Тупроқ эрозиясининг яна бир тури – ирригация эрозиясидір.

Бу деңқончилик қилинадиган нишаб ерларни нотуғри сугорилишидан күпроқ содир бұлади. Натижада кичик жарлайлар вужудға келиб, сув таъсирида тупроқ ювилади. Масалан, Тошкент вилоятининг баъзи-бир хұжаликларида ирригация эрозияси туфайли ҳар бир гектар ердан үртача 100 тоннагача тупроқ ювилиб кетмоқда. Бунинг оқибатида иил давомида ҳар гектар ердан 100 кг азот ва 115 кг фосфор ювилиб кетаяпты.

### 233. Тупроқнинг сув таъсиридан эрозияга учрашишининг қандай қилиб олдини олиш мүмкін?

Бириңчидан, паст-баландликлардан иборат бұлған ерларда күп йиллик әкинлар әкиш, боғдорчилик ва узумчилик соҳаларни ривожлантириш мақсадға мувофиқдір. Қиялиги  $5\text{-}10^0$  ни ташкил этадиган ерларнинг ён бағирлари күндаланғ ҳайдалса, ёғингарчилик сувлари жүяклар ҳосил қила олмайды. Қиялиги  $10\text{-}15^0$  ни ташкил этадиган ерларда күп йиллик ем-хашак үсімліклари әкиш ёки пушталар олиб, мевали дараҳтлар ва токзорлар барпо этиш ишлари Республиканың миқёсіда кенг күламда амалға оширилмоқда.

Иккінчидан, йүл қуришда ёғингарчилик сувлари оқиб кетиши учун йүл буйлаб ариқлар қазиши даражатзорлар барпо этиш мақсадға мувофиқдір. Хусусан, сув ҳавзалари, каналлар ва түгонлар қуриш пайтида тупроқ олинған хандақларни текислаб, дараҳтзорлар барпо этиш, иқтисодий-ижтимоий ва экологик ахамиятта әга. Масалан, Самарқанд вилоятидаги кичик жар ва сойларни текислаш-

хисобига 200 гектар янги ерлар очиб, хўжалик хисобига утказилган.

**Учинчидан**, қирғоқларни ювадиган дарё буйларида дамба ва кутармалар барпо этиш, жарликларга сув тушмайдиган ариқлар қазиш, юмшоқ, енгил ва тез ювиладиган тупроқли жойларда ариқ урнига темир-бетон лотоклар ўрнатиш, жарлик ва сойликларда сув оқимини тусувчи тўғонлар қуриш, селга қарши курашиб мақсадида ҳовузлар ва сув омборлари барпо этиш, зинапоясимон ариқлар қазиш катта экологик аҳамиятта эга. Масалан, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сел кўп буладиган Оқтош сойлигида тоғ ёнбагирларида мана шундай зинапоясимон ариқлар қазилиб, дараҳтзорлар барни қилинган.

#### **6.4. Ўзбекистон Республикасининг ерлари ва уларнинг экологик ҳолати (234-248)**

**234. Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди қанча ва шундан қишлоқ хўжалик мақсадлари учун фойдаланиладиган ерлар ҳамда сугориладиган ерлар неча минг  $\text{км}^2$  ни ташкил этади?**

Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди 447,1 минг  $\text{км}^2$  бўлиб, шундан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган ерлар 269,2 минг  $\text{км}^2$  ва сугориладиган ерлар 43 минг  $\text{км}^2$  ни ташкил этади.

**235. Республикаизнинг табиий яйловлари ва ўрмонлар неча минг  $\text{км}^2$  ни ташкил этади?**

Республикаизнинг табиий яйловлари 222,9 минг  $\text{км}^2$  ва ўрмонлари 14,4 минг  $\text{км}^2$  ни ташкил этади.

**236. Суғориладиган ерлар неча % қишлоқ хўжалик масулотларини бера олади?**

Республикамиздаги суғориладиган ерларнинг 15% да 98% қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиширилади.

**237. Ҳозирги пайтда республикамиз бўйича шўрланган ерлар неча гектарни ташкил этмоқда?**

Охирги 20-25 йил давомида суғориладиган ерларнинг шўрланиши 0,8 млн гектарга ошиб бориб, ҳозирги пайтда улар 2 млн гектарни ташкил этмоқда. Шундан 0,85 млн гектар ерлар ўта шўрланган ҳисобланади.

Республика бўйича 1748 минг гектар шўрланган ерлар мавжуд бўлиб, улардан 241 минг гектари кучли шўрланган елардир.

**238. Қайси вилоятларда шўрланиш жараёнлари кучаймоқда?**

Шўрланиш жараёнлари, айниқса, Қорақолпоғистонда, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида кучаймоқда. Масалан, Қорақолпоғистонда 90-95% ерлар, шунингдек, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразда ҳам 60-70% ерлар турли даражада шўрлангандир.

**239. Тупроқ таркибидаги чиринди миқдори неча % га камайтан ва бундай ерлар умумий майдоннинг неча % ни ташкил этмоқда?**

Ер ҳосилдорлигининг ўсиши асосан чиринди (гумус) миқдорига боғлиқ. Тупроқ таркибида чиринди миқдори қанча кўп бўлса, ернинг ҳосилдорлиги шунча ошади. Охирги 30 йил давомида тупроқ таркибида чиринди миқдори 30-50% га камайди. Бундай ерлар умумий майдоннинг 40% ни ташкил этмоқда. Барча суғориладиган ерларнинг 40% га

яқинини чиринди миқдори ниҳоятда кам (1% гача) булган тупроқлар эгаллайди.

**240. Республика ерларининг бонитет бали ва вилоятлардаги ерларнинг бонитет баллари нечага тенг?**

Республика ерларининг бонитет бали 60 га тенгдир. Қорақалпогистон, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида бонитет бали ниҳоятда паст бўлиб, 48,7 бални ташкил этади, Сурхондарё, Хоразм ва Наманган вилоятларида 70-76 бални ташкил этмоқда.

Пахта экиладиган ерларнинг энг юқори 81-100 балларга тенг бўлган майдони 0,7 млн гектарни ташкил этмоқда, 41-60 балларга тенг майдони 0,9 млн гектарни, 21-50 балларга тенг майдони эса, 0,6 млн гектарни ташкил этади.

**241. Республикамизда сугориладиган ерларининг неча гектари эрозия (дефляция) га учраган?**

Дарҳақиқат, ер унумдорлигининг пасайиб кетишига тупроқнинг шамол ва сув таъсирида эрозияга учрашиши ниҳоятда кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Республикамиздаги 21 млн гектар су-ғориладиган ерларидан 0,7 млн гектар ерлари ўта ва ўртacha даражада дефляция (эрозия) га учраган. Ўта ва ўртacha даражада дефляцияга учраган ерлар Фарғона водийсида 165 минг гектарни, Сурхондарёда 106 минг гектарни, Қашқадарёда эса 80 минг гектарни ташкил этади.

**242. Бухоро вилоятида ўта ва ўртacha даражада дефляцияга учраган ерлар неча гектарни ташкил этади?**

Бухоро вилоятида ўта ва ўртacha даражада дефляцияга учраган ерлар 52 минг гектардан кўпроқдир.

**243. Яйлов ерларнинг неча гектари дефляцияга ва неча гектари сув таъсирида эрозияга учраган?**

Чорва молларни сурункасига бир жойда бокиш ва яйловларни ўз вақтида алмаштирмаслиги сабабли **22 млн гектар** яйловлардан **6 млн гектари** дефляцияга учраган, **13 млн гектар** яйловлар эса, сув таъсирида эрозияга учраган.

**244. Тупроқнинг юза қатламида зарапли тузларнинг тұпланишининг асосий сабаблари нимада?**

Тупроқнинг шүрланиши, ер ости сувлари сатхининг кутарилиши ва юқори ҳароратларда ер ости сувининг буғланиши тупроқнинг юза қатламига зарапли тузларнинг тұпланишынга сабаб бўлмоқда.

**245. Юқори ҳосилдорликка эришиш учун тупроқ ҳақида нималарни билиш керак?**

Юқори ҳосилдорликка эришиш учун тупроқнинг ғоваклиги, ҳаво ўтказувчанлиги, капиллярлиги, фильтрлаш хусусияти ва сув сифими ҳақида тұлиқ маълумотарга эга бўлиш керак.

Тупроқ нормал ҳолатда **ұлчами 2-10 мкм** бўлган юмалоқ заррачалардан иборат булиб, улар орасида ғоваклар мавжуд. Бундай ғоваклар тупроқ заррачаларини ҳаво билан таъминлади, уни шамоллашига ва намланишига катта ёрдам беради, шунингдек, тупроқда кечадиган барча биокимёвий жараёнларни жадаллаштиради.

Тупроқ заррачалари биологик парда билан үралган ва ушбу парда орқали фильтрланиш жараёнида эриган моддаларни ва бактерияларни ўзига шимиб олади.

Тупроқ қатламларидан капиллярлар найчалар орқали намликинни юқорига кутарилишига, тупроқнинг капиллярлиги дейилади. Тупроқнинг донадорлиги кам бўлса, у кам ғовакли ва капиллярларга бой ҳисобланади,

демак, ер ости сувларнинг юқорига кутарилиши ҳам юқори бўлади. Тупроқ донадорлиги йирик бўлса, сувнинг юқорига кутарилиш тезроқ кечади, аммо юқорироқ баландликка кутарила олмайди.

Йирик донадор ва қуруқ тупроқлар соғлом бўлади. Уларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари яхши кечади. Намлиги юқори ва яхши шамоллайдиган тупроқлар соглом бўлмайди, чунки уларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари ёмон кечади.

Тупроқнинг сув сифими деганда, унинг шимиш ва капилляр кучлари таъсирида ўзига намликин ушлаб қолиш қобилияти тушунилади. Тупроқнинг донадорлиги қанча юқори бўлса, унинг сув сифими шунча катта бўлади. Тупроқ таркибидаги ғовакларнинг ұлчами кичик бўлса ва уларнинг микдори қанча кўп бўлса, тупроқнинг сув сифими ҳам катта бўлади.

**246. Ерни шудгорлашдан асосий мақсад нима?**

Ерни шудгорлашдан асосий мақсад-биринчидан, тупроқ таркибидаги капиллярларнинг бузиб, шу йўл билан унинг намлик даражасини сақлаш ва ер ости сувлари сатхини кутарилишини камайтиришдан иборат.

Иккинчидан, тупроқни юмшатиш, донадорлигини таъминлаш ва әкиладиган экин илдиз системалари учун қулай шароитлар яратишдан иборат.

**247. Ерларни алмашлаб экиш ва тупроқ таркибидаги чиринди (гумус) нинг моҳияти нимада?**

Тупроқнинг ўзини табиий органик моддалари (гумин кислоталари, фульво кислоталари) булиб, улар тупроқ таркибидаги микроорганизмлар томонидан синтез қилинади.

Органик моддаларни парчаланишда тупроқдаги бактериялар,чувалчанглар, замбуруғлар ва ҳашаротлар

уругидан чиққан личинкалар (куртлар) қатнашади. Органик моддаларнинг парчаланиши билан бир қаторда, тупроқда синтез қилиш жараёни ҳам давом этади. Натижада углеродга бой чиринди (гумус) моддаси пайдо бўлади.

Чиринди (гумус) қорамтири органик моддаларга бой, мураккаб кимёвий таркибга эга бўлган органик бирикмадир. Унинг таркибида гумин, улмин, крон кислотаси, лигнин, протеин, сув, ёғ, органик кислоталар мавжуд.

Ўсимликлар чиринди таркибида озуқа моддаларнинг асосий қисмини шимиб оладилар.

Чиринди таркибида азот кўп бўлишига қарамай, у сасимайди, ёмон хидлар чиқармайди, пашшаларни ўзига тортмайди.

Эслатиб ўтиш керакки, тоза тупроқнинг таркибида унинг оғирлигига нисбатан қўйидаги 8 та элемент мавжуд: кислород 49,13 %, кремний 26%, темир 4,2 %, калций 3,25 %, калий 2,35 % натрий 2,4 %, углерод 0,35 % ва хлор 0,2 %.

Тупроқнинг физик хоссалари (яъни, тупроқнинг зичлиги, сув утказувчанлиги ва сув сиғими) ни яхшилаш учун тупроқ заррачаларининг ўлчами 0,25 мм дан каттароқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Аммо пахта якка ҳокимлиги туфайли тупроқ таркибидаги чириндининг миқдори 40 % га камайди.

Ерларни алмашлаб экиш чиринди миқдорининг кўпайишига катта ёрдам беради. Масалан, З йиллик беда тупроқда 400 кг азот ва 20 тонна чиринди (гумус) тўплайди. Тупроқнинг ҳайдов қатламида чириндининг миқдори 0,5 – 1,5 % ни, фосфор 0,13 – 0,19 % ни ва азот 0,03 – 0,09 % ни ташкил этади. Ҳозирги пайтда фақатгина 8 – 10 % майдонларга гўнг (маҳаллий ўғит) киритилади, холос. Гўнгдан унумли фойдаланиш ўсимликларда сув миқдорини 20-25 % га тежаш имконини беради.

Маълумотларга қараганда, йиллик ёғингарчилик миқдори Навоий вилоятида 205 мм, Бухоро вилоятида эса 105 мм ни ташкил этмоқда. Ерларни сугориш натижасида ҳосил бўлган тупроқ қалинлиги (ирригацион қатлам) 2-3 м ни ташкил этмоқда. Пахта далаларида ёмғир чувалчанглари деярли йўқолиб кетди. Натижада тупроқнинг зичлиги ошиб кетди. Юқори ҳосилдорликка эришишнинг асосий йулларидан бири маҳаллий ўғитларни 15-20 см қалинликда тупроқ билан қушиб, уни сугоришдир. Зеро, гунг 3-4 ойда яхши чирийди ва тупроқнинг гумус (чиринди) қатламини яхшилайди.

#### **248. Нима сабабдан тупроқ таркибидаги чириндининг миқдори пасаяди?**

Кишлоқ ҳужалиги экинларидан юқори ҳосил олиш мақсадида меъёрдан ортиқ маданий ўғитлардан фойдаланиш ва зааркунандаларга қарши қурарашища заҳарли химикатлардан фойдаланиш оқибатида тупроқ таркибидаги гумус (чиринди) миқдори 1,5-2,0 % дан 0,3-0,5 % га тушиб қолди. Бу эса, ўз навбатида, тупроқнинг захарланишидан ва биокимёвий жараёнларнинг изидан чиққанидан далолат беради.

Бухоро вилояти қишлоқ ҳужалигида 1991-1995 йиллар давомида ҳар бир гектар ерга киритилган органик ўғитлар миқдори 6-11 тоннага, ялпи тайёрланган ўғитлар эса 1,9-2,5 млн тоннага ошли. Баъзи-бир ривожланган мамлакатларда ҳар бир гектар майдонга 2 кг дан пестициidlар ишлатилиса, вилоятда 11 кг дан ишлатиб келинди.

Ҳозирги вақтда фосфорли ўғитлар (суперфосфат, аммофос, нитрофос) нинг 12-15 % ни, азотли ўғитлар (амиак селитраси, карбамид, аммоний сулфат) нинг 30% ни, калийли ўғитлар (калий тўзи, калий хлор тузи, калий фосфати) нинг 30-40 % ни ўсимликлар ўзлаштириб, қолган

қисми атроф-муҳитни ифлослантироқда. Буларнинг барчаси тупроқдаги чиринди миқдорини пасайишига асосий сабаб бўла олади.

## 6.5. Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлари этиштиришнинг самарали йўллари (249 - 251)

### 249. Дехқончилик соҳасида ўз ечимини кутаётган асосий муаммо нима?

Маълумки Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси 34 млн нафардан ошди. Бу эса республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини сифатли ва экологик тоза озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлаш, тоза ичимлик сувига ва энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш каби ўз ечимини кутаётган иқтисодий-ижтимоий ва экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Ушбу муаммоларни самарали ечимини топиш учун илмий тадқиқот ишларини амалга жорий этиш, ўсимликларни тез ва мунтазам ривожланиб бориши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тупроқ тизимини яхшилаш каби муаммолар кўндаланг бўлиб турибди.

Экологик тоза ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш нафакат агротехника қоидаларига амал қилишга, минерал ва органик ўғитлардан кўпроқ фойдаланишга, балки тупроқнинг минералогик таркибига ва унинг ғоваклигига кучли боғлиқдир. Тупроқ доначалари йирикроқ бўлса, унинг ғоваклиги ҳам шунчалик юқори бўлади. Энг катта ғоваклар тошлиқи тупроқларда ва энг кичик ғоваклар эса лой тупроқда бўлади. Агар тупроқнинг ғоваклиги 60-65 % ни ташкил этса, у ўз-ўзини тозалаш имкониятига эга бўлади. Тупроқдаги ғоваклар ўлчами кичик бўлса, ўз-ўзини тозалаш жараёнлари ёмонлашади ва уларни

соғлом тупроқ деб бұлмайди. Йирик донадор ва қуруқ тупроқтар соғлом бұлади ва уларда үз-үзини тозалаш жараёнлари осон кечади. Намлиги юқори ва шамоллайдиган тупроқтар соғлом бұла олмайди, уларда үз-үзини тозалаш жараёнлари ёмон кечади. **Буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино** үз замонасида бундай тупроқтарни “**касал тупроқ**” деб атаган әканлар ва бундай тупроқли майдонларда уй-жой қуриш мумкин әмаслигини уқтириб үтгандар!

Агар тажриба фактларини инобатта олсак, үртача шағал атиги 7% сув ни ушлаб қолиши мумкин. Йирик құм эса 23 % сувни, үртача құм 47 % сувни ва майда құм эса 65 % сувни ушлаб қолиши мумкин.

Маълумки, ердан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлигини ошириш учун у нафақат гүнг билан, балки минерал үғитлар (азот, фосфор, калий ва бошқалар) билан ҳам озиқлантирилади. Аммо үсимликлар улардан 30-70 % ни үзлаштиради, холос. Уларнинг қолган қисми турли туз комплекслари шаклида ерда исроф бўлиб, вақтнинг ўтиши билан сизот сувлари билан аралашиб, сувни маълум даражада ифлослантиради. Демак, дехқончилик соҳасида үз ечимини кутаётган асосий муаммо-үсимликлар томонидан үзлаштиrmай қолган қимматбаҳо минерал ва органик үғитларни қандай қилиб тупроқ таркибида сақлаб қолиш мумкин иборат.

#### **250. Үсимликлар томонидан үзлаштиrmай қолган қимматбаҳо минерал ва органик үғитларни қандай қилиб тупроқ таркибида сақлаб қолиш мумкин?**

Үсимликлар томонидан үзлаштиrmай қолган қимматбаҳо минерал ва органик үғитларни тупроқ таркибида сақлаб қолиш муаммосини самарали ечиш учун

тупроқни ўғитлашда ўғит сифатида яңчилған ғовак тошлардан құллаш яхши натижалар бериши мүмкін.

Туф – бу вулқонлар натижасыда пайдо бұлған табиий жигарранг төр жинси булып, унинг таркибида қуйидеги микроэлементлар мавжуд:  $\text{CaO}_2$  -65,1%,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  -19,9 %,  $\text{K}_2\text{O}+\text{Na}_2\text{O}$  -7,9 %,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  -4,2%,  $\text{CaO}$  -3,1 %,  $\text{MnO}$  -1,4%,  $\text{TiO}_2$  - 0,6 %. Туфнинг зичлигі  $2,57 \text{ г}/\text{см}^3$  га тенг булып, ғоваклиги 46,6 % (ұажми бүйіч) ва ұажмий массаси  $840 \text{ кг}/\text{м}^3$  га тенгдір.

Бундан ташқари, республикамизда туф тошларидан деворбоп ва пардозбоп қурилиш материали сифатида иншоотларни безаш ва ташқи ҳамда ички құринишини яхшилаш мақсадида кенг құлланилади. Туф тошларини кесиш, текислаш, сайқаллаш, шакл бериш жараёнида катта ұажмда синик туф парчалари, кукунлари ва қириндилари пайдо бұлади. Уларни корхона ҳудудидан чиқариб ташлаш эса катта маблағларни сарфлашни тақозо этади. Ушбу чиқиндилардан тупроқ унумдорлигини оширувчи "минерал ўғит" сифатида құллаш мүмкін. Чунки ұажмининг қарийб ярмини ғоваклар ташкил этади ва, әнг мұхими, у күп компонентли минерал булып, микроэлементларга бойдир.

Перлит ҳам туфға ұшшаган табиий минерал булып, унинг таркибида қуйидеги микроэлементлар мавжуд:  $\text{CaO}_2$  - 72 %,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  - 13 % ва нисбатан кам миқдорда  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{FeO}$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$ ,  $\text{MnO}$ ,  $\text{Na}_2\text{O}$ ,  $\text{K}_2\text{O}$ ,  $\text{CaO}$ ,  $\text{MgO}$ . Перлитни  $907 ^\circ\text{C}$  да қыздырылғанда, у шишиб қолади ва ғовак минералга айланади. Унинг ұажмий массаси  $250 \text{ кг}/\text{м}^3$  га, заррачаларининг ұлчами эса  $0,5 \text{ см}$  га тенг булып, солиширма юзаси  $3-7 \text{ м}^2/\text{г}$  ни ташкил этиши мүмкін. Бундай енгил материалнинг заррачалари ғовак ва ҳаво билан тұлған бұлади.

Маълумки, саноат корхоналарыда күмирни ёқиб, маъданлардан керакли металлар суюқлантириб олинади.

Натижада ўчоқларда катта ҳажмда тошқоллар, қуйқум ва кукунлар йиғилиб қолади. Улар минерал микроэлементларга бой бўлиб, ғоваклиги туфайли қишлоқ хўжалигидага минерал ўғит сифатида қўлланилиши мумкин. Масалан, қизил қуйқумнинг таркибида қуйидаги микроэлементлар мавжуд:  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  – (39-44) %,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  – (17-19) %,  $\text{CuO}$  – (5-11) %,  $\text{CaO}$  – (7,6-9,5) %,  $\text{TiO}_2$  – (4,4-5,6) %,  $\text{Na}_2\text{O}$  – (6,2-6,9) %,  $\text{B}_2\text{O}_5$  – (0,2-0,3) %,  $\text{P}_2\text{O}_5$  – (0,2-0,3) % ва нисбатан кам миқдорда  $\text{MgO}$ ,  $\text{Cr}_2\text{O}_3$ ,  $\text{FeO}$  ва бошқа бирикмалар мавжуд. Улар қишлоқ хўжалигидага минерал ўғит сифатида қўлланилиши мумкин.

### 251. Металлургия саноат корхоналарида йиғилиб қоладиган чиқиндилар ўсимликлар учун озуқа манбаи бўлиши мумкинми?

Металлургия саноат корхоналарида йиғилиб қоладиган чиқиндилар (тошқоллар, қуйқумлар ва кукунлар) ғовак ва кўп компонентли материаллар бўлиб, таркибида фосфор, калий, калций, магний, алюминий ва шунга ухшаган бошқа микроэлементларни сақлайди. Улар ўсимликлар учун озуқа манбалари бўлиши мумкин. Масалан, Ереван тошлар ва силикатлар илмий тадқиқот институти олимлари ҳар бир маккажӯхори уругини 50 г тошқоллар билан аралаштирилган тупроққа экиб, ҳосилдорликни 32 % та кутаришга эришганлар. Маккажӯхори экилган қаторларга 3 см қалинликка тошқол сепиб, биринчи майдондан 60 %, иккинчисидан 170 % ва учинчи майдондан 230 % ҳосил олишга эришганлар. Демак, тупроқнинг дастлабки кимёвий таркиби ёмон бўлса, унда озуқабоп ўғитлар шунча кам, янги ўсулнинг самарадорлиги эса шунча юқори бўлади. Ушбу ўсул ёрдамида узумдан 1,5 маротаба, помидордан эса 2 маротаба кўп ҳосил олишга эришганлар. Бунинг асосий сабаби шундаки, тошлардаги капиллярлар ва ғоваклар сув ва минерал ўғитларни сақловчи резервуар (идиш) функциясини

бажаради. Үсимлик томирлари эса мана шу резервуарлардан ўзларига керакли бўлган сув ва минерал ўғитларни шимиб олади. Натижада экинзорларни тез-тез суғориб туришга ҳожат қолмайди. Агар республикамиз ва, айниқса вилоятимиз, иқлим шароитини ва тупроғининг шурланиш даражаси юқорилигини инобатга олсак, юқорида таклиф этилган усулининг самарадорлигига шак-шубҳа қолмайди.

Ҳозирги пайтда ривожланган хорижий мамлакатларда (Буюк Британия, Франция, АҚШ ва бошқа мамлакатларда) тупроқдаги намликни сақлаш, унинг тизими ва кимёвий таркибини яхшилаш, ернинг шўрини ювиш, қўчма қумлар ҳаракатини олдини олиш ва ихота дараҳтзорларни қўпайтириш каби муаммоларни ечиш мақсадида илмий тадқиқот ишларига катта маблағлар ажратмоқдалар. Биз ҳам мана шу йўлдан боришимиз керак!

## **6.6. Минерал ўғитларнинг қишлоқ хўжалигидағи аҳамияти (252-262)**

252. Нимага минерал ўғит деб аталади?
253. “Агрокимё” фанининг асосчиси ким унинг хизмати нимадан иборат?
254. Үсимликлар таркибида нечта элементларни учратиш мумкин?
255. Макроэлемент деб нимага айтилади?  
Макроэлементлар гуруҳига қайси элементлар киради?
256. Микроэлемент деб нимага айтилади?  
Микроэлементлар гуруҳига қайси элементлар киради?
257. Калий ва темирнинг үсимликлар ривожи учун аҳамияти нимада?

Қишлоқ хўжалиги экинлардан юқори ҳосил олишда нафақат маҳаллий ўғитлар (масалан, гўнг) дан, балки минерал ўғитлардан ҳам кенг қўлланилади.

Тупроқ әритмасида ионлар ( $\text{NH}_4^+$ ,  $\text{NO}_3^-$ ,  $\text{H}_2\text{PO}_4^-$ ,  $\text{K}^+$ ) га ажраладиган моддаларга, минерал ўғитлар деб аталади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, немис олими Ю. Либих (1803-1873) "Агрокимё" фанининг асосчиси ҳисобланади. "Агро" – юон тилидан олинган сүз булиб, "дала" деган маънони англатади. "Агрокимё" – дала кимёси демакдир. Ю. Либих 1840 - йилда "Кимёning дехқончиликка тадбиқи" китобида ўсимликларнинг озиқланиши учун азот (N), фосфор (P), калий (K) элементларини таркибида тутган тузлар ва бошқа элементлар сақлаган моддалар зарур эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берган эди. У ўсимликларнинг минерал озиқланиш назариясини ишлаб чиқкан, тупроққа минерал ўғитлар солиш йўли билан маданий ўсимликлар ҳосилдорлигини оширишга доир бир қатор тавсияномалар берган.

Ўсимликларнинг яхши ривожланиши учун углерод (C), водород (H), кислород (O), азот (N), фосфор (P), калий (K), калций (Ca), магний (Mg), темир (Fe) каби элементлар зарур. Айниқса, ушбу элементлардан азот, фосфор ва калийнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ўсимликлар таркибида 70 га яқин турли элементлар мавжудлиги тажрибаларда аниқланган.

**Макроэлементлар ва микроэлементлар** атамаларини бир-биридан фарқ қилиш керак.

Ўсимликлар учун кўпроқ керак бўладиган элементларга, **макроэлементлар** деб аталади. Макроэлементлар гурухига углерод, кислород, водород, азот, фосфор, олтингутурт (S), магний, калий, калций каби элементлар киради.

Ўсимликлар учун нисбатан озроқ керак бўладиган элементларга, **микроэлементлар** деб аталади. Бу гурухга темир (Fe), марганес (Mn), бор (B), мис (Cu), рух (Zn), молибден (Mo), кобалт (Co) каби элементлар мисол бўла

олади. Азот, фосфор ва калий ўсимликлар учун күпроқ керак бўлади. Шунинг учун уларни ўсимликлар ўзлаштира оладиган кўринища ишлаб чиқарилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ўсимликлар макро- ва микроэлементларни ионлар тарзида ўзлаштиради.

Шуни ҳам унумаслик керакки, ўсимликнинг ўсиши ёки ривожланиши кечикиб, барглари оч-яшилранг бўлиб ёки сарғайиб қолса, бу азот етишмовчилигидан дарак беради. Натижада ҳосилдорлик кескин пасаяди.

**Калий (K)** ўсимликларда фотосинтез жараёнини тезлаштирувчи ва углеводларни түпланувчи элемент ҳисобланади. Масалан, қанд лавлагида шакарни, картошкада крахмални, гўзада пахта толасини (яъни, целлюлозани) түпланишини жадаллаштиради. Энг муҳими, калий ўсимлик пояларини мустаҳкамлайди. Шунинг учун паҳтани суғориша калий ўғитларидан кенг қўлланилади.

**Темир (Fe)** ўсимлика азот (N), фосфор (P) ва калий (K) нинг ўзлаштиришини тезлаштиради. Мис (Cu), рух (Zn), ва марганес (Mn) лар ўсимлика содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш жараёnlарини тезлаштиради.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларидан юқори ҳосил олиш учун минерал ўғитлардан тўгри ва ўз вақтида ҳамда меъёрида фойдаланиш зарур. Зоро, керагидан ортиқча берилган минерал ўғит ўсимлика түпланиб қолиб, ундан олинган маҳсулотлар истеъмол қилишга яроқсиз ва экологик хавфли бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Айниқса, ортиқча берилган ўғитларнинг салбий таъсирида озиқ-овқат маҳсулотининг органолептик кўрсаткичлари (таъми, мазаси, ҳиди ва ранги) ўзгариб кетиши мумкин.

## 258. Азотли минерал ўғитларнинг қайси турларини биласиз?

**259. Тупроқда азотли бирикмалар қандай ҳосил булиши мумкин?**

**260. Тупроқдаги азот захирасини қандай тұлдириш мумкин?**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тупроқда азотли бирикмалар органик қолдиқларнинг чириши туфайли ҳосил булади. Үсимликлар азотни боғланган ҳолда үзлаштиради. Бактериялар томонидан ҳаводаги азотнинг үзлаштирилиши, момоқалдироқ пайтида ҳаводаги азотнинг оксидланиши туфайли тупроқдаги азотнинг захираси тұлдириб турилади. Қишлоқ хұжалик әқинлари йиғиштирилганды, тупроқдаги азотнинг миқдори камаяди. Азотнинг етишмовчилігі туфайли үсимликнинг ривожланиши ва үсиши сусайиб, ҳосилдорлик пасаяди. Мана шу муаммони самарали ечиш учун тупроқ таркибиға азот сақланувчи үгитлар киритилади.

Шуни унутмаслик керакки, азотли минерал үгитлар турұхига қуйидаги үгитлар киради. Сувга яхши эрүвчан, гигроскопик ҳоссасига зәға бұлған оқ ёки қулранг натрийли селитра ( $\text{NaNO}_3$ ), сувга яхши эрүвчан оқ кристалл модда-калийли селитра ( $\text{KNO}_3$  ), калцийли селитра ( $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ), аммонийли селитра ( $\text{NH}_4\text{NO}_3$ ), мочевина ( $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$ ,  $\text{NH}_4\text{Cl}$ ,  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ), суюқ аммиак ва аммиакли сув. Ушбу азотли үгитлар “Ўзкимёсаноат” ДАК га қарашли “Максам-Чирчик”, “Навоийазот”, “Фарғонаазот”, “Самарқандкимё”, “Деҳқонобод калийли үгитлар” каби кимё заводларида ишлаб чиқарылади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиатда нитратлар захираси жуда оз. Уларнинг катта табиий бирикмаси натрий нитрат ёки натрийли селитра ( $\text{NaNO}_3$ ) ҳолида Америка қитъасида жойлашған Чили давлатида учрайди.

## 261. Фосфорли ўғитларнинг қайси турларини биласиз?

“Умумий кимё” фанидан маълумки, фосфор оксидланиш-кайтарилиш жараёнларида иштирок этувчи моддалар таркибига киради. У ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун катта амалий аҳамиятга эга. Машҳур рус олими, акад. А.Ю.Ферсман фосфорнинг аҳамиятини юқори баҳолаб, уни “ҳаёт ва тафаккур элементи” деб атаган эди. Дарҳақиқат, фосфор азот, углерод, водород элементлари сингари тирик организмларнинг асосини (негизини) ташкил этади. Кишлөк хўжалигига қуйидаги фосфорли ўғитлардан кенг қўлланилади.

1. Фосфорнинг табиий бирикмаси фосфоритнинг бойитилган куқунига, фосфорит талқони ( $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ ) деб аталади. У сувда жуда оз эрийди, кислотали мухитдаги тупроқларда ўсадиган ўсимликларга, бўз ва торфли тупроқларда ўсадиган ўсимликларга солинади.

2. Оддий суперфосфат ( $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2 \cdot \text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ ) донадор қилиб (гранула) ишлаб чиқарилади. У аппатит номи билан ҳам аталади. У сувда эрийди ва ундан ҳар қандай мухитдаги тупроқларда ўсадиган ўсимликлар учун қўллаш мумкин.

3. Аммофос.  $\text{Ca}(\text{H}_2\text{PO}_4)_2$ ,  $(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$ ,  $\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$  лар аралашмасига, аммофос деб аталади.

## 262. Калийли ўғитларнинг қайси турларини биласиз?

Калий элементи ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширувчи восита ҳисобланади. Шунинг учун қишлоқ хўжалигига калий хлориди ( $\text{KCl}$ ) ва калий нитрат ( $\text{KNO}_3$ ) каби бирикмаларидан минерал ўғит сифатида кенг қўлланилади.

Калий хлориди ( $\text{KCl}$ ) ўғит сифатида таркибида 52-60 %  $\text{K}_2\text{O}$ -озуқа бирлиги (элементи) ни сақлайди. Калий нитрат

үгити таркибида  $K_2O$  дан ташқари, 12-13 % азот ҳам бұлади.

Ўсимликларнинг ёниши натижасида ҳосил бўладиган қаттиқ кулга, поташ деб аталади.

Шуни унутмаслик керакки, Ўзбекистон Республикасида үгитлар кимёси ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини ривожлантиришда ўзбек олимни, акад. М.Н.Набиев (1915-1995) нинг хизматлари ниҳоятда катта. У фосфоритларни нитрат кислота билан ишлаб, янги комплекс үгитлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган.

## **6.7. Биоген элементлар ва уларнинг тирик организмларнинг ривожланиши учун амалий аҳамияти (263-269)**

**263. Ер пўстлоғи қайси элементлардан таркиб топган ва улар неча % ни ташкил этади?**

**264. Макробиоген элементлар деб нимага айтилади ва уларга қайси элементлар киради?**

**265. Инсон танаси қайси элементлардан таркиб топган ва улар неча % ни ташкил этади?**

**266. Тирик организмда миқдори 0,01 % дан кам нечта элемент бор?**

**267. Микробиоген ёки микроэлементлар гуруҳига қайси элементлар киради ва уларнинг амалий аҳамияти нимада?**

Ер пўстлоғининг 98 % асосан 8 та элементдан таркиб топган: кислород (O), кремний (Si), алюминий (Al), темир (Fe), калций (Ca), натрий (Na), калий (K) ва марганес (Mn) дан. Улар тирик материя таркибига кирган бўлсалар-да, углерод (C) асосий ҳаёт элементи бўлиб қолган.

Инсон танасининг 99,4 % ни водород (H), кислород (O), углерод (C), азот (N) ва калций (Ca) ташкил этади. Улар **макробиоген элементлар** деб аталади.

Тирик организмда ҳаёт учун ўта зарур ҳисобланган 0,01 % дан кам миқдорда учрайдиган **10 элемент бор**: улар темир (Fe), марганес (Mn), кобалт (Co), мис (Cu), молибден (Mo), рух (Zn), фтор (F), бериллий (Be), бор (B), йод (I). Улар микробиоген элементлар ёки **микроэлементлар** деб аталади. Микроэлементларнинг амалий аҳамияти шундаки, улар қанд, крахмал, оқсиллар, турли нуклеин кислоталар, витаминалар, ферментларнинг ҳосил бўлишига катта ёрдам беради. Микроэлементлар ўсимликларнинг унумсиз ерларда яхши ўсишини, ҳосилдорликни кўпайишини, қурғоқчиликка ва совуққа мослашишини таъминлайди ва, энг муҳими, турли касалликларга чидамлилигини оширади.

#### **268. Марганес, мис, молибден ва бор каби элементларнинг амалий аҳамияти нимада?**

Марганес (Mn), мис (Cu), молибден (Mo) ва бор (B) каби элементларнинг амалий аҳамияти шундаки, улар фотосинтез жараёнининг кечишига, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига, уруғларнинг етилишига катта ёрдам беради. Улар ўсимликларнинг ташқи муҳитнинг заарли таъсири (масалан, тупроқда намликнинг етишмаслиги, ҳароратнинг ошиб кетиши, ёки аксинча, пасайиб кетиши) га чидамлилигини оширади, бир қатор бактериялар ва замбуруғ касалликларга (масалан, каноп бактериози, лавлаги ўзагининг чириши, донли ўсимликларда кулранг доғларнинг пайдо бўлиши) нисбатан барқарорлигини таъминлайди.

Марганес (Mp) тирик организмларда сийдик ҳосил қилувчи асосий элемент бўлиб, у углерод витаминининг ҳосил бўлишида катта ёрдам беради. Марганес резавор мевалар ва галладошлар ҳосилдорлигини сезиларли даражада оширади. Масалан, **1 гектар қулуңпайдан 3 центнергача, буғдойдан эса 3-4 центнергача қўпроқ ҳосил олиш мумкин**. Пахта чигитини экишдан олдин марганес

тузлари билан намланса, пахта ҳосилдорлиги гектарига 2 центнергача ортади. У ғұза, тамаки ва қанд лавлагининг ўсишини тезлаштиради.

**Мис (Cu)** қуриган ботқоқ ерлар, құмлоқ ва мис деярли учрамайдын ерларда дон ҳосилдорлигини ошириш, марганес (Mp) эса, қанд лавлаги ва буғдой етиштиришда, рух (Zn) маккажұхоридан юқори ҳосил олишда катта ёрдам беради. Кобалт (Ko) ва йод (I) ҳайвонлардан сифатлы маҳсулот олишда муҳим омил ҳисобланади. Мис тери пигментациясида ва темирнинг ўсимликлар томонидан үзлаштиришга катта рол үйнайды.

**Молибден (Mo)** азотнинг үзлаштирилишида ва организмдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларida катта амалий аҳамиятта әга. Молибденли микроүғитлар қанд лавлаги ҳосилдорлигини 20 % га, зигирнинг ҳосилдорлигини эса 25 % га оширади. Ёритгичлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг чиқындилари қимматбаҳо молибденли микроүғит ҳисобланади. Бу чиқынди минерал үғитлар билан тегишли миқдорда құшиб ишлатылса, пахта ҳосилдорлиги гектарига 7 % га, буғдой ҳосилдорлиги эса 37 центнерга ошиши тажрибаларда синааб күрілган.

**Бор (B)** нинг нұхат, ловия, беда, қанд лавлаги, каноп, полиз әкинлари ва резавор мевалар ҳосилдорлигини оширишда аҳамияти тажрибаларда исботланған.

#### 269. Калций, кобалт, рух, фосфор, фтор, бром ва йоднинг амалий аҳамияти нимада?

**Калций (Ca)** инсон организміда муҳим аҳамиятта әга бўлган биоген элемент бўлиб, унинг 99 % и сүякларда, тахминан 1 % и эса қон ва лимфада учрайди. Организмда калций этишмовчилиги бир қатор касалликларни келтириб чиқаради. Табобат соҳасида калций хлорид ва калций гликонат асосида тайёрланған дориворлардан кенг

қўлланилади. “Аскалций” озиқ-овқат қўшилмасидан суяқ, қон, ўсма ва бошқа хасталиклар билан оғриган беморлар организмининг ҳимоя қувватини оширишда кенг қулланилади.

**Кобалт (Co)** гемоглобин синтезида катта аҳамиятга эга булиб, ДНК ва аминокислоталар алмашинувида муҳим элемент ҳисобланади. У узум ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, меваси таркибида қанд моддаларининг купайишига катта ёрдам беради. Кобалт марганес, рух, бор, мис минерал ўғитлар билан қўшиб ишлатилганда, ғўзанинг ривожланиши тезлашади ва ҳосилдорликни гектарига 3-4 центнерга оширади.


**Рух (Zn)** организмда  $\text{CO}_2$  газининг ҳосил булиши ва оқсилларни ўзлаштирилишида муҳим аҳамиятга эга. Рух етишмовчилиги оқибатида ғалладошлар, сабзавотлар ва маккажӯхори касалликларга тез чалинади. Поясининг учлари оқариб, ўсимлик заифлашади, натижада ҳосилдорлик кескин пасайиб кетади. Цитрус меваlardарда жиддий касалликни, яъни барглари оқариб, ўсимликнинг қуриб қолишида сабаб бўлади. Шафтоли, ўрик ва ёнгоқ дараҳтлари учун ҳам рухнинг аҳамияти катта.

**Фосфор (P)** кимёвий жиҳатдан фаол бўлганлиги туфайли табиатда бирикмалар тарзида учрайди. Фосфорнинг табиий бирикмалари фосфорит ва аппатитлар саналади. Уларнинг кимёвий таркиби  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$ . Фосфор тирик организмлар таркибида кўплаб учрайди ва ҳаёт фаолиятида жуда муҳим омил саналади. Оқсиллар ва нуклеин кислоталар фосфорли органик бирикмалар ҳисобланадилар. Одам ва ҳайвонлар суякларининг анорганик таркибий қисмини, асосан,  $\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$  ташкил этади. У суяқ мустаҳкамлигини ва қаттиқлигини таъминлайди. Тирик организмдаги энергия алмашинуви фосфор бирикмаси-аденозинтрифосфат (АТФ) томонидан амалга оширилади.

Одамда бир кунлик фосфор сарфи таҳминан 1600 мг ни ташкил этади. Инсон фосфорга бўлган эҳтиёжини ўсимликлар, чорва ва парранда маҳсулотларидан олади. Ўсимликлар эса фосфорни тупроқдаги фосфорли минерал ўғитлардан олади.

Шуни унутмаслик керакки, инсон организмида ўртача 1,5 кг фосфор бўлади. Суякларда  $\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3\text{OH}$ , тиш эмалида эса  $\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3\text{F}$  бўлади. Инсон бир кунда 1,0-1,6 г фосфор сарфлайди. Инсон организмида энергия элтувчи АТФ таркибида ҳам фосфор бўлади. Фосфорнинг табиатда айланишида атмосфера иштирок этмайди. Асосан у тог жинслари-ўсимликлар-ҳайвонлар-инсоният орасида айланиб туради.

Фтор (F) тирик организмларда суяк түқималарининг ҳосил бўлиши ва ўсишида асосий рол ўйнайди. Организмда фторнинг миқдори камайганда, тишлар нурай бошлияди. Фтор юқори ҳароратларда чидамли сурков воситалари, кимёвий реагентларга (масалан, ишқорлар, тузлар, кислоталар ва уларнинг сувли эритмаларида) чидамли пластмассалар (масалан, фторопластлар (тефлонлар)), совитувчи суюқликлар (музлатгичларда ишлатиладиган фреон газлари ва хладонлар) олишда кенг қўлланилади. Фторнинг кимёвий фаоллиги шундаки, фтор атмосферасида анорганик шиша ( $\text{SiO}_2$ ) ва сув ёниб кетади ва катта миқдорда иссиқлик (Q) ажralиб чиқади:



Фторнинг инсон учун кунлик меъёри 1-2 мг ни ташкил этади.

Бром (B) олий асаб системаси фаолиятининг нормал кечиши учун ниҳоятда зарур элемент ҳисобланади. Бромдан турили доривор воситалар, бўёқлар, кумуш бромид ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Бромнинг етишмовчилиги асаб

касалликларини ва уйқусизликни келтириб чиқаради. Бромнинг инсон учун **кунлик меъёри 1 мг** ни ташкил этади.

Йод (I) организмнинг нормал ўсиши ва жинсий етилиши учун зарур элемент ҳисобланади. Йод ҳаёт учун энг зарур микроэлемент бўлиб, инсон организмида **20-25 мг** бўлади. Шундан **15 мг** қалқонсимон безда бўлади. Йоднинг организмда етишмовчилиги турли хил касалликларни (масалан, бўқоқ касаллигини) келтириб чиқаради. Бу касаллик билан оғриганларда олий асад системаси бузилади. **5 %** ли йоднинг спиртдаги эритмаси антисептик ва қон тўхтатувчи восита ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда биосферанинг турли бирикмалар билан сунъий ифлосланиб бораётгани, турли хил металлар ва металмасларнинг табиий концентрациялари (конлари ва заҳиралари) ўзгариб бораётганлиги, уларнинг қайта тақсимланиши табиий атроф муҳитга кучли салбий таъсир курсатилаётганлиги яққол намоён бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш чиқиндилари таркибидан қимматбаҳо хом ашёларни (олтин, кумуш, мис, алюминий, волфрам, молибден, платина каби металларни) ажратиб олиш янги замонавий тежамкор технологияларни яратиш ва амалда жорий этишимиз зарур! Зеро, **500 мингдан ортиқ ўсимлик турларидан 300 га яқини** ва **миллиондан ортиқ ҳайвонот турларидан 200 га яқинида** микроэлементлар етишмовчилиги кўп сонли тажрибаларда аниқланди. Агар микроэлементларга бўлган эҳтиёж бартараф этилмаса, табиий мувозанат бузилиши ва маълум бир турларнинг йўқолиб кетиши эҳтимолдан узоқ эмас. Ушбу муаммонинг самарали ечиш учун микроэлементларга бўлган эҳтиёжни қондирилишимиз керак!

## **6.8. Кулнинг экологик аҳамияти (270 - 274)**

**270. Тирик организмлар қайси муҳитларда яшапи мумкин?**

**271. Кул таркибида қайси моддалар бўлиши мумкин?**

**254. Кулдан қандай фойдалансак бўлади?**

**272. Ўза устириладиган ҳар 1 гектар майдонга қанча азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар бериш лозим?**

**273. Бошоқли дон экинларининг ҳар 1 гектарига қанча азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар бериш лозим?**

**274. Экинларнинг ривожланишига калий ва калцийнинг аҳамияти нимада?**

Тирик организмлар 4 та муҳитда яшайдилар (тупроқда, ҳавода, сувда, буғда). Улар орасида тупроқ яратувчи ва яшнатувчи борлиқ бўлиб, ўзида моддий бойликларни мужассам этган биринчи муҳит десак, адашмаган бўламиз. Ўсимликлар шўрланган ерларда ўсиш ва ривожланиш учун қанчалик қийналса, тупроқни ортиқча ўғитлантирганда ҳам қийналади. Ўсимлик ўғитни керакли миқдорини ўзлаштиришга улгурмайди ва натижада фойдали микроэлементларнинг кўпгина қисми беҳудага исроф бўлади. Улар ер ости сувлари билан қўшилиб, сув таркибини узгартириб юборади. Шунинг учун ер остидан чиқадиган кўпгина сувлар меъёридан ортиқ минераллашгандир. Рус олими, акад. Д.Н.Прянишков “ўсимликни қандай парвариши қилишни билмаганлар, тупроқни ўғитлашга зўр берадилар!”, деб беҳудага айтмаган!

Кул органик моддалар (ёғоч, саксовул, кўмир, гузапоя ва бошқалар) нинг ёнишидан ҳосил буладиган кукунсизмон моддадир. Кул-бебаҳо маҳаллий ўғит бўлиб, сабзавот ва картошка этиштиришда кенг қўлланилади. Унинг таркибида калий, калций, фосфор, кремний, ўсимликлар учун зарур

бўлган олтингугурт ва бошқа микроэлементлар мавжуд. Кул асосан ишлов бериш пайтида ерга сепилади ёки эгат ва чуқурчаларга солинади. Кулнинг кимёвий таркибиға қараб, у ерга бир текис сепилади. Бунда 100 м<sup>2</sup> ерга ўт ўсимликлари кулидан 20-30 кг, ёғоч кулидан 60-70 кг ишлатилади. Чуқурчаларга солинадиган кул тупроқ билан яхшилаб аралаштирилиши лозим. Бунда униб чиқаётган уруғ ёки ўсимлик илдизига тегиб кетишидан эҳтиёт булиш керак. Кўшимча озиқлантириш учун бир сатил сувда (таксинан 10 л сувда!) 1,0-1,5 стакан ёғоч кули аралаштирилади. Бунда ҳосил бўлган эритма тез-тез ковлаб турилади.

Шуни унутмаслик керакки, кул таркибида азот бўлмайди. Шунинг учун ўсимликни гунг ва мол сийдиги аралашмаси билан озиқлантириш яхши самара беради. Кулни маҳаллий ўгитлар билан аралаштираслик керак, чунки бунда ўғит таркибида мавжуд бўлган азот нобуд бўлади. Кулни қуруқ жойларда сақлаш ва намланишига йўл қўймаслик керак.

Маълумки, кул таркибида ўртача ҳисобда 30-35 % калий 22-25 % калций элементи бор. Калий ўсимликларни касалликларга ва иссиққа (Қуёш радиациясига) чидамлилигини оширади, пахта толаси сифатини яхшилайди ва гўзанинг тез чанқашининг олдини олади. Натижада толанинг шаклланиши даврида хужайралар бир текис кўпайиб боради. Шу боис тола майин бўлади. Калий билан етарлича озиқлантирилган гўзада чангланиш яхши кечади, чаноқлардаги пахта салмоғи катта ва чигитлар сони кўп бўлади, энг муҳими, ҳосилнинг эрта етилиши таъминланади.

Калций эса тупроқ донадорлигини оширади. У тупроқ таркибида етарли бўлганда ҳаво алмашинуви ва сув сингдириш жараёни яхшиланиб, тупроқнинг ҳайдов қатламида фойдали микроорганизмлар сони тез кўпаяди.

Уй-рұзғордаги қулни вақти-вақти билан товуқхонага ёки молхонага сепиб, паррандаларда ва қорамолларда, құй-әчкіларда учрайдиган ҳайвон битларига қирон келтириши мүмкін. Кул чиримаган түнг уюmlари билан аралаштирилса, заарали замбуруғлар ва касаллик тарқатувчи микробларнинг күпайиб кетиши ҳамда келажакда әкинларга зарар келтиришининг олди олинади.

Маълумки, калийли ўғитларга бұлған эхтиёж катта. Бу ўғитлар яқин-яқынгача четдан келтириларди. Ўғитлар якка тартибда берилганды, үсімлік томонидан кам үзлаштирилади. Масалан, гұза қатор ораларига калийли ва фосфорлы ўғитлар солмай туриб, фақат азотли ўғитлар берилса, пахтанинг пишиб етилиши кечикиши фанда исботланған. Айникса, гүзанинг айрим навларига калий ва фосфор бермай, асосан азотли ўғит бериш ҳосилнинг кеч етилишидан ташқари, унинг иссиққа чидамлилигини пасайтиради. Натижада бу нав гүзалар июл ва август ойларининг жазирама иссиғида шона ва гулларини түкиб юборади.

Гұза үстириладиган ҳар 1 гектар майдондан 30 центнер ҳосил этиштириш учун, аввало, заминга 250 кг дан азотли ўғитлар, 180 кг дан фосфорлы ўғитлар ва 125 кг дан калийли ўғитлар берилиши лозим. Бошқол дон әкинларидан 55-60 центнердан дон этиштириш учун эса 170-180 кг азотли ўғитлардан, 90-100 кг фосфорлы ўғитлардан ва 60-70 кг дан калийли ўғитлардан құллаш талаб этилади.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, әкинларни органик ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилғанда, ўғитнинг 30-35 % ни калий элементи ташкил этиши лозим. Агар кул гүнг ва бошқа органик чиқындилар билан құшиб ишлатылса, күп жиҳатдан калийли ўғитлар үрнини босиши мүмкін.

Гүнг олиш учун тайёрланған хандактарга 50-60 кг кул аралаштирилса, алтернариоз, макроспориоз каби заарали

замбуруғларнинг тарқалиши олди олинади. Шунингдек, жуда күп гуллаб, кейинчалик тугунчаларининг бир қисмини тұқадиган мевалар, хусусан, анор, үрик ва бошқа данакли, уругли мевалар тәгіга күпроқ күл билан гүнг аралашмасини солищ уларнинг ҳосилини күпайтиришга хизмат қиласы.

Шуны унутмаслик керакки, дархақиқат, тупроқ таркибида калий элементи күп булиши мүмкін, аммо уни үсимликтен томонидан үзлаштириладиган ҳаракатчан шакли жуда оз. Шунинг учун әкинларни бу элементтегі бұлган әхтиёжини қондириш мақсадида уларни озиқлантириш пайтида калийли үғит берилади.

Тупроқдаги калий бошқа элементтар билан бириккан бұлади. Шунинг учун у кам ҳаракатчан бұлыб, уни әкинлар деярли үзлаштира олмайды. Унинг фақаттегі **10-15 %** алмашлаб әкиш натижасыда үсимликлар илдизидан ажралиб чиқадиган ажратмалар ёрдамида үсимликтен үзлаштира оладиган шаклға келади. Агар ерга узоқ муддат бир хил әкин әкиладиган булса, калийнинг үша **10-15 %** ҳам йилдан-йилга камайиб боради. Демек, таркибида **30-35 %** калий сақланған күлни “**зиён келтиради!**”, деб чиқынди сифатида ташлаб юбормай, үғит үрнида ундан ишлатиш зарур. Шунингдек, күл таркибида **20** дан ортиқ микроэлементлар, жумладан, марганец, рух, темир ва бошқа элементлар мавжуд. Күл ерга күзги шудгордан олдин ёки баҳорғи әкиш олдидан пушта остига солинса, унинг самарааси янада ортади.

Күл таркибидаги калийни әкинлар тез үзлаштиради. Шу боис күлни қурук ерда (қурук ҳолатда!) түплаб, **хар 1 гектар ерга 500-600 кг** дан берилса, ҳар қандай әкиндан юқори ҳосил олиш мүмкін.

Шуны ҳам эътиборга олиш керакки, күл намланса, ишқорли әритмага айланади. Шунинг учун айрим үсимликлар (шувоқ, күнгабоқар ва бошқалар) нинде

кулларидан ўрик қоқи ва сифатли майиз тайёrlаща кенг құлланилади. Кулни чантитиб, полиз, сабзавот әкинлари ҳамда мевали дараҳтлардаги битларни йүқотип мумкин. Бундан ташқари, баҳор фасли серёғин келган пайтларда ҹигитни экиш олдидан уни намлаб, кул билан аралаштириб әкилса, уругнинг касалланиши ва зааркунандалар таъсирида заарланишининг олди олинади. Кул арzon ва фойдалы үгит эканлигини унутмаслик керак!

## 6.9. Пестицидлар ва нитратлар муаммоси (275 - 284)

**275. Маълумки, қишлоқ хұжалигіда пестицид, гербицид, фунгисид ва дефолиянтлардан кенг фойдаланилади. «Пестицид», «гербицид», «фунгисид» ва «дефолиянт» атамаларини изоҳлаб беря оласизми?**

Ұсимликларни касалликлардан, зааркунанда ва бегона үтлардан асраш учун ишлатиладиган захарли кимёвий моддаларнинг умумий атамаси - бу пестицидлардир. «Пестицид» лотин сўзидан олинган бўлиб, «пестиц»-«юқум», «сидо»-«ўлдирмок», «йўқ қилмоқ» демакдир.

Кимёвий таркибиغا қараб, пестицидлар қуйидаги 3 та асосий гурӯхларга бўлинади.

1. Анерганик пестицидлар. Улар маргимуш, мис, рух, фтор, барий, симоб, олтингугурт, хлоридлар ва боратлардан олинадиган бирикмалардир.

2. Ұсимликлар, бактериялар ва замбуруғлардан олинадиган пестицидлар.

3. Органик бирикмалар (яъни, хлорорганик ва фосфорорганик бирикмалардан, карбонат кислоталаридан ва ёғлар) дан олинадиган пестицидлар.

Физиологик таъсир кўрсатиш жиҳатидан органик бирикмалардан олинадиган пестицидлар ниҳоятда кучли хисобланади.

Бегона, ёввойи ўтларга қарши ишлатиладиган таъсирчан кимёвий моддаларга, гербицидлар деб аталади.

Ўсимликларнинг замбуруғлар ва бактериялардан пайдо бўладиган касалланишига қарши ишлатиладиган моддалар, фунгицидлар («фунгус»-«замбуруғ») ва бактерицидлардир. Ушбу моддалардан уруғликларни, экинларни ва тупроқни дорилашда кенг кўламда фойдаланилади.

Ўсимлик баргларини (масалан, гўза баргини) сунъий йўл билан тўкиш, яъни дефолиация қилиш учун ишлатиладиган заҳарли моддаларга, дефолиянтлар деб аталади. («филиум»-«барг» демакдир).

## 276. Органик бирикмалардан олинган пестицидларнинг хавфлилиги нималардан иборат?

Қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган хлорорганик бирикмалар ва фосфорорганик бирикмалардан олинадиган пестицидлар инсон ва ҳайвонот оламига кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, хлорорганик бирикмалар гурухига мансуб бўлган дихлордифенилтрихлоретан (ДДТ) ташки мухит омилларига ниҳоятда чидамли ҳисобланади. ДДТ сув ва тупроқ мухитида узоқ вақт сақланиб туриши ва тупроқнинг чуқур қатламларига сингиб бориш қобилиятига эга. Одатда, хлорорганик бирикмалар, шу жумладан ДДТ, сувда ёмон эрийди, органик эритувчиларда (масалан, ёғларда) яхши эрийди. ДДТ тупроқ мухитида 8-10 йилдан кейин ҳам сақланганлиги аниқланган.

Дарё, кул, ҳовуз сувларининг ҳар 1 литрида 0,025 мг, сув тагидаги чукинди ва балчиқда эса, 2 мг ДДТ мавжудлиги аниқланган. Инсон танасидан жарроҳлик йўли

билан олиб ташланган кўричак тўқималаридан ажратиб олинган ёғ тўқималарида 0,8-2,5 мг/кг атрофида ДДТ моддаси топилган.

Зовур сувлари таркибида ДДТ нинг миқдори унинг рухсат этилган чегаравий концентрациясидан 2-10 баробар кўпроқ мавжудлиги аниқланган. Маълумотларга қараганда, турли ҳайвонларнинг жигарида ҳам ДДТ моддаси мавжудлиги аниқланган.

Фарғона, Андижон ва Самарқанд вилоятлари ерларида ДДТ нинг миқдори, унинг РЭЧК сидан, мос равища 26, 26,4 ва 44 маротаба кўпроқ мавжудлиги аниқланган.

Ҳозирги пайтда республикамиз миқёсида пестицидлар билан ишлов бериладиган ер майдонлари анча қисқарди. Агар 1989 йилда 2,3 млн гектар ерларга пестицидлар солинган бўлса, 1991 йилга келиб бу қўрсаткич 1,4 млн гектарни ташкил этди. Хусусан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳар 1 гектар ерга мос равища 85 ва 90 кг дан пестицидлар киритилган. Йилига ҳар 1 гектарга 400-500 кг дан минерал уғитлар солиниб келинди. Фосфорли уғитлар билан бирга тупроқ таркибиға фтор, уран, торий ва оғир металларнинг тузлари сингиб борди.

Зааркунанда ва ҳашоратларга қарши сепиладиган пестицидларнинг атиги 1% гина фойдалиdir, қолган 99% и тупроқ, сув, ҳаво ва озиқ-овқат маҳсулотлари таркибиға сингиб боради. Натижада тупроқ таркибидаги микроорганизмлар қирилади, тупроқ ва ер ости сувлари ифлосланади ва инсон соғлиғига катта салбий таъсир этади.

Ишлаб чиқарилаётган кимёвий моддаларнинг фойдали иш коэффициенти ниҳоятда паст: калий ва фосфорли уғитларнинг 30%, азотли уғитларнинг 50% ўсимликлар

томонидан узлаштирмасдан қоляпти. Улар сув таъсирида ювилиб, ер ости ва ер усти сув манбаларини ифлосланишига сабабчи бўлмоқда. Шунинг учун ернинг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулотларининг маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда.

### **277. Маҳсулот таркибида пестицидлар миқдорининг ортишини олдини олиш учун нима қилиш керак?**

Пестицидлардан фойдаланиш жуда самаралидир. Улар қишлоқ хўжалик экинларни зааркунандаларига қарши ишлатилади. Олимларнинг хисоблашларига қараганда, пестицидлар ишлатилмаганда, ҳосилнинг 1/3қисми йўқолар экан.

Пестицидлардан тўғри фойдаланиш натижасида уларнинг маҳсулотларда сақланиб қоладиган қолдик миқдори меъёрдан ошмайди ва сира заарсиз ҳисобланади. **Муаммонинг нозиклик томони шундаки**, улардан нотўғри фойдаланиш (пуркаш муддатлари ва миқдори (дозаси) нинг бузилиши) уларнинг маҳсулотлардаги миқдорининг ортишига ва соғлиқнинг бузилишига олиб келади. Пестицид турлари юздан ортиқ бўлиб, улардан қишлоқ хўжалик экинларига ишлатилиши ташқи шароитларга боғлиқ булади.

Бундан ташқари, битта ўсимлик учун пестицидлар тез-тез алмаштириб турилса-да, зааркунандаларнинг уларга осон мосланишини ҳам инобатга олиш зарур.

Маҳсулот таркибида пестицидлар миқдорининг ортишини олдини олиш учун уларни яхшилаб ювиш лозим, чунки пестицидлар асосан уларнинг пўстлоғида (юзасида) тўпланади.

Агар маҳсулот (юк, олма) экологик тоза шахсий томорқаларда эмас, балки бозордан сотиб олинган бўлса, уни тозалаб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир.

**278. "Азот", "нитрит" ва "селитра" деб нимага айтилади?**

**279. Амонизация деб нимага айтилади?**

Нитратлар муаммоси түгрисида мамлакатимиз жамоатчилиги турли маълумотларга эга. Бу муаммо ҳақида алоҳида тұхталиб үтамиз.

«Азот» сүзи юнон тилидан олинган бўлиб, «ҳаётий эмас» демақдир. 1784 йилда инглиз олимни Кавендиш селитрада азот борлигини кўрсатди ва уни нитрогениум сүзи селитра берувчи деган маънони англатади. Азот кўптина органик бирикмалар таркибиға киради, баъзи витаминалар, гормонлар, кислоталар ва оқсил моддалар, гўшт, сут ва дуккакли ўсимликлар таркибидаги қўплаб учрайди, демак азот ҳаёт учун энг зарур элементлардан биридир. Ҳайвонот ва инсон организмидаги оқсил моддаларнинг 16-17% азотдан иборат. Ҳаётда азот бирикмалари муҳим аҳамиятга эга. Аммоний хлорид ( $NH_4Cl$ ), аммоний сульфат ( $(NH_4)_2SO_4$ ), аммоний нитрат ( $H_4NO_3$ ) ва натрий нитрат ( $NaNO_3$ ) бўлар аммоний тузлари ҳисобланадилар.

Нитрат кислота ( $HNO_3$ ) ҳосил қиласиган тузларга, нитритлар деб айтилади. Аммоний натрий, калий, нитратларга, селитралар дейилади.

Ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиқларининг чириши натижасида ҳосил бўладиган оқсил моддалар маҳсус азотжамғарувчи ва нитрожамғарувчи бактериялар таъсирида парчаланиб, азот, амиак ва аммоний тузларини ҳосил қиласи. Оқсил моддаларнинг чиришидан азот, амиак ва

аммоний тузлари ҳосил бўлиши жараёнига, аммонизация деб аталади. Ўсимликлар тупроқ таркибидаги аммоний тузларининг бир қисмини ўзлаштириш қобилиятига эгалар. Уларнинг бир қисми эса нейтралловчи бактериялар таъсирида оксидланиб, **нитритлар** ҳосил қиласи. Нитрилловчи бактерияларни 1890 йилда рус олими, микробиолог С.В.Виноградский топган. Дуккак (тугунак) бактерияларни эса 1863 йилда М.С.Вороник топган. Бу бактериялар дуккакли ўсимликларнинг нұхат, ловия, йўнғич каби ўсимликларнинг илдизларида туғунакларда учрайди ва ҳаводаги эркин азотни ўзлаштириб, нитритларга айлантиради. Туганак бактериялари **1 йилда 1 гектар ерда 100-400 кг** азотни нитритларга айлантириши мумкин. Бу бирикманинг 30% кул бўлиб қолади. Шунинг учун йўнғичкандан сўнг, тупроқнинг таркибига утади ва сифати яхшиланади.

Аслида, 1 литр ичимлик суви таркибида нитратлар миқдори **20-45 миллиграмм** ни ташкил этса, у хавфсиз ҳисобланади ва инсон саломатлигига салбий таъсир этмайди. Ҳозирги пайтда республикамиз аҳолисининг бир қисми сифатсиз сувлардан истеъмол қилмоқда. Ўзбекистон сувларининг кўпгина қисмида **1 литр** сувда нитратлар миқдори **80-120 миллиграмм**, ҳатто ундан ҳам ошиб кетади. Тажрибаларнинг гувоҳлик беришича, инсон танасида мавжуд бўлган қоннинг таркибидаги кислородни худди ўша нитратлар ўзига тортиб олар экан. Қонда кислороднинг этишмаслиги қон босимини ошиб кетишига, ақлнинг заифланишига ва организмда кислородга бўлган эҳтиёжнинг ошиб боришига, рак касаллигининг келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда.

## **280. Нитратлар деб нимага айтилади?**

*Нитратлар* – азот кислотаси ( $\text{HNO}_3$ ) нинг тузлари булиб, ҳар қандай тирик ўсимлик ва ҳайвонот организмининг азот моддалари алмашинувининг меъёрий маҳсулоти ҳисобланади. Шунинг учун табиатда «нитратсиз» маҳсулотлар учрамайди. Ҳатто инсон организмida ҳам бир сутка давомида 100 мг ва ундан ортиқ нитратлар ҳосил бўлади ва алмашинув жараёнларида иштирок этади.

## **281. Нима учун нитратлар ҳавфли экан?**

Улар катта микдорда истеъмол қилинганда, нитратлар овқат ҳазм қилиш жараёнида (захарлироқ бирикмаларга), яъни нитритларгача тикланади, улар эса қонга тушгандан сўнг меттемоглобинемияни келтириб чакириши мумкин. Бундан ташқари, нитратлар аминлар билан биргалиқда канцероген фаолликка эга бўлган саратон касаллигини келтириб чиқарувчи Н-нитрозаминларни ҳосил қилиши мумкин. Нитратларнинг катта микдорини ичимлик суви ёки маҳсулотлар билан қабул қилинганда, 4-6 соатдан сўнг, кўнгил айниши, нафас қисиши, тери тўқималари ва кўз шиллиғининг кўкариши кузатилади. Бунинг барчаси умуний ҳолсизлик, бош айланиши, бўғимларда оғриқ, юрак уришининг тезланиши билан бирга юз беради. Бу ҳолда биринчи ёрдам бўлиб ошқозонни ювиш, фаоллаштирилган кўмир, тузли кучсизлантиргичларни (ич кетказувчиларни) қабул қилиш, тоза ҳаводан нафас олиш мақсадга мувофиқдир.

**282. Нитратларнинг заарсиз миқдори қанча бўлиши мумкин?**

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги нитратлар миқдорининг тиббий меъёрлари (рухсат этилган чегаравий концентрацияси) 6.1-жадвалда келтирилган.

**Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги нитратлар миқдорининг тиббий меъёрлари(рухсат этилган чегаравий концентрацияси)**

	Озиқ-овқат маҳсулотлари	P ЭЧК, мг/кг		Озиқ-овқат маҳсулотлари	PЭЧК, мг/кг
<b>Сабзавотлар</b>					<b>Полиз маҳсулотлари</b>
	Томатлар	5 0	7	Тарвуз	45
	Бош пиёз	8 0	8	Болалар овқати	50
	Баклажон, саримсоқ, гулкарам, картошка	1 00	9	Қовун	60
	Бодринг	1 20	0	Нұхат, мош, ловия	80
	Сабзи, ширин қалампир	2 00	1	Ошқовоқ	90
	Карам	3 00	2	Кабакчи, пат-тисон	300
	Аччиқ қалампир	3 00	3	Қовунқоқ	500
	Турп, күк пиёз	4 00	4		
	Қовоқ, шолғом	5 00		Ушбу рақамлар 1 кг қишлиқ хўжалик маҳсулотлари таркибида учрайдиган нитратларнинг	
0	Редиска	6 00			

Лавлаги	1 000		максимал миқдорини ифодалайди. Аслида эса, бир суткада бир кишига унинг оғирлигига нисбатан нитратлар миқдори 5 мг дан ошмаслиги керак!
Күкатлар (шавел, шивит, кинза ва бошқалар)	1 500		
Мевалар			
Хўраки узум, олма, нок, шафтоли, ўрик, қароли, беҳи	5 0		
Анжир, хурмо	6 0		
Бошқа узумлар, гилос, жигда уноби	8 0		
Цитруслар (лимон, мандалин, апелсин)	1 000		

Катта ёшдаги одамлар учун нитратларнинг рухсат этиладиган миқдори 1 суткада 325 мг ни ташкил қиласди. Маълумки, 1 литр ичимлик сувидаги нитратлар миқдори 45 мг ни ташкил қиласди. Кунига ичимлик суви тахминан 1,0-1,5 л, кўпич билан 2,0 л ишлатилган (чой, биринчи ва иккинчи таомлар) озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш тавсия этилади. Шундай қилганда катта одам сув билан биргаликда 68 мг атрофида нитратларни истеъмол қиласди. Бундан келиб чиқадики, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида 27 мг нитратлар қолади.

Илмий тадқиқотлар натижаларининг гувоҳлик беришича, озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидаги нитратларнинг токсик таъсири, ичимлик сувидагига қараганда 1,25 марта кучсизроқ бўларкан, яъни суткасига озиқ-овқат маҳсулотлари билан 320 мг нитратларни истеъмол қилиш амалда заарсиз ҳисобланади.

### 283. Озуқавий нитратларнинг асосий манбаларини биласизми?

Амалда озуқавий нитратларнинг асосий манбалари - булар фақат ўсимлик маҳсулотларидир. Ҳайвон маҳсулотлари уларни жуда кам сақлади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, нитратлар ўсимликларда азот алмашиниши маҳсулоти бўлганлиги сабабли, улар ўсимликларнинг энг фаол етилиш вақтида катта миқдорларда йигилади. Кўпинча бу ҳосилни йигиб олишдан олдин намоён булади. Шунинг учун етилмаган сабзавотлар (кичик қовоқлар, бақлажонлар) ва картошка, эртапишар сабзавотлар таркибида нитратлар миқдори меъёрий териб олиш даражасида экилган сабзавотлардагига нисбатан кўп булади. Бундан ташқари, сабзавотларда нитратлар миқдори азотли ўғитларни (нафақат минерал, балки органик ўғитларни ҳам) нотўғри қўллаганда, масалан, уларни йигиб олишдан олдин қўллаш пайтида ҳам ортиши мумкин.

Нитратларни ўзига хос «тўпловчилари» ҳам мавжуд. Буларга яшил баргли сабзавотлар: салат, ревоч, петрушка, шовул кабилар мисол бўлиб, улар 200-300 мг гача нитратларни тўплаши мумкин. Лавлаги 140 мг гача нитратларни тўплаши мумкин (бу рухсат этиладиган энг катта концентрация бўлиб, баъзи бир навларида бундан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин). Бошқа сабзавотларда нитратлар миқдори кам бўлиб, картошкада 25 мг гача, эртанги сабзида 40 мг, кечкисида 25 мг, қовоқчаларда 40 мг, бодрингларда 15 мг гача, оқ бошли карамда 90 мг гача, кечкисида 50 мг гача нитратлар тўпланиши мумкин. Мевалар, резаворлар ва полиз экинлари таркибида нитратлар жуда оз (10 мг дан кам) булади.

Ўсимликларда нитратлар бир текис тақсимланган. Масалан, карамда нитратлар асосан ўзагида, бодринг ва редискада – пўстлогида, сабзида эса – тескариси. Сабзавотлар ва картошкани ювганда, ўртacha 10-15% нитратлар йўқолади. Иссиқлик билан ишлов берилганда, бундан ҳам кўп бўлиб, асосан қайнатища 40 %дан (лавлаги) 70 % гача (карам, сабзи) ёки 80 % гача (картошка) нитратлар йўқолади.

Нитратлар кимёвий фаол бирикмалар бўлганлиги сабабли, сабзавотларни сақлаш вақтида уларнинг миқдори бир неча ой ичида 30-50% гача камаяди.

#### 284. Нитратларнинг асосий манбалари нималар бўлиши мумкин?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, нитратларнинг асосий манбалари яшил сабзавотлар салат, петрушка, укроп ва бошқалар ҳисобланади. Уларни истеъмол қилиш амалда кўпинча 50-100 г дан, яъни бир порция билан суткалик дозани 1/3 қисмини олиш мумкин (Юқорида нитратларнинг хавфсиз дозаси озиқ-овқат маҳсулотларида 320 мг атрофида эканлигини айтиб ўтган эдик!). Лавлагини фақат қайнатилган ҳолда истеъмол қилиш мумкин. Қайнатишда (40%) ва тозалашда (10%) нитратларнинг ярми йўқолиб, умумий овқатланиш ташкилотлари 125 г қайнатилган лавлагини тавсия қиласр экан, биз лавлаги билан 100 мг (суткалик дозанинг 1/3 қисмидан озроқ) нитратларни истеъмол қилишимиз мумкин. Картошка ва карам қайнатилган ҳолда 300 г лик порциялар билан истеъмол қилинади. Тозалаш ва ошпазлик ишлови бериш вақтида бу маҳсулотларнинг бир порцияси билан 600 мг га яқин нитратларни истеъмол қилишимиз мумкин.

Ҳисоблашларнинг далолат беришича, сабзавотларни табиий ва қайта ишланган ҳолда истеъмол қилиш билан биз ҳеч қачон нитратларнинг суткалик хавфсиз меъёридан ошира олмас эканмиз.

Бундан ташқари, самарали овқатланиш тавсияларига биноан, фақат бир хил, масалан, картошка ва карам маҳсулотларни истеъмол қилиш ярамайди.

Дарҳақиқат, маҳсулотлар суткалик тавсия этиладиган ургача миқдорини кўрадиган бўлсак, картошкани суткасига 265 г, сабзавотлар ва полиз экинларини – 450 г дан (100 г карамни ҳам ҳисобга олганда) истеъмол қилиш мумкин экан. Бундай рационда кўпи билан 200 мг нитратларни истеъмол қиласр эканмиз. Ҳисоблашларнинг кўrsatiшича, амалда асосий илдизмевалар, сабзавотлар, полиз экинлари ва

сабзавотлар билан (маҳсулотлар таркибидағи нитратларнинг амалдаги миқдорини ҳисобга олган ҳолда), овқатда истеъмол қилинадиган нитратларнинг миқдори 100 мг дан ошмас экан. Бунда нитратларнинг таҳминан 1/3 қисми лавлаги билан, бироз миқдори карам ва картошка билан, қолган 10% дан озорги эса бошқа сабзавотлар ва мевалар билан истеъмол қилинар экан. Агар самарали овқатланиш қоидаларини бузадиган бұлсак, масалан, фақат сабзавотлар билан, бунинг устига хом сабзавотлар билан (кунига 1,5 кг хом сабзавотлар) овқатланадиган бұлсак, бунда нитратларнинг хавфсиз миқдоридан 2 марта (650 мг) күпини истеъмол қилишимиз мүмкін ва бунга эътибор беришімиз керак.

Құшимча хавфсизлик чораларини күриш учун овқатланиш турли-туманилигини назарда тутадиган, самарали овқатланишнинг иккінчи қоидасини эсга олиш ортиқча бўлмайди. Шунинг учун доимий тарзда, бунинг устига кунига уч мартадан фақат бир сабзавотни, масалан, лавлагини истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Овқатланишда мева ва сабзавотлар миқдорини нитратлар билан заҳарланишдан хавфсираб чеклаш ярамайди, бу фақат бизни керакли витаминалардан жудо қилади, холос.

Бундан ташқари, жамоатчиликнинг талабига биноан ҳозир сабзавот этишириш жойларида ва савдо базаларида қатъий назорат ўрнатылмоқда. Демак, нитратлардан хавфсирамаслик керак ва шунинг билан бирга хом сабзавотларни ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш ҳам мақсадга мувофиқ бўла олмайди.

## 6.10. Мұхитнинг водород күрсаткичи ва унинг амалий аҳамияти (285-292)

### 285. “Кислота” ва “ишқор” атамаларинини фанга ким ва қақон кириптган?

“Умумий кимё” курсидан маълумки, 1883 йили швед физик-кимёгар олим Сванте Аррениус (1859-1927) иккита атамани –“кислота” ва “ишқор” ни фанга кириптган эди. Сванте Аррениус сувда эриганда мусбат зарядланган эркин

водород ионлари ( $H^+$ ) ҳосил қилювчи моддаларни кислоталар, манфий зарядланган эркин гидроксид ионлар ( $OH^-$ ) ҳосил қилювчи моддаларни асослар деб атади. Мұхитнинг водород күрсаткичи ( $pH$ ) әритмадаги водород ионлари ( $H^+$ ) концентрацияси даражасининг күрсаткичи ҳисобланади. Демак, мұхитнинг водород күрсаткичи унинг кислоталиигини ифодалайди. Сувнинг кислоталииги 0 дан 14 гача бўлган шкалада белгиланади. Агар мұхитнинг водород күрсаткичи  $pH = 0$  бўлса, унинг кислоталииги ніҳоятда юқори,  $pH = 7$  бўлса, мұхит нейтрал ва агар  $pH = 14$  бўлса, мұхит ишқорли саналади. Тоза ичимлик сувининг кислоталилик даражаси 7 га тенгdir.

Маълум әритмада (масалан, қанднинг сувли әритмасида, лойқада, сийдик ва қонда, тупроқ, үсимлик, ҳайвонот тўқималарида ва х.) кислота ва ишқор ўргасидаги нисбатга, **кислота-ишқор мувозанати дейилади**.

### 286. Мұхитнинг ишқорий ёки кислоталиигини нима белгилайди?

Мұхитнинг ишқорий ёки кислоталииги унинг водород күрсаткичи ( $pH$ ) билан аниқланади ва у әритмадаги водород атоми ( $H^+$ ) миқдорини ифодалайди. Агар  $pH$  күрсаткичи 7 га тенг бўлса, ўша мұхит (сув, лойқа, туз, ишқор ва кислоталарнинг сувли әритмалари, қон, озиқ-овқат маҳсулотлари, турли кимёвий элементларнинг сувли әритмалари, сийдик, гүнг, биомасса ва х.) нейтрал ҳисобланади. Агар мұхитнинг  $pH$  күрсаткичи 6,9 дан 0 гача камайиб борса, мұхит кислотали ҳисобланади. Агар мұхитнинг  $pH$  күрсаткичи 7,1 дан 14 гача ошиб борса, мұхит ишқорий саналади (6,1 - расм). Демак,  $pH$  нинг камайиши ёки ортиши паталогик ҳолатдан дарак беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мұхитнинг  $pH$  күрсаткичи кислота мұхитини шакллантирувчи мусбат зарядланган ионлар ва ишқор мұхитини шакллантирувчи манфий зарядланган ионлар орасидаги нисбатга боғлиқдир. Инсон организми фақат кислота-ишқор мувозанатда бўлганда, яъни  $pH$  7,0-7,4 га тенглашганда, минералларни ва

турли озиқ моддаларни тұғри үзлаштиради ва тұплай олади. Инсон организмінде биологик озиқтарни тұғри сингиши учун мұхиттің Ph күрсаткичи 7,0-7,4 га келтиріледі. Нәтижада у инсон организмінде пайдо бўлиши мумкин бўлган турли касалликларни олдини олишга катта ёрдам беради.



6.1-расм. Мұхиттің водород күрсаткичи.

Инсон организми овқатни парчалантириш мақсадида хлорид кислотадан ишлатади. Аммо организмнинг ҳаёт

фаолияти учун ҳам кислотали ва ҳам ишқорий парчаланиш маҳсулотлари талаб қилинади. Бу ҳолатда кислотали маҳсулотлар ишқорий маҳсулотларга нисбатан күпроқ ҳосил бўлади. Турли тўқималарда, биринчи навбатда, мушакларда кислота тўпланади. Турли минерал моддалар (калций, калий, магний ва натрий) ёрдамида кислота нейтраллашади ва ошқозон-ичак тракти, буйрак, үпка ва тери орқали у организмдан чиқарилади.

Организмнинг ҳимоя кучи кислотали маҳсулотларни нейтраллашга ва организмдан чиқаришга йўналтирилган булиб, кислота-ишқор мувозанатини ўзгармаслигини таъминлашдан иборат.

### 287. Қоннинг водород кўрсаткичи қанча бўлиши керак? Агар бу кўрсаткич ўзгарса нима бўлиши мумкин?

Қоннинг Ph кўрсаткичи 7,36 - 7,42 оралиғида ўзгариб туриши мумкин. Унинг ҳатто 0,1 га ўзгариши оғир паталогик ўзгаришларга, 0,3 га ўзгариши эса инсонни ҳалокатга олиб келиши мумкин.

Маълумки, агар инсон организмидаги Ph кўрсаткичи ўзгариб турса, организмда кислота-ишқор мувозанати бузилганидан ва кислотали маҳсулотларнинг тўпланганинидан дарак беради. Бундай ҳолатларда организмнинг калций, калий, магний, натрий каби минералларни ўзлаштирилиши қийинлашади. Ушбу минералларнинг асосий функциялари - организмда кислотани нейтраллашдан ва уни чиқаришдан иборат. Организмда ҳаётий зарур бўлган минералларнинг этишмовчилигидан барча аъзолар заараланади. Умуман олганда, организмнинг Ph дисбаланси унда кислоталиликни ошиши билан кечади ва бундай ҳолатга, асидоз ҳолати дейилади. Асидоз ҳолатида қуидаги муаммолар пайдо бўлиши мумкин.

1. Қон таркибида кислород миқдори меъёридан пасайиб кетиши мумкин. Яъни, юрак-қон томир касалликлари келиб чиқиши мумкин.
  2. Ортиқча вазн құшилиши мумкин, яъни диабет касалликлари пайдо бўлиши мумкин.
  3. Буйракда ва сийдик қопида тошчалар пайдо бўлиши мумкин.
  4. Инсоннинг ташқи омилларга кўрсатиладиган қаршилиги, яъни унинг иммунитети пасайиши мумкин.
  5. Суяклар муртлашиб, тез синувчан бўлиб қолиши мумкин (ҳатто сон суяги бўйинчалининг синиши ҳамда бошқа суякларда ўзгаришлар юз бериши мумкин).
  6. Организмда сут кислотасининг ҳосил бўлиши туфайли турли бўғим ва мушакларда оғриқлар пайдо бўлиши мумкин.
  7. Инсонда умумий ҳолсизлик кузатилиши мумкин.  
Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу касалликлар организмда кислота маҳсулотлари ошган тақдирда кузатилиши мумкин.
- Инсон организмида нафақат кислота, балки ишқор ҳам тўпланиши мумкин. Организмда ишқор миқдорининг ортишига, алколоз деб аталади. Бунда минералларнинг организмда ўзлаштирилиши бузилади, овқат секин ўзлаштирилади ва натижада меда-ичак трактидаги токсинлар қон таркибига ўтади.
- 288. Организмда ишқор миқдорининг ортиши қайси салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин?**
- Организмда ишқор миқдорининг ортиши хавфли бўлиб, у қуйидаги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.
1. Тери ва жигарда муаммолар пайдо бўлиши мумкин.
  2. Оғиздан ва танадан ёқимсиз ҳидлар тарқалиб туриши мумкин.

**3.** Паразитларнинг ҳаёт фаолияти учун яхши имкониятлар пайдо бўлиши мумкин.

**4.** Ичакда муаммолар пайдо бўлиши мумкин (ич қотишлар кузатилиши мумкин).

**5.** Аллергик касалликлар пайдо бўлиши мумкин.

Шу ўринда мантиқий савол пайдо бўлади: ушбу касалликларни даволашда ўтмишда табиблар қандай йўл тутганлар?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтмишда юонон мутафаккир тиб олимни Гиппократ, улуғ бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино, Ар-Розий ва бошқа аждодларимиз ўз асарларида овқатланиш тартибига ва меъёрига алоҳида эътибор берганлар. Юонон ва Шарқ табобатида инсоннинг мижозига катта эътибор беришган. Уларнинг фикрига кура, барча касалликларнинг келиб чиқишининг асосий сабабчиси – мижозининг бузилишидир. Беморларни даволашда эса улар мижозининг мутадиллаштиришга катта эътибор беришган. Чунки инсон организми мувозанати (мижози) тикланса, касалликдан озод бўлгани демакдир. Демак, бу ердан шундай хulosса келиб чиқадики, минг ийиллар олдин бизнинг аждодларимиз ўз асарларида мухитнинг водород кўрсаткичи ( $\text{Ph}$ ) га мижоз тушунчаси орқали изоҳ беришган.

**6.1** - расмда мухитнинг  $\text{Ph}$  кўрсаткичи ва инсон мижози орасидаги боғлиқлик кўрсатилган. Ушбу расмдан келиб чиқадиган асосий хulosалар қўйидагилардан иборат.

**1.** Мухитнинг  $\text{Ph}$  кўрсаткичи ўзгарса, инсоннинг мижози ҳам ўзгаради.

**2.** Мухитнинг  $\text{Ph}$  кўрсаткичи 7 дан ошса, мухит ишқорий ва 7 дан камайса, у кислотали мухит саналади.

## 289. Қандай қилиб организмда кислота-ишқор мувозанатини сақлаш мүмкін?

Аждодларимиз гүштли маҳсулотларни күпроқ истеъмол қылғанлар. Гүштли маҳсулотлар эса организмда кислоталикни оширади. Кислоталикни меъёрига келтириш учун эса мева ва сабзавотлардан истеъмол қылғанлар. Мева ва сабзавотлар таркибидаги биологик фаол моддалар эса кислота-ишқор мувозанатини тиклашга катта ёрдам беради. Шунинг учун дастурхонимизга мева ва сабзавотларни түкиб ташлаймиз! Бу бесабаб әмас экан!

Хозирги пайтда Farb мамлакатлари диетаси негизини нон ва макарон маҳсулотлари ташкил этади. Бу маҳсулотлар күпинча кислоталикни оширади. Чунки улар таркибида күп миқдорда фосфор мавжуд булиб, организм уни фосфор кислотага айлантиради.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, охирги 50 йил мобайнида кислотага айланувчи оқсил маҳсулотларни истеъмол қилиш 50 % га ошган. Еф ва мойлар, ширинылклар, кофе, спиртли ичимликлар ва ҳаётимизда тез-тез учрайдиган стресслар ва зўриқишлиар организмда кислота-ишқор мувозанатини бузилишига олиб келиши мүмкін. Кислотали маҳсулотларнинг ортиб бориши суюклар учун катта хавф туғдиради. Мұхиттинг Ph күрсаткичи 7,28 дан камайса, буйрак ортиқча кислотани пешоб (сийдик) орқали организмдан чиқаради. Организм ортиқча кислоталикни нейтраллаш учун суюк ва мушаклардан калций, карбонатлар, фосфатлар ва аммонийни ажратади. Гүшт маҳсулотларини ҳаддан ортиқ истеъмол қилиш, мева, сабзавот ва турли күккатлардан етарли даражада истемол қиласмаслик натижасида организм суюклардан калцийни олади ва шу йўл билан Ph күрсаткичи меъёрига келтирилади.

**290. Қайси озиқ-овқат маҳсулотлари кислота-ишқор мувозанатини тиклайди?**

Қуидаги озиқ-овқат маҳсулотлари **кислота-ишқор мувозанатини тиклайди.**

1. Күкатлардан тайёланган салатлар.
2. Ҳұл ва қуритилған мевалар.
3. Сабзавотларнинг барча турлари.
4. Кartoшка.
5. Ёнғоқ ва бодом.
6. Газсиз сув (сувнинг водород күрсаткичи 7,0-7,4).

**291. Организмда кислоталикни оширувчи қайси маҳсулотларни овқатланиш рационидан чеклаш мақсадга мувофиқ деб топилған?**

Шуни ҳам унутмаслик керакки, организмда кислоталикни оширувчи қуидаги **маҳсулотларни овқатланиш рационидан чеклаш мақсадга мувофиқ** деб топилған.

1. Гүшт маҳсулотларини.
2. Оқ ун ва ундан тайёланадиган маҳсулотларни.
3. Кофе ва қора чойни.
4. Лимонад ва газланған сувларни.
5. Кондитер маҳсулотларини.

**292. Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг тавсиясига асосан, сувнинг Ph күрсаткичи қанча бўлиши керак?**

Йинсон организммининг 70% ни сув ташкил этади. Мухитнинг Ph күрсаткичини меъёрига сақлаш учун **ичимлик сувининг аҳамияти** нихоятда катта. Табииий сувлар (дарё, денгиз, кўл, океан, сой, ҳовуз, канал сувлари, шунингдек оқова сувлари) нинг водород күрсаткичи, одатда, бир-биридан кескин фарқ қиласи ва улар кислоталик характеристига эга. Масалан, кўл сувининг Ph күрсаткичи 5,5-6,0

га тенг бўлиши мумкин, дарё сувининг Ph кўрсаткичи 6,5-8,5 га, дengiz сувиники эса 7,9-8,3 га тенг бўлиши мумкин.

Водород кўрсаткичи организмнинг водород кўрсаткичи (Ph 7,0-7,4) га тенг бўлган сувлардан истеъмол қилинганда, озиқ моддалар ва минералларнинг биологик фаоллиги сақланади ва улар ичакка сўрилиб, организм томонидан ўзлаштирилиши 40-50 % га ошади. Ph муҳити кислотали бўлган сувдан истеъмол қилганда эса озиқ моддалар таркибида мавжуд бўлган витаминалар, минераллар ва аминокислоталар кучли ўзгаришларга учрайди. Муҳит ингичка ичакда кучсиз ишқорий бўлиб, кислотали сув таъсирида унинг ўзгариши озиқ моддаларнинг қонга сўрилишини камайтиради.

Бутун Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг тавсиясига асосан, сувниг Ph кўрсаткичи 7,0-7,4 оралиғида бўлгандагина уни истеъмол қилиш мумкин.

Шуни ҳам ёдда сақлаш керакки, қудук сувининг Ph кўрсаткичи 5,5-6,0, ёмғир сувининг Ph кўрсаткичи 6,2-6,5 ва водопровод сувники эса 6,6-6,8 га тенг бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда хусусий тадбиркорларимиз "Нестле" (Ph 6,75-6,8), "Шодлик" (Ph 6,72-6,77), "Аквариус" (Ph 6,72-6,78), "Шаффоф" (Ph 6,82-6,88) каби минераллашган ва минераллашмаган ичимлик сувлар ишлаб чиқаряптилар. Юқоридаги натижалардан келиб чиқиб шундай хулосага келиш мумкинки, муҳитнинг водород кўрсаткичини меъёрига сақлаш йўли билан инсон организмида биологик озуқа ва минерал моддаларни яхши ўзлаштиришга эришиш ва турли касалликларни олдини олиш мумкин. Республикамизда, айниқса, Бухоро вилояти ва шаҳрида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш муаммосини ечиш учун катта амалий ишлар бажариляпти (ичимлик суви дўкончаларни очиш, маҳсус автомобилларда ичимлик сувини етказиб бериш, сув нархини пасайтириш ва х. фикримиз далилидир).

## VII – БОБ. ГИДРОСФЕРА. СУВ ЗАҲИРАЛАРИ

### 7.1. Гидросфера ва сув заҳиралари ҳақида умумий маълумот (293-298)

293. Гидросфера деб нимага айтилади?

294. Гидросферада қанча сув бор?

Ер куррасида сувлардан иборат бўлган қобиқقا, гидросфера деб аталади. Унга биосферадаги барча сувлар океан, денгиз, кўл, дарё, музликлар, ер ости сувлари ва атмосфера ҳавоси таркибидаги сув буғлари киради.

“Гидросфера” юонон тилидан олинган сўз бўлиб, “тидро” – “сув”, “сфера”-“шар” демакдир.

Гидросферанинг умумий сув миқдори тахминан 1403 млн  $\text{км}^3$  бўлиб, шундан океан сувлари 1370 млн  $\text{км}^3$ , музликлар 24 млн  $\text{км}^3$ , ер ости сувлари 8 млн  $\text{км}^3$ , кўл сувлари 0,23 млн  $\text{км}^3$ , тупроқ таркибидаги сувлар 0,007 млн  $\text{км}^3$ , атмосфера таркибидаги сув 0,014 млн  $\text{км}^3$ , дарё сувлари 0,002 млн  $\text{км}^3$  ташкил этади

295. Табиий сув деб нимага айтилади?

296. Ерда табиий сувнинг миқдори қанча?

Антрапоген (яъни, инсон) таъсирисиз табиий жараёнлар туфайли сифат ва миқдор жиҳатидан шаклланадиган сувларга, табиий сувлар деб аталади.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, Ерда табиий сувларнинг умумий миқдори 1386 млн  $\text{км}^3$  ни ташкил этади ва Ер юзасининг 70 % ни қоплайди. Табиий сувларнинг 97,8 % дан кўпрогини шур сувлар ташкил этади ва улар асосан денгиз, кўл ва океанларда жойлашган. Чучук сувлар эса Ернинг турли қатламларида ва музликларда жойлашган. МДХ да чучук сувларнинг заҳираси 40,5 минг  $\text{км}^3$  ни ташкил этади. Дунёда бир йилда тахминан 3900 млрд  $\text{м}^3$  чучук сув сарфланади. Шундан ярми истеъмол

қилинади, қолган ярми эса оқова сувга айланиб қолади ва ифлосланган ҳолда очик сув ҳавзаларига оқизилади.

**297. Маълумки, ҳар бир 12 йилда сувнинг сарфи 2 маротаба ошади. Бунинг сабаби нимада?**

**298. Демографик портлаш деб нимага айтилади?**

Сувнинг сарфи ҳар 12 йилда 2 баробар кўпаймоқда. Бунинг асосий сабаби дунё миқёсида юз берган “демографик портлаш” дир.

Дунё аҳоли сонининг ошиб боришига, демографик портлаш дейилади. Дарҳақиқат, БМТ тарқатилган маълумотларга қараганда, дунё аҳолиси 2 млн йил давомида 1830 йилда 1 млрд нафардан кўпроқ бўлган. Бундан 100 йил утгандан кейин (яъни, 1930 йилга келиб), 2 млрд нафарни, 30 йил утгандан кейин (яъни, 1960 йилга келиб), 3 млрд нафарни, 15 йил утгандан кейин (яъни, 1975 йилга келиб), 4 млрд нафарни, 11 йил утгандан кейин (яъни, 1986 йилга келиб), 5 млрд нафарни, 9 йил утгандан кейин (яъни, 2015 йилга келиб), 7 млрд нафардан кўпроқни ташкил этган.

Аҳолининг 50 % Осиёда, 22 % Африкада, 10 % Лотин Америкасида, 8 % Аврупода, 3 % Шимолий Америкада яшайди. Ҳар бир дақиқада 150 чақалоқ тутилади.

Демак, шу билан бирга аҳолининг чучук сувга бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб бориши табииий ҳолдир. Ҳозирги пайтда дунё аҳолисининг 1/3 қисми ичимлик суви танқислигига учраган.

## **7.2. Сувнинг биосфера ва ҳалқ ҳўжалиги тармоқларидаги аҳамияти (299-311)**

**299. Сувнинг бошқа табиий ресурсларидан фарқи ва  
унинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти нимада?**

Сув барча тирик организмлар учун ҳаёт манбаи бўлиб, у з та агрегат ҳолатда (қаттиқ (муз), суюқ, ва буғ ҳолатида) учрайди. Дунёдаги сувларнинг 94% океанларларда жойлашган. Микдор жиҳатидан олганда, сув тугамайдиган табиий ресурслар гуруҳига, сифат жиҳатидан олганда, у тугайдиган табиий ресурслар гуруҳига киради. Битмас туганмас ҳисобланган океан, денгиз, кўл ва дарё сувларининг кимёвий таркиби табиий ва сунъий йўллар билан (масалан, саноат чиқиндилари билан) бир йилда, ёки бир фаслда узгариб кетиши мумкин. Шунинг учун инсон учун ҳар қандай сув эмас, балки истеъмол қилишга яроқли тоза ичимлик суви керак. Фотосинтез жараёнининг асосий элементи сув ҳисобланади.

«Биз тириклини сувда яратдик!», «Сувга тупурманг, марух бўлади!», дейилади Қуръони Каримда. Дарҳақиқат, сувсиз ҳаёт йўқ! Шунинг учун сувни оби-ҳаёт деймиз! Сув биосферада ва кундалик ҳаётимизнинг барча соҳаларида қўлланилиши билан бошқа табиий ресурслардан тубдан фарқ қиласди. Кўмир, нефт, газ ва бошқа ёқилғилар бири иккинчисининг ўрнини босиши мумкин, ёки иссиқлик Энергияси, электр Энергияси, атом Энергияси ва Қуёш Энергиясидан фойдаланиш мумкин. Аммо кундалик ҳаётимизда сувнинг ўрнини босадиган бошқа табиий ресурс йўқ!

Сувнинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамияти қуйидагилардан иборат.

1. Сув биосферадаги барча жараёнларда ва, хусусан, фотосинтез жараёнларининг кечишига, модда ва энергия алмашинишига фаол қатнашади. Масалан, фотосинтез жараёнида йилига 225 млрд тонна кислород ажралиб чиқади, қарийб 300 млрд тонна органик моддалар вужудга келади.

2. Ер куррасидаги барча сув манбалари (океан, дарё, денгиз, күл, музликлар, сув ҳавзалари ва бошқалар) сайёрамизда иссиқлик режимини, яъни иқлимини тартибга солиб туради.

Гидросферадаги сув ёзда Қуёш энергиясини ютиб, қишида атроф-муҳитни совиб кетишдан муҳофаза қилади. Атмосфера ҳавоси таркибидаги сув буғлари эса, қуёш радиациясининг филтри ҳисобланади.

3. Сув барча тирик организмлар учун яшаш воситасидир. Чунки ҳар қандай тирик организм тўқималарида маълум миқдорда сув мавжуд. Масалан, вояга этган кишининг танасида 70 % гача, ёш чақалоқларда эса, 97 % сув бўлади.

Ўсимликлар ва ҳайвонот тўқималарида 50-90 % атрофида, гўшт таркибида 50 %, сутда эса 85-90 % атрофида сув бўлади.

4. Сувсиз кимёвий ва биокимёвий жараёнлар амалга ошмайди. Сув ишлаб чиқариш корхоналарида асосий ёки ёрдамчи хом-ашё, энергия манбаи, асосий реагент, иситувчи ва совутувчи, эритувчи, чуктирувчи, бириктирувчи, ажратувчи, намловчи, юувучи, оқартирувчи, реакция тезлигини оширувчи катализатор, хом-ашёларни ташувчи модда, технологик жараённи бир маромга сақланувчи восита сифатида қўлланилади. Кўпгина ҳолатларда қурилмалар сув ёрдамида совутилади.

5. Сув тирик организмлар танасида ҳароратни бошқарувчи модда, яъни терморегулятор вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун инсон атроф-муҳит ҳароратига ва

жисмоний меҳнат қўламига қараб, бир суткада 2,4- 6,5 литр сув истеъмол қиласди.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё миңтақасида, хусусан Ўзбекистонда аҳоли сонининг ошиб бориши туфайли тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж кунсайин ортиб бормоқда. Шунинг учун табиий сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни ифлосланишдан муҳофазалаш, сувнинг сифати ва сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш, фойдаланилган сув ҳажми учун ҳақ тўловини жорий этиш, корхоналарда ёпиқ сув таъминоти системасига утиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологияларни жорий этиш, сувни тозалаш қурилмалари ва иншоотларидан самарали фойдаланиш, хусусан, 1993 йил 6 майда қабул қилинган “Сув ва сувдан оқилона фойдаланиш түғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларига қатъий риоя қилиш – оқова сув миқдорини кескин камайтириш ва тоза ичимлик сувини тежаш имконини беради.

### **300. Республикамизнинг асосий сув манбаларини биласизми?**

Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Оҳангарон ва Чирчик дарёлари республикамизнинг асосий сув манбалари ҳисобланади.

### **301. Республикамизда қанча оқар сув мавжуд?**

Республикамизда ҳаммаси бўлиб **10-12 млрд м<sup>3</sup>** оқар сув мавжуд бўлиб, қолган **85-90 млрд м<sup>3</sup>** сув қўшни мамлакатлар (хусусан, Тожикистон ва Қирғизистон) дан оқиб келади.

**302. Амударё ва Сирдарёning узунлиги, сув йиғиши майдони ва йиллик сув ҳажми ҳақида нималарни биласиз?**

Амударё сув йиғиши майдони ва йиллик сув ҳажми жиҳатидан бошқа дарёлардан юқори туради. Амударёning узунлиги 1900 км, фақатгина тоғларда сув йиғиши майдони  $2770 \text{ km}^2$  га тенгdir. Амударёning қарийб 83% сувлари Тожикистон ҳудудида, фақатгина 6% суви Ўзбекистон ҳудудида шаклланади.

Сирдарёning узунлиги 2140 км булиб, сув йиғиши майдони 150 минг  $\text{km}^2$  ва йиллик сув ҳажми  $37,1 \text{ km}^3$  ни ташкил этади. Сирдарёning қарийб 80% сувлари Қирғизистон ҳудудида, фақатгина 13% суви республикамиз ҳудудида шаклланади.

Амударё ва Сирдарёning умумий сув ҳажми 110-115 млрд  $\text{m}^3$  ни ташкил этади. 78 млрд  $\text{m}^3$  сув Амударёning ҳиссасига тұғри келади. Ҳосил бұладиган сувларнинг 36 % и Тожикистонга, 34 % и Қирғизистонга, 17 % и Афғонистонга, 8 % и Ўзбекистонга ва 5 % и Қозоқистонга тұғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Орол деңгизи ҳавzasининг сув ресурсларининг шаклланишига Тожикистон Республикаси алоҳида ўрин тутади. Тожикистон ҳудудида дарё сувларининг ҳажми  $52,7 \text{ km}^3$  ни ташкил этади ёки Орол деңгизи ҳавzasига қуйиладиган сувларнинг қарийб 44% ташкил этади.

**303. Бир киши бир суткада шахсий гигиена ва майший коммунал заруратлари учун қанча сув ишлатади?**

Бир киши ўртача бир суткада шахсий гигиена ва майший коммунал заруратлари учун 150-450 литр сув ишлатади. Аммо бу күрсаткыч хизмат турига ва яратилған

шарт-шароитларга боғлиқдир. Агар сув қувурлари ва канализация қувурлари мавжуд бұлмаса, унда 30-50 литр сув сарфланади. Агар сув қувурлари ва канализация қувурлари мавжуд бұлса, 180-230 литр сув сарфланади. Марказий иситиш тизимида эса, бир киши учун суткасида 275- 400 литр сув сарфланади.

#### 304. Ривожланган ва ривожланаёттан мамлакатларда бир суткада бир киши учун қанча сув сарфланади?

Ривожланган мамлакатларда бир киши учун бир суткада ўртача 500-600 литр сув сарфланади. Аммо ривожланаёттан мамлакатларда эса бу күрсаткыч 2-3 маротаба кичик бўлиб, 200-250 литрни ташкил этади.

Маиший хўжалик эҳтиёжлари учун бир кишига бир суткада шаҳарларда 150 литр сув (бир йилда 55 м<sup>3</sup> сув), қишлоқ жойларида эса, 50 литр сув (бир йилда 18-20 м<sup>3</sup> сув) сарфланади.

#### 305. Қишлоқ хўжалиги тармоқларида йилига қанча сув сарфланади?

Ҳозирги пайтда дунёда 200 млн гектар сугориши учун йилига ер ости манбаларидан ва дарёлардан 2800 км<sup>3</sup> сув олинмоқда. Бу эса дарё сувларини 7 % ни ташкил этади. Сугориши учун олинган сувнинг 80 % ёки 2300 км<sup>3</sup> сув ишлатилса, унинг 20 % ёки 470-480 км<sup>3</sup> сув дарё ва кўлларга оқова сув сифатида оқизилиб юборилади.

Бир тонна дон этиштириш учун 3 минг м<sup>3</sup> сув, бир тонна шоли этиштириш учун 7 минг м<sup>3</sup>, бир тонна маккажӯхори этиштириш учун эса, 1500 м<sup>3</sup> сув сарфланади. Бир кг ўсимлик массаси ҳосил бўлиши учун ўсимлик турига караб, 150 м<sup>3</sup> дан 1000 м<sup>3</sup> гача сув сарфланади. Бир гектар ғўзани сугориши учун 12000-20000 м<sup>3</sup> сув сарфланади.

Республикамизнинг йиллик сув сарфи 62-65 км<sup>3</sup> бўлиб, шунинг 25 км<sup>3</sup> Амударёдан, 11 км<sup>3</sup> Сирдарёдан, қолган қисми дарёчалардан ва ер ости сув манбаларидан олинади. Олинадиган умумий сув миқдоридан 85 % ёки 53-55 км<sup>3</sup> ни қишлоқ хўжалиги тармоқлари эҳтиёжларини қондириш учун, 12-16 км<sup>3</sup> сув саноат тармоқларига ва атиги 3 % ёки 1,7 км<sup>3</sup> сув коммунал хўжалиги корхоналарнинг эҳтиёжини қондириш учун сарфланади.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун олинадиган йиллик сув миқдоридан (62-65 км<sup>3</sup> сувдан) 23-25 км<sup>3</sup> сув зовурлар орқали очиқ сув ҳавзаларига қайтарилади. Шундан 5 км<sup>3</sup> сув Амударёга, 10 км<sup>3</sup> дан зиёдроқ Сирдарёга, қолган 8-10 км<sup>3</sup> сув кичик дарёларга ва кўлларга оқизилмоқда.

### 306. Республикализ сув ресурслари қанча майдондаги ерларни ўзлаштиришга етарли?

Республикамиз ҳудудидан оқиб ўтадиган сувлар 4,8 млн гектар ерларни ўзлаштириб, уларни сугоришга етарлидир. Аммо ҳозирги пайтда 4,4 млн гектар ерлар ўзлаштирилган бўлиб, сувдан фойдаланиш коэффициенти 95-98% ни ташкил этмоқда. Шунинг учун республикамизда ичимлик сувига ва сугоришга яроқли бўлган сувларга эҳтиёж ниҳоятда ошиб бормоқда. Сув танқислиги чиқинди сувларни тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш муаммоларини вужудга келтирмоқда.

### 307. Бир гектар ерни сугориш учун қанча сув сарфланиши лозим?

Мутахассислар Марказий Осиё шароитини инобатга олиб, экинларни сугоришга ўрта ҳисобда бир гектар ерга салкам 10 минг м<sup>3</sup> сув сарфланиши мақсадга мувоғик эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берганлар. Амалда эса Ўзбекистон хўжаликларида 1960-1990 йиллар мобайнида

ҳар бир гектар әкин майдонини суғориш учун 17,2 минг  $m^3$  сув сарфланган, яъни 7,2 минг  $m^3$  сув ортиқча сарфланиб келинган.

1993 йилда ҳар бир гектар суғориладиган ерга 13,2 минг  $m^3$ , 1994 йилда 12,6 минг  $m^3$  ва 1995 йилда 11,2 минг  $m^3$  сув сарфланган.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, ерларнинг мелиоратив ҳолати бир хил эмас. Шунинг учун 1 гектар ерни суғориш учун ўртача 5-20 минг  $m^3$  сув сарфланади.

### 308. Ер ости сувларидан йилига қанча сув фойдаланишга олинмоқда?

Ер ости сув манбалари республиканизнинг табиий бойлиги бўлиб, ундан ичимлик суви сифатида, суғоришда, саноатда ва чорвачилик фермаларида кенг фойдаланилади.

Ер ости сувлари асосан ёғингарчиликлар ва суғориш сувларининг тупроқ орқали фильтрланиши туфайли табиий ҳолда пайдо бўлади. Ҳозирги пайтда йилига 5,5  $km^3$  сув ер ости сув манбаларидан олинмоқда. Агар бу курслаткич 17,6  $km^3$  га етказилса, биринчидан, ер ости сувларининг умумий заҳирасига зиён этмайди, иккинчидан, ер ости сувлари ҳисобига Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари қишлоқ аҳолисининг ичимлик сувга бўлган эҳтиёжлари қондирилган бўлар эди. Чунки республикамизда шаҳар аҳолиси 85-95%, қишлоқ аҳолиси эса 10-15% марказлаштирилган ичимлик сув таъминотига эга, холос.

### 309. Саноатда қанча сув сарфланади?

Бир тонна кўмир қазиб олиш учун 2-4  $m^3$ , 1 тонна нефт маҳсулотларини қайта ишлашга 30-40  $m^3$ , 1 тонна шойи ишлаб чиқаришга 400  $m^3$ , 1 тонна мис, картон ва қофоз ишлаб чиқаришга 500  $m^3$ , 1 тонна азотли ўғитлар ишлаб чиқаришга 600  $m^3$ , 1 тонна ип – газлама ишлаб

чиқаришга 1000-1500 м<sup>3</sup>, 1 тонна синтетик тола олиш учун эса 2500-5000 м<sup>3</sup> сув сарфланади.

1997 йил 22 августда ишга туширилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонасининг сувга бўлган эҳтиёжи Қўйи-Мозор сув омборидан таъминланади. Лимит бўйича бир йиллик сув сарфи 6280 минг м<sup>3</sup> бўлиб, шундан 1200 минг м<sup>3</sup> тоза ичимлик суви билан Коровулбозор шаҳарчаси таъминланади. Қолган қисми завод фаолиятида ва Нефтчи посёлкаси истеъмоли учун сарфланади. Заводда ҳосил бўлган майший ва ишлаб чиқариш оқова сувлари унинг ҳудудида жойлашган ва лойиха қуввати бўйича 1 суткада 2900 м<sup>3</sup> оқова сувларни тозалашга мўлжалланган иншоотга қабул қилиниб, тозаланиш босқичларидан ўтгандан кейин (яъни, механик усуlda нефттутқичларда, физик-кимёвий усулларда, биологик усулларда тўлиқ 98-99 % гача тозалангандан кейин) зовур ирмоғига оқизилади.

### 310. Сув сарфлаш коэффициенти деб нимага айтилади?

Ишлаб чиқарилган битта маҳсулот бирлигига сарфланган сув миқдорига, сув сарфлаш коэффициенти деб аталади ва м<sup>3</sup>/т ўлчов бирлигига ўлчанади. Масалан, 1 тонна никел ишлаб чиқаришда 400 м<sup>3</sup> сув, 1 тонна аммиак ишлаб чиқариш учун 1500 м<sup>3</sup> сув, 1 тонна азот кислотаси ишлаб чиқариш учун 100 м<sup>3</sup> сув сарфланади.

Кимё саноатида сув хом-ашё ва реагент, иситувчи ва совутувчи, эритувчи, чуктирувчи, намловчи, юувучи, реакция тезлигини оширувчи катализатор, хом-ашёларни технологик жараёнга тайёрлаб берувчи модда сифатида қўлланилади.

Кимё саноати сувни энг кўп сарфлайди, шунинг учун бундай корхоналар сув манбаига яқин жойларга курилади.

Капрон тола ишлаб чиқарадиган корхона, аҳолиси 120 мингга тенг бўлган битта шаҳар сувини сарфлайди. Йирик

электр кимё комбинатлари 800 минг нафар аҳолига этадиган сувни сарфлайди.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, сув ер юзасининг 70 % ни қоплади, унинг умумий ҳажми 1345 млн км<sup>3</sup> бўлиб, чучук сув эса унинг 2 % ни ташкил этади, холос. Ҳозирги пайтда сув миқдорининг атиги 12-15 % ишлатилиб, ифлосланган ҳолда очиқ сув ҳавзаларига оқизилмоқда.

### **311. Мамлакатлар орасида сувдан фойдаланиш қайси кўрсаткичларга эга?**

Халк хўжалигининг турли соҳаларидаги сувдан фойдаланиш дунё мамлакатлари уртасида турли кўрсаткичларга эга. Масалан, агар Аврупо мамлакатларида саноат тармоқларида 48 % сув, қишлоқ хўжалигида эса 39% сув сарфланса, Осиё мамлакатларида бу кўрсаткичлар мос равища 5 % ва 88 % ни ташкил этади. Агар Африка мамлакатларида саноат тармоқларида 4 % сув ва қишлоқ хўжалигида 72 % сув сарфланса, Шимолий Америкада бу кўрсаткичлар мос равища 36 % ва 36 % ни ташкил этади. Агар Австралияда саноат тармоқларида 36 % сув ва қишлоқ хўжалигида 50 % сув сарфланса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида бу кўрсаткичлар мос равища 28 % ва 62 % ни ташкил этади.

### **7.3. Сувнинг асосий хоссалари ва тавсифловчи кўрсаткичлари (312-327)**

#### **312. Сувнинг асосий хоссалари нечта?**

Сувнинг асосий хоссалари 3 та бўлади.

1. Сувнинг физик хоссалари.
2. Сувнинг электр хоссалари.
3. Сувнинг оптик хоссалари.

### **313. Сувнинг физик хоссаларига унинг қайси хоссалари киради?**

Сувнинг физик хоссаларига қуйидаги хоссалари киради.

**1. Сувнинг зичлиги.** Тоза сувнинг зичлиги  $15^{\circ}\text{C}$  да ва атмосфера босимида  $999 \text{ кг/m}^3$  га тенгдир. Аммо сувда құшилмалар құшилған бұлса, унинг зичлиги  $0^{\circ}\text{C}$  да  $1028 \text{ кг/m}^3$  га тенг булиши мүмкін. Құшилмалар концентрацияси ошганда, сувнинг зичлиги ҳам ошиб боради. Агар сувда құшилмаларнинг концентрацияси  $1 \text{ кг/m}^3$  га ошса, сувнинг зичлиги  $0,8 \text{ кг/m}^3$  га ошади. Денгиз сувларининг ҳар  $1 \text{ м}^3$  да  $35 \text{ кг}$  гача турли тузлар булиши мүмкін. Бу эса сувнинг зичлигини оширади.

**2. Сувнинг қовушқоқлиги.** Ҳарорат ошганда сувнинг қовушқоқлиги пасаяди. Масалан,  $0^{\circ}\text{C}$  да сувнинг қовушқоқлиги  $1,797 \text{ МПа}\cdot\text{с}$  га тенг,  $20^{\circ}\text{C}$  да  $1,007 \text{ МПа}\cdot\text{с}$  га тенг,  $35^{\circ}\text{C}$  да эса  $0,723 \text{ МПа}\cdot\text{с}$  га тенг бұлади. Сув таркибіда тузнинг концентрацияси ошганда, унинг қовушқоқлиги ҳам ошади.

**3. Сувнинг сирт таранглиги.** Унинг сирт таранглиги  $18^{\circ}\text{C}$  да  $73 \text{ мН/m}$  га тенг,  $100^{\circ}\text{C}$  да эса  $52,5 \text{ мН/m}$  га тенг бұлади.

**4. Сувнинг иссиқлик сиғими.** Унинг иссиқлик сиғими  $0^{\circ}\text{C}$  да  $4180 \text{ Ж/(кг } 0^{\circ}\text{C})$  ва  $35^{\circ}\text{C}$  да әнд кичик қийматта зәға бұлади.

**5. Сувнинг суюқланиш иссиқлиги.** Музнинг суюқланиш иссиқлиги  $330 \text{ кЖ/kg}$  ва бүг ҳосил қилиш иссиқлиги  $2250 \text{ кЖ/kg}$  га тенг бұлади.

### **314. Сувнинг электр хоссаларига унинг қайи хоссалари киради?**

Сувнинг электр хоссаларига қуйидаги хоссалари киради.

**1. Сувнинг солишлирма электр үтказувчанлиги.**

**2. Сувнинг диэлектрик сингдирувчанлиги.**

Сувнинг солиширма электр ўтказувчанилиги  $18^{\circ}\text{C}$  да  $4,9 \cdot 10^{-8}$  См/м ёки  $4,41 \cdot 10^{-8}$  1/Ом $\cdot$ см га тенг бўлиб, унинг диэлектрик сингдирувчанилиги 80 га тенгдир. Аммо сувда эриган тузлар унинг электр ўтказувчанигини оширади ва ҳарорат ошиши билан бу қўрсаткич кент миқёсда ўзгариши мумкин.

### 315. Сувнинг оптик хоссаларига унинг қайси хоссалари киради?

Сувнинг оптик хоссаларига унинг тиниқлиги ва хиравлиги киради. Сувда муаллақ ҳолатда турадиган механик қўшилмалар унинг тиниқлигига қучли салбий таъсир қўрсатади. Ушбу қўшилмаларнинг миқдори ошган сари сув хиравлашиб қолади. Сувнинг тиниқлиги сув қатламининг қалинлигига ва нурнинг тулқин узунлигига боғлиқ бўлади. Сувдан УБ-нурлар ИҚ-нурларга нисбатан яхшироқ ўтади. Сувнинг сифатини ва таркибидағи қўшилмалар миқдори (концентрацияси) ни аниқлашда тиниқлик қўрсаткичидан қўлланилади.

Сувнинг тиниқлиги унинг юқори сифатлилигининг асосий белгиси ҳисобланади. Тиниқлилик сувдаги механик муаллақ моддаларнинг миқдорига, кимёвий аралашмаларга ва темир тузларига боғлиқ бўлади. Сув ҳавзаларининг кўкариши ҳам сувнинг тиниқлигининг пасайишига олиб келади. Ичимлик суви тиниқ булиши шарт. Ҳамма вақт лойқа, тиниқмас сув эпидемик нуқтаи назардан шубҳали ҳисобланади, лойқа сувда микроорганизмларнинг кўпайиши учун мақбул шароит пайдо бўлади. Сувнинг лойқалиги унда эримаган турли ўлчам (дисперслик даражаси) даги муаллақ ҳолатда турган заррачаларнинг мавжудлигига боғлиқ. ЎзДСТ 950:2000. “Ичимлик суви” талабларига асосан, сувнинг лойқалиги  $1,5 \text{ мг}/\text{дм}^3$  дан ошмаслиги керак.

### **316. Сувнинг тавсифловчи асосий кўрсаткичлар нималардан иборат?**

Тоза сувни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар қўйидаги 2 та давлат стандартларида кўрсатилган.

1. ЎзДавСТ 95: 2000. Ичимлик суви.
2. ДавСТ 27-61-84. Марказлашган хўжалик ичимлик сув таъминоти манбалари.

Умуман олганда, чиқинди сувлардаги ифлосликларнинг 60 % органик моддаларнинг қўйидаги 2 та кўрсаткичи билан аниқланади:

1. Сувнинг кислородга бўлган биокимёвий талаби (эҳтиёжи).
2. Органик моддаларни кимёвий йўл билан оксидлаш учун сарфланган кислород миқдори.

### **317. Сув қачон чучук ва қачон шўр саналади?**

Агар бир литр сувда 1 г дан кам туз бўлса, уни чучук сув, ундан кўп бўлса, шўр сув деб аталади.

### **318. Сувнинг тиниқлиги қандай ўлчанади?**

### **319. Қачон сув дағал дисперсли ва қачон чин эритма саналади?**

Сувнинг тиниқлиги сув тубида маҳсус қўйилган хоч (крест) ёки шрифт аниқ кўринадиган сув қатлами (баландлиги) нинг қалинлиги билан ўлчанади. Сувнинг тиниқлиги таркибидаги қўшимчаларнинг ўлчамига ва миқдорига боғлиқдир. Агар заррачаларнинг ўлчами 100 нм дан катта бўлса, дағал дисперсли сув ва 1-100 нм атрофида бўлса, чин эритмалар деб аталади. Дағал дисперсли ва чин эритмалар қувурларнинг ишлаш самарадорлигини пасайтиради ва шикастланишларга олиб келади.

**320. Сувнинг қаттиқлиги неча хил бўлади?**

**321. Сувнинг қаттиқлиги нима билан ифодаланади?**

Сувни тавсифловчи катталиклардан яна бири - бу сувнинг қаттиқлигидир.

Сувнинг қаттиқлиги вақтинча, доимий ва умумий қаттиқликларга бўлинади.

Сувнинг вақтинчалик қаттиқлиги сув таркибида калций ва магний гидрокарбонатлар миқдори билан белгиланади, улар қайнатилганда, эримайдиган карбонатларга айланади ва чўкма ҳосил қиласди.



Сувнинг доимий қаттиқлиги деганда, уни қайнатилганда йўқолмайдиган калций ва магний тузларининг мавжудлиги тушунилади.

Сувнинг вақтинчалик ва доимий қаттиқликларининг йиғиндисига, унинг умумий қаттиқлиги деб аталади.

Сувнинг қаттиқлиги 1 литр сув таркибида калций  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  магний ионлари мг эквиваленти билан ифодаланади.

**322. Табиий сувлар қаттиқлиги бўйича неча гуруҳларга бўлинади?**

**323. Сув қачон жуда юмшоқ ва юмшоқ саналади?**

**324. Қачон сув мутадил қаттиқ ва қаттиқ саналади?**

**325. Қачон сув ниҳоятда қаттиқ саналади?**

Агар 1 литр сувда 20,04 мг калций ионлари ёки 12,16 мг магний ионлари мавжуд бўлса, табиий сувлар қаттиқлиги бўйича қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

Сувнинг қаттиқлиги, мг ЭКВ/литр	Сувнинг хоссаси
0,5 – 1,5	Жуда юмшоқ сув
1,5 – 3,0	Юмшоқ сув
3 – 6	Мутадил қаттиқ
6 – 10	сув
10 дан катта	Қаттиқ сув
бўлса	Ниҳоятда қаттиқ сув

Агар сув билан ишлайдиган асбоб-ускуналарнинг деворида қалинлиги 1 мм га тенг бўлган қасмоқ пайдо бўлса, ёнилғи сарфини 5 % га оширади.

Одатда, қаттиқ сувда совун ишлатганда, яхши купикламайди, сув қайнатилган идишда туз қасмоқлари ҳосил бўлади.

Сув ҳавзаларига ер шурини ювишда ишлатилган оқова сувларнинг келиб тушиши, зах сувлари, саноат корхоналарининг чиқинди сувлари дарё сувнинг кимёвий таркибини бузиб, унинг қаттиқлигини ошириб юборади. Сувнинг қаттиқлиги билан организмда тошлар пайдо қиласидиган касалликлар ўртасида боғланиш мавжудлиги аниқланган. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасида олинган натижаларга қараганда, одамларнинг ўт ва нажас (сийдик) қопида, шунингдек, буйрагида тошлар пайдо бўлишига асосан Амударё ҳавзасидаги сувлар қаттиқлигининг ортиб бориши сабабчи бўлмоқда. Нажас йўлида пайдо бўладиган тошларнинг вужудга келишига сув қаттиқлигининг ошиб бориши сабабчи бўлади.

Маълумотларга қараганда, сувнинг қаттиқлигини оширувчи калций ва магний элементлардан ташқари, яна 12 та элемент (бериллий, бор, кадмий, калий, натрий ва

бошқалар) мавжуд. Ҳозирги пайтда сувнинг қаттиқлиги билан айрим юрак касалларни уртасида боғлиқлик мавжуд эканлиги аниқланган. Сувнинг қаттиқлиги пасайиб борганды эса, юрак-қон томир касалларни пайдо булар экан.

Маълумотларнинг гувоҳлик беришича, сув таркибида 65 га яқин микроэлементлар мавжуд бўлиб, шундан 20 дан ортиғи организм эҳтиёжи учун ниҳоят зарурдир (масалан, йод, хлор, фтор, темир ва ҳоказолар). Киши организми суткасига 120-200 мг йод микроэлементи олиб турмаса, бўқоқ касаллигига йўлиқиши мумкин. Шунинг учун истеъмол қилинадиган сув ва озиқ-овқатларда йод элементи кам бўлса, касалликни олдин олиш учун таомга, айниқса, ош тузига йод қўшиб берилади, яъни йодланган туздан истеъмол қилиш тавсия этилади.

### **326. Сувнинг шўрлиги ва оксидланишини қандай аниқлаш мумкин?**

Сувнинг шўрлиги ҳам унинг тавсифловчи курсаткичларидан биридир. Сув таркибидаги умумий туз миқдорини аниқлаш учун сувни 105-110 °C да қайнатилиб, тагида қолган қуруқ моддалар, яъни сувга олдин қўшилган минерал ва органик моддалар тарози ёрдамида ўлчанади ва мг/л ўлчов бирлиги билан ифодаланади.

**Сувнинг оксидланиши.** Таркибида органик қўшилмаларнинг 1 литр сувда 10 дақиқа қайнатилганда, сарфланган калий перманганати ( $KMnO_4$ ) миқдорида ўлчанади.

### **327. Қачон сув нейтрал, қачон нордон ва қачон ишқор сув саналади?**

Сувнинг реакцияси - унинг ишқорийлиги ёки кислоталилиги ( $Ph$ ) билан ифодаланади.  $Ph = 6,5-7,5$  бўлса, бундай сув нейтрал,  $Ph < 6,5$  бўлса, нордон сув ва агар  $Ph > 7,5$  бўлса, ишқор сув ҳисобланади.

Сув таркибидаги эритилтган кислород ва углерод құш оксиди металлни коррозияланиши (емирилиши) га олиб келади.

#### 7.4. Сувларнинг таснифи (328-334)

##### 328. Минераллашув даражасига қараб, сувлар неча гурухларга бүлинади?

Мир Мухаммад Ҳусайн Ал - Оқилюй 1771 йили ёзған "Махзан ал - адвийя" (Даволар хазинаси) китобида сувнинг фойдалы ва зарарлы томонлари ҳақида маълумотлар бериліп, сувни қуийдаги гурухларга тақсимлаган: ёмғир суви, булоқ суви, қудуқ суви, муз ва қорлардан ҳосил бўладиган сувлар, дарё ва анҳор сувлари, оқар ва оқмас (тинч) сувлар.

Минераллашув даражасига қараб, сувлар қуийдаги 4 гурухларга бўлинади.

1. Чучук сувлар. Уларда минераллашув даражаси 1 г/л дан кичик бўлади.

2. Кам тузланган сувлар. Уларда минераллашув даражаси 1-10 г/л ни ташкил этиши мумкин.

3. Тузланган сувлар. Уларда минераллашув даражаси 10-50 г/л ни ташкил этиши мумкин.

4. Намакоблар. Уларда минераллашув даражаси 50 г/л дан юқори бўлади.

##### 329. Чучук сувлар неча гурухга бўлинади?

Үз навбатида, чучук сувлар 3 гурухларга бўлинади.

1. Кам минераллашган сувлар. Уларда минераллашув даражаси 200 мг/л дан кичик бўлади.

2. Ўртача минераллашган сувлар. Уларда минераллашув даражаси 200-500 мг/л ни ташкил этиши мумкин.

3. Юқори даражада минераллашган сувлар. Уларда минераллашув даражаси 500-1000 мг/л ни ташкил этиши мумкин.

**330. Сув таркибидаги анионлар ва уларнинг миқдорига қараб, барча сувлар неча гурухга бўлинади?**

Сув таркибидаги анионлар ва уларнинг миқдорига қараб, барча сувлар қуйидаги 3 гуруҳларга бўлинади.

1. Гидрокарбонатли сувлар.
2. Сулфатли сувлар.
3. Хлоридли сувлар.

Табиий сувларнинг қаттиқлиги сув таркибида мавжуд бўлган калций ва магний тузларига боғлиқ бўлиб,  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Mg}^{2+}$  ионлари концентрациялари билан ифодаланади ва [мол • экв/л] да ўлчанади.

**331. Сувлар қаттиқлигига қараб, неча гурухга бўлинади?**

Сувлар қаттиқлигига қараб, 2 гурухга бўлинади.

1. Карбонатли қаттиқ сувлар.
2. Карбонатсиз қаттиқ сувлар.

**332. Сувнинг умумий қаттиқлиги деб нимага айтилади?**

**333. Денатурацияланган сувлар ёки табиий - антропоген сувлар деб нимага айтилади?**

Сувнинг умумий қаттиқлиги карбонатли ва карбонатсиз сувлар қаттиқлигининг йигиндисидан иборат бўлади. Карбонатли сувларнинг қаттиқлиги сувдаги калций ва магний бикарбонатларнинг миқдорига боғлиқ бўлиб, карбонатсиз сувларнинг қаттиқлиги сувдаги калций ва магний сулфатлари, хлоридлари ва нитратларига боғлиқ бўлади.

Табиий сувлар антропоген таъсиrlар туфайли, яъни инсон фаолияти натижасида турли моддалар билан ифлосданиши мумкин. Натижада унинг сифати кескин узгаради.

Антропоген таъсирлар туфайли ифлосланган сувларга, денатурацияланган сувлар ёки табиий - антропоген сувлар деб аталади.

### 334. Табиий сувлар қайси ҳолатларда ифлосланиши мумкин?

Табиий сувлар инсон фаолияти натижасида қуидаги ҳолатларда ифлосланиши мумкин.

1. Атмосферадан сув таркибига нитратлар ва сульфатлар, азот ва сульфат кислоталари қўшилганда, унинг сифати буткул ўзгариб, водород кўрсатгичи ( $\text{PH}$ ) кескин пасаяди.

2. Ёғингарчиликлар ва сув тошқини натижасида тоғжинслари, карбонатлар эриши ёки ювилиши мумкин. Натижада дарё сувлари ва ер ости сувлари таркибида калций, магний, кремний ионларининг миқдори ошиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда сувнинг кимёвий таркиби ўзгариб, у кучли ифлосланади.

3. Табиий сувлар таркибида оғир металлар, хусусан кургошин, кадмий, симоб, маргимуш, рух ҳамда фосфатлар ( $0,1 \text{ мл/л}$  дан ошганда), нитратлар ва нитритларнинг миқдори ошганда, сувнинг сифати ўзгаради.

4. Ер усти ва ер ости сувлар таркибида оқова сувлар орқали ҳамда атмосферадан қаттиқ чиқиндиларнинг ювилиши натижасида тузларнинг миқдори ошганда, сувнинг сифати ўзгариши мумкин. Масалан, **йилига** дарё сувларида тузларнинг миқдори  $30-50 \text{ mg/l}$  гача ўзгариб туради. **Йилига** шаҳар чиқиндиларининг ҳар  $1000$  тоннасидан тупроқ сувларига  $8$  тоннагача эрувчи тузлар келиб қўшилади. Бу эса сувнинг сифатини кескин ўзgartириб юборади.

5. Сув таркибида органик бирикмалар, хусусан биологик чидамли моддалар (сирт фаол моддалар, пестицидлар, уларнинг парчаланиши жараёнида ҳосил бўладиган маҳсулотлар ва бошқа заҳарли, канцероген ва мутаген моддалар) нинг миқдори ошиши мумкин. Бу эса сувнинг сифатини ўзgartириб юборади.

6. Табиий сувларда кислород миқдори пасайши мумкин. Хусусан, сув ҳавзаларида оксидланиш жараёнлари кучайганда, кислород күпроқ сарфланади. Органик бирикмаларнинг минераллашуви, сув ҳавзаларининг юзалари гидрофоб моддалар билан ифлосланиши ва атмосферадан кислороднинг етишмовчилиги туфайли сувда тикланиш жараёнлари кучаяди. Масалан, сульфатлар то водород сульфитгача тикланиши мумкин. Бу эса сувнинг сифатини ўзгартириб юборади.

7. Ифлосланган сувларда вируслар, бактериялар ва юқумли қасалликларни қўзғатувчи микроорганизмларнинг миқдори ошганда сувнинг тиниқлиги пасайиб кетади.

8. Табиий сувлар кимёвий элементларнинг радиоактив изотоплари билан ифлосланиши мумкин.

## 7.5. Саноат корхоналарида ишлатиладиган сувлар (335, 336)

### 335. Саноат корхоналарида ишлатиладиган сувлар неча гурухга бўлинади?

Саноат корхоналарида ишлатиладиган сувлар 3 гурухга бўлинади.

1. Совутувчи сувлар.
2. Технологик сувлар.
3. Энергетик сувлар.

Саноат корхоналарида сарфланадиган сувларнинг 65-80 % и совутишга қўлланилади. Йирик кимё корхоналарида фақатгина совутиш мақсадида йилига 440 млн м<sup>3</sup> сув сарфланади. Бундай корхоналарнинг совутиш системаларида йилига 20 млрд м<sup>3</sup> гача сув сарфланиши мумкин. Сув иссиқлик алмашиш аппаратларида кўпинча суюқ ва газсимон маҳсулотларни совутишда қўлланилади. Одатда, бундай ҳолатларда сув материаллар оқими билан туташмайди ва ифлосланмайди, балки маълум даражада исийди.

**336. Технологик сувлар неча гурухга бўлинади?**

Технологик сувлар, ўз навбатида, 3 гурухга бўлинади.

1. Мухит ҳосил қилувчи сувлар.

2. Юувучи сувлар.

3. Реакцияга кирувчи сувлар.

Мухит ҳосил қилувчи сувлардан асосан эритиш ва қуйқа ҳосил қилиш, маъданларни бойитиш ва уларни қайта ишлашда, маҳсулотлар ва чиқиндиларни сув ёрдамида ташишда қўлланилади.

**Юувучи сувлардан** газсимон (абсорбция), суюқ (экстракция) ва қаттиқ маҳсулотлар ва буюмларни ювиш ёки намлашда қўлланилади.

**Реакцияга кирувчи сувлардан реагентлар** таркибида ҳамда азеотроп ҳайдашда қўлланилади.

**Технологик сувлар** маҳсулот ва буюмлар билан бевосита туташган бўлади.


**Энергетик сувлардан** қурилмаларни совутишда, буғ ҳосил қилишда, маҳсулотлар ва иш жойларни иситишида қўлланилади.

## **7.6. Саноат корхоналарида сув таъминотининг айланма ва берк системасини жорий этиш (337-346)**

**337. Ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминотини жорий қилиш афзаликлари нимада?**

Саноат корхоналарида тоза сув сарфини камайтиришнинг энг самарали йўлларидан бири - сув таъминотининг айланма ва берк системасини яратишидир.

Айланма сув таъминотининг схемаси 7.1 - расмда курсатилган. Айланма сув таъминоти айланма сувни совутиш (7.1а-расм), оқова сувларни тозалаш (7.1б - расм), оқова сувларга қайта ишлов берилиб, улардан самарали фойдаланиш (7.1в-расм) ни тақозо этади.



а) Күшимча сув



б) Күшимча сув



в) Күшимча сув

7.1 - расм. Айланма сув таъминотининг турли кўринишилари:

- а - сувни совутиш йўли билан таъминлаш.
- б - оқова сувни тозалаш йўли билан таъминлаш.
- в - оқова сувни тозалаш ва уни совутиш йўли билан таъминлаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш корхоналарида айланма сув таъминотини жорий қилиш табиий сувлардан фойдаланишини **10-50** маротаба камайтириш имконини беради. Масалан, агар 1 тонна каучук ишлаб чиқариш учун **2100 м<sup>3</sup>** тоза сув сарфланса, айланма сув таъминотида атиги **165 м<sup>3</sup>** сув сарфланади. Бундан ташқари, айланма сув таъминотида сарф - харажатлар кескин камаяди. Ҳозирги пайтда кимё саноати корхоналарида айланма сувнинг улуши **82,5%** дан юқоридир.

### **338. Ишлаб чиқариш корхоналарида сувдан фойдаланиш самарадорлиги қайси кўрсаткичлар ёрдамида ҳисобланади?**

Ишлаб чиқариш корхоналарида сувдан фойдаланиш самарадорлиги бир қатор кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Сувнинг айланма фоизи ( $P_{айл}$ ) қуийдаги формула билан ҳисобланади:

$$P_{айл} = Q_1 / (Q_1 + Q_2) \quad (7.1)$$

бу ерда  $Q_1$ - айланма сув миқдори, м<sup>3</sup>/соат;

$Q_2$ - сув манбаидан олинадиган сувнинг миқдори, м<sup>3</sup>/соат.

Сувдан фойдаланиш коэффициенти ( $K_\phi$ ) қуийдаги формула билан ҳисобланади:

$$K_\phi = (Q_2 - Q_3) / Q_2 \quad (7.2)$$

бу ерда  $Q_3$ - корхонадан чиқадиган сувнинг миқдори, м<sup>3</sup>/соат.

Сувдан фойдаланиш карралиги ( $n$ ) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$n = (Q_3+Q_2+Q_4)/(Q_2+Q_4) \quad (7.3)$$

бу ерда  $Q_4$ - хом – ашё таркибидаги сувнинг миқдори,  $\text{м}^3/\text{соат}$ .

Ишлаб чиқаришда сувнинг исрофи ( $K_n$ ) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$K_n = (Q_2-Q_3)/(Q_3+Q_2)100\% \quad (7.4)$$

### 339. Қайси кўрсаткичларни таққослаш йўли билан сув ҳўжалиги системасини баҳолаш мумкин?

Сув ҳўжалиги системаси қуйидаги кўрсаткичларни таққослаш йўли билан баҳоланади:

- маҳсулот бирлигига (масалан, 1 тонна маҳсулот учун) сарфланган сув, шунингдек тоза сувнинг солиштирма миқдори;
- оқова сувларни тозалашда сарфланган реагентларнинг солиштирма миқдори;
- сарфланган электр ва иссиқлик энергияларнинг солиштирма миқдори;
- оқова сувларни тозалаш пайтида олинадиган товар маҳсулотнинг мутлақ миқдори;
- иқтисодий кўрсаткичлар, шу жумладан, маҳсулотнинг тан нархи, самарадорлиги;
- келтирилган харажатлар бўйича йиллик иқтисодий самарадорлиги;
- экологик кўрсаткичлар (суюқ чиқиндиларни кўмиб ташлаш, қаттиқ чиқиндиларни маҳсус жойларда сақлаш, ҳаво, флора ва фаунанинг ҳолати).

### 340. Айланма сув таъминотини ишлаб чиқариш корхонасида жорий этиш учун сув хоссаларини ифодаловчи қайси кўрсаткичларига алоҳида эътибор берилади?

Айланма сув таъминотини ишлаб чиқариш корхонасида жорий этиш учун сувнинг қаттиқлигига, водород кўрсаткичи ( $\text{Ph}$ ) га, сувдаги муаллақ моддаларнинг миқдорига ва сувнинг кислородга бўлган эҳтиёжига алоҳида эътибор берилади. Гап шундаки, сув

таъсирида қувурларнинг емирилиши (коррозияланиши) кузатилади ва ички сиртларида қасмоқлар ҳосил бўлади. Ушбу муаммоларни самарали эчиш учун айланма сувларнинг маълум бир қисми системадан четлаштирилади ва уларнинг ўрнига қўшимча тоза сувдан ёки тозаланган оқова сувлардан қўшилади (1-расмга қаранг). Сув ҳаракатлагандага, қувурларнинг сиртида ва иссиқлик алмаштиргичларда калций карбонат ҳосил бўлади:



Ҳарорат ошган сари, калций карбонатнинг сувда эриши қийинлашади. Натижада у қувурнинг сиртида чўкиб, қасмоқ ҳосил қиласи.

### 341. Калций карбонат ва бошқа тузларнинг қасмоқ ҳосил қилиш тезлиги ва бир ойда қасмоқ қатлами ning қалинлиги қанча бўлиши керак?

Калций карбонат ва бошқа тузларнинг қасмоқ ҳосил қилиш тезлиги  $0,25 \text{ г}/(\text{м}^2 \cdot \text{соат})$  дан ошмаслиги керак. Қасмоқ қатлами ning қалинлиги бир ойда  $0,05 \text{ мм}$  дан ошмаслиги керак.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, иссиқлик алмасинув қурилмаларида ортиқча иссиқликни четлаштириш учун айланма сувлардан фойдаланади. Бу сув бир неча маротаба ҳавузларда совутилади. Бугланиш туфайли унинг маълум миқдори исроф бўлади. Мана шу исрофнинг ўрнини тўлдириш учун технологик жараёнга тоза сувдан ёки тозаланган оқова сувлардан қисман қўшилади.

### 342. Айланма сув таркибида оз миқдорда сувда эрийдиган ишқорли металларнинг тузлари, магний ва бошқа моддалар (азот, фосфор, фтор ва бошқалар) бўлиши мумкин. Уларнинг миқдори қанча бўлиши керак?

Айланма сув таркибида оз миқдорда сувда эрийдиган ишқорли металларнинг тузлари, магний ва бошқа моддалар (азот, фосфор, фтор ва б.) бўлиши мумкин. Уларнинг таъсирида иссиқлик алмасинув қурилмалари емирилади ва ҳарорат ошган сари, бу ҳодиса кучайиши мумкин. Шунинг учун айланма сувларда ушбу тузларнинг миқдори  $2 \text{ кг}/\text{м}^3$  дан ошмаслиги керак.

### **343. Сувнинг сифати деб нимага айтилади? Технологик жараёнларда ишлатиладиган сувларга қўйиладиган талаб нимадан иборат?**

Сувнинг сифати деганда, уни ишлаб чиқаришга кўллашга яроқлигини кўрсатувчи физик, кимёвий, биологик ва бактериологик кўрсаткичларнинг мажмую тушунилади.

Ҳар бир шароитда технологик жараёнларнинг шартларига қараб, хом - ашёларнинг таркиби, қўлланиладиган курилмалар ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ва сувнинг қайси мақсадлар учун мўлжалланганлигига қараб, ишлаб чиқаришга қўлланиладиган сувнинг сифати белгиланади.

Одатда, технологик сувлар маҳсулот ва буюмлар билан тулашган бўлади. Улардан фойдаланиб керакли мухитни яратиш мумкин, хом - ашё, маҳсулот ва қурилмаларни ювиш ёки намлаш мумкин ва кимёвий реакцияларни амалга ошириш мумкин. Шунинг учун технологик жараёнларда ишлатиладиган сувларнинг сифати айланма сув таъминотидаги сувларнинг сифатига қараганда юқори бўлиши керак.

### **344. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан кимёвий ифлосланган сувлар қандай таснифланган?**

Эслатиб ўтиш керакки, оқова суви - бу ишлаб чиқаришда, уй - рўзгорда ёки қишлоқ хўжалигида ишлатилган ёки ифлосланган худудлардан оқиб ўтадиган суюқликдир.

Баъзи пайларда технологик жараённи тўғри амалга ошириш учун таркибида  $10\text{-}15 \text{ г}/\text{м}^3$  туз сақланган, қаттиқлиги  $0,01 \text{ мол}\cdot\text{экв}/\text{м}^3$  ни ташкил этган ва кислородга бўлган эҳтиёжи  $2 \text{ г О}_2/\text{м}^3$  га teng сув керак бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқаришда хосил бўладиган оқова сувларнинг кимёвий таркиби бир хил эмас. Шунинг учун Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан кимёвий ифлосланган сувларни 5 гурӯхга бўлишни тавсия беради.

1. Биологик чидамсиз органик бирикмалар билан ифлосланган сувлар.

2. Кам заҳарли анорганик тузлар билан ифлосланган сувлар.
3. Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган сувлар.
4. Биоген бирикмалар билан ифлосланган сувлар.
5. Ўзига хос заҳарли моддалар, шу жумладан оғир металлар, биологик бикир парчаланмайдиган органик синтетик бирикмалар билан ифлосланган сувлар.

**345. Кўпгина саноат оқова сувларнинг таркибида қўшилиб қолган моддаларнинг ўлчами қанча бўлиши мумкин?**

Кўпгина саноат оқова сувларнинг таркибида эрувчан органик ва анорганик моддалардан ташқари, коллоид қўшилмалар (суспензия ва эмулциялар) ҳамда дағал ва кичик дисперсли қўшилмалар ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг ўлчамлари  $10^{-1}$ - $10^{-3}$  мкм атрофида бўлиб, сувни оксидланишини тезлаштириши мумкин ёки сувнинг тиниклигини ва органолептик кўрсаткичлари (таъми, маза, хиди, ранги) ни водород кўрсатгичини ва минераллашув даражасини ўзgartириб юбориши мумкин. Бундай қўшилмаларнинг зичлиги сувнинг зичлигига тенг ёки ундан кичик ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда улар сувда муаллақ ҳолатда бўлади.

**346. Оқова сув миқдорини камайтиришнинг энг самарали йўлларини биласизми?**

Оқова сув миқдорини камайтиришнинг энг самарали йўллари қуидагилардан иборат.

1. Сувсиз технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш.
2. Амалдаги технологик жараёнларни такомиллаштириш.
3. Муқаммал қурилма ва жиҳозларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш.
4. Ҳаво ёрдамида совутиладиган қурилмалардан фойдаланиш.
5. Тозаланган оқова сувлардан айланма ва берк системаларда самарали фойдаланиш.

## **7.7. Саноат корхонаси сув хўжалигининг берк системаси (347-352)**

### **347. Саноат корхонаси сув хўжалигининг берк системаси деб нимага айтилади?**

Оқова сувлар микдорини камайтириш ва сув ҳавзаларини ифлосланишининг олдини олиш учун корхонада сув хўжалигининг берк системасини яратиш катта иқтисодий - ижтимоий ва экологик аҳамиятга эга.

**Саноат корхонаси сув хўжалигининг берк системаси** деганда, тозаланмасдан ёки ишлов берилган сувлардан ишлаб чиқаришда бир неча маротаба фойдаланиш, чиқиндиларни ҳосил бўлишини ва оқова сувларни ҳавузларга ташлашни олдини олиш системаси тушунилади.

### **348. Ишлаб чиқариш корхоналарни сув билан таъминлашнинг берк системасини яратиш долзарблиги нималар билан боғлиқ?**

Ишлаб чиқариш корхоналарни сув билан таъминлашнинг берк системасини яратиш долзарблиги куйидагилар билан боғлиқ:

- сув этишмовчилиги билан;
- оқова сувларни қабул қилувчи обьектларнинг сувни ассимиляциялаш, суюқлантириш ва ўз - узини тозалаш қобилиятининг йўқлиги билан;
- оқова сувларни тозалашнинг иқтисодий афзалликлари билан.

Сув таъминотининг берк системасини яратишида саноат оқова сувлари ишлаб чиқариш турига қараб, керакли сифат даражасигача механик, кимёвий, физик - кимёвий, биологик ва термик усувларда тозаланади.

### **349. Ҳудудий - саноат комплекси, туман ёки марказий сув хўжалигининг берк системаси деб нимага айтилади?**

### **350. Тоза сувлардан қачон фойдаланиш мүмкін?**

Худудий - саноат комплекси, туман ёки марказий сув хұжалигининг берк системаси деганда, ер усти сувларидан фойдаланиш, саноат корхоналарида тозаланған, саноат ва шаҳар оқова сувларидан қишлоқ хұжалик маҳсулотларини этиштиришда, ерларни ва дараҳтзорларни сүгоришида, сув ҳавзаларида сув ҳажмини сақлашда, чиқындарни ҳосил булишини ва оқова сувларни ҳавузларда ташлашни олдини олиш системаси тушунилади.

Агар берк системаларда сув исрофини тұлдириш учун тозаланған оқова сувнинг миқдори етарли бұлмаса, шунингдек технологик операцияларда тозаланған оқова сувлардан фойдаланиш учун унинг сифат күрсаткичлари технологик ва гигиеник талабларға мөс келмаса, унда тоза сувлардан фойдаланиш мүмкін. Тоза сувлардан фақатгина ичиш учун ва хұжалик үй - рұзғор мақсадида құлланилади.

### **351. Қачон сув хұжалигининг берк системасини яратиш мақсаддаға мувофиқ бұла олади?**

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, агар сувни рекуперация қилишга ва сув таркибидан ажратиб олинған моддаларни тайёр маҳсулотта ёки иккиламчы хом - ашё ҳолатигача қайта ишлашга сарфланған харажатлар сувни тайёрлашға ва оқова сувларни тозалашға сарфланған харажатлар йиғиндисидан кам бұлғандагина, сув хұжалигининг берк системасини яратиш мақсаддаға мувофиқ бұлади.

### **352. Сув таъминоти берк системасининг қайси афзалліктері бор?**

Берк система барча технологик жараёнларда қуйидаги афзалліктерге эга.

1. Сувдан самарали фойдаланиш имконини беради.
2. Оқова сув таркибидан қиматбақо хом - ашёларни ажратиб олиш ва уларни рекуперация қилиш имконини беради.
3. Сувни тайёрлаш ва оқова сувларни тозалаш сарф харажаттарни кескин камайтириш имконини беради.
4. Иш жойларини санитария - гигиеник ҳолатини яхшилаш ва хизмат күрсатувчи ишчиларнинг ишлаш шароитини яхшилаш имконини беради.
5. Табиий атроф - мұхит ифлосланишининг олдини олиш имконини беради.

## VIII-БОБ. ОҚОВА СУВЛАР, УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ

### 8.1. Сувнинг сифати ва оқова сувларнинг турлари (353,354)

#### 353. Сувнинг сифати деб нимага айтилади?

Сувнинг сифати деганда, уни ишлаб чиқаришга қўллаш яроқлигини кўрсатувчи физик, кимёвий, биологик ва бактериологик курсаткичларнинг мажмуйи тушунилади.

Ҳар бир шароитда технологик жараёнларнинг шартларига қараб, хом - ашёларнинг таркиби, қўлланиладиган курилмалар ва тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш хусусиятларини инобатга олган ҳолда ва сувнинг қайси мақсадлар учун мўлжалланганлигига қараб, ишлаб чиқаришга қўлланиладиган сувнинг сифати белгиланади.

Баъзи пайтларда технологик жараённи түғри амалга ошириш учун таркибида  $10\text{-}15 \text{ г}/\text{м}^3$  туз сақланган, қаттиқлиги  $0,01 \text{ мол}\cdot\text{экв}/\text{м}^3$  ни ташкил этган ва кислородга бўлган эҳтиёжи  $2\text{F O}_2/\text{м}^3$  га teng бўлган сув керак бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган оқова сувларнинг кимёвий таркиби бир хил эмас.

#### 354. Оқова сувлари неча турларга бўлинади?

Оқова суви - бу ишлаб чиқаришда, уй - рўзгорда ёки қишлоқ хўжалигига ишлатилган ёки ифлосланган худудлардан оқиб ўтадиган суюқликдир.

Ҳосил бўлишига қараб, оқова сувлари З гурухларга бўлинади.

1. Уй - рўзгор оқова сувлари.
2. Атмосфера оқова сувлари.
3. Саноат оқова сувлари.

1. Уй - рузгор оқова сувлари гурухига ҳаммомлардан ва кимёвий тозалаш корхоналардан чиқадиган сувлар, ошхона ва ҳожатхоналардаги сувлар, уйларни тозалашта ишлатилған сувлар ва бошқа сувлар киради. Уларнинг таркибида органик моддалар 58% ни ва минераллар 42% ни ташкил этиши мумкин.

2. Атмосфера оқова сувлари - бу ёғингарчиликлар ва сув тошқини туфайли ҳосил бўладиган, органик ва минерал моддалар билан ифлосланган сувлардир.

3. Саноат оқова сувлари - бу суюқ чиқиндилар бўлиб, улар органик ва анорганик хом - ашёларни қазиб олишда ва уларни қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлади.

## 8.2. Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган оқова сувлар (355-363)

### 355. Нефт таркибидаги олtingугурт миқдорига қараб, нефт неча турга бўлинади?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, табиий газ ва нефтни қайта ишлаш жараёнида унинг таркибидан олtingугурт ажратиб олинади. Бир тонна олtingугуртдан қарийб 3 тонна сулфат кислотаси, олtingугурт кўш оксиди ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Олtingугурт минерал ўйтлар, қоғоз, резина, кир ювиш кукунлари, курилиш материаллари ишлаб чиқаришда кенг ишлатилади.

Нефт таркибидаги олtingугуртнинг миқдорига қараб, нефтни 3 турларга бўлиш мумкин.

1. Таркибида 0,5 % гача олtingугурт сақлаган нефт.
2. Таркибида 0,5-2,0 % гача олtingугурт сақлаган нефт (олtingугуртли нефт дейилади).
3. Таркибида 2,0 % дан кўп олtingугурт сақлаган нефт (юкори олtingугуртли нефт дейилади).

Шуни унутмаслик керакки, олтингугуртли нефт қайта ишлаганда, нефт маҳсулотларининг сифати пасаяди, асбобускуналар емирилади (коррозияга учрайди) ва атроф-мухит ифлосланади.

**356. Қайси технологик жараёнлар туфайли сув ресурслари нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши мумкин?**

Сув ресурсларининг нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши заводдаги технологик жараёнларга боғлиқ. Бундай жараёнларга қуидагилар киради.

1. Нефтни қайта ишлашга тайёрлаш жараёни.
2. Нефтни сувсизлантириш ва тузсизлантириш жараёни.
3. Нефтни ҳаво билан бирга ва ҳавосиз ҳайдаш жараёни.
4. Нефтни деструктив қайта ишлаш жараёни (яъни, крекинг, гидрогенизация, изомеризация жараёнлари).
5. Мой маҳсулотлари олиш ва уларни қўшимча моддалардан тозалаш жараёни ва ҳоказо.

**357. Аслида нефт таркибида неча фоиз сув ва неча фоиз туз бўлиши мумкин?**

**358. 1 тонна нефт маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қанча сув сарфланади?**

Одатда, нефт таркибида 2 % гача сув ва 0,5 % гача турли тузлар бўлади. Лекин заводда нефтни қайта ишлаш учун нефт таркибидаги сувнинг миқдори 0,1 % дан ва туз миқдори 0,005 % дан ошмаслиги керак.

Нефтни олиш ва уни қайта ишлашда жуда кўп сув талаб қилинади. Шуни унутмаслик керакки, ҳар 1 тонна нефт маҳсулоти учун  $30 - 40 \text{ м}^3$  сув сарфланади.

Айниқса, нефтни қайта ишлаш заводларида кимё саноатининг қўшилиши чиқинди сувлар таркибини мураккаблаштириб юборди. Натижада чиқинди сувларни

тозалаш ва заарсизлантириш катта муаммога айланиб қолди.

**359. Нефт конларининг чиқинди сувлари таркибида қайси моддалар бўлиши мумкин?**

**360. Нефтдан сувни қандай ажратиб олиш мумкин?**

Нефт конларининг чиқинди сувлари таркибида ер катламидаги сувлар бўлади. Бундай сувлар қазиб олинадиган нефт миқдорининг 10-25 % ни ташкил этади. Нефт таркибидаги сувларни ажратиб олиш учун термик ва электрокимёвий тозалаш усулларидан қўлланилади.

Бир литр сув таркибида 1200-2000 мг нефт ва 1500 мг турли заррачалардан таркиб топган енгил (яъни, нефт юзасида қалқиб турадиган) моддалар бўлиши мумкин. Чиқинди сувлар таркибида 10 дан ортиқ моддалар мавжудлиги аниқланган. Электр тузсизлантиргич курилмаларида тозаланадиган чиқинди сувларининг 1 литрида 30-40 г нефт ва 10-15 г хлорид бирикмалар бўлиши аниқланган. Нефтни қайта ишлаш корхоналари чиқинди сувларининг 1 литрида нефтдан ташқари, парафин, водород сулфид, аммиак ва меркаптан сулфид, фенол бирикмалари мавжудлиги аниқланган. Сув ҳавзаларига оқизилган чиқинди сувлар нефт пардаси билан қопланган бўлади, унинг таркибида эса нефтнинг оғир бўлакчалари сув остида чўкма ҳосил қиласи, сувдан эса керосин ҳиди келиб туради. Сув тўлқинлари шамол таъсирида нефт пардасини қирғоқка хайдаб, ҳавза атрофини ифлослантиради, ўсимликлар зарарланади, сув тубидаги нефт чўкмалари иккиламчи ифлослантирувчи манбага айланиб қолади. Айникса, дарёлардаги нефт чўкмалари сув тошқинларида ҳам йўқолмайди.

Нефт ишлаб чиқариш корхоналарининг чиқинди сувлари сув ҳавзаларини нафақат нефт маҳсулотлари билан,

балки микроорганизмлар билан ҳам ифлослантириб, сувни шүр ҳолатга келтиради. Шунинг учун бундай корхоналарнинг чиқинди сувларини тозалаш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ва сув устидан қатыйи санитария ва гигеник назоратни кучайтириш каби чоратадбирларни амалга ошириш катта иқтисодий-ижтимоий ва экологик аҳамиятга эга.

**361. Қандай қилиб нефтни тузлардан тозалаш мүмкін?**

**362. Нефтни қайта ишлаш заводида фойдаланилган сувларнинг таркибиға қараб, неча гурухларга бўлиш мүмкін?**

Заводга қайта ишлаш учун келтирилган нефтга сув қўшиб, маҳсус қурилмалар ёрдамида ювилиб, тузлардан тозаланади. Мана шу ишлатилган сув канализация орқали ташқарига оқизилади. Бундай оқова сувларнинг таркибида нефт қолдиқлари, туз, олтингугурт ва бошқа бирикмалар бўлиши мүмкін.

Тозаланган нефт ҳаво билан бирга вакуумли қайта ишлов бериш жараёнидан ўтказилади. Бунда ҳаво билан бирга сувдан ҳам ишлатилади. Натижада сув турли газ ва буғлар, ҳамда нефт қолдиқлари билан янада ифлосланади. Ҳосил бўлган оқова сувлар нефтни қайта ишлаш жараёнида, нефтни олтингугурт бирикмаларидан тозалашда ва ишлаб чиқариш қурилмаларни совутишда ишлатилади. Шунинг учун нефтни қайта ишлаш заводларида фойдаланилган сувларнинг таркибиға қараб, уларни қўйидаги 5 гурухларга бўлиш мүмкін.

**1. Нейтрал нефтли оқова сувлар.** Бу сувларнинг таркибида нефт эмулция шаклида бўлади. Ҳар 1 литр сув таркибида 5-8 г нефт ва 500-1000 мг туз бўлиши мүмкін. Бу

сувларни тозалаб, улардан заводда қайта фойдаланиш мумкин.

**2. Таркибида тузлар ва эмулция шаклидаги нефт күп бўлган оқова сувлар.** Уларнинг ҳар 1 литрида 10-20 г тузлар бўлиши мумкин. Уларнинг миқдори қайта ишланган нефтнинг таркибига боғлиқ бўлади.

**3. Олтингурутли-ишқорли оқова сувлар.** Одатда, бундай оқова сувлар нефтни қазиб олиш жаранида кўпроқ ҳосил бўлади.

**4. Нордон оқова сувлар.** Бундай оқова сувларнинг ҳар 1 литрида 1 г гача сулфат кислотаси бўлиши мумкин.

**5. Водород сульфидли оқова сувлар.** Уларнинг таркибига водород сульфид ( $H_2S$ ) дан ташқари, фенол ва аммиак ҳам бўлиши мумкин.

Нефтни қайта ишлаш заводларида кимёвий таркиби турлича бўлган оқова сувлар ҳосил бўлади. Уларнинг таркибида нефтдан ташқари, тузлар, кислоталар, ишқорлар, фенол, аммиак, водород сульфид ва бошқа аралашмалар бўлади. Улар ер ости ва ер усти сувларни ифлослантириб, хавфли экологик вазиятларни туғдириши мумкин. Масалан, нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланган ер ости сувларидан ичимлик суви сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Энг ачинарлиси, аҳоли орасида юқумли касалликлар келиб чиқмоқда. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш катта муаммога айланиб қолмоқда. Бундан ташқари, тупроқ қатламларида турли газларнинг тўпланиб қолиши портлаш, ёнгин ва заҳарланиш хавфини келтириб чиқармоқда.

Нефт маҳсулотлари билан ифлосланган сув тоғ жинслари таркибидаги микроэлементларнинг ҳаракатчанлигини оширади. Масалан, ер ости сувлари таркибидаги стронцийнинг миқдори унинг рухсат этилган чегаравий концентрациясидан ошиб кетишининг асосий

сабаби-нефтли сувлар таъсирида тог жинслари таркибидаги стронцийнинг ҳаракатчанлигини ортишидир.

Маълумки, углерод қўш оксиди гази углеводородларнинг оксидланишидан ҳосил бўлади. Қайси ҳудудда оксидланиш учун қулай шароит вужудга келса, ўша ерда бу газнинг миқдори ошиб боради. Демак, ер ости сувларининг нефт маҳсулотлари билан ифлосланишига углеводородлар, метан гази, углерод қўш оксиди ва бошқа моддаларнинг роли ниҳоятда катта бўлмоқда.

Нефт ва нефт маҳсулотлари нафақат сувларни, балки тупроқни ҳам ифлослантироға. Натижада тупроқнинг микроэлементлар таркиби, физик-кимёвий хоссалари узгариб, сув-ҳаво ҳамда оксидланиш режимлари издан чиқади. Тупроқ таркибida углерод ва азотнинг нисбати бузилиб, кислород ва фосфор етишмовчилиги келиб чиқади. Бунинг оқибатида тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари ёмонлашиб, экинларнинг ривожланиши сусаяди. Бундан ташқари, тупроқ қатлами ва ер ости сувларнинг ифлосланиши туфайли полиз маҳсулотлари таркибida инсон соғлиги учун зарарли бўлган кўпгина микроэлементлар ва нитратлар миқдорини ошишига сабаб бўлади.

### **363. Нефт маҳсулотлари билан сувнинг ифлосланишини олдини олиш учун нима қилиш керак?**

Юқорида алоҳида қўрсатиб ўтилган экологик муаммоларни ечимини топиш учун қўйидагиларни амалга ошириш юксак иқтисодий-ижтимоий ҳамда экологик аҳамиятга эга.

1. Нефтни қайта ишлаш заводларининг табиий атроф-мухитга қўрсатаётган салбий таъсир доирасини аниқлаш учун унинг ҳудудида экологик мониторингни ташкил этиш зарур.

2. Матъумки, нефтни қайта ишлаш заводида 1 тонна нефтни қайта ишлаш учун ўртacha  $0,5\text{-}1,5 \text{ м}^3$  тоза сувдан ва  $10\text{-}15 \text{ м}^3$  қайта ишлатилган оқова сувлардан қўлланилади. Агар технологик жараёнларни ва асбоб-ускуналарни ҳаво ёрдамида совутиш йўлга қўйилса, қайта ишлатилган оқова сувлардан фойдаланишини 60 % га яқин сув ресурсларини тежаш имконини бериши мумкин.

3. Нефтни қайта ишлаш заводларида тозалашиб иншоотлари ва қурилмаларидан самарали фойдаланишини йўлга қўйиш. Масалан, Фаргона нефтни қайта ишлаш заводида нефтни тутиб қолиш тизимининг биринчи навбати ишга туширилди Ушбу тизим узунилиги 3,3 км дан иборат бўлган 19 жуфт қудуқлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида ер ости сувлари таркибидан нефт маҳсулотлари ажратиб олинади. Ушбу қудуқлар бир қаторга жойлашгани туфайли имкониятлари бир-мунча чеклангандир. Шунинг учун уларни зичлигини ошириш ва бир неча қаторларга жойлаштириш иш самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

4. Нефтни қайта ишлаш заводларида ифлосланган сувларни тозалаш узоқ муддатга чўзиладиган мураккаб технологик жараёндир. Шунинг учун, авваламбор, нефт маҳсулотларини тупроқ таркибига сингиб кетишини олдини олиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга.

5. Нефт маҳсулотлари таркибидан ажратиб олинган олтингугурт таркибида бошқа микроэлементлар ҳам бўлиши мумкин. Улар нефтни қазиб олиш жараёнида тоғли жинслар хисобига қўшилиши мумкин. Олтингугурт таркибида 0,6 % гача маргимуш бўлади. Бу эса унинг рухсат этилган чегаравий концентрациясидан қарийб 10 маротаба кўпдир. Бундан ташқари, олтингугурт таркибидаги теллур ва селенининг миқдори атиги 0,01 % ни ташкил этиши мақсадга

мувофик эмас, чунки олтингугуртдан кир ювиш кукунлари ишлаб чиқаришга ва қоғозни оқартиришига құллаш имконини беролмайды. Селен ва теллурдан күнпрөк яримутказгичлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Аммо селен қоғоз ва газламаларға сарық ранг багиплайды, бу эса ҳамма вақт мақсадға мувофик бұла олмайды. Шунинг учун нефт таркибидан олтингугуртни ва унинг таркибидан бوشқа микроэлементларни ажратиб олиш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятта әга.

### **8.3. Оқова сувлардаги майда дисперсли заррачаларнинг үлчамига қараб, уларни таснифи (364, 365)**

#### **364. Оқова сувлардаги майда дисперсли заррачаларнинг үлчамига қараб, улар неча гурухларга булинади?**

Оқова сувлардаги майда дисперсли заррачаларнинг үлчамига қараб таснифлаш ғояси Украина Фанлар Академиясининг академиги Л.А.Кульский томонидан таклиф қилинган. Ушбу таснифға асосан, **оқова сувлар 4 гурухларға булинади.**

I гурух – сувда әримайдиган, үлчами  $10^{-5}$  -  $10^{-4}$  см ва ундан катта заррачаларни сақлаган оқова сувлар.

II гурух - заррачаларнинг үлчами  $10^{-9}$  -  $10^{-7}$  м ёки  $10^{-7}$  -  $10^{-5}$  см тача булған оқова сувлар.

III гурух - таркибіда әріткіш газлар ва молекуляр-эрүрвичи органик моддаларни сақлаган оқова сувлар.

IV гурух - таркибіда ионларга диссоциацияланувчы моддалар сақлаган оқова сувлар.

Ушбу таснифнинг **амалий аҳамияты шундаки**, оқова сувлардаги аралашмаларнинг фазовий дисперсион тасифи

ва улчамига қараб, уларни тозалаш усуллари танилади.

**365. Оқова сувларнинг ифлосланиш даражаси қайси кўрсаткичлар билан аниқланishi мумкин?**

Оқова сувларнинг ифлосланиш даражаси қўйидаги кўрсаткичлар билан аниқланади.

1. Сувнинг органолептик кўрсаткичлари (сувнинг таъми, мазаси, ҳиди, ранги) билан.

2. Сувнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари (оптика зичлиги, электр утказувчанилиги, ишқориийлиги, нордонлиги ( $\text{Ph}$ ), қаттиқлиги, зичлиги, сирт таранглиги, қуруқ қолдиқ (қасмоқ ҳосил қилиниши) ва бошқалар) билан.

3. Эриган органик ва анерганик моддалар аралашмасининг миқдори, кислородга бўлган кимёвий эҳтиёжи ва кислородга бўлган биокимёвий эҳтиёжи билан.

4. Сувда дағал дисперсли коллоид заррачалар аралашмасининг мавжудлиги билан.

Оқова сувларнинг таҳлил қилиш органолептик кўрсаткичлари (сувнинг таъми, мазаси, ҳиди ва ранги) ва физик-кимёвий катталикларини аниқлашдан бошланади. Сунгра, сувдаги қолдиқ аралашмаларнинг умумий миқдори оқова сувни қайнатиб буглантириш йўли билан аниқланади. Идишда ёпишиб қолган қолдиқ оқова сувида мавжуд бўлган органик модданинг борлигидан дарак беради. Кўпинча, оқова сувларни буглантирганда, анерганик моддалар ҳам учиб кетиши мумкин. Шунинг учун органик моддалар миқдори перманганатли ёки бихроматли оксидланиши йўли билан аниқланади. Ҳар иккала усуlda ҳам кислороднинг миқдори сарф булаётган оксидловчи модданинг миқдори (яъни, калий перманганати  $\text{KMnO}_4$  ёки  $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$  нинг миқдори) та эквивалент булиши керак.

## **8.4. Ишлаб чиқариш корхоналаридагы оқова сувларнинг манбалари (366 - 368)**

**366. Ишлаб чиқариш корхоналаридагы оқова сувларнинг қайси манбалари бўлиши мумкин?**

Технологик жараёнларда оқова сувларнинг қўйидаги манбалари бўлиши мумкин.

1. Кимёвий реакциялар туфайли ҳосил бўладиган оқова сувлар. Улар, одатда, дастлабки моддалар ва реакция давомида ҳосил бўладиган маҳсулотлар билан ифлосланган булади.

2. Хом - ашё ва дастлабки маҳсулотлар билан ўзаро бириккан ёки қайта ишлаш жараёнида эркин намлик хисобига ажралиб чиқадиган сувлар.

3. Қурилмалар, хом - ашё ва маҳсулотларни ювишда ҳосил бўладиган сувлар.

4. Хиралашган сувли эритмалар.

5. Сувли экстрактлар ва абсорберлар.

6. Советиш тизимида ишлатилган сувлар.

7. Бошқа турдаги оқова сувлар (масалан, вакуум - насослардан, аралашибтирувчи конденсаторлардан олинадиган сувлар, сиғимлар, жихозлар ва хоналарни ювишда ҳосил бўладиган оқова сувлар ва бошқалар).

**367. Оқова сувларнинг миқдори ва кимёвий таркиби нималарга боғлиқ бўлиши мумкин?**

Шундай алохида таъкидлаш керакки, оқова сувларнинг миқдори ва кимёвий таркиби ишлаб чиқариш турига боғлиқдир. Масалан, **1 тонна калцийланганинг сода ишлаб чиқариш жараёнида**  $8\text{-}10 \text{ m}^3$  оқова сув ҳосил бўлиб, унинг ҳар  $1 \text{ m}^3$  ҳажмида  $0,70\text{-}0,80 \text{ кг}$  калций сулфат,  $20\text{-}24 \text{ кг}$  муаллақ заррачалар,  $50\text{-}60 \text{ кг}$  натрий хлорид ва  $110\text{-}120 \text{ кг}$  калций

хлорид мавжудлиги аниқланган. Бир тонна хлорид кислота ишлаб чиқарини жараёнида  $12\text{-}13 \text{ м}^3$  оқова сув ҳосил бўлиб, унинг ҳар  $1 \text{ м}^3$  ҳажмида  $0,01 \text{ кг}$  гача хлорид кислота қолдиқлари мавжудлиги аниқланган. Бир тонна нитробензол ишлаб чиқарини жараёнида эса  $50\text{-}60 \text{ м}^3$  оқова суви ҳосил булиб, унинг ҳар  $1 \text{ м}^3$  ҳажмида  $1\text{-}2 \text{ кг}$  гача сулфат ва азот кислотлари ҳамда нитробензол қолдиқлари мавжудлиги аниқланган.

Бир тонна олигоэфирлар ишлаб чиқаришида  $2,5\text{-}5,0 \text{ м}^3$  гача оқова сувлар ва  $6\text{-}100 \text{ м}^3$  гача бүғ ёки газсимон моддалар ҳосил булади. Уларнинг таркибида этилхлорид, диэтил эфир, бензол ва метанол мавжудлиги аниқланган. Бир тонна карбамидформалдегидли ва меламиноформалдегидли олигомерлар ишлаб чиқаришда, уларнинг кимёвий таркиби, тури ва ишлаб чиқариш технологиясига қараб,  **$1,1\text{-}2,1$  тоннагача** оқова сув ҳосил булади. Оқова сувлари таркибида  **$50\%$**  гача кимё саноати учун ниҳоятда қимматбаҳо саналган спирт мавжудлиги аниқланган. Сувни ифлослантирувчи ушибу моддалар қимматбаҳо хом-ашё булиб, уларни оқова сувлар таркибидан ажратиб олиш ва улардан самарали фойдаланиш иқтисодий юксалиш гаровидир!

Оқова сувлари турли хил моддаларнинг аралашмасидан, масалан, эриган аиорганик ва органик бирикмалар, муаллақ дагал дисперсли ва коллоид аралашмалар, баъзи ҳолларда эса эриган газлар (водород сулфиид, карбонат ва бошқалар) дан иборат булиб, мураккаб системани ташкил қиласи. Оқова сувларнинг кимёвий таркиби ишлаб чиқаришнинг турлари ва уларнинг технологик жараёnlарига боялиқдир. Саноатда сув хом-ашё

сифатида, Эритувчи, реакцион мұхит, экстрагент ёки абсорбент, ташувчи агент, иситувчи ёки совутувчи (аппаратларни ёки улардаги ашёларни), турли хилдаги моддаларни ювин учун, моддаларни ҳайдаша, пульпалар ҳосил қилишда, вакуум ҳосил қилишда, жиҳозларни, идишиларни ювина да ва бопқа күп максадларда ишилатилади. Тайёр маҳсулотни олиш учун бутун технологик циклни үгінде фойдаланилған сув бошлангич, оралиқ ва охирги маҳсулотлар билан ифлосланади. Масалан, минерал үгитлар ва аиорганик моддалар ишлаб чиқариш корхоналаридаги оқова сувлар кислоталар, ишқорлар, ҳар хил тузлар (фторидлар, сульфатлар, фосфатлар, фосфитлар ва бошқалар) билан ифлосланған булади. Асосий органик синтез ишлаб чиқариш корхоналари - ёг кислоталари, ароматик бирикмалар, спиртлар, алдегидлар билан; нефтни қайта ишлаш заводларининг сувлари - нефт маҳсулотлари, ёғлар, қатронлар, феноллар, сирт - фаол моддалар билан; сұнъий тола, полимер, ҳар хил синтетик қатронлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг оқова сувлари - мономерлар, юқори молекулали моддалар, полимер заррачалари ва бошқалар билан ифлосланған булади.

Кейинги вақтларда қишлоқ ҳұжалигидан чиқувчи ва сувга келиб қүшилувчи чиқиндиларнинг ҳажми анча күпайды. Масалан, чорвачилик, паррандачилик, қишлоқ ҳұжалиги маҳсулотлари, үгитлар ва пестицидлар ишлаб чиқарувчи корхоналардан чиқувчи оқова сувлар зовурларға оқизилади.

Қуниңча оқова сувлар таркибида ёкимсиз утқир ҳидға зәға моддалар булади (сульфиidlар, дисульфиidlар, водорол сульфид ва бопқалар), баъзан эса кимёвий корхоналарнинг

турларига қараб, ранги чиқинди сувлар оқади. Оқова сувларнинг күникланиши таркибида сирт-фаол моддаларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Оқова сувларнинг заарали даражаси қўшилма моддаларнинг заҳарли хусусияти ва таркибига ботлиқ. Оғир металларнинг тузлари, цианиidlар, феноллар, водород сулфид, канцероген моддалар ва қатор бошқа шу каби жинслар оқова сувларнинг юқори даражада заҳарланишига олиб келади.

Оқова сувларнинг наст ёки юқори водород кўрсаткичи ( $\text{Ph}$ ), яъни ишқорий ёки кислотали булиши қувур материалларига, канализация коллекторларига ва тозаловчи иншоотларнинг апаратларига нисбатан тажовузкор (агрессив) ҳисобланади. Булардан ташқари, чиқинди сувларда полимерланиши хусусиятига эга бўлган ҳар хил муаллақ турувчи модда ва бирикмаларнинг кўп миқдорда булини, сув қувурлари ва коллекторларининг қасмоқланишига ва тиқилишига олиб келади.

### **368. Реакцион ва совутувчи сувлар деб нимага айтилади?**

Оқова сувларни самарали тозалаш усулини танлаш учун улар турларга булинади.

Оқова сувларни бир неча турларга булиш мумкин. Масалан, технологик жараёнда ҳосил бўлган оқова сувлар ва уларнинг турларига, сувга қўшилган аралашмаларниң фазовий-дисперс таркибига, ифлосланиш даражасига, сув ҳавзаларига кўрсатилиши мумкин бўлган таъсирига қараб, оқова сувлар турларга булинади.

Технологик жараёнларда пайдо буладиган оқова сувларни **2 гурұхға** ажратиш мүмкін.

**1. Реакцион сувлар.** Турли кимёвий реакциялар давомида ҳосил буладиган сувларга, реакцион сувлар леб атала迪. Улар бошланғич моддалар билан ҳам, охиригі маҳсулотлар билан ҳам, ифлосланган булади. Бу гурұхға **қуидегі сувлар** киради: хом-ашё ва маҳсулотлар таркибидегі сувлар; технологик қайта ишилаш жараёнида ҳар хил моддалар билан ифлосланған сувлар; технологик жараёнларда ишилатиладиган хом-ашё ва тайёр маҳсулотларни ювишда ҳосил буладиган сувлар; сувли мұхитда маҳсулотларни олиш ёки қайта ишилаш жараёнида ҳосил буладиган **бошланғич** сувли әритмалар (масалан, стиролни сувли мұхитда суспензион полимерланиш натижасыда стирол, полимер заррачалари, суспензиялар, барқарорлаштирувчи моддалар, бұяттычлар ва бошқа бирикмалар билан ифлосланған оқова сувлар ҳосил булади; сувдан абсорбент ёки экстрагент сифатыда фойдаланғанда, абсорбцион суюқликлар ва сувли экстрактлар ҳосил булади; учувчан газларни намлаш йули билан тозалашда катта микрорда абсорбцион суюқликлар ҳосил булади).

**2. Совутувчи сувлар** - Саноат корхоналарида асбоб-ускуналар ва жиһозларни, шунингдек, маҳсулотларни совутиңда ишилатиладиган сувларга, совутувчи сувлар леб аталади. Технологик маҳсулотлар билан құшилмаган сувлар, одатда, айланма сув таъминоти (берк система) системасыда фойдаланылади.

Бошқа оқова сувлар (чиқариб ташланған сувли әритмалар, бугларни конденсатлашда, жиһозлар ва илішларни ювишда ҳосил буладиган сувлар).

## **IX-БОБ. ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ**

### **9.1. Оқова сувларни майда дисперсли ва коллоид заррачалардан тозалаш усуллари (369-371)**

**369. Сувнинг ифлосланиши деб нимага айтилади  
ва у қайси йўллар билан ифлосланиши мумкин?**

Сувнинг ифлосланиши деганда, табиий ва сунъий йуллар билан турли кимёвий ва минералогик таркибга эга булган моддаларнинг сувга қушилиши, унинг кимёвий таркибини, органолептик курсаткичлари (сувнинг таъми, мазаси, ҳиди, ранги (тиниқлиги)) ни ва физик-кимёвий хоссалари (сувнинг қаттиқлиги, водород курсатчили, шурланганилиги, зичлиги, сирт таранглиги, электр ўтказувчанилиги) нинг ўзгариши тушунилади.

Сув табиий ва сунъий йуллар билан ифлосланиши мумкин. Сувнинг шамол, ёғингарчиликлар, зилзила, турли кимёвий ва минералогик таркибга эга булган чаңглар, газлар, ўсимликлар ва ҳайвонот қолдиқлари, сув тошқинлари туфайли келиб қўшиладиган турли жинслар билан ифлосланишига, унинг табиий ифлосланиши деб айтилади. Бу ҳодиса табиий ҳолда кечади ва у инсон фаолиятига боғлиқ эмас.

Сувнинг сунъий ифлосланиши деганда, унинг ишлаб чиқарини чиқиндилари, турли кимёвий ва минералогик таркибга эга бўлган ранглар, тузлар, ишқор ва кислоталар, нефт маҳсулотлари, саноат чаңглари, бут ва бошқа моддалар билан ифлосланиши тушунилади. Умуман олганда, сувнинг сунъий ифлосланиши инсон фаолияти билан чамбарчас

боғлиқдир. Ҳозирги пайтда сувнинг сунъий ифлосланишии унинг табиий ифлосланишидан устунлик қылмоқда.

### 370. Қайси мақсадларни кўзлаб, оқова сувлари тозаланади?

Қуйидаги 3 та асосий мақсадларни кўзлаб, оқова сувлари тозаланади.

1. Сувни тежаш ва сув билан боғлиқ келиб чиқадиган турли касалликларни олдини олиш учун. Бошқача айтганда, сув таркибидаги заарали моддаларнинг миқдори уларнинг руҳсат этилган чегаравий концентрацияси (РЭЧК) дан ошиб кетмаслигини таъминлаш учун.

2. Оқова сувлари таркибидан қимматбахо хом-ашёларни ажратиб олиш учун.

3. Техника ва технологик жараёнларга салбий таъсир кўрсатувчи, асбоб-ускуналар ва қурилмаларнинг бузилишини тезлаштирувчи тажовузкор моддаларни оқова сувлар таркибидан ажратиб олиш учун.

Ерниг турли қатламларидан йилига 100 млрд тоинадан зиёдроқ фойдали қазилмалар қазиб олинади, 800 млрд тоинна турли металлар эритиб олинади, 60 млн тоинадан зиёдроқ табиатда олдин учрамаган синтетик материаллар ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарини технологик жараёнлари эса сувсиз кечмайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳасида йилига 500 млн тонна турли минерал ўғитлар ва 3 млн тонна заҳарли химикатлардан қўлланилади. Бу эса ер ости сувларнинг кимёвий таркиби ва сифатини кескин ўзгартирлиб юборади. Дарё сувларидан 13 % қўлланилади ва сув ҳавзаларига 700 млрд м<sup>3</sup> саноат ва уй - рўзгор оқова сувлари оқизилади. Океанларга эса йилига 17,4 млрд тоинна қатиқ чиқинидилар ташланади. Дунё океани нефт ва нефт маҳсулотлари билан

ифлосланиб, умумий майдонининг 1/5 қисмини ташкид этади. Бир тонна нефт 12 км<sup>2</sup> сув майдонини юпқа нефт пардаси билан қоплады, натижада 1 млн тоннагача сув ифлосланади. Ҳосил бўлган юпқа нефт пардаси балиқ уруғларини, турли микроорганизмларини ривожланишига кучли салбий таъсир кўрсатади, фитопланктоналардан кислородни ажралиб чиқинини ва фотосинтез жараёнларини буткул издан чиқариб юборади.

### **371. Саноат корхоналарида оқова сувларни қайси усуllibарда тозалаш мумкин?**

Саноат корхоналарида оқова сувларни тозалаш учун қуйидаги тозалаш усуllibардан кепт қулланилади.

1. Механик тозалаш усулида.
2. Физик-кимёвий тозалаш усулида.
3. Кимёвий тозалаш усулида.
4. Биокимёвий тозалаш усулида.
5. Иссиқлик таъсирида тозалаш усулида.

### **9.2. Оқова сувларни механик тозалаш усули (372,373)**

**372. Оқова сувларни механик тозалаш усулидан қачон фойдаланиш мумкин ва бу усулга қайси тозалаш усуllibарини киритиш мумкин?**

**373. Оқова сувларни механик тозалаш усуllibарининг асосий камчилиги нима?**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оқова сувларни **механик тозалаш усулига** сувни сизиш, қушимча моддаларни чўқтириш, муаллақ моддаларни четлаштириш, оқова сувини фильтраш, сув таркибидан муаллақ заррачаларни марказдан қочма кучлар таъсирида четлаштириш каби усуllibар киради.

**Оқова сувларни механик усулда тозалаш –** бу тозалашнинг биринчи босқичи булиб, оқова сувлари органик ва аиорганик моддалардан тозалаланади. Майний хизмат ва коммунал хўжалигидағи чиқиндилар, хусусан лойка чўқмалар маҳаллий ўғит сифатида қишлоқ хўжалигида қўлланилади. Саноат корхоналари чиқиндилари қўшимча хом-ашё сифатида ишлатилади.

Оқова сувларни тозалаш учун сузгич темир сим панжарадан фойдаланилади. Тўрнинг кенглиги **15-20 мм** ни ташкил этганда, сувни тозалаш унумдорлиги суткасида **0,1 м<sup>3</sup>** га teng булиши мумкин. Темир панжара ва тўр билан ушилаб қолинган аралашмалар маҳсус майдалагич ёрдамида майдаланади ва сув тозалаш иншоотига қайтарилади. Агар оқова сувдаги муаллақ моддаларнинг ўлчами **0,25 мм** ни ташкил этса, унда сувни тозалаш даражаси **15-20 %** ни ташкил этиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оқова сувларни механик усулда тозалашга сувларни тиндириш ва сувдаги қалқиб турувчи ўлчами катта бўлған органик ва аиорганик моддалар (масалан, ёғоч, латта, пластмасса ва бошқа материаллар) ни ажратиб олини усуллари киради. Аммо тиндириш ва чуктириш усуллари сув устида қалқиб турувчи зичлиги кичик моддаларни сувдан ажратиб олгандан кейин қўлланилади. Фильтр сифатида шағал, қум, мармар парчалари, қўмир ва бошқа материаллардан қўлланилади.

Шуни унугтаслик керакки, оқова сувларни механик тозалаш усулларининг **асосий камчилиги** шундаки, бу усуллар билан ўлчами кичик заррачаларни ушилаб қолини қийин. Бундан ташқари, бу усулда сувни тозалаш даражаси нихоятда кичик.

### **9.3. Оқова сувларни құм ушлагичлар ва ёғ ушлагичлар ёрдамида тозалаш усуллари (374-382)**

**374. Тиндиригичлар тузилишига қараб, неча хил  
бұлади ва улардан қаңон фойдаланиш мүмкін?**

**375. Құм ушлагичлар ёрдамида оқова сувларни  
нече % га тозалаш мүмкін?**

**376. Ётиқ ва тик тиндиригичларда сув оқимининг  
тезлиги  
қанча бұлиши мүмкін?**

**377. Тиндиригичларда сувни тиндириш давомийлиги  
(вақти) неча соат давом этиши мүмкін?**


**378. Чүкма нима ва унинг таркибида нималар  
бұлиши мүмкін?**

Маълумки, оқова сувлари таркибида түрли органик ва анерганик моддалар бұлиши мүмкін. Агар ушбу моддаларнинг зичлиги сувнинг зичлигига тенг ёки ундан кичик бұлса, сувга құшилған модда сувда муаллақ ҳолатда туради. Бу эса сув оқимининг тезлигига боғлиқ бұлади. Шунинг учун водопровод тизимида сувдаги моддаларни чүктириш учун тиндиригичлардан құлланилади.


Тиндиригичлар тузилишига қараб, горизонтал (ётиқ) ва вертикаль (тик) турларға бұлинади. Уларда сув оқимининг тезлигини  $1 \text{ м}/\text{с}$  дан бир неча  $\text{мм}/\text{с}$  гача пасайтириш мүмкін. Бу эса сувдаги муаллақ моддаларни чүктиришини таъминлайди.

Ётиқ (горизонтал) тиндиригичларда сув оқимининг тезлиги кескін пасайиб, қарама-қарши томонға секін ҳаракатланади (9.1-расм). Сув жүналишига құйылған түсікілар унинг тезлигини янада пасайтиради. Ётиқ тиндиригичларда моддалар 2 та бир-бирига тескари күчлар таъсирида муаллақ ҳолатда туради. У тиндиригич тубига

шүкиши мүмкін ёки сув оқими билан ундаң чиқиб кетиши мүмкін. Бу эса, үз навбатида, иккита тезликкін үзаро нисбатига бояғылған бұлади.



9.1-расм. Ётиқ (горизонтал) тиңдиргіч: 1-окіова сув кирадиган йұлак; 2-сувні тиңдіриш камерасы; 3-тозаланған сув чиқадиган йұлак; 4-чукма йигілалыған конуссимон камера.



9.2-расм. Тиқ (вертикаль) тиңдиргіч: 1-цилиндр қисми; 2-марказий құвур; 3-желоб; 4-конуссимон қисм.

**Тик (вертикал) тиндиригичлар** (9.2-расм) турт бурчаклы, цилиндрсімөн, коцуссімөн, тұнкарилған пирамида шақлида булиб, сув марказий құвурдан маълум тезлик билан киради,  $180^{\circ}$  га бурилиб, пастта түшади (құм заррачалари чукади), кейин юқорига қараб секін ҳаракатланади. Тиндирилған сув эса айланма новлар орқали пастта тушиб, фильтранади. Бунда сувнинг оғирлик кучи ва уннинг ҳаракатланишин туфайли пайдо буладын күчлар заррачаларга қарама-қаршы йұналиша таъсир күрсатади. Шунинг учун тиндиригичлар самарали ишләпши учун сув оқимининг тезлиги иложи борича кичик булиши шарт.

Шуни унутмаслик керакки, ётиқ тиндиригичларда сув оқимининг тезлиги **2-4 м/с**, тик тиндиригичларда эса **1 мм/с** ни тапкыл этади. Тиндиригичларда сувни тиндириши давомийлігі (вақты) **4-8 соатни** тапкыл этади.

**Оқова сувларни тиндиришдан мақсад** - сувдаги муаллақ моддаларни ушлаб қолиш ва чукма ҳосил қилишідан иборат. **Чукма** - бу оқова сувидан тиндириш йүли билан ажратыб олинадын, таркибида **95-97 %** сув ушлайдын ва **70-90 %** органик моддалардан таркиб топған лойқа (куйкүм) дір.

**379. Құм ушлагиң мосламадан үтәётгап оқова сувнинг тезлиги неча м/с ни ташкил этиши керак?**

**380. Құм ушлагиңдан оқова суви неча дақиқага үтиши мүмкін?**

**381. Тиндиригичлар неча хил булиши мүмкін?**

**382. Тиндиригичнинг чуқурлігі ва эни (кенглігі) неча м ни ташкил этади ва сувнинг тиндириш вақты неча соат давом этиши мүмкін?**

Шуни алохіда эслатыб үтиш керакки, құм ушлагиң иншоотида сувдаги оғир моддалар, оғир металл заррачалары ва бошқа аралашмалар чұқа бошлайды. **Құм ушлагиң асосан тиндиригич булиб**, сувдаги оғир заррачаларни

чүктириш ва органик моддалардан ярим чүкма хосил килювчи иниоотдири.

Күм ушлагич мосламадан утаёттап оқова сувнин тезлиги 0,15 м/с дан кичик ва 0,3 м/с дан катта бўлмаслиги керак. Оқова сувнинг күм ушлагичдан утиши вақти (давомийлиги) 2,0-2,5 дақиқани ташкил этади. Күм ушлагич остида чўккан күм, гил ва органик моддалардан мишиерал ўғит сифатида кенг қулланилади.


Күм ушлагичлар ёрдамида **сувни 65% гача тозалаб** олиш мумкин. Сувдаги күм маҳсус мосламалар ёрдамида күм ушлагич (бункер) га түпланиб олинади ва хосил булган чўкма **2 суткада бир маротаба** күм ушлагичдан тозалаб олинади.

Чиқинди сув тиндиригичлари **2 гурухга** булинади.

1. Фақатгина муаллақ моддаларни тиндиришга мўлжалланган тиндиригичлар.

2. Муаллақ моддаларни ушлалашга ва чўкмаларни қайта ишланига мўлжалланган тиндиригичлар (9.4-расм, 9.5-расм).

Тиндиригичларнинг **1-гурухига** ётиқ (9.1-расм), тик (9.2-расм), радиал (9.3-расм) тиндиригичлар киради. Уларнинг ишланиши принципи сув оқими тезлигини пасайтириш ва муаллақ моддаларни чўктиришнага асосланган.




9.3-расм. Радиал тиндиригич: 1-корпус; 2-кувур; 3-сув тақсимланувчи курилма; 4-сувни тинчлантирувчи камера; 5-куракли механизм.


Етиң тиндергичларнинг таги қия бўлиб, бир томони чуқурроқ қилиб ясалган. Бунда сувдаги моддалар чуқур томонга йигилади ва сув ҳаракатланадаётганда лойқаланмайди. Тиндергичнинг чуқурлиги 1,5-2,0 м ни ташкил этишин мумкин. Сув оқимининг тезлиги 7 мм/с га teng бўлиши мумкин.

Тик тиндергичлар таги конуссимон цилиндрлар бўлиб, чиқинди сувлар марказий қайтиргичи қувурдан кириб, тиндергични тўлдиради. **Қайтаргичларнинг асосий вазифаси** - сув оқими тезлигини пасайтириш ва сувни тиндергич кенглиги бўйича тақсимлаб беришдан иборат. Натижада сув оқимининг тезлиги 0,7 мм/с га тенглашади. Тиндергичнинг чуқурлиги 7-9 м, эни 10 м ва сувнини тиндириш давомийлиги (вақти) 1,5 соатга тенг бўлиши мумкин.

Чўкмалар қувур орқали чиқарилади. Қувур эса тиндергич тагига ўрнатилган бўлиб, насос ёки сув босими таъсирида тортиб олинади, чўкма эса қувурлар ёрдамида метантенк иншоотига юборилади.



9.4-расм. Қувурли тиндергич.



9.5-расм. Пластиналари кия ўрнатилган тиндиригич: 1-корпус; 2-кия ўрнатилган пластиналар; 3-чўкмайигитчалар.

#### 9.4. Оқова сувларни физик-кимёвий тозалаш усули (383-397)

**383. Оқова сувларни физик-кимёвий тозалаш усулига қайси усуllар киради?**

Оқова сувларни **физик-кимёвий тозалаш усулига** қуйидаги усуllар киради: коагуляция усули, флокуляция усули, флотация усули, адсорбция, ион алмашинин оркали туз ионларини сувдан ажратиб олиш усули, электродиализ усули, экстракция, тескари осмос ва ультрафильтраш, десорбция, дезодарация, дегазация ва **электрокимёвий усуllар**.

Ушбу тозалаш усуllари фазалар чегарасидаги ходисалар, молекулалараро татьсирланишилар, заррачаларнинг электр майдонида ҳаракатланишини каби ходисаларга асосланган. Физик-кимёвий тозалаш усуllари алоҳида ёки механик, кимёвий ва биологик тозалаш усуllари билан биргаликда қўлланилиши мумкин.

384. Оқова сувларни коагуляция усулида  
қандай тозалаш мүмкін?
385. Флокулянт деб нимага айтилади?
386. Флокуляция деб нимага айтилади?
387. Коагуляция усулида оқова сувларни  
нече фоизга тозалаш мүмкін?
388. 1 м<sup>3</sup> оқова сувини коагуляциялаш усулида  
тозалаш учун қанча электр энергияси сарфланиши  
мүмкін?

Күнгина ҳолатларда ишлаб чиқариш оқова сувлари коллоид заррачаларининг үлчами 0,001-0,1 мкм ни тапкил этган эмулсия ва суспензиялардан иборат бўлади. Ушбу заррачалар ионларининг сувли эритмасидан ютилганда зарядга эга буладилар. Уларниг заряди ўзаро ёпишиб колишига тусик булади. Коллоид эритмага электролитлар-коагулянтлардан кўшганда, заряд кичиклашади ва заррачалар уларга ёпишиб қолади. Натижада заррачалар катталашиб, оғирлик кучлари таъсирида чука бошлайди. Бу ҳодисага, **коагуляция** дейилади.

Ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаш учун турли минерал коагулянтлардан, масалан, алюминий, темир, магний тузлари, оҳак, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган эритмалардан қулланилади. Бундан ташқари, коагулянтлар сифатида шундай полимер эритмалари ишлатилиши мүмкинки, уларниг молекулалари қутбланган функционал гурухлар (масалан, -OH, -SO<sub>3</sub>H, -NH<sub>2</sub> гурухлар) дан тапкил тоғандир. Уларни **флокулянтлар**, тозалаш усулига эса **флокуляция** дейилади.

Оқова сувларини алюминий ёки темирдан ясалган анодлии электролизердан утказиб, узгармас ток таъсирида коагуляцияни амалга ошириш мүмкін. Натижада анод материалы ток таъсирида оқова сувига утиб, қийин эрийдиган алюминий ёки темир гидроксидларини ҳосил

килиб, улар оқова сувидаги заррачаларни коагуляция киладилар.

Шунин ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, таркибида ёғмой, нефт махсулотлари, хроматлар ва фосфатлар сақлаган оқова сувларни тозалашга электрокимёвий қогуляциялаш усулидан қулланилади. Ушбу усулда оқова сувини 99 % гача тозалаш мумкин. Аммо 1 м<sup>3</sup> оқова сувини тозалаш учун 0,4-0,5 кВт•соат электр энергияси сарфланади.

### 389. Сувда эриган органик моддаларни сорбция усулида қандай тозалаш мумкин?

Сувда эриган органик моддаларни сорбцион ютилиш усули газ фазадан адсорбцияланып усулидан деярли фарқ қилмайди. Аммо бу усулда эритилган модда сув молекулалари билан ўзаро таъсиirlаниб, гидратация (сувланиш) ни вужудга келтиради ва у адсорбцияни қийинлаштиради. Шунинг учун агар оқова сувлари таркибида ҳидли (ароматик) бирикмалар, нозлектролитлар, бүёклар, түйинмаган бирикмалар ёки таркибида хлор ва нитрогурухлар сақлаган ҳулланмас (гидрофоб) алифагик бирикмалар мавжуд булса, сорбция (ютилиш) усулидан қулланилади. Аммо оқова сувлари таркибида анорганик бирикмалар, бир атомли спиртлар мавжуд булса, унда сорбция усули самара беролмайди.

Сорбцион ютилиш усули кимё ва нефт саноатидаги оқова сувларни самарали ва эң чуқур тозалаш усулларидан хисобланади. Уни алоҳида ва биологик тозалаш усули билан биргаликда дастлабки ва чуқур тозалаш усули сифатида қулланилади. Ушбу усул эритилган қимматбаҳо моддаларни оқова сувлардан ажратиб олиш имконини беради ва тозаланган сув қайтарма сув таъминотида қулланилади. Сорбентлар (ютувчи моддалар) сифатида табиий ва сунъий

говак материаллардан, фаоллаштирилган күмирдан кептірілгенде (9.1 -жадвал).

### 9.1-жадвал.

#### Фаоллаштирилган күмирнинг тұқма массаси ва тұла сиғими


Күми р турлари	Күмирни ңг тұқма массаси, кг/м <sup>3</sup>	Күмир нинг тұла сиғими, см <sup>3</sup> /100г
АГ-2	600	60
БАУ	260	150
АР-3	550	70
КАД- иодат	380	100
СКТ	420	98

Жадвалдаги натижалардан асосий хulosса шуки, фаоллаштирилган күмирнинг тұқма массаси кичик бұлса, уннинг тұла сиғими шунчалик кетта булади. Эриган моддаларни сорбция усулида ютиб олиниши оддий тузилишга эга бўлган сиздирувчи фильтр саналади. У қўзғалмас сорбент (ютувчи) қатламли колоннадан иборат бўлиб, у орқали оқова суви фильтранади. Сорбент доналарининг ўлчами **1,5-5,0** мм ни ташкил этиши мумкин. Фильтраш тезлиги оқова сувидаги эриган модданинг концентрациясига боғлиқ булиб, **1-6** м<sup>3</sup>/соат ни ташкил этиши мумкин. Фильтрда ютилган моддалар кимёвий моддалар ва буғ ёрдамида фильтрдан четлаштирилади. Айнан мана шу йўл билан фильтрнинг дастлабки хоссалари қайта тикланади (у регенерация килинади).


### 390. Флотация усулида оқова сувларни қандай тозалаш мүмкін?

Бу усул оқова сувлардан қаттық заррачаларни ёки суюқлик томчиларини сувдан ажратыб олиш усули бўлиб, уларнинг турли хўлланувчанлигига ва фазаларо қатламда гўпанишига асослангандир. Сувни тозалаш жараёни заррачалар-пуфакчаларнинг ҳосил бўлиши, уларни сув юзасида чиқиши ва сув юзасидан кўпик қатламини олиб ташлашдан иборатdir.

9.6 – расмда ҳаво пуфакчасининг сувдаги муаллақ заррачага ёпишиши курсатилган. Ёпишиш кучи чекка хўллаш бурчаги та боғлиқ бўлади. Бу бурчак қанча катта бўлса, ёпишиш кучи шунчалик катта бўлади.



9.6-расм. Оқова суви таркибидаги ҳаво пуфакчаси (1) нинг муаллақ заррача (2) та ёпишиш схемаси.



9.7 - расм. Флотацион курилманинг кўриниши: 1-насос; 2-босимли бак; 3- кўпик йиғувчи механизм; 4 – кўпик йигғиҷ; 5-флотацион камера.

Флотация курилмасининг кўриниши 9.7-расмда кўрсатилган. Оқова сувлари насос (1) ёрдамида босимли бакка (2) берилади. Насоснинг трубопроводида ҳаво бериладиган патрубка мавжуд. Ҳаво билан тўйинган оқова сув босимли бақдан флотацион камерага (5) тушади. Бу ерда ҳаво пуфакчалари муаллақ заррачалар билан бирга сув юзига чиқади. Уни маҳсус (3) механизм билан йигиб кўпик йигғиҷ (4) га юборилади.

Флотация усулида оқова сув таркибидағи сирт фаол моддалар, нефт, мой ва толали материаллар ажратиб олинади. Бу усул нисбатан самарали ва қуай тозалаш усули хисобланади.

### 391. Ион алмашинув усулида оқова сувларни қандай тозалаш мумкин?

392.Ион алмашинув усулидан қачон фойдаланиш мумкин?

393. Ион алмашинув усулининг афзаллиги нимада?

394. Ионитларнинг афзаллиги нимада?

395.Ионитни юклама қатламининг баландлиги неча метрни ташкил этиши мумкин?

Оқова сувлар таркибидан металларни (масалан, курғошин, мис, рух, никел, хром, марганец, кадмий, ванадий ва бошқа металларни), шунингдек маргимуш, фосфор, цианинт бирикмаларини ва радиоактив моддаларни ажратиб олинада ион алмашинув усулидан кенг қулланилади. Бу усулда оқова сувлари ниҳоятда юқори даражада тозалаш мумкин ва, энг мухими, қиматбаҳо моддаларни оқова сув таркибидан ажратиб олиш мумкин. Бундан ташқари, сув таъминотида сувларни тузсизлантиришда бу усулдан кенг қулланилади.

**Бу усулининг моҳияти** - қаттиқ фазадаги ионлар эритмадаги ионлар билан узаро таъсиrlаниш жараёнида ион алмашинишидан иборат. Қаттиқ фазани ташкил этувчи ва сувга эримайдиган моддаларга, ионитлар деб аталади. Электролитлар эритмасидан мусбат ионларни ютиб оловчи ионитларга, катионитлар, манфий ионларни ютиб оловчи ионитларга, анионитлар деб аталади. Мусбат ионлар **кислоталик** хоссаларга, манфий ионлар эса **асос** хоссаларга эга. Агар ионитлар ҳам мусбат ва ҳам манфий ионларни алмаштириша, уларга **амфотер ионитлар** деб аталади.

Ионитларнинг ютиб олиш хусусиятлари уларнинг алмашини ҳажми орқали тавсифланади. Алмашини ҳажми деганда, ионитнинг масса ёки ҳажми бирлигига ютиб олинган эквивалент ион сонлари (миқдори) тушунилади.

Ионитлар табиатига қараб, 2 хил булишлари мумкин. **Анорганик (минерал) ионитлар** ва **органик ионитлар**. Улар табиий моддалар ёки сунъий, яъни синтез қилиш ўюли билан олинадиган ионитлар булишлари мумкин.

Табиий анорганик ионитлар грухига цеолитлар, минерал қумлар, майдонли шпатлар, турли слюдалар ва бошқалар киради. Уларнинг катион алмашин хоссалари таркибидағи алюмосиликатлар миқдорига (яъни  $\text{Na}_2\text{O} \cdot \text{Al}_2\text{O}_3 \cdot n\text{SiO}_2 \cdot m\text{H}_2\text{O}$  нинг миқдорига) боғлик булади. Ион

алмашиш хоссаларига фторапатит  $[\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3] \text{F}$  ва гидроксидапатит  $[\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3]\text{OH}$  эга.

Анорганик синтетик ионитлар гурухига силикагеллар, таркибида алюминий ва кремний сақлаган бирикмаларнинг суюқлантириш йули билан олинадиган пермутитлар, батзи бир металларнинг (масалан, цирконий, алюминий, хром ва бошқа металларнинг) қийин эрийдиган оксидлари ва гидроксиллари киради. Улар катион алмашиш хусусиятига эга. Масалан, сликагелнинг катион алмашиш хусусияти гидроксид гурухлардаги водород ионларини ишқорий мухитдаги метал катионларига алмаштиришга боғлиқ.

Табиий органик ионитлар гурухига тупроқ ва күмирларнинг гумин кислоталари киради. Улар кучсиз кислоталик хоссаларига эга.

Органик сунъий ионитлар гурухига юзалари ривожланган ионалмашувчи қатронлар киради. Улар оқова сувларни тозалашига кенг қўлланиб келиняпти.

Органик сунъий ионитлар юқори молекуляр бирикмалар булиб, углеводород радикаллари фазовий тўр ҳосил қиласи ва тўрда ион алмашувчи функционал гурухларни сақлайди. Фазовий углеводород тўр (каркас) матрица деб аталади, алмашувчи ионлар-қаршиионлар деб аталади. Ҳар бир қаршиион тескари зарядланган ионлар билан бириктирилган булиб, уларга анкер ионлар деб аталади. Полимер углеводород занжирлари матрицанинг асосини ташкил этади кундаланг боялар билан узаро боғланган. Улар каркас мустаҳкамлигини оширади.

Ионитни қисқа тасвирилаш учун матрицани R билан, фаол гурух эса тулиқ ёзилади. Масалан, сулфокатионитлар қуидагича ёзилади:  $\text{RSO}_3\text{H}$ , бу ерда R-матрицани, H қаршиионни, SO<sub>3</sub>-анкер ионни ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ионитлар сополимерланини ёки сополиконденсатланини ёрдамида синтез қилиши йўли билан олинади.

Ионитлар катионитлар ва анионитларга булинади. Катионитларда катионлар, анионитларда анионлар алмашини юз беради.



9.2-жадвалда ионитларнинг тавсифномалари келтирилган.

### 9.2-жадвал

#### Ионитларнинг тавсифномалари

Ионитлар	Доналар нинг ўлчами, мм	Алмаси ш сиғими, г- экв/м <sup>2</sup>	Анион бўйича
Катионита р: Сулфокуми р СМ-1 КУ-1 КУ-2 Анионитлар	0,3- 0,8 0,3- 1,5 0,3- 1,0	400 300 800 -	-
АНИ-2ФН	0,3-	700	1000
АН-18-8	1,6	800	
АВ-17-8	0,3- 1,6 0,2- 0,8		

Ионитлар кукуш шаклида, гранула (донадор), толали материал, плиткалар ва варақа шакларида ишлаб чиқарилиши мумкин. Кукунларининг ўлчами **0,04-0,07** мм, доналарининг ўлчами **0,3-2,0** мм ни ташкил этиши мумкин. Йирик донали ионитлар филтрларда қўлланилади, уларнинг қатламининг қалинилиги **1-3** метрни, кукусимон ионитларниң қатлами **3-10** мм ни ташкил этиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидланиш керакки, ионитлар сувда эримайди, аммо сувни шимиб олиб бўкиши мумкин. Бўкин жараёнида микровакларнинг ўлчами **0,5-1,0** нм (**5-10**  $\text{A}^0$ ) дан **4** нм (**40**  $\text{A}^0$ ) гача кенгайиши мумкин. Микровакларнинг ўлчами **70-130** нм (**700-1300**  $\text{A}^0$ ) ташкил этиши мумкин.


Кучли бўкувчи қатронларга, **тэлсимон қатронлар** деб аталади. Уларнинг солиштирма алмасиши юзалари **0,1-0,2**  $\text{m}^2/\text{г}$  га teng булиши мумкин. Макроовакли ионитларниң солиштирма алмасиши юзалари **60-80**  $\text{m}^2/\text{г}$  га teng булиши мумкин. Синтетик ионитлар табиий ионитларга нисбатан сувда кўпроқ бўкади ва катта алмасиши сифимиға эга. Синтетик катионларнинг ишлатиш муҳлати анионитларга нисбатан катта булади.

Ионитларниң **афзаллиги шундаки**, ион алмасиниши реакциялари қайтувчандир. Яъни, ионитта “урнатилган” ионларни тескари реакция билан “олиб ташлаш” мумкин. Бунинг учун катионит кислоталар эритмаси билан, анионит эса ишқор эритмаси билан ювилади. Ушбу усуlda ионитлар қайта тикланади (регенерация қилинади).

Оқова сувларни ион алмасиниши йули билан тозалани учун узлуксиз ёки даврий ишлайдиган филтрлардан қулланилади (9.8-расм).

Ионитни юклама қатламининг **баландлиги 1,5-2,5** м ни ташкил этиади. Даврий ишлайдиган филтрлар ёпик цилиндрсизмон резервуардан иборат бўлиб, тагида сувни бир

текис филтрга берувчи тиркишли дренаж (сизот, сиздириши) курилма мавжуд.




9.8-расм. Даврий ишлайдиган ион алмашиниши қурилмасининг қуриниши: 1-ионит; 2-тикланадиган эритмани тақсимлагич; 3-тикланадиган эритма баки; 4-насос; 5-тайинч панжара; 6-шагал.

396. Электродиализ усулида оқова сувларни қандай тозалаш мумкин?

397. Сув таркибида тузларнинг мақбул концентрацияси неча г/л ни ташкил этганда, электродиализатордан фойдаланиш яхши самара бериши мумкин?

Электродиализ – ион алмашиниши усулларининг бир туридир. Электр юритувчи куч таъсирида мембраннынг ҳар иккала томонидати эритма ионларни ажратиш усулига, электродиализ деб аталади.

Ажратиш жараёни электродиализаторда узгармас электр токи таъсирида амалга оширилади. Электродиализатор (9.9-расм) катионит (К) ва анионит (А) мембраналари билан ажратилган.



9.9 - расм. Электродиализаторнинг кўриниши: А-анионитлар; К-катионитлар; Айлана ичидағи рақамлар камера рақамларини ифодалайди.

Ўзгармас ток таъсирида катионлар катод томон ҳаракатланиб, катионит мембранныдан ўтадилар, уларни анионит мембрана ушлаб қолади. Анионлар эса анод томон ҳаракатланиб, анионит мембранныдан ўтадилар, уларни катионит мембрана ушлаб қолади. Натижада ҳар иккала мусбат ва манфиий зарядланган ионлар, масалан, жуфт рақамли камералардан бошқа камераларга ўтадилар. Тузлардан тозаланган сув коллектор орқали, тузли сув эса бошқа коллектордан чиқариб ташланади.

Электродиализаторлардан оқова сувларни эригаш тузлардан тозаланига қулланилади. Сув таркибида тузларнинг мақбул концентрацияси 3-8 г/л ни ташкил этганда, бу усул яхши самара беради. Барча электродиализаторлардаги электродлар платинали титандан тайёрланади.

## **9.5. Оқова сувларни тозалашнинг кимёвий усули (398-410)**

**398. Оқова сувларни кимёвий тозалаш усулига қайси усуллар киради?**

**399. Саноат оқова сувларнинг асосий кимёвий тозалаш усуллари нечта?**

**400. Оқова сувларни нейтраллаш деганда нимани тушуниш керак ва у неча хил бўлади?**

**401. Сувни қачон нейтраллаш мумкин?**

**402. Сувни нейтраллаш учун қайси модалардан қўллаш мумкин?**

**403. Таркибида кучли кислоталар сақлаган оқова сувларни нейтраллаш учун қайси моддалардан қўллаш мумкин?**

**404. Оқова сувларни оксидлаш деб нимага айтилади?**

**405. Оқова сувларини оксидлаш қачон амалга оширилади?**

**406. Амалда оқова сувларни заарсизлантириш мақсадида қайси оксидловчи моддалардан қўлланилади?**

Оқова сувларни кимёвий тозалаш усулига қўйидаги усуллар киради: оқова сувларни нейтраллаш, оксидлаш ва қайта тиклаш, сув таркибидан оғир металл ионларини четлаштириш усуллари.

Саноат оқова сувларнинг асосий кимёвий тозалаш усуллари 2 та:

**1. Оқова сувларни нейтраллаш усули.**

**2. Оқова сувларни оксидлаш усули.**

Саноат оқова сувларини қайтаришма сув таъминоти системасига узатишдан олдин кимёвий тозалаш усулини бевосита қўллаш мумкин, ёки уларни сув ҳавзаларига оқизилмасдан ёки шаҳар канализация тармоқларига узатмасдан олдин қўлланилади. Кўнгина ҳолатларда

кимёвий тозалаш усуллариниң биологик тозалаш усулидан олдин құлланилади. Кимёвий тозалаш усуллариниң ишлаб чиқарып оқова сувларини заарасызлантириши, бұлантириб тозалаш, раңгизлантириш ёки уларнинг таркибидан тури компонентларни ажратиб олиш мақсадида құлланилади.

Бир нарсаның унутмаслик керакки, **оқова сувларни нейтраллаш** деганда, одатда, сувнинг водород күрсаткичи ( $\text{pH}$ ) ни **6,5-8,5** га тенглаштириш түшүнілади. Шунингдек, оқова сувларни водород күрсаткичи **6,5** га тенг бұлғап ҳолатдан бошлаб (яғни, сув нордон бұлғанда) нейтраллаш амалға оширилади. Сувнинг водород күрсаткичи **8,5** дан катта **бұлғанда** (яғни, сув ишқорий бұлғандан бошлаб) нейтраллаш амалға оширилади. Бунинг учун ҳавзаның нейтраллаш қобилияты ва шаҳар оқова сувлари таркибидаги ишқорнинг миқдори инобатта олинади.

Нордон оқовалар ишқорлы оқоваларға нисбатан ниҳоятта хавфли хисобланади. Құпинча оқова сувлари минерал кислоталар (сулфат  $\text{H}_2\text{SO}_4$ , азот  $\text{HNO}_3$ , хлорид  $\text{HCl}$ ) ва уларнинг аралашымалари билан ифлосланған бұлади. Оқова сувлари азот  $\text{HNO}_3$ , фосфор  $\text{H}_3\text{PO}_4$ , сүлфид  $\text{H}_2\text{SO}_3$ , водород сүлфид  $\text{H}_2\text{S}$ , фторид  $\text{HF}$ , хром  $\text{H}_2\text{CrO}_4$  кислоталари, шунингдек органик кислоталар: уксус  $\text{CH}_3\text{COOH}$ , салицила  $\text{C}_6\text{H}_4(\text{OH})\text{COOH}$  ва бошқа кислоталар билан ифлосланишин кам учрайди.

Оқова сувларни кимёвий тозалашда қуидагы нейтраллаш усулларидан құлланилади.

1. Нордон ва ишқорлы оқова сувларни үзаро құшиб нейтраллаш усули.

2. Оқова сувларига бошқа моддаларни құшиб нейтраллаш усули. Бунинг учун кислота әритмаларидан, сундирилмаган оxaк ( $\text{CaO}$ ) дан, сундирилған оxaк ( $\text{Ca(OH)}_2$ ) дан, калцийлаштирилған сода ( $\text{Na}_2\text{CO}_3$ ) дан, каустик сода

( $\text{NaOH}$ ) даи, аммиакнинг сувли эритмаси ( $\text{NH}_4\text{OH}$ ) даи күлланилади.


3. Нейтраллаштирувчи материаллар орқали оқова сувларни филтрлаш усули. Бунинг учун сувга оҳак, оҳактош, доломит  $\text{CaCO}_3\text{MgCO}_3$ , магнезит  $\text{MgCO}_3$ , пишиқ магнезит  $\text{MgO}$ , бўр  $\text{CaCO}_3$  қушилади.

Нейтраллаш усулини таълаш кўпгина омилларга (кислотанинг тури ва концентрациясига, нейтралланига ишлатилган сувнинг сарфи ва режимига, оқова сувига қушиладиган моддаларнинг миқдорига, маҳаллий шароитга) боғлик булади.

Таркибида кучли кислоталар сақлаган оқова сувларни нейтраллаш учун оҳак ва оҳактош эритмаларидаи кўлланилади. Бунинг учун оқова сувлари бир меъёрда узатилади. Агар оқова сувлари таркибида азот, хлорид ва сульфат кислоталари мавджуд бўлса, унда уларни бўр, оҳактош ва доломит қатламидан утказилиб филтрланади.


Охирги пайтларда таркибида  $\text{CO}_2$ ,  $\text{SO}_2$ ,  $\text{NO}_2$  ва бошқа газлар сақлаган ишқорли оқова сувларни тутунли газлар ёрдамида нейтраллаш усули ҳам ишлаб чиқилган. Бу усул газларни тозалашга ҳам имкон беради.

Оқова сувларни нейтрализатор қурилмасида доломитли филтр ёрдамида нейтраллаш 9.10-расмда курсатилган. Бу қурилма таркибида  $\text{HCl}$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ , ёки  $\text{HNO}_3$  кислоталарни сақлаган иордон оқова сувларни доломит қатлами орқали филтранлаш йули билан нейтраллайди. Бунда қуйидаги реакциялар кечади:



Нейтраллаш жараёни охирига еттанды, фильтрдан доломит ажратыб олинады ва ишлатылмаган янги доломит оқова сувига құшилады. Оқова сувини нейтраллаш курилмаси (9.10 - расм) автоматлаштирилген бўлиб, нейтрализатор чиқишига сувнинг водород кўрсаткичидан улчанади.

Агар оқова суви таркибида заҳарли аралашмалар (масалан, цианидлар) ёки бошқа бирекмалар мавжуд булса, уни зарарсизлантириши учун сувни **оксидлаш** усулидан қулланилади. Бошқача қилиб айттанды, оқова сувини таркибидан заҳарли аралашмаларни ажратыб олиш шарт бўлмаганда, оксидлаш усулидан қулланилади.




9.10 - расм. Оқова сувини нейтраллаш қурилмаси (нейтрализатор):

1-нордон оқова суви кирадиган патрубка; 2-сув камераси; 3-доломитли фильтр; 4-шагал қатлами; 5-сиздиригич; 6-нейтраллашган оқова суви.

Амалда оқова сувларни зарарсизлантириши мақсадида оксидловчи модда сифатида хлор, калций ва натрий гипохлориди, хлорли оҳак, хлор диоксиди, озон, кислород, ҳаво кўпроқ ишлатилади, водород пероксиди, калий перманганаги ва калий бихромати камроқ ишлатилади.

Оқова сувига қүшиладиган хлор ёки хлорли реагентнинг агрегат ҳолатига қараб, унга ишлов беринш технологияси танланади. Агар сувга газсимон хлор ёки озон билан ишлов берилса, оксидлаш жараёни оксидловчи коллоналарда ёки контактли камераларда ўтказилади (9.11 - расм).



9.11 - расм. Оқова сувларни озонлаштириш контактли камерасининг күринини:

1-оқова сув кирадиган патрубка; 2 ва 5-озонлаштириш камералари; 3-озон гази кирадиган йүлак; 4-озонни пуркаб берувчи кувурлар; 6-озонлаштирилган сувнинг чикиш жойи.

Агар оксидловчи модда эритма шаклида бўлса, уни дастлаб аралашибиргичга, сўнгра контактли резервуарга узатилади. Оксидлаш жараёнида заҳарли моддалар заҳарсиз бирикмаларга айлантирилади. Заҳарли бирикмаларни заҳарсиз бирикмаларга ёки чўкиндига айлантириб, улар тиндириш ёки филтрлаш йўли билан оқова суви таркибидан четлаштирилади.

**407. Оқова сувига оксидловчи модда сифатида хлор ҳам, озон гази ҳам, қүшилади. Аммо сувни озонлаштиришнинг афзаллиги нимада?**

**408. Озон гази нимадан олинади?**

**409. 1 кг озон гази олиш учун қанча электр энергияси сарфланади?**

**Сувга хлор қүшганды, у гидролизланади, натижада хлорноват  $\text{HClO}$  ва хлорид кислоталари  $\text{HCl}$  ҳосил бўлади:**



Ҳосил бўлган хлорноват кислотаси  $\text{HClO}$  қисман диссоциация бўлиб, гипохлорид иони  $\text{OCl}^-$  га ва водород иони  $\text{H}^+$  га бўлинади. Ишқорли муҳитда (яъни, муҳитнинг водрод курсаткичи 10-11 га тенг бўлганда), хлорноват кислотаси тулиқ диссоциацияланади. Шунинг учун бундай ҳолатларда заҳарли моддалар унумли оксидланади. Масалан, гипихлорид  $\text{OCl}^-$  ва цианидлар  $\text{CN}^-$  орасидаги реакция тез ва тулиқ кечади:



Ҳосил буладиган цианидлар гидролизланади:



Хлорга нисбатан **озон гази** энг кучли оксидловчи модда ҳисобланади. Озон хлор ва бошқа оксидловчи моддаларга нисбатан нормал ҳароратда сувли эритмалар таркибидаги органик моддаларни парчалантириш қобилиятига эга. Озон гази тозалаш иншоотларида (озонаторларда) бевосита ҳаводан олинади. Озон 2 та электродлар орасидаги кислород ёки ҳавонинг электр ёйи пайтида ҳосил бўлади. Электродлар орасига 5-25 кВ кучланиш берилади. Ҳаводан 1 кг озон олиш учун 13-29 кВт•соат электр энергияси сарфланади. Сувни озонлаштиришнинг афзалиги шундаки, тозаланган оқова сувларнинг тузли таркиби ўзгармайди, реакция маҳсулотлари сувни ифлослантирмайди, сувни озонлаштириш жараёни тулиқ автоматлаштирилган.

#### **410. Оқова сувларни электрокимёвий оксидлаш усулидан қачон фойдаланиш мумкин?**

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, оқова сувларни хлорлаш ва озонлаш билан бир қаторда **уларни** электрокимёвий оксидланишдан ҳам қулланилади. Бу усул

оқова сувларни электролизига асосланган. Электролитнинг тури, электродлар (анод ва катод) нинг материали ва эритмадаги модданинг миқдорига қараб, электролиз жараёнида кимёвий алмашинишлар турлича булиши мүмкін.

Ишлаб чиқариш оқова сувлари электролизининг асосини 2 та оксидланиш жараёнлари белгилайди.

### 1. Анодли оксидланиш.

### 2. Катодли оксидланиш.

Электролитларда эримайдыган материаллар (платина ва графит) дан тайёрланган анодга электролизнинг ўтиш шароити ва ишлов бериладыган оқова сувларнинг тузли таркибига қараб, кислород ва галогенлар ажралиб чиқади ва оқова сувидаги органик моддалар оксидланади. Катодга эса газсимон водород ажралади ва баъзи бир органик моддалар тикланади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, бошқа усуулларга нисбатан электрокимёвий оксидланиш йўли билан оқова сувларни заарсизлантириш қимматроқ усул саналади. Шунинг учун бу усуудан концентрланган органик ва анорганик ифлосликлардан оқова сувлари ҳажми катта бўлмаган пайтларда тозалаш учун ишлатилади.

## 9.6. Оқова сувларни биологик тозалаш усули (411-433)

**411. Қайси тозалаш усуулари оқова сувларни тозалашда биринчи босқичда қўлланилади?**

**412. Оқова сувларни биологик усууда (усимликлар ёрдамида) тозалашнинг афзалиги нимада?**

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда дунё миқёсида оқова сувларни тозалаш ниҳоятда иирик долзарб муаммога айланиб қолди. Чунки агар гидросферадаги барча

сувларни 100 % деб қабул қылсақ, чучук ичимлик сувлари ҳаммаси бўлиб, 2% дан ошмайди. Саноат корхоналаридан оқова сувларни тозалаш учун асосан қуйидаги 4 та усуллардан кенг қўлланилиб келинмоқда.

1. Оқова сувларни механик тозалаш усулларидан.
2. Оқова сувларини физик – кимёвий тозалаш усулларидан.
3. Оқова сувларини кимёвий тозалаш усулларидан.
4. Оқова сувларини биологик тозалаш усулларидан.

Юқоридаги учала усул (механик, физик-кимёвий ва кимёвий усул) лар оқова сувларни тозалашда биринчи босқичда қўлланилади. Биринчи босқичда тозаланган сувларни тоза сув ҳавзаларига оқизишдан олдин, уларни биологик усулда тозалаш керак.

Оқова сувларни биологик усулда (ўсимликлар ёрдамида) тозалашнинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида кислороднинг биологик сингдиришни 77-99 % га, кимёвий сингдиришини 60-96 % га, сувда эриган моддалар миқдорини 90-99,8% га ва азот миқдорини 45-94% га камайтириш мумкин.

Бундан ташқари, сув ўсимликлари суткасига 1 м<sup>2</sup> майдонга 380 г дан 1,5 кг гача кўк масса беради. Битта ўсимлика 80 дан зиёдроқ новдачалар бўлиши мумкин ва улар сув таркибидаги азот ва фосфор бирикмаларини сингдириб олади. Оқова сувларни тозалашда листия, летпа (поябарг), чигитак каби ўсимликлардан, сув ўтларидан, хлорелла, сценэдимус турларидан фойдаланиш мумкин.

Сув ўсимликларида 14-40 г атрофида ўзлаштириладиган оқсиллар ва 0,12-0,27 озуқа бирлиги мавжуд. Маданий ўсимликларга нисбатан сув ўсимликлари таркибида 0,5-3,0% моносахаридлар, 1,5-7,5% дисахаридлар, 4-11% протеин, 12,3-19,9 % оқсиллар, углерод ва витаминалар кўпроқ бўлади.

Бундан ташқари, күк массадан чорва озуқаси сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳар бир м<sup>2</sup> сув ўтлари ўстирилган майдондан 42 кг гача озуқа бирлиги этишириш мумкин, ёки 4 кг мол гүшти, ёки 7 кг қўй гүшти олиш имконини беради.

Оқова сувларни сув ўсимликлари ёрдамида 6-8 ой давомида тозалаш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга. Биологик усул ёрдамида оқова сувларни 90-99 % га тозалаш мумкин.

Агар 1 литр оқова сувлари таркибида 5 г туз бўлса, уни ушбу усул ёрдамида 50 % га ва агар 1 литр сувда 2 г туз бўлса, уни шўрлигини 30 % камайтириш мумкин. Бундан ташқари, сув ўсимликлари ёрдамида оқова сувлари таркибидаги азотни 60 % га, фосфорни 40-50% га ва нитратларни 80% га камайтириш мумкин.

Сув ўсимликлари ёрдамида оқова сувларини тозалаш озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоларини ечишда катта ёрдам бериши мумкин.

**413. Оқова сувларни биокимёвий тозалаш усулига қайси усуллар киради?**

**414. Оқова сувларни тозалашда биологик тозалаш усулларидан қачон фойдаланиш мумкин?**

Оқова сувларни биокимёвий тозалаш усулига қўйидаги усуллар киради: оқова сувларни табиий шароитларда тозалаш, биологик ҳавзаларда тозалаш, сунъий иншоотлар (аэротенк) да тозалаш, биофилтрларда тозалаш, биокимёвий тозалашнинг анаэроблик (ҳавосиз, кислородсиз) усуллари.

Оқова сувларни тозалаш учун биологик тозалаш усулидан иккинчи босқичда қўлланилади, яъни биринчи босқичда механик ва физик-кимёвий тозалаш усулларида оқова суви тозалагандан кейин биологик тозалаш усулидан

құлланилади. Биологик тозалаш усули асосан тирик микроорганизмлар ҳаёт фаолияти билан чамбарчас болынады.

**415. Биологик тозалаш усуллари неча хил бұлади?**

**416. Биологик тозалаш усулида оқова сувларни неча % га тозалаш мүмкін?**

Биологик тозалаш усули 2 хил бұлади.

1. Табиий.

2. Сунъий.

Табиий усулда тозалаш учун оқова суви бир неча танлаб олинган далаларга юборилади ва тупроққа шимилиб, тозаланиб ер остига үтади. Яғни, танлаб олинган далачалар тозаланмаган оқова суви билан сугорилади. Қалинлиги 90 см га теңг бўлган тупроқ қатлами оқова сувини етарли даражада тозалаш қобилиятига эга.

Оқова сувларни сунъий усулда тозалашда биофилтрлардан құлланилади. Биофилтр сифатида керамзитдан, тошқоллардан, пластмассалардан тайёрланган говак филтрлардан, құмдан ва бошқа материаллардан кенг құлланилади. Биофилтрлар оқова сувларни микроорганизмлар ёрдамида органик моддалардан тозалайды. Микроорганизмлар ифлос чиқиндиларни үз фаолиятида купайиш ва ривожланиш учун сарфлайды. Улар филтр юзасида юпқа чукма қатlam ҳосил қиласы.

Хаёт фаолияти тугаган микроорганизмлар филтрдан ювилиб, тозаланиб турилади.

**417. Аэротенк ва биохавза деб нимага айтилади?**

**418. Оқова суви биохавзада қанча сақланиши мүмкін?**

#### **419. Сувдаги микроорганизмлар қайси ҳароратларда яхши ишлаши мүмкін?**

Аэротенк махсус қурилма булиб, унда оқова сув ҳаракатчан тирик чүкма ва микроорганизмлар билан аралашиб, секин ҳаракатланади ва сувни органик аралашмалардан тозалайди. Ҳаракатчан чүкма турли микроорганизмлардан иборат булиб, сувдаги барча органик моддаларни емириш, парчалаш ва истеммол қилиб, заарасизлантириш хусусиятига эга. Агар аэротенкта сув орқали кучли кислоталар, ишқор эритмаси ва бошқа заҳарли моддалар аралашиб қолса, ҳаркатчан чүкма нобуд булади, ифлос сув эса тозаланмай ёқимсиз ҳид чикаради.

Сунъий равишда тайёрланган, чуқуруллиги 1 м дан кам булмаган ва оқова сувларни микроорганизмлар ҳамда усимликлар ёрдамида құшимча тозаловчи иншоотга, биоҳавзалар деб аталади. Чиқинди оқова сувларнинг таркибиға қараб, биоҳавзалар мустақил ёки механик, кимёвий тозалаш иншоотлари билан бирга фойдаланилади. Ҳар бир ҳавзада оқова суви 2 сутка туриши керак, кейин ҳавза тозаланиши керак. Бундай биоҳавзаларда усимликлар ва микроорганизмлар  $10^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган ҳароратларда яхши ишлайди. Биоҳавзаларда балиқ ҳам устирилади.

#### **420. Оқова сувларни иссиқлик таъсирида тозалаш усулига қайси усуllibар киради?**

Оқова сувларни иссиқлик таъсирида тозалаш усулига қуйидаги усуllibар киради: оқова сувларни концентрлап, буғлантириш, музлатиш, қуритиш, суюқ фазада оксидлап, буғ фазада катализитик оксидлаш, алангада ёндириш усуllibарни.

**421. Оқова сувларни тозалаш усулларини неча гурухларга бўлиш мумкин?**

**422. Оқова сувларни тозалашда рекуперацион ва деструктив тозалаш усулларнинг аҳамияти нимада?**

**Оқова сувларни тозалаш усуллари 2 гурухга бўлинади.**

**1. Рекуперацион тозалаш усуллари.**

**2. Деструктив тозалаш усуллари.**

**Рекуперацион тозалаш усуллари ёрдамида оқова сувлари таркибидан қимматбаҳо хом-ашёлар ажратиб олинади ва улар технологик жараёнларга қайтарилади ёки уларга қайта ишлов берилиб, керакли маҳсулотлар олинади.**

**Деструктив тозалаш усуллари ёрдамида ифлослантирувчи моддалар оксидаш ёки тиклаш йўли билан парчалантирилади. Парчалантирилган маҳсулотлар эса газ ёки чўкма шаклида сув таркибидан четлаштирилади.**

**423. Оқова сувларни тозалаш усулини танлаб олиш учун қайси шартлар инобатга олинади?**

**Оқова сувларни тозалаш усулини танлаб олиш учун қуйидаги шартлар инобатга олинади.**

**1. Тозаланган сувнинг сифатига қўйиладиган санитар ва технологик талаблар. Тозаланган сувнинг сифати технологик сувнинг сифатига мос келиши керак.**

**2. Оқова сувларнинг миқдори.**

**3. Корхонада заарсизлантириш жараёнининг керакли даражада энергетик ва материаллар ресурси билан таъминланганлиги (масалан, буг, иссиқлик, сиқилган ҳаво, электр энергияси, реагентлар ва сорбентларнинг мавжудлиги).**

**4. Заарсизлантириш жараёнларининг самарадорлиги.**

424. Қайси ҳолатда оқова сувидаги кичик заррачалар чўкмага тушмай қолиши мумкин?
425. Агломерация ёки йирикланиш деб нимага айтилади?
426. Коагуляция деб нимага айтилади?
427. Коагулянт сифатида қайси моддалардан фойдаланиш мумкин?
428. Агар оқова сувига коагулянт сифатида алюминий сулфати қўшилган бўлса, унинг қолдиги 1 литр сувда неча мг дан ошмаслиги керак?
429. Агар оқова сувига коагулянт сифатида темирдан қўшилган бўлса, унинг қолдиги 1 литр сувда неча мг дан ошмаслиги керак?
430. Агар оқова сувига синтетик флокулянт сифатида полиакриламиддан қўшилган бўлса, унинг қолдиги 1 литр сувда неча мг дан ошмаслиги керак?
431. Зичлиги оқова сувнинг зичлигидан кичик ёки унга teng бўлган заррачаларни қандай қилиб сув таркибидан ажратиб олиш мумкин?
432. Алюминий сулфатининг гидролизланиши учун сувнинг водород кўрсаткичи қанча булиши керак?
433. Флокулянтлар деб нимага айтилади ва улар неча хил бўлиши мумкин?

Улчами  $10^{-6}$  м дан кичик бўлган заррачаларнинг зичлиги сувнинг зичлигига teng ёки ундан кичик бўлганда, оғирлик кучи таъсирида чўкмага тушмайди, шунинг учун уларни аввал йириклаштириб, кейин чўкмага тушириш йўли билан сувдан ажратиб олиш мумкин.

Майда дисперс заррачаларнинг ўзаро тупланиб агломерат (гувалача ёки паға) лар ҳосил қилиш жараёнига, агломерация ёки йирикланиш дейилади. Майда дисперс

заррачаларнинг ўзаро түпланиб агломерат (гувалача ёки наға) лар ҳосил қилиш ҳисобига йириклишиб чўкмага тушиш жараёнига, **коагуляция дейилади**. Ушбу жараённи амалга ошириш учун махсус реагентлар – коагулянтлардан қуланилади. Коагулянт сифатида алюминий ва темир тузларидан қўлланилади. Ушбу тузлар сувда гидролизланиши натижасида эримайдиган гидрооксидлар ҳосил қиласи. Коллоид заррачалар гидроксидлар билан бирга агломератлар ҳосил қилиб чўкмага тушади.



Сув таркибига кимёвий реагент-коагулянт қўшилиши натижасида сувдаги муаллақ моддалар ва коагулянт заррачалари ўзаро боғланиб, улар қарама –қарши электр зарядлар билан зарядланиб нейтраллашади ва коллоид эритма ҳосил бўлиб, пағалар ҳосил қиласи ва чўкади. Коагулянт сифатида водопровод тизимида алюминий сулфати ( $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3 \cdot 8\text{H}_2\text{O}$ ) дан кенг қўлланилади. Коагулянт таркибида 13,5 % бокситлар (оқ лой, каолин) ни сулфат кислота билан оксиди, 40,3 % алюминий сулфати  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  ва 78,25 %  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3 \cdot 8\text{H}_2\text{O}$  мавжуд. **1 литр оқова сувига** қўшиладиган коагулянтнинг миқдори ҳар қандай сувга бир хил эмас, чунки у сув таркибидаги муаллақ заррачаларнинг миқдори (концентрацияси) га ва йилнинг фаслларига қараб, ўзгариб туради. Қуйидаги 9.3 -жадвалда **1 литр сувда** муаллақ моддаларнинг миқдорига қараб, қўшиладиган коагулянтнинг миқдори келтирилган (СНиП 11-31-74).

### 9.3- жадвал.


**Бир литр сувда муаллақ моддалар миқдори ва уларга алюминий сульфатдан ёки темир хлориддан құшиладиган миқдори**

Бир литр сувда муаллақ моддаларнинг миқдори, мг	Бир литр сувға құшиладиган алюминий сульфат ёки темир хлориднинг миқдори, мг
100 гача	25-35
101-200	30-45
201-400	40-60
401-600	45-70
601-800	55-80
801-1000	60-90
1001-1400	65-105
1401-1800	75-115
1801-2200	80-125
2201-2500	90-130

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, рангли сувларни тозалашда коагулянт миқдори сувнинг рангига қараб (сувнинг ранги градуслар билан ифодаланади, яъни градусларга қараб) аниқланади. Ишлов берилған сувдаги қолдик коагулянт миқдори (агар сувға алюминий сульфати құшилғанда) 0,5 мг/л, темир 0,3 мг/л, сувға синтетик флокулянт (полиакриламид) құшилғанда, 2 мг/л дан ошмаслиги керак.

Охирги йилларда водопровод иншоотларида сувдаги коллоид моддаларни нейтраллаш ва флокуляциялаш мақсадида синтетик моддалардан, масалан, полиакриламид полимеридан кенг қулланилади. Сувға киритилған

алюминий сулфатнинг коагуляциялаш жараёни қуйидагича кечади:



Алюминий сулфат сувда гидролизланиб парчаланади, сўнгра карбонат кислотаси калций тузлари билан реакцияга киришиб, бикарбонат тузларини ҳосил қиласи ва сув қаттиқлигини олдини олишга имкон беради. Ушбу тузлар сувнинг ишқорийлигига таъсир қиласи.

Коагуляциялаш жараёнида алюминий гидроксидининг ҳосил булиши катта амалий аҳамиятга эга. Чунки сулфат кислотанинг калций ва магний тузлари ҳамда углерод қўш оксиди коагуляциялаш жараёнида қатнашмайди.

Сувнинг сарғишранг булиши унинг таркибида гумин моддалари мавжудлигидан далолат беради. Коагулянт пагалари гумин моддаларини ўзига шимиб олади ва сувни тиниқланишига катта ёрдам беради.

Коагулянт сифатида темир хлорид тузидан ва оксихлорид алюминийдан ҳам фойдаланади. Аммо бу коагулянтлардан ишлатилганда, сувнинг ишқорий реакцияси ( $\text{Ph}$ ) ошади ва ранги ўзгаради. Алюминий сулфати сувга қўшилгандан сўнг, гидролиз реакцияси кечишига муҳитнинг водород кўрсаткичи ( $\text{Ph}$ ) кучли таъсир қиласи. Агар  $\text{Ph}$  кичик бўлса, гидролизланиш тезлиги сусаяди,  $\text{Ph}$  катта бўлса, манфиий зарядга эга бўлган алюминий оксиди  $\text{Al}_2\text{O}$  ҳосил булиб, у сувда коагуляциялаш жараёнини тутдиrmайди. Шунинг учун алюминий сулфати  $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$  нинг гидролизланиши учун сувнинг водород кўрсаткичи  $\text{Ph}$  4,3-7,6 атрофида булиши мақсадга мувофиқ деб топилган, аммо  $\text{Ph}$  5,5-6,5 га тенг булиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сувни коагуляциялаш жараёни бошқа жараёнлар (сувни

тиндириш, рангизлантириш, филтрлап ва заарсизлантириш) билан чамбарчас бөғлиқ. Яъни, коагуляциялаш жараёни сувни кейинчалик тиндириши ва рангизлантириш имконини беради.

Водопровод иншоотларида сувни тиндириш ва рангизлантириш жараёнларини тезлаштириш, сувни коагуляциялаш сифатини ошириш мақсадида юқори молекуляр бирикмалар (полимерлар) дан ҳам құлланилади. Булар орасыда анионли ва катионли флокулянтлар булиб, улардан ишлатиш коагуляциялаш жараёнини яхшилайды, сувни тиндиргичларда тиндириш давомийлиги (вақти) ни камайтиради ва сувдаги муаллақ моддалар чукинини тезлаштиради.

Агломератларни ҳосил қилиш ва чүкмага тушириш жараёнини тезлаштириш мақсадида юқоримолекуляр бирикмалар-флокулянтлардан ишлатилади. Үшібу жараёнга, **флокуляция** дейилади.

**Флокулянтлар** - сувда **эрийдиган полимерлар** булиб, улар қуидаги **4 та турларга** булинади.

**1. Ионоген полимерлар** - таркибида  $-OH$ ,  $=CO$  гурухлар сақланган бирикмалар. Буларга крахмал, поливинил спирти, оксиэтилцеллюлоза киради.

**2. Анион полимерлар** - таркибида  $-COOH$ ,  $-CO_3H$  гурухлар сақланган моддалар, масалан, лигносулфонат алгинати ва ҳоказолар.

**3. Катион полимерлар** - таркибида  $-NH_2$ ,  $-NH$  гурухлар сақланган бирикмалар, масалан полиэтиленимин, винилпиридин.

**4. Амфотер полимерлар** - оқсиллар, гидролизланган полиакриламид.

Флокулянт макромолекуласи бир неча заррачаларда адсорбцияланиши туфайли сувдаги құшилмаларни үзига бириктириб, паға ёки гувалачалар ҳосил қиласа.

кушилманинг зичлиги ва массаси ошиб, оғирлик кучи таъсирида чўқади. Бунда **полимер занжири** кўприк вазифасини утайди.

Синтетик полимерлардан полиакриламид ҳамда полиакрилнитрил асосида олинган композицияларидан купроқ қулланилади.

### **9.7. Оқова сувларни эриган органик моддалардан тозалаш усуллари (434-443)**

**434. Оқова сувларни органик моддалардан тозалаш учун қайси усуллардан қўлланилади?**

435. Регенератив тозалаш усулига қайси усуллар киради?

**436. Оқова сувларни экстракциялаш усулида тозалаш деганда, нимани тушуниш керак?**

**437. Оқова сувларни адсорбция усулида тозалаш деганда, нимани тушуниш керак?**

Оқова сувларни органик моддалардан тозалаш учун регенератив ва деструктив усуллардан қўлланилади.

Регенератив усулларга қўйидагилар киради.

1. Оқова сувларни экстракциялаш усулида тозалаш. Оқова сувларни экстракциялаш усулида тозалаш деганда, моддалар аралашмасини учинчи эритувчи модда ёрдамида тозалаш усули тушунилади. Экстракция жараёнида эриган органик модда сув билан экстрагент орасида тақсимланади. Эритувчини экстракцион қобилияти ( $K_p$ ) қўйидаги формула билан аниқланади:

$$K_p = C_e/C_c$$

бу ерда  $C_e$  - эриган модданинг экстрагентдаги миқдори.  
 $C_c$  - эриган модданинг сувдаги миқдори.

**2. Оқова сувларни ҳайдаш ва ректификация усуллари ёрдамида тозалаш.** Бу усул аралашмадаги моддаларнинг қайнат ҳарорати ҳар хил бўлишига асосланган.

**3. Оқова сувларни адсорбция усулида тозалаш.** Оқова сувларни адсорбция усулида тозалаш деганда, сувдати органик моддани адсорбентга ютилиши (шимиб олинини) тушунилади. Адсорбент сифатида фаоллаштирилган кўмирдан ишлатилади. Фаоллаштирилган кўмир гидрофоб хусусияти эга бўлиши туфайли у сувдан органик моддани ютиб олади.

**438. Оқова сувларни органик моддалардан тозалашнинг деструктив усулларига қайси усуллар киради?**

**439. Оқова сувларни термооксидлаш усулида тозалаш қачон амалга оширилиши мумкин?**

**440. Оқова сувларни кимёвий оксидлаш усулида қандай тозалаш мумкин?**

**441. Оқова сувларини биокимёвий усулда қандай тозалаш мумкин?**

**442. Оқова сувларини аэротенкда қандай тозалаш мумкин?**

**443. Оқова сувларини метантенкда қандай тозалаш мумкин?**

Оқова сувларни органик моддалардан тозалашнинг деструктив усулларига қуйидагилар киради.

1. Оқова сувларни термооксидлаш усулида тозалаш. Агар оқова суви таркибида захарлик даражаси юқори бўлган моддалар қўшилиб қолган бўлса, сувни тозалаб олиш учун

оқова сувини термооксидлаш усулидан құлланилади. Термооксидлаш жараёни  $900\text{-}1000^{\circ}\text{C}$  да амалга оширилади.

**2. Оқова сувларни кимёвий оксидлаш усулида тозалаш.** Кимёвий оксидлашни амалга ошириш учун оксидлантирувчи модда сифатида озон, хлор, кислород, водород переоксида ва бошқа моддалар оқова сувига қүшилади.

**3. Оқова сувларни биокимёвий усулда тозалаш.** Ушбу усулдан сувни микроорганизмлар ёрдамида тозалашда құлланилади. Бу усул аэроб (хаволи) ва анаэроб (хавосиз) шароитда амалга оширилиши мүмкін.

Аэроб усулларида яшаш фаолияти учун эркин кислород зарур бўлган микроорганизмлар құлланилади. Ушбу жараён аэротенк деб аталувчи аппаратларда амалга оширилади.

Анаэроб усулларида кислородсиз муҳитда ҳаёт кечирадиган микроорганизмлар ёрдамида сув тозаланади. Анаэроб усуллари метантенк деб аталувчи аппаратларда амалга оширилади.

## **9.8. Оқова сувларни эримаган анорганик моддалардан тозалаш усуллари (444,445)**

**444. Таркибида анорганик моддалар сақлаган оқова сувлар қайси усулларда тозаланади?**

**445. Оқова сувларни қандай қилиб нейтраллаш мүмкін?**

Таркибида анорганик моддалар сақлаган оқова сувлар қуидаги усулларда тозаланади.

### **1. Реагент усуллар.**

#### **A. Оқова сувларни нейтраллаш.**

Кислотали ва ишқорий сувларни сув ҳавзаларига оқизилишидан олдин, уларни нейтраллаш шарт. Бунда қуидаги усуллардан фойдаланилади:

- кислотали ва ишқорий сувларни ўзаро нейтраллаш;
- реагентлар ёрдамида нейтраллаш;
- нейтралловчи материаллар (оқакли сув, доломит, магнезит) ёрдамида филтрлаш.

**Б. Ионларни кам эрийдиган бирикмаларга үтказиш.** Бу усулдан оқова сувини оғир металл ионларидан, фтор бирикмаларидан, радиоактив элементлардан тозалашда құлланилади

### **C. Оксидлаш усули.**

Сувни заҳарли моддалар (масалан, цианиллар) дан тозалашда оксидлаш усулидан құлланилади. Оксидлантирувчи модда сифатида хлор, гипохлорид, озон газидан құлланилиши мүмкін.

### **D. Қайтариш усули.**

Қайтариш усули заҳарлилар даражаси кам бўлган моддалар учун ишлатилади. Масалан, сувни хром кислоталаридан тозалаш учун  $\text{Cr}^{6+}$  -  $\text{Cr}^{3+}$  ҳолатигача қайтарилади, кейин эса  $\text{Cr(OH)}_3$  ҳолатида ажратиб олинади.

### **2. Ултрафильтрация ва қайта осмос усуллари.**

Ушбу усул – эритмаларни босим остида ярим үтказувчи мембранныеардан филтрлаш жараёнига асослангандир.

### **3. Ион алмашув усули.**

Бу усул оқова сувларни ионитлар ёрдамида тозалаш усулидир. Ионитлар алмашынётган ионнинг зарядига кўра, икки гурухга: катионит ва анионитларга бўлинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, функционал гурухлари полимер эритмаларда ионланадиган турсимон тузилишга эга бўлган юқори молекуляр органик бирикмаларга, ионитлар деб аталади. Ионалмашувчи юқори молекуляр бирикмалар (яъни, ионитлар) сув ва бошқа суюқликларга бўкиши мүмкін, аммо эримайди. Ионитлар ионалмаштирувчи колонкаларда юкланди ва улар сув ёки бошқа суюқлик билан контактда бўлади.

Бир модда томонидан иккинчи модданинг ютилиши (масалан, бир суюқликнинг иккинчи суюқлик ёки газларини ютилиши) га, сорбция деб аталади. Бошқача қилиб айтганда, газ молекулалари, буғлар, суюқликлар ёки ионларнинг қаттиқ моддаларга ютилишига, сорбция дейилади. Агар қаттиқ жисм (уни күпинча сорбент ёки адсорбент дейилади) моддани (масалан, газ, буғ ёки суюқликни) факат юзаларига ютиб олса, бу жараёнга, адсорбция деб аталади. Ютувчи моддага, адсорбент, ютилаётган моддага эса адсорбат ёки адсорбтив деб аталади. Адсорбат ва адсорбент орасида Ван-дер-Ваальс кучлари мавжуд бўлса, физикавий адсорбция деб аталади. Агар адсорбент ва адсорбат орасида кимёвий реакция содир бўлиб, ютилиш жараёни амалга ошса, бу жараёнга хемосорбция деб аталади.

Ютилаётган модда (газ, буғ, суюқлик) ютувчи моддада эриши мумкин ёки у билан кимёвий бирикма ҳосил қилиши мумкин. Ютаётган жисмга, сорбент, ютилаётган ёки эриётган моддага, сорбат дейилади.

Юқори молекуляр бирикмалар асосида олинган сорбентларга, ионитлар деб аталади.

Катионитлар майда, ҳаракатчан ва катионлар алмашуви (күпинча  $H^+$ ) ва юқори молекуляр анионларга диссоциацияланади. Анионитлар осон кучиб юрувчи майда анионлар (масалан,  $OH^-$ ) ва юқори молекуляр катионлар ҳосил қиласи. Катионитларнинг кўпчилиги эримайдиган полифункционал поликислоталар бўлиб, улар таркибига -  $COOH$ ,  $-SO_3H$ ,  $-OH$ ,  $-SH$ , фосфор ва маргимуш (мишяқ) кислоталари қолдиқлари ва бошқалар киради. Анионитлар эса эримайдиган юқори молекуляр асослар бўлиб,  $-NH_2$ ,  $-NH_3OH$ ,  $-NHR$ ,  $-NR_2$ , тўртламчи сулфоний ва фосфоний асослари қолдиқлари ва бошқа катта миқдордаги асос гурухлар тутади. Ионалмашув амалга ошиши учун, аввало

фаол гурухлар ионлар жуфтлиги диссоциацияланиши лозим, яъни ҳаракатчан аксионлар “озод булиши” лозим.

Амалда ионалмашув жараёни ионит доначалари билан түлдирилган колонка орқали суюқлик (масалан, электролит эритмаси) ўтказилиб амалга оширилади. Масалан, дengиз сувидан калийни ажратиб олиш учун NH -гурухлардаги водород K+ га алмашади. Мана шу жараёнга, ионалмашув жараёни дейилади.

#### 4. Электрокимёвий оксидлаш усули.

Бу усул электродларда оксидлаш-қайтарилиш жараёнини амалга оширишга асосланган булиб, оқова сувларни заҳарли моддалар (цианид, оғир метал ионлари) дан тозалашга құлланилади.

Ушбу жараён электролизда амалга оширилади. Электролизерга электр токи берилганды, катодда қайтарилиш жараёни ҳисобига водород ёки металл ажралади, анода эса кислород эки бошқа газ ажралади (эримайдиган анод бұлса) ёки металл эрийди (эрийдиган анод бұлса).

### 9.9. Сувга махсус ишлов бериш усуллари

#### Сувни хлорлаш усули (446-450)

**446. Сувга махсус ишлов бериш деб нимага айтилади?**

**447. Водопровод иншоотларида сувга хлор қандай қүшилади?**

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида сувга махсус ишлов берилади. Сувни чучуклаштириш, зарарсизлантириш (дезинфекциялаш), фторлаш, хлорлаш, озонлаш каби ишлов бериш усулларига, сувга махсус ишлов бериш усуллари дейилади. Сувга махсус ишлов беришдан асосий мақсад- унинг тузли таркибини меъёрига келтириш, яъни давлат стандарти (УзДавСТ 95:2000. Ичимлик суви)

талабларига мувофиқлаштиришдан иборат. Шунинг учун сув таркибидаги темир, хлор, фтор каби элементлар ушлаб қолинади, шур сув чучуклаштирилади.

Сувга махсус ишлов бериш усуllibаридан бири - сувни хлорлаш ҳисобланади.

Сувни қайси манба (марказлашган водопровод суви, құдук суви, дарё суви, күл суви, сой суви ва х.) дан олишдан қатын назар, уни хлорлаш сув сифатини яхшилаш имконини беради.

Хлор бактериялар хужайрасида модда алмашиниш жараёнини издан чиқариб, ферментлар фаоллигига күчли салбий таъсир күрсатади. Ферментлар эса микробларда кечадиган оксидланиш ва тикланиш жараёнларини кучайтирадиган асосий омил ҳисобланади. Хлор микробларга бактерицид сифатида күчли таъсир күрсатади.

"Умумий кимё" қурсидан маълумки, хлор оддий ҳароратда күк-сарғишранг заҳарли газ булиб, нафас олиш йўллари ва шиллик пардаларни куйдиради. Саноатда хлор ош тузини гидролизлаб олинади. Водопровод иншоотларига хлор суюқ ҳолатда ёки хлорли оҳак шаклида етказилади.

Сундирилган оҳак ( $\text{Ca}(\text{OH})_2$ ) ка хлор ( $\text{Cl}_2$ ) таъсир эттириб, хлорли оҳак ( $\text{Ca}(\text{OCl})_2$ ) (оқартырувчи оҳак) олинади:



Хлорли оҳак таркибида 32-36% гача фаол хлор булиши мумкин.

Суюқ хлор пўлат баллонларда 5-6 атм. босим остида сақланади, хлорли оҳак эса махсус қоп ёки қуттиларда, салқин ва қуруқ жойларда, қоронги, Қуёш нурлари тушмайдиган махсус хоналарда сақланади.

Хлор глюкозанинг дегидрогеназа ферменти фаоллигини тұхтатиб қолмай, балки этил спиртини, глицерин, қаҳрабо, глутамин, сум, пировиноград, чумоли кислоталари ва формалдегид дегидрогеназа ферментларини ҳам ишдан

чиқаради. Уларнинг сувда гидролизланишидан гипохлорид ( $\text{HClO}$ ) кислота ҳосил бўлади:



Гипохлорид кислота тез парчаланадиган ва сувни зарарсизлантирадиган фаол моддадир. Гипохлорид кислота бекарор модда бўлиб, у суютирилган эритмалардагина мавжуд бўлади. У кучли оксидловчи модда ҳисобланади. У нихоятда секин парчаланиб, атом ҳолидаги кислород (O) ни ажратиб чиқаради:



Гипохлорид кислота жуда кучсиз кислота булиб, унинг тузлари ишқорларга (масалан, KOH да) хлор таъсир эттириб олинади:



Хлор сувга тушгач, нафақат микроблар билан, балки органик моддалар ва охиригача оксидланиб парчаланмаган анерганик моддалар билан (масалан, темир (II) оксиди) билан кимёвий реакцияга киришиши мумкин. Натижада хлорнинг маълум миқдори сувдаги моддалар билан ўзаро боғланади. Бунга хлорни боғлаш хусусияти дейилади. Сувга қўшиладиган хлорнинг миқдори ундаги бактерияларни кириши учун етарли булиши керак. Мана шу ортиқча эркин хлор сувдаги микробларни қириш учун керак бўлади.

Сувга хлор кўшганда, 0,5-1,0 соат ўтгандан кейин, сувдаги моддалар хлор билан тўйинади ва ортиқча хлор қолдиқлари сув таркибида қолади. Агар 1 литр зарарсизлантирилган сувда хлор қолдиқлари 0,3-0,5 мг ни ташкил этса, у давлат стандарти (ЎзДавСТ 95:2000. Ичимлик суви) талабларига жавоб бера оладиган сув саналади. Агар хлор қолдиқлари ушбу миқдордан ошиб кетса, сувнинг органолептик кўрсаткичлари (таъми, мазаси, хиди ва ранги) ўзгариб, сувдан хлорнинг хиди келиб туради.

Хлорни сувга аралаштириш махсус қурилмаларда хлораторларда амалга оширилади. Улар соатига 0,04-120 кг хлорни сувга аралаштириб бериш имкониятига эга. Хлор билан сувнинг аралаштириш жараёни 30-60 дақиқа давом этиши мумкин.

Шуни эслатиб утиш керакки, водопровод станцияларида хлорли оҳақдан фойдаланиш учун самарали эмас. Чунки ҳар куни эритма тайёрлаш, уни концентрациясини аниқлаш, сувга эримаган чўқиндиларни четлаштиришга тўғри келади ва бу жараён кўп вақтни талаб этади. Айниқса, катта сув билан таъминлаш станцияларида бу ишларни бажариш оғир бўлганлиги туфайли суткасига  $3000\text{ m}^3$  сув етказиб берадиган водопровод тармоқларида фақат суюқ хлордан фойдаланиш тавсия этилган.

Хлорли баллон ва хлоратор қурилмалари, одатда, махсус ажратилган хоналарда ўрнатилади ва улар шамоллатгичлар билан таъминланади. Йирик водопровод иншоотларида хлор электролиз усулида ўша жойнинг ўзида олинади.

**448. Сув таркибига қанча хлор бўлиши керак?**

**449. Сувни қайта хлорлашдан мақсад нима?**

**450. Сувга аммиак ва хлор қанча қўшилади ва бу усулининг афзаликлари нимада?**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1 литр сувда хлорнинг энг кам миқдори  $0,8\text{ mg}$  ва энг кўп миқдори  $1,2\text{ mg}$  бўлиши мумкин.

Сув билан таъминлаш амалиётида уни зарарсизлантириш мақсадида қайта хлорлаш усулидан қўлланилади. Очиқ сув ҳавзалари бактериялар билан кучли ифлосланганда ёки уларга келиб қўшиладиган сувларнинг кимёвий таркиби узгариб турганда, водопровод

иншоотларида сувларни қайта (құшымча) хлорлаш ишлари амалға оширилади. Бундан күзланган асосий мақсад-юқумли касалликлар тарқалишини олдини олишдан иборатдир. Бунинг учун заарсизлантириладиган сувни тиндиригичларга узатищдан олдин унга хлор қүшилади ва хлорланган сувни филтращдан сұнг, яна қайтадан хлорланади.

Бундан ташқари, сув таркибида органик моддалар, масалан, фенол, мой ва нефт махсулотлари мавжуд бұлганда, унга аммиак ва хлор қүшилади. Бу усулга, сувнинг аммонизацияси дейилади. Одатда, сувга аммиак ва хлор 1:4, 1:6 ёки 1:8 нисбатда қүшилиши мүмкін. Заарсизлантириладиган сувга дастлаб аммиак ва бир неча сониядан сұнг, хлор қүшилади. Улар сувда үзаро таъсирланиб, монодихлораминлар ( $H_2Cl$  ва  $NHCl_2$ ) ни қосып қилиб, бактерияларга үзини бактерицид таъсирини күрсатади.

Ушбу усулнинг афзаллуклари қуйидагилардан иборат.

1. Хлорга нисбатан хлораминларнинг таъсири узоққа қузилади, яғни улар сувга узоқ вақт таъсир этиши мүмкін.

1. Улар органик моддаларни үзларига бириктириб олишлари мүмкін.

2. Улар ёқимсиз ҳид ва мазани бартараф этишлари мүмкін.

3. Улар сувни органик моддалардан яхши тозалайды.

Шуни ҳам әслатиб үтиш керакки, сувда бактериялар миқдори күп бұлғанда ва уни назорат қилиш қийинчиликлар түгдирғанда, сувни үтә хлорлаш усулидан құлланилади. Бунда 1 литр сувда 5-10 мг хлор қүшилади ва сувдаги қолдик хлорнинг миқдори 1,5 мг га teng бұлади. Сувдаги қолдиклар миқдори ошиб кетиб, ёқимсиз ҳид көлтириб чиқарған пайтларда ундан истеъмол қилиб бўлмайди. Бунинг учун хлоргипосулфид ёки сулфат кислота буғларидан

фойдаланиб, сув хлорсизлантирилади ва улар (қолдиқлар) фаоллаштирилган күмирга адсорбцияланиш йўли билан сувдан ажратиб олинади. Айниқса, ёз фаслида хлорнинг сувга қўшиладиган меъёри оширилади, аммо хлор қолдиқларининг миқдори 0,6-0,7 мг/л дан ошмайди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, сув билан таъминлаш амалиётида хлор қўш оксидидан ҳам қўлланилади. Унинг оддий хлорга нисбатан бир қатор афзалликлари бор.

2. Унинг хлорга нисбатан қорин тифи ва паратиф инфекцияларига кўрсатадиган бактериоцидлик таъсири кучли.

3. У хлорга ва хлораминга нисбатан сувда ниҳоятда чидамили бўлиб, узоқ вақтгача таъсир этиши мумкин, чунки таъсир этувчи моддаси ( $\text{HClO}_2$ ) хлорли кислотадир.

4. Унинг ҳидини сувда бемалол сезиш мумкин.

## 9.10. Сувни фторлаш усули (451,452)

**451. Фтор инсон организмига қандай қилиб кириши мумкин ва сувни фторлашдан мақсад нима?**

**452. Фторланган сувларни қандай тозалаш мумкин?**

Сувни фторлашдан асосий мақсад-тишларда кузатиладиган кариес касаллигини олдини олишдан иборат. Кариес-тишдаги қаттиқ тўқималарнинг емирилиши билан боғлиқ бўлган касалликдир.

Фтор инсон организмига 10 % дан 80 % гача ҳолларда сув орқали киради. Унинг таъсирида организмда турли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Масалан, агар 1 литр сувда 2-8 мг фтор қўшилган бўлса, умуртқа погонасида, қовурга ва бошқа суюкларда ўзгаришлар юз бериши мумкин. Одатда, бу касалликка, флюороз деб аталади. Сувда

фторнинг миқдори 1,4-1,6 мг/л га етганда, ушбу сувдан сурункали истеъмол қилинган кишиларнинг тишларида сарғиш-жигарранг доғлар пайдо бўлганлиги кузатилган. Сувда фторнинг миқдори 2,5 мг/л га етганда, тиш эмали ғадир-будир бўлиб, унинг юзасида қорамтири доғлар пайдо бўлиши кузатилган. Фтор этишмай қолганда, бу касаллик тез ривожланади, чунки фтор билан фосфорнинг организмдаги алмашиниш жараёнлари бузилади.

Фторнинг сувдаги энг қулай миқдори 0,7-1,0 мг/л бўлганда, аҳоли орасида кариес касаллиги кам учрайди. Сув таркибида фторнинг миқдори 2-8 мг/л га етганда, аҳоли орасида флюороз касаллигининг оғир шакллари кўпроқ учрайди: ёш болаларда суяк тузилмасининг ривожига, уларнинг шаклланишига кучли салбий таъсир қўрсатади. Катта ёшдагиларда эса суяклардаги узгаришлар остеосклероз ҳолатга утиши мумкин.

Сувда фторнинг миқдори 6-15 мг/л га этиши мумкин. Бундай ҳолатларда кариес касаллиги камайиб, флюороз касаллиги ошиб кетади: тишлар мўртлашиб, тез синувчан, емириладиган бўлиб қолади. Ёш болалар орасида суяклар ривожланишининг секиналашуви, мўртлашиб қолиши ва уларнинг нуқсондорлиги ошиб боради. Шунинг учун ичимлик сувларига фтор қўшиш йўли билан турли касалликларни олди олинади. Фторнинг сув таркибидаги энг қулай миқдори 0,7-1,5 мг/л ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фторли сувларни фторсизлантириш учун чўктириш ва філтрлаш усуllibаридан кенг қўлланилади. Махсус реагентлар (масалан, алюминий гидроксида ва магний гидроксида) дан сувга қўшиб, фторни сувдан шимдириб олиш мумкин. Бу усул қўпинча очиқ сув ҳавзалари таркибидаги фторни ажратиб олишга кенг қўлланилади. Фтор билан бевосита ишлаш ва

уни сақлашда барча гигиеник талабларга қатый риоя әтилади.

### **9.11. Сувни озонлаш усули (453,454)**

**453. Саноатда озон гази қандай олинади?**

**454. Сувни озонлашнинг афзалликлари нимада?**

“Озон” юон тилидан олинган сўз бўлиб, “ҳидли” демакдир. У ҳаворанг ҳидли газ бўлиб, сувда яхши эрийди. У уткир оксидловчи модда бўлиб, кучли бактерицид хусусиятига эга. У ҳар қандай органик моддалар билан реакцияга киришиб, уларни парчалайди. Айниқса, микроорганизмларга бактерицид кучли салбий таъсир кўрсатади ва сувнинг органолептик кўрсаткичи (таъми, мазаси, ҳиди ва ранги) ни яхшилашга ёрдам беради.

Сувни озонлашнинг қуидаги афзалликлари бор.

1. Қисқа вақт давомида сувни керакли даражада зарарсизлантиради.

2. Сув ҳидини бартараф этади.

3. Сувни рангсизлантиради.

4. Озон таъсирида сувнинг водород кўрсаткичи ( $\text{Ph}$ ), лойқалиги ва ҳарорати ўзгармайди.

5. Озон газини водопровод иншоотларида ишлаб чиқариш мумкин.

Саноат корхоналарида озонаторлар ёрдамида ҳавони электролизлаб, озон гази олинади. Озонатор 2 та электродлардан иборат бўлиб, уларнинг масофаси 2-3 мм ни ташкил этиши мумкин. Электродлардан бири юқори кучланишли ўзгарувчан ток манбаига, иккинчи электрод эса ерга уланади. Озон газини олиш учун қуруқ ҳаводан (унинг мутлақ намлиги 0,05 мг/л) қулланилади. Ҳавонинг намлиги ошганда, озон олишга халақит беради. Озон

заарсизлантириши керак бўлган сув миқдори билан кўшилади. Озонлаштирилган сувда (аралаштирувчи камерадан чиқаётган сувда) озон газининг қолдик миқдори 0,1-0,3 мг/л га тенг бўлиши мумкин.

Озонлашнинг хлорлашдан афзаллиги шундаки, у сувда заарли бирималар ҳосил қилмайди, аксинча сувнинг органолептик қўрсаткичи (таъми, мазаси, ҳиди, ранги) ни яхшилайди. Сувни озонлаш давомийлиги (вақти) 6 - 7 дақиқа давом этиши мумкин.

## **9.12. Сувга ултрабинафша нурлари билан ишлов бериш усули (455-458)**

**455. Сувга ултрабинафша нурлари билан ишлов беришнинг афзаллиги нимада?**

**456. Сувга қайси усуllibарда ишлов бериш мумкин?**

Сувдаги турли бактерияларни заарсизлантириш усуllibаридан бири-сувга УБ-нурлар билан ишлов бериш усулидир. Бу нурлар микроорганизмларга бактерицид таъсир қиласи. Бунда микроорганизмларнинг хужайра протоплазма оксидлари парчаланади ва микроблар хужайрасида модда алмасиниш жараёнлари бузилади. Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, УБ-нурларнинг таъсир этувчи фаол тўлқин узунлиги 200-250 нм га тенгдир.

Ушбу усулининг афзаллиги шундаки, УБ - нурлари таъсирида бир неча сониялар давомида катта ҳажмдаги сувларни заарсизлантириш мумкин. Бунда сувнинг ҳиди ёки маззаси ўзгармайди.

УБ-нурлардан фойдаланиш учун сув тиник ва коллоид заррачалардан холи бўлиши керак. Ушбу усульдан кўпинча ер ости сув манбаларидан олинадиган сувлар ва водопровод иншоотлари учун олинадиган сувларгина заарсизлантирилади. Очик сув манбаларидан олинадиган

сувлар тиник ва рангиз бўлгандагина УБ-нурларидаи фойдаланиш мумкин.

Симобли кварц ёки симобли аргон лампалар ёрдамида ҳам сувни заарсизлантириш мумкин. Бунинг учун УБ-нур чиқарувчи манба маҳсус қурилмага жойлаштириб, ундан тарқалаётган нур оқими заарсизлантириладиган сувга йўналтирилади. Симобли кварц лампалардан **500 соатгача**, бошқа лампалардан эса **3000 соатгача** фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, водопровод сувларини заарсизлантириш учун ултратовуш ва гамма-нурлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керакки, сувдаги туз, қўшилмалар, сувнинг лойқалиги, ранги ва бошқа омиллар УБ-нурларнинг заарсизлантирувчи кучини пасайтиради. Демак, сувни турли физик-кимёвий усуllibарда тозалангандан кейин унга УБ-нурлар билан ишлов бериш мумкин.

**457. Баъзан даврий матбуот саҳифаларида оқова сувлари тозаланмаганлиги учун корхонанинг мутасадди раҳбарлари танқид қилинганигини гувоҳи бўламиз. Бундай танқидлар ўринлими?**

Агар оқова сувларни тозалаш қурилмалари ёки иншооти мавжуд бўлса-ю, корхона керакли материаллар (масалан, адсорбентлар, хлор, фтор, совуқ сув, буғ, тозалаш қурилмалари ва иншооти) билан таъминланган бўлса ва оқова сувлари тозаланмасдан очиқ сув ҳавзаларига оқизилса, унда бундай танқидлар ўринлиди. Аммо шуни ҳам ёдда тутиш керакки, сувни фильтраш унинг қийматини 2,5 баробар оширади, сувни юмшатиш 8 баробар, сувни тузсизлантириш эса, унинг қийматини 11 баравар оширади. Бундан ташқари, тозалаш қурилмаси деворларига

ёпишиб қолган қасмоқларнинг қалинлиги 1 мм ни ташкил этган бўлса, унда ёнилғи сарфланиши 5 % га ўсади.

Сувни тозалашда корхонанинг 10-15 % маблағи, чиқинди сувларни тозалашда эса, 20% маблағи сарфланади.

#### 458. Ичимлик суви қачон тоза ҳисобланади?

1 литр ичимлик суви таркибида 0,08 мг нитрит азоти, 0,5 мг аммоний азоти, 40 мг нитрат азоти, сувнинг қаттиқлиги 6,8 ва қуруқ қолдиқлар 100 мг дан ошмаслиги зарур.

Бундан ташқари, 1 литр сувда 0,3 мг темир, 0,7 – 1,0 мг фтор, 0,3 – 0,5 мг хлор қолдиқлари мавжуд бўлса, ундан ичимлик суви сифатида истеъмол қилиш мумкин. Агар хлорнинг миқдори 0,3 – 0,5 мг дан юқори бўлса, сувнинг мазаси ва таъми ўзгаради, унда хлор ҳиди пайдо бўлади. Агар 1 литр сувда фторнинг миқдори 1,1 – 1,5 мг ни ташкил этса, инсон флюороз касаллигига (яъни, умуртқа, қовурға ва бошқа суякларда ўзгариш пайдо бўлади) чалиниши мумкин.

#### 9.13. Сув ресурсларини ифлосланишдан муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар (459-462)

##### 459. Сув ресурсларини ифлосланишидан муҳофаза қилиш учун намалар қилиш керак?

1. Сув ресурсларини ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва унинг дастлабки хоссаларини тиклаш учун, авваломбор, 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни талабларига қатъий риоя қилиш зарур.

2. Саноат корхоналарида илгор технологияларни жорий этиш, оқова сувлар миқдорини камайтиришга эришиш, сувдан қайта фойдаланишнинг берк тизимига ўтиш нафақат иқтисодий, балки юксак экологик аҳамиятга эга. Шуни

эслатиб утиш керакки, ҳозирги пайтда нефт ва газ саноати 60-70%, энергетика 50 % ва озиқ-овқат саноати 30-40 % айланма (берк) сув таъминоти тизимиға эга. Сувдан айланма услубда фойдаланиш ҳисобига Олмалиқ кимё комбинати йилига 10 млн м<sup>3</sup> тоза сувни тежашга эришмоқда.

3. Сувдан самарали фойдаланиш ва унинг дастлабки хоссаларини қайта тиклашнинг бирдан-бир йўли – саноат корхоналарини бир-бирига яқин жойларга қуриш ва сувдан ҳамкорликда фойдаланишидир. Бу эса сувни тежашга катта ёрдам беради. Сувни тозалаш ва зарарсизлантиришга ихтисослаштирилган иншоотлардан самарали фойдаланиш унинг дастлабки хоссаларини тиклашга ниҳоятда катта ёрдам беради.

4. Саноат корхоналаридағи асбоб-ускуналар ва технологик жараёнларни сув билан эмас, балки ҳаво ёрдамида совутиш сувни тежашга катта ёрдам беради. Бу эса фақатгина совутиш тизимида ишлатиладиган сувларнинг 60-70 % тежаш имконини беради.

5. Сувдан самарали фойдаланиш ва канализацияга оқизишнинг иқтисодий меъёрларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Яъни, ишлатилган сув учун тұлов жорий этиш, оқова сув миқдорини камайтиришга имкон беради ва сувдан самарасиз фойдаланишта чек құяды. Ҳозирги пайтда күпгина шаҳарларда, шу жумладан, Бухоро шаҳрида маҳсус сув үлчагич асблолари ўрнатилган.

6. Сувнинг минерологик таркиби ва тупрок хусусиятларини ҳисобга олиб, оқова сувлардан суғориш тизимида фойдаланиш катта иқтисодий даромад гаровидир. Шаҳар оқова сувлари билан суғорилган ерларнинг ҳосилдорлиги оддий сув билан суғорилган ерларга исбатан 5-6 маротаба, чорвачилик оқовалари билан суғорилган озуқа әкинларининг ҳосилдорлиги эса, 4 маротаба ошғанлиги аникланган. Оқова сувларидан суғориш тизимида

қўлланишнинг яна бир афзалик томони шундаки, ҳар бир гектар ерга киритиладиган минерал ўғитлар ҳамда 2-3 минг  $m^3$  тоза сув тежалади. Ҳозирги пайтда республикамиз миқёсида суткасида 4 млн  $m^3$ , Бухоро вилоятида эса 200 минг  $m^3$  оқова сувлари пайдо бўлади. Яқин келажакда оқова сувларининг йиллик миқдори 6  $km^3$  ни ташкил этилиши кутилмоқда. Агар ушбу оқова сувларидан суғориш системасида фойдаланилса, 600 минг гектар ерларни суғориш имконияти туғилади.

Чорвачилик корхоналарида пайдо бўладиган ҳар 1  $m^3$  оқоваларнинг таркибида 1 кг фосфор, 2,5 кг калий ва 3 кг азот мавжуд эканлиги аниқланган.

Республикамиз ҳудудида 50 дан ортиқ паррандачилик корхоналари мавжуд бўлиб, улардан йилига 7 млн  $m^3$  турли кимёвий таркибга эга бўлган чиқиндилар пайдо бўлади. Уларни 1:1 ёки 1:2 нисбатида тоза сув билан қўшиб, ем-хашак экинзорлари сугорилса, ер ҳосилдорлигини 15-20% га оширишга имкон беради.

#### 460. Ўзбекистон Республикасида сув ва сувдан фойдаланиш ҳамда уни муҳофаза қилиш қайси қонун билан тартибга солинади ва унинг вазифалари нималардан иборат?

Ўзбекистон Республикасида 1993 йил 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш тұғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Сувга доир муносабатларни тартибга солиш, аҳоли ва ҳалқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланишдан, сувни буғланиш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг заарарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этиш, сув обьектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, дехқон

хўжаликлари ва фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш  
ана шу қонуннинг вазифасидир.

#### **461. Сувнинг ифлосланиши деганда нимани тушунасиз?**

Сувнинг ифлосланиши деганда, саноат корхоналари, майший коммунал хўжалиги, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги корхоналаридан чиқариладиган чиқиндилар, нефт ва мойловчи маҳсулотлар, ўсимлик ва ҳайвонот қолдиқларининг сувга аралашуви натижасида унинг кимёвий таркиби, органолептик кўрсаткичлари (таъми, мазаси, ҳиди, ранги), физик хоссалари (сувнинг қаттиқлиги, шурланиш даражаси, зичлиги, электр ўтказувчанлиги ва б.) нинг ўзгариши тушунилади.

Дунё океанларига йилига 10 млн тонна нефт ва 71 % дан кўпроқ ифлослантирувчи моддалар дарё сувлари билан бирга келиб кўшилади. Шундан 2 млн тоннасини марганец, 2-3 млн тоннасини қўрошин бирикмалари, 6,5 млн тоннасини фосфорли бирикмалар ва 320 млн тоннасини эса темир бирикмалари ташкил этади.

Уртacha қувватга эга бўлган битта қоғоз комбинати 2 млн нафар аҳолига эга бўлган шаҳар оқова сувлари миқдорига тенг чиқиндига эга.

Автотранспорт корхоналари, нефт ва газни қайта ишлаш корхоналари очик сув ҳавзаларини нефт маҳсулотлари (бензин, керосин, автол, нигрол ва б.) билан ифлослантиради. Бир тонна нефт маҳсулоти океан сувига тушганда, сув юзасида  $12 \text{ км}^2$  майдонда мой пардасини ҳосил қиласи. Натижада сув таркибида кислород миқдори кескин камайиб, сувдаги тирик организмларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлади.

**462. Маълумки, кўпгина ҳолатларда ишлатилган сув очик сув ҳавзаларига оқизилади. Аммо қайси ҳолатларда корхонада ёки сув ҳавзаси атрофида фавқулодда ҳолат эълон қилиниши мумкин?**

Агар 2 сутка давомида очик сув ҳавзаларига оқизилаётган оқова сувларнинг микдори белгиланган меъёrlарга нисбатан 20-29 баравар ошиб кетса ёки 8 соат вақт давомида заҳарли моддаларнинг микдори 30-45 баравар ошиб кетса, корхонада фавқулодда ҳолат эълон қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларда корхонада иш фаолияти тұхтатилади, зудлик билан фавқулодда ҳолатни бартараф этиш учун экологик, эпидемологик ва бошқа чоратадбирлар режаси тузилади ва салбий оқибатлари бартараф этилади.

Бундан ташқари, сув ҳавзалари учун фавқулодда ҳолат баллар орқали белгиланади. Агар сув ҳавзаларининг ифлосланиши 4 баллдан ошиб кетса, у юқори даражада ифлосланган ҳисобланади.

Агар сув таркибида эриган кислороднинг микдори 2 мг/л дан кам бўлса, эриган органик моддаларнинг микдори 60 мг/л ни ташкил этса ва сув манбаларига оқизилган нефт маҳсулотлари қопланган парда майдони 2-6  $\text{км}^2$  ташкил этганда, фавқулодда ҳолат эълон қилинади.

Ифлос оқова сув таркибида эриган моддалар канцероген заҳарли моддалар (маргимуш, цианид, хром, калий, мис, қўргошин, симоб ва б.), радиоактив элементлар (уран, сезий, кобалт ва б.), инфекция тарқатувчи бактериялар ва муаллақ моддалар бўлиши мумкин. Бир литр оқова сув таркибида бундай моддаларнинг микдори 100-1150 мг бўлиши мумкин.

## **9.14. Сув заҳираларини назорат қилишнинг хуқуқий асослари (463-470)**

### **463. Сувни тежашнинг қайси усуllibарини биласиз?**

Сувни тежашнинг 4 та йўли бор: сув таъминотининг берк системасини яратиш, яъни сувни айланма ишлатиш, сув ўрнига ҳаво билан совутиш, чиқинди сувларини тозалаш ва улардан қайта фойдаланиш, сув ўлчагичлар ўрнатиш.

### **464. Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви қандай тартибда амалга оширилади?**

Авваламбор, шуни эслатиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ти қонунининг 4 - моддасида давлат сув фонди ва унга эгалик қилиш масалалари ўз аксини топган.

Дарёлар, кўллар, сув омборлари, ер усти сув ҳавзалари, канал ва ҳовуз сувлари, ер ости сувлари ва музликлар республиканизнинг ягона сув фонди ҳисобланади.

Давлатлараро дарёлар (Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлар) дан фойдаланиш хуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади.

Сув - Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки-умуммиллий бойлик ҳисобланади, у давлат томонидан қўриқланади.

Сувдан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, шунингдек, бу соҳада маҳсус ваколатли бўлган ҳамда сувдан фойдаланишни бевосита ёки ҳавза (худудий) бошқармалари орқали тартибга солиб турувчи давлат органлари ва бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

**Қонуннинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (ер усти**

сувлари), Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси (ер ости сувлари) ҳамда Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончилийда ишларнинг хатарсиз олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси (ер ости иссиқ сувлари ва минерал сувлар) ўз ваколатлари доирасида сувдан фойдаланиши тартибга солиш соҳасида маҳсус ваколатли бўлган давлат органлари ҳисобланадилар.

**465. Сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масаласи қандай ҳал этилади?**

Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонунида, маъмурий, меҳнат, жиноят ва фуқаролик кодексларида мазкур муаммо билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликлар белгиланган.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» ги қонуннинг 114 ва 115-моддаларига асосан, қуйидаги ҳолатларда айбдор бўлган шахслар маъмурий, жиноий ва ўзга тарздаги жавобгарликка тортиладилар.

1. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқага бериш, ҳамда давлатнинг сувга эгалик қилиш ҳуқуқини ошкора ёки яширин шаклда бузадиган бошқа битимларни тузиш.

2. Юқорида кўрсатилган битимларни тузишда айбдор бўлган шахслар, шунингдек, сув обьектларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ёки сувдан ўзбошимчалик билан фойдаланиш.

3. Сувдан фойдаланиш лимитларини бузган ҳолда сув олиш.

4. Дарёларни булғаш ва ифлослантириш.

5. Сувни булғаш ва ифлослашнинг ёки сув етказадиган заарарли таъсирнинг оддини оладиган иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган корхоналарни, коммунал обьектларни ва бошқа обьектларни ишга тушириш.

6. Сувдан (сув объектларидан чиқариб ёки ажратиб олинган сувдан) хўжасизлик билан фойдаланиш.
7. Сув ҳавзаларида сувни муҳофаза қилишни бузиб, унинг булғанишига, тупроқни сув ювиб кетишига ва бошқа зарарли ҳодисалар рўй беришига сабаб бўлиш.
8. Сув ҳўжалиги иншоотлари ва қурилмаларига шикаст етказиш ва уларни бузиш.
9. Сув ҳўжалиги иншоотларини ва қурилмаларини ишлатиш қоидаларини бузиш.
10. Сувнинг ҳолатига таъсир қилувчи тўсиқлар, насос станциялари ва бошқа иншоотларни ўзбошимчалик билан қуриш.
11. Сув ҳақи ва сувдан фойдаланиш қоидаларини бузганилик учун солинадиган жарималарини ўз вақтида туламаслик.
12. Режаларда кўзга тутилиб, сувни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишидан сақлашни, шунингдек, сув ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи технология, гидротехника, ўрмон-мелиорация, санитария-техника тадбирлари ва бошқа тадбирларни амалга оширмаслик.
13. Сувни водопровод ва канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаш.
14. Фойдаланиш ва кузатиш қудукларини йўқ қилиб ташлаш ёки уларга зарар етказиш.
15. Сув қудукларини бургилашнинг белгиланган қоидалари ва технологиясини бузиш.
16. Сувни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмаларини қуришнинг меъёрий муддатларини барбод қилиш.
17. Қурилиши тугатилмаган сувни муҳофаза қилиш иншоотларини уларнинг самарали ишлашига салбий таъсир

этувчи кам-қустини битирмай ва лойиҳадан четга чиқишлар билан фойдаланишга топшириш.

18. Сувни муҳофаза қилиш теграларига риоя этмаслик.

19. Сувдан фойдаланганлик ҳақидаги давлат хисоботларни тақдим этмаслик ёки ушбу маълумотларни бузиб кўрсатиш.

20. Табиятни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширувчи органларнинг кўрсатмаларини бажармаслик.

21. Алоҳида қуриқланадиган сув объектлари режимини бузиш.

**466. Сув заҳираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик мавжуд?**

1993 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ти кодекси қабул қилинган бўлиб, унинг 72-моддасига асосан, сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув йигувчи иншоотларда сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш-фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1/3 қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса-бир бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналарни, коммунал ва бошқа объектларни сувларининг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатларини олдини олувчи иншоотларсиз ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек, сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш-mansabдор шахсларга, энг кам иш ҳақининг бир бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш, ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув

ўзичиқадиган қудуқларни тартибга солинадиган қурилмалар билан жиҳозлаш, шунингдек, ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялаш ёки йўқ қилиш чораларини кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда сувнинг ифлосланиши ёки сифати ёмонлашиши манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалик иншоотлари ва бошқа обьектларни жойлаштириш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг  $\frac{1}{2}$  қисмидан 1 бараваригача, мансабдор шахсларга эса-1 бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса - фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса -3 бараваридан 7 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**467. Одатда, сувдан фойдаланувчилар томонидан сувдан фойдаланиш қоидалари қўпол равища бузилади.**

**Ана шу ҳатти-ҳаракат учун жавобгарлик қандай белгиланган?**

“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ти кодекснинг 74-моддасига асосан, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, гидротехника ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сувдан фойдаланиш лимитлари ва режаларини бузган ҳолда сув олиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган сув манбаларидан сув олиш – фуқароларга энг кам иш ҳақининг  $\frac{1}{3}$  қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса -1 бараваридан 3 бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай хуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг 1 баравари-дан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**468. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш  
қоидаларини бузганлик учун қандай маъмурий  
жавобгарлик мавжуд?**

Сув обьектларидан олинадиган ва қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек, давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш – мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг 1 бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Худди шундай хуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, - мансабдор шахсларга 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорда жарима солишга мажбур бўлади (Конуннинг 75 моддаси).

**469. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилишларини  
шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини  
бузганлик учун қандай маъмурий жавобгарлик  
белгиланган?**

"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодекснинг 76-моддасига мувофиқ, сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, - энг кам иш ҳақининг 1/3 қисмидан 1 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш,-mansabדור шахсларга

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан 3 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**470. Сув ва сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузганлик учун қандай жиноий жавобгарлик белгиланган?**

Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, жиноят ҳисобланади. 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекиснжн Республикаси Жиноят кодекси"нинг 203-моддасига асосан – энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима солинади ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ, ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**9.15. Арнасой кўлларидағи экологик муаммолар (471, 472)**

**471. Арнасой кўллари қаерда ва қандай пайдо бўлган?**

**472. Арнасой кўлларидағи экологик муаммо нимадан иборат?**

1969 йили Сирдарё (Чордара сув омбори) дан Жиззах вилояти ҳудудларига  $21 \text{ км}^3$  сув оқизилди. Натижада умумий майдони  $2175 \text{ км}^2$  teng бўлган Арнасой кўллари (Арнасой, Айдар ва Тузкон кўллари) пайдо бўлди.

Арнасой кўлларига Мирзачул ва Жиззах кўлларидан иилига  $2,0\text{-}2,5 \text{ км}^3$  оқова сувлари зовурлар орқали келиб тушади. Кўлларга оқова сувлари билан биргаликда 25 минг тонна тузлар ва заҳарли моддалар келиб қўшилади.

Ўтган асрнинг 70 - йилларининг охирига келиб, Чордара сув омборидан чучук сувларнинг Арнасой кўлларига келиб қўшилиши тұхтатилди. Натижада Арнасой кўлларидағи сувнинг сатҳи 4 м га пасайиб кетди. Сув

таркибидаги тузларнинг миқдори эса, Тузкон кўлида ҳар 1 л сувда 10-11 г ва Айдар кўлида 14-15 г га етди.

Сув ҳавзасидаги биологик салоҳиятни сақлаб қолиши мақсадида Айдар ва Тузкон кўллари туташган жойида маҳсус тусиқ-дамба ва сув ўтказувчи йўлак қурилди. Натижада 80-йилларга келиб, кўлларга келиб қўшиладиган минераллашган сувларнинг миқдори барқарорлашди, сув майдони эса  $237 \text{ м}^2$  ни ташкил этди. Кўлларда балиқчилик ривожланди. 1985 йилда кўллардан 4129 тонна балиқ овланган.

Аммо кейинги йилларда кўллардаги экологик шароит уларга оқизилаётган минералларга ва тузларга бой бўлган зовур сувлари ҳисобига салбий томонга ўзгариб борди. Натижада 90-йилларга келиб, кўллардан балиқ овлаш ҳажми кескин қискарди.

1993 йилдан бошлаб, Қирғизистон Республикаси худудида жойлашган Тухтағул сув омборидан қиш пайтида электр энергия олиш мақсадида ишлатилган сувлар қўйиб юборилмоқда. Натижада Сирдарёда сув миқдори кескин кўпайиб кетди. Сирдарёнинг қуи қисмида дарё ўзанининг музланиши ва саёzlаниши оқибатида Чордара сув омборидан Арнасой кўлларига яна сув қўйила башланди. Сунгти йилларда Чордара сув омборидан Арнасой кўлларига қарийб  $27 \text{ км}^3$  дарё сувлари келиб қўшилди. Натижада сув сатҳининг мутлақ баландлиги  $245,15 \text{ м}$  ни, сув ҳажми  $36,45 \text{ км}^3$  ни, сув майдони эса  $3299 \text{ км}^2$  ни ташкил этди. Оқибатда 134 минг гектар майдондаги яйловларни сув босиб, узунлиги 44 км электр энергиясини узатиш линиялари ва  $61 \text{ км}^2$  коллектор ҳавзалари ишдан чиқди, Нурато-Боймурот йўналишидаги  $3,5 \text{ км}$  йўлларни сув ювиб кетди. Навоий вилоятининг Конимех ва бошқа туманларидағи айрим яйловлар сув остида қолиб кетди.

Бундан ташқари, Арнасой кўллари бўйидаги гидрофил ўсимликларни сув босиши оқибатида, кўлларнинг ўз-ўзини табиий тозалаш жараёнлари издан чиқиб, ўтхўр балиқларнинг озуқа манбаи катта зарап кўрди ва натижада кўллардан балиқ овлаш кескин камайиб қолди.

Мутахассисларнинг ҳисоб - китобларига қараганда, агар кўлларга Чордара сув омборидан  $1,5 \text{ км}^3$  дан кўпроқ сув оқизилса, янги-янги ерларни сув босиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ушбу миқдордан ошган ҳар  $1 \text{ км}^3$  сув унинг баландлигини  $0,2\text{-}0,3 \text{ м}$  га кўтаради ва  $50\text{-}70 \text{ км}^2$  майдонларни сув босиши мумкин.

Бундан ташқари, Арнасой ботифининг бундан буён сув билан тўлдирилиши Мирзачўлдаги минераллашган сувларни оқизиб келаётган коллекторларнинг кўлга келиб қуийладиган жойидаги нишабини янада кисқартириб юборади. Бу эса Мирзачўл ва Жиззах чўлларининг мелиоратив ҳолатини янада ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Бунинг устига, Арнасойдаги мавжуд сувларнинг сатҳи пасайган тақдирда ҳам, сувдан бўшалган ерларни, яъни ботқоқ ерларни рекултивация қилиш ишлари кўп моддий маблағларни талаб қиласи ва узоққа чўзилиб кетади.

Арнасой кўллари билан боғлиқ экологик муаммоларнинг энг ачинарли ва мантиққа зид томони шундан иборатки, Орол дengизи борган сайин қуриб, бир томчи сув олtinga тенг бўлган бир пайтда, республикамиз миқёсида ниҳоятда катта сув миқдори бекорга исроф бўлиб, янги-янги иқтисодий-ижтимоий ва экологик муаммоларни вужудга келтирмоқда. Бу эса, табиат инъомларига нисбатан лоқайдлик ва беписандликнинг ёрқин намунасиdir!

Арнасой кўллари экологик муаммоларини самарали эчими давлатлараро аҳамиятга моликдир. Бунинг учун трансчегара (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон) сув ресурсларидан оқилона, адолатли фойдаланиш лозим.

## 9.16. Сарез кўлидаги экологик муаммолар (473,474)

### 473. Сарез кўли қаерда жойлашган ва қандай пайдо бўлган?

Сарез кўли Тоҷикистон Республикаси Мурғоб воҳаси (Тоғли Бадаҳшон автоном вилоятида, яъни Помир) да жойлашган. 1911 йил 19 дан 20 феврал ўтар кечаси 9 баллик зилзила содир бўлиб, Мурғоб воҳасидаги Усой қишлоғида яшаб келаётган 200 та хонадон ер остида қолиб кетди. Натижада ҳажми 3 км<sup>3</sup> бўлган тоғ жинслари кўчиб, дарё оқимини кўмиб ташлади. Зилзила тоғнинг қулаши (ўпирилиши) га сабаб бўлган-ми?, ёки, аксинча, тоғнинг ўпирилишидан зилзила вужудга келган-ми?, деган саволга ҳозиргача олимлар ўртасида аниқ жавоб йўқ.

Табиий ҳолда пайдо бўлган Усой сув тӯғонининг ўзунлиги 3 км ва баландлиги 550 м ни ташкил этади. Тӯғоннинг орқасида ёғингарчиликлар туфайли қор ва музликлар эриб, ҳамма вақт тоза сув йиғилиб туради.

Мана шу фожиадан 30 йил ўтгандан кейин Сарез кўли пайдо бўлди.

Сарез кўли дengиз сатҳидан 3 км баландликда жойлашган бўлиб, унинг узунлиги 70 км, кентлиги 3 км ва чуқурлиги 500 м дан ошади. Таққослаш учун эслатиб ўтамиз: Орол дengизининг чуқурлиги 16 м ва энг чуқур жойи 68 м ни ташкил этади.

Сарез кўлига эриган қор ва музликлар ҳисобига секундига 50 м<sup>3</sup> сув кўчкайлардан ўтиб, табиий ҳолда филтраниб келиб қўшилади ва қарийб шунча сув тупроққа шимилади ва ҳавога буғланиб туради. Мана шу йўл билан экологик мувозанат сақланиб турилади.

#### **474. Сарез кўли Марказий Осиё халқлари учун қандай экологик хавф солиши мумкин?**

Сарез кўли нафақат Тожикистон халқлари ҳаётида, балки бутун Марказий Осиё халқлари ҳаётида мисли қурилмаган экологик муаммони вужудга келтирмоқда. Гап шундаки, баландлиги 550 м бўлган Усой сув тӯғонида табиий ҳодисалар (масалан, зилзила) туфайли тешик ёки ёришма пайдо бўлиб қолгудек бўлса, 3 км баландликдан оқиб тушадиган сув нафақат тожик халқларини, балки Марказий Осиёда яшаб келаётган барча халқларни ер юзидан йўқ қилиб юбориши мумкин.

Хозирги пайтда, олимлар орасида "Сарез кўли сувларини Орол денгизига оқизиш ва шу билан Орол муаммосини эчиш мумкин!" деган ғоялар мавжуд. Ушбу ғояларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб шуки, дунёга машҳур Сарез кўлида йигилган сувнинг миқдори тахминан Норак сув омборидаги сув ҳажмига tengdir. Дарҳақиқат, агар Сарез кўлининг узунлиги 70 км, эни 3 км ва чуқурлиги 500 м ни ташкил этса, унда кўлда йигилиб қолган сувнинг ҳажми 100 км<sup>3</sup> дан ошади. Шунинг учун кўпгина олимлар Сарез кўли сувларини Орол денгизига оқизиш тарфдори бўлганлар. Лекин табиатнинг бирон-бир обьектини (экотизим камчилигини) бошқа обьект ёки экотизим афзаллиги ҳисобидан бартараф этиш ёки муҳофаза қилиш мумкин эмаслиги экология тарихидан маълум, чунки бунда табиий мувозанат бузилиши мумкин.

Сарез кўли сувларини Орол денгизига оқизиш нафақат Тожикистонда, балки Марказий Осиё минтақасида иқдим ўзгаришига олиб келиши мумкин.

Сарез кўлига энергия манбаи ёки энергетик иншоот сифатида қараш ҳам калтабинлик ҳисобланади. Чунки, Марказий Осиё минтақасида Сарез кўлидай ўсимликлар

ва ҳайвонот турларига бой ва уларни муҳофаза қилиб биладиган табиий баланд тоғли қўриқхона мавжуд эмас!

Бундан ташқари, Амударё сув оқимини мунтазам сақлаб туришга ва Орол денгизи муаммосини ечишга Сарез кўлининг аҳамияти бекиёсdir. Сарез қули атрофида миллий боғлар ва дам олиш масканлари барпо этиш, нафақат Помирнинг табиий потенциалини, балки Орол ҳавзасининг экологик мувозанатини сақлашда катта ёрдам беради.

Хозирги пайтда Халқаро аҳамиятга эга бўлган қўйидаги 3 та Халқаро ҳуқуқий меъёрлар мавжуд.

1. 1966 йилда Хелсинки шаҳрида қабул қилинган "Халқаро дарёлар сувларидан фойдаланиш қоидалари".

2. 1992 йил 18 сентябрда Хелсинки шаҳрида қабул қилинган "Трансчегара очиқ сув оқимлари ва Халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича Конвенция".

3. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 21 майда қабул қилинган "Халқаро сув оқимларидан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида" ги Конвенция.

Ушбу меъёрий ҳужжатларда трансчегаравий сувлардан оқилона ва адолатли фойдаланиш, бу борада трансчегаравий таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатилиши мумкин бўлган фаолиятни амалга оширишда уларнинг трансчегара хусусиятларини алоҳида ҳисобга олиш зарурлигини кўриб чиқишини талаб этади.

Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда сув ҳужвалиги бўйича Давлатларaro мувофиқлаштирувчи комиссия тузиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасида сув заҳираларидан ўзаро манфаатли фойдаланиш бўйича маҳсус Шартнома қабул қилиниши лозим. Ушбу Шартномада сув заҳираларини самарали тақсимлаш, улардан унумли фойдаланиш стратегияси, трансчегаравий сув ҳавзаларида экологик мақбул шароитларни яратиш ва таъминлаш бўйича мамлакатларнинг мажбуриятлари ва ишлаб чиқилган чоратадбирлари ўз аксини топиши лозим.

## **Х - БОБ. ТАБИЙ РЕСУРСЛАР. ЧИҚИНДИСИЗ ВА КАМ ЧИҚИНДИЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

### **10.1. Табиий ресурсларнинг таснифи ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари (475 - 481)**

**475. "Ресурс" атамасиннг луғавий маъноси нима?**

Аслида, "ресурс" сузи француз тилидан олинган бўлиб, «яшаш воситаси» деган маънони билдиради.

Ресурс деганда, табиий жисмлар ва фойдаланадиган энергия турлари тушунилади.

**476. Табиий ресурс деб нимага айтилади?**

Табиий ресурслар инсоннинг яшashi учун зарур бўлган шундай воситалардирки, улар жамиятга бевосита эмас, балки ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситалари орқали таъсир этади.

Табиий ресурслар тушунчасини кўпгина олимлар турлича таърифлаганлар. Масалан, географ олимларнинг фикрларича, «табиий ресурслар»- киши бевосита табиатдан оладиган ва уларнинг яшашлари учун зарур бўлган хилма-хил воситалардир.

Проф. Ю.Г Саушкин эса, «электр энергия олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиши мумкин бўлган табиий компонентларни ва саноат учун хом-ашёларни» табиий ресурслар деб таърифлайди.

**477. Табиий ресурслар гуруҳига нималар киради ва  
уларни қандай таснифлаш мумкин?**

Табиий ресурслар гуруҳига сув, атмосфера ҳавоси, усимлик ва ҳайвонот дунёси, маъданлар, энергия ва ёқилғи манбалари (Қуёш, кўмир, нефт, газ) киради.

Географ олим А.А.Минцнинг фикрича, «табиий ресурслардан фойдаланиш шакллари ва йўланишларига қараб, уларни иқтисодий жиҳатдан синфларга бўлиш керак». Яъни, табиий ресурслар моддий ишлаб чиқаришнинг асосий секторларида ва ишлаб чиқаришдан ташқари сферада фойдаланишига қараб гурухларга ажратилади.

Табиий ресурслар кишиларнинг яшаши учун зарур бўлган манбаларга ва меҳнат воситалари манбаларига бўлинади. Демак, табиий ресурслар 2 та асосий гурухларга бўлинади:

**А-гурӯҳи-** моддий ишлаб чиқариш ресурслари. Бу гурухга ёқилғи маҳсулотлари, металлар, қурилиш материаллари, сув, озиқ-овқат маҳсулотлари киради.

**Б-гурӯҳи-** ишлаб чиқаришдан ташқари сферадаги ресурслар.

Бу гурухга ичимлик суви, дарахтзорлар, иқлим, ресурслари ва бошқалар киради.

#### 478. Табиий ресурсларнинг қайси турларини биласиз?

**Табиий ресурслар миқдорига қараб, 2 турга бўлинади.**

1. Тугайдиган табиий ресурслар.
2. Тугамайдиган табиий ресурслар.

Тугайдиган табиий ресурслар, ўз навбатида, 2 гурухга бўлинади.

1. Тикланадиган ресурслар.
2. Тикланмайдиган ресурслар.

**Тикланмайдиган** табиий ресурслар гурухига ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар, яъни маъданли ва маъдансиз қазилмалар киради.

Эслатиб ўтиш керакки, маъдан (руда) деб, таркибида ишлаб чиқаришга етарли даражада металлар бўлган қазилмаларга айтилади.

Тикланмайдиган табиий ресурслар фойдаланиш тезлигига нисбатан миллион-миллион маротаба секин тикланадиган табиий ресурслар ҳисобланадилар. Демак, бундай ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш керак.

Тикланадиган табиий ресурслар гуруҳига тирик мавжудот, ўсимлик ва ҳайвонот, шунингдек тупроқ ва дарахтзорлар киради. Тупроқ йўқ бўлиб кетмайди, балки асосий хоссаси-унумдорлигини йўқотиши мумкин. Бундай ресурслардан фойдаланаётганда, шуни эсда тутиш керакки, муайян табиий шароитнинг бузилиши уларнинг қайта тикланишига халақит бериши мумкин. Масалан, ҳозирги пайтда бутунлай қирилиб кетган қўпгина ўсимлик ва ҳайвонот турлари, шунингдек эрозия туфайли бутунлай таркиби бузилган тупроқлар қайтадан тикланмайди.


Бундан ташқари, шуни ҳам ёдда тутиш керакки, тикланадиган табиий ресурсларнинг пайдо бўлиш жараёни маълум тезликка эга бўлиши керак. Масалан, отиб ташланган ҳайвонларнинг қайтадан пайдо бўлиши учун бир ёки бир неча йиллар керак. Аммо дарахтлари кесилган ўрмон камида 60 йилдан кейин қайта тикланиши мумкин.

Ер қобигида тупроқнинг унумли ва ҳосилдор қатламини ҳосил қилиш жараёни ниҳоятда секинлик билан кечади. 100 йилда 0,5 см дан 2 см гача тупроқ ҳосил бўлади. Таркиби ўзгарган тупроқнинг яхшиланиши учун эса бир неча минг йил вақт керак. Қалинлиги 20 см унумдор тупроқ ҳосил қилиш учун, табиат 2000 йилдан 7000 йилгача вақт сарфлайди. Шунинг учун табиий ресурсларнинг ишлатиш тезлиги уларнинг тикланиш тезлигига teng бўлиши керак.

Акс ҳолда ҳар қандай тикланадиган табиий ресурс тикланмайдиган табиий ресурсга айланиб қолиши мумкин.

Тугамайдиган табиий ресурслар гурухига сув, иқлим ва космик ресурслар киради.

Табиий ресурсларнинг таснифи (синфларга бўлиниши) куйидаги 10.1 - расмда кўрсатилган.



10.1 – расм. Табиий ресурсларнинг таснифи.

**479. Нима учун атмосфера ҳавоси ва сув ҳам тугайдиган ва ҳам тугамайдиган ресурслар гурухига киритилган?**

Атмосфера ҳавоси тирик организмлар учун ҳаёт манбаидир. Ҳаво миқдор жиҳатидан олганда, битмас-туғанмас табиий ресурсларидир, аммо унинг таркиби ўзгариши мумкин. Ҳаво таркибида азот, углерод, олтингугурт оксидлари, радиоактив моддалар, чанглар, тузлар ва бошқа моддалар мавжуд. Бундай ифлосликларни саноат корхоналари ва транспорт воситалари ҳавога чиқармоқда.

Шунинг учун, миқдор жиҳатдан олганда, атмосфера ҳавоси тугамайдиган табиий ресурслар гурухига киради. Аммо сифат жиҳатидан олганда, у тугайдиган табиий ресурслар гурухига киради.

Сув барча тирик организмлар учун ҳаёт манбаи бўлиб, у табиатда 3 та агрегат ҳолатда: қаттиқ (муз), суюқ ва газ (буғ) учрайди.

Дунёдаги сувларнинг 94% океанлардадир. Бироқ, бевосита фойдаланишга яроқли бўлган ичимлик сувининг заҳиралари 1-2 % дан ошмайди. Битмас туганмас ҳисобланган океан ва дентиз сувлари ҳам ўша ифлосланиш ҳавфи остида турибди. Чучук сув эса, сифат жиҳатидан тугайдиган табиий ресурс ҳисобланади, чунки инсонга ҳар қандай сув эмас, балки истеъмол қилишга яроқли тоза сув керак.

Эслатиб утиш керакки, тугамайдиган табиий ресурслардан самарали ва оқилона фойдаланиш, уларни тоза сақлаш ва, энг аввало, сувни тежаб-тергаб сарфлаш мақсадга мувофиқдир. Сув ресурслари чекланган Марказий Осиё минтақасида сувни эҳтиёт қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчи бўлиши керак!

#### 480. Ҳом-ашё деб нимага айтилади?

#### 481. Даствабки материал деб нимага айтилади?

Саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган барча моддаларга, ҳом-ашё деб аталади. Бошқача қилиб атйганда, саноатда қайта ишлаб чиқиладиган табиий материалга, ҳом-ашё дейилади.

«Ҳом-ашё» ва «даствабки материал» тушунчаларини бир-биридан фарқ қилиш керак.

Табиий хом-ашё, ярим тайёр маҳсулот, оралиқ маҳсулот, құшимча маҳсулот, иккиламчи маҳсулот - дастлабки материал бұла олади.

Келиб чиқишига қараб, кимё саноати хом-ашёлари 3 турға бүлинади.

1. Минерал хом-ашё.
2. Ұсимлик дунёси ҳосил қилған хом-ашё.
3. Ҳайвонот дунёси ҳосил қилған хом-ашё.

Хом ашёларни агрегат ҳолатига қараб, 3 гурухға булиш мүмкін.

1. Қаттиқ хом-ашёлар (маъдан, күмир, минераллар).
2. Суюқ хом-ашё (нефт).
3. Газсимон хом-ашё (газ, буғлар).

Минерал хом-ашёлар эса 2 гурухға бүлинади.

1. Маъданли (руда) минерал хом-ашёлар.
2. Маъдансиз хом-ашёлар.

Таркибида ишлаб чиқаришга етарли даражада металлар сақлаган қазилмаларға, маъданли минерал хом-ашёлар дейилади.

Таркибида металл сақланмаган қазилма бойликларға, маъдансиз хом-ашёлар дейилади. Масалан, нефт, газ, углеводородлар ва шунға үхшаган бир қатор қазилма бойликлар маъдансиз хом-ашёлар гурухига киради.

Органик хом-ашёлар қазилмалар (торф, күмир, нефт, газ) дан, ҳамда ұсимлик ва ҳайвонот оламидан олинади. Ұсимлик ва ҳайвонот оламидаги хом-ашёлар асосан қишлоқ хужалик тармоқларидан, үрмөнчилик ва балиқчилик хужаликларидан олинади.

## **10.2. Ўзбекистон Республикасининг минерал ҳомашё ресурслари (482-495)**

### **482. Ўзбекистон Республикаси қайси фойдали қазилма бойликларга эга? Фойдали қазилмалар гурухига нималар киради?**

Ўзбекистон Республикаси ниҳоятда катта қазилма бойликлар заҳирасига эга. Мамлакат миқёсида 2800 дан ортиқ фойдали қазилмаларнинг истиқболли конлари аниқланган. Ушбу конларда минерал ҳом-ашёларнинг 118 тури аниқланган. Шундан 48 таси нодир металлар, 43 таси ноёб металлар, 43 таси нодир, камёб ва радиоактив металлар, 5 таси қора металлар, 3 таси кўмир ва бошқа кўпгина қазилма бойликларнинг конлари ташкил этади. Ушбу конлардан ҳар йили қиймати 5,5 млрд АҚШ долларига teng ер ости бойликлари қазиб олинади. Ўзбекистон Республикасида аниқланган фойдали қазилмаларнинг умумий қиймати 3,3 млрд АҚШ доллари га teng деб баҳоланмоқда. Фақатгина нефт ва газ заҳирасининг қиймати 1 млрд АҚШ долларига teng. Ҳозирги пайтда Республикамизда таркибида металл сақланган 400 дан ортиқ маъданли, 450 та ичимлик ва шифобахш сув конларидан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон заминида қимматбаҳо металларнинг катта заҳираси мавжуд. Унинг ҳудудида қимматбаҳо рангли металларнинг 32 турлари топилган бўлиб, улар 32 та конлардан қазиб олинади.

Фойдали қазилмалар гурухига маъданли (металл) ва маъдансиз ҳом-ашёлар (нефт, газ, кўмир, торф) ва ер ости сувлари киради. Улар инсоният учун ёқилғи ва энергия манбай ҳисобланади. Агар сўнгги 25 йил мобайнида дунёда кўмирга бўлган эҳтиёж 2 маротаба, калий, марганец ва фосфор тузларига 2-3 маротаба, темирга 3 маротаба, нефт

ва газга 6 маротаба ошган бұлса, шу давр давомида аҳоли сони 40 % ға ошди.

### 483. Дунё миқёсида йилига қанча минерал хомашёлар қазиб олинади?

Хозирги пайтда дунё миқёсида **йилига 150 млрд тонна** минерал хомашёлар қазиб олинмоқда. Табиий нураш оқибатида дарёлар орқали денгиз ва океанларга **йилига 15 млрд тонна** тоғ жинслари оқиб қүшилмоқда ва **3-4 млрд тонна** заарли чанглар атмосфера ҳавосига кутарилмоқда. Япония олимларининг маълумотларига қараганда, океан сувига эриган ва унинг тубидаги металлардан саноатда **1-20 %** қўлланилади, холос.

Инсон уз эҳтиёжларини қондириш мақсадида **йилига 1500-2000 млрд тонна** тоғ жинсларини бир жойдан иккинчи жойга кучиради. БМТ нинг маълумотларига қараганда, дунёда **йилига 2,6 млрд тонна** нефт, **3,6 млрд тонна** хром маъдани, **3-4 млрд тонна** қўрғошин маъдани, **6 млрд тонна** темир маъдани, **7-3 млрд тонна** мис маъдани, **32 млрд тонна** қўмир, **1,2 млн тонна** уран, симоб, молибден, никел, кумуш, олтин ва платина маъданлари, **120 млн тонна** фосфатлар ва **159 млн тонна** туз қазиб олинмоқда.

Агар қазилма бойликларидан ҳозирги тезлик билан фойдаланилса, олтин захиралари **30-35 йилда**, рух **36 йилда**, калий **40 йилда**, уран **47 йилда**, мис **66 йилда**, сурма ва симоб захиралари **70 йилда**, нефт, газ ва қўмир захиралари эса **150 йилда** тугаб қолиши мумкин.

Шунинг учун кўпгина ривожланган мамлакатлар (Япония, Англия, Олмония, Италия, Голландия, Белгия ва бошқа мамлакатлар) да хомашё ва ер ости бойликларининг этишмаслиги туфайли иккиласми чиқиндишларни қайта ишлаб, энергияга ва хомашёларга бўлган уз эҳтиёжларини қондириб келяптилар.

#### **484. Минерал хом-ашёларини қазиб олишда истрофгарчиликлар бўлиши табиий ҳолдир. Қайси соҳаларда истрофгарчиликлар кўпроқ бўлади?**

Дарҳақиқат, ер ости бойликлари асосан **1-2** металларни ажратиб олиш мақсадида қазиб олинади. Қолган қисми эса атроф-мухитга чиқинди сифатида ташлаб юборилади. Агар йилига дунё миқёсида **150** млрд тонна маъданлар қазиб олинса, улардан керакли элементлар ажратиб олингандан кейин, қолган **95-98 %** атроф – мухитга чиқарилиб ташланади.

Истрофгарчилик айниқса, нефт, газ, кўмир, калий тузлари, қурилиш материаллари, қора ва рангли металлар, тоғ кимёвий минерал хом-ашёларни қазиб олишда юз бермоқда.

Дунёдаги нефт конларидан ҳаммаси бўлиб, **50 – 60 %** нефт қазиб олинмоқда.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ер юзида миллионлаб тонна металлургия тошқоллари, иссиқлик электр станцияларидан чиқсан кўплаб чиқиндилар атроф – мухитни ифлослантирумокда. Ҳисоб – китобларга қараганда, **сўнгги юз йил** давомида дунёда **200** млрд тоннадан кўпроқ тошқоллар, **3** млрд тонна кобалт ва бошқа фойдали ва нодир металлар чиқинди сифатида тошқоллар ва қуйкумлар билан биргаликда чиқариб ташланган.

Қазилма бойликларини қидириб топиш, уларни ташиш ва қайта ишлаш жараённада ҳосилдор ерлар майдони қисқарайпти, ўсимликлар нобуд бўлиб, тупроқ эрозияси тезлашаяпти, натижада яроқсиз ерлар майдони кентгайиб бораяпти. Бундай яроқсиз ерларнинг майдони XXI асрга келиб **5-6** маротаба ошиши мумкин.

**485. Бир тонна темир, құрғошин, рух ва мис олиш учун қанча маъданлар ишлатилиши мүмкін?**

1 тонна темир олиш учун 5-6 тонна темир маъдани, 1 тонна құрғошин олиш учун 60-90 тонна құрғошин маъдани, 1 тонна рух олиш учун 80-100 тонна рух маъдани ва 1 тонна мис олиш учун 100-400 тонна мис маъдани ишлатилади.

**486. 100 тонна гранит чиқиндилаидан қайси элементларни олиш мүмкін?**

100 тонна гранит чиқиндилаидан 14 кг ванадий, 17 кг никел, 30 кг хром, 80 кг марганец, 0,5 тонна титан, 5 тонна рух ва 8 тонна алюминий ажратиб олиш мүмкін.

**487. Республикаизда нечта минерал хом-ашё турлари ва уларнинг конлари мавжуд?**

Ўзбекистон азалдан ер ости ва ер усти бойликларининг кўплиги ва хилма-хиллиги билан бошқа мамлакатлардан ажралиб туради.

Республикаизда 94 минерал хом-ашё турларининг 850 та конлари топилган. Ёқилги-энергетика конлари, тоб маъданлари, кимёвий хом-ашёлари, қурилиш материаллари ва ер ости сув конларининг аниқланган заҳиралари асосида 370 та нефт ва газ конлари, шахталар, карерлар ва 290 тадан зиёдроқ ер ости чучук сув иншоотлари ишлаб турибди.

Олтин заҳираси бўйича Ўзбекистон Республикаси дунёда 4-уринда (2 млн тонна соф олтин), уни қазиб олиш бўйича 7-уринда туради.

Олтин заҳиралари 3 та иқтисодий ҳудудда жойлашган.

1. **Қизилқум ҳудудида** Мурунтов, Кўкпатас, Триада, Ажибурут, Турбой, Мютенбой, Булуткон, Аристонтов, Балбантов, Бесапантов, Амонтойтов ва Даугизтов конлари

мавжуд. Мурунтов олтин кони XX асрнинг иккинчи ярмида топилган бўлиб, Евроосиёда энг йирик олтин кони саналади. Бу конда аффинаж йўли билан соф олтин олиш технологияси жорий этилган. Қазиб олинадиган олтиннинг тозалик даражаси энг юқори саналади (99,9999%). Бу кон Республикадаги олтиналарнинг 80% ни бериб келган. Ағдармага чиқариб ташланган маъданли тупроғини, яъни ишлаб чиқариш чиқиндиларини Американинг “Ньюмонт Майнинг Корпорейшн” компанияси қайта ишлаб, таркибидаги қолдиқ олтиналарни ажратиб олиб, чиқиндилар (тошқоллар) дан самарали фойдаланиш йўлини амалда исботлаб берди.

Кўкпатас олтин конидан ҳозиргача 40 тонна олтин олинди. Даугизтов ва Амонтойтов олтин конларининг умумий заҳираси 300 тоннага тенг деб баҳоланмоқда.

**2. Нурато ҳудудида** Зармитан, Маржонбулоқ, Гужумсой, Сармиш ва бошқа олтин конлари топилган бўлиб, ҳозирги пайтда Зармитан ва Маржонбулоқ конлари ўзлаштириляпти.

**3. Тошкентолди ҳудудида** Қизилолмасой, Гўзаксой, Кўчбулоқ, Қайрағоч, Каулди, Пирмираб каби олтин конлари топилган.

Ҳозиргача Республикамизда 26 та кумуш конлари топилган. Унинг 80 % дан ортиқ заҳираси Қолмақир конида жойлашган. Кумушнинг Дальнее, Учкулоч, Хондиза, Высоковольтное, Космоначи, Ўқжетпес ва бошқа конлари мавжуд. Бундан ташқари, Мурунтов, Кўчбулоқ, Қизилолмасой олтин конларидан ҳам кумуш олинади.

Ўзбекистон Республикаси уран заҳираси ва уни қазиб олиш бўйича дунёда 1 - 10 талик мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Уран конлари Учқудуқдан Нурободгача бўлган кент ҳудудларда жойлашган. Унинг асосий конлари Ляблака, Шимолий ва Жанубий Бўкиной, Зафаробод (илгариги Кўкча

кони) да жойлашган. Уран билан бирга рений, скандий, лантаноидлар ва бошқа нодир металлар (йўлдош элементлар) ҳам қазиб олинади.

Ўзбекистон ҳудудида 20 та мармар ва 15 гранит конлари топилган. Уларнинг умумий заҳираси 85 млн м<sup>3</sup> дан кўп бўлиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарни юзлаб йиллар давомида хом-ашё билан тъминланиши мумкин. Бу жихатдан Ўзбекистон Республикаси МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Фозон, Зарбанд ва Нурота конларида замонавий технология асосида мармар плиталари ва блоклари ишлаб чиқарилади.

Охирги йилларда Тошкент вилоятининг Қайрағчой ҳудудида топилган барит кони катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Бу конни ўзлаштирилиши чуқур қудуқларни пармалашда фойдаланиладиган ва ҳозиргача четдан сотиб олинаётган баритни ўзимиздан олиб ишлатиш имконини берди.

Натрий хлорид (NaCl) – ош тузи табиатда жуда кўп учрайди. Унинг асосий массаси дengiz ва океан сувида эриган ҳолда бўлади. Ош тузи табиий ҳолда оқ кристаллчалар шаклида кўпроқ учрайди. Ўзбекистон Республикасида 5 та иирик ош тузи конлари бор. Улар Хўжаикон, Тубакат, Борсакелмас, Бойбичакон ва Оққалъя конлари бўлиб, улардаги тузларнинг умумий заҳираси тахминан 90 млрд тоннага teng.

Ош тузининг ҳаётимиздаги аҳамияти жуда катта. Шу билан бирга ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларида ош тузидан кенг қўлланилади. Масалан, озиқ-овқат саноатида, консервалаш ишларида, хлоридлар олишда, хлор олишда, сода ишлаб чиқаришда, хлорид кислота ишлаб чиқаришда, натрий ва натрий гидроксид олишда, совун ишлаб

чиқаришда ва бошқа соҳаларда ош тузидан кенг қўлланилади.

Инсон 1 кунда тахминан 4-6 г, 1 йилда эса 2 кг ош тузи истеъмол қиласди. Демак, Республикаизда 34 млн нафар аҳоли яшашини инобатга олсак, фақатгина истеъмол қилиш учун 68000 тонна ош тузи керак бўлади. Дунёда эса 1 йилда 14 млн тонна ош тузи истеъмол қилинади.

Кашқадарё вилоятидаги Тубакат, Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон конларида юзлаб йилларга етадиган ош тузининг заҳиралари мавжуд.

Қўнгирот сода заводи Борсакелмас кони тузларини кимёвий усулда қайта ишлаб, калций ва каустик сода ишлаб чиқармоқда.

#### 488. Республикаизда углеводород ҳом-ашёларининг умумий заҳиралари қанча?

Республикаизниң 60 % ҳудуди нефт ва газ қазиб олиш учун истиқболли ҳисобланади ва уларнинг заҳираси 3 триллион Америка долларидан кўпроқ деб баҳоланмоқда. Айниқса, охирги йилларда Республикаизда нефт ва газ қазиб чиқариш, нефт маҳсулотлари, авиабензин, авиакеросин, мазут, дизел ёқилғиси ва нефт мойлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсади. Масалан, 1998 йилда 8,1 млн тонна нефт ва конденсат, 54,8 млрд м<sup>3</sup> табиий газ қазиб олинган бўлса, шундан 7,1 млн тонна нефт ва конденсат, 37,4 млрд м<sup>3</sup> газ қайта ишланиб, 270 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқилди.

Шуни унумаслик керакки, Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика заҳираларига бой мамлакатdir. Унда топилган табиий газ заҳиралари 2 трлн м<sup>3</sup> ни ташкил этмоқда. Фақатгина Кўқдумалоқ конлардаги газнинг

захираси 144 млрд м<sup>3</sup> га яқин, нефт захираси 54,2 млн тоннага яқин, газ-конденсат эса 67,4 млн тоннага тент. Ҳозирги пайтда 260 та нефт ва газ конлари аниқланган булиб, улардан 142 таси ишга туширилган. 1985-1994 йиллар давомида 38 та нефт ва газ конлари ишга туширилган эди. Булардан ташқари, нефт, газ ва газ-конденсат бўйича яна 155 та истиқболли конлар ҳам топилган. Текширишларнинг гувоҳлик беришича, Республикаизнинг 60% ҳудудида ероғи нефт ва газ қатламлари мавжуд. Бу қатламлар асосан 3 та минтақада жойлашган: Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий-Фарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғонада. Республикаизда олинаётган жами нефтнинг 90% дан ортиғи арzon йўл билан, яъни фавворалар усулида олинмоқда. Республикаизда аниқланган нефт захирасининг фақатгина 32 % ўзлаштирилди, холос. Бу кўрсаткич Қирғизистонда 41 %, Тожикистонда 60% ва Туркманистонда 61% ни ташкил этади.

Газ захираси-1828 млрд м<sup>3</sup> (башоратлар бўйича 2970 млрд м<sup>3</sup>).

Конденсат захираси-136 млн тонна (башоратлар бўйича 175 млн тонна).

Нефт захираси-103 млн тонна (башоратлар бўйича 145 млн тонна).

#### **489. Кўқдумалоқ нефт-газ конденсат конининг захираларини биласизми?**

Кўқдумалоқ нефт-газ конденсат конининг газ захираси 143,7 млрд м<sup>3</sup>, нефт захираси 54,2 млн тонна, конденсат захираси 67,4 млн тоннани ташкил этади.

#### **490. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводларининг йиллик қуввати қанча?**

Муборак газни қайта ишлаш заводи бир йилга 24 млрд  $m^3$  газни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, шундан 8,9 млн тонна нефт (конденсат билан биргаликда) ва 55,5 млрд  $m^3$  табиий газ қайта ишланади.

Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари йилига мос равища 2,5 млн тонна ва 3,5 млн тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга.

#### **491. Республикамиздаги тошкўмир конлари ва уларнинг заҳиралари ҳақида нималар дея оласиз?**

Республикамиз миқёсида 20 дан ортиқ тошкўмир конлари аниқланган бўлиб, уларнинг саноат аҳамиятига молик бўлган заҳиралари Ангрен, Шарғун ва Бойсунда жойлашган.

Кўмирнинг умумий заҳираси 2 млрд тонна бўлиб, унинг салмоғи бўйича Республикамиз Марказий Осиёда 2-ўринда туради. Кўмир Ангрен, Бойсун ва Шарғун (Сурхондарё вилояти) конларидан қазиб олинади. Кўмир билан бирга йўлакай хом-ашёлар: оҳактошлар, каолин, кварц қумлари ҳам олинади. Каолиндан қумтупроқ (алюминий оксиди), алюминий, ўтга чидамли материаллар, керамика (сопол), чинни, фаянс, плиталар, ранги цемент, ўтга чидамли ғишт каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Ангрен тошкўмир конининг заҳираси 1885 млн тонна бўлиб, ундан очиқ ҳолда йилига 5 млн тонна тошкўмир қазиб олинмоқда.

Шарғун ва Бойсун тошкўмир конларининг заҳиралари мос равища 50 млн тонна ва 15-16 млн тоннани ташкил этади.

Фаргона вилоятидаги Гаднауз құнғир күмир конининг захираси 30-35 млн тонна деб башорат қилинмоқда.

Ёнувчан сланецларнинг захираси 47 млрд тонна деб башорат қилинмоқда. Уларнинг таркибида 0,04 – 0,164 % молибден, 0,15-0,38 % ванадий, шунингдек, барий, стронций, кобалт ва бошқа нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

#### 492. Республикаизда нодир ва рангли металларнинг конлари ва уларнинг таркиби ҳақида нималар дея оласиз?

Ўзбекистон ҳудудида рангли ва нодир металлардан мис, қўрошин, рух, волфрам ва бошқа металларнинг захиралари аниқланган. Ўзбекистон Республикаси мис захираси бўйича дунёда 10-11 ўринларда туради. Миснинг асосий қисми Олмалиқ маъдан конида (17 млн тоннадан ортиқ!) йигилган бўлиб, ҳозиргача ўтган 50 йилда унинг 20% ўзлаштирилган, холос. Олмалиқ мис маъданни конида йўлдош элементлар: олтин, кумуш, молибден, кадмий, индий, теллур, селен, рений, кобалт, никел, осмий каби 15 дан ортиқ турдаги қимматбаҳо ва ноёб рангли металлар мавжудлиги аниқланган.

Мис конлари орсида Қолмақир мис кони алоҳида амалий аҳамиятга эга. Бу кон мис-молибден маъданларни қазиб олиш бўйича дунёда барча мис конларидан устун туради. Унинг маъданларини Олмалиқ кон-металлургия комбинати қайта ишлайди. Даънне мис конида молибден, олтин, кумуш, рений, теллур, селен ва олtingугуртнинг катта захиралари мавжудлиги аниқланган.

Қўрошин-рух бирикмалари 3 турда учрайди. Карбонатли жинсларда қўрошин-рух ҳолида (Учқулоч ва Кўлчулоқ конларида), вулқон жинсларида скарли-қўрошин-рух ҳолида (Қўғоншикан ва Кумушкон конларида) ва колчедан-полиметаллар ҳолида (Хондиза конида)

учрайди. Аниқланишича, уларнинг Учқулоч конида 3 млн тонна, Хондиза конида 700 минг тоннадан күпроқ заҳиралари мавжуд. Хондиза конида мис, кумуш, кадмий, селен, олтин ва индий каби йўлдош хом-ашёлар (элементлар) борлиги аниқланган.

Шуни унутмаслик керакки, селен, теллур ва бошқа хом-ашёлар асосан яримутказгичлар, Қўёш батареялари, терморегуляторлар, пулат ва шишаларнинг маҳсус навларини ишлаб чиқаришда, ренийдан авиаация ва космосда ишлатиладиган ўтга чидамли қотишмалар, электрон асбоб-ускуналар, нефтни парчалантирувчи моддалар ва катализаторлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Волфрам йўлдош элемент сифатида Мурунтов, Лангар, Ингичка, Қайтош, Яхонт ва Саргардон конларидан олинади. Охирги йилларда Саутбой, Саритов, Турбой, Олтинтов ва Ауминза-Белтов конларидан волфрам олиш масаласи ўрганилмоқда.

Темир маъдани конлари кўпгина минтақаларда топилган. Қорақалпоғистоннинг Тебинбулоқ конида 68 млн тонна темир заҳиралари борлиги аниқланган. Жиззах вилоятидаги Темиркон конида 35,5 млн тонна ва Тошкент вилоятидаги Сюренота конида 25,3 млн тонна темир заҳиралари мавжудлиги аниқланган.

Республикамизда 33 та нодир металлар ва 32 та рангли металлар конларининг хом-ашёлари ҳисобига 16 та тоғ-металлургия корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиз миқёсида 27 та олтин ва кумуш конлари мавжуд булиб, шундан 16 та олтин ва 3 та кумуш конлари дидир. Ҳозирги пайтда Мурунтов, Маржонбулоқ ва Қамоққир каби 7 та олтин конлари ишлатиб келинмоқда. Собиқ шўролар даврида ер қаъридан олинадиган жами

олтин миқдорининг 25,2 % Узбекистон улушкига тұғри келарди. Фақатгина Мурунтов олтин конидан йилига 50-55 тонна соф олтин олинади.

Олмалиқ тог-металлургия комбинатининг асосий хомашё базасининг Қамоққир, Саричеку, Учқулоч, Күрғоншикан ва бошқа мисс-молибден ва құрғошин-рух конлари ташкил этади. Ушбу конларнинг маъданлари таркибида мисдан ташқари олтин, кумуш, молибден, селен ва бошқа нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

Хозирги пайтда 5 та аниқланган волfram конларидан 2 таси (Қойтош ва Ингичка конлари) ишлатилмоқда. 2 та волfram конлари (Саритау ва Саутбой конлари) ва 2 та қалай конлари (Қарнаб ва Зираубулоқ – Зиёвуддин конлари) очилди.

### 493. Республикамизда фосфоритларнинг заҳираси неча тоннани ташкил этади?

Олимларимизнинг башоратига қараганда, республикамизда фосфоритлар (асосан, фосфор ангидриди) нинг заҳираси 10 млн тонна деб баҳоланмоқда. Аммо ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз Қозогистоннинг Қоратау маъдан конларидан олиб келинаётган хом-ашёлар ҳисобига ишлан пайлары ҳам бўлган.

Фосфорит конлари асосан Марказий Қизилқум худудида жойлашган бўлиб, улар Жерой-Сардара, Қорақат ва Шимолий Жетитов конларида аниқланган. Биргина Жерой-Сардара конидаги фосфоритлар заҳираси тахминан 100 млн тоннага teng. Уларни қайта ишлаш учун Қизилқум фосфоритлар комбинати қуриб ишга туширилди. Бу эса фосфорли ўғитлар ишлаб чиқариш имконини берди.

**494. Республикализнинг ер ости шифобахш сувлари, уларнинг конлари ва таркиби ҳақида нималар дея оласиз?**

Республикамиз ҳудудида минерал иссиқ сув ва саноат сувларининг заҳиралари мавжуд. Ҳозирги пайтда 32 та минерал сув заҳиралари аниқланган бўлиб, уларнинг 12 тасида дам олиш масканлари ва истироҳат боғлари ташкил этилган. Халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондириш мақсадида 9 та сув қадоқлаш заводлари ишга туширилган. Суткасида 8208 минг  $m^3$  минерал сув истеъмол қилинади. Юқори ҳарароратли иссиқ сув Фарғона водийсида, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида топилган. Республика миқёсида саноат сувларининг йирик заҳиралари (Устюорт, Жанубий Орол, Бухоро-Қарши, Сурхондарё, Фарғона артезиан ҳавзалари) очилган. Уларнинг таркибида ёд, бром, бор, сезий, рубидий, стронций каби элементлар мавжудлиги аниқланган.

Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасининг саноат сувлари энг истиқболли ҳисобланади.

**495. Дунё мамлакатлари қанча нефт заҳираларига эга?**

Охирги 30 йил давомида дунё аҳолиси 40 % га ошиб, нефт ва газга бўлган эҳтиёж 6 маротаба ошди. БМТ маълумотларига қараганда, дунёда **йилига 2,6 млрд тонна нефт қазиб олинмоқда**.

Охирги йилларда чоп этилган маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунёдаги нефт заҳиралари  $10^5$  млн тонна деб баҳоланмоқда. Шундан Саудия Арабистони 25,3%, Ирек 9,9%, Бирлашган Араб Амирилиги 9,6 %, Кувайт 9,4 %, Венесуэла 5,8 %, МДХ 5,8 % ва Мексика 5,6% нефт заҳираларига эга.

### **10.3. Минерал ҳом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари (496 - 515)**

#### **496. Республикаизда нефт ва газ заҳираларидан фойдаланишинг аҳволи қандай?**

Олимларимизнинг фикрларича, республикамизнинг 60 % ҳудуди нефт ва газ қазиб олиш учун истиқболли ҳисобланади ва ҳом-ашё заҳираларининг умумий қиймати 3 триллион АҚШ доллари деб баҳоланмоқда.

Охириги йилларда республикамизда нефт ва газ қазиб чиқариш автобензин, авиакеросин, дизел ёқилғилари, мазут ва нефт мойлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсди. Масалан, 1998 йилда 8,1 млн тонна нефт ва конденсат, 54,8 млрд м<sup>3</sup> табиий газ қазиб олинди. 7,1 млн тонна нефт ва конденсат, 37,4 млрд м<sup>3</sup> газ қайта ишланиб, 270 минг тонна олтингуругт ишлаб чиқарилди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий қиймати 137,5 млрд сўмни ташкил этди.

#### **497. Республикаизда нечта нефт ва газ конлари мавжуд ва улардан нечтаси ишлатилмоқда?**

Республикамиз ҳудудида 65 та нефт ва газ конлари мавжуд бўлиб, шундан 35 та конлар ишлатилмоқда. Республикаизда йилига 58-59 млрд м<sup>3</sup> дан зиёд табиий газ ва 2,3-2,5 млн тонна суюқ углеводородлар қазиб олинмоқда. Мамлакатимиз ҳудудида углеводородли ҳом-ашёларнинг 258 та конлари очилган бўлиб, уларнинг 167 таси ишлатиш жараёнида, 54 таси ўзлаштириш учун тайёрлаб қўйилган, қолган 37 та конларда эса геологик-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Нефт ва газ конларида ишлатилган чиқинди сувларининг таркибида ёд, бром, сезий, рубидий, стронций, бор каби нодир элементлар мавжудлиги аниқланган.

#### **498. Республикаизда қайси конлар ўзлаштиrmай қолмоқда?**

Полиметаллар, стронций, плавик шпат, табиии минераллар конлари ўзлаштиrmай қолмоқда.

#### **499. Фойдалы қазилмаларни қазиб олишда юз берадиган исрофгарчиликлар тұғрисида нима дея оласиз?**

Ўзбекистон Республикаси бойликларга бой мамлакат бұлгани ҳолда, бу бойликлардан унумли фойдаланиш ва атроф-мухит мусаффолигини сақлаш борасида ечимини топиш зарур бұлган муаммолар ҳам йүк әмас. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида 16 та тоғ-корхоналари ишлаб турибди. Улардан йилига 60 млн тоннагача чиқындилар чиқарилади ва улар 10 минг гектар ерни әгаллаб турибди. Улар табиии атроф-мухитни ифлослантирувчи сунъий манбалар бўлиб қолмоқда. Шамол оқимининг тезлиги 5 м/с га етганда, 1 м<sup>2</sup> майдондан суткасига 70 кг гача зарапли чанглар ҳавога кўтарилади.

Бундан ташқари, Республикаизнинг барча конларидан очиқ карьера усулида фойдаланилади. Конларни очиш мақсадида амалга ошириладиган портлашлар туфайли ҳавога 250 тоннагача чанглар ва 10 минг м<sup>3</sup> гача турли зарапли газлар ажралиб чиқиб, шамол йўналишига қараб, 10-15 км гача масофаларга тарқалиши мумкин. Айникса, тошни кесиш, рандалаш ва сайқаллаш пайтида чанг заррачалари кўпроқ ажралиб чиқади.

Шарғун кўмир конидан олинаётган хом-ашёning 25% тоғ жинсларига аралашиб, атроф-мухитта тарқалади. Ангрен кўмир конидан олинадиган каолиннинг 10-15% ишлаб чиқаришга қўлланилади, қолган қисми тоғ жинслари билан аралашиб чиқинди бўлиб қолмоқда.

Фойдали қазилмаларни қазиб олишда юз берадиган исрофгарчиликларнинг қуидаги **сабаблари** мавжуд: **биринчидан**, кўпгина фойдали қазилмалар (масалан, кўмир) очик қазиб олиш йўли билан олинади; **иккинчидан**, фойдали қазилмаларни қазиб олишда қўлланиладиган техника ва технологиялар эскириб қолган. Масалан, Ангрен тошкўмир конидан юқори қувватли ва кам қувватли кўмирлар тўлиқ қазиб олинмаяпти.

Кам қувватли кўмирларнинг **20,5-23,8 %** ва юқори қувватли кўмирларнинг **12,5-13,1 %** и исроф бўлмоқда.

Toғ-кон ишларида замонавий янги технологияларни жорий этиш, хорижий инвестициялар ҳисобига қўшма корхоналарни қуриш, чиқиндилардан тўлиқ фойдаланиш, улар таркибида мавжуд бўлган йулакай элементларни ажратиб олиш, чиқиндиларни камайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва, шу билан бирга, иқтисодиётни ривожлантириш лойиҳалари амалга оширияпти. Тузилаётган лойиҳа ва режалар, амалга оширилаётган ишлар, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасини келажакда ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш, халқимизнинг фаровон турмушини таъминлашга пойдевор бўлади.

#### **500. Қаттиқ ёқилғиларни газлаштириш технологияси, унинг экологик аҳамияти ва камчилити нималардан иборат?**

Қаттиқ ёқилғини, (масалан, кўмирни) бевосита ер остидан қазиб олмасдан газлаштириш ниҳоятда истиқболли технологик жараёндир. Бунинг экологик аҳамияти шундан иборатки, меҳнат қучи тежалади ва, энг муҳими, ер устида чиқиндилар тўпланиб қолмайди.

Қаттиқ ёқилғиларни газлаштиришдан асосий мақсад уларни ер остига чукур қайта ишлаб, улардан сунъий

газсимон ёқилғи, кимё саноати учун хом-ашёлар ва металлургия саноати учун газлар олишдан иборат.

Газлаштириш жараёни  $1000\text{-}1300$  °С да ҳаво, кислород, сув буғлари ёки уларнинг аралашмалари ёрдамида газ генераторларда кечади. Ер остига оралиғи 15-20 м га тенг иккита қудук (скважина) қазилиб, биридан ҳаво, кислород ёки сув буғлари берилиб, иккинчи қудукдан газ олинади.

Бу усулнинг асосий камчилиги шундан иборатки, олинадиган газнинг миқдори анча камдир: 12-16 % водород ва 6-10 % углерод оксиди олиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидаш керакки, республикамиздаги «Подземгаз» станциясида ҳам ер ости күмирнинг газлаштириш самарадорлиги унча юқори эмас. Қазиб олинаётган маҳсус күмирнинг умумий миқдоридан атиги 10 % кулларни йигиб олишда ГРЭС ларда адсорбент сифатида ишлатилади. Қолган қисми эса ёқиғи күмир сифатида қўлланилади.

### **501. Ер ости бойликларини қазиб олишда йўл қўйилаётган исрофгарчилликлар ҳақида нималар дея оласиз?**

Дарҳақиқат, ер ости бойликларини қазиб олишда республикамиз миқёсидаги конларда катта исрофгарчилликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Шарғун күмир конида эскирган ва номукаммал технологиялардан қўллаш натижасида қазиб олинаётган күмирнинг 25 % исроф бўлмоқда.

Қалмақир ва Сари-Чеку маъдан конлари, Олтинтопган қўргошин-рух конлари хом-ашё базаларининг ҳолати ҳозирги замон кондицияларига ва тоғ жинсларини тўйинтириш техник-иктисодий қўрсаткичларига жавоб беролмаяпти. Олтинтопган ва Пайбулоқ ер ости қўргошин-рух конларида режадан ташқари 3-6% гача товар маъданлари исроф бўлмоқда.

Ер бағридан қимматбаҳо элементларни қазиб олишда истрофгарчиллик юқорилигіча қолмоқда. Интичка маъдан шахтасида кон захиралари эски камера-устун системаси асосида ишланиб, ер остидан 88,5 - 90 % атрофида маъданлар ажратиласы.

**502. Республикаизда йилига қанча чиқиндилаар чиқарилади, уларнинг умумий миқдори неча тоннани ташкил этади?**

Республикаизда йилига 100 млн тоннадан зиёдроқ чиқиндилаар пайдо бўлиб, улардан ярмини заҳарли чиқиндилаар ташкил этмоқда. Чиқиндилаарнинг умумий миқдори 2 млрд тоннадан зиёдроқ. Ушбу чиқиндилаарнинг бир қисми халқ хўжалигида иккиламчи хом-ашё сифатида қўлланилади, асосий массаси эса турли чиқинди йигичларда жойлашириб, заарсизлантирилади.

**503. Табиий бойликларни қазиб олишда ва уларни қайта ишлаш жараёнларида қанча чиқиндилаар пайдо бўлади ва чиқариб ташланган чиқиндилаар майдони неча гектарни эгаллаб турибди?**

Чиқиндилаарнинг асосий миқдори (1,3 млрд тонна) тоғ жинсларни қазиб олиш саноатига ва уларни қайта ишлаш комплекслари улушкига тұғри келмоқда. Йилига қарийб 50-60 млн тонна чиқиндилаар (тоғ жинслари, флотацион бойитиш думлари, турли тошқоллар, сунъий тош (клинкер) лар атмосфера ҳавосига чиқарилиб ташланади. Улар 10 минг гектар майдонни эгаллаб турибди.

**504. Мурунтов олтин кони атрофидаги чиқиндилаар ташланадиган майдонлар неча гектарни ташкил этади?**


## 505. Чиқиндиларнинг кимёвий таркиби ўрганилганми?

"Мурунтов" олтин кони атрофидаги чиқиндилар ташланадиган майдонлар 2 та бўлиб, биринчисининг майдони 5 минг 200 гектар ерни ташкил этади. Ҳозирги пайтда ушбу майдон чиқиндилар билан тўлиб тошгандир. Чиқиндилар ташланадиган иккинчи майдон 6 минг 200 гектар ерни эгаллаб турибди.

Чиқиндиларнинг ҳар 1 литрида қуийдаги элементлар мавжудлиги аниқланган: 0,25 мг кобалт, 0,5 мг рух, 2,5 мг маргимуш, 3 мг қўрғошин, 5,5 мг мис, 9 мг темир, 17 мг молибден, 17 мг никел, 25 мг алюминий ва 150 мг натрий цианити мавжудлиги аниқланган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур: "Кимё" фанида моль тушунчасидан кенг қўлланилади. Модданинг нисбий молекулалар массасига сон жиҳатдан тенг ва граммларга ифодаланган қийматига, моль дейилади. 1 моль ( $^{12}\text{C}$ ) углерод изотопининг 12 граммида нечта атом бўлса, шунча тизим бирлиги (молекула, атом, ион) туттган модданинг миқдоридир. Демак, модданинг миқдори моль билан, моляр массаси эса г/моль билан ифодаланади. Элементнинг нисбий атом массасига сон жиҳатдан тенг бўлиб, граммларда ифодаланган қийматга, моляр масса дейилади.

Бундан ташқари, чиқинди таркибидан қимматбаҳо хом ашёларни ажратиб олиш учун "зар суви" дан кенг қўлланилади. 1 моль нитрат кислота ( $\text{HNO}_3$ ) билан 3 моль хлорид кислота ( $\text{HCl}$ ) аралашмасига, "зар суви" дейилади. Зар суви ниҳоятда кучли оксидловчи суюқлик бўлиб, у ҳатто пассив металларни (масалан, олтин ва платинани) эрита олади:



Шуни ҳам унутмаслик керакки, ёғоч қипиги, скрипидар (органик моддалар) нитрат кислотада алантаналиб ёнади.

**506. Зафаробод маъдан қазиб олиш марказий бошқармаси неча гектар майдонда қайси маъданларни қазиб олиш учун ишларни олиб боради?**

Ҳозирги пайтда Зафаробод маъдан қазиб олиш марказий бошқармаси 170 минг гектар майдонда уран маъданларини қазиб олиш ишларини олиб бормоқда. Мазкур майдон яроқсиз ҳолатта келиб қолган ва унинг иккинчи навбати учун 16 минг гектар ер ажратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, уран радиоактив модда бўлиб, инсон организмига кучли таъсир этади. Радиоактив моддаларнинг миқдори рухсат этилган чегаравий концентрацияларидан 10-20 баробар ошган. Ер ости сувлари таркибидаги тузларнинг миқдори эса, 10-15 баробарга ошган.

**507. "Навоиазот" комбинатидан чиқарилаётган чиқиндилярнинг ҳажми қанча, улар қанча майдонни эгаллаб турибди ва таркибида қайси моддалар мавжуд?**

"Навоиазот" комбинатидан чиқариладиган заҳарли чиқиндилярнинг ҳажми 570 минг м<sup>3</sup> ни ташкил этмоқда. Ушбу чиқиндилар 50 гектар майдонни эгаллаб турибди. Уларнинг таркибида 25% полимерлар, радионитлар ва бошқа қаттиқ аралашмалар мавжуд.

Ҳар 1 л чиқиндининг таркибида 50 мг цианитлар, 150 мг аммиак, 15000 мг сульфат тузлари ва 2500 мг мис мавжудлиги аниқланган.

**508. "Навоийэлектрокимё" заводи чиқиндилиарининг ҳажми қанча, улар неча гектар майдонни эгалаб турибди ва таркибида қайси бирикмалар мавжуд?**

"Навоийэлектрокимё" заводи чиқиндилиариниг ҳажми 7 млн 800 минг м<sup>3</sup> ни ташкил этади ва улар 125 минг гектар майдонни эгаллаб турибди. Уларнинг таркибида органик бирикмалар мавжудлиги аниқланган.

**509. Кимё санотининг асосий чиқиндилиари, уларнинг турлари, ҳажми, эгаллаб турган майдони ҳақида нималар дея оласиз?**

Кимё саноатининг асосий чиқиндилиари фосфогипс, лигнин, марганец қуйкүмлари, олтингугурт кеки, ишлаб чиқариш оқова сувлари ҳисобланади. Ҳозирги пайтда қаттиқ чиқиндилиарнинг умумий миқдори 100 млн тонна деб баҳоланмоқда, шу жумладан 60 млн тоннасини фосфогипс ва 15 млн тоннасини лигнин ташкил этмоқда.

Йиғилган чиқиндилиарнинг умумий майдони минг гектарни ташкил этмоқда. Уларнинг ниҳоят кичик қисми (1% фосфогипс ва 50-60% лигнин) халқ хўжалигига қўлланилади.

**510. Цианит деб нимага айтилади ва ундан қаерда қўллаш мумкин?**

Цианит ( $Al_2SiO_4$ ) – табиий, ялтироқ шишасимон минерал бўлиб, унинг ранги оқ, кўк, яшил ва жилосиз бўлиши мумкин. Унинг зичлиги 3663 кг/м<sup>3</sup> га teng бўлиб, сувда эримайди, 1810 °C дан юқорироқ ҳароратларда суюқланади. Резина асосида олинадиган маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун цианитдан тўлдиргич сифатида қўлланилади.

**511. Фосфогипс деб нимага айтилади ва ундан қаерда қўллаш мумкин?**

Фосфогипс-калций сульфати гидратарининг кукунсимон аралашмаларидир



Фосфогипс сувда қисман эрийди. Унинг зичлиги 2310-2330 кг/м<sup>3</sup> атрофида бўлиб, кукунлари поливинилхлорид асосида олинадиган линолеум ишлаб чиқариш учун тўлдиргич сифатида кўпроқ ишлатилади.

**512. Лигнин деб нимага айтилади ва ундан қаерда қўллаш мумкин?**

Лигнин-ёточ таркибидаги целлюлоза толаларининг қовуштирувчи табиий полимер бўлиб, ёточ таркибида 25-35% учрайди. Табиий лигнин органик эритувчиларда эримайди, аммо сувли ишқорларда қиздирилганда, эрийди.

Гидролизланган лигнин прессланган тахта ва плиталар ишлаб чиқариш учун тўлдиргич сифатида қўлланилади.

Ёточ қириндилари таркибидаги табиий лигниндан ванелин олинади. Лигносулфон кислоталари сопол (керамика) ва абразив маҳсулотлар олишда цементга ва бетонга қўшимча юмшатувчи модда сифатида кенг қўлланилади.

Сулфит спиртли қуйқа ерни бурғилаш пайтида лой эритмасининг реологик хоссаларини яхшилашда, кўмир чангларини брикетлашда ва йўл қурилишида ишлатилади. Сулфит спиртли қуйқа чармни ошлашда кенг қўлланилади.

**513. Ангрен кўмир конларидан қанча каолин олинади ва унга бўлган эҳтиёж неча тоннани ташкил этади?**

Ангрен темир конларидан кўмир билан бирга йилига 6 млн тонна каолин қазиб олинади. Шундан 600-800 минг тоннаси истеъмолчиларга етқазиб берилади. Қолган қисми чиқинди бўлиб қолмоқда. Ҳолбуки, республикамизнинг

каолинга бўлган эҳтиёжи 2,0 – 2,5 млн тоннани ташкил этади.

**Каолин** ( $Al_2O_3 \cdot 2SiO_2 \cdot 2H_2O$ ) – гидратланган алюминий силикатидир. Унинг зичлиги 2580 кг/м<sup>3</sup> га тенг бўлиб, таркибида қуйидаги моддалар мавжуд:

$SiO_2$  – 45,5%,  $Al_2O_3$  – 38,8%,  $Ti_2O_3$  – 1,5%,  $CaO$  – 0,5,  $Fe_2O_3$  – 0,3%,

$Na_2O$  – 0,1%,  $K_2O$  – 0,1%, сув – 13,8%.

Каолин резина ва полимерлар асосида олинадиган композицион материаллар учун тўлдиргич ва чинни заводлари учун оқартирувчи хом-ашё сифатида кенг қўлланилади.

**514. Машинасозлик саноатида қора ва рангли металларни ишлаб чиқариш жараёнида йилига қанча тошқоллар пайдо бўлади?**

Қора ва рангли металларни ишлаб чиқариш жараёнида темир- терсаклар пайдо бўлади. Уларни қайта ишлаш жараёнида йилига 350 минг тонна тошқоллар пайдо бўлади. Уларнинг бир қисми ғишт ва цемент блоклари ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

**515. Республикамизда минерал сув заҳиралари нечта ва уларнинг исрофи неча % ни ташкил этади?**

Шифобахш ер ости минерал сувларнинг исрофгарчилик даражаси юқорилигига қолмоқда. Республикамиз ҳудудида 17 та минерал сув заҳираларидан 27 та шифо масканларида фойдаланилади. Ўзиоқар минерал сувларнинг исрофи 28%, баъзи шифохоналарда эса, 50% дан ошиб кетаяпти.

## **10.4. Ўзбекистон Республикасининг фойдали қазилмаларидан самарали фойдаланиш ва атроф - муҳит муҳофазаси (516-521)**

**516. Фойдали минерал хом-ашёларга бўлган эҳтиёжнинг қунсайин ошиб боришини қандай изоҳлаш мумкин?**

Саноатнинг узлуксиз ривожланиб бориши, ишлаб чиқариш жараёнларнинг жадаллашуви, фан ва илмий-техникада кескин инқилобий ўзгаришларнинг юз бериши билан бирга кишиларнинг фойдали қазилмаларга бўлган кундалик эҳтиёжлари ҳам ошиб боряпти. Техника қудрати табиий жараёнларга катта таъсир этиб, ер қиёфасини жиддий ўзгартириб юбормоқда. Инсон ақли ва заковати или яратилаётган янги техника ва технологиялар техносферанинг таркиб топишида ҳал қилувчи таъсирини кўрсатди ва шу билан биргаликда минерал ресурслар ҳам катта рол ўйнади.

Ҳозирги пайтда фан-техника тараққиёти асрида узлуксиз ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун ниҳоятда катта миқдорда минерал ресурслардан фойдаланишга тўғри келади. Маълумотларга қараганда, охирги йилларда дунёда минерал ресурслардан фойдаланиш ҳар бир **15 йилда икки маротаба ошмоқда**. Бундан ташқари, саноатда ва қишлоқ хўжалик тармоқларида фойдали қазилмаларнинг янгидан-янги турларидан кенг фойдаланилмоқда. Геология ва тоғ ишларида ер ости бойликларининг жойлашишидаги қонуниятларни аниқлаш ва заҳираларини олдиндан илмий башорат қилишга катта эътибор бериляпти.

Минерал хом-ашёларнинг кўп ишлатилиши аҳоли сонининг ўсиб бориши ва уларга бўлган эҳтиёжнинг ортиб

бориши билан боғлиқдир. XX асрнинг охирига келиб, 100 млрд тонна күмир ёқиб, ҳавога 3 млрд тонна кул чиқарилган. Йилига 1,5 млрд тоннадан ортиқ каттиқ ёқилғилардан құлланилади. Ҳозирги вақтда йилига 100 млрд тоннадан ортиқ маъданлар ва минерал хом-ашёлар қазиб олинмоқда, 3000 млн тоннадан ортиқ минерал үғитлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳолбуки, технологиянинг такомиллашмаганлиги туфайли олинган металларнинг деярли ярми ва кимёвий хом-ашёниң учдан бир қисми исроф бўлмоқда.

Ҳозирги вақтда бир кишининг эҳтиёжини таъминлаш учун Ердан 27 тоннадан ортиқ хом-ашё, жумладан, 2 тоннадан ёқилғи чиқарилмоқда. XVIII асрда хўжаликда 28 кимёвий элементлардан, XIX аср бошларида 60 га яқин элементдан фойдаланилган бўлса, ҳозирги пайтда 200 дан ортиқ турли минерал хом-ашёлардан фойдаланади.

Минерал ресурслар ҳар қандай мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Фойдали қазилма конлари бор бўлган турли минтақаларда янги аҳоли шаҳарчалари (посёлкалар) ва шаҳарлар пайдо бўлади. Минерал хом-ашё қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган шаҳар ва посёлкалар жуда кўп. Марказий Осиёда — Шевченко, Навоий ва Зарафшон ҳам шулар сирасига киради. Фойдали қазилмалар конларининг узлаштирилиши натижасида рўй берадиган урбанизация жараёни ҳозирги кунда деярли ҳамма жойда намоён бўлаётир. Тадқиқотчилар 150 йилдан сўнг ер юзаснинг учдан бир қисми шаҳар аҳоли пунктлари билан банд бўлса керак, деб тахмин қилишмоқда.

**517. Ўзбекистонда қанча қазилма бойликларнинг конлари бор ва уларнинг умумий минерал хом-ашё салоҳияти неча долларга тенг?**

Ўзбекистон замини тури табиий минералларга бой ўлка. Бу ерда 2700 дан зиёд қазилма бойликлар конлари ва истиқболли очилиши мумкин бўлган конлар аниқланган. Ўзбекистоннинг умумий минерал хом-ашё салоҳияти 3,3 трлн АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда. Йилига умумий қиймати 5,5 млрд АҚШ долларига тенг бойликлар қазиб олинмоқда. Ҳозир республика олтин заҳираси бўйича дунёда 4-уринни, олтин қазиб олиш бўйича 7-уринни, мис бўйича 10-11-уринни, уран бўйича 7-8-уринни эгаллайди. Табиий газнинг умумий заҳираси 2 трлн куб метр, кўмирники 2 млрд тоннадан зиёд.

Республика ҳудудининг 60 % и нефт ва газ заҳиралари билан банд. Шунингдек, 20 дан ортиқ кўмир конлари ва ҳавзалари, таркибида олтин ва қумуш бўлган конлари, 20 та молибден, 100 дан ортиқ симоб, 10 та сурма, 370 дан ортиқ қурилиш материаллари конлари борлиги аниқланган.

**518. Ўзбекистонда йилига қанча тог жинслари қазиб олинади ва чиқиндилар эгаллаб турган майдонлар неча гектарни ташкил этади?**

**519. Исрофгарчилик қайси соҳаларда кўпроқ кузатилмоқда?**

Ўзбекистонда йилига 200 млн тоннадан зиёд тог жинслари қазиб олинади, чиқинди сифатида эса унинг 150 млн тоннадан кўпроқ қисми ташланади. Атрофга чиқариб ташланган бундай жинслар фақат Олмалиқ ва Навоий тоғкон саноати мажмуасида 20 минг гектар майдонни эгаллайди.

Маъданларни очиқ усулда қазиб олишда истрофгарчилик 3-8%, мураккаб конларда эса 10-12% ни ташкил этади. Ўртача истрофгарчилик кўрсаткичи кўмир конларида 20-49%, қора ва рангли металл шахталарида 15-25% га этади. Кўп ҳолларда конлардаги асосий бойликлардан ташқари уларга йўлдош бўлган бир неча минераллар ҳам учрайди. Асосий бойликлардан ташқари, қўшимча минерал бойликларни ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан муҳим. Масалан, Қалмоққир кони ноёб булиб, унинг мис-молибден маъданни билан бирга кўплаб ноёб металлар учрайди. Уларни асосий қисми Олмалиқ тоғ-кон металлургия корхонасида ажратиб олинмоқда. Шундай конларга Учқулоч, Хондиза конларини киритиш мумкин. Оҳангарон кўмир конида кўмир билан бирга қаолин учрайди. 1998 йилда Германиянинг «Круп» фирмаси билан қаолин қўшма корхонаси қурилди.

Конларни ишга туширишда кўпроқ портлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг натижасида очиқ конларда грунт портлатилганда осмонга 100-120 тонна чанг кўтарилади. Грунтларни транспортга ортишда ва текислаш ишларида ҳам 10 тоннагача чанг ҳавога чиқиши мумкин. Юк ташувчи автоуловлардан ҳар бир суткада ҳавога 10 тонна чанг чиқади. Қурилиш материаллари конларида тош кесиши машиналари ишлагандан  $1 \text{ м}^3$  ҳавога 1500 мг чанг қўшилади. Очиқ усулдаги конларни ишга тушириш учун портлаш натижасида атроф-муҳит кўпроқ ифлосланади. Конларнинг устки қисмидан портлаш натижасида чанг кўтарилади.

## 520. Ишлаб чиқаришни фойдали казилмалар билан етарли даражада таъминлаш ва иқтисодий юксалишга эришиш учун нима қилиш керак?

Ҳозирги даврда ҳам, келажакда ҳам, иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланиб боришини таъминлашда ишлаб чиқариш корхоналарини хом-ашё билан таъминлаб туриш

ҳал қилувчи омил саналади. Ўзбекистонда кўпгина фойдали қазилмаларнинг жуда йирик конлари бор. Бироқ, ҳалқ хўжалигини муттасил ривожлантириш минерал хомашёнинг турли хилларига бўлган эҳтиёжларни оширади. Ишлаб чиқаришнинг фойдали қазилмалар билан етарли даражада таъминлаш учун бу қазилмаларнинг қидириб топилган заҳиралардан фойдаланиш тезлиги уларни қайта тиклаш тезлигига мос ёки ундан кичикроқ бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси табиий ва, жумладан, минерал хом-ашё ресурсларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан дунёда олдинги ўринда туради.

Мустақиллик йилларида фойдали қазилмаларнинг кўпгина конлари топилди. Минерал хом-ашё ресурсларнинг хусусияти шундаки, улар йирик кон корхоналарни қуришга имкон беради. Йирик кон корхоналари капитал харажатларни камайтиришга ва маҳсулот таннархининг арzon бўлишига имкон беради. Конлардан барча фойдали компонентларни тўлиқ ажратиб олиш, ишлаб чиқаришда улардан тежамли, комплекс ва чиқитсиз фойдаланиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ишларининг зарарли таъсирини камайтириш масалаларини ҳал қилиш минерал ресурсларни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишлари була олиши мумкин.

2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Минерал хом-ашё ресурслари тугаб қолиши билан боғлиқ бўлган кризиснинг олдини олишнинг яна бир йўли бор. Бу эса бойликларни қазиб олишда, ташишда, бойитишда ва қайта ишлашда юз бериши мумкин бўлган исрофгарчилликка қарши қурашиш ва улардан ҳамматомонлама (комплекс равишида) фойдаланиш, тикланмайдиган минерал ресурсларни муҳофаза қилиш

йұли билан минерал хом-ашё ресурсларни мухофаза қилиш мүмкін.

Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва ички хом-ашё захираларидан унумли фойдаланиш, таркибидаги қимматбақо элементларни ажратиб олиш иқтисодий юксалиш гарови бўлиши мүмкін.

Маълумки, қайта ишлаш технологияси соҳасида биринчи технологик босқич — минерал хом-ашёларни ер остидан қазиб олиш ва уларни яриммаҳсулотга айлантириш жараёни ҳисобланади. Минерал хом-ашёларни қазиб олишда фойдали компонентларга қашшоқ ва қийин қазиб олинадиган маъданлар эса ўз жойида қолаверади ёки кераксиз жинслар билан биргалиқда ер юзасига чиқариб ташланади.

Кўпчилик маъданли қазилмалар таркибида бир қанча фойдали элементлар бўлиши мүмкін. Масалан, темир маъданларида асосий компонент билан бир қаторда титан, ванадий, кобалт, мис, рух ва бир қанча нодир металлар, нефт конларида газ, олтингутурт, азот каби йўлакай моддалар учрайди.

Технология такомиллаштирилмаганлиги туфайли нефт қудуқларидан фойдаланилаётганда, йўл-йўлакай учрайдиган табиий газларнинг ярмидан қўпроғи ҳавога чиқариб ташланади ёки ёндирилади. Иқтисодий ва экологик нуқтаи назардан олиб қараганда, бу исрофгарчиликни олдини олиш катта амалий аҳамиятта эга.

Қаттиқ минерал хом-ашёдан фойдаланишда ҳам жуда катта исрофгарчиликлар мавжуд. Ишлатилиб ташланган шахта ва конларда **млн-млн тонна қўмир ва маъданлар** ёйилиб ётибди. Ён деворларда ва шипни ушлаб турадиган устунларда қанчадан-қанча фойдали қазилмалар қолади. Шахта усули билан қўмир қазиб олинганда, саноат захирасининг тўртдан бир қисми ёки иккidan бир қисми

**нобуд бўлади.** Ер ости бойликларни муҳофаза қилишнинг самарали йўлга қўйилмаганигидан исрофгарчиликлар бундан ҳам кўп бўлиши мумкин. Кўпгина шаҳарлар ва шахтёрлар шаҳарчалари (Новокузнецк, Қарағанда, Ангрен ва бошқа шаҳарлар) кўмир заҳирасига эга бўлган қатламлар устига қурилган. Бунда устун бўлиб хизмат қилган қатламлар ишлатилмай қолдирилиб, энг қулай ва бой қатламлардангина маъдан қазиб олинади. Металл ва бошқа маъданларнинг исроф бўлиши техника ва технологияларнинг эскириб қолганлиги ва номукаммаллигидан келиб чиқяпти. Фойдали қазилмаларни қазиб олишга норационал ёндашишнинг **асосий сабаби** шундаки, кон саноати минтақасининг қайси йўлдан тараққий этиши оптимал даражада аниқ ва тўла башорат қилинмайди.

Конларни очиқ усулда қазиб олишнинг ривожлантирилиши ер ости бойликларини муҳофаза қилишга ва фойдали қазилмалардан фойдаланишни яхшилашга имкон беради. Бу усул минерал ресурсларнинг исроф бўлишини **3-10% га камайтиради**.

Мамлакатимизда минерал хом-ашёдан комплекс фойдаланишда кейинги йилларда каттагина ютуқлар кўлга киритилди. Чунончи, рангли мелаллургия корхоналарида, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида кумуш, висмут, платинанинг деярли ҳаммаси, олtingугуртнинг 30% и, рух, қўрғошин ва миснинг 10% гачаси ажратиб олинаётир. Узбекистондаги Олтинтопган, Қўргоншикан ва бошқа қўрғошин-рух конларида маъданни бойитиш натижасида қўрғошин, рух ва пирит концентратлари олинмоқда. Қўрғошин ва рух концентратини кимёвий қайта ишлаш йўли билан эса сулфат кислота ва селен, пирит куйиндилидан қўрғошин, рух, мис, темир ва бошқа элементлар олинмоқда.

Ҳозирги кунда бойитувчи фабрикалар ва мелаллургия заводларининг чиқиндиларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, сўнгти 100 йил ичидаги ер юзасига 20 млрд тоннадан ортиқ тошқоллар чиқарилиб ташланган ва қарийб 3 млрд тонна кул ҳавога чиқарилган.

**521. Республикализ минерал хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммоларининг ечими нималарга боғлиқ бўлиши мумкин?**

Республикализ минерал хом-ашё ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммоларининг ечими қўйидагиларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Биринчидан, жаҳон стандартларига мос келадиган янги техника ва технологияларни, шунингдек, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиияларни ишлаб чиқариш корхоналарида жорий этиб биладиган ва самарали бошқара оладиган етук ва юқори билимли мұҳандис-технологларни тайёрлашга боғлиқ.

Иккинчидан, илм-фан ютуқларини, хусусан, республикализ олимлари томонидан яратилган ва яратилаётган янги ишланмалар, лойиҳалар ва технологияларни амалга тадбиқ этиш учун рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни яратилганлигига боғлиқ.

Учинчидан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш корхоналарига жалб этилишига боғлиқ.

Тўртингчидан, табиий бойликлардан самарали фойдаланиш, исрофгарчиликларга чек қўйиш, чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиияларни амалга жорий этиш, экологик қонунчиликка қатъий риоя этиш иқтисодий

ривожланишнинг асосий гаровидир. Шу ўринда эслатиб утиш керакки, 2002 йил 13 декабрда “Ер ости бойликлари тұғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинган.

Буюк рус олимни Д.И.Менделеев кимё фанининг имкониятларига юқори баҳо бериб, “Кимёда чиқиндилар йүқ, балқи фойдаланиммаган хом-ашё бор, холос!”, деб таъкидлаган эди.

Буюк эколог олим Ю. Одум эса, “Ифлосланиш-бу үз жойига турмаган табиий ресурсдир!” - деб таъкидлаган эди.

Таниқли олим ва фантаст-ёзуучи Артур Кларк эса, “қаттық чиқиндилар-бу шундай хом-ашёки, биз нүқул нодонлигимиз туфайли ишлатмаймиз!”-деб таъкидлаган эди.

## **10.5. Ўзбекистон Республикасининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари (522-529)**

### **522. Ўзбекистон Республикасининг биоресурслари ҳақида нималар дея оласиз?**

Табиий ресурслар орасида биологик бойликлар алохидада аҳамияттаға эга, чунки улар тугалланмайдын ресурслар гурухига мансуб бўлиб, ишлаб чиқариш учун хом-ашё ва маҳсулотларни чексиз миқдорда беради. Ўсимлик ва ҳайвонот олами бир-бирлари билан үзаро чамбарчас боғлиқ. Масалан, агар ўсимликнинг бир тури йўқолса, ҳашоратларнинг 10 дан 30 туригача қирилиши мумкинлиги аниқланган, ёки баъзи ҳайвонлар яшаш муҳитини умуман тарқ этиши мумкин. Шунинг учун ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, улар муҳофазаланиши керак. Ер куррасида қарийб 1,0 - 1,5

млн дан ортиқ ҳайвон турлари яшайды. Улар ўсимликтаридан 3 марта күп. ЮНЕСКО маълумотига кўра, кейинги юз йил мобайинда инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли 25 минг турдаги олий ўсимликларни ва 1 минг турдаги умуртқали ҳайвонларни қирилиб кетиш ҳавфи остида қолдирди.

**523. Инсон ҳаётида ўсимликларнинг аҳамияти нималардан иборат?**

**524. Республикаизда ўсимликларнинг нечта турлари бор ва уларнинг қанчаси доривор ҳисобланади?**

**525. Ўсимликларнинг тупроқ учун аҳамияти нимада?**

Ўсимликларнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ниҳоятда катта: атмосферада кислород балансини тартибга солиб турди, даволовчи ва санитария-гигиеник хусусиятларга эга. Ўрмонлар ҳаводан ис газини ютиб олиб, тирик организм учун нақадар зарур бўлган кислородни фотосинтез йўли билан етказиб беради. Аниқланишича, 1 гектар майдондаги дараҳтзор бир йилда 4,6-6,5 тонна ис газини ютиб, 3,5-5,0 тонна кислород ишлаб чиқаради. Шунингдек, қуруқликдаги фитомасса ис газини кўл, денгиз ва океанлардаги фитопланктонга нисбатан икки марта кўп ютиб олар экан. Сайёрамизда кислород балансини барқарорлаштиришда шимолий ярим шардаги игна баргли ва тропик ҳамда субтропикларнинг ям-яшил баргли ўрмонлари катта аҳамиятга эга.

Ўсимлик қоплами ёғин-сочиннинг асосий қисмини ўз таналарида тутиб қолганлиги туфайли юзаки эрозиянинг олдини олади, дараҳтзорлар зич ўсган дарё ва сой водийларида сурилма, сел ва чуқурлама эрозия каби ҳодисаларнинг содир бўлиши камдан-кам бўлади. Ўсимлик олами, айниқса, тоғ ён бағрларида қор қопламининг эриш тезлигини секинлаштиради. Текисликларда ўрмон ва

иҳотазорлар шамол эрозиясининг олдини олади, ёзниң жазирама кунларида соя-салқинли ўзига хос микроиқлим вужудга келтиради.

Республикадаги табиий шароитларнинг турлиятуманлиги, унинг биологик бойликларининг ҳам ҳар хил булишига таъсир этади. Ҳозирда ўсимликларнинг 4168 тури мавжуд булиб, уларнинг 577 тури доривор ҳисобланади.

Ўсимликлар тупроқнинг эрозия ва дефляцияга қарши барқарорлитини оширувчи асосий омил десак муболаға бўлмаса керак. Чунки ўсимлик мавжуд бўлган жойда сув ёки шамолнинг салбий таъсири кескин пасаяди. Ўсимлик қоплами тупроққа чуқур кириб борган сари уни ювилиш, сурилиш ва ўйиш жараёнларидан сақлайди. Барглари, новдалари, поялари ва танаси билан ёғин-сочиннинг асосий қисмини қабул қиласи ва тупроққа нам кам тушади, шамол кучини пасайтиради. Ўсимликлар сийрак жойлашган ёки бутунлай мавжуд бўлмаган шароитда эрозия, дефляция, сурилма, сел, гармсел каби нохуш ҳодисалар табиий комплексларга жиддий зарар етказади. Энг даҳшатлиси, тупроқ устининг ювилиши ва у қулай шароитларда жар эрозиясига ўтиб кетиши тез-тез кузатилади. Қия тог ёнбағирларида лёссимон ётқизиқлар ёки лёсс қоплами ёгин-сочин вақтида намга бўкиши натижасида оғирлик массаси бир неча баробар ортиб кетади ва мазкур ётқизиқлар остида сув ўтказмайдиган, қумтош ёки намга чидамли бошқа жинслар устида қиялик устида ўнлаб ва ҳатто юзлаб метргача сурилиб тушади. Бу ҳодиса катта худудларда секин-аста, баъзан бир лаҳзада рўй бериши мумкин. Бунинг оқибатида сурилган грунт массиви чуқур ва кенг ёриқларга ажralиб кетади ва ўз йўлида учраган барча иншоотларни яксон қиласи. Тўсатдан бўлган бундай нохуш ҳодисаларнинг

иқтисодий зарари ва оқибатлари бир неча миллион сўмдан ошиб кетади.

### 526. Ўзбекистон Республикасининг неча фоиз худудини ўрмонлар ташкил этади ва улар қаерда жойлашган?

Ўзбекистоннинг ўрмон фонди 10 млн гектар, шундан қарийб 2 млн гектар майдон ўрмон билан қопланган. Ўрмонли ерлар текисликда, қумли ҳудудда 3 млн гектар, тог ёнбагирларида 0,5 млн гектардан зиёд, қайирлардаги ўрмонлар майдони 31 минг гектар, тоғ водийларидағи тўқай ўрмонлар майдони 23 минг гектарни ташкил этади. Республикамиз ўрмонларга анча камбагал, мамлакат ҳудудининг 5 % ини ташкил қиласди. XIX асрнинг ўрталарига қадар тоғ ёнбагирларининг 700-800 м баландлигига кенг баргли ва майда баргли ўрмонлар пайдо бўлган. Адирлар ва паст тоғлар писта ва бодомзорлар билан қопланган эди, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Зомин, Сўх, Санзар ва бошқа дарёлар орқали кесилган, сол қилиб боғланган ҳолда ўрмон ёғочлари оқизилган. XIX аср охирида Самарқандга ҳар йили Панжакент ва Қоратепадан кенг баргли ўрмон ёғочларини ёқиш натижасида тайёрланган 13440 пуд (1 пуд = 16 кг), арчаларни кесиб тайёрлаган 21120 пуд қўмир келтирилган, яъни йилига 16800 кенг баргли ва 17 минг дона арча дарахтлари кесилган. Тоғлардаги арчазорлар, бодомзорлар, олмазорлар, олчазорлар текислик ва тоғ этакларидағи шаҳарларда яшовчи аҳоли томонидан қурилиш материали, писта дарахти қўмир тайёрлаш учун узлуксиз кесилиб турган, тоғлардаги дарё ва сой водийларида топилган мис, темир маъданларидан металл олишда кўплаб дарахтлар кесиб ёқилган, шунинг учун ҳам тоғ ёнбагирлари ва дарёлар бўйларидағи тўқайзорлар ўрмонларга жуда ҳам камбағалдир. Арчазорлар сийрак, баъзан катта майдонларда

арча учрамайди, уларни асосан 1800-2000 м баландликларда ўсишини кўришимиз мумкин.

Текисликларда ҳам қора ва оқ саксовул, черкез, қандим, шувоқ, тўқайзорлардаги турангил, жийда, тол дарахтлари асосан ёқилғи сифатида кесилиб турганлиги туфайли улар эндилиқда сийрак учрайди. Қашқадарё, Зарафшон, Амударё, Сурхондарё, Чирчиқнинг тўқайзорлари XX асрга қадар асосан қирқиб бўлинган эди, фақат онда-сонда кичик майдонларда дов-дарахтлар сақланиб қолган. Бинобарин, инсоннинг хўжалик фаолияти ўрта асрлар, хусусан XVIII-XIX асрларда ўсимлик қопламини анча сийраклашувига жиддий таъсир этган, XX асрда дов-дарахтларни қирқиши, янги ерлар очиш мақсадида тўқайзорларни йўқ қилиш давом этди.

### 527. Географик жойлашувига қараб, Ўзбекистон ўрмонларини неча тоифаларга бўлиш мумкин?

Ўзбекистонда ўрмонларни географик жойлашувига кура, 3 тоифага бўлиш мумкин.

1. Тоғ ўрмонлари.
2. Чўл ўрмонлари.
3. Тўқай ўрмонлари.

Мамлакатимизнинг 6634 минг гектар майдонини тоғли ҳудудлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон қўмитасининг (1995) маълумотига кура, шу майдоннинг 601,1 минг гектар қисмида ўрмон ўсиши мумкин, ҳозирги кунда эса атига 105 минг гектардан зиёдроқ ҳудуд ўрмон билан банд. Тоғ ёнбагирларининг ўрмон билан қопланганлик даражаси 2,5 % ни ташкил этади. Тоғ ўрмонларига унинг сийраклиги, якка ҳолда ўсуви дарахтларнинг кўплиги, дарахтзорлар орасида яланг бўш жойларнинг бисёrlиги хос. Тоғ ўрмонлар асосини арчазорлар, пистазорлар ва ёнғок, мевали дарахтзорлар ташкил қиласди.

Арча ўрмонзорлари уч турдаги, яъни яримшарсизмөн, Зарафшон ва Туркистан арча турларидан иборат. Зарафшон арчаси (қора арча) кенг тарқалган ва у 1500-2300 м баландликда учрайди. Яримшарсизмөн (совур) арча 2000-2700 м баландликда тарқалған. Туркистан арчаси асосан Туркистан төг тизмаларида 2200-3100 м баландликда учрайди.

Төг ўрмонлари орасида пистазорлар майдон жиҳатидан иккинчи уринни эгаллайди. Писта қурғоқчиликка чидамли ва қимматли мевали дарахт. Пистазорлар соғ ҳолда қурғоқчил төг этаклари ва паст тоғлар ёнбағирларида тарқалған. Пистазорларнинг асосий қисми Боботоғ тизмасида (Сурхондарё, майдони 50 минг гектар), қисман Самарқанд атрофида ва бошқа тоғли худудларда учрайди. Арчазорлар билан пистазорлар оралигига бодомзор, ёнғоқ, тоғолча, олма, ўрик, дұлана, наъматак, қора қанд ва бошқа дарахтли ва бутали ўрмонзорлар жойлашған. Улар күплаб мева бериши билан бирға, ёнбағирларни сурима ва эрозиядан муҳофаза қиласады.

Төг ўрмонларининг аҳамияти бекиёсdir, лекин аҳоли ёқилғи билан тұла таъминланманғанлиги ва қурилиш материаллари билан ҳам барча жойларда старли таъминланмаганлиги туфайли ўрмонларни қирқишил қоллари учраб туради. Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса қурилиш материалларининг қимматлиги аҳолини төг ёнбағирлардаги дарахтларнан қирқишишга үндайды. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ҳар бир оила бир йилда ёқилғи сифатида ўртача  $15-20 \text{ м}^3$  ўтин түплайди. Қуриган дарахт ва буталар билан бирға ўсиб турған дарахтлар ҳам қирқилади. Умуман, Уғом, Чотқол минтақасида ҳар йили камида  $21 \text{ минг м}^3$  дарахт ва буталар қирқилади. Агар бу миқдорни бошқа тоғли вилоятларни ҳам қушиб ҳисобласак, катта ҳажмда ўтин тайёрланиши аён бўлади.

## 528. Чүл минтақасида ўрмонарнинг аҳамияти нимада?

Чүл минтақасида ўрмонарнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ўрмон чўлда қумларнинг кўчиб юришини тұхтатса, сугорма эрларда тупроқни учиб кетишига тусиқ бўлади, яйловларда бута ва дараҳтларни мавжуд булиши қоракўл қўйлари истеъмол қиласидан турли хил ўт-ўланларнинг ўсишига имкон беради. Оқ ва қорасаксовул, черкез, чоғон, қандим ўрмон ҳосил қилувчи дараҳт ва буталар ҳисобланади. Улар зич ўсган жойларда яйловлар маҳсулдорлиги гектарига 2 центнердан кам бўлмайди, баъзан 4-5 центнергача ошади.

Аммо Республикасининг чўл қисмида геологик-қидирув ишларининг фаоллашуви, автотранспорт ҳаракатининг кучайиши, турли маъданларни қазиб олишнинг кенг миқёсда амалга оширилаётганлиги, шаҳарчалар қурилаётганлиги яйловлар майдонини қисқартиришга олиб келяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1 км масофада магистрал қувурлар ётқизилиши камидан 4 гектар майдондаги яйловларни бузилишига олиб келади.

Чўл минтақасида ҳозирга келиб 1 млн гектар майдонда ҳаракатдаги қумлар вужудга келган, уларда ҳеч қандай ўсимлик ўсмайди ва яйлов сифатида фойдаланилмайди. Шунингдек, 5 млн гектар майдонда маҳсулдорлиги жуда ҳам кам бўлган (гектаридан 5 центнер) яйлов вужудга келган, бу ҳудудда ҳаракатчан қум массивлари пайдо бўлган. Улар мавжуд яйловлардан тўғри фойдаланмаслик оқибатида таркиб топган. Воҳалар (Бухоро, Қарши, Қорақўл, Қорақалпогистон, хусусан, Тўрткўл, Элликқалъа) билан қумли чўлларни бир-бирлари билан туташган минтақаларида 200 минг гектар майдонда барханли

кумлар мавжуд. Бу ҳол ёқилги сифатида саксовуллар, черкез, чоғонни қирқиши натижасида вужудга келган.

Тұқайзорлар йилдан йилга камайиб бормоқда. 1978 йилда уларнинг майдони 78 минг гектар, 1983 йилда-34 минг гектар, 1992 йилда-31 минг гектаргача камайды. Амударё делтасида дараҳтли- бутали тұқайларнинг майдони чүлланиш муносабати билан, кескин қисқармоқда. 60-йилларға қадар худудда тұқайзорлар майдони 270 минг гектар бўлган ҳолда уларнинг майдони ҳозирда 10-15 марта камайды. 70-80-йилларда пахта майдонларини кенгайтириш баҳонасида дарёлар ўзанларига қадар янги ерлар очилди, шунинг учун ҳам тұқайзорлар майдони кескин қисқарди.

### **529. Ўзбекистонда ҳайвонот дунёсининг нечта турлари яшайды?**

Ўзбекистонда ҳайвонот дунёсининг 600 га яқин тури яшайды, сут эмизувчиларнинг 97 тури, қушларнинг 379 тури, судралиб юрувчиларнинг 58 тури мавжуд. Республика Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг маълумотига кўра, Ўзбекистонда ов қилинадиган ва балиқ тутиладиган жойларнинг майдони 38 млн гектардан иборат, шундан 0,5 млн гектари сув ҳавзаларига тўғри келади. Ҳар йили ўртacha 60 мингтacha сувда сузуви қушлар, тахминан 2 минг тустовук, 13 минг каклик, 500 бош ёввойи тўнғиз, бир неча мингта сайгоқ, 50 мингдан 100 мингтагача тошбақа, 10000-100000 тагача қурбақа ва бошқа ҳайвонлар ов қилинади. Албатта, булар расмий маълумотлардир. Аслида эса ов қилинадиган ҳайвонлар, айниқса, қушлар сони бундан ҳам кўп, броконерлар тутган ва отган ҳайвонлар миқдорини ҳеч ким ҳисоб-китоб қилмайди. Шунинг учун ҳам республикада назорат ўрнатилишига қарамасдан ов қилинадиган ҳайвонларнинг сони борган сари камайиб бормоқда.

## **10.6. Биологик ресурсларни муҳофаза қилиш чоратадбирлари (530-534)**

**530.** Ўзбекистон Республикаси Парламенти биологик хилма-хиллик тұғрисидагт Конвенцияни қачон ратификация қилди?

**531.** Ўзбекистон Республикасининг биохилмакиллиги нималарни ўз ичига олади?

**532.** Қуриқхоналарга ва миллий боғларга ажратылған ерларнинг умумий майдони қанча булиши керак ва у ҳозирги пайтда неча гектарни ташкил этади?

**533.** Ҳозирги пайтда Республикаизда биохилмакилликни сақлаб қолышта доир масалаларни ҳал этиш учун қонунчилик асослари яратылғанми?

Республикамизнинг барқарор ривожланиши учун биологик хилма-хилликнинг ахамияти ниҳоятта катта эканлигини инобатта олиб, Парламентимиз 1995 йилда биологик хилма-хиллик тұғрисидаги Конвенцияни ратификация қилди.

Ўзбекистон Республикасининг биологик хилма-хиллиги 27 мингдан ортиқ үсімліклар ва ҳайвонот турларидан, шу жумладан 15 минг ҳайвонот турларидан ва 11 минг замбуруғлар ва сув үтларидан иборатдир. Республикаизнинг биологик хилма-хиллиги алохіда қуриқланадиган ҳудудларда (9 та давлат қуриқхоналарида, 9 та буюртмахоналарда ва 2 та миллий боғларда) самарали сақланади ва күпайтирилади. Қуриқхоналарга ва миллий боғларга ажратылған ерларнинг умумий майдони 20 минг км<sup>2</sup> ни, яъни Республика ҳудудининг атиги 4,6 % ни ташкил этади. Аслида эса, Халқаро тавсияларга ассан уларга ажратыладиган ерларнинг умумий ҳудуди мамлакат ҳудудининг 10 % ни ташкил этиши керак. Ҳозирги пайтда

Республикамизда биохилма-хилликни сақлаб қолишга доир масалаларни ҳал этиш учун қонунчилик асосларига катта эътибор қаратиляпти. Масалан, 1992 йил 9 декабрда "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, 2000 йил 31 августда "Қишлоқ хўжалик ўсимликларини заракунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва 2004 йил 3 декабря "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган "Ўрмон тўғрисида"ти қонуни ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабря қабул қилинган "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ти қонуни ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

Ўрмоннинг амалий аҳамияти ғоятда улуғворлиги ва республикада уларнинг майдони ниҳоятда камлигини ҳисобга олиб, янги ўрмонзорлар бунёд этиш ишлари муттасил амалга оширилмоқда. Чўлларда қум рельеф шаклларининг ҳаракатини олдини олиш учун иҳотазорлар вужудга келтирилган, тоғ ёнбағирларида эрозия, сурилма ва сел ҳодисаларини ривожланишини тұхтатиб қолиш борасида жойларда тоғ ўрмонзорлари яратилди. Суғориладиган ерлардаги иҳотазорлар тупроқни эрозия ва дефляциядан сақлашда амалий аҳамияти бениҳоя юқори. Лекин шунга қарамасдан, мамлакатда ўрмонлар майдонини кенгайтириш ишларини күнгилдагидек деб бўлмайди. 80-йилларда йилига уртacha 40-50 минг гектар, 1990-1992 йилларда 40 минг, 1994-1995 йилларда-30 минг, 1996 йилда

**34 минг гектар майдонда янги ўрмонлар бунёд қилинди ва тикланди.**

Бизнингча, янги ўрмонларни камида **йилига 100-120 минг гектар майдонда** бунёд этиш кўзланган мақсадга эришишга имкон беради. Бу борада воҳалар билан қумли чўлни туташган минтақасида оралиқ иҳотазорлар вужудга келтириш мақсадга мувофиқ. Чунки бир неча қаторларда (оралиқ масофа **100-200 м**) иҳотазорлар чўлдан эсадиган иссик ва қуруқ чангли шамолларни тўсиб қўяди, ҳаракатдаги қумларнинг мустаҳкамланишини таъминлайди. Чўл шароитида автомобил йўлларининг икки чеккасида йўл иҳотазорларни (черкез, қандим, оқсаксовул ва б.) вужудга келтирилиши аввало йўлни қум босищдан сақласа, бошқа томондан, йўловчилар эстетик завқ оладилар, йўл чеккаларида ўзига хос микроиқлим вужудга келади. Қумли чўлларда бир томондан, яйловлар маҳсулдорлигининг камлиги, иккинчи томондан, ҳаракатдаги қумларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда иҳотазорларни вужудга келтириш лойиҳаланилади. Бунда аҳоли пунктлари (кудуқлар, шаҳарчалар), турли иншоотлар, сув, нефт, газ қувурлари чеккалари ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ.

Тоғ ёнбағирларда ўрмонларни бунёд этишда бир қатор омилларни эътиборга олиш даркор. Энг аввало, сурилма ва эрозияга мойил ёнбағирларни, сел келиши хавфи бўлган сой ёнбағирлари ва ўзанлар чеккалари, қор кучкилари ривожланиши мумкин бўлган ҳудудлар ўрмон билан қопланишига эришиш зарур. Қишлоқлар ва турли хўжалик иншоотлари, бинолар, автомобил ва темир йўллар, рекреация обьектлари атрофлари ва уларнинг ҳудудлари зич дарахтзорлар билан қопланишни юқорида кўрсатиб ўтилган табиий оғатларни вужудга келишига имкон бермайди. Янгитдан вужудга келаётган жарликлар, сурилиши эҳтимол

қилинаётган ён бағирлар, айниқса, тез муддатларда дараҳтзорлар билан мустаҳкамланиши яхши самара беради. Бундай жойларда мол бокишни таъкиқлаш маъқул. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралда тасдиқлаган қарорида 1994-2003 йиллар мобайнида ҳар йили камида 10 минг га майдонда терак ва бошқа тез ўсувчи иморатбоп дараҳтлар экиш таъкидланган. Россиядан келтирилаётган ёғоч ва тахта республикага жуда ҳам қимматга тушмоқда. Терак ва бошқа тез ўсувчи дараҳтлар экиш билан 8-10 йил мобайнида кўп миқдорда иморатбоп ёғоч тайёрлаш мумкин. Ҳисобкитобларга қараганда, 1 гектар теракзордан 10 йилда камида  $500 \text{ m}^3$ , 10 минг гектар майдондаги теракзордан эса 5 мин  $\text{m}^3$  ёғоч олиниши мумкин. Калифорния тераги эса тез 5-6 йилда вояга этади, бироқ у мурт ва тез синувчандир. Бу жиҳатдан кўк терак билан мирзатерак ёғочи анча қаттиқ ва зичлиги билан ажралиб туради.

Теракларни барча сугориш тармоқларининг чеккасида, шаҳарлар, аҳоли пунктлари, воҳаларнинг экин экилмайдиган ва нотекис жойларида ўстириш имкони бор, ундан иҳота ўрмони сифатида фойдаланиш мумкин. Теракдан нафақат ёғоч, тахта, шунингдек, ундан аъло сифатли қоғоз тайёрланади. Теракларни республикада мавжуд бўлган қарийб 200 минг км масофага чўзилган сугориш шоҳобчаларининг чеккаларида вужудга келтириш мумкин, чунки уларнинг атиги 7 минг км даги қисмида дараҳтзорлар мавжуд, холос. Терак ва мевали дараҳтларнинг темирбетонли новлар бўйлаб экилса, аввало сув бўйида ўзига хос микроиқлим таркиб топар эди, кейин эса турли мевалар этиширилган бўларди. Бу борада айрим туманларда (Мирзачўл, Қарши чўли, Хоразм) намунали ишлар қилинмоқда. Сув омборлари ва селхоналар атрофида дараҳтзорларни вужудга келтириш обьекти бўлиши лозим,

республикадаги деярли барча сув ҳавзалари чеккалари ўрмонзорлар билан банд эмас.

Йирик саноат корхоналари худудларида ва атрофларида маҳсус ихотазор бунёд этиш ҳар жиҳатдан ҳам зарур, чунки дараҳтлар заарли моддаларни, айниқса, ҹангларни ютиб, ҳавони тозалайди, ҳаво намлиги ва ҳароратни ростлаб туради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрдаги қарорига мувофиқ Бухоро нефтни қайта ишлаш корхонаси атрофида 18 минг га майдонда ўрмонзорлар вужудга келтириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Ҳудди шундай хайрли ишни Мўйнок, Шўртан газ-кимё саноати, Навоийазот корхоналари ва бошқа саноат обьектлари атрофларида вужудга келтириш айни муддао.

### **534. Орол бўйида рўй берадиган чўлланиш ҳодисасини олдини олиш учун нима қилиш керак?**

Орол бўйида рўй берадиган чўлланиш ҳодисаси бошқа табиат компонентлари қатори ўсимлик оламиининг жиддий зарар кўришига сабаб бўлмоқда. Ўсимликлар табиатда бўлаётган барча нохуш ўзгаришларнинг энг ишончли индикаторидир. Уларнинг бир турдан иккинчи бошқа бир турлар билан алмашиши маконда, рельеф, грунт сувлари режими, тупроқ ва бошқа компонентларида ўзгаришлар содир бўлаётганилиги натижасида юз беради. Амударё ва Сирдарёнинг ҳозирги делталарида (суғориладиган минтақада) аввалги дараҳтли тўқайзорлар сувсизлик ва шўр муҳит таъсирида қаттиқ зарар кўрди, уларнинг қуриши туфайли шамол таъсирида кўчма қумлар ҳаракати фаоллашмоқда. Орол денизининг қуриган қисмида қум ва тузларни миграцияси кучаймоқда.

Ушбу тадрижий табиий шароитда заминни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада энг

ишончли, арzon, тез муддатларда самара берадиган тадбир маълум лойиҳалар асосида ихотазорларни вужудга келтириш, ҳаммадан ҳам қулай ва иқтисодий жиҳатдан арzon ҳамда зарурий чора ҳисобланади. Фитомелиорация (ўсимликларни экиш ва ўстириш билан мелиорация қилиш) йўли билан тупроқни эрозия ва дефляциядан сақлаб қолиш Амударё делтаси ва Оролнинг қуриган қисмида 80-йилларнинг 2-ярмида бошланган. Оролни қумли худудларида (Ўзбекистон қисмида) 1989 йилдан эътиборан ҳар йили камида 10 минг гектар майдонда қора саксовул, черкез, қандим, чоғон ва бошқа қуруқсевар ва шўрни хуш кўрувчи ўсимликларнинг уруғи ва қаламчасини экиш билан фитомелиорация амалга оширилиб келинади. Кейинги вақтларда (90-йиллардан бошлаб) иш майдони ортиб бормоқда. 1998 йилнинг бошларида жами фитомелиорация қилинган майдон 150 минг гектардан орtdи. Албатта, бу рақам унчалик кўп эмас агар барча қуриган қисм 5 млн гектар деб ҳисобланса, унинг қарийб 2 млн га қисми республикамизга тегишли. Ҳозирга келиб ўсимлик экиш мумкин бўлган майдон тахминан 400-500 минг гектарни ташкил қиласди. Эндигина унинг учдан бир қисми ўсимлик билан мустаҳкамлашга эришилди, холос. Бизнингчча, фитомелиорация ишлари суръатини ва қамраб олинаётган майдон ҳажми камида 2 марта оширилиши айни муддао. Чунки дengиз чекинган сари унинг қуриган қисмида фитомелиорация қилинадиган майдон миқёси ҳам ортиб бормоқда, демак, шамолни уювчаник ва ҳаракат майдони тобора ортиб бормоқда.

Амударё делтасида ҳам ихотазорлар вужудга келтириш борасида анча ишлар қилинмоқда. Чимбой, Муйнок, Бўзатов, Қунғирот, Қораўзак туманлари ўрмон хўжаликлари ўзанлар бўйларида тўқайзорларни қайтатдан тиклаш, қумли худудларда фитомелиорация ишларини амалга

оширмоқдалар. Энг қизиги шундаки, делтанинг ботиқлари оралығидаги баландроқ қисмларида утлоқ-тақир тупроқларнинг тақирысими тупроқларға ривожланиб утишлари туфайли жойларда (Күнгирот-Мүйинқ автомобил йўлининг икки чеккаси ва унинг ичкари ҳудудлари) табиий йул билан қора саксовул кең тарқалмоқда. Гап ана шу табиий йул билан кенгайиб бораётган қора саксовулнинг ахоли томонидан кесиб кетилмаслигига. Агарда уларни вегетацияси учун инсон томонидан тұсқынлик қилинmasa, у табиий йул билан заминни мустахкамлаб боради.

## **10.7. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар (535-548)**

### **535. Чиқиндисиз технология атамасини фанга ким кириттан?**

Чиқиндисиз технология атамасини биринчи маротаба рус олимлари, академиклар Н.Н.Семёнов ва И.В.Петряновлар үттан асрнинг 50 - йилларида фанга кириттан эдилар. Батызан «Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологиялар» атамаси үрнида «тоза» ёки «бирмунча тоза технологиялар» атамалари хам қўлланилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган хом-ашёдан 100% қулланиш анча кийин. Шунинг учун «Чиқиндисиз технология» атамаси шартлидир.

### **536. Чиқиндисиз технология деб нимага айтилади?**

Чиқиндисиз технология инсон эҳтиёжларини қондириш, билим, усуллар ва воситаларни амалда тадбиқ этип, табиий ресурслар ва энергиядан унумли фойдаланишини таъмишилаш ва атроф-мухитини муҳофазалашыдир.

**Чиқиндисиз технология** - бу маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай самарали усулики, унда хом-ашё ишлаб чиқариш-истеъмол қилиш-иккиламчи хом-ашё ресурслари циклида энергия ва хом-ашёлардан унумли ва комплекс равишда қулланилади ва табиий мухитта етказиладиган ҳар қандай таъсири унинг нормал ҳолатидан чиқара олмайди.

Ушбу таърифда 3 ҳолатни ажратиш мумкин.

1. Чиқиндисиз ишлаб чиқариш нетизини инсон томонидан онгли равища ташкил этилган ва ростланган техноген моддаларнинг айланиб туриши ташкил этади.

2. Хом-ашё таркибидағи барча компонентлар (моддалар) дан унумли фойдаланишининг мажбурийлиги.

3. Чиқиндисиз технология табиий мухитта таъсири этиб, унинг нормал ҳолатидан чиқара олмаслиги.

### 537. Кам чиқиндили технология деб нимага айтиласиди?

**Кам чиқиндили технология** - бу маҳсулот ишлаб чиқаришнинг шундай усулики, унда табиий мухитта етказиладиган заарли таъсири рухсат этилган санитария-гигиеник мөърлардан ошмайди.

Ишлаб чиқариш корхоналарида хом-ашёнинг маълум бир кичик қисми техник, ташкилий ва иқтисодий сабаблар туфайли чиқинди бўлиб қолиши мумкин, аммо улар экологик хавфсиз жойларда сақланади ёки зарарсизлантириласиди.

### 538. Кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шарти нимадан иборат?

Кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этишининг асосий шарти корхонада фойдаланишга яроқсиз булган чиқиндилар ва хусусан, заҳарли моддаларни

зарарсизлантириш системасининг мавжудлигидир. Чиқиндиларнинг атроф-мухитга етказадиган таъсири уларнинг рухсат этилган чегаравий концентрацияларидан ошмаслиги керак.

### 539. “Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар” атамаси қайси атамалар билан чамбарчас боғлиқ?

“Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар” атамаси қўйидағи атамалар билан чамбарчас боғлиқидир: «Табиий ресурслар», «хом-ашёларга комплекс (яъни, ҳамма томонлама) ишлов бериш», «ресурслардан унумли фойдаланиш», «қўшимча (иккинчи даражали) маҳсулотлар», «ишлаб чиқариш чиқиндилари», «истеъмолга яроқсиз чиқиндилар», «иккиламчи материаллар ресурслари», «иккиламчи энергия ресурслари», «иқтисодий зарар».

### 540. Табиий ресурслар гурухига нималар киради?

Табиий ресурслар гурухига Қўёш энергияси, сув, ҳаво, хайвонот ва ўсимликлар, тупроқ ва бошқалар киради.

### 541. Минерал ресурслар гурухига нималар киради?

Минерал ресурслар гурухига Ер бағридағи минерал хом-ашё (маъданли, фойдали қазилмалар, олтин, кумуш, фосфоритлар, алюмосиликатлар, кўмир ва бошқалар) нинг захиралари киради.

### 542. Хом-ашёлардан ҳар томонлама (комплекс) фойдаланиш деганда нимани тушуниш керак?

Хом-ашёлардан ҳар томонлама фойдаланиш деганда, хом-ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари таркибидағи фойдали компонентлардан фойдаланиш тушунилади.

Шуни эслатиб ўтиш керакки, хом-ашёлардан унумли фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади,

маҳсулот турлари ва ҳажмини купайинини таъминлайди, маҳсулот нархини пасайтиради, хом-ашё базаларини яратишга сарфланадиган маблагларни камайтиради ва, энг асосийси, ишлаб чиқариш чиқиндилари билан атроф-муҳит ифлосланишини олдини олади.

Маълумки, хом-ашёларга физик-кимёвий ишлов беринш пайтида олинадиган маҳсулот билан бирга қўшимча маҳсулотлар ҳам пайдо бўлади. Масалан, нефт ишлаб чиқаришда қолдиқ модда мазут ҳисобланади. Унинг таркибида ванадий, никел, магний ва кремний каби элементлардан ташқари, 70-90% олтингурут ҳам мавжуд. Ишлов беринш пайтида уларнинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш жараённинг асосий мақсади эмас, аммо улардан тайёр маҳсулот сифатида фойдаланиш мумкин. Бундай қўшимча маҳсулотлар учун давлат стандарти (ДавСТ), техник меъёrlар ва тасдиқланган нархлар бўлади. Ҳозирги пайтда мазут таркибидан олтингурут ажратиб олиш технологик жараёнлари ишлаб чиқарилган.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, агар қўшимча маҳсулотларни ажратиб олиш ёки уларга қайта ишлов беринш иқтисодий нуқтаи назардан фойдали бўлмаса, унда бундай маҳсулотлардан ёқилғи сифатида қуллаш мумкин.

#### 543. Ишлаб чиқариш чиқиндилари деб нимага айтилади?

Ишлаб чиқариш чиқиндилари - бу хом-ашё қолдиқлари, материаллар ва ярим маҳсулотлар (полуфабрикатлар), сифат курсаткичларини қисман ёки түлиқ йўқотган ва давлат стандартлари талабларига мос келмайдиган чиқиндилардир.

Одатда, ишлаб чиқариш чиқиндиларига дастлабки ишлов берилгандан кейин, ишлаб чиқариш соҳаларида қулланилади.

**544. Истеъмолга яроқсиз чиқиндилаар деб нимага айтилади?**

Истеъмолга яроқсиз чиқиндилаар-бу құллаш муддатини утаб булған материаллар, эскирган буюмлар ва дастлабки хоссаларини қайта тиклаш иқтисодий нүктаи назардан мақсадға мувофиқ топилмаган чиқиндилаардир. Масалан, пластмассалардан тайёрланган барча буюмлар, стол-стуллар, қутти ва қувурлар хом-ашё сифатида ҳам, бошқа материаллар учун құшымча моддалар сифатида ҳам ишлатилиши мумкин.

**545. Иккиламчи материаллар ресурслари деб нимага айтилади?**

Иккиламчи материаллар ресурслари деганда, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва истеъмолга яроқсиз чиқиндилаарнинг мажмуй тушинилади. Улардан маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий ёки ёрдамчи материал сифатида қуллаш мумкин. Бундан ташқари, бу гурухга шартли равишида құшымча ёки алоқадор (йұлакай) маҳсулотларни ҳам қушин мумкин. Ҳозирги пайтда бундай материаллар ресурсининг резервлари (захиралари) даң тұлық фойдаланылмаяпты.

**546. Иккиламчи энергетик ресурслар деб нимага айтилади?**

Иккиламчи энергетик ресурслар деганда, технологик жараёнлар натижасида қурилмаларда пайдо бұладиган чиқиндилаар, құшымча ва оралик маҳсулотларнинг энергетик потенциали тушинилади. Улардан корхонани үзида ёки құшни корхоналарни энергия билан таъминлашда қисман ёки тұлық құллаш мумкин.

Иккиламчи энергетик ресурсларни З гурухга булиш мумкин.

1. Ёнилгининг иккиламчи энергетик ресурслари.
2. Иссикликнинг иккиламчи энергетик ресурслари.
3. Механик иккиламчи энергетик ресурслар.

Ёнилгининг иккиламчи энергетик ресурслари турхига уchoқлардан чиқадиган тутили газларнинг иссиқлиги, материаллар оқимининг иссиқлиги, иссиқлик алмашинуви қурилмаларида кейин совутувчи сувларнинг иссиқлиги ва бошқалар киради.

**Механик иккиламчи энергетик ресурслари турхига технологик жараёнларда пайдо буладиган ёки қулланиладиган сиқилган газларнинг энергиялари киради.**

**547. Корхонада чиқиндисиз технологияларни жорий этиш учун қайси принципларга амал қилинади?**

Корхонада чиқиндисиз технологияларни жорий этиш учун қуйидаги 5 та асосий принципларга амал қилинади.

1. **Системаликни таъминлаш.** Яъни, табиий, ижтимоий ва ишлаб чиқариш жараёнларнинг ўзаро алоқадорлигини ва бир-бирига боғлиқлигини таъминлаш.

2. **Хом-ашё ва энергетик ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиши.** Яъни, худудий ишлаб чиқариш комплексидати корхонанинг чиқиндисини бошқа корхоналарда қўллаш имкониятини яратиш.

3. **Материаллар оқимининг даврийлигини таъминлаш.** Яъни, ёпиқ сув ва газ айланма таъмиютини яратиш ва ишлаб чиқаришни табиий мухитга таъсирини чеклаш. Ушбу принципга амал қилиш чучук сув, ҳаво, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофазалашта катта ёрдам беради.

4. **Табиий мухитга ишлаб чиқариш таъсирини чеклаш.** Яъни, табиий мухитга етказиладиган таъсир, унинг сифат курсаткичларига таъсир кўрсатмаслигини, ёки табиий

мухитнинг сифат курсаткичлари узгарса ҳам рухсат этилган чегаралардан ошмаслигини таъминлаш.

5. Чиқиндисиз ишлаб чиқариш самарадорлитини ташкил этиш. Яъни, энергетик, технологик, иқтисодий, ижтимоий ва экологик омилларни инобатга олиш, табиий ресурслардан ҳамма томонлама фойдаланиши, ишлаб чиқариш ҳажмларини усишини таъминлаш ва иқтисодий зарарни олдини олиш.

#### 548. Хом-ашё урнида чиқиндилардан фойдаланиш қайси мамлакатларда ривожланган?

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фильтрлар ва бошқа тозалаш қурилмалари ёрдамида ушлаб қолинган ташланмалар чиқиндилардан тула-тукис фойдаланиш муаммосини ечолмайди. Юқори тозалаш даражасига этиш учун катта маблағларни сарфлашга тұғри келади.

Бундан ташқари, табиатни муҳофаза қилиш чоратадбиrlари учун ажратиласидиган маблағларнинг ортиши ҳам ишлаб чиқариш иқтисодий курсаткичларига салбий таъсир курсатипи мүмкін. Шунинг учун хом-ашёлар ва энергия сарфини камайтириши ва улардан тула-тукис фойдаланиши учун катта чиқиндили технологияларга ўтиш катта иқтисодий даромадлар гаровидир.

Охирги йилларда жаҳонда хом-ашё урнида чиқиндилардан фойдаланиш катта тезлик билан үсіб бормоқда. Масалаң, Японияда 96% дан күпроқ ишлаб чиқарип чиқиндилари хом-ашё урнида қайта құлланилади.

Иккиламчи хом-ашёларга қайта ишлов бериш тажрибалари Олмония, Булғория ва Польшада кеңг ривожланиб бормоқда. МДХ да эса, 85% домен тошқоллари, 25% чүян ва 50% темир қотишмалари қайта ишланади.

## 10.8. Чиқиндисиз технологияларнинг асосий принциплари (549,550)

**549. Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни яратиш учун нима қилиш керак ва у нима берипши мумкин?**

Чиқиндисиз ишлаб чиқаришни яратиш учун, авваломбор, принципиал янги технологияларни яратиш керак бўлади. Бу эса, ўз навбатида, катта иқтисодий маблагларни ажратинни тақозо этади.

Иккинчидан, чиқиндисиз технологияда нафакат ишлаб чиқариш чиқиндиларни, балки истеъмолга яроқсиз бўлиб қолган чиқиндиларни ҳам тиклаш керак бўлади. Яъни, хомашё ресурслари-ишлаб чиқариш-истеъмол қилиш-иккиламчи хом-ашё ресурслари циклини яратишни тақозо этади. Бунда дастлабки хом-ашё бир неча маротаба қайтакайта қулланилади. Масалан, агар 1 тонна суртувчи мойларнинг дастлабки хоссалари тикланса, бу 6 тонна нефтни тежаш имконини беради. Бир тонна мойни қайта тиклашга сарфланадиган маблаг эса, 1 тонна мой ва нефт ишлаб чиқаришга сарфланадиган маблагнинг ярмини ташкил этади.

Кулланиш муддатини ўтаб бўлган, эскирган автомобил ва трактор шиналарининг 1 млн тоннасидан қайта фойдаланилганда, 700 минг тонна резинани, 130-150 минг тонна түкимачилик толаларини ва 30-40 минг тонна пўлатни тежаш имконини беради.

**550. Ҳозирги пайтда қайси корхоналарда чиқиндисиз технологиялар жорий этилган?**

Ҳозирги пайтда купгина металлургия саноати корхоналарида чиқиндисиз технологиялар жорий этилган. Улар маъданларни коксиз ва домна ўчоқларисиз эритиш янги усулларидан фойдаланиб келмоқдалар. Маъданлар

таркибидағи металлар табиий газ ёки водород гази ёрдамида эритиб олинмоқда. Натижада домна ўчоқларидан ажралиб чиқадиган кул, кокс ва бошқа чиқиндилар миқдори камайиб, атмосфера ҳавосига чиқариб ташланадиган заҳарли газ, чанг, курум ва бошқа чиқиндилар ўз-ўзидан йўқолади. Металларни ушбу усул ёрдамида эритиб олиш корхонадаги чиқиндилардан тўла-тўқис фойдаланиш имконини беради.

Рангли metallurgия саноати корхоналарида ҳам никел, волфрам, ва бошқа рангли ва нодир металларни ишлаб чиқаришда чиқиндисиз технологиялар жорий этилган. Натижада чиқиндилар миқдори тобора камайиб бормоқда.

Кимё саноатида ва, хусусан, азотли ўғитлар ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам хом-ашёлар чиқиндисиз ишлатилмоқда. Синтетик каучук, резина ва пластмасса ишлаб чиқариш корхоналарида пайдо буладиган суюқ ва қаттиқ чиқиндилардан спирт, стирол ва сулфат кислотаси олинига фойдаланилмоқда.

Умуман олганда, ҳозирги пайтда чиқиндилар ажратмайдиган ишлаб чиқариш корхоналарининг сони жуда кам. Купгина маҳсулотлар сифатсиз, давлат стандартларига мос келмаслиги туфайли чиқинди сифатида чиқарилиб ташланади ва улар атроф-мухитни ифлослантирувчи манбаларга айланиб қолмоқда.

Олмалиқ, Бекобод, Навоий ва Тошкент шаҳарлари сингари саноати нисбатан ривожланган ва корхоналари зич жойлашгандарда чиқиндисиз ва кам чиқиндиларни технологияларни жорий этиш катта иқтисодий ва экологик аҳамиятга эга.

## 10.9. Қишлоқ хұжалик маҳсулотлари чиқиндиларидан самарали фойдаланиш истикбөлләри (551,552)

**551. Республикаизда этиштирилаётган бүгдой, арпа,  
шоли сомонлари ва мавжуд қамиш пояларидан қайси  
қурилиш материаллари олиш мүмкін?**

Охирги йилларда Республикаизда архитектура ва қурилиш соңасыда катта өзтибор берилген. Мамлакатимизда қурилиш ишләри жадал суръатларда амалта оширилаётганды туфайли, айниқса қишлоқ жойларида намунавий лойихалар асосида кенг күламда қурилаётган уй-жойларни барпо этишда сифатли, иштә чидамли, мустаҳкам ва рақобатбардош қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж кунсайин ортиб бормоқда. Чунки намунавий лойихалар асосида нафақат шаҳарларда, балки қишлоқ жойларида ҳам кенг күламда уй-жойлар қурилмоқда. Бинолардаги хоналарни иссиқлик ва совуқдан ҳимоялаш алоҳида талаблардан бири бўлиб қолмоқда. Минтақамизда ёзнинг иссиқ келиши ва қишда ҳаво ҳароратининг ўзгарувчан (-2 °C дан +20 °C гача) булиши аҳоли яшайдиган уй-жойлар ва янгидан қурилаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув бинолари, даволаш масканлари, мактабгача таълим масканлари, урта умумтаълим мактаблари ва бошқа биноларни иссиқлик (совуқ) ҳимоясини опириш мақсадида иштә чидамли, мустаҳкам, сифатли, арzon ва рақобатбардош қурилиш материалларини маҳаллий хом-ашёлар асосида ишлаб чиқариш уз ечимини кутаётган долзарб муаммолигича қолмоқда.

Маълумки, Республикаизда этиштирилаётган бүгдой, арпа, шоли сомонлари ва мавжуд қамиш пояларидан иссиқлик (совуқ) ҳимоя қопламалари учун материаллар ишлаб чиқариш долзарб масалалардан бири бўлиб

қолмоқда. Далаларда этиштирилаётган буғдой сомонининг бир қисми кора моллар озуқаси сифатида қўлланилса, унинг асосий қисми самарасиз ёндириб юборилади ёки шудгор остида қолиб кетади. Ҳолбуки, сомонни қайта ишлани орқали нафақат химоя қатлами учун материаллар, балки мебел ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган ДВГ плиталари ва ДСП лар, ёқилги маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариши мумкин. Буғдой сомони таркибида қуйидаги моддалар мавжудлиги аниқланган: целлюлоза 34,8-49,2 %, лигнин 24,5 %, пентазонлар 19-30 %, кул 4,6-5,5%.

Сомон ва қамишдан тайёрланган плиталар нам таъсирига ўта чидамли булиб, улардан мебел саноатида фойдаланиш муҳим йуналишлардан ҳисобланади. Ушбу плиталар мебелнинг чидамлилик даражасини оширади ва улардан фойдаланиш муҳлатини узайтиради.

### **552. Сомондан плита ишлаб чиқариш технологик тизими қайси босқичлардан иборат ва плиталар қандай қилиб олинади?**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сомондан плита ишлаб чиқариш технологик тизими сомонни майдалаш, уни қуритиш, боғловчи модда (полимер материали) билан аралаштириш, иссиқлик остида пресслап босқичлардан иборатdir. Сомонни майдалаганда, булакчаларининг узунлиги 1,2-2,0 мм ни ташкил этиши мумкин. Сомон булакчалари барабанли ёки куп ярусли қуриттичда қуритилади. Унинг намлик даражаси 10-12 % атрофида булиши керак. Боғловчи модда сифатида карбамидформалдегид қатронидан фойдаланилади. Ҳарорати 40-45 °C ни ташкил этган ҳаво ёрдамида 10-15 дақиқа қуритилади. Даврий ишлайдиган гидропресслар

ёрдамида  $120\text{-}140$   $^{\circ}\text{C}$  да  $2,5\text{-}3,5$  МПа босим остида прессланади.

Мебел саноати учун сомон ва қамишдан хом-ашё сифатыда фойдаланиш қипиқдан тайёрланган панелларга нисбатан  $1,5\text{-}2,0$  баробар арzonга тушади, шу билан бирға иссиқлик ҳимоя қатлами ҳосил бұлади, намлик таъсирида чидамлилиги ошади, механик жиҳатдан мустаҳкам бұлади ва, әнд мұхими,  $1 \text{ m}^2$  плита учун сарфланадиган хом-ашё тежалади (сарфи камаяди).

Сомонли плиталар (панеллар) ни  $1 \text{ m}^2$  ни тайёрлаш учун намлик даражаси  $10\text{-}12$  % ни ташкил этган сомондан атиги  $12\text{-}15$  кг сарфланади. Агар  $1 \text{ kg}$  сомоннинг бозор нархи  $100\text{-}150$  сүмни ташкил этса,  $1 \text{ m}^2$  панел тайёрлаш учун  $1800\text{-}2500$  сүм атрофида асосий хом-ашёға маблағ сарфланади. Агар тайёр панел таннархига электр энергияси, ойлик маши, бөгловчи модда учун сарфланадиган харажаттарни ҳам құшиб ҳисобласақ, унинг  $1 \text{ m}^2$  ни ишлаб чиқариш учун үртача  $8500\text{-}10\,000$  сүм маблағ сарфланади.

Демак, ҳозирда қипиқ хом-ашёси асосида ишлаб чиқарылаётган  $1 \text{ m}^2$  панелга нисбатан арzonлиги, мустаҳкамлиги, юпқалиги, иссиқлик, товуш ва совук мұхитта нисбатан ҳимоя қатламини ҳосил қилиш қобилиятика, намлик таъсирига чидамлилик хоссаларига күра сомон ёки қамиш хом-ашёси асосида тайёрланган панеллар мебел ишлаб чиқаришда самарали құлланилишига шубха қолмайди. Арапаштириш шиекли ёки винтли механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Фенолформалдегиднинг сарфи  $1 \text{ kg}$  сомонга  $20 \text{ g}$  дан ошмайди. Қалинлиги  $12\text{-}14$  мм ни ташкил этадиган панеллар  $180\text{-}200$   $^{\circ}\text{C}$  да прессланади.

## **ХІ-БОБ. Экологик экспертиза ва экологик мониторинг**

### **11.1. Давлат экологик экспертизаси ва унинг асосий мақсади (553-559)**

**553. "Экспертиза" атамасининг асл маъносини тушунтиринг.**

**554. Давлат экологик экспертизани ўтказишдан асосий мақсад нималардан иборат?**

"Экспертиза" атамасининг асл маъноси "текширув", "таҳлил" дир.

Атроф-муҳит мусаффолигини сақлаб қолиш, атмосфера ҳавоси, сув ва унинг манбалари, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида янгитдан вужудга келтириладиган ҳар қандай муҳандислик лойиҳа, унинг катта - кичикилигидан қатъи назар, авваламбор, давлат экологик экспертиза (ДЭЭ) дан ўтказилади.

ДЭЭ нинг мақсади - хўжалик корхонасининг атроф-муҳит ҳолатига нисбатан экологик ҳавфини аниқлаш ва ушбу ҳавф даражасининг меъёрий курсаткичларига нисбатан қанчалик катталигини баҳолашдир.

**555. ДДЭ ни ўтказиш тартиби қайси меъёрий хўжжатларда белгиланган?**

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 1993 йил 4 майда қабул қилинган 8-ТК сонли маҳсус қарори асосида ДЭЭ ўтказилади.

Мазкур қарорда ҳалқ хўжалиги обьектларини қуриш лойиҳаларини ва техника-иқтисодий асосларини ДЭЭ дан

утказиш тартиби, шунингдек, томонлар (яъни, буюртмачи ва лойиҳаланувчи ташкилотлар)нинг вазифалари ва жавобгарликлари белтилаб берилган.

### **556. ДЭЭ дан нималар утказилади?**

Саноат корхоналари, цехлар, булимлар, гидротехник иншиоотлар, конлар, чиқиндишлар тұпланадиган жойлар, уларнинг заарасизлантириши жойлари, кимёвий моддалар, улар ишилатиладиган ҳудудлар, шаҳар қурилишни, унинг бопи лойиҳаси ва бошқа хужалик объектларининг лойиҳалари ДЭЭ дан утказилади.

Бундан ташқари, тоғлардаги сув ҳавзаларида ишга туширилиши лозим бүлган маъдан конлари, уларнинг бойитиш комбинати лойиҳалари маҳсус мутахассислар иштирокида ДЭЭ дан утказилади. Чунки бундай нозик лойиҳаларда технологик тизим ёки маъданларни сақлаш жойлардан уларнинг бир қисми нафақат ҳавога, балки ер ости сувларига қушилиб, нохуш ҳодисаларни келтириб чиқарини мумкин. Бундай нохуш ҳодисалар пайдо булганда уларни олдини қандай олиш мумкинлиги экспертиза чогида ҳамма томонлама чуқур текширилади.

### **557. ДЭЭ ни утказиши учун қайси меъёрий манбалар асос қилиб олинади?**

ДЭЭ ни утказиши учун меъёрий манбалар сифатида қуйидаги 3 та хужжат асос қилиб олинади.

1. 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тұгриси-да" ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат күмітаси-нинг 1992 йилда тасдиқланған халқ хужалиги объектларини қуыш лойиҳаларини ишилаб чиқишида, уларни кенгайтириши ва техник қайта жиҳозлашыда

атроф-мухитга таъсирини баҳолаш тартиби тұғрисидаги ёъриқномаси.

3. Корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш учун лойиха-смета ҳужжатларнинг таркиби, уларни ишилаб чиқиш ва мувофиқлаштириш тартиби тұғрисидаги 1.02.01-85 "Санитария меъёрлари ва қоидалари" йүриқномаси.

Бундан ташқари, ДДЭ ни үтказиш учун қуйидаги қонунлар асос қилиб олинади:

1998 йил 8 июля қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Ер Кодекси", 1998 йил 28 августа қабул қилинган "Давлат ер кадастри тұғрисида", 1993 йил 6 майда қабул қилинган "Давлат санитария назорати тұғрисида" ва 2000 йил 31 августа қабул қилинган "Экологик экспертиза тұғрисида" ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар.

#### **558. ДЭЭ ни үтказиш пайтида қайси масалаларга эътибор берилади?**

Умуман олганда, ДЭЭ ни үтказиш пайтида қуйидаги масалаларга эътибор берилади.

Хұжалик фаолиятида вужудға келген экологик хавф дарражасини аниқлашы.

Табиатни муҳофаза қилиш қонун ва қоидалари талабларига хұжалик фаолиятини мос келиши ё келмаслигини баҳолашы.

Лойихаларда табиатни муҳофаза қилишга қаратылған чора-табділарнинг илмий асосланғанлыгини ва етарлилигини аниқлашы.

### **559. ДЭЭ дан қайси объектлар үтишлари керак?**

1. Ишилаб чиқарини кучлари, халқ хужалиги тармоқларини жойлашириши ва көнгайтириши лойиҳалари, асосий иұналишлари, концепциялари ва давлат режалари.

2. Объектнинг қурилини учун таниланган майдонлар, қурилиш материаллари, режадаги лойиҳа ҳужжатлари ва агар корхонани көнгайтириш лозим бўлса, режадан олдинги лойиҳа ҳужжатлари.

3. Табиий ресурслардан фойдаланиши ва хужалик фаолиятини белгиловчи инструктив-услубий лойиҳалар ва техник-мөъёрий ҳужжатлари.

4. Янги моддалар ва материаллар яратиш буйича техника ва технологиялар, шу жумладан, хориждан олиб келинган техника ва технологиялар, уларнинг лойиҳалари, маҳсулот стандартлари, янги чиқариладиган маҳсулотлар, уларнинг таркиби ва давлат стандартларига мос келишини ҳужжатлари.

5. Республикага олиб келинган ва хорижта чиқариладиган маҳсулотлар, кимёвий моддалар, уларнинг турлари ва давлат стандартларига мос келишининг тасдиқловчи ҳужжатлар.

6. Айрим худудлар, алоҳида жойлар (масалан, чиқиндиларни зарарсизлантириш жойлари) ва объектларнинг экологик ҳолати.

7. Табиий атроф-муҳитта салбий таъсир кўрсатаётган ишилаб чиқариш объектлари (масалан, цех, бўлим, корхона).

8. Махсус аҳамиятта эга бўлган халқ хужалиги муаммоларини эчишга мўлжалланган ҳужжатлар, халқ хужалиги тармоқларининг ривожланиши лойиҳалари, шаҳарларнинг бош режалари, давлат дастурлари, йирик ва мураккаб иншоатлар, объектлар ва комплексларнинг лойиҳалари, уларнинг техник-иқтисодий асослари.

## **11.2. Давлат экологик экспертизани ташкил қилиш, үтказиш, ҳужжатларга бўлган талаблар ва унинг хуносалари (560-579)**

**560. Янги техника ва технологиялар, материаллар ва моддаларни экспертизадан үтказиш учун қандай ҳужжатлар тайёрланади?**

Янги техника ва технологиялар, материаллар ва моддаларни экспертизадан үтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар тайёрланади.

1. Янги маҳсулотнинг истиқболли техник савиясини белгиловчи ҳужжатлар, меъёрий - техник ҳужжатлар, меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар.

2. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришда қўйиладиган табиат муҳофазаси меъёрлари ва талабларига риоя қилишининг назоратини аниқлайдиган, регламентлайдиган тармоқ меъёрий - техник ҳужжатлари.

3. Янги маҳсулотга тегишли техник ҳужжатларнинг лойиҳалари, конструкторлик ва технологик ҳужжатлар, үтказилган тажриба натижалари, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг дастлабки ҳужжатлар талабларига мос келишини ва унинг техник савиясини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

4. Республика миқёсида ва хорижий мамлакатларда ухшаши (аналоги) бўлмаган, принципиал янги маҳсулот ишлаб чиқарилганда табиатни муҳофaza қилиш меъёрларига риоя қилиши режаси, назорат қилиши тартиби ва унга тегишли ҳужжатлар.

5. Республика худудида ҳамкорликда қурилаётган қўшима корхоналар, уларни жиҳозлаш учун келтирилган янги техника ва технологиялар, уларнинг лойиҳалари, материаллар, янги моддалар, уларнинг турлари ва таркибини тасдиқловчи ҳужжатлар.

6. Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш жараёнида экологик масалалар бўйича вазирликлар, бошқармалар, корхоналар, буюртма берувчи ва лойиха хужжатларини тайёрловчи муассасалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлганда, томонларнинг фикр-мулоҳазалари, ғоялари алоҳида хужжат сифатида экспертизага тақдим этилади.

**561. Янги техника ва технологиялар, материаллар ва моддаларни яратиш бўйича хужжатларда нималар ўз аксини топини керак?**

1. Янги техника ва технологиянинг, материал ёки модданинг техник вазифаси нималардан иборатлиги.
2. Техник шартлар лойиҳаси.
3. Техник савия ва сифат картаси.
4. Ишлатиш учун йўриқнома лойиҳаси.
5. Стандарт (давлат стандарти).
6. Санитария-гигиеник ва табиатни муҳофаза қилиш меъёр ва қоидаларга мос келиши тўғрисидаги маълумотнома.
7. Режалаштирилаётган ишлаб чиқаришининг дастури тўғрисидаги маълумотнома.
8. Ишлатиш даврида атроф-муҳитни ифлослантирувчи чиқиндилар, ташланмалар ва уларнинг режалаштирилган (солинштирма) микдори.
9. Чиқинди ва ташланмаларни ажратиб олиш, уларни қайта ишлани ёки заарсизлантириш усуллари ва манбалари ҳақидаги маълумотнома.
10. Ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган янги маҳсулотнинг ишлатиш давридаги экологик оқибатлар (атроф-муҳитта таъсирини баҳолаш натижалари) тўғрисидаги маълумотнома.
11. Янги маҳсулотни ишлаб чиқарилаётганда табиатни муҳофаза қилиши меъёrlарига ва талабларига риоя

қилининин назорат қилиш натижалари түгрисидеги тармок хулосалари.

**562. Экологик экспертизага топшириладиган хужжатлар қандай тавсифномалардан иборат булиши керак?**

Экологик экспертизага топшириладиган хужжатлар қуйидаги тавсифномалардан иборат булиши керак.

1. Чиқиндилаар, оқиндилаар, ташланмалар, уларнинг турлари, физик-кимёвий таркиби, ҳажми, хафвалик даражалари, биологик чидамлиликлари, портлаш қобилиялари ва меъёрий энергетик баланс ҳисоблари.

2. Меъёрий қийматларга ва кўрсаткичларга таққосланган шовқин, титраш, электромагнит майдон, иссиқлик ва радиация нурланишларнинг тирик организмларга, тупроққа, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири, санитария-химоя минтақалари ҳудудининг ҳисобланган ва тажриба натижалари.

**563. Маълумки, экологик экспертизадан ўтказиш учун экологик-техноген тавсифномалар ҳам тақдим этилади. Уларга нималар киради?**

Экологик-техноген тавсифномаларга қуйидагилар киради.

1. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиялар, табиий ресурслар ва энергия тежовчи қурилмаларнинг лойиҳалари.

2. Ҳаво ва сувларни чиқиндилаардан тозалаш қурилмалари ва иншоотларининг лойиҳалари.

3. Чиқиндилаарни йиғиб олиш усуллари ва уларни қайта ишлаш лойиҳалари.

4. Қўлланиш муҳлатини ўтаб бўлган асбоб - ускуналар, қурилма ва жиҳозларни сақлаш ва уларни зарарсизлантириш лойиҳалари.

5. Чиқиндилар билан боғлиқ шикастланиш (авария) ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, заарали моддаларнинг массаси ва ҳажми, шикастланиш оқибатларини тутатиш усуллари ва лойиҳалари.

6. Ташланмаларнинг ҳажми, таркиби ва концентрациялари, иссиқлик ва электр энергиясининг маҳсулот бирлитига сарфланган миқдори, табиий ресурсларнинг солиштирма ўлчами ёки нархи, ёқилги сарфи, юқ кутариш қобилиятини меъёрий қўрсаткичлари билан таққосланган ҳисоблари.

7. Янги моддалар ва материалларнинг техноген тавсифномалари, биологик омилларнинг тавсифномалари, янги моддалар ва материалларнинг хавфлилик даражалари, биологик чидамлиликлари, портлаш хавфи, хавфлилик даражасининг ҳисобланган қийматлари ва уларнинг меъёрий қийматлари билан таққосланган қийматлари, янги материалларни ишлатиш муддати, уларни сақлаш, экологик-технологик тавсифномалари, янги материалларни ишлаб чиқаришида қўлланиладиган чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологиилар, табиий ресурслар ва энергия тежовчи технологик ечимларнинг ишлаш принциплари, янги материалларни қайта ишлаш ёки фойдаланиш муддатини утаб бўлгандан кейин уларни сақлаш усуллари ва заарарсизлантириш усуллари, уларни бир жойдан иккинчи жойга узатиш найтида экологик хавфсизликни таъминловчи чора-тадбирлар.

#### **564. Давлат экологик экспертизани қаерда ва кимлар утказишади?**

Давлат экологик экспертиза (ДЭЭ) ни Узбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиши давлат қумитаси тизимидағи эксперг- мутахассислар билан

бирга олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан тузилган эксперталар гурхини утказади.

Экспертизага тақдим этилган барча ҳужжатлар Узбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида текширишдан утказилади.

Эслатиб утиш керакки, ҳар бир лойиҳани ДЭЭ нинг ижобий хуносасиз амалга ошириш таъқиқланади.

### **565. Экспертизани ўтказиш қанча вақтни олиши мумкин?**

Экспертизани ўтказиш муддати экспертизага тақдим этилган барча ҳужжатларни топширилган кундан бошлиб, 3 ойдан ошмаслиги керак.

### **566. Эксперт комиссияси (гурухи) ни ким тузади?**

Эксперт комиссияси (гурухи) – бу конкрет ҳўжалик фаолиятини текширувчи вақтингача тузилган мутахассислар (штатсиз эксперталар) жамоасидир.

Давлат экологик экспертиза (ДЭЭ) ни ўтказилиш ваколати Узбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидағи эксперталар булими зиммасига юклатилган. Бу бўлим эксперт гурухини тузади, унинг ишини ташкил қиласиди ва штатсиз эксперталар меҳнатига хақ тўлади.

Эксперт комиссияси (гурухи) нинг шахсий таркиби Давлат Бош Экспертиза бошлиги ёки унинг муовини томонидан тасдиқланади.

Эксперт гурухининг сони ва шахсий таркиби ДЭЭ га тақдим этилган ҳужжатларнинг хусусияти ва мураккаблигига боғлиқ.

Эксперт комиссияси (гурухи) нинг таркиби штатсиз эксперталардан иборат булади. Унинг таркибига илмий-

текшириш институтларидан, вазирликлардан, ташкилот ва муассасалардан, тармоқ илмий-текшириш ва лойиҳалари институтларидан олимлар, мутахассислар, мухандистехнологлар, иқтисодчи ва ҳуқуқшунослар киритилиши мумкин.

Бундан ташқари, мутахассиснинг штатсиз эксперт сифатида фаолият кўрсатилиши эксперт комиссияси (гурӯҳи) ни тузиш тұгрисидаги қарор қабул қилинган кундан бошланади ва улар тасдиқланган иш режасига мувофиқ текшириш олиб боради.

**ДЭЭ ни үтказиша штатсиз эксперт, асосий ишидан ажralмаган ҳолда, үзига қулай вактда қатнашади. Унинг фаолияти учун барча шароитлар яратилиши керак.**

**567. Эксперт комиссияси (гурӯҳи) ни тузиша  
нималарга аҳамият берилади?**

Эксперт комиссияси (гурӯҳи) ни тузиша ва унинг иш фаолиятини ташкил этишида қуйидаги масалаларга аҳамият берилади.

1. Эксперт комиссияси (гурӯҳи) ни малака савиясига.
2. ДЭЭ нинг юкори савияда сифатли үтказишга.
3. Экспертлар баҳосига ва эксперт комиссияси (гурӯҳи) томонидан чиқарилған хulosаларининг сифатига.
4. ДЭЭ ни утказим ва натижаларининг ошкоралигига.

**568. Эксперт комиссияси (гурӯҳи) таркибига қайси  
мутахассисларни киритиш таъқиқланади?**

1. Агар мутахассис экспертизага тақдим этилган ҳужжатларни тайёрлашда қатнашып бўлса.
2. Агар мутахассис текширилаётган лойиҳа бўйича олдин матбуотда уз фикр ва мулоҳазаларини баён этган бўлса.
3. Агар мутахассис эксперт комиссияси (гурӯҳи) таркибига киритиш учун розилик бермаган бўлса.

**569. Эксперт комиссияси (гурухи) нинг ишини ташкил қилиш масъулияти кимга юклатилади ва унинг ваколатига нималар киради?**

Эксперт комиссияси (гурухи) нинг ишини ташкил қилиш масъулияти ДЭЭ ни утказувчи эксперт бўлими бошлиғи ва эксперт комиссияси вакилига юкланади. Эксперт комиссияси ишини унинг вакили бошқаради. Унинг ваколатига қўйидагилар киради.

1. ДЭЭ ни утказиш режаси ва дастурини мувофиқлаштиради.

2. Экспертиза жараёнида қушимча эксперталар ёки маслаҳатчилар жалб этиш эҳтиёжини аниқлайди.

3. Эксперт комиссияси (гурухи) ни мажлисими утказади.

4. ДЭЭ ни утказиш жараёнида вужудга келган келишмовчиликларни куриб чиқади.

5. Эҳтиёж түғилганда эксперт бўлими раҳбариятига экспертизани утказиш муддатини, унинг йўналишиларини ўзgartириш ёки экспертизани муддатидан олдин тухтатиш хақида таклифлар киритади.

6. Эксперт комиссиясининг вакили эксперт комиссияси (гурухи) томонидан тайёрланадиган якуний хulosани расмийлаштиришда бевосита қатнашади.

7. Эксперт комиссияси (гурухи) нинг иш натижалари хақида Бош Давлат экспертиза раҳбариятига, коллегияга ва ДЭЭ кенгашига ахборот беради.

**570. Экспертизани утказиш жараёнида эксперт гурухи раҳбарияти ваколатига нималар киради?**

Экспертизани утказиш жараёнида эксперт бўлими раҳбарияти қўйидагиларга йўл қўймаслиги керак.

1. Аввало, барча штатсиз эксперталар ДЭЭ ни утказишнинг асосий принциплари, йўналишилари ва экспертизани ташкил қилиш ва утказиш бўйича амалдаги

йўриқнома-услубий хужжатлар билан танишиб чиқкан булишлари шарт.

2. Оммавий ахборот воситалари томонидан ДЭЭ нинг боришини бир томонлама ёки тенденцияли равишда ёритилишига йўл қўймаслиги керак.

3. Қизиқувчи томонлар тарафидан эксперталарни таъқиб этишга йўл қўймаслиги керак.

4. ДЭЭ ни ўтказишнинг асосий принципларини бузинига олиб келувчи бошқа ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймаслиги зарур.

### **571. ДЭЭ ни ўтказиш неча босқичлардан иборат?**

ДЭЭни ўтказиш жараёни З босқичда босқичма-босқич ўтказилади.

1. Тайёрлов босқичи.

2. Асосий босқич.

3. Якунловчи босқич.

### **572. Тайёрлов босқичида қайси ишлар амалга оширилади?**

Тайёрлов босқичида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидағи эксперталар томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилади.

1. Экспертизага тақдим этилган хужжатларнинг таркиби қўйилган талабларга мос келиши-келмаслиги текширилади.

2. Экспертизанинг вазифалари, йўналишлари ва чегаралари таърифланади. Экспертизанинг шакли ва ўтказиш усуллари аниқланади.

3. Экспертизанинг асосий йўналишлари бўйича мутахассислардан штатдан ташқари эксперт комиссияси (гурухи) тузилади. Унинг аъзолари ўртасида вазифалар

тақсимланади, иш графиги тузилади ва керакли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

**573. Экспертизанинг асосий босқичида қайси ишлар амалга оширилади?**

Экспертиза ўтказишнинг асосий босқичида тақдим этилган ҳужжатлар текширилади ва қуидагилар инобатга олинади.

1. Мазкур ҳўжалик фаолияти турини амалга оширишга бўлган эҳтиёжнинг асосланганлиги, уни амалга жорий этиши усулини танланганлиги, тақдим этилган техник-муҳандислик ва архитектура-режавий ечимларнинг афзалликлари, қурилиш материаллари, хом-ашё ва энергетик ресурслардан фойдаланиш режалари ва самарадорлиги.

2. Аниқланган таъсир омилларининг тўлиқлиги ва уларнинг хавфлилиларини даражалари, ҳўжалик фаолиятининг атроф-муҳитга таъсир қилиш эҳтимоли масштаблари.

3. Табиатни муҳофаза қилишга доир қонун-коидаларнинг талабларини таъминланиши, шикастланиши (авария) ни олдини олиш ва уларнинг оқибатларини тутагишига қаратилган чора-тадбирларнинг етарлилиги.

4. Мазкур ҳўжалик фаолиятининг экологик хавфсизлигини назорат қилиш усуслари.

5. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотининг ва пайдо бўлган чиқиндиларининг экологик хавфлилиларини баҳолаш, шунингдек, уларни қайта ишлашда худудий коопериацияни ташкил этиш имкониятлари.

6. Ҳўжалик фаолиятини юргизишда экологик, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар түғрисидаги маълумотларнинг мавжудлиги инобатга олинади.

#### **574. Экспертизанинг якунловчи босқичида қайси ишлар амалга оширилади?**

Якунловчи босқичда эксперт комиссияси (гурухи) томонидан күриб чиқилган барча хужжатлар бүйича экспертизанинг якуний хulosаси лойиҳаси тайёрланади. Якуний хulosса лойиҳаси эса, буюртмачи, лойиҳани тайёрлаган ташкилот вакиллари, жамоатчилик вакиллари иштирокида эксперт комиссияси мажлисида **муҳокама қилинади**. Якуний хulosса эксперт комиссияси (гурухи)нинг барча аъзолари томонидан **имзоланади** ва уларниң розилигисиз ўзгартирилмайди.

Якуний хulosага қўйидағилар киритилади.

1. Амалга оширишга тавсия этилаётган лойиҳанинг қисқача тавсифи.

2. Тавсия этилаётган лойиҳанинг эксперт баҳолари.

3. Тавсия этилаётган лойиҳа бүйича принципиал мулоҳазалар.

4. Лойиҳани амалга ошириш шартлари ва имкониятлари (дастур, режа ва бошқалар).

5. Лойиҳани қайта ишлашга ёки қайта күриб чиқинига бўлган эҳтиёж.

6. Амалга ошириш учун мувофиқ келмайдиган омиллар.

7. Хulosалар.

Шуни алоҳида таъкидлап керакки, экспертиза утказилгандан кейин ҳар бир йўналиш бүйича индивидуал эксперт хulosса ва эксперт комиссияси (гурухи) нинг хulosаси тайёрланади.

Агар янги вазифалар чиқиб қолса, куриб чиқиш йўналишлари ўзгарса, унда эксперт комиссияси (гурухи) ДЭЭ ни тайинланган орган олдига экспертизани ўтказиш муддатини ўзгартириш, пайдо бўлган масалалар бўйича

**құшимча экспер特-мутахасисларни жалб қилип масаласини қойиши мүмкін.**

Агар экспертизага тәқдим этилған хужжатларда камчиликтар мавжуд бўлса, у ёки бу хужжатни тайёрловчилар томонидан инобатта олинмаган хавфли омиллар аниқласпа, унда лойиҳа қайта ишланига қайтарилади.

Эксперт комиссияси (гуруҳи) аъзолари томонидан билдирилган алоҳида фикрлар якуний хulosага киритилади.

### **575. Давлат экологик экспертиза хulosаси қачон тайёрганади ва унинг таркибиға нималар киритилади?**

Хўжалик фаолияти лойиҳаси бўйича эксперт комиссияси (гуруҳи) нинг тузилган якуний хulosаси Давлат экологик экспертизасини тайинлаган органи куриб чиқади ва унинг асосида “ДЭЭ хulosаси” таёрганади.

“ДЭЭ хulosаси” таркибиға қуидагилар киритилади.

1. Экологик оқибатлар ва лойиҳани амалга ошириш шарт-шароитлари тұғрисидаги хulosалар.

2. Қизиқувчи томонларнинг фикр ва мулоҳазаларини куриб чиқыш давомида пайдо бўлган таклифлар.

3. Қуриб чиқилган хўжалик фаолияти лойиҳасини амалга ошириш шарт-шароитлари бўйича буюртмачи ва қизиқувчи ташкилот ва муассасалар учун тавсиялар киритилади.

«ДЭЭ хulosаси» Узбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қумитаси эксперталар кенгаши мажлисида муҳокама қилиниши

мумкин. Шундан кейин “ДЭЭ хulosаси” лойиха буюртмачисига ва бошқа ташкилотларга юборилади.

Агар “ДЭЭ хulosаси” ижобий баҳоланса, лойиҳани амалга ошириш учун давлат бюджетидан маблаг ажратилади.

Экспертиза тугагач, хужжатлар түлиқ буюртмачиларга қайтарилади ва уларнинг бир нусхаси экспертиза утказган орган архивида сақланади.

**576. Хужалик фаолияти лойиҳасининг буюртмачиси ва уни тайёрловчилар қайси вазифаларни бажаришлари керак?**

Биринчидан, экспертизани утказиш учун тақдим этилган лойиха буйича барча хужжатларни расмийлаштириб топширишлари керак.

Иккинчидан, ДЭЭ дан утказиш учун белгиланган тартибда ҳақ тулашлари керак.

Учинчидан, экспертиза утказилаёттан орган талабига биноан, эксперт комиссияси (гурухи) нинг самарали ишлани учун керакли қўшимча ахборот бериб туришини таъминлашлари шарт.

**577. Эксперт комиссияси (гурухи) нинг масъулияти нималардан иборат?**

Биринчидан, экспертизага тақдим этилган барча хужжатларни уз вақтида сифатли куриб чиқиш, якуний хulosани тайёрлаш, хулоса ва таклифларнинг асослигига жавоб беради.

Иккинчидан, экспертизани утказиш меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишига масъул хисобланади.

## **578. ДЭЭ ни тайинланган органининг асосий вазифалари нималардан иборат?**

- 1.** Эксперт комиссия (гурухи) ни тузин эксперт-мутахассисларни танлаб олиш, уларни меҳнатини туғри ташкил этиши.
- 2.** Экспертларни куриб чиқилаётган лойиҳа билан танинтириш, лойиҳа амалга оширилиши мулжалланаётган худудни атроф-муҳити түғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш.
- 3.** Экспертиза ўтказиши ошкоралигини таъминлаш, курилаётган хужалик фаолияти лойиҳасини экспертылар томонидан объектив равишда баҳолаш учун етарли шартшароитлар яратиш.
- 4.** ДЭЭ ни ўтказища мөъёрлар ва қоидаларга тула риоя қилишни назорат қилиб бориш.
- 5.** Экспертлар меҳнатига ҳақ тұлаш.

## **579. Эксперт комиссияси (гурухи) нинг мажлиси қандай расмийлаштирилади?**

Эксперт комиссияси (гурухи) нинг мажлиси баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада кун тартибиға киритилган масалалар ва улар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ўз аксини топиши керак.

Якуний хulosса лойиҳасини муҳокама қилиш учун экспертлардан ташқари, буюртмачи ва лойиҳани ишлаб чиқувчи ва лойиҳани амалга жорий этиладиган манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари таклиф қилинади.

Якуний хulosани ҳар бир эксперт атьзоси имзолапи лозим. Экспертлар ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзма равишида тақдим этишлари лозим. Якуний хulosани имзо қилиш пайтида, имзо олдига маҳсус белги қуйиб, уни топиширишлари керак.

### **11.3. Экологик мониторинг ва унинг аҳамияти (580 - 584)**

#### **580. "Мониторинг" атамасининг лугавий маъноси нимадан иборат?**

Аслида, "мониторинг" атамаси инглизча сўз бўлиб, у "кузатиш", "назорат қилиш" маъносини билдиради. Лекин ҳозирги пайтда мазкур атаманинг лугавий маъноси янада кенгайиб борди. Ҳозир "мониторинг" деганда, "атроф-муҳитни кузатиш", "назорат қилиш", "унинг ҳолатини бошқариш" ва "табиий муҳит ҳолатини башорат қилиш" тушунилади.

#### **581. Республикаизда мониторинг ўтказиши вазифалари қайси ташкилотларнинг зиммасига юклатилган?**

Республикаизда табиий муҳит мониторингни ўтказиши вазифалари Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология бопи бошқармаси, Давлат ўрмон ҳўжалиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Геология давлат қўмитаси, Соғлиқни саклаш вазирлиги ва шунга ўхшаган давлат ва нодавлат муассасалари зиммасига юклатилган.

#### **582. Экологик мониторинг қаерларда ўтказилиши мумкин?**

Инсон фаолияти натижасида пайдо бўлган ёки юз бергаётган табиий муҳитнинг ифлосланиши, бузилиши, маълум ўсимлик ва ҳайвонот турининг йўқолини хавфи туғилаётган жойларда, ер ости ва ер усти сувларининг шурланиши, тупроқнинг эрозияси хавф колаётган минтақаларда экологик мониторинг кузатишлари олиб борилади. Масалан, ер усти сувларининг ифлосланганлиги ёки шурланганлигини аниқлаш учун 94 объектлардаги 187 нуқталардан маълум бир муддатларда сув намуналари

олиб текширилади. Унбу олинган сув намуналарининг таркиби (яъни, фенол, нитратлар, хлор ва фосфор органик бирикмалар, оғир металлар, тузлар, нефт маҳсулотлари ва бошқа моддаларининг мавжудлиги) маҳсус лабораторияларда таҳлилдан ўтказилади.

Гидробиологик кузатишлар эса, 50 та сув обьектларида, 77 та жойларда ва 100 та кесимда олиб борилади.

Ёқилғилардан олинадиган намуналар ҳам маҳсус лабораторияларда текширилади. Уларнинг таркибида сульфатлар, хлоридлар, гидрокарбонатлар, нитратлар, калий, магний, калций, натрий, фторидлар ва бошқа элементларининг мавжудлиги аниқланади.

Саноати ривожланган шаҳарларда эса, қор қопламишининг ифлосланиши 26 та модда бўйича текширилади.

Ҳавонинг ифлосланиши эса, 34 шаҳарнинг 65 та турғун пунктларида кузатилади. Ифлосланган ҳаводан олинган намуналарининг таркиби 30 та зарарли аралашмаларининг концентрациялари бўйича текширилади.

Сугориладиган ерларнинг шўрланиш даражасини аниқлаш учун ҳар йили 2 маротаба (1 апрел ва 1 октябрда) мониторинг кузатишлари олиб борилади. Бундай майдонлардан намуналар олиб, уларнинг минераллануву даражаси, ер ости сувлари сатҳининг чуқурулиги ёки кутарилиши, унинг таркиби ва ифлосланганилиги аниқланади. Воҳаларда зовур сувларининг минераллануви ва ифлосланиш даражаси ҳам матьлум жойларда мунтазам равишда текшириб борилади.

### **583. Экологик мониторинг ўтказишдан асосий мақсад нима?**

Экологик мониторинг натижалари мамлакат миёсида экологик вазиятни мунтазам назорат қилиб туриш, вужудга

келаётган нокулай ҳолатларнинг олдини олишга тайёргарлик кўриш ва чора-тадбирлар тизимини ишилаб чиқиш мақсадлари учун ниҳоятда зарур. Бундан ташқари, экологик мониторинг ахборотлари ва маълумотлари асосида илмий-тадқиқот ишиларини олиб бориш, экологик ҳолатнинг тадрижий ўзгаришларини ва турли касалликларнинг йиллар давомида ўзгаришини таҳлил қилиш учун керак.

#### **584. Экологик мониторинг фақатгина қишлоқ хўжалигида ўтказиладими?**

Экологик мониторинг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида олиб борилиши мумкин. Масалан, боғчаларда, мактабларда, касалхона ва туғруқхоналарда, шаҳарларда, туманларда, конларда, соён ва дарёларда, кўлларда, қўриқхоналарда, саноат корхоналарида экологик мониторинг кузатишлари олиб бориш катта иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки ҳар йили муайян дастурлар асосида табиат компонентлари (ҳаво, сув, тупроқ) нинг ифлосланиши, ўзгариб борипши ва бошқа ҳусусиятлари бўйича илмий-техник хисоботлар ёзилади. Унда юзага келган экологик вазиятлар батағсил таҳлил қилиниб, олинган истижалар асосида башиборатлар қилинади. Ушбу ҳисобот тегишли муассасаларга, шунингдек, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига юборилади.

Хусусан, қўриқхоналарда олиб бориладиган экологик мониторингнинг аҳамияти бекиёсdir. Эслатиб ўтиш керакки, республикамизда 9 та қуриқхона мавжуд бўлиб, шундан 1 таси (**Қизилқум**) Бухоро вилояти ҳудудида жойлашгандир.

## XII - БОБ. БИОГАЗ ВА БИОГУМУС ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

### 12.1. Қайта тикланувчи муқобил энергетикани янада ривожлантириш муаммосининг долзарблиги (585-592)

585. Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи муқобил энергетикани янада ривожлантириш учун қайси қарорлар қабул қилинган?

586. Таъминот коэффициенти деб нимага айтилади ва унинг моҳияти нимада?

Маълумки, 2013 йил 1 марта Узбекистон Республикаси Президентининг “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4512 сонли фармонида ва Узбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” ги 2017 йил, 26 майдаги қарорида қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш буйича устувор вазифалар белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатни энергия билан таъминлаш даражаси ишлаб чиқарадиган энергия ресурсларини унинг истеъмолига нисбати билан ифодаланадиган таъминот коэффициенти орқали аниқланади. Бу коэффициентнинг моҳияти шундаки, агар у бирдан кичик бўлса, демак ушбу мамлакат энергияга бўлган эҳтиёжини экспорт ҳисобига қондирилишини ва агар бирдан катта бўлса, мамлакат ресурсларини экспорт қилаётганини билдиради. 2000 йилда “катта саккизлик” ка кирадиган

мамлакатларнинг таъминот коэффициентлари қуйидагича бўлган: Италия – 0,16, Япония -0,2, Германия – 0,4, Франция -0,5, АҚШ -0,74, Буюк Британия -1,2, Канада -1,5 ва Россия -1,6.

**587. Биогаз деб нимага айтилади?**

**588. Қайси маҳаллий хом-ашёлардан қанча биогаз олиш мумкин?**

Одатда, биогаз углерод қўш оксиди ( $\text{CO}_2$ ), метан ( $\text{CH}_4$ ) ва бошқа газларнинг қоришидан таркиб топгандир. Биогаз 65 % метандан, 30 %  $\text{CO}_2$  дан, 1 %  $\text{H}_2\text{C}$  дан ва кам микдорда азот, кислород, водород, углерод монооксиди ( $\text{CO}$ ) дан таркиб топган аралашма газдир. Биогаз ҳаво ёки ҳавосиз (кислородсиз) ҳолатда, яъни анаэроб ҳолатда, биомассанинг турли биологик микроорганизмлар фаолияти туфайли парчаланишидан ҳосил бўлади. Биомасса уч турдаги бактерияларнинг таъсирида парчаланади. Бактерияларнинг озиқланиши, аввалги бактерияларнинг ҳаёт фаолиятидаги озуқасидан озиқланиш занжирин асосида амалга ошади. Биогаз углерод қўш оксидидан тозалангандан кейин, ундан метан олинади.

Биогаз ишлаб чиқариш учун гўнг, паррандаларнинг чиқиндилари, органик чиқиндилар, хашак, похол, сомон, барглар, уй-рӯзгор чиқиндилари, нажас ва бошқа чиқиндилардан фойдаланиш мумкин. 1 кг органик модда 70 % га парчалаганда, 180 г метан гази ажралиб чиқади. Бошқача айтганда, 1 тонна чорва гўнгидан  $300 \text{ m}^3$  биогаз олиш мумкин. Интернетдаги маълумотларга қараганда,  $28 \text{ m}^3$  биогазнинг энергияси  $16,8 \text{ m}^3$  табиий газнинг энергиясига,  $20,8 \text{ л}$  нефтга ва  $18,4 \text{ л}$  дизел ёқилғиси берадиган энергияга эквивалентdir.

1 тонна қорамол гўнгидан  $45-60 \text{ m}^3$  биогаз, 1 тонна парранда ахлатларидан  $100 \text{ m}^3$  биогаз, 1 тонна турли кўкат ва ўсимликлардан эса  $100-500 \text{ m}^3$  биогаз олиш мумкин. 1 бош соғин сигир гўнгидан бир суткада  $4,2 \text{ m}^3$  биогаз олиш мумкин

бұлса, 1 м<sup>3</sup> биогаз 0,48 л бензин, 0,6 м<sup>3</sup> табии газ, 0,65 л дизел ёқиғиси ва 0,74 л нефт үрнини боса олади.

### 589. Биогаз олиш технологияси қайси мамлакаттарда ва қачондан буён құлланилади?

Эрамиздан олдинги XVII асрда Хитойда, Ҳиндустонда, Ассирия ва Форсларда үзига хос биогаз олиш технологиялардан фойдаланилғанлардың ҳақида тарихий мағлумотлар бор. Эрамизнинг XVII асрға келиб, яъни 3,5 минг йил үтгандан кейин, биогазни тадқиқ этиш ишлари тизимли равища йўлга қўйилди. 1764 йили Бенджамин Франклин Жосеф Пристлига мактуб ёзиб, унда Американинг Нью Жерси штатидаги дengiz юзасини (ботлоққул юзасини) ёндириш мумкинлигини таъкидлайди.

1776 йилга келиб, Александро Волта балчиқ сув таркибида метан ( $\text{CH}_4$ ) мавжудлигини таъкидлаб, биринчи бўлиб, балчиқ ва орол ётқизиқларида алганга оловчи газлар ҳосил бўлишини илмий жиҳатдан асослаб берди. 1804 йилга келиб, Дальтон метан газининг формуласи ( $\text{CH}_4$ ) ни кашф этди ва шундан сўнг, биогаздан фойдаланиш амалий ишлари билан Аврупополик олимлар шуғулана бошладилар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидаш керакки, биогазни ўрганишга рус олимларининг хизматлари нихоятда катта бўлган. 1875 йили Попов ажралиб чиқадиган газнинг микдорига ҳароратнинг таъсирини ўрганиб чиқди. У дарё ётқизиқларида ҳарорат 6 °C да биогаз ажралиб чиқарилишини бошлашини таъкидлаган эди. Ҳарорат 50 °C гача бўлганда, ажралиб чиқадиган газ микдори ошиб боради ва унинг таркиби ўзгармайди (65 % метан, 30 % углерод қўш оксиди, 1 % водород олтингугурт, кислород, водород ва углерод оксиди ҳосил бўлади).

Рус олими В.Л.Омельянский анаэроб ачитиш табиатини ва унда иштирок этувчи бактерияларни тадқиқ этган. 1881

**йилга** келиб, Аврупода биноларни ва кучаларни ёритишга биогаздан фойдаланишнинг биринчи тажрибалари бошланди. **1895 йилдан** бошлаб, Эксетер шаҳридаги районларидан бирида оқова сувларни ачтиш натижасида ҳосил буладиган газлар ёпиқ идишларда йифиб олинган ва фонарлар бу газ билан таъминланган. Бундан **2 йил утгандан кейин, яъни 1897 йилда** Ҳиндустоннинг Бомбай шаҳрида биогаз олинганилиги ҳақида хабарлар тарқалди. Бу газ коллекторда йигилган ва турли юритгичларда мотор ёнилғиси сифатида қўлланилган.

XX асрнинг бошларида ачтиш ҳароратини ошириш йўли билан биогаз миқдорини оширишга оид илмий тадқиқот ишлари давом эттирилган. **1914-1921 йилларда** немис олимлари Имхофф ва Бланк биомасса солинган сифимларни узлуксиз иситиб туриш кераклигини таъкидлаб, бу ҳақда бир қатор патентлар олишга эришганлар. Биринчи жаҳон уруши (**1914-1918 йиллар**) да Аврупода ёнилғи маҳсулотлари этишмовчилиги боис биогаз қурилмалари тарқала бошланди.

XX асрнинг **30-йилларида** Бусвелнинг хом-ашё сифатида турли органик чиқиндиларни гүнг билан аралаштириб ундан фойдаланиш яхши самара бериши мумкинлиги туғрисидаги тажрибалари биогаз технологиясининг ривожланишига нихоятда катта қадам бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, биогаз ишлаб чиқариш биринчи йирик заводи Буюк Британиянинг Бирмэнгем шаҳрида қурилган ва хом-ашё сифатида шаҳардаги оқова сув қолдиқларидан қўлланилган. Олинган биогаздан эса электр энергияси ишлаб чиқариш учун қўлланилган. Агар мана шу амалий ишларни инобатга олсан, инглиз олимларини янги технологияни қўллаш амалиётида биринчи деб ҳисоблашимиз мумкин. **1920 йилга** келиб,

инглиз олимлари оқова сувларни қайта ишлаш учун бир неча қурилмалар яратишга эришгандар.

**1938 йилда** Алжазоирда Исман ва Дюселье томонидан ҳажми 10 м<sup>3</sup> ташкил этган биринчи биогаз қурилмаси ишлаб чиқылған ва қаттиқ чиқындыларни қайта ишлаш заводи қуриб ишга туширилған.

Иккінчи жағон уруши (1941-1945) йилларида энергия әлтүвчилар этишмовчилеги кескінләшгандай таңда Олмония ва Францияда қишлоқ хұжалик чиқындыларидан, айниқса, ҳайвонлар гүнгидан биогаз олишга интилишлар болған. Францияда үтган асрнинг 40-йилларнинг үрталарыда гүнгни қайта ишлаш учун қарийб 2 минг дона қурилмалардан құлланилған. Венгрияда аскарларимиз немислардан озод этилған районларда биогаз ишлаб чиқариш қурилмаларини күрганлар. Бунда қорамол гүнги ёпік сиғимга йиғилған ва ундан ёнувчи газ олинған.

Урушдан олдин Аврупода құлланилған қурилмалар урушдан кейинги вактларда арzon энергия әлтүвчилар билан (суюқ ёниғи, табиий газ ва электр энергиясы билан) ракобатлаша олмагандан кейин, улардан құлланиш ҳам бирмұнча чекланған. Үтган асрнинг 70- йилларыда жаһонда юз берган энергетик инқизор бу технологияны ривожланишига кучли туртқи бұлды, яъни биогаз олиш технологиясининг ривожланиши янғы импулс олди. Биогаз қурилмаларидан фойдаланиш Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларыда бошланды. Чunksы бу мамлакаттарда ахоли зич жойлашған, ердан жадал фойдаланилади ва иқлими иссиқдір (бу нысоятда мұхим, чunksы кераклы ҳароратни яратиш учун табиий иссиқлик манбаи-Қүёш нурларидан фойдаланиш ва ортиқча маблағ ажратышға ҳожат қолмайды). Биогаз технологиясини амалға жорий этиш учун турли миллий ва Халқаро ақамиятта молик бұлған дастурлар ишлаб чиқышта сабаб бўлди.

Бугунги кунга келиб, биогаз технологияси жаҳоннинг турли мамлакатларида оқова сувларни, қишлоқ хўжалик чиқиндилигини ва қаттиқ чиқиндилиарни қайта ишлаш учун стандарт булиб қолди.

### 590. Ривожланган мамлакатларда биомассадан энергия олиш муаммолари қандай ечилиган?

Кунгина ривожланган мамлакатларда иссиқлик энергияси ва электр энергияси ишлаб чиқариш мақсадида биогаз қурилмаларида органик чиқиндилиарни қайта ишлашга киришилди. Мана шу йўл билан олинадиган энергия эса Аврупо мамлакатларида истеъмол қилинадиган энергиянинг **3-4 %** ни ташкил этади. Финляндия, Швеция ва Австрияда биомасса энергиясининг улуши истеъмол қилинадиган умумий энергиянинг **15-20 %** ни ташкил этмоқда. Аврупода биомассани анаэроб (кислородсиз) қайта ишлани ёрдамида олинадиган иссиқлик энергияси ва электр энергияси асосан Австрияда, Финляндияда, Олмонияда, Данияда ва Буюқ Британияда жойлашган. Ҳозирги пайтда Олмонияда анаэроб ачитиш йирик қурилмалар сони **2000 тадан** ошиб кетди. Австрияда реакторининг ҳажми **2000 м<sup>3</sup>** га тенг бўлган биогаз қурилмалари сони **120 тадан** ошиб кетди. Юқори даражада ривожланган биогаз технологиялари оқова сувларни утилизация қилишда, саноат оқова сувларни тозалашда ва қишлоқ хўжалик чиқиндилирини қайта ишлашда кенг қулланилади ва бугунги кунга келиб унинг бозори кенгайиб бормоқда. Швецияда керакли иссиқлик энергиянинг **50%** ни биомасса энергияси ташкил этмоқда. Англияда **1990 йилда** қишлоқ хўжалиги тармоқларидағи энергетик харажатлар биогаз ёрдамида қопланган. Дунёда уй-рўзгор оқова сувларни қайта ишлаш йирик комплексларидан бири Лондонда ишлаб турибди.

Утган асрнинг 30-йилларида АҚШ да Авропа тажрибаси тарқалди. 1939 йилда чорвачилик чиқиндиларини қайта ишлаш биогаз қурилмаси қурилди ва бу қурилма қарийб 30 йилдан зиёдроқ ишлади. 1954 йилда Аёва штатидаги Форт-Доджда майший чиқиндиларни қайта ишлаш ва биогаз олиш биринчи заводи қуриб фойдаланишга топширилди. Биогаздан электр энергия олиш учун у электр генераторининг қуввати 175 кВт га тенг бўлган ички ёнув юритмасига берилади. Ҳозирги пайтда АҚШ да юздан ортиқ чорвачилик чиқиндиларини қайта ишлаш йирик биогаз қурилмалари ва мингдан ортиқ шаҳар оқова сувларни утилизация қилувчи биогаз қурилмалари ишлаб турибди. Биогаздан асосан электр энергия олиш учун, уйларни ва иссиқхоналарни иситишга қўлланилади.

Иссиқхона газларининг атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, сувдан фойдаланишнинг кундан-кунга ортиб бориши, унинг ифлосланиши, тупроқ унумдорлигининг пасайиб бориши, чиқиндиларни самарасиз утилизация қилиниши, ўрмонзорларнинг йилдан-йилга қисқариб бориши нафақат аҳоли сонининг кўпайишидан, балки табиий ресурслардан самарасиз ва барқарор фойдаланишнинг бузилишидан келиб чиқяпти. Ушбу муаммоларнинг самарали ечимини топишга биогаз технологиясининг ўрни бекиёсdir. Дунёда 2040 йилга бориб, биомассанинг улуши қайта тикланувчи энергия манбалари сифатида умумий истеъмол энергиясининг 23,8 % га етказишни башорат қилинади. Бу кўрсаткич ҳозирги пайтда 12 % ни ташкил этмоқда.

## **591. Ривожланаётган мамлакатларда биомассадан энергия олиш муаммолари қандай ечиляпти?**

Ривожланаётган мамлакатларда биомассадан олинадигаң энергиянинг улуши умумий энергиянинг 30-40 % ни ташкил этмоқда ва батъзи бир Африка мамлакатларида бу кўрсаткич 90 % ни ташкил этади. Ушбу мамлакатларда асосан унчалик катта бўлмаган биогаз қурилмаларидан қўлланилади. Дунёда қарийб 16 млн хўжаликлар биогаз қурилмаларидан олингаң энергиядан ёритишда, иситишга ва овқат пиширишда қўллайдилар. Шундан 12 млн хўжаликлар Хитойда, 3,7 млн хўжаликлар Ҳиндистонда ва 140 минг хўжаликлар Непалда жойлашган.

Хитойда 50 йилдан буён биогаз қурилмаларидан фойдаланиб келинади. Биринчи биогаз қурилмалари ўтган асрнинг 40-йилларида оддий оиласаларда қурилди ва 70-йилларга келиб, Хитой ҳукумати биогаз технологиясини қўллаб қувватлади. Хитойнинг қишлоқ жойларида 50 млн дан кўпроқ оиласалар иссиқлик сифатида биогаздан фойдаланиб келяптилар. Оиласаларда қўлланиладиган биогаз қурилмалар реакторининг ҳажми  $6\text{-}8 \text{ м}^3$ , йилиги  $300 \text{ м}^3$  биогаз ишлаб чиқаради, бир йилда  $6\text{-}8$  ой ишлайди ва минтақасига қараб, 200-250 АҚШ доллари туради. 2002 йилдан бошлаб, Хитой ҳукумати биогаз қурилмаларини қуришга ҳар йили 200 млн доллар маблағ ажратиб келяпти. Бундан ташқари, ҳар бир қурилма нархининг 50 % ни дотация берилади. Мана шу йўл билан Хитойда **йилига 1 млн дона** биогаз қурилмаси ишлаб чиқарилади. Хитойда 12 млн дан кўпроқ биогаз ва биогумус олиш қурилмалари ишлаб турибди. Улар ғиштдан ёки бетондан қурилган сифимлар бўлиб, реакторининг ўлчами  $5 \text{ м}^3$  дан  $200 \text{ м}^3$  гача бўлиши мумкин.

Ҳиндистонда ўтган асрнинг 50-йиллардан бошлаб, оддий биогаз қурилмалардан қишлоқ жойларида фойдаланиш йўлга қўйилган. Бомбай шаҳрида 1859 йилда

биринчи биогаз қурилмаси қуриб, қаттиқ ва суюқ чиқиндиштік қайта ишланған. Үтган асрнинг 70-йилларига келиб Ҳиндистон ҳукумати биогаз қурилмалари ишлаб чиқариш дастурини құллаб қувватлади. 1980 йилдан бoshlab, Ҳиндистон ноанъанавий энергия манбалари вазирлиги (бошқа мамлакаттарда бундай вазирлик йүқ!) биогаз қурилмаларини амалга жорий этиш масалалари билан шуғулланиб келади. Биогаз қурилмаларини яратиш, ишга тушириш, фермерларни үқитиш ва хизмат курсатишмарказларини очиш масалаларига катта маблағ ажратилиди.

Непалда биогаз технологиясини құллаб-қувватлаш мақсадида маҳсус дастур ишлаб чиқылған бўлиб, унда техник экспертизадан ўтказиш, маблағлар ажратиш ва биогаз қурилмаларини ўрнатишга алоҳида аҳамият берилади. Биогаз қурилмалари реакторининг ҳажми  $4\text{-}20 \text{ m}^3$  ни ташкил этади. Реакторининг ҳажми  $6 \text{ m}^3$  га тенг бўлган қурилмаларга эҳтиёж катта бўлганлиги сабабли, айнан мана шу ҳажмдаги биогаз қурилмалари яратилмоқда. Аҳолини биогаз ва ўғит билан таъминлаш билан бир қаторда, Непалда хотин-қизлар меҳнати осонлаштирилди. Дастурни амалга оширишда 60 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи фирмалар пайдо бўлди, 100 дан ортиқ ташкилотлар микрокредитлар беришни таклиф қилиб, биогаз қурилмаларини қуришга яқиндан туриб ёрдамлаштилар. Қурилмаларнинг сифат курсаткичлари стандартлари қабул қилинди ва доимий амал қилувчи биогаз технологиясини ривожлантириш ташкилоти ташкил этилди.

Үтган асрнинг 80-йилларидан бoshlab, Филиппинда гуручни майдалагичлар ва ирригация тармоқларида құлланиладиган моторлар учун биогаз қурилмаларида газ олинади. Ҳиндистон, Индонезия ва Шри-Ланка мамлакатларидаги кичик компанияларида, масалан, түкимачилик саноатида резина маҳсулотларни қуритишда ва ғиштни қуритишда биогаздан құлланиб келинади.

Килинадиган харажатлар бир мавсумда үзини қопланиши таъкидланади. Айниқса, Ҳиндистонда ва Лотин Америка мамлакатларида оқова сувларни утилизация қилишда биогаз технологиясидан қўлланилади. Биогаз қурилмалари қишлоқ хўжалигида энергия ва ўғит ишлаб чиқаришда ва гунг оқовалари билан сувни ифлосланишини олдини олишда кенг қўлланилади.

### **592. Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида биомассадан энергия олиш муаммолари қандай эчилмоқда?**

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) да ўтган асрнинг 40-йилларида метанли ачишиш илмий асосларини тадқиқ этиш ишлари йўлга қўйилган эди. **1948 йили** Тбилиси шаҳрида Г.Д.Ананиашвили қишлоқ хўжалик чиқиндиларини қайта ишлашда метанли ачишиш технологиясидан қўллаган эди. **1948-1954 йилларда** Тбилиси шаҳрида **биринчи лаборатория** ташкил этилган ва ишлаб чиқариш биоэнергетик қурилма қурилган. Қурилма **10** та сигир гунгини утилизация қилишга мўлжалланган эди. Қурилмада гўнгни қайта ишлаш мезофил шароитида, яъни  $32-34^{\circ}\text{C}$  да амалга оширилган эди. Қурилма реакторининг ҳар бир  $\text{m}^3$  ҳажмидан  $1 \text{ m}^3$  биогаз олишга мўлжалланган эди. Ушбу тажриба натижаларини оммалаштириш мақсадида **1956 йилда** "Юный техник" журналининг 6-сонида мақола чоп этилди. Аммо йирик чорвачилик хўжаликлари ташкил этилмаганилиги ва энергетик ресурслар нархининг арzonлиги туфайли уша пайтларда биогаз технологиясидан қўлланиш ишларига етарли эътибор берилмаган. Масалан, **1970-1980 йилларда** **1 кВт соат** электр энергиясининг нархи атиги **2 тийинни** ташкил этарди.

Ўтган асрнинг **70-йилларига** келиб, жаҳонда энергетик инқизоз юз берди ва энергетик ресурсларни тежаш, янги энергия тежовчи қурилма ва технологияларни яратиш

муаммолари күндаланг булиб қолди. Шу билан бир қаторда, қишлоқ хұжалигіда янги технологияларни амалға ошириші ва йирик чорвачилик комплексларини қуишиңа катта әзтибор берилди. Натижада 1981 йилдан бошлаб, биогаз технологиясига әзтибор янада кучайды. 1982 йилда Латвия Республикасынинг "Огре" совхозіда реакторининг ҳажми 75 м<sup>3</sup> га тенг бұлған тажриба қурилмаси иштеге туширилди ва унинг ёрдамида биомассани қайта ишлаш жараёны синааб қурилди. Белорус Республикаси Каменеск районидаги йирик чорвачилик хұжалигіда бир сутқада 50 м<sup>3</sup> гүнпен қайта ишлашга ва ундан 400-500 м<sup>3</sup> биогаз ишлаб чиқаришта мүлжалланган биогаз қурилмаси иштеге туширилди.

2003 ыили Қирғизистон Республикасы Чүйск вилоятидаги чүчқачилик комплексінде 4 минг бош қорамолға мүлжалланган биогаз қурилмаси үрнатылды. Ҳозирги пайтда Қирғизистонда 50 дан ортиқ биогаз қурилмалари ишлаб турибди. МДХ да қишлоқ хұжалик чиқиндиларини қайта ишлаш іюли билан энергия олиш ва биоұғит олишга катта әзтибор берилляпты. Бунинг **асосий сабаби-энергия ресурслари** ва үғит нархининг ошиб бориши, ҳамда табиий атроф-мухит ҳолатининг күн-сайын ёмонлашуви дидир. Аммо фермерлар ва умуман ахолини биогаз технологиясининг ютуқ ва имкониятларидан хабардор әмасликлари ва биогаз қурилмаларининг бошланғыч нархининг қимматлиги туфайли МДХ да биогаз қурилмаларининг умумий сони бир неча юзни ташкил этади, холос. Ушбу камчиликларни тузатиш учун қурилмаларни узлуксиз ишлашини таъминлаш, лойихадаги камчиликларини тузатиш, уларни ишлаб чиқариш ва уларға хизмат күрсатиш марказларни очиші, фермерларни үқитиш ва хавфсизлик техникасы қоидаларынға риоя қилишга ургатиш ва қурилмани ишлатиш шарт-шароитларини тартиби билан таништириш каби кечиктириб бұлмайдыган муаммолар ечимини топишни тақозо этади.

## **12.2. Хом-ашёни метанли ачитиш (бижғиш) технологияси (593 – 610)**

### **593. Метанли ачитиш (бижғиш) деб нимага айтилади?**

Шуны алоҳида таъкидлаш керакки, анаэроб шароитида (яъни, кислородсиз ҳолатда) органик чиқиндилардан биогаз ва биоуғит олиш уларнинг парчаланишига ва биогаз ажралиб чиқишига асосланган. Ушбу жараёнга, **метанли ачитиш** (ёки **бижғиш**) дейилади. Метанли ачитиш кислотали ва метанли микроорганизмларнинг асосий иккита гурӯҳи ёрдамида органик моддани парчалантириш натижасида **3 та босқичда** амалга ошиши мумкин.

Биогаз ишлаб чиқариш жараёни **3 босқичдан** иборат бўлади.

1. Гидролизланиш.
2. Оксидланиш.
3. Метан газининг ҳосил бўлиши.

Ушбу мураккаб жараёнда кўпгина микроорганизмлар қатнашади, аммо уларнинг энг **асосий тури метан ҳосил қилувчи микроорганизмлар** ҳисобланади.

Гидролизнинг **биринчи босқичида** органик модда клетқадан ташқари микроорганизм ферментлари (хужайра (клетчатка), амилаза, протеаза ва липаза) билан ферментлашади. Бактериялар мураккаб углеводородларнинг узун занжирини протеинлар ва липидларнинг калта занжирчалари даражасигача парчалантиради.

Биогаз ҳосил бўлишининг **иккинчи босқичида** иштирок этувчи кислота ҳосил қилувчи бактериялар мураккаб органик бирикмалар (оқсиллар, ёѓлар ва углеводлар) ни оддий бирикмалар даражасигача парчалантиради. Бунда ачитиш муҳитида ачитишнинг биринчи маҳсулотлари-учувчан ёғли кислоталар, паст спиртлар, водород, углерод оксиди, уксус ва чумоли кислоталари ва бошқа моддалар пайдо бўлади. Ушбу органик

моддалар метан ҳосил қилувчи бактериялар учун озуқа манбаи булиб хизмат қиласи ва улар органик кислоталарни биогазга айлантирадилар.

**Учинчи босқичда** метан ишлаб чиқарувчи бактериялар молекуляр массаси кичик бўлган бирикмаларни парчалантиради. Улар водородни, углекислотани ва уксус кислотасини утилизация қиласидилар. Табиий шароитда метан ҳосил қилувчи бактериялар анаэроб (кислородсиз) шароитда (масалан, сув остида, балчиқларда) яшайдилар. Улар атроф-мухитнинг ўзгаришига нихоятда сезгир бўладилар. Шунинг учун газ ҳосил қилиш жадаллиги метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг ҳаёт фаолияти учун яратилган шароитга кучли боғлиқ бўлади.

Метан ва кислота ҳосил қилувчи бактериялар симбиозда (яъни, ҳамкор, бирга яшаш) да ўзаро таъсиrlашади. Бир томондан кислота ҳосил қилувчи бактериялар метан ҳосил қилувчи бактериялар учун идеал курсаткичларга эга бўлган атмосферани (яъни, анаэроб шароитни, молекуляр массаси кичик бўлган кимёвий тизимни) яратадилар. Иккинчи томондан, метан ҳосил қилувчи микроорганизмлар кислота ишлаб чиқарувчи бактерияларнинг оралиқ бирикмаларидан фойдаланадилар. Агар мана шу ўзаро таъсиrlанишлар амалга ошмаганда эди, ҳар иккала микроорганизмлар фаолияти учун керакли шароит яратилмаган бўлур эди.

#### **594. Ачитиш (бижғиш) жараёни кечиши учун қандай қилиб мақбул (оптималь) шароитни яратиш мумкин?**

Табиатда кислота ва метан ҳосил қилувчи бактерияларни ҳамма жойларда учратиш мумкин. Масалан, йирик шохли ҳайвонларнинг овқат ҳазм қилиш системасида гүнгни ачитиш (бижғиш) учун микроорганизмларнинг барча турларни учратиш мумкин. Метан ачитиш жараёни эса ошқозонда

бошланади. Шунинг учун йирик шохли ҳайвонлар гүнгидаң хом-ашё сифатида көнг құлланилади.

Биогаз қурилмаси реакторига юкландыган тұнгда ачитиш (бижғиши) жараёни бошланиши учун қуйидаги шароитларни яратып керак бұлади.

1. Реакторда кислородсиз (анаэроб) шароитни яратыш, яғни у берк, ҳаво кирмайдын даражада маңкам бұлиши шартта зарур.

2. Ҳарорат режимига риоя қилиш, яғни уни үзгартмас холатда сақлаш.

3. Бактерияларни озуқа моддалари билан таъминлаш (уларнинг мавжудлиги).

4. Ачитиш (бижғиши) вақтини тұри танлаш ва хом-ашёни реакторға юклаш ва ундан тушуришни үз вақтида амалға опириш.

5. Мұхиттинг кислота-ишқор балансига риоя қилиш (яғни, мұхиттинг водород күрсаткичига алоҳида аҳамият бериш).

6. Углерод ва азот миқдори таносубига риоя қилиш.

7. Хом-ашёни узлуксиз арапаштириб туриш.

8. Жараён ингибиторларини ҳосил бұлишига йўл қўймаслик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, метан ҳосил қилувчи түрли типдаги бактерияларнинг ҳар бирига юқорида санаб утилган омиллар (шароитлар ва күрсаткичлар) турлича таъсири күрсатилиши мумкин. Аслида, ушбу күрсаткичлар узаро чамбарчас боғлиқ бұлади. Масалан, ачитиш вақтини танлаш ҳарорат режимига боғлиқ бұлади. Шунинг учун ҳар бир омилнинг ҳосил бұладын биогаз миқдорига таъсирини апиқлаш қийин.

Реакторда кислородсиз (анаэроб) шароитни сақлаш учун бир нарсага алоҳида эътибор берилади: метан ҳосил қилувчи бактерияларнинг ҳаёт фаолияти биогаз қурилмаси

реакторида кислороднинг йўқлигига баглиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кислород бўлмаган шароитда бактерияларнинг фаолияти ошади ва биогаз миқдори ҳам ошиб боради. Бунинг учун реактор зич маҳкамланган булиши керак ва унинг ичига кислород (хаво) кирмаслиги керак.

### **595. Бижғиш (ачитиш) жараёнининг ҳарорат режими неча хил бўлади?**

Ачитиш жараёнининг ҳарорат режимини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Мақбул ҳароратни ўзгармас ҳолатда сақлаб қолиш ачитиш жараёнининг асосий ҳал қилувчи омилларидан биридир.

Табиий шароитда биогазнинг ҳосил булиши  $0\text{--}97^{\circ}\text{C}$  ҳароратлар оралиғида юз бериши мумкин. Аммо биогаз ва биоўғит олишда органик чиқиндилярни қайта ишлаш мақбул жараёни 3 та ҳарорат режимига бўлинади.

**1. Психофил ҳарорат режими.** Бунда ҳарорат  $20\text{--}25^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиши мумкин.

**2. Мезофил ҳарорат режими.** Бунда ҳарорат  $25\text{--}40^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиши мумкин.

**3. Термофил ҳарорат режими.** Бунда ҳарорат  $40^{\circ}\text{C}$  дан юқори булиши мумкин.

Ҳарорат ошиши билан, метан ишлаб чиқариш бактериологик даражаси ошиб боради. Аммо бунда аммиак миқдори ҳам ошади. Натижада ачитиш (бижғиш) жараёни секинлашиб қолиши мумкин. Реактори иситимайдиган ўртacha биогаз қурилмалари ўртacha йиллик ҳарорат  $20^{\circ}\text{C}$  ёки ундан юқори ёки ўртacha кундузги ҳарорат  $18^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этгандагина қониқарли самарадорлик билан ишлапши мумкин. Агар биомассанинг ҳарорати  $15^{\circ}\text{C}$  дан кичик булса, газнинг чиқиши шунчалик кам бўладики, биогаз қурилмасининг теплоизоляциясиз ва иситмасдан иқтисодий самараси пасаяди.

Мақбул ҳарорат режими хом-ашёларнинг турларига қараб, турлича булиши мумкин. Йирик шохли ҳайвонлар гүнти, чўчқа ва парранда гүнти ва уларнинг аралашмалари билан ишлайдиган биогаз қурилмаларида мақбул ҳарорат режими мезофил ҳарорат режимида  $34\text{--}37\ ^\circ\text{C}$  ни, термофил ҳарорат режимида эса  $54\ ^\circ\text{C}$  ни ташкил этади. Психофил ҳарорат режими эса иситилмайдиган қурилмаларда булиши мумкин. Уларда ҳарорат устидан назорат қилинмайди. Психофил ҳарорат режимида биогазнинг жадал ажралиб чиқиши  $23\ ^\circ\text{C}$  да кузатилади.

Биометанланиш жараёни ҳароратнинг ўзгаришига нийҳоятда сезгири булади. Сезгирилик даражаси эса хом-ашёни қайта ишлаш ҳароратлар оралиғига боғлиқ булади. Бижғиши (ферментация) жараёнида ҳароратнинг ўзгариши қуйидаги оралиқларда йўл қўйилиши мумкин.

1. Психофил ҳарорат режимида бир соатда  $\pm 2\ ^\circ\text{C}$ .
2. Мезофил ҳарорат режимида бир соатда  $\pm 1\ ^\circ\text{C}$ .
3. Термофил ҳарорат режимида бир соатда  $\pm 0,5$ .

Бунинг маъноси шуки, агар хом-ашё психофил усулда қайта ишланса, қайта ишлаш ҳарорати бир соатда  $\pm 2\ ^\circ\text{C}$  дан ошмаслиги ёки пасайиб боришига йўл қўймаслик керак. Агар хом-ашё мезофил усулда қайта ишланса, қайта ишлаш ҳарорати бир соатда  $\pm 1\ ^\circ\text{C}$  атрофида ўзгаришига йўл қўйилиши мумкин. Агар хом-ашё термофил усулда қайта ишланса, қайта ишлаш ҳарорати бир соатда  $\pm 0,5$  ўзгаришига йўл қўйилади. Шуни унутмаслик керакки, ҳароратнинг пасайиши, ёки, аксинча, ошиб бориши метан газининг ажралиб чиқишига кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун қайси қайта ишлаш усулидан фойдаланишдан қатъи назар, ҳарорат устидан қатъий назорат ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир.

**596. Биогаз олишда қайси ҳарорат режими самарали ҳисобланади, унинг асосий афзалликлари ва камчилиги нимада?**

Биогаз олишда термофил ҳарорат режими самарали ҳисобланади. Унинг афзалликлари қуидагилардан иборат.

1. Бу усулда хом-ашёни парчалантириш тезлиги юқори.

2. Хом-ашёни парчалантириш тезлиги юқори бўлганлиги учун биогазнинг чиқиши ҳам юқори бўлади.

3.Хом-ашё таркибидаги касаллик қўзғатувчи бактериялар тўлиқ бартараф этилади.

Бижғиш жараёнининг мезофил ҳарорат режимида эса биоўғитда аминокислоталарнинг юқори таркиби сақлаб қолинади, аммо хом-ашёни заарсизлантириш тўлиқ охирига етмай қолади. Бу эса ушбу усулнинг асосий камчилигидир.

**597. Хом-ашё таркибida қайси озуқа моддалари бўлиши шарт?**

**598. Бижғиш (ачитиш) нинг мақбул вақти ва реакторнинг айланма вақти нимага боғлиқ?**

Метан ажратиб чиқарувчи бактерияларнинг фаолияти ва ривожланиши учун хом-ашё таркибida органик ва минерал озуқа моддалари бўлиши шарт. Биоўғит олиш учун углерод ва водороддан ташқари, етарли даражада азот, олтингугурт, фосфор, калий, калций, магний ва бир-мунча микроэлементлар (темир, марганец, молибден, рух, кобалт, селен, волfram, никел ва бошқа микроэлементлар) бўлиши талаб этилади. Ушбу микроэлементларнинг барчаси оддий органик хом-ашёда, яъни ҳайвонлар гўнгида мавжуд.

Бижғишининг мақбул вақти реакторни юклаш дозаси (миқдори) га ва жараёнинг ҳароратига боғлиқ бўлади. Агар бижғиш вақти қисқа бўлса, ачиган биомассани реактордан туширишда бактериялар ўсишига нисбатан тезрок ювилади ва бижғиш (ферментация) жараёни тўхтаб қолади. Реакторда

хом-ашёни ҳаддан ташқари қўпроқ сақлаб қолиш маълум вақт оралиғида кўпроқ биогаз ва биоўғит олишга олиб келмайди. Бижғиши жараёнининг мақбул давомийлиги реакторнинг айланма вақтига боғлиқ бўлади. Реакторни айланма вақти деганда, тоза хом-ашёни реакторга юклаш давомийлиги (вақти), қайта ишлаш давомийлиги (вақти) ва реактордан биомассани чиқариб олиш давомийлиги (вақти) нинг йиғиндиси тушунилади. Узлуксиз юкланадиган системалар учун ачитишининг ўртача вақти реактор ҳажмининг кундалик юкланадиган хом-ашё ҳажмига нисбати билан аниқланади. Муҳандислик амалиётида реакторнинг айланма вақти ачитиш ҳароратига ва хом-ашёнинг таркибига қараб, қуйидаги интервалларда танланади.

1. Психофил ҳарорат режимида: 30 суткадан 40 суткагача ва ундан ортиқ.
2. Мезофил ҳарорат режимида: 10 суткадан 20 суткагача.
3. Термофил ҳарорат режимида: 5 суткадан 10 суткагача.

#### **599. Хом-ашёни бир суткалик юклаш дозаси ва уни қайта ишлаш вақти нимага боғлиқ?**

Хом-ашёни бир суткалик юклаш дозаси реакторни айланма вақти билан аниқланади ва реакторда ҳароратнинг ортиши билан у ошиб боради. Агар реакторни айланма вақти 10 суткани ташкил этса, унда юклашнинг суткалик улуши юкланадиган хом-ашёнинг умумий ҳажмидан  $1/10$  га teng бўлади (ташкил этади). Агар реакторни айланма вақти 20 суткани ташкил этса, унда юклашнинг суткалик улуши юкланадиган хом-ашёнинг умумий ҳажмидан  $1/20$  га teng бўлади. Термофил режимида ишлайдиган қурилмаларда юклаш улуши реакторнинг умумий юклаш ҳажмидан  $1/5$  гача ташкил этиши мумкин.

Хом-ашёни бижғиши вақтини танлаш унинг қайта ишланадиган турига боғлиқ бўлади. Мезофил ҳарорат

режимида қайта ишланадиган хом-ашё турларидан қуиидаги вақтларда күпроқ биогаз ажралиб чиқиши мумкин.

1. Чүчқани суюқ гүнги: 9-12 кунда.
2. Йирик шохли ҳайвонларнинг суюқ гүнги: 10-15 кунда.
3. Товуқнинг суюқ гүнги: 10-15 кунда.
4. Үсимлик чиқиндилари билан аралашган гүнг: 40-80 кунда.

#### **600. Қайси омиллар метанли ачитиш жараёнига таъсир этиши мумкин?**

Метанли ачитиш жараёнига таъсир этувчи омиллардан бири мұхитнинг водород күрсаткичи ( $\text{Ph}$ ) ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, метан ажратиб чиқарувчи бактериялар нейтрал ёки кучсиз ишқорий мұхитларда яхшироқ мослаша олади. Метанли ачитиш (бижғиши) жараёнида биогаз ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқиичи кислота ишлаб чиқарувчи бактерияларнинг фаол таъсир этиш фазаси ҳисобланади. Бунда мұхитнинг водород күрсаткичи ( $\text{Ph}$ ) камаяди, яғни мұхит нордон булып қолади. Жараённинг нормал кечишида реакторда турли бактериялар түрухининг ҳаёт фаолияти бир хил самарали булып, кислоталар метан ишлаб чиқарувчи бактериялар билан қайта ишланади. Лакмұс қофози ёрдамида кислота-ишқор баланси, яғни  $\text{Ph}$  даражасини аниклаш мумкин.

Метанли ачитишга таъсир этувчи омиллардан бири қайта ишланадиган хом-ашёда углероднинг азотта нисбати ҳисобланади. Агар углероднинг азотта нисбати ( $\text{C}/\text{N}$ ) ҳаддан ташқари катта булса, унда азотнинг этишмөвчилиги метанли ачитиш жараёнини чеклаб қўювчи омил булып қолиши мумкин. Аксинча, агар ушбу нисбат ҳаддан ташқари кичик булса, аммиакнинг ҳаддан ташқари кўп ажралиши кузатилади. Бу эса бактериялар фаолияти учун катта хавф тутдиради, яғни уларнинг фаолияти тугайди.

Микроорганизмлар хужайрали тизимини ассимиляцияси учун азотта ҳам, углеродга ҳам, катта эҳтиёж сезадилар. Углероднинг азотта нисбати 10 дан 20 гача

бўлганда, биогазни чиқиши ошади. Биогазнинг кўпроқ чиқишига эришиш учун хом-ашёни аралаштириш йўли билан С/N нинг мақбул нисбатига эришилади.

Қўйидаги 12. 1-жадвалда органик моддалар таркибида мавжуд бўлган азот миқдори ҳамда углероднинг азотга нисбати келтирилган.

### 12.1-жадвал

#### Органик моддалар таркибида мавжуд бўлган азот миқдори ҳамда углерод ва азот нисбати

Биоферментланувчи хом-ашё	Азот, %	Углероднинг азотга нисбати С/N
Йирик шохли ҳайвонлар гўнги	1,7 – 1,8	16,6 – 25,0
Товуқ гўнги	3,7 – 6,3	7,3 – 9,65
От гўнги	2,3	25,0
Чучқа гўнги	3,8	6,2 – 12,5
Қўй ва ечкилар гўнги	3,8	33,0
Нажас	6,0 – 7,1	6,0 – 10,0
Ошхона чиқиндилари	1,9	28,6
Картошка пустлоғи	1,5	25,0
Карам	3,6	12,5
Помидор	3,3	12,5
Маккажухорисутаси	1,2	56,6
Ғалладона сомони	1,0	49,9
Буғдой сомони	0,5	100 - 150
Маккажухори сомони	0,8	50
Арпа сомони	1,1	50
Соя	1,3	33
Ғуллаган беда	2,8	16,6 - 17,0
Лавлаги тулпли	0,3 - 0,4	140 - 150
Кўкатлар	4,0	12
Қириндилар (похоллар)	0,1	200 - 500
Хазон барглар	1,0	50

## **601. Хом-ашё таркибидаги қаттиқ ва қуруқ моддаларнинг намлиги неча фоиз бўлиши керак?**

Хом-ашёда моддалар алмашинуви ва бактерияларнинг юқори фаоллиги унинг намлигига кучли боғлиқ бўлади. Қишлоқ хўжалиги чиқиндилари таркибидаги турли қаттиқ заррачалар мавжуд. Хом-ашёнинг қовушқоқлиги етарли бўлганда, суюқ ва қаттиқ моддалар орасида газ пуфакчалари ва бактериялар эркин ҳаракатлаганда, моддалар алмашинуви тез амалга ошади. Маълумки, қаттиқ заррачалар, масалан, кўм, лой ва бошқалар қўйқум (лойка) ҳосил қиласди. Зичлиги кичик моддалар хом-ашё юзасига қалқиб чиқиб, юпқа қобиқ ҳосил қиласди. Бу эса газ миқдорини камайтиради. Шунинг учун ўсимлик қолдиқлари (похоллар, саркүтлар (нишхурлар) ва бошқалар) ни реакторга юклашдан олдин уларни яхшилаб янчиш (майдалаш) мақсадга мувофиқдир. Хом-ашё таркибидаги қаттиқ моддалар бўлмаслиги керак.

Қуруқ моддаларнинг миқдори гўнгни намлигига боғлиқ бўлади. Намлик 70 % ни ташкил этганда, хом-ашёда 30 % қуруқ модда бўлади.

Куйидаги 12.2-жадвалда турли ҳайвонларнинг гўнги ва екскрементлари (гўнг ва сийдик) намлиги келтирилган.

### **12.2-жадвал**

#### **Битта ҳайвонучун екскрементлар ва гўнгининг намлиги ва миқдори**

Ҳайвон турлари	Гўнгни ўртacha суткалик миқдори, кг/сут.	Гўнгни намлиги, %	Екскрементларнинг ўртacha суткалик миқдори, кг/сут.	Екскрементлар намлиги, %
Йирик шохли ҳайвонлар	36	65	55	86
Чўчқа	4	65	5,1	86
Парранда	0,16	75	0,16	75

Реакторга юкландиган гүнгнинг намлиги қиши фаслида 85 % дан ва ёз фаслида эса 92 % дан кам бўлмаслиги керак. Хом-ашёнигдиган керакли намлигига эришиш учун гүнг иссиқ сув билан аралаштирилади. Қўшиладиган иссиқ сувнинг миқдори эса қўйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади:

$$OB = H (B_2 - B_1) : (100 - B_2)$$

бу ерда  $H$ - реакторга юкландиган гүнг миқдори;

$B_1$  – гүнгнинг дастлабки (бошланғич) намлиги;

$B_2$  – хом-ашёнигдиган керакли намлиги;

$OB$  – сувнинг миқдори (литр).

Қўйидаги 12.3-жадвалда 100 кг гүнгга намлигини 85 % га ва 92 % га етказиш учун қўшиладиган сув миқдори литрларга келтирилган.

### 12.3-жадвал

**100 кг гүнгга намлигини 85 % га ва 92 % га етказиш учун қўшиладиган сув миқдори (литр)**

Керакли намлик	Хом-ашёнигдиган дастлабки намлиги						
	60 %	65%	70%	75%	80%	85%	90%
85%	166 литр	133 литр	100 литр	67 литр	33,5 литр	-	-
92%	400 литр	337 литр	275 литр	213 литр	150 литр	87,5 литр	25 литр

### 602. Қайси мақсадларни қўзлаб гүнг мунтазам аралаштирилади?

Биогаз қурилмасининг самарали ишлаши ва хом-ашёни ачитиш (бижғиши) жараёнини барқарор сақланиши учун реактор ичидаги уни даврий аралаштириб туриш керак. Аралаштиришнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат.

1. Ишлаб чиқилган биогазни ажратиш учун.

2. Тоза субстратни аралаштириш ва бактериялар популяциясини кўпайтириш учун.
3. Қобиқ ва қуйқум (лойқа) ҳосил бўлишини олдини олиш учун.
4. Реактор ичида бир хил ҳарорат яратиш учун.
5. Бактериялар популяциясини бир хил тақсимотини таъминлаш учун.
6. Реакторнинг самарали майдонини камайтирувчи йигилиб қолган бўш жойларни бартараф этиш учун.

Гунгни аралаштириш усулини ва воситасини танлаш учун бир нарсага алоҳида эътибор қилиниши лозим: бижғиши (ачитиши) жараёни турли штамм бактериялар симбиозидан (яъни, биргаликда яшаётдан) иборат, яъни баъзи бир бактериялар бошқа турдаги бактериялар билан озукланиши мумкин. Демак, бактериялар бўлингандা, бижғиши (ферментация) жараёни, то янги популяциялар этишиб чиққунга қадар, тухтаб қолади. Шунинг учун гунгни доимий ва тез-тез аралаштириб туриш тавсия этилмайди. Хом-ашёни арашлаштириш кечикканда, у қатламларга бўлинниши мумкин ва қобиқ **муаммоси** келиб чиқади ва газ ҳосил бўлиш самарадорлиги пасайиши мумкин. Хом-ашё яхшилаб аралаштирилиб турилса, биогазнинг чиқиши 50 % га ошиши мумкин. Хом-ашёни ҳар бир **4-6 соатда** бир маротаба секин аралаштириш тавсия этилади.

### **603. Бижғиши (ачитиши) жараёни ингибиторлари деб нимага айтилади?**

Ачитилаётган органик масса таркибида антибиотиклар, эритгичлар ва шунга ухшаган бошқа заرارли моддаларнинг мавжудлиги микроорганизмлар фаолиятини изидан чиқаради. Уларга, **бижғиши (ачитиши) жараёни ингибиторлари** дейилади. Масалан, гунгга аралаштирилиши мумкин бўлган сув таркибида анорганик моддаларнинг

мавжудлиги ёки сирт фаол моддалар (юувучи моддалар, совун, ишқор, кукунлар, геллар ва бошқа синтетик моддаларнинг мавжудлиги) ачитиш жараёнини йўққа чиқаради.

#### **604. Қайси маҳаллий хом-ашёлардан биогаз ва биогумус олиш мумкин?**

Куйидаги маҳаллий хом-ашёлардан биогаз ва биогумус олиш мумкин.

1. Йирик шохли ҳайвонлар гүнгидан.
2. Чўчқа гүнгидан.
3. Қўй ва эчкилар гүнгидан.
4. Товуқ (парранда) гүнгидан.
5. Нажосатдан.

Биогаз қурилмаларида қайта ишлашга энг қулай хом-ашё йирик шохли ҳайвонлар гүнги ҳисобланади, чунки метан ҳосил қилувчи бактериялар уларнинг ошқозонида мавжуд бўлади. Йирик шохли ҳайвонлар гүнгининг биржинслилиги улардан узлуксиз ачитиш қурилмаларида фойдаланишга имкон беради. Одатда, янги гүнг сув билан аралаштирилади, чўкинди ва кобиқ ҳосил бўлмаслиги учун ундан пиширилмаган сомон ажратиб олинади. Айниқса, йирик шохли ҳайвонларнинг сийдики биогаз чиқиши миқдорини оширади. Шунинг учун молхоналарнинг туби пол қилиниши ва хом-ашёни аралаштириш сифимига тўғридан-тўғри келиб тушиши мақсадга мувофиқ деб топилган.

Биогаз ва биогумус олиш учун чўчқа гүнгидан ҳам хом-ашё сифатида фойдаланиш мумкин. Унинг гүнгига сув аралаштирилади. Чўчқахона туби пол қилинган ва екскрементлар аралаштириш сифимига тўғридан-тўғри келиб тушади.

Қўй ва эчкилар гўнгидан фойдаланилганда бир нарсага эътибор қилиш керак. Биогаз қурилмалари учун ишлатиладиган хом-ашё гўнг ва сомон қоришмасидан иборат бўлади. Гўнг, сомон ва сув қоришмаси олдиндан тайёрланмасдан юкланди ва реакторда тоза гўнгга нисбатан узоқ сақланади.

Паррандалар гўнгидан фойдаланилганда, шуни унутмаслик керакки, уларнинг гўнгидаги қум, қириндилар, сомон улуши ниҳоятда юқори бўлади. Бу эса реакторни тез-тез тозалаб туришни тақозо этади. Айниқса, тоза парранда гўнгидан фойдаланилганда, аммиакнинг юқори концентрацияси ҳосил бўлади. Парранда гўнги ва йирик шохли ҳайвонлар гўнгининг аралашмасини қайта ишлаш яхши самара беради.

Нажосатдан ҳам хом-ашё сифатида фойдаланиш мумкин. Аммо нажосат ҳожатхоналардан сув ёрдамида ювилиши лозим. Сувнинг миқдори чекланган бўлиши керак ва нажосатни суюлтирумаслик учун 0,5-1,0 литрдан ошмаслиги керак.

#### **605. Газнинг чиқиши ва метан миқдорини қандай ҳисоблаш мумкин?**

Одатда, гўнг таркибида куруқ модданинг 1 кг да газнинг чиқиши ҳисоблаб чиқилади ва л/кг ёки м<sup>3</sup>/кг ўлчов бирлигига ўлчанади. Қуйидаги 12.4-жадвалда мезофил ҳарорат режимида 10-20 кун бижгиш (ферментация) жараёни давом этгандан сўнг, турли хом-ашёларнинг 1 кг куруқ моддаси таркибида мавжуд бўлган биогаз миқдори кўрсатилган.

## 12.4-жадвал

### Турли хом-ашёлардан биогазнинг чиқиши ва метаннинг миқдори

Хом-ашё тури	Газнинг чиқиши ( $\text{м}^3$ 1 кг қуруқ моддага)	Метан миқдори, %
Йирик шохли ҳайвонлар	0,250-0,340	65
Чүчқа гүнги	0,340-0,580	65-70
Құшлар гүнги	0,310-0,620	60
От гүнги	0,200-0,300	56-60
Құй гүнги	0,300-0,620	70
Оқова сувлари, најаса	0,310-0,740	70
Сабзавот чиқиндилари	0,330-0,500	50-70
Картошка барғи ва пояси	0,280-0,490	60-75
Лавлаги барғи ва пояси	0,400-0,500	85
Буғдой сомони	0,200-0,300	50-60
Тарық сомони	0,200-0,300	59
Арпа сомони	0,250-0,300	59
Маккажухори сомони	0,390-0,310	59
Зигир	0,360	59
Канаб	0,360	59
Лавлаги тулпни	0,165	59
Кунгабоқар барглари	0,300	59
Беда	0,430-0,490	59
Күкат	0,280-0,620	70
Дараҳт барглари	0,210-0,290	58

Жадвалдаги натижалардан фойдаланиб, тоза хом-ашёдан биогаз чиқишини аниқлаш учун, аввало унинг намлиги аниқланади. Бунинг учун 1 кг гүнгни олиб, қурутилади ва қуруқ қолдик модда яна тарозида үлчанади. Гүнгнинг намлиги қуийидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилади (%):

( 1-қуристилган гүнгни вазни)×100%.

**1 кг қуруқ моддага маълум намлика эга бўлган тоза гүнгнинг қанча микдори тўғри келишини хисоблаймиз.** Бунинг учун **100 %** дан гўнг намлигини айриб, **100** ни унга бўламиз. Яъни

$$100 : (100 \% - \text{гўнгнинг намлиги \%}).$$

**1-мисол.** Агар хом-ашё сифатида қулланиладиган йирик шохли ҳайвонлар гўнгининг намлиги **85 %** га teng бўлса, **1 кг қуруқ моддага неча кг тоза гўнг тўғри келади?**

$$100 : (100 - 85) = 6,6 \text{ кг тоза гўнг}.$$

Демак, **6,6 кг тоза гўнгдан 0,250-0,350 м<sup>3</sup> биогаз олинади, 1 кг йирик шохли ҳайвонлар тоза гўнгидан эса 6,6 марта кам, яъни 0,037-0,048 м<sup>3</sup> биогаз олинади.**

**2-мисол.** Чўчқа гўнгининг намлигини хисоблаб чиққанимизда, у **80 %** га teng бўлди. Демак, **1 кг қуруқ модда 5 кг тоза чўчқа гўнтига teng бўлар экан.** 12.4 -жадвалдан маълумки, **1 кг қуруқ модда ёки 5 кг тоза чўчқа гўнги 0,340-0,580 м<sup>3</sup> биогаз беради.** Демак, **1кг тоза чўчқа гўнги 0,068-0,116 м<sup>3</sup> биогаз бериши мумкин экан.**

Агар тоза гўнгнинг **1 суткалик оғирлиги (вазни)** маълум бўлса, биогазнинг **1 суткада** чиқиши тахминан қўйидагича бўлиши мумкин:

**1 тонна** йирик шохли ҳайвонлар гўнгидан **40-50 м<sup>3</sup> биогаз олиш мумкин.**

**1 тонна** чўчқа гўнгидан **70-80 м<sup>3</sup> биогаз олиш мумкин.**

**1 тонна** парранда гўнгидан эса **60-70 м<sup>3</sup> биогаз олиш мумкин.**

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ушбу рақамлар тайёр хом-ашёнинг намлиги (гўнгнинг намлиги) **85-92 %** ни ташкил этганда хисоблаб чиқилган.

**606. Биогазнинг вазни қанча бўлиши мумкин?**

**607. Хом-ашё устидаги қобиқ қандай ҳосил бўлади?**

1 м<sup>3</sup> ҳажмда биогазнинг ҳажмий вазни 1,2 кг ни ташкил этади. Шунинг учун олинадиган ўгитнинг миқдори қайта ишланадиган хом-ашё миқдоридан ҳисоблаб чиқиласди. Битта йирик шохли ҳайвондан кундузги биогаз чиқиши 2,2 - 2,7 м<sup>3</sup> ни ташкил этса ва қурилмага ўртacha суткасига 55 кг хом-ашё юклатилса, биогаз қурилмасида хом-ашёни қайта ишлаш жараёнида унинг массаси 4-5 % га камаяди.

Агар катта ҳажмда биогаз ажралиб чиқса ва у етарли даражада ёнувчан бўлмаса, демак реактордаги хом-ашё юзасида кўпик ёки қобиқ ҳосил бўлган. Агар газнинг босими ниҳоятда кичик бўлса, газ қувурини муҳосараланувчи қобиқ ҳосил бўлганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳосил бўлган қобиқни хом-ашё юзасидан олиб ташлаш керак бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биогаз қурилмасининг реакторида хом-ашё юзасида ҳосил бўладиган қобиқнинг хусусияти шундан иборатки, у синувчан эмас, балки чўзилувчан бўлиб, камгина вақт давомида қаттиқлашиб қолиши мумкин. Ушбу қобиқни парчалантириш учун уни намланган ҳолатда сақлаб туриш керак. Яъни, қобиқ устидан сув қўйиш керак ёки уни хом-ашёга қушиш керак.

**608. Хом-ашёни навларга бўлиш муаммоси қандай  
ечилади?**

Сомон, похол, ўтлар, уларнинг поялари ва ҳатто қуриган гўнг хом-ашё юзасига қалқиб чиқиши мумкин, чунки уларнинг зичлиги сувнинг зичлигига нисбатан кичикдир. Минерал моддалар эса реактор тубига чўкади ва вақт ўтиши билан юклаш тешигини беркитиб қўйиши мумкин ёки реакторнинг иш майдонини қисқартириб қўйиши мумкин. Хом-ашё таркибига кўшиладиган сув миқдорини

камайтириш ва хом-ашёни түгри тайёрлаш ийли билан мазкур муаммони самарали ечиш мумкин.

Иирик шохли ҳайвонларнинг тоза гүнгидан фойдаланилганда, қобиқ муаммоси йўқолади. Ушбу муаммолар хом-ашё таркибида қаттиқ ва парчаланмаган органик моддаларнинг мавжуд бўлгандагина пайдо бўлиши мумкин. Ҳайвонларни озиқлантириш учун ем-хашагини майдалаб бериш катта амалий аҳамиятга эга. Бунда ортиқча харажатларни ҳисоблаб чиқишига түгри келади. Айниқса, чўчқа гүнгида ва парранда гүнгида қаттиқ заррачаларнинг мавжудлиги, тупроқ, парларнинг гүнгга ёпишиб қолганлиги уларни қайта ишлашини қийинлаштириб юборади.

### 609. Хом-ашё таркибида қайси моддалар бўлиши мумкин?

Хом-ашёни биогаз қурилмаларида қайта ишлашдан олдин унинг кимёвий таркибини аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Қуийдаги 12.5 - жадвалда биогаз қурилмаларида қайта ишлашдан олдин хом-ашёни кимёвий таркиби келтирилган.

#### 12.5- жадвал

#### Биогаз қурилмаларида қайта ишлашдан олдин хом-ашёни кимёвий таркиби

Хом-ашё	Намлик, %	Куруқ модда, %	Куруқ моддага гумин кисло- талари, %	Фулво- кисло- талар, %	Ph
Гүнг	96 - 98	4 - 2	14,8	1,6	6,5
Гүнг ва сабзавот чиқиндилари	96 - 98	4 - 2	28,3	3,7	7,5
Сабзавот чиқиндилари	96 - 98	4 - 2	33,5	4,0	7,3

Ушбу натижалардан асосий хулоса шуки, гүнгга нисбатан сабзавот чиқиндиларида гумин кислоталари ва фулвокислоталар миқдори кўпроқ экан.

Бундан ташқари, қайта ишлаш жараёнида хом-ашёнинг қовушқоқлиги камайиб боради, зеро қаттиқ моддалар (масалан, сомон) бижғиши жараёнида 50 % га камаяди.

### **610. Биоўғитнинг ҳиди ва озуқавий хоссалари қандай узгариши мумкин?**

Қайта ишланадиган хом-ашё (гүнг ва сийдик) нинг ҳидига нисбатан биоўғитнинг ҳиди унчалик ўткир эмас. Бижғиши жараёни давом этганда, барча ҳидли субстанциялар тулиқ қайта ишланади.

Биоўғитнинг озуқавий хоссалари таркибидаги кимёвий элементларга ва органик моддаларнинг миқдорига боғлиқ бўлади. Ўсимликларнинг барча озуқа моддалари, масалан, азот, фосфор, калий, магний, ҳамда уларнинг ривожланиши учун зарур бўлган микроэлементлар ва витаминалар биоўғит таркибида сакланади. Углероднинг азотта нисбати (қарийб 1:15) тупроқ сифатини оширишга катта ёрдам беради. Қуйидаги 12.6 - жадвалда биоўғит таркибида мавжуд бўлган озуқа моддаларнинг миқдори келтирилган.

#### **12.6-жадвал**

#### **Биоўғит таркибида мавжуд бўлган озуқа моддалар миқдори**

Хом-ашё	Фосфат $P_2O_5$	Калий $K_2O$	Калций $CaO$	Магний $MgO$	Азот $Na_2O$
Гүнг	3,05	5,64	3,25	0,98	1,75
Гүнг сабзавот чиқиндилари	6,37	7,98	5,15	1,95	3,37
Сабзавот чиқиндилари	6,66	8,88	5,18	2,22	3,70

Ушбу натижалардан асосий хулоса шуки, оддий гүнгга нисбатан сабзавот чиқиндилиари таркибида фосфатлар, калий, калций, магний ва азот күпроқ экан. Ҳом-ашёни ферментацияси (бижғиши) жараёнида ўсимликлар тұғридан-түгри озиқланадиган фосфатлар миқдори үзгармайды. Ушбу шаклда ўсимликлар фосфорнинг қарийб 50 % ни үзлаштирадилар. Фосфатлар ва калийдан фарқылы үлароқ, азотнинг бир қисми ферментация (бижғиши) жараёнида үзгаради. Тоза гүнг таркибида сақланадиган 75 % азот органик макромолекулаларнинг бир қисми булиб қолади, қолган 25 % эса минерал шаклда қолади. Биогаз қурилмасида қайта ишланғандан сүнг, биоүғитда 50 % азот органик шаклда ва қолган 50 % азот эса минерал шаклда қолади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ўсимликлар минерал азотни тұғридан-түгри үзлаштирадилар, органик азот эса даставвал тупроқдаги микроорганизмлар ёрдамида минераллашади ва ундан кейин, ўсимликлар уларни үзлаштиради.

### **12.3. Биомассадан энергия олиш технологияси (611-614)**

#### **611. Биомассадан энергия олиш муаммосининг долзарбилигини қандай илмий асослаш ва изоҳлаш мумкин?**

Биомасса деганда, фақатгина қишлоқ хұжалик чиқиндилиарини ёки гүнгни тушунмаслик керак, балки ўсимлик чиқиндилиари ҳам биомассаниң таркибий қисмларидан бири эканлигини унутмаслик керак. Агар барча қайта тикланадиган энергия манбаларини 100 % деб қабул қылсақ, биомасса ҳажми бүйича унинг 80 % ни ташкил этади. 2001 йилда барча қайта тикланадиган энергия манбалари 1,94 млрд тонна шартли ёқилғини ташкил этган булса,

биомассанинг улуши **1,57-1,71 млрд тонна шартли ёқилғини ташкил этди**. Жаҳонда эса **14 млрд тонна шартли ёқилғига тент** энергия ишлаб чиқарилган эди.

**2030 йилга бориб, жаҳонда 20 млрд тонна шартли ёқилғига тент бўлган энергия истеъмол қилиниши башорат қилинмоқда**. Бу вақтга бориб, барча қайта тикланадиган энергия манбаларининг улуши **47,7 %** ни ёки **9,2 млрд тонна шартли ёқилғини ташкил этади**, биомассанинг улуши эса **23,8 %** ёки **4,6 млрд тонна шартли ёқилғига тент бўлиши кутилмоқда**.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, **2003 йилда Аврупо Иттифоқининг умумий энергия балансига биомассанинг улуши 3,6 %** ни ташкил этган, ҳолбуки, барча қайта тикланадиган энергия манбалари **3,4 %** ни ташкил этган, яъни бироз катта бўлган. **2010 йилда** бу кўрсаткич **12 %** ни ташкил этди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатаяптики, суюқ ёқилғига нисбатан ўсимлик чиқиндиларидан фойдаланиш **8-15 маротаба арzonга тушади**. Ўсимлик чиқиндилари гурухига гўза пояси, сомон, маккажӯҳори сутаси, кунгабоқар пояси ва чиқиндилари киради. Улар ҳар йили қайта тикланадиган энергия манбалари заҳираси (потенциали) ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ёқилғи турига қараб, ўсимлик чиқиндиларининг ёниш тезлиги **5 МЖ/кг** дан **15 МЖ/кг** ташкил этиши мумкин. Ўсимлик чиқиндиларидан энергия олиш учун уларнинг гранулаларидан қўлланилади, яъни улар ёндирилади ва энергияси олинади. Ёғоч гранулаларини олиш учун майдаланган гўза поясидан, сомондан ва бошқа ўсимликлар ва чиқиндилардан қўлланилади.

**612. Нима учун ёғочдан гранулалар олинади ва уларни олиш технологияси неча босқичлардан иборат?**

Ёғоч гранулаларини олиш технологияси 5 та босқичлардан иборат.

1.Хом-ашёни сақлаш ва тайёрлаш босқичи.

2.Намлиги 18-19 % ни ташкил этгунга қадар хом-ашёни қуритиш босқичи.

3.Гранулаларни ишлаб чиқариш босқичи.

4.Гранулаларни совутиш босқичи.

5.Уларни меъёrlаш, қолларга жойлаштириш ва сақлаш босқичи.

Гранулаларнинг асосий кўрсаткичлари қўйидагилардан иборат.

1.Гранулаларнинг энергия сақланиши – (7-18) МЖ/кг.

2.Гранулаларнинг зичлиги – (650-700) кг/м<sup>3</sup>.

3.Гранулаларнинг диаметри – (6-16) мм.

4.Гранулаларнинг узунлиги – (20-30) мм.

5.Кул миқдори – (0,4-1,0) %.

6.Гранулаларнинг намлиги – (7-12) %.

7.1 тонна пеллетнинг нархи – (60-90) евро.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, 3 м<sup>3</sup> ёғоч гранулалари энергия сақлаш бўйича 1 м<sup>3</sup> нефтга эквивалентдир.

Ёғоч гранулаларидан биогаз ва биоводород ишлаб чиқаришда, тез ва юқори ҳарорат (пиролиз) да ёндиришда, метанол ишлаб чиқаришда, газ таъминотида, тўғридан-тўғри ёндиришда кенг қўлланилиши мумкин. 1 кг пеллетдан 0,6 кг биогаз олиш мумкин (0,4 кг шартли ёқилги / кг пеллет). Пеллетлардан Аврупо Иттифоқида иссиқлик ва электр энергияси олишда кенг қўлланилади. 1 тонна биогазнинг нархи дастлабки биомассанинг нархи 20 евро / 1 тонна (намлиги 10%) ва заводнинг йиллик қуввати 130 тонна биогазни ташкил этганда, 250 евро (350 евро 1 тонна шартли ёқилғи учун!) ташкил этади.

### **613. Биоэтанол қайси хом-ашёлардан олинади ва қаерларда құлланилади?**

Қанд лавлагидан, шириң қамишдан (найшакардан), маккажұхоридан ва бошқа биомассалардан олинадиган **1 м<sup>3</sup>** биоэтанолнинг нархи жағон бозорида хом-ашёниң турига қараб, **160 доллардан 900 долларгача** турасы. **1 йилда жағонда этанолга бұлган әхтиёж 2 млрд тоннани ташкил** этади. Аммо жағонда **1 йилда 32 млн тонна** этанол ишлаб чиқарилади. Шундан **4 млн м<sup>3</sup>** – озиқ-овқатда, **8 млн м<sup>3</sup>**- кимё саноати учун ва **20 млн м<sup>3</sup>** – ёқилғи учун сарфланади. **7 %** этанол кимёвий синтез қилиш йүли билан, **93 %** бижғиши йүли билан, **60 %** қанддан олинади ва **40 %** галладан олинади.

Жағонда асосан Бразилия ва АҚШ этанол ишлаб чиқарувчи мамлакатлар саналади. Масалан, Бразилияды **бир йилда 12,6 млн м<sup>3</sup>** этанол сарфланади, аммо **13 млн м<sup>3</sup>** этанол шириң қамишдан олинади. Олинган этанолдан бензинга құшиб, ички ёнув двигателларида этанолдан **26 %**, дизел двигателларида эса **3 %** сарфланади.

АҚШ да **бир йилда 12,66 млн м<sup>3</sup>** этанол ишлаб чиқарилади. Фақаттана маккажұхоридан **90 %**, сорғодан эса **8 %** этанол олинади. Бунинг учун маккажұхори хосилининг **13 %** сарфланади. Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, этанолдан бензинге **1 қисем** құшилса, нефтнинг **3 қисми** тежалади.

Автомобилсозлик саноати кунсайин ривожланиб бораётган Республика мизда биомассадан олинадиган энергия – биоэтанолга бұлган әхтиёж ниҳоятда катта. Биоэтанол “Авесто ХХІ аср” үзбек-украин құшма корхонасида ишлаб чиқарылған.

Спирт - қайта тикланадиган ягона суюқ ёқилғи манбаи булиб, ундан бензинга құшимча сифатида құллаганда, двигателлар конструкциясини үзгартышины талаб қылмайды.

Үсимликтің мойлари эритрификацияси маҳсулоти – биодизел ёқилғиси ҳисобланади. Жағонда дизел ёқилғисига

бұлған әхтиёж бир йилда 145л/одам га тенг. Жаҳонда бир йилда 1,7 млрд тонна, Аврупо Иттифоқида 1,5 млн тонна, Шарқий Аврупода, 1 млн тонна, АҚШ да эса 0,07 млн тонна биодизел ёқилғиси ишлаб чиқарилади.

2020 йилга бориб, 23 млн тонна биодизел ёқилғиси ишлаб чиқарилиши башорат қилинмоқда. Аврупода дизел ёқилғиси ишлаб чиқариш учун рапс мойидан құлланилади. Бунинг учун йилига 1,0-1,5 тонна рапс мойи керак бұлади. Ұсимлик мойи метанол билан эритрификация қилинади (1 тонна мой+100 кг метанол+100 кг глицерин) бензинга 5 % құшилади.

Хозирги дизел двигателлари 100 % биодизел ёқилғиси билан ишлаши мүмкін.

#### 614. Биоёқилғининг бошқа турлари қайси хомашёлардан олинади?

Биоэтилтрибутил эфир ҳажми бүйича 48 % биоэтанолни учlamчи бутанол билан аралаштириб, катализаторлар иштирокида қиздириш йүли билан олинади. Бу биоёқилғида октанлар сони 112 га тенг бўлиб, турли ички ёнув двигателларида бензин билан аралаштириб құлланилади. Биометанол ёқилги элементлари учун керакли ёқилги бўлиши мумкин. Биометанол биогаздан ёки кислород иштирокида биомассадан олинадиган водород ва углерод оксидининг қоришмасидан олинади. Бир йилда 27 млн тонна синтетик метанол ишлаб чиқарилади. Дизел ёқилғисига унинг сифатини ошириш учун биодиметилефирдан 2 % құшилади.

Таркибида 55-75 % метан ва 25-45 % углерод құш оксиди сақлаган биогаз намлиги 80-90 % га тенг бўлған биомассани метанли ачитиш (бижғиши) йүли билан олинади. Унинг иссиқлик яратиш қобилияти 5000-7000 ккал/м<sup>3</sup> га тенг бўлиб, метан таркибига ва концентрациясига боғлиқ бўлади.

Биогазнинг 1 тонна мутлақ қуруқ моддадан чиқиши биомассанинг турига боғлиқ: йирик шохли ҳайвонлар чиқиндисининг 1 тоннасидан  $250\text{-}350 \text{ м}^3$ , парранда гүнгидан (чиқиндиларидан)  $400 \text{ м}^3$ , спиртли ва ацетон-бутил заводлари чиқиндиларидан  $600 \text{ м}^3$  гача, турли ўсимлик турларидан  $300\text{-}600 \text{ м}^3$  гача биогаз олиш мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳонда қишлоқ биогаз қурилмалари ишлаб чиқариш бўйича Хитой етакчи ўринларда боряпти. 10 млн дона қурилма бир йилда қарийб 7 млрд  $\text{м}^3$  биогаз ишлаб чиқариб, 60 млн нафар аҳолини ёқилғи билан таъминлаб турибди. Саноати ривожланган мамлакатлар орасида биогаз ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича етакчи ўринни Дания эгаллаб келяпти. Мамлакатнинг умумий энергия баланси 18 % гача биогаз билан таъминланади. **1987-1995 йилларда** Аврупода 150 дан кўпроқ йирик саноат биоэнергетик қурилмалари биогаз ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш учун қурилган. **2001 йилда** жаҳонда 1000 дан ортиқ биогаз ва газ қурилмалари ва станциялари ишга туширилган. Шундан 45 % Аврупода, 15% АҚШ да, қолган қурилмалар ва станциялар Бразилия, Хитой, Ҳиндустон ва бошқа мамлакатларда қурилиб фойдаланишга топширилган. Ишлаб чиқариладиган биогазнинг аксарият қисми фойдали иш коэффициенти 31 % га teng бўлган қурилмаларда электр энергия олишда қўлланилади. Қайта ишланадиган органик чиқиндиларнинг 1 тоннасидан  $48 \text{ кВт} \cdot \text{соат}$  дан  $104 \text{ кВт} \cdot \text{соат}^{+}$ га олиш мумкин.

Биогаз ахлатхоналардаги ахлатлардан ҳам олиниши мумкин. Олинадиган биогазга, лендфиллгаз дейилади. 2002 йилда АҚШ да 350 та заводда лендфиллгаз ишлаб чиқарилган, Аврупода 750 та заводда, дунёда эса 1152 та заводда лендфиллгаз ишлаб чиқарилади. Ушбу заводларнинг умумий қуввати 3929 МВт га teng бўлиб, чиқиндиларнинг миқдори 4548 млн тоннани ташкил этади. Улардан соатига

**1,6 млн м<sup>3</sup>** лендфиллгаз ажратиб олинади. Намлиги 85 % га тенг бўлган **1 тонна** йирик шохли ҳайвонлар чиқиндиларини қайта ишлаш **40 м<sup>3</sup>** гача биогаз бериши мумкин. Унинг 55-60 % ни метан гази ташкил этади (**5500-6000 ккал/м<sup>3</sup>**), 40-45 % ни углерод қўш оксиди ташкил этиши мумкин, аммо бошқа биогаз технологиялардан фарқли ўлароқ таркибида олтингурут водород сақламайди. Биогаздан бир суткада **75-80 кВт соат** электр энергияси ёки **220 кВт соат** иссиқлик энергияси ва **1 тоннагача** органик ўғит олиш мумкин. Фермер ҳужаликлари учун бу ниҳоятда муҳим, чунки органик ўғитларнинг нархи йил сайин ошиб бориши кўпчиликка маълум.

#### **12.4. Чорвачилик ва паррандачилик корхоналари чиқиндиларини қайта ишлашнинг экологик илмий асослари (615)**

##### **615. Чорвачилик ва паррандачилик корхоналари чиқиндиларини қайта ишлаб, улардан нималар олиш мумкин?**

Маълумки, республикамизнинг умумий ер майдони **447,4 минг км<sup>2</sup>** ни ташкил этади, шундан қишлоқ ҳужалиги мақсадлари учун фойдаланадиган ерлар **269,2 минг км<sup>2</sup>** ни ва суғориладиган ерлар **43 минг км<sup>2</sup>** ни ташкил этади. Фақатгина 1990-1994 йиллар давомида йирик шохли қорамоллар сони **19,7 %** га ошган. Ҳозирги пайтда республикамизнинг чорвачилик ҳужаликларида **йилига 19 млн м<sup>3</sup>** дан зиёдроқ гўнг йиғилиб қолмоқда. Бухоро вилоятида эса **йилига 5,7 млн м<sup>3</sup>** дан зиёдроқ гўнг чиқинди сифатида тўпланиб қолмоқда.

Аслида эса, чорвачилик ва паррандачилик корхоналарида **йиғилиб қолган гўнг** ва бошқа суюқ ҳамда қаттиқ чиқиндилар хандақларда **1-2 йил** сақланиб, ундан кейин минерал ўғит сифатида тупроққа киритилиши лозим. Хандақларда тўпланиб қолган, аммо чиримаган чиқиндилар

таркибида мавжуд бўлган ўсимликлар учун ниҳоятда керакли озуқабоб компонентларнинг 60 % и, азотнинг 50 % и ва фосфорнинг 40 % и самарасиз нобуд бўлади. Бундан ташқари, гўнг таркибида мавжуд бўлган бегона ўсимликлар уруғи йўқолмайди. Натижада пахтазорларни, сабзавот ва полиз экинзорларни ўтоқ қилишга ва бегона ўтлардан тозалаб туришга тўғри келади. Мўл-кўл ҳосил этиштириш мақсадида ҳар 1 гектар ерга камига 30 кг фосфорли ўғитлар, 140 кг азот ва 120 кг калий киритилади. Демак, ҳар бир гектар ердан ҳосил олишга сарфланган харажатлар йил-сайин ошиб боряпти.

Маълумки, гўнг таркибида касаллик тарқатувчи микроорганизмлар, вируслар, оддий бир ҳужайрали жониворлар, гижжа уруглари, бактериялар ва гелминтлар мавжуд. Гўнгни хандақларда сақлаш пайтида ушбу микроорганизмлар ўз ҳаёт фаолиятини давом эттиради. Бундай чиқиндилар ва чиrimаган гунглар билан озиқлантирилган майдонлардан олинган ем-хашаклар билан парваришланган ҳайвонлар инфекцион ва инвазион касалликларга дучор бўлишлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Интернет маълумотларига қараганда, шамолнинг тезлиги 3-4 м/с га teng бўлганда, гелминтлар уруғи 400-600 метргача масофаларга кучиши мумкин. Бунда нафақат ҳайвонлар, балки ферма ёки комплекс атрофида яшовчи аҳоли касаллик қўзғатувчи микроблар ва бактериялар билан заарланишлари мумкин. Атмосфера ҳавоси эса ферма атрофидаги микроорганизмлар, амиак, чанглар ва органик моддаларнинг парчаланиши туфайли ҳосил бўладиган ис ва газлар билан ифлосланади. Чиқиндиларнинг парчаланиши жараёнида метанол, бутанол, изобутанол, формалдегид, меркаптанлар ва бошқа органик бирикмалар ҳосил бўлади. Анаэроб жараёнида (кислородсиз) парчаланаётган органик моддалар ўзларидан сассиқ ҳидли газларни чиқариб,

аммиак, олтингугурт водород, меркаптан билан ташқи атмосфера ҳавосини ифлослантиради. Чиқиндилаар манбаидан (фермадан) узоқлашган сари заарали газларнинг концентрациялари унчалик кучли пасамайди. Масалан, фермадан 1 км узоқ масофада аммиакнинг концентрацияси  $0,5 \text{ мг}/\text{м}^3$  га тенг бўлса, ундан  $2,0-2,5 \text{ км}$  га узоқлашганда, унинг концентрацияси  $0,44 \text{ мг}/\text{м}^3$  га тенг бўлиши мумкин. Ферма ёки комплекс миқёсида органик моддаларнинг концентрациялари  $22,4 \text{ мг}/\text{м}^3$  ни ташкил этади. Ис ва ҳидларни фермадан узоқроқ масофаларда ҳам бемалол сезиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, нафақат қаттиқ ва суюқ чиқиндилаар таркибида, балки табиий ифлосланган сувлар таркибида ҳам биоген моддалар мавжуд. Сувда азот минерал ва органик моддалар ( $\text{NH}_3$ ,  $\text{NO}_2$ ,  $\text{NO}_3$ ) таркибида мавжуд бўлиши мумкин. Сув таркибидаги азот йил фаслларига ва сув манбаларига ҳам боғлиқ экан. Масалан, аммонийли азот ёз фаслида кўпроқ бўлиб, қиши фаслида эса сизот сувлари билан аралашган нитрат ионлари кўпайиб боради. Қўйидаги 12.7 -жадвалда Бухоро минтақасида жойлашган сув манбаларида мавжуд бўлган азот бирикмаларнинг миқдори кўрсатилган.

#### 12.7 -жадвал

**Бухоро минтақасида жойлашган сув манбаларида мавжуд бўлган азот бирикмаларнинг миқдори**

Сув манбалари	Сувнинг физик-кимёвий таркиби, %		
	$\text{NH}_3$	$\text{NO}_2$	$\text{NO}_3$
Водопровод суви	-	йўқ/1,2	йўқ/1,5
Ариқ суви	йўқ/0,5	йўқ/1,6	2,0/3,3
Зовур суви	0,5/0,4	0,3/4,8	1,2/5,2

**Изоҳ.** Суратда ёз фаслида, маҳражда эса қиши фаслида сувдаги азот бирималарнинг миқдори қўрсатилган.

Сув таркибида минерал фосфорнинг концентрацияси 5-6 мг/л га ва азотнинг концентрацияси 7-10 мг/л га тенг булиши мумкин. Сувнинг кислородга бўлган эҳтиёжи эса 7,0-7,5 мгО<sub>2</sub>/л га этиши мумкин.

Чорвачилик ва паррандачилик корхоналардаги оқова сувларни зовурларга оқизилиши сувнинг санитар ҳолатини ва кимёвий таркибини кескин ёмонлаштиради. Натижада сувдан ёмон ҳид тарқалиб туради ва сувнинг кислородга бўлган эҳтиёжи 70-80 мгО<sub>2</sub>/л гача ўзгариши мумкин. Бундай зовурларда балиқ бўлмаслигининг асосий боиси ҳам мана шунда.

Ер ости сувлари 1,5 метрдан 15 км гача бўлган чуқурликларда жойлашган бўлиб, улар икки хил булиши мумкин: босимли сувлар ва босимсиз сувлар. Ер остидаги босимли сувларга, артезиан сувлари дейилади. Ер ости сувларнинг бундай ном олинишининг сабаби шундаки, XII асрда Франциянинг Арт вилояти аҳолиси Ер остида жойлашган чуқур қатламлар оралиғидаги сувлардан фойдаланиб келганлар ва шунинг учун Ер ости сувлари фанда артезиан сувлари номи билан юритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сизот сувлари, шу жумладан артезиан сувларини ифлосланиши **нитратлар миқдорига боғлиқдир**. Сув таркибида нитратлар концентрацияси 400-500 мг/л гача этади. Сизот (артезиан) сувларни ифлосланишини олдини олишнинг бирдан-бир йўли чорва молларини қўтанларда сақлашдир. Бу эса, ўз навбатида, сувларни бир жойда йиғиш ва уларни тозалаш имконини беради.

Шуни ҳам инобатга олиш зарурки, бизнинг минтақамизда сизот сувларнинг ифлосланиш даражаси ва жадаллиги ўз хусусиятларига эга. Биринчидан, қумалоқ

ерларнинг сингдирувчанилиги ниҳоятда катта. **Иккинчидан**, сизот сувларнинг сатҳи ёз пайтларида **2 метрни**, қишида эса ернинг тузлари ювилганда, **70 см гача этиши мумкин**. **Учинчидан**, сувнинг йилига **0,15-0,5 метргача** ерга сингиб боришини инобатга олсак, унда нитратлар, фосфатлар ва бошқа минерал ва органик моддалар **1-2 йилда** сизот сувларига етиб бориб қўшилиши мумкин, ҳолбуки, чорвачилик фермалари ва комплекслари **30-50 йилдан** буён ишлаб турибди.

Маълумки, ердан самарали фойдаланиш ва ҳосилдорлигини ошириш учун у нафақат гүнг билан, балки минерал ўғитлар (азот, фосфор, калий ва бошқалар) билан ҳам озиқлантирилади. Аммо ўсимликлар улардан **30-70 %** ни ўзлаштиради, холос. Уларнинг қолган қисми турли туз комплекслари шаклида ерда исроф бўлиб, вактнинг утиши билан сизот сувлари билан аралashiб, сувни маълум даражада ифлослантиради. Чорвачилик ва паррандачилик комплекслари яқинида жойлашган аҳоли пунктларида яшовчи аҳолининг тиф, дифтерия, дизентерия, сарик касалликлари ва бошқа касалликларга чалинишлари кўпинча ичимлик сувининг сифатига боғлиқ бўлади. Ушбу касалликларни олдини олиш катта маблағлар ажратишни тақозо этади.

Бир нарсани унутмаслик керакки, гўнгдаги органик бирикмаларнинг парчаланиши жараёнида **метан ( $\text{CH}_4$ )** гази ажралиб чиқади. Бу газ фтор гази билан бирга озон қобигини емирувчи бирикмалар ҳосил қиласди.

Ҳозирги пайтда қишлоқ ҳўжалигида бир қатор ўз ечимини кутаётган экологик муаммолар тўпланиб қолган. Улар орасида ичимлик ва сизот сувларини ифлосланишини олдини олиш, тупроқни шўрлик даражасини камайтириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиб, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш, энергия тежовчи

технологияларни яратиш ва қишлоқ хұжалигіда құллаш, экологик тоза энергия манбаларини яратиш ва улардан самарали фойдаланиш, озон қобиғини емирилишдан сақлаш каби муаммолар долзарблизигича қолмоқда.

## **12.5. Чиқиндиларни Қүёш нурлари ёрдамида метанли ачитиш технологияси (616 - 619)**

### **616. Биз учун чиқиндиларни метанли ачитишнинг қайси усули самарали бўлиши мумкин?**

Маълумки, Марказий Осиё минтақасида йилига 300 кун қуёшли кунлар бўлади. Қүёш нурларидан самарали фойдаланиш ўз ечимини кутаётган экологик муаммолар сирасига киради.

Шуни унутмаслик керакки, чиқиндиларни узлуксиз биостимуляторлар билан метанли ачитиш, мезофил режимини яратиш ҳамда авруполиклар даражасида технологик жараёнларни автоматлаштириш ва механизациялаш-биогаз ва биогумус олиш нархини 8 маротабагача ошириб юборади. Демак, биз учун мезофил режими унчалик самарали эмас экан. Шунинг учун чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларини метанли ачитиш (бижгиш) технологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунда термофил усули (яъни, чиқиндиларни нисбатан юқорироқ ҳароратларда (50-55 °C да) қайта ишлаш) қулланилади.

### **617. Чиқиндиларни метанли ачитиш (бижгиш) технологияси**

**қайси таркибий қисмлардан иборат?**

### **618. Чиқиндиларни метанли ачитиш технологияси биз учун қайси афзалликларга эга бўлиши мумкин?**

Чиқиндиларни метанли ачитиш (бижгиш) технологияси қуидаги таркибий қисмлардан иборат.


1. Чиқиндиларни ачтиш (бижгиш) камераси (уни реактор дейилади).
2. Реакторни қиздириш учун қиздиргичлар системаси.
3. Газни қуруқ ёки ҳул филтрлаш системаси.
4. Биомасса (чиқиндилар) ни аралаштириш системаси.
5. Газни ҳайдаш системаси.
6. Технологик жараённи назорат қилиш қурилмалари системаси.

#### 7. Метантанка.

Ушбу технологиянинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун унга қуидагилар илова қилинади.

1. Чиқиндиларни йиғиш ва уларни навларга ажратиш воситалари.
2. Чиқиндиларни аралаштириш ва дастлабки хом-ашёни реакторга юклаш системаси.
3. Ачитилган биомассани тўкиш ва сақлаш системаси.
4. Биомассани қуритиш системаси (центрофугалаш, қуритиш, ўлчаш, ўраш, сақлаш, метанол олиш учун метантанка қурилмаси).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биомассани қуритиш, ўлчаш ва ўраш қурилмалари ҳамда метанол олиш қурилмалари сотиб олинади. Битта рамага иккита ачтиш (бижгиш) камералари ва филтрлаш комплекси ўрнатилган бўлиб, у барботаж (яъни, сувга буғ аралаштириш) камерасидан ва қуруқ цеолит филтридан иборатdir. Ачтиш (бижгиш) камераси аралаштиргичдан, термометрлардан, чиқиндиларни юклаш ва биомассани тўкиш люкларидан иборат бўлади. Ҳарорат пасайган пайтларда Қуёш нурларидан ёки электр энергиясидан фойдаланиб, биомассани керакли даражада иситиш мумкин. Қуидаги 12.1- расмда биогаз ва биомасса олиш қурилмасининг принципиал кўриниши кўрсатилган.



**12.1 -расм. Биогаз ва биогумус олиш қурилмасининг кўриниши: 1-реактор (гўнгни ачитиш (бижғиш) камераси). 2-чиқиндиларни аралаштиргич. 3-қуёш радиатори. 4-газ ёндиригич. 5 - газни ҳайдовчи вакуум компрессор. 6-газголдер (газни тозаловчи цеолит фільтрлари). 7-сувни иситувчи қозон. 8-иссиқхона. 9-тайёр биомассани тўкиш жойи.**

Чиқиндиларнинг бижғиши натижасида ажралиб чиқадиган биогаз компрессорлар ёрдамида газголдерга ҳайдалади. Биогаз цеолит фільтридан ўтиб, олтингугурт водород, азот ва шунга ухшаган бошқа газлардан тозаланади. Қурилмада тозаланган ва тозаланмаган газларни таҳлил қилиш учун газ намуналарини олиш жойи мавжуд.

Биз учун бу технологиянинг **афзалиги** шундаки, ёз пайтларида ачитиш камерасидаги сувни Қуёш иситкичлари ёрдамида иситиш мумкин ва камера (реактор) да керакли ҳароратни узлуксиз таъминлаб туриш мумкин. Натижада олинган биогазнинг нархи бошқа минтақаларда олинган биогазнинг нархига қараганда анча арzonга тушади. Қиши пайтларида эса керакли ҳарорат электр иситкичлари ёки газ ёндиригичи ёрдамида таъминланиши мумкин. Чиқиндиларни ачитиб олинган биомасса ер тубида жойлаштирилган маҳсус идишга тўкилади. Ачитиш камерасидан ажралиб чиқадиган биогазни иссиқхона қозонига юбориш мумкин ва у ерда экологик тоза қишлоқ хужалик маҳсулотлари этиштириш мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керакки, биогаз олиш учун Қуёш энергиясидан фойдаланиш харажатларни **30-70 %** га камайтириш имконини беради.

Курилманинг ишлаш принципи қўйидагилардан иборат. Тоза гўнг ёки бошқа чиқиндиларни бижғиши (ачитиш) камерасига юклаб, 1:4 нисбатида сув қўшилади ва шу йўл билан камера ичида 80-85% намлик таъминланади. Камера зич ёпилади ва иситгичлар ёрдамида керакли 50-55 °C ҳарорат таъминланади. Биомасса тез-тез аралаштириб турилади, ўлчаш назорат қурилмалари ёрдамида ҳарорат, босим ва мұхитнинг водород кўрсаткичи ( $\text{Ph}$ ) назорат қилиб борилади. Чиқиндиларни ачитиш (бижғиши) ва улардан биогаз ҳамда биогумус олиш технологик жараёни 10-12 сутка давом этади. Чиқиндиларни бижғиши туфайли ажралиб чиқадиган газнинг ҳиди ниҳоятда ўткир ва ёқимсиз бўлади, чунки унинг таркибида олтингугурт водород мавжуд бўлади. Цеолит филтри ёрдамида филтрланган газ эса ҳидсиз бўлади. Тозаланган газ таркибида метаннинг миқдори 82 % ни ташкил этиши мумкин. Мұхитнинг водород кўрсаткичи (ишқорийлиги) 7,0-7,8 га тенг бўлади. Чиқиндиларни дастлабки ачитишда углерод қўш оксиди ( $\text{CO}_2$ ) нинг миқдори 36 % ни ташкил этади, кейинчалик эса у камайиб боради, метан миқдори эса ошиб боради. Ажралиб чиқиш даврига қараб, азотнинг миқдори 16 % гача этиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ажралиб чиқадиган биогазнинг миқдори қўлланиладиган сувнинг табиатига боғлиқдир. Масалан, оддий водопровод сувидан қўлланилганда, ачитиш камерасининг ҳар  $1 \text{ m}^3$  ҳажмидан 0,7 - 1,2  $\text{m}^3$  биогаз олиш мумкин. Термофил (50-55 °C да) режимида дистилланган тоза сувдан қўлланилганда, ачитиш камерасининг ҳар  $1 \text{ m}^3$  ҳажмидан 4  $\text{m}^3$  гача биогаз олиш мумкин. Юқори унумдорли органик ўғитлар таркибида 96 % гача фосфор, калий ва азот бирикмалари сақланиши мумкин. Озуқа потенциали бўйича 1 кг биогумус 7 кг қўмилган гўнгга ёки 3,5 кг тоза гўнгга тенгдир.  $1 \text{ m}^3$  биогаз олиш учун тахминан 1,2 кг қуруқ биомасса керак бўлади.

Ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибаларнинг гувоҳлик беришича, биогаз қаерда ҳосил қилинган бўлса, ўша жойда қўлланилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки биогазни суюқликка айлантириш ёки уни

кatta босимлар остида қувурларда юбориш унинг таннархини ошишига сабабчи бўлади.

Украина газ илмий тадқиқот институтида яратилган метан газини метанолга айлантириш янги технологияси бир суткада 100 литрдан үнлаб тоннагача метанол олиш қурилмасини яратиш имконини беради. Қурилма метантанкасининг ҳажми  $2 \times 50 \text{ м}^3$  га teng бўлиб, уни 150 бош қорамолга мўлжалланган фермаларда қуриш мақсадга мувофиқдир. Бу қурилма ёрдамида фермани ва ферма атрофидаги аҳоли пунктини электр энергияси, иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлаш мумкин. Фермада йигиладиган чиқиндилардан 420 тонна биогумус олиш мумкин. Ажралиб чиқадиган метантаннинг миқдори 85 % ни ташкил этганда, 7 минг  $\text{м}^3$  биогаз ёки 55 минг літр метанол олиш мумкин. Қурилманинг нархи ачитиш камераси (реактори) нинг ҳажмига қараб, 20-50 минг АҚШ долларини ташкил этади ва сарфланадиган харажатлар бир йилда қопланиши мумкин.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, йирик биогаз қурилмаларини 500 дан 5 минг бош чорва молларига мўлжалланган фермаларда ва семиртириш базаларида қуриш яхши самара беради. Чунки, биринчидан, хом-ашё билан таъминлаш муаммоси ечилади, иккинчидан, ҳосил бўлган биогазни ёки метанолни маҳсус идишларга ва автомобилларга қуийш осон бўлади ва исрофгарчиликлар камаяди ва, энг муҳими, биоугитни гранулага айлантириш мумкин, яъни уни қадоқлаш ва ўлчаш осон бўлади. Даврий (узлукли) ишлайдиган биогаз-биогумус олиш технологиясини 50 минг дан 500 минг паррандага мўлжалланган комплексларда ва фермер хўжаликларида қуриш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қурилмалардаги реакторларнинг ҳажми  $3 \times 50 \text{ м}^3$  дан  $3 \times 200 \text{ м}^3$  гача бўлиши мумкин.

### 619. Биогаз ва биогумус олиш технологиясидан фойдаланиш қайси афзаликларга эга?

Биогаз ва биогумус олиш технологиясидан фойдаланиш қуйидаги афзаликларга эга.

**1.** Чорвачилик, паррандачилик ва чүчқачилик фермаларида йигиладиган кундалик чиқиндиларни қайта ишлеш үйли билан қулай физиологик ривожланиш шароитини яратиш мумкин ва ҳайвонларни кундалик оғирлигини **40 %** га ошириш мумкин.

**2.** Ишлов берилган суюқ ёки ярим куруқ гүнгдан суғориши пайтида фойдаланилганда, тупроқдаги говакликлар ёпилиб, тупроқ сингдирувчанлиги кескин камаяди. Сув таъсирида минерал моддаларнинг ювилиб кетишини олдини олиш мумкин бўлади, тупроқ эрозияси маълум даражада тұхтатилади ва минерал ўғитларни ўсимликлар томонидан ўзлаштирилиши яхшиланади.

**3.** Биогумус билан ишлов берилган ҳар 1 гектар ерда этиштириладиган полиз ва сабзавот маҳсулотлари унумдорлиги **3-4 маротаба** ошиши мумкин.

**4.** Гүнг таркибидаги озуқабоп моддалар (яъни, протеинлар, хужайралар ва бошқалар) тупроқнинг унумдор қатламини бойитади, чунки улар тупроқдаги микроорганизмлар учун ҳам яшаш жойи ва ҳам озуқа манбаи бўлиб хизмат қиласи. Микроорганизмлар нафакат тупроқда, балки тирик организмлар тарқалган атмосфера қобиғида, яъни биосферада глобал жараёнларнинг кечиши учун, модда ва Энергия алмашинувига ниҳоятда катта ҳисса қўшади.

**5.** Гүнг билан ишлов берилган ерлардан ўстириб олинган яшил ўсимликлар таркибида ҳўл протеиннинг миқдори ниҳоятда кўп (**1,5-2,0 %** атрофида) бўлади. Ерни сугорилгандан кейин, азот ва оқсилли азотнинг миқдори **1,5 бараваргача** ошади. Гүнг таркибидаги биоген моддалар минерал ўғитларни сарфлаш имконини яратади, тупроқнинг эрозияга учрашишини ва сизот сувларини ифлосланишини олди олинади.

**6.** Гүнг билан ишлов берилган ерни ўғитлаш тупроқнинг юмшайиб қолишига олиб келади. Бу эса ерларни ҳайдаш (култивация қилиш, шудгорлаш) учун ёнилғиларни тежашга имкон беради ва агрегатларни истеъмол қувватини қарийб **2 бараварга** камайтиради.

7. Тупроқ эрозияга учраганда, сув тупроқдаги энг керакли моддаларни – гумус (чиринди), минерал ва органик ўғитларни ювилиб кетишига сабабчи бўлади. Чириндилар билан ўғитланган ерларнинг шўрланиш даражаси пасайиб, қиш фаслида шўр ювиш ишлари кескин камайиши мумкин.

8. Қишлоқ хўжалиги соҳасида биогаз (метанол) қайта тикланувчи ёқилғи ҳисобланади. Биогаз ва биогумус олиш технологиясини амалда жорий этиш йўли билан бирданига катта иқтисодий даромад қилиш ниҳоятда қийинлигини унутмаслик керак. Аммо ер унумдорлигини ошириш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, арzon ва экологик хавфсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қулай ва арzon маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш ҳисобига, яъни чорвачилик ва паррандачилик чиқиндиларига қайта ишлов бериш ҳисобига маълум бир ҳудудни (масалан, алоҳида оиласларни ёки қишлоқни) электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини қондириш мумкин.

## 12.6. Биогаз ва биогумус ишлаб чиқариш технологиясининг келажакдаги истиқболлари (620-625)

**620. Чорвачилик, паррандачилик ва чўчқачилик фермер хўжаликларда йигиладиган чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан биогаз ва биогумус олишнинг қайси усуслари мавжуд?**

Жаҳон амалийтида чорвачилик, паррандачилик, чўчқачилик, уй-рӯзғор чиқиндиларига қайта ишлов бериш технологияси янги эмас. Ривожланган мамлакатлар (Голландия, Дания, Швеция, Олмония, АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлар) даги фермер хўжаликлири биогазга, биогумусга, электр ва иссиқлик энергиясига бўлган ўз эҳтиёжларини қулай ва арzon маҳаллий хомашёларга ишлов бериш йўли билан қондириб келяптилар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, биогаз қурилмасида метанли ачитиш йўли билан ишлов берилган гўнг таркибида,

яъни биомассада, 97 % гача азот сақланиши мумкин. Ҳолбуки, оддий түнг компости таркибида азотнинг миқдори 40-50% дан ошмайди.

Қуидаги 12.8 -жадвалда қишлоқ хўжалик чиқиндилиридан биогаз ва метан газининг ажралиб чиқиши миқдори кўрсатилган.

#### 12.8-жадвал

#### Қишлоқ хўжалик чиқиндилиридан ажралиб чиқадиган биогаз ва метан газининг миқдори

Органик моддалар	1 кг қуруқ моддадан чиқадиган биогазнинг миқдори, %	Мета газининг миқдори, %
Кўкатлар	0,63	70
Дараҳт барглари	0,21 - 0,29	59
Картошка пўстлоги	0,42	60
Буғдой сомони	0,34	58
Маккажў-хори пояси	0,42	53
Йирик шохли ҳайвонларнинг гўнги	0,2 - 0,3	60
Уй-рўзгор чиқиндилиари	0,6	60
Оқова сувларнинг қаттиқ қолдиқдари	0,57	70

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, гүнгни биогаз курилмаларида қайта ишлаганда (ачитганда), касаллик қўзғатувчи бактерия ва микроблар, ҳамда бегона ўтларнинг уруғи йўқ бўлади. Ажралиб чиқадиган биогаздан турли мақсадларда фойдаланиш мумкин (ундан электр энергияси ва иссиқлик энергияси олиш мумкин, метанол олиш мумкин).

Собиқ Шўролар даврида барча органик чиқиндилаарни ферментациялаш (бижгиш) жараёнида ажралиб чиқадиган биогазнинг йиллик энергия потенциали 33 млн тонна шартли ёқилғига тенг эди. Қиёслаш учун шуни эслатиб ўтиш керакки, 1 тонна шартли ёқилғи 250 литр бензинга тенг. Агар ҳозирги пайтда органик чиқиндилаарнинг атиги 25 % қайта ишланса, қарийб 8-10 млн тонна шартли ёқилғи суюқ ёки газ шаклида ажратиб олинади. Экологик самарадорлик эса 5 йил ичидаги сарфланган харажатлар хисобига 25 млрд рублни ташкил этиши мумкин, яъни 3-4 маротаба ошиши мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, агар йилига Ўзбекистоннинг йирик чорвачилик фермер хўжаликларида 19 млн  $m^3$  суюқ гўнг йиғилиб қолгудек бўлса, ундан 1900 млн  $m^3$  биогаз олиш мумкин. Бундан 5,7 млн  $m^3$  суюқ гўнг, 570 млн  $m^3$  биогаз ва 2,5 млн тонна органик ўғитлар Бухоро вилояти улушига тўғри келади.

Ҳозирги пайтда чорвачилик, паррандачилик ва чўчқачалик фермер хўжаликларда йиғиладиган чиқиндилаарни қайта ишлаш ва улардан биогаз ва биогумус олишнинг 4 та усуллари мавжуд.

1. Мезофил усули (режими).
2. Термофил усули.
3. Соф биологик усули.
4. Қўшма усул.

Жаҳон амалиётида чиқиндилаар таркибига биостимуляторлардан киритиб, 15-20 °C да мезофил режими (усули) да ачитиш (бижгиш) технологияси ниҳоят даражада ривожланган. Мезофил усули бу чиқиндилаарни паст ҳароратларда (15-20 °C да) ачитиш (бижгиш) усули бўлиб,

унда бижгиш технологик жараёнлари узлуксиз кечади. Бу усул чиқиндиларни йиғищдан тортиб, то биогаз ва биогумус олишгача бўлган барча жараёнлар автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган. Чиринди (гумус) суюқ ҳолатда қўлланилади ва биогазни ҳосил қилиниши анча самарали ҳисобланади.

Аммо бизнинг қуруқ ва иссиқ иқлим шароитимизда чиқиндилар таркибига биостимуляторлардан қўшиб, гўнгни мезофил усулида ачитиб, биогаз ва биогумус олиш уччалик самарали эмас, чунки бу усул қўшимча маблағларни сарфлашни тақозо этади. Масалан, микроорганизмларни ўстириш, сақлаб қолиш ва кўпайтириб турувчи узлуксиз ишлаб турадиган маҳсус биолабораторияларни қуришни талаб қиласди. Аммо шунга қарамасдан, мезофил усули термофил усулида ачитиши (бижгиш) жараёнларни тезроқ кечиши учун реакторнинг ички ҳарорати (чиқиндилар ҳарорати)  $50-55^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этиши керак, яъни қўшимча иссиқлик энергиядан сарфлашни талаб қиласди. Реакторни электр энергияси билан мезофил ҳароратигача иситиш учун унинг ҳар  $1\text{m}^3$  ҳажмига 330 Вт керак бўлади. Агар ёқилги нархининг кунсайин ортиб боришини инобатта олсак, термофил усули анча қимматга тушади. Агар Марказий Осиёнинг қуруқ ва иссиқ иқлимини, суви ва тупргининг хусусиятларини инобатта олсак, чиқиндиларни қайта ишлаш муаммосини Авруподаги замонавий янги техника ва технологияларни тақомиллаштирмасдан ва, энг муҳими, сув ва қўшимча микробиологик хизмат кўрсатишни йўлга қўймасдан туриб, ечиб бўлмайди. Агар мана шу чоратадбирларни амалга оширмоқчи бўлсак, унда фақатгина битта комплексни нархи 2,5-3,0 бараварга ошиб кетиши мумкин.

**621. Чиқиндилардан биогаз ва биогумус олишда техника хавфсизлиги талаблари нималардан иборат?**

1. Биогаз таркибида олтингутурт водород гази мавжудлиги туфайли биогаздан құпроқ нафас олганда захарланишга олиб келиши мүмкін.

2. Тозаланмаган биогаздан айнигтан тұхум ҳиди келиб туради, тозаланған биогаз эса ҳидсиз бұлади. Шунинг учун биогаз қурилмалари үрнатылған барча хоналар шамоллатиб туриши шарт.

3. Газ қувурларнинг герметиклиги (зичлантирилғанлиги) текширилиб турилади.

4. Совуннинг сувли эритмасидан фойдаланып, қувурлардан газ чиқиши ёки чиқмаслиги текширилиб турилади. Чиқадиган газни олов ёрдамида текшириш қатыяның ман этилади.

5. Биогаз ҳаво қоришина билан 5 % дан 15 % гача таносубда ҳарорати 600 °С ва ундан юқори бұлған үт олиш манбаи мавжуд бұлғанда, портлашта олиб келиши мүмкін.

6. Ҳаво таркибида биогазнинг концентрациясы 12 % дан юқори бұлғанда, очиқ олов ниҳоятда хавфлидер. Шунинг учун қурилма олдида сигарет чекиши ва олов ёндириш қатыяның ман этилади.

7. Пайвандлаш ишлари олиб борилғанда, биогаз қурилмасигача бұлған масофа 10 метрдан катта бұлиши керак.

8. Қурилмадан биогумус туширилғанда, реакторни шамоллатиши керак, чунки биогаз ва ҳаво қоришина портланиши мүмкін.

9. Газопровод орқали узатыладиган газнинг босими 0,15МПа (1,5 кгс/см<sup>2</sup>) дан ошмаслиги керак, уй-рұзғор қурилмалари олдида эса 0,13 кг/см<sup>2</sup>дан кам бұлмаслиги керак.

10. Керакли пайтларда реакторни магистрал биогаз газопроводидан ажратып қўйиш учун у задвижкалар, гидрозатворлар билан таъминланған бұлиши керак.

**11.** Газ системасида босим ошиб кетган пайтларда реактор уни пасайтирувчи автоматик клапанлар билан таъминланган бўлиши керак.

**12.** Барча электр қурилмалари Ерга уланган бўлиши шарт. Ерга уланувчи ўтказгичнинг қаршилиги **4 Ом** дан катта бўлмаслиги керак.

**13.** Биогаз қурилмалари олдида овқатланмаслик керак, чунки суюқ гўнга ва гўнг оқовалари таркибида гелминтлар, бактериялар, ошқазон таёқчаси ва бошқа патоген микрофлоралар мавжуд. Шунинг учун уларнинг салбий таъсиридан муҳофазаланиш лозим.

**14.** Биогаз қурилмалари билан ишлаш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш талаблари юкори босим остида ишлайдиган сифимларнинг хавфсиз ишлатиш, уларга хизмат кўратиш ва уларнинг ўрнатиш қоидаларига тўлиқ мос келиши керак.

**15.** Биогаз қурилмалари билан ишлайдиганларнинг ёши **18 дан кичик бўлмаслиги керак** ва уларнинг бу қурилмалар билан ишлашга рухсатномалари бўлиши керак.

## **622. Биогаздан қаерларда фойдаланиш мумкин?**

Шуни унумаслик керакки, биогаз қурилмаларида органик чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнида **2 та асосий маҳсулот** олинади: биогаз ва ачиған, қишлоқ хўжалигига, саноатда ва уй-рўзгорда қўлланиладиган биомасса.

Биогазни асосий фойдаланиш усули уни иссиқлик, механик ва электрик энергиялари манбаига айлантириш ҳисобланади. Биогаз билан газёндирувчи қурилмалар ишлаши мумкин. Улардан олинадиган энергиядан иситиш системасига, ёритища, ем-хашак тайёрловчи цехларда, сув иситгичларда, газ плиталарида, инфрақизил нурлантирувчиларда ва ички ёнув двигателларда қўлланилиши мумкин.

Бошқа газларга нисбатан биогазнинг ёниши учун кам ҳаво сарфланади. Масалан, **1 литр пропан газининг ёниши учун 23,8 литр ҳаво** керак бўлса, **1 литр бутан газининг**

ёниши учун 30,9 литр ҳаво керак бўлади. 1 литр биогазнинг ёниши учун эса 5,7 литр ҳаво керак бўлади. Бундан ташқари, бутан ва пропан газларининг иссиқлик ҳосил қилиш қобилияtlари биогазга нисбатан **3 маротаба юқори бўлиб, 2 карра кўпроқ** аланга беради.

Биогаз горелкалари соатига **0,2-0,45 м<sup>3</sup>** биогаздан истеъмол қиласа, саноатда ишлатиладиган горелкалар соатига **1-3 м<sup>3</sup>** биогаз истеъмол қиласди. Биогаздан автомобил двигателлари учун ёқилғи сифатида қўлланилиши мумкин. Аммо унинг самарадорлиги биогаз таркибида мавжуд бўлган метан ва қўшилмаларга боғлиқ бўлади. Метан билан карбюраторли ва дизелли двигателлар ишлаши мумкин. Биогаз юқори октанли ёқилғи саналиши туфайли ундан дизелли двигателларда ёқилғи сифатида қўллаш самарали ҳисобланади. Биогаздан электр энергияси ишлаб чиқариш учун ундан биогазгенераторларда қўлланилади (ёндирилади). **1 м<sup>3</sup>** биогазни ёндириб, ундан **1,6 кВт** дан **2,3 кВт** гача электр энергияси олиш мумкин.

Биогаздан ёқилғи сифатида ички ёнув двигателларида қўллаш учун уни, даставвал, сувдан, олтингугурт водород газидан ва углекислотадан тозалаш керак бўлади. Одатда, **биогаз намлик билан тўйинган бўлади**. Биогазни намлиқдан тозалаш учун у совутилади. Бунинг учун паст ҳароратларда намлиқни конденсациялаш учун биогаз ер ости қувурлари орқали ўтказилади. Биогазни бундай тозалаш қуруқ газ ҳисоблагичлар учун фойдалидир, чунки вақт ўтиши билан улар намлик билан тўлиб қолишлари мумкин.

Биогаздаги олтингугурт водород сув билан реакцияга киришиб, металларни емирувчи кислота ҳосил қиласди. Бу эса биогаздан иситгичларда ва двигателларда қўллаш учун тусик бўлади.

Газ плиталарида биогаздан қўллаганда, самарадорлик **55 %** ни, ички ёнув двигателларида қўлланилганда эса, **24 %** ни ташкил этади. Биогазда ҳам иссиқлик ва ҳам энергия сифатида қўлланилганда, **88 %** самарадорликка эришиш мумкин.

## 623. Биоўғитнинг гүнгга нисбатан асосий афзаллиги нимада?

Биогаз қурилмаларида қайта ишланган органик чиқиндилар биомассага айланади. Унинг таркибида озуқа моддалари мавжуд бўлиб, улардан биоўғит ва қўшимча озуқа сифатида фойдаланиш мумкин.

Бижгиш жараёнида ҳосил бўладиган чиринди (гумус) материаллари тупроқнинг физик хоссаларини яхшилайди, минерал моддалар эса тупроқ микроорганизмлари учун энергия манбаи ва озуқа бўла олади ва ўсимликлар озуқа моддаларини кўпроқ ўзлаштиришларига катта ёрдам беради.

Биоўғитнинг асосий афзаллиги шундаки, дастлабки хомашё таркибида мавжуд бўлган азотни ва бошқа осон ўзлаштирувчи озуқа моддаларини сақлайди. Энг муҳими, биоўғитнинг гүнгга нисбатан афзаллиги-биогаз қурилмаларида гүнгни бижгиш жараёнида гелминтлар уругининг кўпгина қисми, патоген микроорганизмлар ва уруғлар нобуд бўлади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, гүнгни анаэроб бижгиш жараёнида ҳосил бўладиган биоўғитда протеинлар, целялюзоза, лигнин ва бошқа моддалар ўрнини боса оладиган бошқа кимёвий ўриндошлар йўқ. Органик моддалар микроорганизмларнинг ривожланиши учун база ҳисобланади. Улар озуқа моддаларини ўсимликлар осон ўзлаштириб олишлари учун қулай формага айлантириб берадилар. Биогазни олtingугурт водороддан тозалашнинг энг оддий ва иқтисодий самарали усули – маҳсус филтрда қуруқ тозалаш усули ҳисобланади. Абсорбер сифатида темир оксиди ва дарахт қириндилари қоришмасидан таркиб топган металл “губка” дан қўлланилади. Ҳажми  $0,035\text{ m}^3$  ни ташкил этадиган металл губка ёрдамида биогаздан  $3,7\text{ кг}$  олtingугуртни ажратиб олиш мумкин. Агар биогаз таркибида олtingугурт водороднинг микдори  $0,2\%$  ни ташкил этса, металл губканинг ушбу ҳажми билан  $2500\text{ m}^3$  газни олtingугурт водороддан ажратиб олиш мумкин. Губкани регенерация қилиш учун (яъни, унинг дастлабки хоссаларини қайта тиклаш учун) уни бир неча соат ҳавода сақлаш

**етарли.** Рух оксиidi ҳам олтингугурт водород учун самарали абсорбер ҳисобланishi мумкин: унинг яна бир афзаллиги шундаки, у олтингугуртнинг органик бирикмаларини (карбонилни, меркаптанни ва бошқаларни) абсорбцияланиши мумкин.

Углекислотани оҳак сутида шимдириб олиш йўли билан унинг миқдорини камайтириш мумкин. Бунда катта ҳажмларда оҳак йигилиб қолади. Углекислота ниҳоятда қимматли хом-ашё ҳисобланади ва ундан турли ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш мумкин. Аммо биоўғит таркибида унинг миқдорини камайтириш ниҳоятда қимматга тушади.

Биогаз қурилмаларида метан газидан бўёвчи модда ва резина саноати учун хом-ашё сифатида қора куя, ацетилен, формалдегид, метил ва этил спиртлари, метилен, хлороформ, бензол ва бошқа қимматбаҳо кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Қора куя (сажа) эса пластмасса ва резина учун бўятгич ва тўлдиргич ҳисобланади.

#### **624. Биоўғитлар таркибида неча фоиз гумин кислоталари мавжуд бўлиши мумкин?**

#### **625. Гумин кислоталарининг аҳамияти нимада?**

Биоўғитлар таркибида мавжуд бўлган ниҳоятда муҳим органик моддалардан бири-гумин кислоталари ҳисобланади. Улар ташки муҳит шароити (қурғоқчиликка, юқори ва паст ҳароратларга, заҳарли моддалар (пестицидларга, гербицидларга, оғир металларга, радиацияга) ўсимликларнинг қаршилигини оширувчи моддалар саналади. Гумин кислоталари ўсимликларнинг тезроқ ўсишига ва ривожланишига, вегетацион даврнинг камайтиришга, маҳсулотларни тезроқ (8-10 кунда) пишиб етилишига, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини ошишига катта ёрдам беради. Биоўғитлар таркибида 13% дан 28 % гача гумин кислоталари мавжуд бўлиши мумкин. Уларнинг миқдори хом-ашёни бижғиш ҳароратига боғлиқ бўлади.

### **XIII - БОБ. Ўзбекистон Республикасининг қайта тикланадиган энергиялар потенциали**

#### **13.1. Ўзбекистон Республикасида Қуёш энергияси потенциали (626-628)**

**626. Республикаизда қайта тикланадиган энергиялар заҳирасининг умумий миқдори неча млн шартли ёқилгини ташкил этади ва ундан неча фоизи ўзлаштириляпти?**

**627. Бир тонна шартли ёқилги деб нимага айтилади?**

**628. Нима учун кремнийни “ХХI асрнинг нефти” деб таърифлайдилар?**

Республикаизда қайта тикланадиган энергиялар заҳираси ниҳоятда катта. Қайта тикланадиган энергия ресурслари (гидроресурслар, Қуёш, шамол, геотермал ва биомасса) нинг умумий миқдори 168787 млн тонна шартли ёқилгини ташкил этади. Шундан 256 млн тонна шартли ёқилги иқтисодий рентабелли бўлиб, ҳозирги пайтда уни 0,31 % и ўзлаштирилади. Қуйидаги 13.1 - жадвалда Ўзбекистон Республикасининг йиллик қайта тикланадиган энергия заҳиралари млн тонна шартли ёқилги ҳисобида келтирилган.

### 13.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг йиллик қайта тикланадиган энергия заҳиралари (млн тонна шартли ёқилғи ҳисобида)

Потенциал	Ҳаммаси	Сув энергияси	Қуёш энергияси	Шамол энергияси	Геотермал ва петротермал энергия	Биомасса энергияси
Ялпи потенциал	168787	13,14	72789	3,14	96000	3,28
Техник потенциал	256	2,6	252,5	0,57	0	0,43
Ўзлаштиргани	0,85	0,85	0	0	0	0
Техник потенциалдан ўзлаштирган энергия, %	0,43	33,3	0	0	0	0

Жадвалдаги рақамлардан маълумки, Қуёш энергиясининг ялпи потенциали 72879 млн тонна шартли ёқилғига тенг экан. Республикаизнинг ҳар 1 м<sup>2</sup> майдонига келиб тушадиган Қуёш энергияси 1500-1900 кВт•соат ни ташкил этади. Бу 0,22 шартли ёқилғига тенгdir. Агар Республикаизда йилига 300 кун қўёшли кунлар бўлишини инобатга олсак, унда бу ниҳоятда катта заҳира ҳисобланади.

Шу ўринда бир нарсани эслатиб утиш керак: 1 тонна шартли ёқилғи деганда, ёқилғи таркибида заҳираланган энергия миқдорининг шартли ўлчов бирлиги тушунилади.

$$1 \text{ тонна шартли ёқилғи} = 7 \cdot 10^6 \text{ ккал} = 29,31 \cdot 10^9 \text{ Ж} = \\ = 8,141 \cdot 10^3 \text{ кВт} \cdot \text{соат} = 8141 \text{ кВт} \cdot \text{соат}.$$

Ерга келиб тушаётган Қуёш энергиясининг миқдори дунёда ишлаб чиқарилаётган энергиялардан қарийб 20 минг

**маротаба** каттадир. Аммо Қуёш нурлари оқимининг зичлиги кичик бўлиб, у ҳама вақт ёйилиб кетади. Бу энергияни бир жойда тұплаш эса катта маблағни талаб этади.

Ҳозирги пайтда Қуёш энергияси потенциали кичик (**ҳарорати 100 °С тача**) иссиқликка айлантирилмоқда. Бу энергиядан иситиш мақсадида, иссиқ сув таъминотида ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қуритиш мақсадларида қўлланилиб келиняпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қуёш қурилмалари коллекторларининг фойдали иш коэффициенти 50 % атрофида бўлиб, уларнинг  $1 \text{ м}^2$  юзаси  $40\text{-}45^{\circ}$  кенглиқда йилига 0,1 тонна шартли ёқилғига тенг бўлган иссиқлик бериши мумкин. (Эслатиб қўйиш керакки, 1 тонна шартли ёқилғи 250 л бензинга тенг!).

Марказий Осиё, Қозогистон, Украина, Кавказ, Россиянинг жанубий шаҳарлари, Байкалорти ва Узоқ Шарқдаги алоҳида ҳудудлар Қуёш энергиясини узлаштиришда энг қулай минтақалар ҳисобланади. Бу шаҳарларда қуёшли кунлар йилига 2200 соатдан 3000 соатгача бўлиши мумкин. Бу вақт давомида ҳар  $1 \text{ м}^2$  га Қуёш энергиясининг оқими 1200 кВт•соатдан 1700 кВт•соатгача энергия бериши мумкин. Бир жойда йифилган Қуёш энергиясидан иситиш системасида, ер бағридан сув чиқаришда, сувни чучуклаштиришда, уйларни иссиқлик билан иситишда, чигитни ўстиришда, озуқа тайёрлашда, металлургия соҳасида эса металларни суюқлантиришда кенг фойдаланиб келинмоқда. Тошкент вилоятида “Қуёш илмий-ишлаб чиқариш металлургик комплекси” ишлаб турибди. Бундай комплекс Туркманистанда ҳам яратилган. У 62 гелиостатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири юзаси  $50 \text{ м}^2$  га тенг бўлган ойна қайтаргичлар билан жиҳозланган. Бу ойналар Қуёшга түғрилаб қўйилади. Уларнинг айланиш

тезлиги ва маълум бурчакка бурилиши автоматлаштирилганини туфайли қўёшли ўчоқларнинг ўртача ишлаш давомийлиги 8 соатга тенг, ёз пайтларида эса 10 соатгача этади. Бундай ўчоқларда ниҳоятда тоза оташбардор материаллар суюқлантирилади. Металл қотишмаларининг тозалик даражаси вергулдан кейин **6 та сонни** ташкил этади. Бундан ташқари, Қуёш энергиясидан комплексда ишлайдиган ходимларнинг турар жойлари иситилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, фотоэнергостанцияларда ҳосил қилинадиган энергиядан фойдаланиб, 300 м чуқурлиқдан сув чиқариляпти. Соатига 1 тонна сув чиқариш имконияти мавжуд. Ушбу технологик система берк ва экологик тоза ҳисобланади. Оқова сувларни тозалаш учун маҳсус қурилмалар яратиляпти.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Қуёш энергиясини электр энергиясига айлантириш самарадорлигининг пастлиги ва қурилмаларнинг қимматлиги улардан янада кенгрөқ фойдаланишга тусиқ бўляпти. Америкадаги “Арко солар” фирмаси сирти  $0,1 \text{ м}^2$  ни ташкил этадиган элементлар яратди ва улар Қуёш нурининг **11,2 %** электр энергиясига айлантириш қобилиятига эга. Олдинги моделларда эса бу курсаткич **8 %** ни ташкил этарди. Янги ишлаб чиқарилган Қуёш батареяси **5 қават** қилиб ясалган: мис билан индий диселениди ва кадмий ҳамда галлий сулфиди билан қопланган.

Аврупода биринчи бўлиб саноат микёсида Қуёш электр станцияси Австрияning Алтаусзе кулида қуриб фойдаланишга топширилган. Унинг қуввати **37 минг кВт•соатни** ташкил этган эди. Бу станциянинг афзаллиги шундаки, иссиқлик электр энергиясига айлантирилмайди, балки бевосита Қуёш нурлари энергияси электр энергиясига айлантирилади. Қуввати **1000 кВт•соат** ни ташкил этган Қуёш электр станцияси Япониянинг Сайдзе шаҳрида

қурилган. Ҳозирги пайтда фазодаги гелиостанциялар ёрдамида Қүёш нурлари энергиясига электр энергиясига айлантирилиб, Ерга узатыляпты.

Ҳозирги пайтда Республика мизда Қүёш энергиясидан самарали фойдаланиш муаммосини ечиш мақсадида бир қатор ташкилий ва амалий ишлар амалга ошириляпты. Самарқанд вилояти фермер хўжаликларида Қүёш фотоэлектрик системалари ўрнатилди. Қарақалпогистоннинг айрим туманларида сувни тузсизлантириш мақсадида Қүёш ва шамол энергияси билан ишлайдиган гибрид қурилмалар ўрнатилиши назарда тутилган. Тажриба сифатида Тошкент шаҳрида кўп қаватли турар жойларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида Қүёш энергиясидан фойдаланиш режалаштирилган. “Водник” массивида иссиқлик маркази Қүёш нурлари билан сувни иситиш учун иситкичлар билан таъминланган. Бунинг учун керакли жиҳозлар ООО “Фотон” да ишлаб чиқарилади.

Серқуёш ўлкамизда қайта тикланувчи энергия ресурслари тақсимотини инобатга олиб, Қүёш энергетикасини ривожлантириш катта иқтисодий-ижтимоий ҳамда экологик аҳамиятга эга. Чунки ер юзасига келиб тушувчи Қүёш радиацияси қуввати  $1,2 \cdot 10^{14}$  кВт ни ташкил этади. Ҳар 1 м<sup>2</sup> юзага ўртача 900 Вт Қүёш радиацияси тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қүёш энергетикасининг барқарор ривожланиши, уз навбатида, унинг асосий иш материали-кремнийга боғлиқdir. Чунки Қүёш энергиясини электр энергиясига айлантирувчи фотоэлементларнинг 90 % кремний пластиналари асосида тайёрланади. Табиатда эса кремний тоза шаклда учрамайди. Уни саноатда кварц тошлардан ажратиб олинади. Электр энергетика ва электроника соҳаларида қўлланиладиган кремний нийҳоятда тоза бўлиши керак. Масалан, Қүёш

энергетикаси учун кремний тозалиги 7N (99,99999 %), электроника учун 9N (99,9999999 %) ташкил этиши лозим.

Агар 1 кг кремний 30 йилда 300 МВт•соат электр энергияси берса, унинг нефт эквивалентини ҳисоблаб чиқиши кийин эмас. Нефтнинг ёниш иссиқлиги 43,7 МЖ/кг га тенглигини инобатга олсак, 25 тонна нефт 1кг кремнийга тўғри келади. Мазут билан ишлайдиган иссиқлик электр станциясининг фойдали иш коэффициентини 33 % га тенг деб қабул қиласак, унда 1 кг кремний ишлаб чиқариладиган энергия 75 тонна нефтга тенг бўлади. Шунинг учун кремнийни “XXI аср нефти!” дейилади.

### **13.2. Ўзбекистон Республикасида шамол энергияси потенциали (629 - 631)**

**629. Қачондан буён шамол энергиясидан фойдаланиш муаммоси билан шуғулланиб келинади?**

**630. Рус ихтирочиси А.Г.Уфимцев ихтиро этган шамол станцияси қандай ишлаган?**

**631. Шамол энергия станцияларидан қачон самарали фойдаланиш мумкин?**

Шамол энергияси ҳам Күёш энергиясига ўхшаб экологик тоза энергия манбаи ҳисобланади. Шамол электр энергиясини олиш учун кўмир, нефт, газ каби табиий ёқилиғиларни ёндириш, радиоактив элементлардан (масалан, уран, плутоний ва бошқалардан) фойдаланиш ёки сув тўғонларини қуриш талаб этилмайди.

Шамол энергияси чекланмаган миқдорда қўллашга қулай, чунки Ер юзи ҳамма вақт шамол океани таъсиридадир.

Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, шамол энергиясидан фойдаланиш муаммоси янги эмас. Шамол тегирмонлари XII асрдан буён қўлланиб келинади. Масалан, 1889 йили Нижегород ярмаркасида қуввати 5 от кучига тенг бўлган 2 та саноат машинаси намойиш этилган эди. Уша пайтларда Россияда 250 минг дона шамол тегирмонлари булиб, улар ёрдамида 3,5 млрд пуд буғдой янчилган. Эслатиб ўтиш керакки, 1 от кучи 1 Вт га, 1 пуд буғдой эса 16 кг га тенгдир!

XX асрнинг 30-йилларида биринчи маротаба рус ихтирочиси А.Г.Уфимцев шамол станциясини ихтиро қилган эди. Бу станция шамол бўлмаган пайтларда ҳам инерцион аккумулятор, яъни маҳовик (вазмин яхлит ғиддирак) ёрдамида электр энергия берган эди. Шамол эстган пайтларда эса маҳовик нафақат генераторни, балки шамол маҳовикни ҳам айлантиради. Шамол бўлмаган пайтларда ушбу маҳовик ўз инерцияси билан айланиб, генераторни айлантиради. Ушбу станция Уфимцевнинг Курск шаҳридаги икки қаватли уйининг ертуласидаги курилмаларни (станокларни) ва ҳатто Семёновский кӯчасидаги биноларни ёритган эди. Баландлиги 40 метрни ташкил этган ушбу станция хозир ҳам Курск шаҳридаги музейда сақланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шамол агрегатини куриш ниҳоятда мураккаб ишдир. Аммо шамол юритмали иссиқлик берувчи машинани (яъни, Жоул машинасини) қуриш анча осонроқдир. У электр энергиясини эмас, балки иссиқлик энергиясини беради. Шамол таъсирида айланадиган ғиддиракни тунукадан, ёғочдан, пластмассадан, темирдан, текстолитдан ёки бошқа материалдан ясаш мумкин. Ғиддирак шамол таъсирида горизонтал текислик бўйлаб айланади. Ғиддиракнинг диаметри 3 метр булиб, унинг ярми қопламаланади (ёпилади). Бундан асосий мақсад – шамол ғиддиракнинг бир қисмига таъсир этишини

таъминлашдан иборат. Акс ҳолда у айланмай қолади. Фидирекни шамолга қараб айланиши учун қопламага флюгер ўрнатилади. Парракларнинг бурчаклари пайвандланади. Фидирек томда металдан ёки ёгочдан ясалган шестга ўрнатилади. Шестнинг пастки қисми эса сув билан тўлдирилган бочкага киради. Бочка деворларида тўсиқлар мавжуд булиб, парраклар шестга пайвандланади. Ҳаракатланувчи парраклар ва тўсиқлар ўртасида кичик тирқишчалар бўлади. Қурилманинг вали генераторни айлантиради. Натижада **сигими 250** литр бочкадаги сув қайнаб, буғга айланади ва у қувурлар ёрдамида уйга узатилади. Мана шу йўл билан уй иситилади.

Маълумки, битта оила 1 суткада 3 кВт•соат энергияни, ёки ўртacha 100 Вт дан кўпроқ қувватни истеъмол қилиши мумкин. Агар қуввати 500 кВт га teng бўлган шамол агрегати ҳатто 50 % га юкланган бўлса, у 25 минг квартирага эга бўлган кичик бир шаҳрчани энергия билан таъминлай олади. Агар шамолнинг ўртacha **йиллик тезлиги 4 м/с** га teng бўлса, алоҳида уйларни ёки битта қишлоқни энергия билан таъминлаш учун шамол агрегатидан фойдаланилса бўлади. Агар шамолнинг тезлиги **6 м/с** дан ошса, унда шамол энергия станцияларини қуриш мумкин ва уларни мамлакат энергетика тармоқларига улаш мумкин.

Шамол энергетикасини шундай жойларда ёки минтақаларда ривожлантириш керакки, у ерларда электр таъминотида узилишлар булиб туради, электр энергиясини узатиш линиялари тармоқланган ва **шамолнинг тезлиги 20** км/соат ёки **5,6 м/с** дан катта бўлсин.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, Республикаизда шамол энергияси потенциали мавжуд (**13.2 - жадвал**).

### 13.2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида шамол энергиясининг  
техник потенциали (минг тонна шартли ёқилғи  
хисобида).**

Вилоятлар	Инобатга олинган майдон, км <sup>2</sup>	Шамол энергетик қурилмалари, дона	Ресурс
Қорақалпоғистон	824,5	27482	268,9
Андижон	21	700	1,28
Бухоро	197	6595	60,7
Жиззах	102,5	3413	13,3
Қашқадарё	142	4728	27,7
Навоий	554	6555	178,2
Наманган	39,5	1316	3,99
Самарқанд	82	2732	17,0
Сурхондарё	104	3463	11,42
Сирдарё	25,5	685	3,85
Тошкент	78	2344	13,14
Фарғона	35,5	1182	2,85
Хоразм	31,5	1048	6,99
Республика бўйича	2237	72213	609,6

Орололди, Тошкент вилоятида ва тогли ҳудудларда шамолнинг ўртача тезлиги 5 м/с дан кам эмас. Навоий, Тошкент, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари шамол энергиясидан фойдаланиш имкониятига эга, чунки бу минтақаларда шамолнинг ўртача суткалик тезлиги 2,5 м/с дан 5 м/с гача этиши мумкин. Шамол энергиясидан самарали фойдаланишининг шарти бор: шамолнинг ўртача суткалик тезлиги 4 м/с дан кичик бўлмаслиги керак. Шамол қурилмаларининг қуввати эса шамол тезлигининг кубига тўғри пропорционалдир. Масалан, шамолнинг тезлиги 2 м/с га teng бўлганда, қурилманинг қуввати 8 га teng бўлади, аммо унинг тезлиги 5 м/с га тенглашганда, қурилманинг қуввати

125 га тенг бўлади. Демак, шамол тезлиги қанчалик катта бўлса, шамол қурилмасининг қуввати ҳам куб даражасида ошиб боради. Бундан келиб чиқадиган асосий холоса шуки, шамол қурилмаларини шундай жойларда қуриш керакки, шамолнинг ўртача тезлиги 4-5 м/с дан катта бўлсин. Қурилманинг қуввати 100-500 кВт атрофида бўлса, унинг иш самарадорлиги ошади.

ХХ асрнинг 70-йилларида жаҳонда юз берган нефт инқирози шамол энергиясидан электр энергия олиш муаммосини юзага чиқарди. 80-йилларга келиб, дунёда шамол электр қурилмаларидан фойдаланиш ишлари бошлаб юборилди. Олинган 1 кВт•соат энергиянинг нархи 30 сентни ташкил этган, яъни анъанавий энергия манбалари (нефт, газ, кўмир) дан олинадиган энергиянинг нархидан анча қиммат эди. Кейинчалик энергия тармоғига уланган қурилмалардан олинган энергиянинг нархи 6 марта пасайган. 1996 йилда электр энергиянинг нархи 4,5 сент/кВт•соат дан камроқ бўлган ва анъанавий ёқилгилардан олинган энергия нархига тенг бўлган. Ҳозирги пайтда Данияда кўмир билан ишлайдиган электр станцияларда олинган энергиянинг нархига нисбатан шамол энергиясининг нархи пастроқдир. Охирги 20 йил давомида энергетик тармоқларига уланган шамол электр станцияларининг ўрнатилган қувватининг нархи 4000 долл/кВт дан 1000 долл/кВт гача, яъни 4 маротаба камайган.

2002 иили Аврупо шамол энергетикаси рекорд ўрнатди-Аврупо Иттифоқига киравчи мамлакатларда умумий қуввати 5871 МВт га тенг шамол электр қурилмалари ишга туширилди. Бу рақам 2001 йилдаги кўрсаткич (4493 МВт) дан 31 % га кўпдир. Ўша пайтларда Аврупо шамол энергетикасига киритилган инвестициялар 5,8 млрд евро ни ташкил этган. 2003 йилга келиб, дунёда шамол

энергетикасининг умумий қуввати 39,357 МВт ни ташкил этган, шу жумладан Аврупода 21,319 МВт ни ташкил этган. Шундан 14,609 МВт-об-ҳаво шароити шамол қурилмалари учун номувофиқ ҳисобланган Олмонияга, 62,022 МВт-Испанияга ва 6374 МВт-Хиндустанга тұғри келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ҳозирги пайтда Олмонияда 13759 дан ортиқ шамол энергетик қурилмалари мавжуд булиб, улар электр тармоғига уланган. Улар **йилига үртача 23,1 млрд кВт·соат** электр энергиясини беряпти. Бу эса мамлакатда истемол қилинадиган электр энергиясининг 4,7 % ни ташкил этади. Йирик шамол энергетик потенциалига АҚШ (734 ГВт), Хитой (250-300 ГВт) ва Хиндустан (20 ГВт) ега.

Шамол энергиясидан фойдаланиш буйича Олмония, Испания ва Дания етакчи уринларни эгаллаб келяптилар.Данияда 2002 йилда шамол энергетик қурилмаларининг қуввати 497 МВт га күпайған. Шимолий денгизда дунёда йирик шамол электр станцияси қурилди.Унинг қуввати 160 МВт ни ташкил этади. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқарылған энергиянинг қарийб 20 % ни шамол қурилмалари беряпти.

Фақатгина 2003 йилда Аврупо Иттифоқига киравчи мамлакатларда ишлатыладиган шамол энергетик қурилмаларининг умумий үрнатылған қуввати 23056 МВт ни ташкил этган ва 33 % га үсган. Үшбу қурилмаларда ишлаб чиқарылған электр энергияси 20 млн шартли ёқилгига teng.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, Аврупо Иттифоқида шамол энергетикасининг ривожланиб боришига **2 та омил** сабабчи бұлған.

1. Қайта тикланадиган энергетиканы ривожлантиришга доир миллий қонунларни қабул қилиниши.

2. Қабул қилинган қарор ва қонунларнинг бажарилишини назорат қилиб бориш ҳамда ҳукумат томонидан қўллаб қувватланиши.

Олмония ва Данияда тўпланган тажрибалардан фойдаланиб бундай қонунлар Испанияда, Францияда ва Италияда қабул қилинди ва уларда қайта тикланадиган энергетикага бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига сабабчи бўлди.

Буюк Британияда шамол энергетикаси ниҳоятда тез ривожланиб бормоқда. 2005 йилда шамол энергетик қурилмаларининг умумий қуввати 2000 МВт га етган. Шамол энергияси ҳисобига 5,7 млрд кВт•соат га яқин электр энергияси ишлаб чиқарилган. Бу эса электр энергия истеъмол қилишни 1,6 % ни ташкил этади. Яқин 10 йил ичida бу кўрсаткич 15 % га ошириш назарда тутилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, дунёда энг йирик шамол электр станцияси Шотландияда қурилмоқда. Унинг қуввати 600 МВт ни ташкил этади. Бу станция 300 та турбинали қурилмалардан таркиб топган булиб, ҳар бирининг қуввати 2 МВт ни ташкил этади. Бу Буюк Британиянинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини 1 % ни ташкил этади.

**АҚШ** нинг Массачусетс штатида қуввати 420 МВт ни ташкил этадиган шамол электр станцияси қурилмоқда. 27  $\text{км}^2$  майдонда 170 та шамол энергетик қурилмалари ўрнатилади. У АҚШ да энг йирик станция саналади.

Канаданинг Тинч океани шелфида қуввати 700 МВт ташкил этадиган шамол электр станцияси қурилиши режалаштирилган.

Хозирги пайтда шамол энергетик қурилмаларининг умумий қуввати бўйича **Ҳиндистон** дунёда 5-йиринни эгаллаб келяпти. Ҳиндистонда энергия элтувчилар заҳирасининг чекланганлиги туфайли шамол энергетикаси

билан шугулланишга кириши. Шамол энергетик қурилмаларидан олинган энергия анъанавий хом-ашёлар (кўмир, мазут ва табиий газ) дан олинадиган энергияга нисбатан анча арzonга тушяпти.

Хитойда қисқа вақт давомида шамол энергетик қурилмаларининг ўрнатилган қуввати ошиб, 600 МВт ни ташкил этди. Яқин 10-15 йил ичидаги Хитой шамол энергетикасидан фойдаланиш бўйича дунёда этакчи ўринни эгаллаши башорат қилинмоқда.

**Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДХ)** да ҳам шамол энергетикаси ривожланиб бормоқда. Бу йўналишда Шарқий Аврупо мамлакатлари орасида Украина этакчилик қилиб келмоқда. Украина шамол электр қурилмаларининг умумий қуввати қарийб 40 МВт ни ташкил этмоқда. Украина шамол қуввати 100 кВт ни ташкил этадиган шамол энергетик қурилмаларни кенг миқёсда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Яқин келажақда қуввати 600-1000 кВт ни ташкил этадиган шамол энергетик қурилмалар ишлаб чиқариш назарда тутилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидаш керакки, шамол энергетик қурилмалари катта майдонларни эгаллайди ва шовқин чиқаради. Уйларда шовқинни қуий критик даражасидан 40-45 дБ га камайтириш учун улар уйлардан камига 200 м масофада ўрнатилиши лозим. Масалан, қуввати 500 МВт шамол электр станцияси қуввати 500 кВт 100 та шамол қурилмасининг жойлаштириш максимал майдони қарийб 12 км<sup>2</sup>, жойлаштиришнинг солиштирма майдони 260 м<sup>2</sup>/кВт ни ташкил этади.

Экологик нуқтаи назардан олиб қараганда, шамол энергетик қурилмаларида олинадиган 1 кВт•соат электр энергияси углерод қўш оксиди газининг солиштирма эмиссияси (ажралиб чиқиши) ни 860 г га камайтиради.

2007 йилда дунёда қайта ишга тушириладиган шамол энергетик қурилмаларининг 24 % қуввати 1 МВт ортиқ агрегатларга түгри келади. Агар 2003 йилда дунёда ушбу қурилмаларнинг умумий электр қуввати 39,1 ГВт ни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб, бу кўрсаткич 110,1 ГВт гача ошиди.

2003 йилда қуввати 8,9 ГВт ни ташкил этадиган янги мэгаватти қурилмалар ишга туширилган бўлса, 2007 йили қуввати 25,1 ГВт ни ташкил этган янги ўта кучли шамол генераторларининг ишга туширилиши ниҳоятда катта ютуқ бўлди. Ҳозирги пайтда қуввати 1 МВт дан юқори шамол энергетик қурилмалари Данияда, Олмонияда, Ҳиндустонда, Италияда, Испанияда, Японияда ва АҚШ да ишлаб чиқарилмоқда. Ҳалқаро энергетика агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда, 2010 йили шамол энергетик қурилмаларининг ўрнатилган қуввати 10 маротаба ошиб, 181000 МВт ни ташкил этган. 2020 йилга бориб, бу кўрсаткич 1,2 МВт ни ташкил этиши башорат қилинмоқда. Бу энергияга бўлган эҳтиёжни 10,5 % га таъминлаш имконини беради. 2040 йилга бориб, дунёда ишлаб чиқариладиган энергиянинг 50 % ни ташкил этиши мумкин. Энергиянинг нархи эса, 2,5 сент/кВт соат ни ташкил этиши кутилмоқда.

### 13.3. Тўлқинлар энергияси (632)

#### 632. Қачон тўлқинлар энергиясидан самарали фойдаланиш мумкин?

Тўлқинлар энергияси ҳам Қуёш ва шамол энергиясига ўхшаган экологик тоза энергия манбаи ҳисобланади. Бу энергиянинг солиширма қуввати Қора денгизда 8 кВт/м, Балтийский денгизида 8 кВт/м, Каспий денгизида 11 кВт/м, Охотск денгизида 20 кВт/м, Баренцево денгизида эса 29 кВт/м ни ташкил этади.

**1799** йили франциялык ота-бала Жерарлар биринчи бўлиб тўлқинлар энергияси билан ишлайдиган қурилмага патент олганлар. **1889** йилга келиб, Нью-Йорк яқинидаги шундай қурилмани қуриб, босимли сув минорасига сувни дамлаб чиқарганлар. Ҳозиргача тўлқинлар энергиясидан фойдаланиш муаммосига кўпгина мамлакатлар катта қизиқиш билан қараб келмоқдалар.

Энг оддий ва кенг тарқалган қурилмалардан бири – бу қалқович (пукак) ли қурилма бўлиб, пукакнинг механик тебраниши тўлқин таъсирида пайдо булади ва механик энергия электр энергиясига айлантирилади. Шундай қурилмалар ҳам борки, тебранувчи тўлқин устуни маҳсус камерада жойлаштирилади ва у сув сатҳида қўйилади. Унинг ишлаш принципи ҳаво устунининг сиқилиши ва кенгайишига асосланган. Камеранинг пастки очиқ қисми тўлқиннинг минимал сатҳидан паст ҳолатда ўрнатилади. Трубина генераторга ўрнатилган бўлиб, у ҳаво таъсирида ҳаракатга келади. Японияда бундай қурилмалар **1965** йилдан бошлаб ишлаб чиқарилади. Денгиз тўлқинида ишлайдиган электр станциялари шундай мамлакатларда қуриладики, қирғоқлари денгиз сувлари таъсирида ювилади. Масалан, Охотск ва Беломорский денгизларида ҳар бир 12 соат **25** дақиқа вақт давомида денгиз сувининг сатҳи 9-13 метрларга кўтарилиши мумкин. Денгиз тўлқинлари катта энергияга эга. Россия (Кислогубск) да бундай электр станциялари бундан **35** йил олдин қуриб ишга туширилган эди. Денгиз суви энергиясидан маҳсус қурилмаларда ишлатиш мумкин. Масалан, қиш пайтида иншоотларни иситиш ва ёз пайтларида совутиш мақсадида қўлланилиши мумкин. Бунинг учун юқори қувватли насослар ҳар соатда маҳсус қувурлар оқали денгиз сувини қурилмага бериб турилади. Қувурлар эса қайнаш ҳарорати кичик бўлган фреон гази билан тегиб турари Сувдан олинган бундай

иссиқлик анъанавий энергия манбаларисиз биноларни иситишга имкон беради.

### **13.4. Ўзбекистон Республикасида геотермал ва петротермал энергия ресурслари потенциали (633 - 635)**

**633. Геотермал энергия деб нимага айтилади ва унинг заҳираси қанча?**

**634. Петротермал энергия деб нимага айтилади ва унинг заҳираси қанча?**

**635. Геотермал энергетикани ривожлантириш истиқболлари ҳақида нималар дея оласиз?**

Олимларимиз қўлга киритган натижаларнинг гувоҳлик беришича, Республикаизда геотермал ва петротермал энергия ресурсларнинг заҳираси ниҳоятда катта. Ҳарорати  $40\text{-}1200$   $^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этадиган геотермал сув ресурсларининг йиллик заҳираси  $23 \cdot 10^3$  тонна шартли ёқилғини ташкил этади. Аммо башоратчи олимлар бу заҳиранинг бир тартибга кўп эканлигини қайд қилганлар. Петротермал ресурслар  $9,6 \cdot 10^{12}$  тонна шартли ёқилғига тенг. Эслатиб ўтиш керакки, 1 тонна шартли ёқилғи 250 литр бензинга тенг!

Шуни ҳам унутмаслик керакки, петротермал ресурслар деганда, 3 км гача чуқурликда жойлашган қизиган тоғ жинслардаги иссиқлик тушунилади. Петротермал ресурслар  $9,6 \cdot 10^{12}$  тонна шартли ёқилғига тенг деб баҳоланмоқда.

Геотермал энергияларни қидириб топишга Фарғона водийси шимолидаги Адрасман-Чуст термоаномал минтақаси истиқболли деб топилган. Республикаиздинг

ғарбий ва жанубий минтақаларида ҳам қидирув ишлари олиб борилган ва геотермал энергиянинг янги заҳиралари мавжудлиги аниқланган.

Маълумки, ёқилғи ресурслари йилдан йилга камайиб бормоқда. Ер қаърида ҳам иссиқлик манбаи мавжуд. Ҳисобкитобларга қараганда, Ернинг 3 км чуқурулигида  $8 \cdot 10^{17}$  кЖ геотермал иссиқлик энергияси олиш мумкин экан. XX асрнинг бошларида биринчи булиб, Италияда Ер қаъридан олинадиган иссиқ сув энергияси билан ишлайдиган электр станцияси қурилган эди. Кейинчалик бундай геотермостанциялар Янги Зелландияда, АҚШ да ва Японияда қурилди. Россиянинг Камчатка минтақасида, Курил яриморолларида ва Сахалинда юқори потенциалли буғ геотермлари 3 км чуқуруликда ишлаб турибди. Қозоқистонда ҳам ер чуқурулигидан иссиқлик оқими жадал оқиб келинаётгани аниқланган. Геотермал иссиқлик манбалари 500 м дан 5 минг м гача бўлган чуқуруликларда бўлади. Ҳисобкитобларга қараганда, Ер қаъридан олинадиган иссиқ сувлари ҳисобига йилига шунчалик кўп энергия олиш мумкин эканки, Екибастуз ва Қараганда ҳавзаларидан олинадиган кўмирнинг ёнишидан ҳосил бўладиган энергияга teng бўлар экан.

Дофистонда Ер иссиқлигидан Қизляр ва Избербаш шаҳарларида қўлланиб келинапти. Бу шаҳарларда қозонхоналар ва ўчоқ қувурлари ўрнига табиий иссиқлиқдан кенг фойдаланиб келинади. Тбилиси шаҳридаги бир неча аҳоли масканларининг теплофикацияси Ер ости сувлари ҳисобидан таъминланаяпти. Ер остидан олинадиган иссиқ сув билан уйлар иситилади ва ҳатто иссиқхоналарда арzon полиз маҳсулотлари этиштирилади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, иссиқ Ер ости сувлари ниҳоятда минераллашганлиги боис улардан бевосита теплофикация системасида қўллаш қийинчиликлар

туғидиради. Чунки металл қувурлари минераллашган сув таъсирида емирилади (коррозияга учрайди). Бундан ташқари, геотермал энергиянинг потенциали унчалик юқори эмас, яъни қудуқдан чиқадиган сув ёки буғнинг ҳарорати талаб даражасида эмас. Бу эса энергиядан фойдаланиш самараадорлигига салбий таъсир қиласи. Чунки электр энергияси ишлаб чиқариш учун иссиқлик элтүвчининг ҳарорати (яъни, иссиқ сувнинг ҳарорати)  $150^{\circ}\text{C}$  дан кам бўлмаслиги керак. Бундай ҳолатда у бевосита қувурларга узатилиши мумкин.

Шундай қурилмалар ҳам борки, улар ҳарорати паст сувлар билан ишлайди. Уларда геотермал сув иккинчи контурдаги иссиқлик элтүвчи (масалан, фреонни) иситади. Пайдо бўлган буг трубинани айлантиради. Аммо бундай қурилмаларнинг қуввати унчалик катта эмас (**10-100 кВт** атрофида бўлиши мумкин). Шунинг учун улар ёрдамида ҳосил қилинган энергия электр станциялардаги энергияга нисбатан қимматга тушади.

Ҳозирги пайтда жаҳонда қарийб **100** дан ортиқ геотермал электр станциялари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати **3 млн кВт** ни ташкил этади. Улардан олинган энергия арzonга тушаяпти ва уларда ишлайдиган хизматчилар сони ҳам кам. Бундай станциялар шундай қулай жойларда қуриладики, сув Ер қаъридан булоқ бўлиб оқиб турди ёки унинг жойлашуви унчалик чуқур эмас. Акс ҳолда қудук бургалаш ишлари катта маблағларни ажратишни тақозо этади.

Бундай электр станцияларни қуриш масштаби чекланганлигининг **асосий сабаблари** қуйидаглардан иборат.

1. Ер қаъридан олинадиган иссиқ сув ҳаддан ташқари минераллашганлиги боис улардан кенгроқ фойдаланиш учун кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

2. Геотермал қурилмаларида атроф қатламлари (тоғ жинслари) иссиқлигидан умуман ишлатилмайды.

3. Электр энергия ишлаб чиқарувчи қурилманинг қуввати юқори эмас.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, геотермал конлари ғовак жинслардан иборат бўлиб, улар иссиқ сув билан тўлдирилган бўлади ва табиий геотермал қозонларга ухшаб кетади. Агар Ер юзасида ишлатилган сувларни яна Ерга қайтаришса, яъни сувнинг циркуляцияси яратилса, унда нафақат термал сув иссиқлигидан, балки атрофдаги тог жинслари иссиқлигидан ҳам фойдаланиш мумкин бўларди. Бундай система умумий сув миқдорини **4-5 маротаба** кўпайтиради ва атроф-муҳитнинг минераллашган сувлар билан ифлосланиши олди олинган бўларди. Сув циркуляцияси системасини яратиш учун қудуқлар сони **2 маротабага** ошади. Аммо ҳисоб-китобларнинг гувоҳлик беришича, қилинадиган харажатлар тез қопланади.

Геотермал сувлардан иситиш системасида, иссиқ ва техник сув таъминотида, саноат корхоналарида, коммунал ва қишлоқ хўжалик тармоқларида қўлланилиши мумкин. **2000 йилда** жаҳоннинг **21 мамлакатида** геотермал электр станциялари ишлаган, уларнинг ўрнатилган қувватининг йиғиндиси **7974 МВт** ни ташкил этган. Ҳозирги пайтда **50 ГВт•соат** электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлиб, охирги **5 йил** давомида чукурлиги **100 м** ни ташкил этган **1165 қудуқлар** (скважиналар) бурғиланган. Геостанцияларнинг ўрнатилган қувватларни ишга туширишда жаҳонда охирги **5 йил** ичиди **Филиппин** биринчи ўринни эгаллаб келяпти. Бу мамлакатда **680 МВт** геотермал иссиқлик қуввати ишга туширилган. Индонезияда **280 МВт**, Италияда **153 МВт**, Янги Зелландияда **151 МВт**, Исландияда **120 МВт** ва Коста-Рикада **87,5 МВт** қувватлар ишга туширилган. Геостанцияларнинг

ўрнатилган қувватларини охирги беш йилликда 43 % га ошириш режалаштирилган.

Геотермал энергетика анъанавий технологияларга нисбатан бир қатор афзаликкларга эга.

1. Олинадиган энергия экологик тоза ҳисобланади.
2. Ёқиғини ташиш учун траспорт харажатлари йўқ.
3. Геостанцияларни қисқа муддатларда қуриш мумкин.

Кўмир, мазут ва газ билан ишлайдиган анъанавий иссиқлик станциялари, одатда, атмосфера ҳавосини  $\text{CO}_2$ ,  $\text{SO}_2$  каби газлар билан ифлослантиради. Аммо геотермал ресурслари асосида электр энергия ишлаб чиқаришда атмосферага чиқариладиган иссиқхона газларининг миқдори  $\text{CO}_2$  бўйича 3 тартибга,  $\text{SO}_2$  бўйича 1 тартибга камаяди. Агар 1995 йилда 28 та мамлакатларда геотермал иссиқликтан фойдаланилган бўлса, ҳозирги пайтда 55 та мамлакатда ушбу энергиядан фойдаланиб келинади. Бунда ўрнатилган иссиқлик қуввати 1995 йилги кўрсаткичларга нисбатан 87,1 % га ошиб, 16210 МВт ни ташкил этмоқда.

Хитойда, Исландияда, АҚШ да ва Туркияда жаҳонда ишлаб чиқарилган геотермал энергиянинг умумий ҳажмидан 54 % қўлланилади. Охирги йилларда Австрияда, Канадада, Швецияда, Швейцарияда ва Туркияда геотермал энергиядан фойдаланиш ривожланиб бормоқда. Олинадиган геотермал энергия қувватининг 42,25 % иссиқлик насосларига, 30,56 % теплофикацияга, 8,46 % иссиқхона хўжаликларига, 11,08 % иссиқлик бассейнлари ва ҳаммомларга, 3,24 % қишлоқ хўжалигига ва 3,05 % саноатга тўгри келади. Ҳозирги пайтда жаҳоннинг 26 та мамлакатларида иссиқлик насосларидан кенг қўлланилиб келинади. 1995 йилдан бошлаб, то 2000 йилгача бўлган оралиқда қувватнинг ўсиши 59 % ни ташкил этди ва 6850 МВт га teng бўлди. Ҳаммаси бўлиб, 600000 иссиқлик

**насослари ишлайди.** АҚШ да алоҳида уйларни геотермал иситиш системасидан қўлланилиб келинади.

Жаҳонда геотермал иссиқлиқдан иссиқхона хўжаликларида қўллаш **21 %** га ўсди. Айниқса Хитойда, Грузияда, Венгрияда, Испанияда, Россияда ва АҚШ да геотермал иссиқлиқдан иссиқхона хўжаликларида қўллашга катта эътибор берилиб келинади. Қуйидаги 13.3-жадвалда жаҳонда Ер иссиқлигидан фойдаланувчи мамлакатлар ва геотермал энергиянинг ўрнатилган қувватлари келтирилган.

### 13.3-жадвал

**Жаҳонда Ер иссиқлигидан фойдаланувчи  
мамлакатлар ва геотермал энергиянинг ўрнатилган**

#### **кувватлари**

Мамлакат	Кувват, МВт	Мамлакат	Кувват, МВт
АҚШ	5366	Венгрия	328,3
Хитой	2814	Франция	326
Исландия	1469	Россия	307
Туркия	820	Австрия	255,3
Олмония	397	Грузия	250

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, географик нуқтаи назардан олиб қараганда, Ерда геотермал энергия бир текис тақсимланмаган. Шунга қарамасдан, ушбу энергиядан фойдаланиш дунёда йилига **8-9 %** га ошиб боряпти. 1970 йилдан бошлаб, геотермал иссиқлик ва электр станциялари қуввати қарийб 30 маротабадан кўпроқ ошли ва 2000 йилга келиб, **24184 МВт** ни ташкил этди. Ушбу йўналишда АҚШ (**8281 МВт**), Филиппин (**1910 МВт**) ва Мексика (**919 МВт**) лидерлик қилиб келяптилар.

### **13.5. Ўзбекистон Республикасида уй-рўзғор ва маиший чиқиндилар ресурслари потенциали (636-642)**

**636. Чиқиндиларни заарсизлантиришнинг қайси  
технологияларини биласиз?**

**637. Уй-рўзғор чиқиндилари таркибида қайси  
моддалар булиши мумкин?**

Бутун дунёда уй-рўзғор чиқиндиларини, ўсимликлар ва техноген чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларни заарсизлантириш ўз ечимини кутаётган экологик муаммо булиб қолмоқда. Айниқса, бу муаммо аҳоли зич жойлашган шаҳарлар (мегаполислар) га ва қишлоқ хўжалик комплексларига тааллуқли булиб, уларда ҳар йили миллион кубометрдан зиёдроқ турли-туман чиқиндилар ҳосил бўлади. Улар йигилади, ахлатхоналарга юборилади ёки ўз жойида ёндирилади. Бу чиқиндилар гурухига саноат корхоналари чиқиндилари, қаттиқ, уй-рўзғор чиқиндилари, турли хазонрез барглари ва кўча ахлатлари киради.

Уй-рўзғор чиқиндилари таркибида, одатда, коғоз, картон, озиқ-овқат қолдиқлари, газламалар, ёточ, барглар, қора ва рангли металлар, суюклар, шиша, чарм, резина, керамика (сопол), полимер материаллари (тола, парда, варақа, қувур, шланг, қуттичалар, идишлар, бир маротаба ишлатиладиган шприцлар, найчалар, сават, сатил, банка, бидон, турли ўйинчоқлар ва ҳоказолар) булиши мумкин. Шаҳарларда қаттиқ уй-рўзғор чиқиндиларининг ўртача морфологик таркиби қўйидаги 13.4 - жадвалда курсатилган.

Кўпинча чиқиндиларга ўлчамлари катта материаллар ва буюмлар (қурилиш чиқиндилари, мебел қолдиқлари, уй-рўзғор техникаси, батарейкалар) қўшилади ва уларга, қаттиқ

үй-рұзғор чиқиндилари дейилади. Уларнинг күпчилиги заҳарлидир.

Охирги 20-25 йил ичидә үй-рұзғор чиқиндилари таркибига полимер материаллари ҳам құшилди. Саноати ривожланған мамлакатларда, айниқса, Японияда, полимер материаллари чиқиндиларининг улуси 10-15 % ни ташкил этмоқда.

#### 13.4-жадвал

#### Шаҳарларда қаттиқ үй-рұзғор чиқиндиларининг ўртача морфологик таркиби

Фракциялар	Ўртача 1 йилда, % массаси буйича
Қоғоз	18,9
Озиқ-овқат	38,4
чиқиндилари	
Ёғоч	4,9
Металл	3,4
Газлама	3,9
Чарм, резина	0,8
Шиша	3,7
Тошлар	8,9
Бошқа материаллар	17,1
<b>Ж А М И</b>	<b>100</b>

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қаттиқ үй-рұзғор чиқиндиларини қайта ишлеш үшін заарсизлантириш муаммоси – экологияның ўз ечимини кутаёттан муаммоларидан биридир. Ушбу муаммонинг ечими мураккаб энергетик, техник ва иқтисодий масалалар билан боғлиқдир.

Күйидаги 13.5 - жадвалда үй-рұзғор чиқиндиларини заарсизлантириш усуллари алоҳида олинған мамлакатлар мисолида күрсатылған.

### 13.5-жадвал

#### Алоҳида олинған мамлакатлар мисолида уй-рӯзғор чиқиндиларини зарарсизлантириш усуллари

Мамлакатлар	Ёндириш	Ахлатхонага чиқарипп	Компостлаш	Бошқа усуллар
Швейцария	80	18	2	-
Япония	72	24,5	1,5	2
Швеция	56	34	9,9	0,1
Белгия	47	44	9	-
Нидерландия	40	44	15	1
Франция	36	47	8	9
Дания	32	64	4	-
Олмония	28	69	2	1
Италия	18,5	35	5,5	41
АҚШ	8	32	-	10
Канада	6	93	-	1
Испания	5	76	19	-
Англия	2	98	-	-
Россия ва МДХ	5	95	-	-

Жадвалдаги натижалардан қўйидаги хуносаларни келтириб чиқариш мумкин. Биринчидан, қаттиқ уй-рӯзғор чиқиндиларини зарарсизлантиришнинг асосий усуллари уларни ёндириш ва ахлатхоналарга чиқариб ташлаш экан. Иккинчидан, агар Франция 9 % ва АҚШ 10 % чиқиндиларини бошқа усуллардан қўллаб зарарсизлантирилса, Италия 41 % чиқиндиларини бошқа усуллардан фойдаланиб зарарсизлантирап экан.

Ахлатларни панжарали қозон-агрегатларида ёндириш усули кенг тарқалган. Термик усулларнинг асосий камчилиги шундаки, ахлатларни нисбатан пастроқ ҳароратлар ( $600\text{-}900$ )  $^{\circ}\text{C}$  да ёндирилиши ҳисобланади. Бунда, одатда, диоксинлар, фурналар ва шунга ўхшаган бошқа юқори заҳарли бирикмалар ҳосил бўлади. Бундан ташқари, 25-30 % ушбу заҳарли моддалар билан заҳарланган

иккиламчи чиқиндилар ҳосил бўлади. Шунинг учун уйрўзғор чиқиндиларини қайта ишлаш учун юқори ҳароратли (1200-1400 °С ва ундан юқори) ўчоқлардан кенг қўлланилади.

Уй-рўзғор, ўсимлик ва техноген чиқиндилардаги компонентлар кимё саноатида, автомобил саноатида, уйрўзғорда қимматбаҳо ёнилғи сифатида қўлланилиши мумкин. Шаҳар чиқиндиларининг 60 % ни ёнувчи моддалар ташкил этади. Одатда, уларнинг намлиги 20 % ни ташкил этиб, ёниш иссиқлиги 4170 Ж/кг га teng бўлиши мумкин. Ёниш иссиқлиги бўйича бу чиқиндилар паст навли лигнитдан деярли фарқ қилмайди. Лигнитнинг намлиги ҳам анча юқори бўлиб, 50 % ни ташкил этиши мумкин.

Шаҳар чиқиндилари кўмирга нисбатан кам олтингутурғли (0,12 % умумий массасидан) ҳисобланади. Шаҳар чиқиндиларининг ушбу тавсифномалари уларни тўгридан-тўғри ёндириш ва таркибида сақлаган энергиядан самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги пайтда шаҳар қаттиқ чиқиндиларини қабул қилиб олиш ва бевосита ёндиришнинг 2 та қурилмаси бор.

1.Ўтхонаси экранлаштирилган ахлат ёндирувчи ўчоқлар.

2.Ўтхонаси чиқувчи ва ўчоқ-анализаторли модулли қурилмалар, яъни модулли ахлат ёндирувчи қурилмалар.

Ўтхонаси экранлаштирилган ахлат ёндирувчи ўчоқларда ўчоқнинг ички сиртлари қувурлар билан ёпилган (экранлаштирилган) бўлиб, улар орқали сув оқиб туради. Қувурлар қизиган пайтда буғ ҳосил бўлиб, ундан электр энергияси ишлаб чиқаришда қўлланилади ёки биноларни иситищда қўлланилиши мумкин.

Модулли ахлат ёндирувчи қурилмаларнинг ўлчамлари ўтхонаси экранлаштирилган ахлат ёндирувчи ўчоқларнинг ўлчамига нисбатан кичик бўлиб, уларда буғ ишлаб чиқариш учун утилизатор-ўтхоналари бор. Қаттиқ чиқиндиларнинг қарийб 15 % ни органик чиқиндилар ташкил этиши учун

улардан синтетик нефт, метан ва бошқа ёнувчан углеводородлар олишда уларни қайта ишлаш мүмкін.

### 638. Қаттиқ чиқиндиарни иссиққа айлантиришнинг қайси технологиялари мавжуд?

#### 639. Пиролиз деб нимага айтилади?

Одатда, барча қаттиқ чиқиндиарнинг ҳажми ва миқдори орасида катта фарқ бұлади, чунки органик чиқиндиар кучли намланғандыр. Уларни иссиққа айлантириш учун, аввало, қуритиш керак бұлади. Қаттиқ чиқиндиарни қайта ишлаш самарадорлығы уларнинг миқдорига боғылған болады. Демек, шаҳарларда уларни қайта ишлаш яхши натижа беріши мүмкін.

Қаттиқ чиқиндиарни иссиққа айлантиришнинг қуийдаги технологиялари мавжуд.

1.Ахлатларни гидрогенлаш (гидрогенизация) технологияси.

2.Ахлатларни ёндириш технологияси.

3.Пиролиз (яъни, кимёвий моддаларни юқори ҳарорат таъсирида парчалантириш) технологияси.

4.Биоконверсия.

Гидрогенлаш жараёнида чиқиндиар ишқорли катализаторда (масалан, углекислий натрийда) углерод оксиди ва сув буглари билан 300 °C да ва катта босимда (20 МПа) реакцияға киришади. Бунда чиқиндиардаги 85-90 % органик моддалар 250 °C да ва паст босимларда (0,2 МПа) битумга, сувга әрувчан фракцияға ва газга айланиши мүмкін. Ҳарорат 380 °C га етганда ва паст босимларда (0,74 МПа) сувга әрувчан моддалар камроқ ажралиб чиқиши мүмкін. Чиқиндиарни тұлиқ қайта ишлаганда, суюқ ёнүвчи модданинг чиқиши 40-43 % ни ташкил этиши мүмкін. Ҳар 1

тонна қуруқ чиқиндилардан ёниш иссиқлиги 34 МЖ/кг га тенг бўлган 250-270 кг синтыйй нефт олиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидаш керакки, ёниш самарадорлигини ошириш катта амалий аҳамиятга эга. Бунинг учун пиролиз жараёнида аввало, қаттиқ уй-рўзгор чиқиндилари газлаштирилади. Пиролиз – бу моддаларни юқори ҳорорат таъсирида парчалантириш жараёни бўлиб, у иссиқлик таъсирида органик бирикмаларни бир ҳолатидан иккинчи ҳолатга айлантириш кимёвий жараёнидир. Агар ахлатларни тұғридан-тұғри ёндириш усулида ҳаво ёки кислород оксидловчи модда сифатида қатнашса, пиролиз жараёнида ҳаво ёки кислород умуман қатнашмайди. Яъни, пиролизни ҳавосиз, кислородсиз ва оксидловчи моддаларсиз қуруқ ҳайдаш жараёни десак муболига бўлмайди.

Пиролиз усули бу ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, ундан метанол, уксус кислотаси, скапидар ва ёғоч кўмири ишлаб чиқаришда кенг қўлланилиб келинади.

Қаттиқ уй-рўзғор чиқиндиларини заарсизлантирувчи ўчоқлар (печлар) нинг тузилиши оддий бўлиб, уларнинг асосий элементи чиқиндиларни қабул қилиш қурилмаси ва уларни жойлаштириш жойи, кран, кул ва тошқолларни сақлаш бункери ва уларни четлаштириш учун юклаш воронкасидан ва транспортёрдан таркиб топган. Ўчоқ икки секциялардан иборат бўлиб, улар бир-биридан шамот гиштлари билан ажратилган. Секциялар тусик орқали иссиқлик қувурлари билан уланган бўлиб, улар ёрдамида қатламда чиқиндиларнинг ёниши юз беради ва пиролиз камерасига иссиқлик етказилади. Пиролиз гази камерадан рециркуляцияланувчи газопровод қурилмасига берилади, шундан сўнг, ўчоқ ҳажмида ёниб, панжарада қаттиқ уй-рўзғор чиқиндиларининг қатламда ёниш барқарорлигини таъминлайди.

Ёниш маҳсулотлари газ-сув қозонига, яъни утилизаторга юборилади ва сув таъминотида ишлатиладиган сув исийди. Ёниш маҳсулотлари қозон-утилизатордан 140-150 °С да абсорбер-утилизаторга келади ва бу ерда ҳарорати 60-65 °С гача етгунга қадар ҳўл тозалаш усулида совутилади. Улар байпас орқали бериладиган газ билан аралашади, қурийди ва атроф-муҳитга тутун қувури орқали чиқариб ташланади.

Абсорбер-иссиқлик утилизаторида ёниш маҳсулотлари чуқур совийди, иссиқ сув таъминотида ишлатиладиган сув иситилади, улар адсорбция усулида азот, углерод оксидаларидан, ҳамда оғир углеводородлардан, қора қуядан тозаланади. Сув ёрдамида ёниш маҳсулотлари тозаланади. Тозалаш ҳарорати 40-50 °С ни ташкил этиши мумкин.

Тошқоллар центрефугаларда механик усулда сувсизлантирилади, сунгра тегирмон-қуритгич орқали чанг шаклида қуритилган ҳолатда ёнаётган қаттиқ чиқиндилар қатламига олдиндан газлаштирилган ёнилғи билан бирга киритилади. Тегирмон-қуритгичда қуритувчи сифатида юқори ҳароратли ёниш маҳсулотлари хизмат қиласи. Бу маҳсулотлар ёнаётган ҳажмнинг юқори қисмидан олинади ва уларнинг рециркуляцияси таъминланади. Бу эса ёниш ҳароратини бир хил сақлашга катта ёрдам беради ва ёниш маҳсулотлари таркибида заарли газсимон моддалар микдорини камайтиради. Ёниш маҳсулотлари газламали филтрлар ва электр филтрлари ёрдамида филтрланади ва абсорбер-утилизаторда ҳўл усулда тозаланади.

Чиқиндиларни ёндиргандан сунг, ҳосил бўладиган кул ва тошқоллар тошқолийигичда йигилади, сунг тошқол бункерига юборилади ва у ердан автотранспорт ёрдамида ташилади (чиқариб ташланади).

Агар паст навли қорамтири кўмир панжараада ёндирилса, брутто қозонхонанинг фойдали иш коэффициенти 67 % ни ташкил этади, айнан мана шу усулда

қаттиқ уй-рұзғор чиқіндиларни ёндирганда эса фойдалы иш коэффициенти 79 % ни ташкил этади. Фойдалы иш кәффициентини ошириш механик ва кимёвий ёништің тұлиқ амалға ошмаслиги туфайли юз берадиган иссиқлик исрофларини камайтириш ҳисобига ва чиқиб кетаёттан газлар билан исрофларни камайтириш йүли билан ошириш мүмкін.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, иссиқлик сифатида қаттиқ уй-рұзғор чиқіндиларидан фойдаланыш микрорайонларда ва саноат корхоналарини иссиқлик таъминоти системасыда зарасизлантириладиган иссиқликдан фойдаланыш ҳисобига ёнилғи-энергетик ресурсларни тежаш имконини беради. Бунда қаттиқ уй-рұзғор чиқіндиларини қайта ишлашга, сақлашта ва күмишга сарфланадиган маблағтар тежалади. Қаттиқ уй-рұзғор чиқіндиларини ёндириш қурилмаларидаги иссиқликни зарасизлантириш ва шу билан бирға ёниш маҳсулотларини тозалаш экологик тоза кам чиқіндили технологияларни яратишига имкон беради.

Ёниш жараёнидан сұнг, қоладиган куллар ва тошқоллардан қурилишда кенг фойдаланыш мүмкін, масалан, автомобил йұлларни қоплама қилишда, ёки қишлоқ хұжалигидің минерал үғит сифатида құллаш мүмкін.

Охирғи йилларда қаттиқ уй-рұзғор чиқіндиларини электротермик қайта ишлаш учун электр үчоқтарни (печеларни) такомиллаштиришта катта ақамият берилепті. Улар берадиган ҳарорат  $1100\text{-}1500$  °С гача этиши мүмкін. Электротермик усулдан құлланилганда диоксин муаммоси ечилади. Металлоломни қайта ишлаш жараёнида электродлар ёниши мүмкін, перхлорвинил бирикмалар (ұтказгичлар, таркибида хлор ва бошқа углеводородларни сақлаган қопламалар) билан ифлосланған моддалар ҳам

қўшилиб қолиши мумкин. Мана шу жараёнда ўта хавфли ва заҳарли бўлган диоксинлар ажralиб чиқиши мумкин. Электротермик усулдан фойдаланилганда ажralиб чиқадиган кул-газ оқимида диоксинларнинг йўқли аниқланган.

#### 640. Ахлатхоналардаги газлардан қандай фойдаланиш мумкин?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунё энергетикасида ахлатхоналардаги газлардан фойдаланиш технологияси кундан кунга ривожланиб бормоқда. Ахлатхоналар метан газини ажратиб чиқарувчи иирик антропоген манбалари ҳисобланади. Атмосфера ҳавосига чиқариладиган газларнинг 40 % айнан мана шу манбалардан (ахлатхоналардан) чиқадиган газлар улушкига тұғри келади.

Ахлатхонадаги газлардан фойдаланиш қурилмаси қуйидагича ишлайди. Газ ахлатхона худудида жойлаштирилган вертикал скважиналар (кудуқлар) ёрдамида трубопроводлар орқали коллекторга йигилади. Газ конденсатор-ушлагич ва нам сепаратор орқали ўтиб, ажralади. Ахлатхонада иссиқлик электр станциясига трубопроводлар билан керакли босим остида газодувка (газни пуллаб берувчи қурилма) ёрдамида етказилиб берилади. Бошқача қилиб айтганда, қимматбаҳо компрессор ўрнига газодувкадан қўлланилади. Газ иссиқлик электр станциясидаги охирги сепаратор барабанидан ўтиб, қозонхонага узатилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ахлатхоналардаги газлар таркибида метан газининг улуси 55 % ни ташкил этади ва у углерод оксиди ( $\text{CO}$ ) га нисбатан юз маротаба кўпроқ иссиқхона самарасини яратиш қобилиятига эга.  $\text{CO}$  нинг миқдори ахлатхона газлари таркибида 45 % ни ташкил этади. Ушбу ҳар иккала газларнинг қоришимаси портлашга

хавфли булиб, ер ости сувларга салбий таъсир қиласи. Ахлатхоналардаги 1 кг ахлат тахминан 0,26 м<sup>3</sup> газ ҳосил қилиши мумкин. Парчалантириш жараёнида олинадиган “ёнилғи” ўртача калорияли саналади ва ёниш иссиқлиги юқори 810-1160 кЖ/кг булиб, алангасининг адиабатик ҳарорати 1650 °С га teng булиши мумкин.

Ёниш жараёнида ҳосил бўладиган азот оксидлари, углерод оксиди (CO), ёнмаган углеводородлар ва учувчан органик бирикмалар миқдори нуқтаи назаридан олиб қараганда, ахлатхонадаги газ экологик тоза ҳисобланади. Ахлатхона газини ёндирганда алангасининг ҳарорати унчалик юқори эмас ва шунинг учун табиий газларга нисбатан ажралиб чиқадиган азот оксиди (NO) 70 % га камдир.

**641. Ахлатлар паспортида нималар ўз аксини топиши мумкин?**

**642. Республикаизда нечта ахлотхоналар бор ва улардан нима олиш мумкин?**

Кимёвий лабораторияларда ҳар бир газнинг кимёвий таркиби, хоссалари ва хавфлилик даражалари синчиклаб аниқланади. Табиатдан фойдаланувчилар эса ҳар бир хавфли чиқинди тури учун унинг кимёвий таркиби, хоссалари ва хавфлилитини инобатга олиб, ахлатнинг паспортини яратади. Хавфли ахлат паспортининг шакли ва уни тўлдириш инструкцияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан 28.10.2005 йилда №72-ТР сонли Қарори қабул қилинган ва амалга жорий этилган, О'зРН 84.318:2005 “Ахлат паспорти. Саноат ва истеъмол ахлатлари билан муносабат қилиш”, ҳамда Давлатлараро стандарт ДавСТ 30774-2001“ Ресурсларни тежаш. Ахлатлар билан муносабат қилиш” қабул қилинган.

Республикамизда 261 тадан зиёдроқ уй-рұзғор ва майший чиқиндиларни ташланадиган маңсус ахлатхоналар мавжуд бұлиб, уларда йилига 7 мин тоннадан күпроқ чиқиндилар йигилади. Уларнинг ҳар 1 тоннасидан 250 м<sup>3</sup> гача газ олиш мүмкін. Бу йилига таҳминан 1,5 млрд м<sup>3</sup> газ олиш имконини беради. Ушбу газлардан иссиқлик ва электр энергияси олишга сарфлаш мүмкін.

Қыйидаги 13.6 - жадвалда Республикамиз вилоятларида ҳосил бұладиган йиллик қаттық уй-рұзғор чиқиндилари ва аҳоли сон бошига тұғри келадиган чиқинди миқдори көлтирилген.

### 13.6 -жадвал

#### Республикамиз вилоятларида ҳосил бұладиган йиллик қаттық уй-рұзғор чиқиндилари ва аҳоли сон бошига тұғри келадиган чиқинди миқдори

Вилоятлар	1 йилда ҳосил бұладиган чиқинди, минт тонна	Аҳоли сон бошига тұғри келадиган чиқиндилар миқдори, кг
Андижон	412,5	193
Бухоро	125	90
Жizzах	395	425
Қашқадарё	231,6	110
Навоий	58,7	76
Наманган	534,6	285
Самарқанд	814,5	312
Сурхондарё	191,5	114
Сирдарё	90,6	139
Тошкент	457,3	198
Фарғона	838,2	322
Хоразм	141	110
Тошкент шаҳри	3025,4	1418
ҚҚАР	200,8	137
Республика бўйича	7516,7	314

Жадвалдаги натижалардан маълумки, Тошкент шаҳрида, Жиззах, Фарғона, Самарқанд ва Наманган вилоятларида аҳоли сон бошига тұғри келадиган чиқиндиларнинг миқдори ниҳоятда катта. Бу эса саноатнинг кунсайин ривожланиб бориши билан изоҳланади.

### **13.6. Ўзбекистон Республикасида водород энергияси потенциали (643 - 647)**

**643. Водородни нимадан олиш мумкин?**

**644. Ёниш энергияси бўйича 1 кг водород неча литр бензинга тенг бўлиши мумкин?**

**645. Ерда сувнинг заҳираси неча тоннани ташкил этади?**

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги пайтда жаҳон ҳамжамияти олдида 2 та муаммо кўндаланг бўлиб турибди: 1) энергия ресурсларни қазиб олиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш муаммоси ва 2) атроф-муҳитнинг экологик хавфсизлигини таъминлаш муаммоси. Жаҳонда юз берадётган барча жангу- жадаллар (Сурия, Винесуэлла, Эрон ва бошқа мамлакатлардаги турли жанжаллар ва келишмовчиликлар) нинг негизида энергия ресурсларига эгалик қилиш мақсади ётади.

Энергия әлтувчи модда сифатида водороддан фойдаланиш инсониятни қулай ёқилғи ва экологик тоза энергия билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга катта ёрдам беради, чунки бунда углерод қўш оксиди ( $\text{CO}_2$ ) гази ажралиб чиқмайди.

Кўпгина ривожланган мамлакатларда энергетик ва экологик муаммоларни самарали ечиш учун маҳсус дастур ва лойиҳалар қабул қилинган. Айниқса, экологик тоза

энергетик ва транспорт қурилмалари ишлаб чиқариш мақсадида Шарқий Осиёда, хусусан Японияда, Кореяда, Хитойда ва Тайванда яхши натижаларга эришгандар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, водород кўп энергия талаб қиласидиган ёқилғи хисобланади. 1 кг  $H_2 = 4,1$  кг шартли ёқилғи, унинг иссиқлик ҳосил қилиш қобилияти 143 МЖ/кг га тенгdir. Унинг юқори солиштирма вазний (массавий) иссиқлик ҳосил қилиш қобилияти бензинга нисбатан 4 маротаба, кўмирга нисбатан 7 маротаба юқоридир. Ёниш энергияси бўйича 1 кг водород 3,78 л бензинга эквивалентdir. Аммо Ерда эркин ҳолатда водород умуман учрамайди. Водороддан энергия элтувчи модда сифатида қўллаш учун уни углеводородлар нархига тенг бўлган нархда олиш мумкин. Водородни анъанавий усул (яъни, углеводородларни каталитик конверсияси усули) да олиш катта энергия ( $20 \text{ МЖ}/\text{м}^3 H_2$ ) ни талаб этади. Агар бунга электр энергияси билан таъминлаш харажатларини инобатга олсак, унда умумий харажатлар  $50 \text{ МЖ}/\text{м}^3 H_2$  га тенглашади, яъни водороднинг нархи ошиб кетади. Агар нефт ва газ заҳираларининг камайиб боришини ва нархининг ошиб бораётганлигини инобатга олсак, ушбу усулни унчалик самарали деб бўлмайди. Агар водород олиш учун дастлабки бирикма сифатида сувдан фойдаланилса (Ерда сувнинг заҳираси  $1,5 \cdot 10^{18}$  тонна!), унда водороднинг заҳираси битмас-туганмасдир. Сувдан электролиз, плазмокимёвий усулларда ва термокимёвий циклларда водород олинади. Бундан ташқари, атом ва Қуёш энергияларидан фойдаланиб, водород олиш анъанавий технологияларини такомиллаштириш йўли билан электр энергиясидан фойдаланишни 2 маротабадан зиёдроқ камайтириш мумкин ( $20 \text{ МЖ}/\text{м}^3$  дан  $9 \text{ МЖ}/\text{м}^3$  гача етказиш мумкин).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, келажакда сув электролизида гидроэлектрик ва атом станциялари (шу

жумладан, Атом Электр Станцияларни минимал юклама билан ишлашта үтказиш йўли билан), ёки қайта тикланадиган энергия ресурслари (Қуёш, шамол энергиялари) билан ишлайдиган қурилмалардан фойдаланиш йўли билан арzon ва тоза водород олиш имкониятлари пайдо бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Водороднинг тозалиги, хом-ашё заҳираларининг битмас-туганмаслиги, уни қайта тикланиши, ташиш учун нархининг арzonлиги автомобил двигателлари учун ёқилғи сифатида водороддан фойдаланиш истиқболли ҳисобланади.

#### **646. Ёқилғи сифатида автомобил двигателларида водороддан фойдаланишнинг муаммолари нечта?**

Ечимини кутаётган экологик муаммо шундан иборатки, автотранспортнинг йирик шаҳарлар ҳавосига кўрсатаётган салбий таъсири кундан-кунга ортиб боряпти. Ёқилғининг энергия заҳирасидан (асосан бензиндан) фойдаланиш самарадорлиги паст ва бу кўрсаткич ички ёнув двигателининг эксплуатацион фойдали иш коэффициенти (ФИК) билан ифодаланади. Бу кўрсаткич мақбул шароитларда ишлайдиган двигателлар учун 35 % ни ташкил этиши мумкин, аммо аслида эса **ФИК 12-17 %** ни ташкил этяпти. Бундан ташқари, ушбу двигателларда ёқилғидан тўлиқ фойдаланиб бўлмайди ва шунинг учун атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли ташланмаларнинг миқдори ошиб боряпти. Шунинг учун ҳозирги пайтда транспорт воситаларини ва энергияни кўп истеъмол қиладиган саноат тармоқларини янги энергия әлтувчи – водород билан таъминлаш ўта муҳим стратегик аҳамият касб этмоқда. Аммо ёқилғи сифатида автомобил двигателларида водороддан фойдаланишнинг қуйидаги 4 та муаммолари мавжуд.

**1.** Водороднинг кимёвий энергиясини автомобилни ҳаракатга келтирувчи энергияга айлантиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муаммоси.

**2.** Автомобилни ўзида водородни сақлаш ва ташиш системасини ишлаб чиқиш муаммоси.

**3.** Керакли миқдорда ва арzon нархларда водород ҳосил қилиш муаммоси.

**4.** Водород билан ишлайдиган автомобилларни ишлашини таъминловчи инфратузилмаларни яратиш муаммоси.

**Транспорт воситаларида водороддан фойдаланиш муаммоси** уни самарали ва арzon нархда сақлаш муаммосининг самарали ечимиға боғлиқдир. Ҳозирги пайтда транспорт воситаларида водородни сақлашнинг самарали усулинин ташлашга ягона аниқ бир усул йўқ. Кўпинча автомобилларда водородни газ баллонларда, юқори босим остида сақлаш усулидан, уни суюқ ҳолатда сақлаш усулидан (криоген усулидан) ва металлогидрид усуллардан фойдаланиб қўлланиб келинмоқда.

Ҳозирги пайтда **450** атм босим остида ишлашга мўлжалланган ўта енгил баллонлар ишлаб чиқарилган. Аммо водородни ҳаддан ташқари сиқиб бўлмайди, чунки унинг атомлари ниҳоятда кичик бўлиб, баллон деворидан ташқарига чиқиб кетиши мумкин. Водород оддий шароитда газ, аммо паст ҳароратларда у суюқликдир. Шунинг учун уни бундай ҳолатларда сақлаш ва ташиш учун криостатлардан, яъни иссиқликдан изоляция қилинган идишлардан қўлланилади. Ҳозирги пайтда автомобиллар учун экранли вакуум изоляция қилинган криоген баклар яратилганки, суюқ азотнинг ҳарорати ва атроф-мухит ҳароратлари орасидаги фарқ  $250^{\circ}\text{C}$  дан катта бўлган пайтларда водородни сақлаш давомийлиги (вақти) ни **2** ҳафтагача узайтириш имконини беради.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, водородни нафақат баллонларда, балки қаттиқ моддалар таркибида ҳам сақлаш мүмкін. Бунинг учун металлогидридлардан құлланилади. Водород молекулаларининг үлчамлари шунчалик кичикки, улар металлнинг кристалл панжараларыда жойлашиши мүмкін. Баъзи бир металл ва улар асосида олинган қотишмалар борки, улар говак пластмассадек (губка сувни шимиб олганидек!) водород молекулаларини бемалол үзларига сингдириб олади. Масалан, палладий металл элемент бўлиб, у водород билан ишлайдиган энергетик қурилмаларда энг яхши катализатор (реакция тезлигини оширувчи модда) сифатида құлланилиши мүмкін. Маълум ҳажмга эга бўлган палладий парчаси 800 тага яқин водород ҳажмини үзига шимиб олиши мүмкін.

Яна бир нарсани унутмаслик керакки, металлнинг кристалл панжарасида жойлашиб олган водород металл атомлари билан кимёвий реакцияга киришиб, гидридлар ҳосил қиласи. Гидридлар кимёвий бирикма бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши жараёнида иссиқлик ажралиб чиқади. Металл “губка” таркибидан водородни ажратиб олиш учун уни қиздиришга тўғри келади. Титан, темир, магний, никел, лантан, ванадий каби элементлар асосида олинган интерметалл қотишмалар алоҳида амалий аҳамиятга эга.

Металлогидридларнинг асосий камчилиги-улар асосида олинган водород йиғувчиларнинг ниҳоятда оғирлигидир. Водородни “шимиб” олиш ва сақлаш учун енгил моддалардан (углерод нанонайчалардан ва шиша микрошарикчалар) дан фойдаланиш мүмкін.

Полимер композицион материаллар (яъни, шишапластиклар, углепластиклар ва органопластиклар) дан фойдаланилганда, конструкциянинг мустаҳкамлиги ва уни зичлантириш муаммоси келиб чиқади. Композицион материаллардан яратилган баллонларнинг зичлантириш

(герметиклигини ошириш) учун зичлантирувчи қатлам (лейнер) дан фойдаланилади. Герметиклигини таъминлаш ва водородни сақлаш бакларининг ишлаш қобилиятини ошириш лейнер қатламининг қалинлигига ва унинг материалига боғлиқдир. Зичлантирувчи (герметиковчы) материал сифатида 12Х18Н10Т русумли зангламайдиган пулатдан, ОТ-4 русумлам титан қотишмаларидан, АМС, АМГ русумли алюминий қотишмаларидан, полимер пардали материаллар (масалан, фолгирланган полиамиддан ва лавсан пардалари) дан фойдаланиш мумкин. Бундай ҳолатларда баллон девори 2 қатламдан иборат бўлади: ички қатлам металдан, ташқи қатлам эса қомпозицион материалдан.

Ҳозирги пайтда АҚШ да турли ўлчамлардаги композицион баллонлар сфера ва цилиндр шаклида ишлаб чиқарилади. Суюқ водород учун экран вакуумли изоляцияланган криоген автомобиль баклари конструкциялари АҚШ да, Японияда ва Олмонияда ишлаб чиқилган эди. Бакнинг сиғими 5 кг водородга мўлжалланган ўлиб, автомобильнинг 300 км йўлни босиб ўтишига бемалол етарлидир. 300 000 км йўл босиши учун бакни 1000 маротаба водород билан тўлдириш керак бўлади.

Экран вакуумли изоляция қилинган криоген бакларнинг нархи 24 дол/л Н<sub>2</sub> ташкил этган (1984 йилдаги нархлар!). Агар ушбу бакларни ишлаб чиқарилиши кенг миқёсда йўлга қўйилса, уларнинг нархи янада 3 маротаба пасайган бўларди.

1 млн Британ иссиқлик бирлиги (0,036 тонна шартли ёқилғи) нинг нархи АҚШ да қўлланиладиган автомобиль бензинидан қўлланилганда 10 долларни, табиий газдан қўлланилганда 6 долларни, водороддан қўлланилганда эса 18 долларни ташкил этаяпти.

Ҳозирги пайтда АҚШ да “Келажак генерацияси” дастури қабул қилинган булиб, унинг мақсади - кенг

миқёсда водород ёқилғисини ишлаб чиқариш имкониятларини исботлаш, 0,036 тонна шартли ёқилғи ишлаб чиқариш нархи 4 доллардан ошмаслиги, иссиқлик ҳосил қилиш қобилияти бензинниги тенглиги ва унга нисбатан 2,5 маротаба арzonлигини исботлашдан иборат.

АҚШ ва Аврупо Иттифоқи водород билан ишлайдиган автомобил двигателлари ишлаб чиқариш, водород ёқилғи ишлаб чиқариш ва қайта тикланадиган энергия манбалардан фойдаланиш мақсадида 3,7 млрд доллардан маблағ ажратганлар.

#### **647. Водород технологиясини ривожлантиришдан асосий мақсад нима?**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, водород технологиясини ривожлантиришдан асосий мақсад – ҳозирги энергия элтувчилар – нефт ва газдан боғлиқликни камайтиришдан иборат. Масалан, ҳозирги пайтда кўпгина мамлакатларда ёқилғи элементларни ва водороддан фойдаланиш технологияларни яратиш йўналишида кенг миқёсда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Австралияда, Канада, Исландия, Италия, Англия, Сингапур ва Японияда миллий дастурлар ва лойиҳаларига водород технологияларини яратиш масалаларини киритганлар. Ёқилғи элементлар билан ишлайдиган транспорт воситаларини ишлаб чиқариш Хитойда, саноат ва коммунал хўжалигида водород технологиясини жорий этиш ишлари Ҳиндистонда амалга оширилмоқда. Россияда водород билан ишлайдиган автомобиллар ва ТУ-155 русумли пассажир самолёти ишлаб чиқарилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, охирги йилларда биомассадан водород олиш технологиясига катта аҳамият берилмоқда.

Водород энергетикасига ўтишнинг асосий шарти – водород асосида ишончли ва самарали ёқилғи элементларни яратишдан иборат. Бундай элементларда кислород ва водород орасида кечадиган реакция туфайли ажралиб чиқадиган кимёвий энергия бевосита электр энергиясига айланади. Ёқилғи элементининг фойдали иш коэффициенти 90 % ни ташкил этиши мумкин. Бу ҳар қандай иссиқлик машинасига нисбатан катта иқтисодий самара демакдир. Чунки иссиқлик машиналарида ёқилғи энергиясининг электр энергиясига айланиш жараёнлари бир неча босқичлардан иборатдир: ёниш жараёнида даставвал иссиқлик ҳосил бўлиб, сўнг у турбина ёки двигателнинг энергиясига айланади ва ундан кейин генератор ёрдамида электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ёқилғи элементларидан кенгроқ фойдаланиб бўлмаяпти, чунки нархи баланд: 1 кВт•соат электр энергияси бир неча минг долларни ташкил этаяпти. Яна битта муаммо – ёқилғи элементларнинг ишлаш давомийлиги (вақти) унча узоқ эмас.

Ҳозирги пайтда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб, сувдан водород олиш истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади. Бу йўналишда кўпгина давлатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, амалий ишлар қилинмоқда.

Шуни алоҳида таъкидаш керакки, водород энергетикасининг ўзига хос экологик муаммолари ҳам йўқ эмас. Водород хавфсиз газ бўлса-да, аммо ёнғинга ва портлашга хавфли ҳисобланади. Юқори ҳароратларда у ўз-ўзидан алангаланиб кетиши мумкин.

Аврупо Иттифоқида водород энергетикасини ўзлаштиришда Исландия ҳаракат қилмоқда. Водород ишлаб чиқариш учун геотермал манбалар энергиясидан ва гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқариладиган

энергиядан фойдаланилади. Аврупо Иттифоқи Исландияга яқин **15-20** йилда водород ёқилғисига үтиши учун **60** млн евро ажратди. **2015** йилда АҚШ да 1 млн дона иссиқлик элементлари билан ишлайдиган автомобиллар ишлаб чиқарилған. Ушбу мақсад учун **5** млрд доллар ажратылған. **2020** йилға бориб, Америка автомобил саноати водород ёқилғисига үтиши мұлжалланмоқда.

### **13.7. Термоядровий энергетика истиқболлари (648-651)**

**648. Термоядровий синтез деб нимага айтилади?**

**649. Термоядровий станцияларнинг ёқилғиси нима?**

Яқин келажақда Атом Электр Станциялари (АЭС) үрнини термоядровий станциялар әгаллаши әхтимолдан узок әмас, чунки улар нисбатан хавфсиз ва экологик нұқтаи назардан тоза энергия манбаи хисобланади.

Агар энергиянинг арzon ва сероб манбалари мавжуд бұлганда әди, бир қатор оламшумул мұаммолар (очарчилик мұаммоси, چұлланиш мұаммоси, ичимлик суви билан таъминлаш мұаммоси, табиий ресурсларнинг камайиб бориши мұаммоси ва шунга үшшаган үнлаб умумбашарий ва минтақавий иқтисодий-ижтимоий ҳамда экологияк мұаммолар) ўз ечимини топған бұларди. Масалан, совук минтақаларда ҳам Ер ости құвурларни тортиб, сунъий ёритгичлар ёрдамида иккى маротаба полиз маҳсулотларини этиштириш мүмкін бўларди. Ёки дengiz тубида эриб кетган нодир металлар (олтин, темир, волfram ва бошқалар) ни қазиб олиш мүмкін бўларди. Ҳозирги пайтда ушбу ишларни амалга оширишининг иложи йўқ, чунки улар катта энергия сарфлашни тақозо этади. Денгиз тубидан қазиб олинадиган олтин унинг ҳозирги баҳосидан ниҳоятда қимматга тушади.

Шуни унугтаслик керакки, энергиянинг энг арzon, экологик тоза ва фойдаланишга қулай тури – Қуёш энергиясидир. Қуёш 5 млрд йилдан бўён ёруғлик бериб келяпти. Ерга эса Қуёш энергиясининг 2 млрд дан бир қисми келиб тушади, қолган қисми коинотда фойдасиз нур сочиб туради. Қуёш водород гази билан “ишлайди”. Водороднинг иккита ядроси ўзаро бирикиши натижасида гелий гази ҳосил бўлади ва катта миқдорда энергия ҳосил бўлади. Бу ҳодисага, термоядровий синтез дейилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, термоядровий станцияларнинг ёқилғиси водород изотоплари – дейтерий ва тритий ҳисобланади. Натижада инерт газ – гелий ва кучли нейтронлар ҳосил бўлади. Нейтронлар реактор қобигини қиздиради. Реактор ичida эса сув қувурлари жойлаштирилган. Сув эса бутга айланади ва ундан катта энергия олиш мумкин.

Қуёшда термоядровий реакцияни сақлаш учун 20 млн градус ҳарорат керак бўлади, чунки у ниҳоятда каттадир. Аммо ушбу синтезни реакцияга кирувчи моддалари етарли бўлмаган Ер шароитида амалга ошириш учун реакторни 100 млн  $^{\circ}\text{C}$  га қиздириш керак бўлади. Плазмани чегараబ турувчи реактор материали бундай юқори ҳарорат таъсирида чидай олмайди. Олимлар ушбу муаммонинг ечимини топишга эришдилар: реактордаги термоядровий плазма (уларни токамаклар дейилади) клеткада магнит куч чизиқлари ёрдамида ушлаб қолинади. Бундай лаборатория токамаклари ёрдамида 100 млн  $^{\circ}\text{C}$  ҳароратни ҳосил қилиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, биринчи маротаба буюк рус олими, Халқаро Нобел мукофоти лауреати, акад. Д.И.Сахаров термоядровий станцияларнинг техник имкониятлари ҳақидаги ғояларни баён қилган эди. Аммо 1938 йили рус олими, акад. И.Е.Тамм ўзининг “Электрик

назарий асослари" китобида плазмани магнит юзалар орқали ушлаб қолиш ғоясини олға сурди ва уни тасвирилаб берди. Кейинчалик плазманинг магнит системалар орқали ушлаб қолиш ҳолатлари чизиқсимон эмаслиги исботланди, яъни плазма ниҳоятда мураккаб система бўлиб, уни оддий тенгламалар билан изоҳлаш қийинлиги маълум бўлди. 1968 йилда рус олимлари, акад. Кадомцев ва Л.А.Арсимович реактор қуришда энг қулай йўл токамак қуриш эканлиги ҳақидаги ғояни олға сурдилар. 1970 йилга келиб, жаҳон миқёсида тажрибавий токамаклар қуриш ишлари бошланиб кетди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, токамак – бу бубликка ўхшаган вакуумли камера бўлиб, унга юқори қувватли магнит майдони яратилади. Биринчи маротаба йирик токамак Россияда, бир ҳафтадан кейин эса АҚШ да яратилди. Кейинчалик Япония, Аврупо мамлакатлари, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндустон ва Эрон токамак қуришга киришдилар.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, термоядервий станцияни қуриш ниҳоятда катта маблағни талаб этади ва ҳар қандай мамлакат (ва ҳатто ривожланган мамлакат ҳам!) якка тартибда уни қуролмайди. Ҳозирги пайтга келиб, термоядервий станцияларни яратиш ва тадқиқ этиш муаммоларига 30 млрд АҚШ доллари сарфланди. Шундан 15 млрд доллари АҚШ улушига тўгри келади.

Токамаклар – бу ниҳоятда йирик лаборатория қурилмалари бўлиб, уларнинг ҳар бири млрд доллар туради ва 16 МВт термоядервий қувватни бериш қобилиятига эга. Ҳозирги пайтда Россия ФА И.В.Курчатов номидаги атом энергияси институтида Т-10 ва Т -15 русумли 2 та мана шундай токамаклар үрнатилган. Т - 15 русумли токамак бўлғуси реакторнинг модели бўлиб, унда дунёда йирик ўта ўтказувчан система үрнатилгандир. Аммо

“Умумий физика” курсидан маълумки, ўта ўтказувчаник ҳодисаси космик ҳароратларгача совутишни талаб қиласди. Бу эса катта маблагни талаб этади. Хона ҳароратида магнит майдонини яратиш катта исрофгарчиликларга сабабчи бўлади ва реакторнинг фойдали иш коэффициенти (ФИК) ниҳоятда кичик бўлади. Шунинг учун исрофларни камайтириш мақсадида реактор юзасидаги ўтказгичлар космик ҳарорат (-270 °C) гача совутилади. Реактор ичидағи ҳарорат эса млн °C ни ташкил этади.

Магнит майдонида плазманинг ночизиқий ҳолатларини тадқиқ этиш ишлари 25 йил давом этди ва бу ишларга 30 млрд доллар сарфланди.

1978 йили рус олими, акад. Е.П.Велихов биринчи кўргазмали реакторни Халқаро ҳамжиҳатлиқда қуриш ғоясини ўртага ташлади. Реакторни лойиҳалаш ишлари қарийб 10 йил (1998 йилгача) давом этди. 1986 йилда Женевада Халқаро тажрибавий термоядровий реакторни қуриш учун қарор қабул қилинди. Бунда Россия, Япония, АҚШ, Канада ва бирлашган Аврупо мамлакатлари қатнашдилар. Материалшунослик ва ўта ўтказувчаник соҳаларида янги ютуқларга эришилганлиги учун ҳозир Қозогистон ҳам ушбу лойиҳага киритилган. 1998 йилга келиб реактор тулиқ электрон шаклида қурилди. Лойиҳа бўйича реакторнинг вакуумли камерасининг баландиги 3 қаватли уйга teng бўлиб, 14 метрни ташкил этади. Япон олимлари мураккаб роботлар системасини яратдилар. Роботлар реактор ичига кириб, қоплама элементларини алмаштиради (чунки радиоактивлик туфайли унинг ичидаги одам ишлами хавфлидир). Роботнинг функцияси – реактор қопламаси элементларини кесиб олиш, реактордан ташқарига чиқариш, янги элементни ўрнатиш ва узатиш қувурларига пайвандлашдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, охирги 20 йил давомида АҚШ термоядервий энергетик қурилмалари билан қизиқмай қўйди ва 1975 йилдан бошлаб биронта ҳам ядервий қурилма қурилмади. Дунёда нефтнинг нархи ошиб бораётган бир пайтда энергетик муаммолар бирин-кетин келиб чиқаверди. Шунинг учун яқин 20 йил давомида АҚШ да 1300 та электр станциялар қуриш мўлжалланмоқда.

### **650. Йилига термоядервий реакторда қанча ядервий модда сарфланиши мумкин?**

### **651. Нима учун термоядервий станциялар АЭС ларга нисбатан млн маротаба хавфсиз саналади?**

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, йилига термоядервий реакторда 1 кг дейтерий ва 1 кг тритий сарфланади. Демак, 2 кг моддадан сарфлаб, битта шаҳар аҳолисини бир йил электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш мумкин. Агар 1 г уран – 234 дан 3 тонна кўмирни ёндириб оладиган энергия миқдорига teng бўлган энергия олиш мумкин бўлса, 1 г термоядервий ёқилғидан 100 тонна кўмирни ёндириб олинадиган энергия миқдорига teng бўлган энергия олиш мумкин.

Термоядервий реактор лойиҳасини тайёрлагандан кейин, уни қуриш жойи аниқланиши керак. Реакторни қуриш учун эса 4 млрд доллар ажратилади. Ҳозир Канада мана шу реакторни қуриш учун ҳаракат қиляпти, чунки унинг худудида атом энергетикасининг чиқиндилари ва термоядервий реакция ёқилғиси ҳисобланмиш тритий ҳаддан ташқари кўп тўпланиб қолган. Келгусида термоядервий реакторнинг ўзи тритий ишлаб чиқаради: нейтронлар литий элементини нурлантиради, натижада тритий ҳосил бўлади. Демак, бу ердан шундай хулоса чиқариш мумкинки, термоядервий станциялар тритий

ишлиб чиқарып, экологик муаммоларни ҳам ечиш қобилиятига эга.

2010 йил дастлабки плазма олинди. Шуни инобатга олиш керакки, термоядровий реактор электр станцияси эмас, у фақат термоядровий қувват ишилб чиқаради. 10 йилдан кейин биринчи термоядровий станциянинг лойиҳалаш ишлари бошланади. Фақат 2050 йилга бориб, биринчи кургазмали электр станцияси қурилиб, ундан 200 ГВт (тигаватт!) қувват олинади. Бу эса Россиядаги барча электр станцияларнинг умумий қувватига тенгdir!

Шуни ҳам унутмаслик керакки, термоядровий станциялар АЭС лардан млн маротаба хавфсиз саналади. Чунки агар термоядровий реактор қопламасига ниҳоятда кичик тирқишча пайдо бўлгудек бўлса, реактор бир неча миллисония вақт давомида ўчиб қолади. Реакторнинг ичиди вакуум булиб, реакцияга кирувчи 100 млн °C гача қиздирилган модданинг миқдори ҳаммаси булиб, миллиграммни ташкил этади. Аммо атом электр станцияларида мана шундай тирқишча пайдо бўладиган бўлса, ўша заҳоти, бир лаҳзада портлаш юз беради. Шунинг учун термоядровий реакторнинг радиоактив ифлосланиш потенциали атом электр станциясига нисбатан млн маротаба кичикdir.

Маълумки, ядро энергетикасида уран ядроси парчаланиб, сезий ва нодир газлар ҳосил бўлади. Аммо термоядровий реакторларда радиоактив чиқиндилар бўлмайди, чунки реакторнинг ички қисми нейтронлар билан нурлантирилади. Реактордан роботлар ёрдамида олиб чиқарилган ёки алмаштирилган элементлар (материаллар) нинг ички нурлантириш фаоллиги йўқ бўлгунга қадар 10 йилгacha сақланиб, кейин қайта ишлаш учун юборилади. Улар ўзларидан кам нур чиқаради, чунки барча радиоактивликлар ички қисмида бўлади.

## **Тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Узбекистон, 1997 (110-134 бетлар: Экологик муаммолар; 227-252 бетлар: Жуғрофий – стратегик имкониятлар ва табиий хом-ашё ресурслари).
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Узбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: “Узбекистон”, 2016.-566.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси булиши керак. Мамлакатимизни 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг 2017-йил, 14-январдаги кентайтирилган мажлисидаги маъруза. Т.: “Узбекистон”, 2017.-1046.
4. Узбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишининг ҳолати түғрисида миллий маъruzalар (2002-2008 йй.) Т.: Чинор ЭНК, 2002-2009.
5. Эргашев А. Умумий экология. Тошкент.: Ўқитувчи, 2003. -464б.
6. Эргашев А., Эргашев Т. Экология, биосфера ва табиатни муҳофaza қилиш. Тошкент.: Янги аср авлоди, 2005.-436 б.
4. Қудратов О. Саноат экологияси. Тошкент.: Тош Т ва ЕСИ, 1999.
5. Холмуминов Ж. Экология ва қонун. Тошкент. Адолат, 2000, -352б.
6. Атроф табиий муҳитни муҳофaza қилиш. Қонунлар ва норматив хужжатлар. Тошкент.: Адолат, 2002.
7. Родионов А.И., Клушин В.Н., Систер В.Г.

Технологические процессы экологической безопасности. Основы энвайронменталистики – Калуга.: Издательство Н. Бочкаревой, 2000.

8. Туробжонов С.М., Турсунов Т.Т., Пулатов Х.Л. Оқова сувларни тозалаш технологияси. Тошкент.:Мусиқа, 2010. – 256 б.

9. Туробжонов С.М., Ниёзова М.М., Турсунов Т.Т., Пулатов Х.М. Саноат чиқиндиларини рекуперация қилиш технологияси. Тошкент.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2011.- 184 б.

10. Мусаев М.Н. Саноат чиқиндиларини тозалаш технологияси асослари.Тошкент.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2011. -500 б.

11. Туробжонов С.М., Турсунов Т.Т., Адилова К.М Атроф-муҳит кимёси. Тошкент.:Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.- 176 б.

12. Ғуломов М.И. Ҳозирги замон экологияси. Бухоро.: Зиё-Ризограф, 2009.- 188 б.

13. Турсунов Х.Т. Экология ва барқарор ривожланиш.Ўқитувчилар учун услубий қўлланма. Тошкент.: Мехридарё, 2009.- 124 б.

14. Фатоев И.И., Файзиев А.Ф. Экология. Саволлар ва жавоблар. Ўқув қўлланма. Бухоро.: Зиё-Ризограф, 2005. -178с.

15. Фатоев И.И., Мавлянов Х.Н. Саноат экологияси. Ўқув қўлланма. Бухоро.: Зиё-Ризограф, 2006. -168 б.

16. Фатоев И.И. Саноат экологияси. Ўқув-услубий мажмua. Бухоро. БухМТИ. 2012.-332б.

17. Абирқулов Қ.Н., Ҳожиматов А.Н., Ражабов Н.Р. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Тошкент.:Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамгармаси нашриёти, 2004. - 128б.

18. Рафиқов А.А., Абирқулов Қ.Н., Ҳожиматов А.Н. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. Тошкент.:Ўзбекистон

ёзувчилар уюшмаси. Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004. - 128б.

19. Sultonov P. Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish asoslari. T.: "Musiqa" nashriyoti, 2007. -238б.

20. Ayubova I.X., Musayev M.N., Jamgaryan I.A. Atrof-muhit sifat analizi va monitoring. T.: Cho'lpox nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011.-256б.

21. Shamsiddinova G.D., Karimova D.A. Kimyoviy ekologiya. T.: "Fan va texnologiya" nashriyoti, 2010.-236б.

22. Sattorov Z.M. Ekologiya. T.: "Standart" nashriyoti, 2018.-260б.

23. Sattorov Z.M. Qurilish ekologiyasi. T.: "Standart" nashriyoti, 2017.-364б.

24. Xo'janazarov O'E., Yakubjonova Sh.T. Ekologiya va tabiatni muhofaza qilish. T.: "Barkamol fayz media" nashriyoti, 2018.- 208б.

25. Калыгин В.Г. Промышленная экология. Курс лекции. Москва.: МНЭПУ. 2000.

26. Васильев Ю.С., Хрисанов Н.И. Экология использования возобновляющихся энергоисточников. Л.: Изд. ЛГУ, 1991.-343с.

### Интернет сайлари

1.БМТ жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилоти сайти.  
Иқлим ўзгариши тұғрисидаги ахборотлар сайты:

[http://www.who.int/features/factfiles/climate\\_change/ru/index.html](http://www.who.int/features/factfiles/climate_change/ru/index.html).

<http://www.wwf.ru/climate/>.

[http://www.wwf.ru/about/what\\_we\\_do/climate/climate\\_skeptic/](http://www.wwf.ru/about/what_we_do/climate/climate_skeptic/).

2. Тикланадиган энергия манбалари тұғрисидаги ахборотлар сайты; DIERET International Network for Sustainable Energi "INFORSEUROPE". Авторы курса: Емиль Бәди, Гуннар Бойе, Ольсен, Раймонд Майлс. Русская версия

подготовлена агентством по возобновляемой энергетике (Украина). <http://www.ekomuseum.kz//dieret.html/>.

3. Экологически чистая энергия; проблемы и решения, экономические перспективы. Электронный журнал "ejournal USA". Государственный департамент США. ( июль 2006 года, Том 11. номер 2.)

4. Сув муаммолари тұғрисидеги ахборотлар - БМТ нинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти сайтида:

<http://www.who.int/features/factfilts/water/ru/index/html/>.

5. Чүлланиш тұғрисида тұлық ахборот: Центральная Азия. Проблемы опустынивания: <http://www.deserts/narod.ru/>.

6. "Твёрдые бытовые отходы" – илмий амалий журнал: <http://www.Solid waste.ru>.

7. Чиқиндилярни қайта ишлеш порталаи: <http://www.new-garbage.com/>.

8. Переработка пластиковых отходов: [www.cleandex.ru](http://www.cleandex.ru).

9. Янада тоза ишлаб чиқариш сайты: <http://www.epnis.carec.kz/water>.

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси сайти: [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz).

## МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА .....	4
I-БОБ. «ЭКОЛОГИЯ» ФАНИ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	7
1.1.«ЭКОЛОГИЯ» ФАНИ, УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН.....	7
БОГЛИҚЛИГИ (1-20).....	7
1.2. ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ (21-24) .....	23
1.3. МУҲИТ, МУВОЗАНАТ ВА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР (25-38).....	26
1.4. БИОСФЕРА, УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ ВА ЧЕГАРАЛАРИ. НООСФЕРА ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ (39-49).....	34
1.5. ФОТОСИНТЕЗ ЖАРАЁНИ ВА УНИНГ БИОСФЕРАДАГИ ЎРНИ (50, 51).....	45
1.6.АТМОСФЕРА ҲАВОСИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА МОҲИЯТИ (52-55).....	47
II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ.....	50
2.1. ЭКОЛОГИЯ ҚОНУNLАРИ (56) .....	50
2.2. ЭКОЛОГИЯ ВА ҲАДИСЛАР (57) .....	52
2.3. “АВЕСТО” КИТОБИНИНГ ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ (58-61) ...	55
2.4. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК ҚАРАШЛАРИ (62-66) .....	60
2.5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТИЗИМИ ВА ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ (67-75) .....	71
2.6. ИНСОН ОМИЛИНИНГ ТАБИИЙ МУҲИТГА ТАЪСИРИ (76) 80	
III-БОБ. УМУМБАШАРИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР.....	85

3.1.АТМОСФЕРА ҚАТЛАМЛАРИ ВА УЛАРНИГ ТАВСИФНОМАЛАРИ (77-82).....	85
3.2. ОЗОН ҚОБИГИ, УНИНГ ЕРДА ҲАЁТНИ САҚЛАШДАГИ ҮРНИ, ЕМИРИЛИШ САБАЛЛАРИ ВА АСРАШ ЙЎЛЛАРИ (83-87).....	88
3.3. ИССИҚХОНА САМАРАСИ ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ (88-96) .....	92
3.4. КИСЛОТАЛИ ёМФИРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОСИЛ ..... БЎЛИШ САБАЛЛАРИ (97-103) .....	100 100
IV-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИГ ИФЛОСЛАНИШИ ВА УНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИ.....	108
4.1. АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ВА УНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР (104-106). ....	108
4.2.АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИГ ИФЛОСЛАНИШИГА АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ УЛУШЛАРИ (107-111)..	111
4.3.АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИГ ИФЛОСЛАНИШ ДАРАЖАСИ (112-121).....	115
4.4.АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ ИНСОНГА, ЎСИМЛИКЛАР ВА ҲАЙВОНОТ ОЛАМИГА ТАЪСИРИ (122-132) .....	121
4.5. АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ СУВГА ВА ИҚЛИМГА ТАЪСИРИ (133-136) .....	132
4.6.АТМОСФЕРА ҲАВОСИ ИФЛОСЛАНИШИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЗАРАРЛАРИ (137-141) .....	134
4.7.АТМОСФЕРА ҲАВОСИННИГ ТАБИИЙ ТОЗАЛАНИШИ ВА УНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИRLАР (142-144).....	138
V-БОБ. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ.....	144
5.1. ҲАВОНИ ЧАНГДАН ТОЗАЛАШНИНГ МАҶСАДЛАРИ, УСУЛЛАРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ (145-159).....	144

5.2.ЧАНГ ЧҮКТИРИШ КАМЕРАЛАРИ, УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ (160-166) .....	155
5.3.ЦИКЛОНЛАР, УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ (167-173).....	160
5.4.СКРУББЕРЛАР, УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ (174-177).....	165
5.5. ФИЛТРЛАР ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ (178-180) .....	168
5.6. ТҮРЛИ ФИЛТРЛАР (181, 182).....	169
5.7. ТҮҚИМАЛИ (ЕНГЛИ) ФИЛТРЛАР (183,184) .....	172
5.8. ЭЛЕКТР ФИЛТРЛАРИ, УЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ ВА КАМЧИЛИКЛАРИ (185-187).....	174
5.9.АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ АДСОРБЦИЯ УСУЛИДА ТОЗАЛАШ. СОРБЦИЯ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ (188-195).....	177
5.10.СИЛИКАГЕЛЛАР, УЛАРНИНГ ГОВАКЛИГИ, ХОССАЛАРИ, ҚҰЛЛАНИЛИШИ ВА АСОСИЙ КАМЧИЛИГИ (196-201).....	183
5.11.АЛЮМОГЕЛЛАР, ЦЕОЛИТЛАР ВА ИОНИЛЛАР. УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ, ХОССАЛАРИ ВА ҚҰЛЛАНИЛИШИ (202-210).....	185
5.12.АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ АБСОРБЦИЯ УСУЛИДА ТОЗАЛАШ. ХЕМОСОРБЦИЯ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ (211-213) ...	188
5.13. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (214-220).....	191
VI- БОБ. ЛИТОСФЕРАНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ .....	195
6.1.ТУПРОҚНИНГ МУХИТ СИФАТИДАГИ АҲАМИЯТИ (221-227) .....	195
6.2.ТУПРОҚНИНГ ШАМОЛ ТАЪСИРИДА ЭРОЗИЯГА УЧРАШИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ (228-231) .....	198
6.3.ТУПРОҚНИНГ СУВ ТАЪСИРИДА ЭРОЗИЯГА УЧРАШИШИ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЙЎЛЛАРИ (232, 233) .....	202

6.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ЕРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ (234-248) .....	205
6.5. ЭКОЛОГИК ТОЗА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭТИШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ (249 - 251).....	212
6.6. МИНЕРАЛ ЎГИТЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ (252-262) .....	216
6.7. БИОГЕН ЭЛЕМЕНТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ УЧУН АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ (263-269) .....	221
6.8. КУЛНИНГ ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ (270 - 274).....	227
6.9. ПЕСТИЦИДЛАР ВА НИТРАТЛАР МУАММОСИ (275 - 284) ....	231
6.10. МУХИТНИНГ ВОДОРОД КЎРСАТКИЧИ ВА УНИНГ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ (285-292) .....	242
<b>VII – БОБ. ГИДРОСФЕРА. СУВ ЗАҲИРАЛАРИ .....</b>	<b>251</b>
7.1. ГИДРОСФЕРА ВА СУВ ЗАҲИРАЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ (293-298) .....	251
7.2. СУВНИНГ БИОСФЕРА ВА ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ (299-311).....	253
7.3. СУВНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ ВА ТАВСИФЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРИ (312-327).....	261
7.4. СУВЛАРНИНГ ТАСНИФИ (328-334) .....	268
7.5. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАТИЛАДИГАН СУВЛАР (335, 336) .....	271
7.6. САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА СУВ ТАЪМИНОТИНИНГ АЙЛАНМА ВА БЕРК СИСТЕМАСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ (337-346).....	272
7.7. САНОАТ КОРХОНАСИ СУВ ҲЎЖАЛИГИНИНГ БЕРК СИСТЕМАСИ (347-352) .....	279
<b>VIII-БОБ. ОҚОВА СУВЛАР, УЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ТАСНИФИ.....</b>	<b>281</b>
8.1. СУВНИНГ СИФАТИ ВА ОҚОВА СУВЛАРНИНГ ТУРЛАРИ	

(353,354) .....	281
8.2. НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ИФЛОСЛАНГАН ОҚОВА СУВЛАР (355-363) .....	282
8.3.ОҚОВА СУВЛАРДАГИ МАЙДА ДИСПЕРСЛИ ЗАРРАЧАЛАРНИНГ ЎЛЧАМИГА ҚАРАБ, УЛАРНИ ТАСНИФИ (364, 365) .....	289
8.4. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ОҚОВА СУВЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ (366 - 368). ....	291
IX-БОБ. ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ.....	296
9.1. ОҚОВА СУВЛАРНИ МАЙДА ДИСПЕРСЛИ ВА КОЛЛОИД ЗАРРАЧАЛАРДАН ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ (369-371) .....	296
9.2. ОҚОВА СУВЛАРНИ МЕХАНИК ТОЗАЛАШ УСУЛИ (372,373) .....	298
9.3. ОҚОВА СУВЛАРНИ ҚУМ УШЛАГИЧЛАР ВА ЁҒ УШЛАГИЧЛАР ЁРДАМИДА ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ (374-382)....	300
9.4. ОҚОВА СУВЛАРНИ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ УСУЛИ (383-397).....	305
9.5. ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШНИНГ КИМЁВИЙ УСУЛИ (398-410) .....	317
9.6. ОҚОВА СУВЛАРНИ БИОЛОГИК ТОЗАЛАШ УСУЛИ (411- 433) .....	323
9.7. ОҚОВА СУВЛАРНИ ЭРИГАН ОРГАНИК МОДДАЛАРДАН ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ (434-443) .....	334
9.8.ОҚОВА СУВЛАРНИ ЭРИМАГАН АНОРГАНИК МОДДАЛАРДАНТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ (444,445) .....	336
9.9. СУВГА МАҲСУС ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛЛАРИ СУВНИ ХЛОРЛАШ УСУЛИ (446-450).....	339
9.10. СУВНИ ФТОРЛАШ УСУЛИ (451,452).....	344
9.11. СУВНИ ОЗОНЛАШ УСУЛИ (453,454).....	346
9.12. СУВГА УЛТРАБИНАФША НУРЛАРИ БИЛАН .....	347

ИШЛОВ БЕРИШ УСУЛИ (455-458) .....	347
9.13. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ИФЛОСЛАНИШДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР (459-462) .....	349
9.14. СУВ ЗАҲИРАЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ (463-470) .....	354
9.15. АРНАСОЙ КЎЛЛАРИДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР (471, 472) .....	360
9.16. САРЕЗ КЎЛИДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР (473,474)....	363
Х - БОБ. ТАБИИЙ РЕСУРСЛАР. ЧИҚИНДИСИЗ ВА КАМ ЧИҚИНДИЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР .....	366
10.1. ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ ТАСНИФИ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ (475 - 481).....	366
10.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МИНЕРАЛ ХОМ- АШЁ РЕСУРСЛАРИ (482-495) .....	372
10.3. МИНЕРАЛ ХОМ-АШЁ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ (496 - 515).....	385
10.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ВА АТРОФ - МУҲИТ МУХОФАЗАСИ (516-521).....	395
10.5. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА МУАММОЛАРИ (522-529).....	403
10.6. БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ (530-534) .....	411
10.7. ЧИҚИНДИСИЗ ВА КАМ ЧИҚИНДИЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР (535-548).....	417
10.8. ЧИҚИНДИСИЗ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ (549,550).....	424
10.9. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК САМАРАЛИ ЧИҚИНДИЛАРИДАН МАҲСУЛОТЛАРИ ФОЙДАЛАНИШ	

ИСТИҚБОЛЛАРИ (551,552).....	426
ХІ-БОБ. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА ВА ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ .....	429
11.1.ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ ВА УНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ (553-559) .....	429
11.2. ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ, ЎТКАЗИШ, ҲУЖЖАТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР ВА УНИНГ ХУЛОСАЛАРИ (560-579) .....	433
11.3. ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ (580 - 584) .....	446
XII - БОБ. БИОГАЗ ВА БИОГУМУС ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ .	449
12.1.ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОСИНинг ДОЛЗАРБЛИГИ (585-592) .....	449
12.2.ХОМ-АШЁНИ МЕТАНЛИ АЧИТИШ (БИЖФИШ) ТЕХНОЛОГИЯСИ (593 – 610) .....	460
12.3. БИОМАССАДАН ЭНЕРГИЯ ОЛИШ .....	479
ТЕХНОЛОГИЯСИ (611-614).....	479
12.4. ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ ЭКОЛОГИК ИЛМИЙ АСОСЛАРИ (615).....	485
12.5.ЧИҚИНДИЛАРНИ ҚҮЁШ НУРЛАРИ ЁРДАМИДА МЕТАНЛИ АЧИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ (616 - 619).....	490
12.6.БИОГАЗ ВА БИОГУМУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНинг КЕЛАЖАҚДАГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ (620-625).....	496
XIII - БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГИЯЛАР ПОТЕНЦИАЛИ.....	505
13.1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚҮЁШ ЭНЕРГИЯСИ ПОТЕНЦИАЛИ (626-628) .....	505
13.2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАМОЛ	

ЭНЕРГИЯСИ ПОТЕНЦИАЛИ (629 - 631) .....	510
13.3. ТҮЛҚИНЛАР ЭНЕРГИЯСИ (632).....	518
13.4. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ГЕОТЕРМАЛ ВА ПЕТРОТЕРМАЛ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИ ПОТЕНЦИАЛИ (633 - 635).....	520
13.5.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА УЙ-РЎЗГОР ВА МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР РЕСУРСЛАРИ ПОТЕНЦИАЛИ (636- 642).....	526
13.6.ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ВОДОРОД ЭНЕРГИЯСИ ПОТЕНЦИАЛИ (643 - 647) .....	537
13.7. ТЕРМОЯДРОВИЙ ЭНЕРГЕТИКА ИСТИҚБОЛЛАРИ (648- 651).....	545
ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР .....	551
ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ .....	553
<b>ДАРСЛИК .....</b>	<b>576</b>

## СОДЕРЖАНИЕ

Введение .....	4
ГЛАВА I. ОСНОВНЫЕ ВОПРОСЫ НАУКИ "ЭКОЛОГИЯ" И ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ.....	7
1.1.С НАУКОЙ" ЭКОЛОГИЯ", ЕЕ КОМПОНЕНТАМИ, НАЗНАЧЕНИЕМ, ФУНКЦИЯМИ И ДРУГИМИ НАУКАМИ .....	7
Крепежные детали (1-20).....	7
1.2. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ (21-24).....	23
1.3.ОКРУЖАЮЩАЯ СРЕДА, БАЛАНС И ФАКТОРЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ (25-38).....	26
1.4. БИОСФЕРА, ЕЕ КОМПОНЕНТЫ И ГРАНИЦЫ. ИНФОРМАЦИЯ О НООСФЕРЕ (39-49).....	34
1.5. ПРОЦЕСС ФОТОСИНТЕЗА И ЕГО РОЛЬ В БИОСФЕРЕ (50, 51).....	45
1.6.АТМОСФЕРНЫЙ ВОЗДУХ, ЕГО СОСТАВ И СУЩНОСТЬ (52- 55).....	47
ГЛАВА II. СИСТЕМА ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И.....	50
ЗАКОНОДАТЕЛЬНАЯ БАЗА.....	50
2.1. ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ПРАВО (56).....	50
2.2. ЭКОЛОГИЯ И ХАДИСЫ (57).....	52
2.3. ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КНИГИ "АВЕСТО" (58-61)	55
2.4.ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ МЫСЛИТЕЛЕЙ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ (62-66).....	60
2.5. СИСТЕМА ОХРАНЫ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЗАКОНОДАТЕЛЬНАЯ БАЗА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (67- 75).....	71
2.6. ВЛИЯНИЕ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО ФАКТОРА НА ПРИРОДНУЮ СРЕДУ (76).....	80
ГЛАВА III. УНИВЕРСАЛЬНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ	
3.1.АТМОСФЕРНЫЕ СЛОИ И ИХ ОПИСАНИЯ (77-82).....	85

3.2. ОЗОНОВАЯ ОБОЛОЧКА, ЕЕ РОЛЬ В СОХРАНЕНИИ ЖИЗНИ НА ЗЕМЛЕ, ПРИЧИНЫ ПОГЛОЩЕНИЯ И ПУТИ СОХРАНЕНИЯ (83-87).....	88
3.3. ПАРНИКОВЫЙ ЭФФЕКТ И ЕГО НЕГАТИВНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ (88-96).....	92
3.4. КИСЛОТНЫЕ ДОЖДИ И ИХ УРОЖАЙНОСТЬ ПРИЧИНЫ БЫТЬ (97-103).....	100
ГЛАВА IV. ЗАГРЯЗНЕНИЕ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА И ЕГО НЕГАТИВНЫЕ ПОСЛЕДСТВИЯ.....	108
4.1. АТМОСФЕРНЫЙ ВОЗДУХ И ИСТОЧНИКИ ЕГО ЗАГРЯЗНЕНИЯ (104-106).....	108
4.2.ДОЛЯ АВТОТРАНСПОРТА В ЗАГРЯЗНЕНИИ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА (107-111).....	111
4.3.УРОВЕНЬ ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА (112-121).....	115
4.4.ВЛИЯНИЕ ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА НА ЧЕЛОВЕКА, РАСТЕНИЯ И ЖИВОТНЫЙ МИР (122-132).....	121
4.5. ВЛИЯНИЕ ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА НА ВОДУ И КЛИМАТ (133-136).....	132
4.6.ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОТЕРИ ОТ ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА (137-141).....	134
4.7.МЕРОПРИЯТИЯ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ЕСТЕСТВЕННУЮ ОЧИСТКУ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА И ЕГО ОХРАНУ (142-144).....	138
ГЛАВА V. МЕТОДЫ ОЧИСТКИ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА 144	
5.1.ЦЕЛИ, МЕТОДЫ, СРЕДСТВА И ТЕХНИКО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ОБОСНОВАНИЯ ПЫЛЕУДАЛЕНИЯ ВОЗДУХА (145-59).....	144
5.2.КАМЕРЫ ПЫЛЕПОДАВЛЕНИЯ, ИХ ПРЕИМУЩЕСТВА И НЕДОСТАТКИ (160-166).....	155
5.3.ЦИКЛОНЫ, ИХ ПРЕИМУЩЕСТВА И НЕДОСТАТКИ (167-173).....	160
5.4.СКРУББЕРЫ, ИХ ПРЕИМУЩЕСТВА И НЕДОСТАТКИ (174-177).....	165
5.5. ФИЛЬТРЫ И ИХ ТИПЫ (178-180).....	168

5.6. СЕТЧАТЫЕ ФИЛЬТРЫ (181, 182).....	169
5.7. ТЕКСТУРИРОВАННЫЕ (ШИРОТНЫЕ) ФИЛЬТРЫ (183,184) .....	172
5.8. ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ ФИЛЬТРЫ, ИХ ПРЕИМУЩЕСТВА И НЕДОСТАТКИ (185-187).....	174
5.9.ОЧИСТКА АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА АДСОРБЦИОННЫМ МЕТОДОМ. ИНФОРМАЦИЯ О СОРБЦИИ (188-195).....	177
5.10.СИЛИКАГЕЛИ, ИХ ПОРИСТОСТЬ, СВОЙСТВА ,ПРИМЕНЕНИЕ И ОСНОВНОЙ НЕДОСТАТОК (196-201).....	183
5.11.АЛЮМОГЕЛИ, ЦЕЛЛЮЛИТЫ И ИОНИТЫ. ИХ ВИДЫ, СВОЙСТВА И ПРИМЕНЕНИЕ (202-210).....	185
5.12.ОЧИСТКА АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА АБСОРБЦИОННЫМ МЕТОДОМ. ИНФОРМАЦИЯ О ГЕМО-СОРБЦИИ (211-213).....	188
5.13. ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА (214-220).....	191
ГЛАВА VI. ЗАЩИТА ЛИТОСФЕРЫ.....	195
6.1.ЗНАЧЕНИЕ ПОЧВЫ В КАЧЕСТВЕ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ (221-227).....	195
6.2.СПОСОБЫ БОРЬБЫ С ЭРОЗИЕЙ ПОЧВЫ ПОД ВОЗДЕЙСТВИЕМ ВЕТРА И БОРЬБЫ С НЕЙ (228-231).....	198
6.3.СПОСОБЫ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ЭРОЗИИ ПРИ ВОДНОМ ВОЗДЕЙСТВИИ ПОЧВЫ И БОРЬБЫ С НЕЙ (232, 233).....	202
6.4. ЗЕМЛИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ИХ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ (234-248).....	205
6.5.ЭФФЕКТИВНЫЕ СПОСОБЫ ВЫРАЩИВАНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТОЙ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ (249-251).....	212
6.6. ЗНАЧЕНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ (252-262).....	216
6.7.БИОГЕННЫЕ ЭЛЕМЕНТЫ И ИХ ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ЖИВЫХ ОРГАНИЗМОВ (263-269) .....	221
6.8. ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ЗОЛЫ (270-274).....	227

6.9. ПРОБЛЕМА ПЕСТИЦИДОВ И НИТРАТОВ (275-284).....	231
6.10. ВОДОРОДНЫЙ ИНДЕКС ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЕГО ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ (285-292).....	242
ГЛАВА VII. Гидросфера. ЗАПАСЫ ВОДЫ.....	251
7.1. ОБЗОР ГИДРОСФЕРЫ И ВОДНЫХ ЗАПАСОВ (293-298)...	251
7.2. ЗНАЧЕНИЕ ВОДЫ В БИОСФЕРЕ И ОТРАСЛЯХ НАРОДНОГО ХОЗЯЙСТВА (299-311).....	253
7.3. ОСНОВНЫЕ СВОЙСТВА И ОПИСАТЕЛЬНЫЕ ПОКАЗАТЕЛИ ВОДЫ (312-327).....	261
7.4. КЛАССИФИКАЦИЯ ВОДЫ (328-334).....	268
7.5. ВОДЫ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ (335, 336).....	271
7.6. ВНЕДРЕНИЕ СИСТЕМЫ ОБОРОТНОГО ВОДОСНАБЖЕНИЯ И ВОДООТВЕДЕНИЯ НА ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЯХ (337-346).....	272
7.7. СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ПРОМЫШЛЕННЫМ ПРЕДПРИЯТИЕМ ВОДЫ БЕРК (347-352).....	279
VIII CHAPTER. СТОЧНЫЕ ВОДЫ, ИХ ИСТОЧНИКИ, ВИДЫ И КЛАССИФИКАЦИЯ.....	281
8.1. КАЧЕСТВО ВОДЫ И ВИДЫ СТОЧНЫХ ВОД (353 354).....	281
8.2. СТОЧНЫЕ ВОДЫ, ЗАГРЯЗНЕННЫЕ НЕФТЕПРОДУКТАМИ (355-363).....	282
8.3. КЛАССИФИКАЦИЯ МЕЛКИЕ ГРАНУЛЫ, ЧТО ДИСПЕРГИРУЮТСЯ В ПРОТОЧНОЙ ВОДЕ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ИХ РАЗМЕРА (364, 365).....	289
8.4. ИСТОЧНИКИ СТОЧНЫХ ВОД ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ (366 - 368).....	291
ГЛАВА IX. МЕТОДЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД.....	296
9.1. МЕТОДЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД ОТ МЕЛКОДИСПЕРСНЫХ И КОЛЛОИДНЫХ ЧАСТИЦ (369-371).....	296
9.2. СПОСОБ МЕХАНИЧЕСКОЙ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД (372,373).....	298
9.3. СПОСОБЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД ПЕСЧАНЫМИ РУЧКАМИ И РАЗБРЫЗГИВАТЕЛЯМИ (374-382).....	300

9.4. СПОСОБ ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКОЙ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД (383-397).....	305
9.5. ХИМИЧЕСКИЙ МЕТОД ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД (398-410)	
9.6. БИОЛОГИЧЕСКАЯ ОЧИСТКА СТОЧНЫХ ВОД (411-433).....	323
9.7. МЕТОДЫ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД ОТ РАСТВОРЕННЫХ ОРГАНИЧЕСКИХ ВЕЩЕСТВ (434-443).....	334
9.8. СТОЧНЫЕ ВОДЫ НЕРАСТВОРИМЫЕ НЕОРГАНИЧЕСКИЕ ВЕЩЕСТВА МЕТОДЫ ОБЕЗЗАРАЖИВАНИЯ (444,445).....	336
9.9.СПЕЦИАЛЬНЫЕ МЕТОДЫ ОЧИСТКИ ВОДЫ МЕТОД ХЛОРИРОВАНИЯ ВОДЫ (446-450).....	339
9.10. МЕТОД ФЛУОРЕСЦЕНЦИИ ВОДЫ (451,452).....	344
9.11. МЕТОД ОЗОНИРОВАНИЯ ВОДЫ (453,454).....	346
9.12. ВОДА С УЛЬТРАФИОЛЕТОВЫМИ ЛУЧАМИ СПОСОБ ОБРАБОТКИ (455-458).....	347
9.13.МЕРЫ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ЗАЩИТУ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ ОТ ЗАГРЯЗНЕНИЯ (459-462).....	349
9.14.ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ КОНТРОЛЯ ЗА ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ (463-470) 354	
9.15. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ОЗЕР АРНАСОЙ (471, 472) .....	360
9.16. ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ САРЕЗСКОГО ОЗЕРА (473,474).....	363
ГЛАВА X. ПРИРОДНЫЕ РЕСУРСЫ. МЕНЬШЕ ОТХОДОВ И ТЕХНОЛОГИИ ОБРАЩЕНИЯ С ОТХОДАМИ.....	366
10.1.КЛАССИФИКАЦИЯ ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ И СПОСОБЫ ИХ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ (475-481).....	366
10.2.МИНЕРАЛЬНО-СЫРЬЕВЫЕ РЕСУРСЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (482-495).....	372
10.3.ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МИНЕРАЛЬНО - СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ И ПРОБЛЕМЫ ИХ СОХРАНЕНИЯ (496-515).....	385
10.4.ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПОЛЕЗНЫХ ИСКОПАЕМЫХ И ОХРАНА ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (516-521).....	395

10.5.ПРОБЛЕМЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (5252529).....	403
10.6. МЕРЫ ПО ОХРАНЕ БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ (530-534) .....	411
10.7.БЕЗОТХОДНЫЕ И МАЛООТХОДНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ (535-548).....	417
10.8. БАЗОВАЯ ПЕЧАТЬ БЕЗОТХОДНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ (549 550).....	424
10.9.ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОТХОДОВ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ (551,552) .....	426
<b>ГЛАВА XI. ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА И ЭКОЛОГИЧЕСКИЙ МОНИТОРИНГ .....</b>	<b>429</b>
11.1.ГОСУДАРСТВЕННАЯ ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ЭКСПЕРТИЗА И ЕЕ ОСНОВНАЯ ЗАДАЧА (553-559).....	429
11.2.ОРГАНИЗАЦИЯ, ПРОВЕДЕНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ, ТРЕБОВАНИЯ К ДОКУМЕНТАМ И ЕЕ ЗАКЛЮЧЕНИЯМ (560-579).....	433
11.3.МОНИТОРИНГ ОКРУЖАЮЩЕЙ СРЕДЫ И ЕГО ЗНАЧЕНИЕ (580 - 584).....	446
<b>ГЛАВА XII. ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ БИОГАЗА И БИОГУМУСА.....</b>	<b>449</b>
12.1.АКТУАЛЬНОСТЬ ПРОБЛЕМЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ВОЗОБНОВЛЯЕМОЙ АЛЬТЕРНАТИВНОЙ ЭНЕРГЕТИКИ (585-592).....	449
12.2.ТЕХНОЛОГИЯ ФЕРМЕНТАЦИИ (БРОЖЕНИЯ) СЫРЬЯ МЕТАНОМ (593 – 610).....	460
12.3. ПОЛУЧЕНИЕ ЭНЕРГИИ ИЗ БИОМАССЫ Технология (611-614).....	479
12.4. ЭКОЛОГО-НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ОБРАЩЕНИЯ С ОТХОДАМИ ЖИВОТНОВОДЧЕСКИХ И ПТИЦЕВОДЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ (615).....	485
12.5.ТЕХНОЛОГИЯ МЕТАНОВОГО БРОЖЕНИЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СОЛНЕЧНОЙ РАДИАЦИИ (616 - 619)...	490

12.6.ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА БИОГАЗА И БИОГУМУСА (620-225).....	496
ГЛАВА XIII. ПОТЕНЦИАЛ ВОЗОБНОВЛЯЕМЫХ ИСТОЧНИКОВ ЭНЕРГИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	505
13.1. ПОТЕНЦИАЛ СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (626-628).....	505
13.2. ПОТЕНЦИАЛ ВЕТРОЭНЕРГЕТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (629-631).....	510
13.3. ЭНЕРГИЯ ВОЛН (632).....	518
13.4. ПОТЕНЦИАЛ ГЕОТЕРМАЛЬНЫХ И НЕФТЕТЕРМАЛЬНЫХ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (633 - 635).....	520
13.5.ПОТЕНЦИАЛ РЕСУРСОВ БЫТОВЫХ И БЫТОВЫХ ОТХОДОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (636-642).....	526
13.6.ПОТЕНЦИАЛ ВОДОРОДНОЙ ЭНЕРГЕТИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН (643 - 647).....	537
13.7. ПЕРСПЕКТИВЫ ТЕРМОЯДЕРНОЙ ЭНЕРГЕТИКИ (648-651).....	545
РЕКОМЕНДУЕМЫЕ ПУБЛИКАЦИИ.....	551
ИНТЕРНЕТ-САЙТЫ.....	553
Учебник.....	570

## CONTENTS

Introduction.....	4
CHAPTER I. MAIN ISSUES OF " ECOLOGY " SCIENCE AND ENVIRONMENTAL PROTECTION.....	7
1.1.WITH THE SCIENCE OF" ECOLOGY", ITS COMPONENTS, PURPOSE, FUNCTIONS AND OTHER SCIENCES Fasteners (1-20).....	7
1.2. ENVIRONMENTAL PROBLEMS AND THEIR CLASSIFICATION (21-24) .....	23
1.3. ENVIRONMENT, BALANCE AND ENVIRONMENTAL FACTORS (25-38) .....	26
1.4. THE BIOSPHERE, ITS COMPONENTS AND BOUNDARIES. INFORMATION ABOUT THE NOOSPHERE (39-49).....	34
1.5. THE PROCESS OF PHOTOSYNTHESIS AND ITS ROLE IN THE BIOSPHERE (50, 51).....	45
1.6.ATMOSPHERIC AIR, ITS COMPOSITION AND ESSENCE (52-55).47	
CHAPTER II. THE SYSTEM OF PROTECTION OF THE ENVIRONMENT IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND LEGISLATIVE BASIS.....	50
2.1. ENVIRONMENTAL LAW (56).....	50
2.2. ECOLOGY AND HADITHS (57).....	52
2.3. ENVIRONMENTAL SIGNIFICANCE OF THE BOOK " AVESTO "(58-61).....	55
2.4.ENVIRONMENTAL VIEWS OF CENTRAL ASIAN THINKERS (62-66).....	60
2.5. ENVIRONMENTAL PROTECTION SYSTEM AND LEGISLATIVE BASIS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (67-75).....	71
2.6. EFFECT OF HUMAN FACTOR ON NATURAL ENVIRONMENT (76).....	80
CHAPTER III. UNIVERSAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	85
3.1.ATMOSPHERIC LAYERS AND THEIR DESCRIPTIONS (77-82)....	85
3.2. OZONE SHELL, ITS ROLE IN THE PRESERVATION OF LIFE ON EARTH, CAUSES OF ABSORPTION AND WAYS OF PRESERVATION (83-87).....	88
3.3. GREENHOUSE EFFECT AND ITS NEGATIVE EFFECTS (88-96)..	92
3.4. ACIDIC RAINS AND THEIR YIELD REASONS TO BE (97-103)..	100
CHAPTER IV. ATMOSPHERIC AIR POLLUTION AND ITS NEGATIVE EFFECTS.....	108
4.1. ATMOSPHERIC AIR AND ITS SOURCES OF POLLUTION (104-106).....	108
4.2.SHARE OF MOTOR VEHICLES IN ATMOSPHERIC AIR POLLUTION (107-111).....	111
4.3.ATMOSPHERIC AIR POLLUTION LEVEL (112-121).....	115

4.4.THE EFFECT OF ATMOSPHERIC AIR POLLUTION ON MAN, PLANTS AND THE ANIMAL WORLD (122-132).....	121
4.5. EFFECT OF ATMOSPHERIC AIR POLLUTION ON WATER AND CLIMATE (133-136).....	132
4.6.ECONOMIC LOSSES OF ATMOSPHERIC AIR POLLUTION (137- 141).....	134
4.7.MEASURES AIMED AT THE NATURAL PURIFICATION OF ATMOSPHERIC AIR AND ITS PROTECTION (142-144).....	138
<b>VCHAPTER. ATMOSPHERIC AIR PURIFICATION METHODS.....</b>	<b>144</b>
5.1. OBJECTIVES, METHODS, MEANS AND FEASIBILITY STUDIES OF AIR DUST REMOVAL (145-59).....	144
5.2.DUST SUPPRESSION CAMERAS, THEIR ADVANTAGES AND DISADVANTAGES (160-166).....	155
5.3.CYCLONES, THEIR ADVANTAGES AND DISADVANTAGES (167- 173).....	160
5.4.SCRUBBERS, THEIR ADVANTAGES AND DISADVANTAGES (174-177).....	165
5.5. FILTERS AND THEIR TYPES (178-180).....	168
5.6. MESH FILTERS (181, 182).....	169
5.7. TEXTURED (WIDTH) FILTERS (183,184).....	172
5.8.ELECTRICAL FILTERS, THEIR ADVANTAGES AND DISADVANTAGES (185-187).....	174
5.9.CLEANING OF ATMOSPHERIC AIR BY ADSORPTION METHOD. INFORMATION ABOUT SORPTION (188-195).....	177
5.10.SILICAGELS, THEIR POROSITY, PROPERTIES,APPLICATION AND MAIN DRAWBACK (196-201).....	183
5.11.ALUMOGELS, CELLULITES AND IONITES. THEIR TYPES, PROPERTIES AND APPLICATION (202-210).....	185
5.12.PURIFICATION OF ATMOSPHERIC AIR BY ABSORPTION METHOD. INFORMATION ON HEMOSORPTION (211-213).....	188
5.13. LEGAL BASIS OF ATMOSPHERIC AIR CONTROL (214-220)....	191
<b>CHAPTER VI. PROTECTION OF THE LITHOSPHERE.....</b>	<b>195</b>
6.1.THE IMPORTANCE OF SOIL IN THE QUALITY OF THE ENVIRONMENT (221-227).....	195
6.2.WAYS OF SOIL MEETING EROSION UNDER THE INFLUENCE OF WIND AND FIGHTING IT (228-231).....	198
6.3.WAYS TO MEET EROSION IN THE WATER IMPACT OF THE SOIL AND FIGHT IT (232, 233).....	202
6.4. LANDS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND THEIR ECOLOGICAL STATUS (234-248).....	205

6.5.EFFECTIVE WAYS OF GROWING ENVIRONMENTALLY FRIENDLY AGRICULTURAL PRODUCTS (249-251 ).....	212
6.6.THE IMPORTANCE OF MINERAL FERTILIZERS IN AGRICULTURE (252-262).....	216
6.7.BIOGEN ELEMENTS AND THEIR PRACTICAL IMPORTANCE FOR THE DEVELOPMENT OF LIVING ORGANISMS (263-269).....	221
6.8. ENVIRONMENTAL IMPORTANCE OF ASH (270-274).....	227
6.9. THE PROBLEM OF PESTICIDES AND NITRATES (275-284).....	231
6.10. HYDROGEN INDEX OF THE ENVIRONMENT AND ITS PRACTICAL SIGNIFICANCE (285-292).....	242
<b>VIICHAPTER.</b>	<b>Gidrosfera.</b>
RESERVE.....	251
7.1. OVERVIEW OF HYDROSPHERE AND WATER RESERVES (293-298).....	251
7.2.THE IMPORTANCE OF WATER IN THE BIOSPHERE AND NATIONAL ECONOMY SECTORS (299-311).....	253
7.3. THE MAIN PROPERTIES AND DESCRIPTIVE INDICATORS OF WATER (312-327).....	261
7.4. WATER CLASSIFICATION (328-334).....	268
7.5. WATERS USED IN INDUSTRIAL ENTERPRISES (335, 336).....	271
7.6. IMPLEMENTATION OF WATER SUPPLY TURNOVER AND BERK SYSTEM IN INDUSTRIAL ENTERPRISES (337-346).....	272
7.7. INDUSTRIAL ENTERPRISE WATER MANAGEMENT BERK SYSTEM (347-352).....	279
<b>CHAPTER VIII. WASTEWATER, THEIR SOURCES, TYPES AND CLASSIFICATION.....</b>	<b>281</b>
8.1. WATER QUALITY AND TYPES OF WASTEWATER (353,354)...	281
8.2.WASTEWATER CONTAMINATED WITH PETROLEUM PRODUCTS (355-363).....	282
8.3.CLASSIFICATION OF FINE DISPERSIBLE GRANULES IN FLOWING WATER ACCORDING TO THEIR SIZE (364, 365).....	289
8.4. SOURCES OF WASTEWATER IN PRODUCTION ENTERPRISES (366 - 368).....	291
<b>CHAPTER IX. WASTEWATER TREATMENT METHODS.....</b>	<b>296</b>
9.1.METHODS OF PURIFICATION OF WASTEWATER FROM FINE DISPERSION AND COLLOIDAL PARTICLES (369-371).....	296
9.2. WASTEWATER MECHANICAL TREATMENT METHOD (372,373) .....	298
9.3. METHODS OF CLEANING WASTEWATER WITH SAND HANDLES AND SPRINKLERS (374-382).....	300
9.4. WASTEWATER PHYSICO-CHEMICAL TREATMENT METHOD (383-397).....	305

9.5. WASTEWATER TREATMENT CHEMICAL METHOD (398-410)	317
9.6. BIOLOGICAL TREATMENT OF WASTEWATER (411-433).....	323
9.7. WASTEWATER TREATMENT METHODS FROM DISSOLVED ORGANIC MATTER (434-443).....	334
9.8. WASTEWATER INSOLUBLE INORGANIC SUBSTANCES METHODS OF DISINFECTION (444,445).....	336
9.9. SPECIAL WATER TREATMENT METHODS WATER CHLORINATION METHOD (446-450).....	339
9.10. WATER FLUORESCENCE METHOD (451,452).....	344
9.11. WATER OZONIZATION METHOD (453,454).....	346
9.12. WATER WITH ULTRAVIOLET RAYS.....	347
PROCESSING METHOD (455-458).....	347
9.13. MEASURES AIMED AT PROTECTING WATER RESOURCES FROM POLLUTION (459-462).....	349
9.14. LEGAL BASIS FOR THE CONTROL OF WATER RESOURCES (463-470).....	354
9.15. ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN ARNASOY LAKES (471, 472) .....	360
9.16. ENVIRONMENTAL PROBLEMS IN LAKE SAREZ (473,474)....	363
XCHAPTER. NATURAL RESOURCES. WASTE AND LESS WASTE TECHNOLOGY .....	366
10.1. CLASSIFICATION OF NATURAL RESOURCES AND WAYS OF THEIR RATIONAL USE (475-481).....	366
10.2. MINERAL RAW MATERIALS RESOURCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (482-495).....	372
10.3. EFFECTIVE USE OF MINERAL RAW MATERIALS RESOURCES AND PROBLEMS OF THEIR CONSERVATION (496 - 515).....	385
10.4. EFFECTIVE USE OF MINERALS AND ENVIRONMENTAL PROTECTION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (516-521).....	395
10.5. PROBLEMS OF RATIONAL USE OF BIOLOGICAL RESOURCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (5252529).....	403
10.6. MEASURES FOR THE PROTECTION OF BIOLOGICAL RESOURCES (530-534).....	411
10.7. WASTE-FREE AND LOW-WASTE TECHNOLOGIES (535-548).....	417
10.8. BASIC PRINTING OF NON-WASTE TECHNOLOGIES (549,550) .....	424
10.9. PROSPECTS FOR EFFECTIVE USE OF AGRICULTURAL PRODUCTS WASTE (551,552).....	426
CHAPTER XI. ENVIRONMENTAL EXPERTISE AND ENVIRONMENTAL MONITORING.....	429
11.1. STATE ENVIRONMENTAL EXPERTISE AND ITS MAIN OBJECTIVE (553-559).....	429

11.2.ORGANIZATION, CONDUCT OF STATE ENVIRONMENTAL EXPERTISE, REQUIREMENTS FOR DOCUMENTS AND ITS CONCLUSIONS (560-579).....	433
11.3. ENVIRONMENTAL MONITORING AND ITS IMPORTANCE (580 - 584).....	446
CHAPTER XII. TECHNOLOGY OF OBTAINING BIOGAS AND BIOGUMUS.....	449
12.1.RELEVANCE OF THE PROBLEM OF FURTHER DEVELOPMENT OF RENEWABLE ALTERNATIVE ENERGY (585-592).....	449
12.2.TECHNOLOGY OF FERMENTATION (FERMENTATION) OF RAW MATERIALS WITH METHANE (593 – 610).....	460
12.3. OBTAINING ENERGY FROM BIOMASSTechnology (611-614).479	
12.4. ECOLOGICAL SCIENTIFIC BASIS OF WASTE TREATMENT OF LIVESTOCK AND POULTRY ENTERPRISES (615).....	485
12.5.METHANE FERMENTATION TECHNOLOGY USING SOLAR RADIATION (616 - 619).....	490
12.6.FUTURE PROSPECTS OF BIOGAS AND BIOGUMUS PRODUCTION TECHNOLOGY (620-225).....	496
CHAPTER XIII. POTENTIAL OF RENEWABLE ENERGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	505
13.1. SOLAR ENERGY POTENTIAL IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (626-628).....	505
13.2. POTENTIAL OF WIND ENERGY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (629-631).....	510
13.3. WAVES ENERGY (632).....	518
13.4. POTENTIAL OF GEOTHERMAL AND PETROTERMAL ENERGY RESOURCES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (633 - 635).....	520
13.5.POTENTIAL OF HOUSEHOLD AND HOUSEHOLD WASTE RESOURCES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (636-642).....	526
13.6.POTENTIAL OF HYDROGEN ENERGY IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (643 - 647).....	537
13.7. PROSPECTS OF THERMONUCLEAR ENERGY (648-651).....	545
RECOMMENDED PUBLICATIONS.....	551
INTERNET SITES.....	553
Textbook.....	570

*И.И.ФАТОЕВ, И.Ш.САДЫКОВ, Б.Х.САЛОМОВ*

# САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ

*дарслик*

*Мусаҳҳих:*

*Саҳифаловчи:*

*М.Рахимов*

*М.Арслонов*



Оригинал – макетдан босишига рухсат этилди: 29.12.2020.

Бичими 60x84. Кегли 16 shponli. «Palatino Linotype» гарн.

Офсет босма усулида. Офсет босма қозозида. Босма табоғи 16

Адади 100 Буюртма № 129.



«Шарқ – Бухоро» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Бухоро шаҳар Ўзбекистон Мустақиллиги кӯчаси, 70/2 уй.

Тел: 0(365) 222-46-46



ISBN 978-9943-6895-0-3

A standard one-dimensional barcode representing the ISBN 978-9943-6895-0-3.

9 789943 689503